

**А. УСМАНХҮЖАЕВ, Х. ДАДАЕВ**

**УЙГУНЛАШГАН АНЬАНАВИЙ  
ВА НОАНЬАНАВИЙ  
ТИББИЁТ**

**Ҳабибулла Отоуллаевич Акилов  
тиб. фан. доктори проф.  
тахрири остида**

**I-қисм**

**Тошкент – 2021й.**

## **УЎК 615.89.61(5Ў)**

А. Усманхўжаев, Х. Дадаев.

Уйғунлашган анъанавий ва ноанъанавий тиббиёт [Матн]:  
Кўлланма / А. Усманхўжаев, Х. Дадаев. – Тошкент: 2021йил.  
Кўлланма 2 қисмдан иборат.

*Мазкур қўлланмада Ўзбекистонда анъанавий тиббиётда ноанъанавий (ҳалқ) тиббиёти усулларининг қўлланиши ҳақида билимлар берилган.*

*Ноанъанавий тиббиёт энг қадимий фанлардан бўлиб, унинг келиб чиқиши инсоният пайдо бўлган вақтдан бошланган.*

*Ўрта Осиёда мазкур тиббиётга ўз вақтида буюк олим Абу Али Ибн Сино асос солган ва бугунги кунда Европа мамлактларида ҳам машҳур.*

*Кўлланманинг мақсадларидан бири Ўзбекистонда ноанъанавий тиббиётнинг анъанавий тиббиётга қўшилишига қўмаклашишдан иборатдур.*

*Мазкур қўлланмада юрак-қон томирлари, ўпка, овқат ҳазм қилиши, сийдик йўллари ва бошқа касалликларни диагностика қилиши ва даволашда анъанавий тиббиёт ва ноанъанавий тиббиёт усуллари уйғунлаштирилган ҳолда келтирилган.*

*Шу нуқтаий назардан, бўй қўлланманинг ёзилиши зомон талабига мувофиқ катта қўйилган қадам деб ҳисоблаймиз.*

**Ушибу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги Таълим бошқармасининг 2021 йил 21 январдаги 1-сонли баённомаси қарорига мувофиқ нашрга руҳсат этилган.**

© А. Усманхўжаев, Х. Дадаев.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАЦ»**  
Ўз Р ССВ Фан ва таълим  
Бош боткормаси бошлини  
У.С. Исмаилов  
2021 йил «21» ғиброр  
№1 баённома



**«КЕЛИШИЛДИ»**  
Ўз Р ССВ Тиббий таълими  
ривожлантириш маркази  
директори  
Н.Р. Янгиева  
2021 йил «15» ғиброр  
№1 баённома



**УЙГУНЛАШГАН АНЪАНАВИЙ  
ВА НОАНЪАНАВИЙ ТИББИЁТ**

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши  
маркази тишловчилари, тиббий таълим мұассасалары педагог ва  
талабалари учун

**ҚҰЛДАНИМА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ БОТКОРМАСИ ВАЗИРЛИЧИЛОНДА  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МАРКАЗИ ТОМОНДАН  
НОУТАРАСА ОЛАНДЕ

21 ғиброр 2021

**Тузувчилар:**

А.Усманходжаев Ибн Сино жамғармасининг бош мутахасиси, т.ф.н.  
Х.Дадаев “Халқ табобати ва нейрореабилитация” кафедрасининг асистенти,  
т.ф.н.

**Тақризчилар:**

Э.М.Мирджураев “халқ табобати ва нейрореабилитация”  
кафедрасининг мудири, т.ф.д., профессор.

А.А. Абдурахманов Ўзбекистон касаба уюшмалари федерация ,  
санитарғурортлар бошқармаси, бош мутахасис, т.ф.д.

Ўкув кўлланма Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази Марказий ташкилий-услубий Кенгашида кўриб  
чиқилган.

2020 й. «\_17\_» ноябрь \_\_\_\_\_ № \_3 \_\_\_\_\_ баённома

Ўкув кўлланма Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш марказининг Олимлар Кенгашида кўриб чиқилган.

2020 й. «\_25\_» ноябрь \_\_\_\_\_ № \_299 \_\_\_\_\_ баённома



Кенгаш raisisi

Х.А. Акилов

Илмий котиб

М.К. Гулямова

## СҮЗ БОШИ

Ярослав Смоляковнинг шундай сўзлари бор: “Агар касал бўлиб қолсам, шифокорларга бормайман”. Одамларнинг шифокорларга бўлган бундай муносабати уларга бўлган ишончсизлик ҳақида хабар беради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда одамларнинг ноанъанавий тиббиёт ёрдамида даволаниш оммалашиб бормоқда.

Ноанъанавий тиббиёт бир вақтда кўп касаслликларни бирданига даволаш каби ҳусусиятлага эга бўлиб, бугунги кунда анъанавий тиббиёт даволай олмаган кассаликларни даволаб келмоқда.

Табобат инсоният билан бир даврда пайдо бўла бошлаган. Инсонлар ўз-ўзига, бир-бирига ёрдам бериши оқибатида аста-секин тиббий билимлар вужудга келиб, асрлар давомида узига хос ривожланиш йулинни босиб утган. Тиббий билимлар ривожланиши ҳозирги даврга келиб ута ихтисослашиб, жуда майда булакларга бўлинди. Шунга қарамай, ҳалқ табобати ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, у асрлар таъсирини енгиб келмоқда.

Бизлар мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқ табобатига кўрсатаётган ғамхўрлигидан илҳомланиб, ушбу фойдали китобни яратишга жазм этдик. Ушбу ишимиздан мақсад, бир томондан ҳалқимизни жаҳон ҳалқ табобати тарихи эришган ютуқлари билан таништириш, иккинчи томондан табобат усуллари, қуроллари, дориворлари ҳақидаги маълумотларни ҳалқимизга тушунарли тилда етказиб бериш бўлди. Унда хасталиклар ҳақида умумий маълумотлар содда ва равон тилда берилди, турли хасталикларни ҳалқ табобати усулида қандай қилиб даволаш учун зарур бўлган дори-дармонлар мужассамлаштирилди.

Қўлингиздаги “Ўйғунлашган анъанавий ва ноъанавий тиббиёт” рисоласининг ўзига хос аҳамияти шундаки, у жаҳон ҳалқлари табобатининг энг илғор усулларидан тортиб, отабоболаримиздан қолган муолажа усуллари, замонавий усуллар, тартиб-қоидалар, табиат унсурлари, озиқлантиришдаги парҳез қоидалари билан бойитилди.

Тарқоқ ҳолдаги ҳалқ табобатига оид адабиётларнинг асл мағзи муаллифларимизнинг кўп йиллик билим ва тажрибалари, таклифлари билан уйғунлаштирилиб, замонавий тиббиётнинг илғор усуллари билан бойитилди.

Шунингдек, шу кунгача эълон қилинмаган табиий ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари хусусида ҳам кенг маълумотлар берилган. Дори-дармонларни тайёрлашнинг қулай усуллари баён этилган. Жаҳон халқлари табобатида дори-дармонларнинг қандай тайёрланиши, иқлимий шароитига қараб истъемол қилишнинг ижобий, салбий таъсиrlари ҳисобга олинган.

Ушбу қомусда халқ табобати ривожланишининг кўхна даврлардан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган тарихи оммабоп тарзда ўз аксини топган. Қадимги Миср, Хитой, Тибет, Шарқ ва Ғарб табобатининг оддий усуллари тўлиқ ёритиб берилган. Ушбу усуллар билан бирга сув, ҳаво, иссиқлик, тупроқ, лой, қум, туз, магнит ҳодисаларининг даволаш учун ишлатилиши ҳам замонавий ёритилди.

Китобда инсон мижози, касалликларнинг кечиши, даволниш натижаларига таъсири, мижозга таъсир ўтказиш усуллари ҳақидаги амалларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ушбу асарда табиий гиёҳлар, уларнинг таъсири ҳар хил хасталикларда қўлланилиши, “камёб рецептлар” ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган. Халқимиз ушбу асарда гиёҳларни қаердан топиш мумкинлиги ҳақида ҳам маълумот олади.

“Уйғунлашган тиббиёт” асари жуда кўплаб маълумотлар берибина қолмасдан ўз соғлигига эътибор бериш, хасталикларнинг олдини олиш ва кўп ҳолатларда ўз-ўзини даволаш учун доимий ҳамроҳингиз бўлади.

“Мазкур китоб муаллифлари томонидан яратилган Қўлланмада келтирилган зарур билим-маслаҳатлар китобхонлар томонидан албатта ўзларига билим ва кўникмалар сифатида қабул қилинади, шунингдек дардларни даволашда уларга катта ёрдам беради” - деб умид қиласиз.

*Тошкент педиария тиббиёт  
институти «Хирургия» кафедраси  
мудири, БМТ қошидаги Халқаро  
ахборотлаш Академияси Академиги,  
т.ф.д, профессор Ш.А.Дадаев*

## I. БОБ. ЖАХОН ХАЛҚ ТАБОБАТИ


Маълумки, Шарқ инсоният тараққиётиning бешиги ҳисобланади. Илм-фаннинг барча соҳалари, жумладан, тибиёт илми ҳам дастлаб Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёвий далиллар ва тарихий маълумотлар шундан далолат беради. Масалан, Африка ва Осиё қитъаларида олиб борилган археологик қазилмаларда аждодларимизнинг қайси касалликлар билан оғригани ва қандай даволангани ҳақида жуда кўп ашёвий далиллар топилган. Шулар асосида биз узоқ ўтмишда баъзи мамлакатларда тибиётнинг қандай даражада ривожлангани ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлишимиз мумкин.

### КЎҲНА МИСР ТИББИЁТИ

Кўҳна Миср маданий ҳаёт ва илм-фаннинг ривожланиши жиҳатидан нафақат Шарқ балки дунё миқёсида ҳам етакчи ўрин эгаллаган.

Айниқса, Мисрнинг тибиёт тарихи жуда узоққа бориб тақалади. Маълумотларга, Мисрда эрамиздан олдинги ІУ минг йилликдаёқ биринчи тиббий масканлар барпо этила бошлаган. Масалан, 3600 йили Фили оролидаги Мемфис шаҳрида афсонавий табиб Имхотеб шарафига қурилган махсус ибодатхонада bemорлар қабул қилинган. Бу ерда қоҳинлар махсус тиббий таълим олганлар, улар bemорларни даволаш билан шуғулланганлар. Хелиополис ва Саис шаҳарларидағи тиббий мактабларда дорилар таёrlаш, қўллаш, bemорларни текшириш ташхис қўйиш ва даволаш ишлари ўргатилган.

Кўҳна Миср тибиёти ҳақидаги маълумотлар папирусларда ёзib қолдирилган. Шулардан дастлабкиси Имхотеб папирусидир. Уни ўзи ёзган, деб фараз қиласилар. Бундан ташқари, Георг Эберс, Эдвин Смит, Бругша номи билан аталувчи папируслар ҳамда



Британия тиббий папируси бор. Каун папируси мавжудлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Бу папируслар орасида, айниқса, дикқатга сазовори Георг Эберс папиросидир. Бу папирус эрамиздан олдинги 1500 йилларда ёзилган деб тахмин қилинади. Унда асосан турли хилдаги дорилар, уларнинг қайси кассаликларда ва қандай қўлланиши баён қилинган. Дориларни қўллашда йил фасли иқлими bemornинг ёши ахволи, касалликнинг оғир ёки енгиллигиниҳисобга олиш кераклигини, дori таъсирларининг шу омилларга боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Масалан, болаларнинг ёшига қараб дорини ишлатиш усули турлича бўлган. Чунончи, бир хил касаллик билан оғриган ҳар хил ёшдаги болага турли усулда дori берилган. Катта ёшдаги боланинг ичи кетганда унга дori ҳап шаклида берилса, шу касаллик билан оғриган чақалоқقا дori майдаланиб, сутга қўшиб берилиши кераклиги кўрсатилган. Кўхна Миср тибиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири шу эдики, ҳар бир касаллик учун ҳар хил дori турлари ишлатилган. Табибининг моҳирлиги касалга мос дорини танлай билиши билан белгиланган.

**Касаллик сабаби масаласи.** Мисрликлар касалликни ёвуз рухлар пайдо қиласи, деб ўйлашган. Дастваб ҳар хил усуллар билан ёвуз рухни танадан чиқариб юбориш чорасини кўриб, кейинжоҳил рухнинг bemor танасида қолдирган касаллик асоратларини йўқотиш учун дori-дармон бериш лозимлиги ёзилган. Шунинг учун ҳам бу дорилар илохий таъсирга эга бўлган. Табиблар афсунгарлик ва сеҳр усулларини билишган. Улар ўша пайтлардаёқ ич оғриганда 1 қисм сигир сути, 2 қисм ун, 1 қисм асални аралаштириб, 3 кун истъемол қилишган.

Ҳар бир дori турини қандай касалликда қўллаш, моддалар рўйхати ҳамда уларнинг ҳар биридан қанча миқдорда олиш кераклиги, дорини қандай ва неча кун ичиши ёзиб қўйилган. Бу кўхна усуллардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилади.

Георг Эберс папиросида даволаш усуллари маълум бир тартибда баён этилган. Хусусан, ҳар бир дориларнинг рецептлари билан бир қаторда аёллар касалликларига алоҳида тўхталиб ўтилган ҳамда жарроҳлик касалликларидан - ҳар хил жароҳатлар, чиққан-синган суюкларни даволаш, хатна қилиш баён этилган. Жарроҳлик ҳақида Эдвин Смит папиросида анча тўла маълумот берилган. Бунда жароҳатланиш касалликлари уч гуруҳга бўлинган:

даволаб бўладиган жароҳатлар;  
даволаниши қийин бўлган жароҳатлар;  
даволаб бўлмайдиган жароҳатлар.

Учинчи гурухга киравчи касалликни табиблар даволашдан қочганлар. Смит папирусида дастлаб ҳар бир аъзонинг анатомик тузилиши баён этилади, сўнг унинг касаллик ҳолати ва даволаш усуллари кўрсатилган.

Бошқа папирусларда, асосан, ҳар хил рецептлар ва уларнинг қайси касалликларда қўлланилиши баён этилган. Аммо рецептларда фойдали дорилар билан бир қаторда, баъзан мутлақо кераксиз ва заарли моддалар ҳам келтирилган. Масалан, баъзи рецептлар таркибига кирган ингредиентлар ичидаги бузилган (сасиган) гўшт, ёғ, баъзи ҳайвонлар ахлати, ачиған сут, ҳайвонларнинг майдаланган суяги, туёғи кабилар учрайди.

Миср табиблари касалликлар бўйича ихтисослашганлар. Масалан: Кўхна Мисрда кўз, тиш, бош, ички аъзолар, руҳий касалликлар бўйича мутахассислар ва жарроҳлар бўлган. Тиш касалликлари бўйича мутахассислар касал тишни даволаш ва тузатиб бўлмайдиганини олиб ташлаш билан чекланиб қолмай, тишни пломбалаш усулларини ҳам билганлар. Масалан, улар олтин симлар билан тишларни бир-бирига мустаҳкамлаб қўйганлар.

Мисрликлар тушунчасига кўра одам ўлгандан кейин (агар унинг жасади сақланса), унинг руҳи яшашда давом этади ва Маҳшарда бу руҳ одам танасига қайтиши мумкин. Шу тушунчага асосан фиръавнлар, сарой амалдорлари ва бадавлат кишилар ўлганлардан сўнг уларнинг жасади бальзамланган. Жасадни ёриб, томирига бальзам юборилган. Одам организмининг тузилишини мисрликлар бошқа халқларга нисбатан яхшироқ билганлар.

Эрамиздан олдинги IV аср бошларида македониялик Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) Мисрни босиб олади ва бу ерда Искандария (Александрия) шаҳрини барпо этади. Искандария тез орада илм-фан марказларидан бирига айланди. Жумладан, тиббиёт ҳам юксак даражада ривож топади. Йирик олимлар, донишманлар, машҳур ҳакимлар ҳам бўлган. Айниқса, Эразистрат ва Херофил машҳур бўлганлар.

Эразистрат асли кичик осиёлик бўлиб, эрамиздан олдинги (280-йилда вафот этган) III аср бошида Искандарияга кўчиб келиб, шу ерда яшаб, ижод этган.

Эразистрат тиббиётни одам организмининг хусусиятлари, хусусан, ҳаракат жараёнини ўрганишдан бошлаган. Шу мақсадда у кўпгина анатомик текширишлар ўтказади ва бир неча кашфиёт қиласди. Масалан, одам бош миёсини текшириб, унда қаттиқ ва юмшоқ мия пардалари борлигини, мия сатҳи текис эмаслигини, у эгри-буғри ва майда чуқурча-эгатлардан иборат эканлигини, мия массаси ичидаги суюқлик сақловчи чуқурчалар (халтачалар) ҳамда мияда ҳаракатлантирувчи ва сезувчи нерв томирлари борлигини аниқлаган. У организм ҳаракатини бош мия идора этиб туришини исбот қиласди. Бу ўша вақтдаги жуда муҳим кашфиётлардан бири эди.

Эразистрат юрак ва қон – томирларини ҳам анатомик ва физиологик жиҳатдан текшириди, юрак ҳаракатини кўздан кечирди. Юрак ва юрак даҳлизи ҳамда юрак ва аорта томири ўртасида қопқоқчалар борлигини аниқлади. Қорин бўшлиғидаги аъзоларни текшириб, ичак перистальтикасини кўздан кечирди. Перистальтика туфайли овқат механик жиҳатдан ишланиши хақида фикр юритди. Бу фикр сўнгги текширишларда тамомила тасдиқланди. Шундай қилиб, Эразистрат биринчи бўлиб одам анатомияси ва аъзолар фаолиятининг баъзи муҳим масалалари хақида тўғри фикр юритган ва буни анатомик текширишлар йўли билан исботлаб берган. Бу тиббиёт фанига қўшган катта ҳисса эди.

Искандариялик олим Херофил эрамиздан олдинги 300- йилда туғилган. Херофил ҳам ўз фаолиятини анатомияни ўрганишдан бошлади. У мия, жигар ва юракни синчиклаб текшириди. Миянинг тўртинчи қоринчаси каттароқ эканлигини аниқлади. Юракни текшириб, унинг ҳаракатида уч давр – систола, пауза ва диастола бўлишини кузатди. Артерия қон-томирларининг уриб туришини текшириб, унинг юрак ишига алоқадорлигини кўрсатди. Ўн икки бармоқка teng келадиган ичак (Duodenum) ни биринчи марта у кашф этган.

Касалликларнинг сабачилари масаласида Херофил идеалистик фикрда эди. Лекин даволашда фақат диний усууларни қўлламай, дори-дармонлардан ҳам фойдаланиш кераклигини уқтириди. Херофилнинг фикрича, хар бир касалликнинг ўзига хос маҳсус дориси бўлиши керак. Олим жуда мураккаб (кўп таркибли дори) дори турларини қўллаган.


Ўша даврда Искандарияда яна бир машҳур табиб Херофилнинг шогирди – Кослик Филипп (310-280 йиллар) яшаган.

“Эмпириклар мактаби” номли жамиятни ташкил этган. “Эмпирик”лар организмнинг тузилиши ва табиатни текшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, у тўғрида ҳар хил назарий фикр юритиш ҳам ортиқча, деб ўйлаганлар. Табибнинг вазифаси иложи борича фойда келтирувчи дориларни қидириб топиш ва қўллашдан иборат, деб уқтирганлар.

## КЎҲНА ҲИНДИСТОН ТИББИЁТИ

Ҳиндистон тиббиёт соҳасида ҳам ўз тарихига эга. Кўҳна Ҳиндистон тиббиётини ўрганишда Аюр Веда асосий манба ҳисобланади.

“Аюр Веда” сўзи “ҳаётни билиш” деган маънони билдиради. Тарихдан учта Аюр Веда маълум. Булар - Атрейн Аюр Ведаси, Чараки Аюр Ведаси ва Сушрута Аюр Ведаси. Сушрута Аюр Ведаси алоҳида эътиборга молик. Бу китоб эрамиздан олдинги IV асрда ёзилган, деб тахмин қилинади.



Расм 2.

Китобда одам организмининг тузилиши, унинг табиати, соғлиқни сақлаш масалалари, касалликларни аниқлаш ва келиб чиқиш сабабларини билиш, шу билан бирга касалликларни даволашга алоҳида эътибор берилган.

Ҳиндистон табиблари Хитой олимлари каби самовий элементлар тушунчасига асосланганлар. Ҳиндулар маълум тўрт унсурга (сув, ер, ҳаво, олов) бешинчи илохий унсурни ҳам кўшдилар. Бу унсурлар вужудга овқат сифатида киради ва меъдада каймусга айланиб, ичаклар орқали танага сингади ҳамда барча аъзолар таркибий қисмига киради. Ҳинд табибларининг фикрича, одамнинг табиати шу унсурлар билан белгиланади.

Қадимги ҳиндулар соғлиқни сақлашда гигиена қоидаларига риоя қилишни биринчи ўринда қўйганлар. Хусусан, танани, кийим-кечакни, кўрпа-тўшакни, уй-жойни тоза ва озода сақлашга, жисмоний тарбияга алоҳида аҳамият беришган.

Овқатланиш тартибининг бузилишидан кўп касалликлар келиб чиқишини аниқлаб, парҳез таомларни тавсия этганлар.

Кўхна ҳинд табиблари касалликларни аниқлаш ва даволашда юксак маҳоратга эришганлар. Биринчи галда беморни синчиклаб кўздан кечириш, ундан сўраб-суриштириш, териси ва шиллиқ пардаларининг ҳолатини (қуруқ ёки намлиги) текшириш ва тусини аниқлаш, тилни кўриш, томирнинг уришини аниқлаш усулларини ишлаб чиқканлар.

Сушрута Аюр Ведасида 1500 дан ортиқ касаллик белгилари ва аниқлаш усуллари баён этилган.

Сушрутада тиббиёт тарихида биринчи бўлиб, ялиғланиш жараёнининг белгилари бекаму кўст кўрсатиб берилган. Булар – шиш пайдо бўлиши, қизариши, шу жойнинг ҳарорати ошиши, оғриқ пайдо бўлиши ва яллиғланган аъзо функциясининг бузилишидан иборат.

Кўхна ҳинд табиблари касалликларнинг келиб чиқишида хуморал (рутубатлар) назарияси нуқтаи назарида турганлар. Бу назарияга биноан ҳар қандай касалликка аъзодаги тўрт суюқлик (қон, балғам, сафро, савдо)нинг миқдори ёки сифат жиҳатидан ўзгариши сабаб бўлади. Улардан бирортаси устун бўлса, мувозанат йўқолиб, касаллик келиб чиқади. Мувозанат бузилишига иқлим ва об-ҳавонинг ўзгариши, оғир жисмоний меҳнат, нотўғри овқатланиш сабаб бўлади.

Сушрутада дори-дармонларнинг 800 га яқин бўлиб, булар асосан ўсимликлар, минерал моддалар ва ҳайвонлар аъзоларидан тайёрланган. Табиблар bemorga дори беришдан олдин суюқликларни мувозанат ҳолига келтириш мақсадида жисмни ортиқча рутубатлардан тозалаш тадбирини кўрганлар (ичини суриш, қустириш, хукна қилиш), кўпинча bemor томиридан қон олиниб, дори-дармон берилган.

Беморларни даволашда яна дори-дармонлардан ташқари, уқалаш, ванна қабул қилиш ва бошқа усуллар қўланилган.

Жарроҳлик усули, айниқса, ривож топган. Жарроҳлар қовуқдаги тошни чиқариб олганлар, чуррада жарроҳлик муолажаси қилинган, қаттиқ жароҳатланиб, ишга яроқсиз бўлиб қолган қўл ёки оёқни кесиб ташлаганлар, кўз катаректасини операция қилишган. Аёлларнинг баъзи касалликларини ҳам жарроҳлик йўли билан даволашни билганлар ёки дори-дармонлар билан даволаганлар ва ҳоказо.

Кўхна ҳинд табиблари пластик жарроҳлик усулини жуда яхши билганлар. Бирор етишмаган аъзо ёки унинг қисми тикланган. Бу

соҳада Сушрутанинг ўзи машхур бўлган. У бурун, қулок, лабни пластик йўл билан қайта тиклаш усулини моҳирлик билан амалга оширган. Бу “Ҳинд усули” номи билан машҳур эди. Ҳинд жарроҳлари 200 хилдан ортиқ асбобларни ишлатганлар.


## КЎҲНА ЭРОН ТИББИЁТИ

Кўҳна Эрон табиблари ҳам киши соғлиғини тўрт унсурга боғлиқ, деб тушунганлар. Одамнинг руҳий ҳолатига алоҳида аҳамият берилган. Уларнинг таъкидлашича, жаҳолат киши иштаҳасини бузиб, касаллик келтириб чиқаради. Яхши кайфият ва хурсандчилик эса bemорга шифо ато этади. Бу ҳозирги замон тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам тўғри.

Эронликларнинг ўз тиббий худолари бўлган. У Траэтон деб аталган. Бу ном “Авесто”да ҳам учрайди. Эронда амалий тиббиёт анча ривожланган эди. Табиблар алоҳида гуруҳларга бўлинганлар. Масалан, фуқаролар табиблари, денгизчилар табиблари, қуруқлиқдаги ҳарбий кучларда хизмат касалликларни анча Касалликларнинг олдини “Касаллик танангга зиён етказмасдан олдин сен уни суғуриб ташла!” – дейишган табиблар.

Табиб ўз касбини яхши эгаллаган билимдон бўлиши, одамларга мулоим, хушмуомала, bemорларга дўстона муносабатда бўлиши лозим. Беморга касаллиги ҳақида кўп гапирмаслик, сир сақланиши зарур бўлган нарсаларни эса умуман айтмаслиги керак. Таҳхис масаласида bemорлардан сўраб-суриштиришга(анамнезини ўрганишга) алоҳида аҳамият берганлар. Беморнинг ҳистойғуларини эътиборга олганлар. ”Қайси бир bemор касаллигини яширса, у ўзини алдаган бўлади”, - дейилган мақоллардан бирида.

Эрон табиблари орасида қаххоллар (кўз касалликлари мутахассислари), жарроҳлар, тиш табиблари, таносил, руҳий ва



Расм 3.

қилувчи табиблар ва ҳоказо. Табиблар мұваффақиятли даволаганлар. Олишга алоҳида аҳамият беришган. “Касаллик танангга зиён етказмасдан олдин сен уни суғуриб ташла!” – дейишган табиблар.

ҳатто аёллар касалликларини даволовчилар бўлган. Жарроҳлар олдига қаттиқ талаб қўйилган. Улар касалларни жарроҳлик йўли билан даволашга киришишдан олдин ўз билим ва тажрибаларини исбот этиши шарт бўлган. Табиблар жарроҳлик муолажаси вақтида оғриқсизлантириш учун bemорга наркотик моддалар берганлар.

Улар иситмали касалликлар, хусусан, безгак, бавосил, чечак, чақа яралар, ич кетиш, ҳар хил яллиғланиш, юқумли тери касалликларини даволашни яхши билганлар.


Дорилар ичида ўсимлик ва минерал моддалар, ҳайвонлардан олинадиган дорилар ва бошқалар бўлган. Бундан ташқари, табиблар организмнинг баъзи касалликларга қаршилик кўрсатиш, қувватини ошириш, масалан, улар илон заҳарини оздан бериб, организмнинг заҳарга чидамини оширганлар. Бу иммунитет дейилади.

Табибларга мўйначилар, темирчилар, тери билан ишловчиларда учрайдиган касалликлар маълум бўлган. Улар юқумли касалликлар мавжудлигини билганлар ва уларга қарши баъзи чораларни ишлаб чиққанлар. Юқумли касаллик пайдо бўлган хонадонни ва bemор буюмларини дудлатганлар.

## АНЬАНАВИЙ ХИТОЙ ХАЛҚ ТИББИЁТИ

“Инь” ва “янь” тушунчаларига тўхталинса оддий хитойликлар, аввало, халқ достонининг қаҳрамони “Жаноб Иньян” ҳақидаги ривоят, эртак ва афсоналарнинг қаҳрамонлари билан тасаввур қиласидилар. Кўпчилик учун эса “инь” ва “янь” тушунчалари феодализмдан қолган хуроффот ҳисобланади. Ҳолбуки, ҳар кунги сўзлашувда учраб турадиган бу сўзларнинг Хитой тилидан таржимаси “инь” – аёлларга хос қи сми – совук, жоҳил, “янь” эса эркакларга хос – ёруғ, қуёшли, иссиқ

хусусиятларни англатади. Бизнинг атрофимизда қоронфилашган (инь) ҳамда қуёшли ёруғ жойлар (янь) мавжуд. Об-ҳаво ёмғирли



Расм 4.

(инь) ёки қүёшли (янь) ифодаларига түғри келади. Масалан, физикада заррачалар манфий (инь) ёки мусбат (янь) белгиларини ифодалайди. Кимёда ионлар манфий (инь) ёки мусбат (янь) бўлиши мумкин. Тиббиётда эса аёл жинси (инь) ва эркак жинси (янь) тушунчаларига түғри келади. Илмий тажрибаларнинг натижалари салбий (инь) ёки ижобий (янь) бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, ”инь“ ва ”янь“ қарама-қарши туркумлар бўлиб, жисм ёки ҳодисани атрофлича тавсифлаш учун фойдаланилади. Булар ҳаётда ҳам, фанда ҳам мавжуд.

”Инь“ ва ”янь“ ҳақидаги таълимот Шарқий Чжоу даври (эрамизгача 770-256 йиллар), Чуньцю (эрамиздан олдинги 770- 476 йиллар) ва урушқоқ шоҳлар замонида (эрамиздан олдинги 475 – 221 йиллар) ривожлана бошлаган. Бу таълимот борлик олам ҳодисаларини тушунтирибгина қолмасдан, анъанавий Хитой тиббиёт назариясининг асосий қисмини ташкил қиласди, унинг хамма соҳалари ва йўналишларини ўз ичига олади.

Агар инсон танасининг тузилишини кўриб чиқадиган бўлсак, унинг юқори қисми ”янь“ни, қўйи қисми ”инь“ни ташкил этади. Ҳар бир ички аъзо икки хил тавсифга ёки томонга эга. Масалан, юрак ёки буйрак ”инь“ ҳамда ”янь“ хусусиятларига эга. Барча касалликлар шу иккى - (совук) ”инь“ ва (иссиқ) ”янь“нинг муросасизлигидан келиб чиқади, мувозанати эса соғлиқни таъминлайди.

Ташхис қўйишда ҳам ”инь“ ва ”янь“дан фойдаланилган. Даволашда ҳам ”инь“ ва ”янь“лар орасидаги мувозанат ва уйғунликни тиклашга уринилган. Бу таълимот тиббиёт илмининг мажмуасини ташкил қиласди. ”Инь“ ва ”янь“ ҳақидаги таълимот анъанавий Хитой тиббиёти назариясининг ўзига хослигини кўрсатади.

**Қораталоқнинг қувватсизланиши ва ер ҳамда табиатнинг бешта унсури.** Агар сиз ёмон иштаҳа ва дармонсизликдан шикоят қилсангиз, Хитой табиби сизда қораталоқ қувватсизлигини ва ерни айтади. Бу сизга ғалати туюлиши мумкин, чунки сиз ”ер“ қандай қилиб касаллик келтириб чиқаради, деб ўйлайсиз. Бу саволга жаоб беришдан олдин табиатнинг беш унсурини тушунтириб ўтиш жоиз. ”Табиатнинг беш унсури“ ҳақидаги таълимот ҳам кўҳна Хитой фалсафасининг бир қисмини ташкил қиласди. Бу таълимотга асосан ҳаёт дараҳт, ўт, ер, металл, сувдан, яъни бешта асосий унсурдан

ташкил топган. Бу унсурларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларги эга.

Анъанавий Хитой тиббиётида бешта асосий унсурнинг бир-бирини фаоллаштирувчи ва сусайтирувчи муносабатидан фойдаланилади. Масалан, юрак-жигар, талоқ, ўпка ва буйраклар бир-бирини сусайтириб, фаоллаштириб туради. Агар биз ички аъзолар ҳақида сўз юритадиган бўлсақ, улар орасидаги муносабат унсурлар орасидаги муносабатга мос келади, яъни ер металлни фаоллаштиради, талоқ ўпкага фаоллаштирувчи таъсир беради, дарахт ерни мумайтириб туради, жигар талоққа сусайтирувчи таъсир кўрсатади.

Бинобарин, “цзан” гуруҳига кирувчи бешта ички аъзо – юрак, жигар, талоқ, ўпка ва буйрак орасида фаоллаштирувчи ва қўллаб турувчи муносабатлар мавжуд. Бу муносабатларнинг мувозанати худди шу аъзолар фаолиятининг меъёрда бўлишини таъминлайди. Фаоллаштирувчи ва сусайтирувчи таъсирларнинг ўзаро мувозанати бузилса, касаллик пайдо бўлади. Масалан, жигарнинг ўта фаоллашуви талоқни сусайтиариди ва натижада талоқда касаллик пайдо бўлади.

“Фу” гуруҳига кирувчи олти аъзо – ингичка ичак, ўт пуфаги, меъда, йўғон ичак ва қовуқ, шунингдек, ”саньцзэс” (орка тешик) ўртасида ҳам шундай ҳодиса кечиши мумкин.

“Саньцзэс” ёки “учтацзэс” маълум бир аъзо бўлмай, “цзэн” ва “фу” гуруҳига кирувчи аъзоларнинг баъзи вазифаларини умумлашган ҳолда акс эттиради. ”Юқори цзэс”га меъда, ичак, кўкрак соҳаси киради ва у турли аъзоларнинг қон ва “ци” – ҳаёт куввати билан таъминловчи юрак ва ўпка фаолиятини акс эттиради. ”Ўрта цзэс” соҳаси озиқ моддаларни ўзлаштиришдан иборат. Талоқ ва меъда фаолиятини акс эттиради. ”Куицзэо”га қорин соҳасининг пастки қисми киради. У сийдикни тўплаб, организмдан чиқариб ташлайдиган буйраклар ва қовуқ фаолиятини акс эттиради. Бу тиббиётда яхши маълум бўлиб, улардан анъанавий Хитой тиббиёти ҳам, Европа тиббиётида ҳам фойдаланилади.

Хитой тиббиёти ҳам, Европа тиббиётида ҳам буйрак касалликлари сийишнинг қийинлашувига ва шишларга сабаб бўлади, деб ҳисоблайди. Аммо Европа тиббиёти аёлларнинг туғмаслик сабабларини жинсий аъзолар хасталигидан ахтарса, Хитой тиббиёти уни буйраклар билан боғлаб, “буйраклар сустлиги уруғланишга халақит беради”, деган фикрни айтади. Бу Хитой

табибларининг “буйраклар фақат сийдик ажратиш вазифасини бажарибгина қолмай, балки ҳомиланинг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади”, деган тасаввурига боғлиқ. Шунинг учун Хитой тиббиёти “буйраклар сустлиги” ҳақида сўз юритилганлда, Оврўпа тиббиёти сингари фақат буйрак касалликларини тушунмайди.

Хитой тиббиётида юрак-жигар, талоқ ва ўпкага ҳам худди шундай нуқтаи назардан қаралади. Масалан, юз-қўзларнинг қизаришини, шаҳват ҳирсининг кучайишини, ўз-ўзини идора қилиш қобилиятининг сусайишини Хитой табиби “жигар ва ўтнинг кучайиши”га алоқадор, деб ҳисоблайди. Уйқусизлик, оғиздаги аччиқ таъмдан, сийдикнинг сарғайишидан шикоят қилган bemorларга “юрак ва ўтнинг кучайиши” ташхисини қўйиш мумкин. Бу жигарда гепатит, юрак эса миокардит касалликлари борлигини билдириди. Хитой тиббиёти турли хил касалликлар сабабини бош мия фаолияти уйғунлигининг бузилиши билан боғлайди. Чунки бош мия фаолияти юрак-жигар ва бошқа аъзолар иши билан бевосита боғланган. Масалан: бу талоқнинг озиқ моддаларни ўзлаштириши ва уларни тананинг муайян жойларига етказиб беришида яққол намоён бўлади.

Хўш, каналлар ва туташтирувчи тармоқларнинг ўзи нима? Каналлар ва туташтирувчи тармоқлар табиатини тушуниш учун олимлар мурдаларни ёриб, мушак тўқимасини кўздан кечириб, ҳатто кучли электрон микроскоп ёрдамида текширганлар. Барча уринишлар зое кетган, ҳеч қандай янги тузилма ёки структураларни аниқлай олмаганлар. Фақат аввалдан маълум бўлган қон томирлари, лимфа тизими ва нервларнинг мавжудлиги тасдиқланди, холос.

Ҳозирги вақтда каналлар ва боғловчи тармоқлар нерв тизими билан узвий боғланган, деб ҳисоблашади. Даволаш эса нерв тизимига игна санчиб таъсир қилишга асосланган, деб ҳисоблайдилар. Бу тахмин ҳақиқатга яқинроқ. Бунга қуйидаги далилларни келтириш мумкин. Каналлар ва боғловчи тармоқлар системасининг жойлашуви деярли асаб системасининг жойлашувига тўғри келади ва акупунктура нуқталарининг остида эса, одатда маълум нервлар жойлашган. Агар акупунктура нуқтасига бир оз оғриқсизлантирувчи дори воситаси юборилса, игна санчиш bemorda увушиш, зирқираш, оғирлашув ҳисларини пайдо қилмайди. Лекин бунда даволаш самаради бўлмайди.

Маълумки, ”цигун“ санъатини мукаммал эгаллаган шахсларгина каналлар ва нуқталарда пайдо бўладиган ҳисларни бошқариш қобилиятига эга бўладилар. Бироқ каналлар ва боғловчи тармоқлар табиатини ўрганиш ҳануз ўз ечимини топмаган.

### **Об-ҳаво, бир-бирига ўхшаш иқлимий ўзгаришлар ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири.**

Баҳор илиқлиги, ёз иссиғи, куз салқини, қиши совуғи, яъни қорин дам бўлиб, иштаҳа ёмон бўлса, ич кетса, бемор тез чарчаса демак талоқнинг даҳли йўқ. Белнинг оғриши, шиш, кўп сийиш, бепуштлик, шунингдек, буйрак касалликларидан далолат беради.

Касалликка сабаб бўлган аъзони аниқлангандан кейин беморда “совуқ ўтиш аломати” ёки “иситма аломати”, “етишмовчилик аломати” ёхуд “ортиқчалик аломати” мавжудлигини аниқлаш керак. Масалан, иштаҳанинг пасайиши, қориннинг оғриши – меъда ва талоқ касалликлари белгиси. Агар келгуси текширишлар, беморни асабийлигини, кекиришни, қориннинг оғришини, қоринни босиб туриш хоҳиши пайдо бўлиши, нажаснинг сассик, сийдикнинг тўқ рангли бўлиши “иситма аломати” мавжудлигини билдиради.

Агар беморнинг ичи тез-тез келиб турса, қорни оғриётганда танаси совиса, нажаснинг таркибида ҳазм бўлмай қолган овқат қолдиқлари тушса, бемор дармонсиз бўлиб, тез чарчаса ва совуқдан кўрқса, унда “ошқозон етишмовчилиги”, ҳамда “совуқ ўтиш аломати” бор экан.

Сезги аъзолари касалликларини анъанавий Хитой тиббиёти кўпинча бешта “цзан” аъзоларига боғлайди. Масалан, кўз касалликлари жигар ҳолатига боғлиқ. Кўзларнинг қизариб яллиғланиши ва кўриш қобилиятининг ёмонлашиши жигар иситмасидан далолат беради. Демак, бу аломатни даволаб, бемор кўзини асли ҳолатига келтириш мумкин.

Кўз санчиб, оғриб, жисмлар хира кўринса, унга “жигарда қон етишмовчилиги аломати” сабаб. Шунингдек, “жигарда “инь” етишмовчилиги аломати” бўлиши мумкин. Бунда даволашни жигарда қон ва “инь”ни, яъни мижозни тиклашга йўналтириш керак.

Бундан ташқари, битта ички аъзонинг ҳолати бошқа аъзонинг ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. Агар буйракларда “янъ” етишмаса бемор совуқни ёқтирумайди, бели зирқираб оғрийди, қўл ва оёқлари совийди, юзи бўзаради, кечаси сийиб қўяди. Бу ўз навбатида салбий

таъсир кўрсатади, беморнинг иштаҳаси йўқолади, ичи кетади. Шунинг учун буйраклардаги “янь” етишмовчилигини даволаш талоқдаги “янь”ни асли ҳолига келтиришга ҳаракат қилиш керак. Ўпкалардаги “етишмовчилик аломати”ни даволаш учун “талоқни мустаҳкамлаш” усулини қўллаш мумкин. Бу ўпка сили билан оғриган баъзи bemorlarغا ёрдам беради.

Халқ табиби, келган bemordagi касаллик белгиларини ва бирор-бир касаллик аломати борлигини аниқлашга ҳаракат қиласди. Айрим ҳолларда ташқи белгига қараб ташхис қўйиши мумкин.

Касалликларга ташқи муҳит омиллари (Хитой тиббиётида “олти нокулай об-ҳаво ўзгаришлар”, “ици” омили, Европа тиббиётида касаллик чақирувчи бактериялар, инфекция ва ҳ.к.) асосий сабаб бўлиб, инсон танасида турли хил салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради. “Касалликнинг илдизига қарашиб керак”, деган ибора эса касалликнинг асосий сабабини ва унга нисбатан тананинг муносабатини англатади. “Аломат” тушунчаликни илдизни тўла акс эттиради, чунки у умумий равишда касалликнинг асосий сабабини ва bemorning жавоб реакциясини ўз ичига олади. Бинобарин, анъанавий Хитой тиббиёти даволаш мобайнида танадаги касалликни бутунлай бартараф этишга ҳаракат қиласди. Асосий эътиборни “аломат”ни даволашга қаратади. Масалан, йўтални даволашда, чора-тадбирлар нафақат яллиғланиш жараёнини енгиллаштиришга, балки bemorda қайси аломат мавжудлигини аниқлашга қаратилиши керак, зоро “совук ўтиш аломати” ва “иситма аломати”ни даволаш усуллари бир-биридан фарқ қиласди.

Даволаш иурлари ниҳоятда кўп. Масалан, Хитой тиббиётида даволашнинг икки усули мавжуд:

1. Ташқи белгиларни даволаш.
2. Касаллик аломатини даволаш.

Биринчи усул касаллик белгиларини бартараф қилишга, иккинчиси эса bemorni касалликнинг асосий сабабчисидан халос этишга ва bemordagi салбий ўзгаришларни йўқотишга қаратилган.

Одатда, иссиқда “иситмани даволаш”, оғриқда “оғриқ”ни даволаш, йўталда йўтални даволаш, қон кетишида қон кетишини тўхтатишдан иборат бўлмай, балки касалликнинг асосий аломатини аниқлаб, ўшани даволаш зарур. Шунда касаллик белгилари ўз-ўзидан ўтиб кетади. Масалан, шамоллашнинг “иситма белгиси” натижасида тана ҳарорати қўтарилади. Айнан иситма тана

ҳароратини аввалги меъёрига келтиради. “Меъдадаги иситма” аломатига алоқадор бўлган милк қонашини меъдага таъсир қилиш билан даволаш мумкин.

Бироқ касалликнинг ташқи белгилари рўйирост юзага чиқиб, bemor ҳаётига хавф солаётган ҳолларда ана шу ташқи белгиларга қараб даволаш усули қўлланилади. Бу хилдаги даволаш усули тана ҳарорати жуда кўтарилиб кетганда, жуда кучли оғриқ бўлганда, bemor қув-қув йўталганда қўлланилиши мумкин, чунки бу белгиларнинг юзага чиқиши bemornинг овқатланишини, уйқусини бузиб, ҳолини танг қилиб қўяди.

Белгиларни енгиллаштириш, уларнинг намоён бўлиши даражасини пасайтириш ва бу билан bemor ҳолатини яхшилаш, унга ўз кучини сақлаб қолишда ёрдам бериш, ўта муҳимдир. Агар bemorda кучли қон кетаётган бўлса, дарҳол уни тўхтатиш чорасини қилиш лозим. Кейин иккинчи касаликни даволашга ўтиш мумкин.

Нима учун айрим касалликлар ҳар хил, баъзи касалликлар эса бир хил даволанади? Анъанавий Хитой табобати айрим касалликларни ҳар хил, баъзи касалликларни бир хил даволайди. Бунинг асосий сабаби, айрим касалликлар турли хил кашф этилиши ва ҳар хил белгиларда мавжуд бўлишидадир. Шунга мос равища ҳар хил даволаш тадбирлари қўлланилади. Масалан, диққинафас касаллигига “ортиқчалик аломат”, ”етишмовчилик аломат”, ”совук ўтиш аломати”, ”иситма аломати” учраши мумкин. Баъзи ҳолларда бу касаллик кўп миқдорда балғам ажralиши билан, бошқа ҳолларда эса кучли йўталлар билан кечади. Шунинг учун Хитой табобатида диққинафас касаллигини даволаш учун ҳар хил усувлар қўлланилади.

Бундан ташқари, Хитой тиббиёти аълум бир касаллик билан оғриган bemorni мавсумларига қараб ҳар хил даволайди. Масалан, қишида астма (диққинафас) билан оғриган bemornинг аҳволи совук таъсирида оғирлашади, совуқни ёқтирмайди, тумов бўлади, шилимшиқ балғам ташлайди, боши оғрийди ва вужуди зирқирайди. Бунда bemornинг умумий аҳволини енгиллаштириш учун даволашнинг “иситиш” усулинин қўллаш мумкин.

Баҳор келиши билан касаллик яна зўрайади. Энди bemornинг тана ҳарорати ошади, чанқайди, сарғиш балғам ташлайди. Энди унга “иситиш” усули ёрдам бермайди, бунга “совитиш” ёки “иссиқ тушириш” усулидан фойдаланиш керак. Дард зўрайиб кетганда, bemor ҳансираф туради, дармони қурийди, кўп терлайди, одамови

бўлиб қолади. Энди “мустаҳкамловчи” даволаш усули яхши наф беради.

Лекин вакт ўтиши билан бемор тўла-тўкис даволанмаса, юқоридаги усуллар фойда бермаслиги мумкин. Бу астманинг янада оғирлашиши, ҳолдан тойиб қолиши ва оқибат натижада буйракларда “ци” етишмовчилигига олиб келади. Бинобарин, буйракларга мустаҳкамловчи таъсир кўрсатиш керак бўлади.

Энди ҳар хил касалликларни бир хил даволаш сабаби шундаки, касалликларда бири-бирига ўхшаш ёки бир хил белгилар учрайди. Бинобарин, даволашнинг ўхшаш ёки бир хил усуллари кўлланилади. Тажрибали бир шифокор учта беморни даволаган. Уларнинг бирида шамоллаш натижасида қаттиқ бош оғриғи пайдо бўлган, аммо оғриқсизлантирувчи дори воситалари фойда бермаган. Иккинчиси ўн кунгача уйқусизлик қийнаган, ухлатувчи дори воситалари кор қилмаган. Учинчисида эса астма зўрайган, унга ҳам ҳеч нарса ёрдам бермаган. Аммо учталаси ҳам бир неча кун мобайнида қабзиятдан азоб чеккан, тиллари дағал ва сариқ бўлган. Табиб уларнинг ҳаммасида “меъда ва ичак ортиқчалиги” ҳамда “иситмаси белгиси” бор, деб хулоса чиқарган. У беморларнинг ҳаммасига сурги буюрган. Натижада, уларнинг ичи равон бўлган, бирининг бош оғриғи қолган, бошқасининг уйқуси яхшиланган, учинчисининг дарди енгиллашган.

**Беморларнинг ҳар хил усуллар билан даволаш.** Табиийки, эркаклар ва аёллар, қария ва ёшлар яшаш шароитлари, урф-одатлари турлича, бундан ташқари, анъаналари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Демак, уларнинг ҳар бирига ўзига хос муолажа қилиш зарур бўлади. Ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб даволаш, анъанавий Хитой табобатининг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, инсон саломатлигига атроф-муҳит ва турмуш шароити ҳам таъсир қиласи. Умуман жисмоний меҳнат қилаётган кишиларнинг ички аъзолари соғлом ва жисмонан бақувват бўлади. Айниқса, кўп вақтини очик ҳавода ўтказадиган одамлар ташқи муҳит ўзгаришларига анча мосланувчан ва касалликларга чидамли бўладилар. Мабодо, касал бўлиб қолсалар ҳам кўпинча уларда “ортиқчалик аломати” бўлади. Ақлий меҳнат кишиларининг ички аъзолари кучсиз, мосланиш ва чидамлилиги паст, ташқи муҳит ўзгаришларига сезгир бўладилар, кўпинча “етишмовчилик аломати” кузатилади.

Албатта, ҳар бир одам ўзига хос хусусиятларга эга, шунинг учун ҳар бир bemорга қатъий равишда ўзига хос ёндашиш керак. Чунки жисмоний меҳнат кишиларида “етишмовчилик аломати”, ақлий меҳнат кишиларида эса “ортиқчалик аломати” учраши мумкин. Баъзи одамлар соғлом бўлган вақтларида иссиқни хуш кўрадилар. Совуқни ёқтиромайдилар, улар совуқ мева ва сабзавотларни истъемол қилмайдилар. Бундай одамларнинг нажаси юмшоқ бўлади ва совуқ таъсирида улар тез шамоллайдилар ва ичи кетади. Бундай шахслар “совуқ ўтиш аломати”га мойил бўладилар. Бундай шахсларни даволашда совуқлик хусусиятига эга бўлган дori воситаларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак. (Анъанавий Хитой тиббиёти бундай дориларни “иситма аломати”ни даволаш учун ишлатади.) Уларни даволашда иссиқлик хусусиятига эга бўлган дori воситаларидан фойдаланиш билан кутилган натижаларга эришиш мумкин. Агар бу мақсадда женшень ишлатиш талаб қилинса, унинг қизил ранглисидан фойдаланиш лозим.

Бошқа одамлар эса салқинни ёқтирадилар, уларга иссиқ ҳаво ва кучли овқатлар ёқмайди. Уларнинг нажаси қаттиқ ва қуруқ бўлади. Улар кўпроқ бош ва тиш оғриқлари ҳамда бурундан қон кетишига мойил бўладилар. Бундай одамларнинг танаси ”иситма аломати”га мойил бўлади (қадимда уларни “ички аъзоларида “янь” устун турувчи одамдир”, деб атаганлар). Уларни даволашда иссиқлик хусусиятига эга бўлган дori воситаларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ва Кореянинг қизил женьшенидан умуман ишлатмаслик керак. Уларга оқ женьшень яхши фойда беради. Шундай қилиб, bemорни даволаш мобайнида унинг танасини кучли ёки кучсиз эканлигини, шунингдек, ”совуқ ўтиш аломати” ёки ”иситма аломати”га мойиллигини ҳисобга олиш керак.

Даволаш, касаллик энди бошланганда бошланса, енгил кечади. Бинобарин, оқибат ҳам яхши бўлади. Бемор барвақт даволанмаса, дард анча оғирлашади, маҳаллий зараланишлар бутун танага тарқала бошлайди. Энди даволаш қийин бўлади ва оқибат ҳам унча хайрли бўлмаслиги мумкин.

“Тиб қонунлари”да қуйидагича ёзилган: “Яхши табиб даволашни тананинг ташқарисидан бошлайди, уқувсизи эса пай ва қон томирларни, юракни, ёмон табиб эса ички аъзоларни даволайди. Агар у ички аъзоларни даволаётган бўлса, у ярим тирик одамни даволаётган бўлади. Ўткир касалликларда тананинг ҳолати

тез ўзгаради ва чидамлилигига катта зиён етиши эҳтимоли бўлади. Шунинг учун касалликнинг олдини олиш жуда муҳим”.

Сурункали касалликларни даволашга ҳам иложи борича эртароқ ёндашиш керак. Масалан, бош айланиши, кўз тиниши, қўл бармоқларининг жонсизланиши касаллик хуружидан бир неча соат ёки ой, ҳато йил олдин қузатилиши мумкин. Агар вақтида даво бошланса, хуружни олдини олиш мумкин бўлади. Касаллик зўрайиб кетганда даволаш қийин кечади ва кутилган натижага эришиш мушкул бўлади.

## **П. БОБ.**

### **ДАВОЛАШНИНГ САККИЗТА УСУЛИ**

Хитой табобати беморни даволашда турли хил, чунончи, оддий ва мураккаб дори воситаларидан фойдаланади. Хитой доришунослиги қатъий қонун-қоидаларга асосланган. Асосий мақсад, касалликка қарши курашиш, тана чидамлилигини ошириш ва кучларни кўпайтиришдан иборат.

Анъанавий Хитой тиббиётида даволашнинг саккизта асосий усули: терлатадиган, қустирадиган, сурадиган, гормонлаштирадиган ёки келиштирадиган, иситадиган, иситмани туширадиган, тетиклаштирадиган, сўрувчи усуллари бор.

Хасталиккақаршикурашишучун асосан терлатадиган, қустирадиган, бўшаштирадиган, иситма туширадиган ва ични сурадиган усуллар қўлланилади.

Терлатадиган усул “юзаки белги”ни даволаш мақсадида тер ҳайдайдиган дори воситаларидан фойдаланиш, қустирадиган дори ёрдамида қустириш; беморнинг меъдасини зарали моддалардан тозалаш; бўшаштирадиган усул – сурги дорилар ёрдамида “иситма аломати”ни даволаш, ичакларни тозалаш ва танадаги ортиқча сувни чиқариб юбориш; иситма туширадиган усул – совуқлик хусусиятига эга дори воситалари билан руйирост “иситма аломати”ни даволаш; сўрувчи усул – танадан заарли моддаларни чиқариб ташлашдан иборат.

Тананинг ҳимоя кучларини ошириш, чидамлилигини мустаҳкамлаш учун тетиклаштирадиган ва иситадиган усуллар қўлланилади. Тетиклаштирадиган усулдан мақсад “ци” ҳаёт қуввати ва “инь”ни кучайтириш, “етишмовчилик” аломатининг ҳар хил турларини даволаш. Иситадиган усулдан эса иссиқлик хусусиятига эга дори воситалари билан “совуқ ўтиш аломати”ни даволаш мақсадида фойдаланилади.

Келиштирадиган усулнинг моҳияти дори воситалари ёрдамида турли хил аъзолар “янь” ва “инь”лар орасидаги келишмовчиликни йўқотиш. Даволашнинг ҳар бир усулида алоҳида дори воситалари ишлатилади, bemorning умумий ахволига қараб бу усулларни қўшиб ишлатиш мумкин.

## **ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИ**

Қадимги хитойликлар оловнинг нафакат танага иситувчи, балки шифобахш таъсир қилишини билганлар. Даволашнинг оддий ҳамда ҳозирги кунда қўлланилаётган усуллари – иситиш ва куйдириш кашф этилган. Бундан ташқари, одамлар тананинг бирорта нуқтасини бармоқлар билан босиб, оғриқларни қолдириш мумкинлигини сезганлар. Даволашнинг акупунктура ва уқалаш усуллари шу хилда пайдо бўла бошлаган. Уларни ўрганиш ва қўллаш унча қийин эмас, шифобахш таъсири эса тез юзага чиқади. Кўп асрлар мобайнида улар ҳалқ орасида кенг тарқалган ва ҳозирда анънавий Хитой табобатининг ажралмас қисми бўлиб қолган.

Даволаш усулларининг турлари кўп, шулардан иситиш, куйдириш, акупунктура, мой ва сув суртиш, банка қўйиш, кенг тарқалган.

## **БАРМОҚЛАР ЁРДАМИДАГИ АКУПУНКТУРА ЁКИ НУҚТАЛИ УҚАЛАШ**

Бу усулда бармоқлар билан тананинг маълум нуқталарига таъсир қилинади. Бу усул оддийлиги, яхши наф бериши ва уй шароитида ҳам қўллаш мумкинлиги билан ажралию туради. Фақат танадаги фаол нуқталарнинг жойлашишини билиш керак, холос.

Нуқтани уқалаш, кўп ҳолларда бош оғриқлари, томоқ оғриғи, шамоллашлар, тиш оғриқлари, ҳайз кўришдаги оғриқларни даволашда, шунингдек, бу усул, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш керак бўлган ҳолларда (масалан, офтоб урганда, одам жуда ҳолдан тойганда, ҳушдан кетганда) ҳам қўлланилади.

Бу усул яна шамоллашни ҳазм қилишнинг бузилишини, қўл-оёқлар жонсизланишини ва бошқа хасталикларни даволаш мумкин.

Баъзи касалликларни тананинг маълум бир қисмларида жойлашган нуқталарни бармоқ билан босиб қандай даволаш мумкин? Бу муолажалар каналлар ва боғловчи тармоқларга ижобий таъсир кўрсатиб, қон ва “ци” ҳаёт қуввати айланишини фаоллаштиради, “цзан” ва “фу” аъзолари орасидаги уйғунликни тиклайди. Бармоқлар ёрдамида тананинг зирқираб оғриши, жонсизланиши, оғирлашиши ва кенгайиши каби ҳисларни пайдо қилиш мумкин.

Муолажани бошлашдан олдин бемор қулай ўтириши ёки ётиши керак. Кейин қандай нұқталарни уқалаш кераклигини аниқлаб олиш зарур.

Бармоқ билан нұқтани уқалашнинг икки хил “санчиш” ва “босиш” усули маълум. “Санчиш”да бош бармоқ тирноғи билан керакли нұқта қаттық босилади ва бармоқни тез-тез тебрантирилади. Бу таъсирни кучайтиради. Биологик фаол нұқтани, яъни бармоқларнинг ён қирраларида жойлашган нұқталарни босиш эса бош ёки кўрсаткич бармоқнинг ёстиқчаси ёрдамида амалга оширилади. Нұқталарни узоқ вақтгача узлуксиз босиб туриш керак. “Санчиш” ва “босиш” лар натижасида беморда тананинг зирқираши, жонсизланиши, оғирлашуви ва кенгайиши ҳислари пайдо бўлиши керак. “Босиш” ва “санчиш”лар бир вақтнинг ўзида ўтказилиши ёки беморнинг умумий ҳолатига қараб, улардан бирортаси танланиши мумкин. “Санчиш”лар, одатда, жисмоний бақувват одамларни даволашда, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда, босиш усули эса сурункали касаллиги бор нимжон одамларни даволашда қўлланилади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда биологик фаол нұқталарга таъсир қилишда айланма ҳаракатлар ҳам қилинади. Маълум бир нұқтага бармоқни қўйиб кичик доира ҳосил қилиб, айлантирилади. Айланма ҳаракатлар, одатда, “босиш” ва “санчиш” билан бирга ўтказилади.

Муолажани бошлашдан олдин шифокор қўйидагиларга амал қилиши шарт:

Шифокорнинг тирноғи текис олинган бўлиши, тирноғи жуда узун, катта бўлмаслиги керак. Узун тирноқ терини жароҳатлаши, каттаси эса яхши наф бермаслиги мумкин. Муолажадан олдин шифокор қўлларини иситиб олиши керак. Акс ҳолда уқалашнинг даволовчи таъсири пасаяди.

Бемор жуда нимжон ёки сезгир бўлса, узоқ вақт ва кучли таъсир қилмаслик керак. Кучли таъсир қилиш натижасида bemорнинг боши айланиши, ўзини ёмон ҳис қилиши, кўп терлаши, юз-кўз ранги ўзгариши мумкин. Шундай ҳолат рўй берса муолажани дарҳол тўхтатиб, bemорни ётқизиб, иссиқ сув ичириш лозим. Керак бўлса, bemорнинг ҳушини яхшилаш мақсадида “женъгжун” нұқтасини (бурун остида, юқори лаб устида) уқалаш лозим.

Бармоқ билан нуқталарни уқалаб даволашда, одатда, битта асосий нуқта керак бўлса, яна қўшимча бир-иккита нуқта танлаб олинади.

Бош оғригининг сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, невралгия, қон айланишининг бузилиши, қон босимининг ошиши ва бошда қоннинг димланиб қолиши. Буларни даволашда нуқтани уқалаш ижобий наф бериши мумкин. Аммо бошда қон айланишининг оғир бузилишларида бу усулни қўллаб бўлмайди.

### Фаол нуқталар:


1. Байхуэй нуқтаси – тепа суякда, қулоқ супраларининг юқоричеккаларини туташтирувчи чизик ўртасида жойлашган. Бу нуқтани уқалаш бавосил (геморой) касаллигини даволашда ҳам яхши наф беради (Расм 5).

2. Нунтян нуқтаси – байхуэй нуқтасидан 3 см пастда (чакка томондан).

3. Тяньгжу нуқтаси – бош миянинг асосида, энсадаги сочнинг тугаш жойида, трапециясимон мушаклар бошланишидаги чуқурчада жойлашган. Бу нуқта тананинг умумий ҳолатини яхшилашда ҳам катта фойда беради.

Бу нуқталарни уқалаш бошнинг энса қисмидаги оғриқларини қолдиради. Бош оғирлиги хиссини ҳар иккала фаол нуқтани ёрдамида йўқотиш мумкин. Улар байхуэй нуқтасидан 3 см олдинда ва орқада бир чизиқда жойлашган. Олдинга цяньнин (4) нуқтаси бошнинг тепасида жойлашган бўлиб, шамоллаш натижасидаги бош оғриши, юзнинг шиши, қон босимининг ошишини даволашда ҳам яхши наф беради. Бошнинг орқа қисмидаги хоудин (5) нуқтаси энсадан орқага тарқалаётган оғриқни даволашда фойда беради.

Одатда, одам қаттиқ чарчаганида, кам ухлаганида, қон айланиши бузилганда, шунингдек, ёши ўтиши билан эндокрин безлари фаолияти бузилишда кузатилади. Бош айланганда ижобий




Расм 5.

таъсир кўрсатувчи фаол нуқталар қулоқ атрофида - қулоқнинг орқасида ва унинг юмшоқ қисми остида. Улардан бири сўрғичсимон ўсимта устидаги чуқурчада, иккинчиси қулоқнинг юмшоқ қисми орқасидаги чуқурчада, сўрғичсимон ўсимтадан олдинда ва пастда жойлашган.

**Кўз толиқиши.** Узок вақт ишлаш, орқа, бўйин ва энса мушакларини жуда зўриқтиради. Натижада, бош оғрийди ва кўз толиқади. Бу нуқталардан кўп ҳолларда кўзниң толиқиши ва бош оғриғида фойдаланилади. Бундан ташқари, кўз толиқишида “теньчжу” (3) нуқтасини, фэнги (6) нуқтаси (бу нуқта тяньку нуқтасидан бир оз юқорироққа ва ташқарида) ёзилади (Расм 6.).

Бўйин асоси билан елка охири ўртасида жойлашган цзяньцзин (7) нуқтасини ҳамда 1- ва 2-кўкрак умуртқалари орасидан 3 см ташқарида жойлашган дажу (8) нуқтасини уқалаш шифобахш таъсир кўрсатиши мумкин.


**Томоқ оғриғи.** Томоқ оғришининг сабаблари ҳар хил бўлади. Кўпинча чап томон оғрийди. Фаол нуқталар: қулоқ орқасида сўрғичсимон ўсимта орқасидаги чуқурчадан бир оз юқорироқда жойлашган ваньгу (9) нуқтаси линьку (3) ва фэнги (6) нуқтаси (бу нуқталар асосан томоқ оғригини даволашда ёрдамчи нуқталар сифатида ишлатилади) тўш-сўрғичсимон мушакнинг марказида жойлашган тяньдин (10) нуқтаси, тўш суюги устидаги чуқурчада жойлашган тянуту (11) нуқтаси ва шамоллаш ҳамда йўталда шифобахш таъсир кўрсатувчи ўмров суюгининг ташқи чеккасидаги чуқурчадан 2 см пастда жойлашган гжутфўц (12) нуқтаси (Расм 7.).



Расм 6.



Расм 7.




Расм 8.

**Бурун ичи “қичишганды”.** Тяньжу (3) ва фэнги (6) нүкталарни бармоқ учи билан охиста эзилса кифоя. Бошқа нүкталар расмда күрсатилган. Улар инътан (13) ва инсян (14) нүкталаридир. (Расм 8.).

**Бурун шиллик пардасининг яллиғланиши.** Аллергик реакциялар кўзнинг яллиғланиши, бурундан суюқлик оқиши, аксириш, айrim ҳолларда қизилўнгач ва томоқ шиллик пардаларидағи ўзгаришлар сифатида намоён бўлади ва ҳоказо. Бундай ҳолларда даг-жуй (15) нүктасини уқалаш яхши таъсир кўрсатади. Бошни олдинга сал

букиб, бўйиннинг ўзини қимирлатилса бўйиннинг энг пастки қимирлаётган умуртқа поғонасининг устида бу нүкта яққол билинади. Аллергик диатези бор одамларда бу нүкта босилганда жуда кучли оғриқ пайдо бўлади. Даг-жуй нүктасидаги ўнг ва чапда бронхиал астмада ҳам ёрдам берувчи тиздет (16) нүктаси бор (Расм 9.).



Расм 9.

### III. БОБ. ТИБЕТ ХАЛҚ ТАБОБАТИ

Манбаларда Тибет халқ табобатида “касаллик” деган ибора йўқ, дейилади.

Тибет табибларининг (ламалар) фикрича, бутун организм касаллик ҳолатда бўлади ва унинг меъёрий тенглигини таъминлаш, ички гомеостазни изга тушириш, асаб тармоқларининг имкониятларини, ҳамда, ”чи” ҳаётий қувват манбани тиклаш керак.



Тибет тиббиёти

”Чи” – нафас ва овқат-ланиш жараёнлари натижасида жамланган қувват манбаи. Ҳаёт ва ўлим бир бутун ҳолда организмдаги ”чи” қувватига тобе. Агар одам бу қувватни бошқаришнинг уддасидан чиқа олса, узоқ йиллар дард кўрмай яшайди. Шунинг учун ”чи” га эга бўлган гуллайди, йўқотган эса ўлади, дейилади кўхна Тибет мақолида.

Тибет халқ табобатида ташхис қўйишнинг 40 усули ва дорисиз даволашнинг 108 усули мавжуд, биокоррекция, ортиқча ҳиссиётларни тартибга солиш, умуртқа поғоналарида пайдо бўлган чурраларни йўқотиш, қўл теккизмай уқалаш, тўғри чизиқли уқалаш, ўзини-ўзи биоқувват билан уқалаш, оқ лой билан даволаш, маъданлар билан даволаш, узоқ масофадан таъсир ўтказиш, нигоҳ билан даволаш, шифобахш оятлар билан даволаш ва ҳоказо.

Шифобахш дуолар билан даволаганда дуо ўқиган пайтда танага биоқувват тўпланади. Дуолар космосдан чақирилаётган алоҳида кўринишдаги илоҳий қувватлардир. Тибет халқ табобатида дуолар ўқилади, аммо Тибет ”маха-мантра”си – ”Ом мани падме хум” ни 3 дан 108 гача ҳамма ўқиши мумкин. Чунки жодули сонлар ҳам шифобахш оятлар билан даволаш борасидаги Тибет халқ табобатида мавжуд: 3, 5, 7, 9, 12, 22, 41, 42, 54, 108 ( 13 сони эса қора кучлар учун сеҳр-жоду сонидир).

Шунингдек, қўл кафтлари ёки маҳсус айлана шаклидаги пичоқли чакралар билан даволаш ҳам бор.

Ухлаб ётганда, “йог уйқуси” билан ҳам муолажа қилинади. Бунинг учун одам уйқуга ётишдан олдин, касал аъзони ёки хасталикни ўйлаб, ўзини-ўзи даволашга тайёрлайди.

Ичиладиган ёки суртиладиган дориларни ламаларнинг ўзлари керакли микдорда – жуда оз микдор (микродоза)да (дирҳамнинг ўлчов бирлиги – 0,2г) тайёрлашади.

Ламалар бутун умр оз-оздан дори ичиб юришади. Масалан, қорақуртнинг жуда оз (микроскопик) микдори оғир онкологик хасталикларни, фалажни бартараф қиласди.

Тибет халқ табобатида товуш билан даволаш усули ҳам бор. Бу усул мусиқа билан даволашнинг айнан ўзидир. Масалан “Қаро кўзим” каби қўшиқлар, дутор, танбурдан таралган наволар, инсон руҳига кучли таъсир кўрсатиб, шифо ато этади.

Шифобахш гиёҳлар хусусида ҳам, Тибет халқ табобатининг ўзига хос қараашлари бор. Ўсимликлар, - дейишади ламалар, - сирли руҳга эга ва одам танаси уларнинг айримларини ижобий қабул қиласа, баъзиларини умуман қабул қилмайди. Мисол учун қизилпойчанинг (зверобой) 5 турини санаб ўтишаркан, 2 ҳафталик ўсгани фойдали, бундан кўп вақт ўтса, истъемол қилиш мумкин эмас, чунки жигарга зарар қиласди. 12 турга эга бўлган Кадиўт (валериана)нинг илдизини ҳам оз микдорда – 2 ҳафта ичидаги қабул қилиш зарур, кейингиси кўзга зарар қиласмиш. Ҳар бир гиёҳнинг муддати 1-1, 5 йил, илдизларники 3-4 йил, дамламаларники эса 2 йилдан ошмаслиги керак.

Ҳар бир инсоннинг ўз юлдузи (сайёраси), ўз тоши, маъданли саноқ сони, ранги, мусиқаси, тўлқинлар узунлиги, тумори, гули, диний эътиқоди, жонивори, дарахти бор. Булар хонадонингизда бўлсин, дейишади. Хонада қувватни ўғирлайдиган ўсимликларни сақламаслик зарур, ҳовлида арчагул, саллагул, ялпиз, қора арча, шамшод ва ёронгулларни ўстирса бўлади.

Минераллар ва дарахтлар тўғрисида ламаларнинг фикри ўзига хос: ҳар бир инсонда ўзининг 3 хил минерали бўлади, деган таълимот бор уларда. Минераллар сехр-жодули, шифобахш ва баҳтли бўлади. Шунинг учун ҳар бир одам ўзининг минералини топиб, ундаги қувватни симириб яшashi керак. Бунда “дза-дзен” ҳолатида ўтириб ёки чордона қурганча 15-30-45-50 дақиқа ўтириб амалга оширилади. Минерал ёриқсиз, бутун бўлиши лозим.

Кедр, тиллаоғоч, қарағай, оқ қарағай, чинор, эман, ливия кедри – қувват баҳш этади. Оқ қайин – бетараф дарахт. Заранг,

қайрағоч, чилтонлар, аксинча, қувватни тортиб олади. Бирор дарахтнинг инсонга муносабатини биолокация рамкасидан фойдаланиб билса бўлади. Бунинг учун рамкани олдинда ушлаганча дарахтга яқинлашасиз. Рамка қимирлай бошласа, дарахт сизга тўғри келмайди, қимирламаса дарахт сизники бўлади.

Дарёлар ва шаршаралардан ҳам юмшоқ “цигун” усулини кўллаб, қувват олиш мумкин.

Табибларнинг фикрича, қон томири (артерия) – ҳаёт марказидир. У билакнинг пастида, охирида жойлашган бўлиб, ички аъзоларнинг қандай ишлаётгани, ҳозирги ва келгусидаги хасталиклар-у, умрнинг узунлиги ҳақида томир уриш ҳолатига қараб хулоса қилиш эҳтимоли бор. Бу усулда йилнинг 4 фаслига боғлиқ, беш махабуда деб аталувчи қоида ҳисобга олинади. Махабуда – 5 табиий унсур: олов, ҳаво, сув, ер ва дарахт бўлиб, Тибет халқ табобати нуқтаи назарига кўра, жонли ва жонсиз табиатни ташкил қиласиди.

Томирни ушлаб, касаллик ва унинг келиб чиқиш сабаблари аниқлангач, табиблар билан хасталикни даволашга киришаркан, гиёҳлардан тайёрланган дорилар: кукун, бўтқа, қайнатма, хандори ва ёғларга мурожаат қилишади. Доривор экстрактлар ичидаги иккиламчилари ҳам бор. Булар, қимматбаҳо тошлар ва минераллардан фойдаланиб тайёрланган шифобахш шароблар ҳамда қўлбола дорилардир. Дорини қачон – овқатдан олдинми, кейинми ичиш кераклигига Тибет халқ табобати жуда катта аҳамият беради.

## ТАШХИС ҚЎЙИШ

Тибет халқ табобатида аввал 4 та ташхис қўйиш усули мавжуд бўлган. Булар:

- а) бемор билан сухбатлашиб сўраб-суриншириш;
- б) беморнинг нафас олишидан чиқаётган товушга аҳамият бериш;
- в) беморнинг ташқи кўриниши – юришини, ўзини тутишини, бадани ва тилининг ҳолатини кузатиб, таҳлил қилиш;
- г) беморнинг томир уришини текшириш.

Кейинроқ юқоридагиларга қўшимча тарзда:

- а) бемордан келаётган ҳидга эътибор бериб, уни аниқлаш;
- б) беморнинг қорнини ёки баданининг бошқа керакли жойларини пайпаслаб қўриш қўзда тутилади.

## **БЕМОРНИ УМУМИЙ ТЕКШИРИШ**

Яқин-яқинларгача беморни текшириш учун Тибет табиблариға ҳамиша ҳам рухсат этилмас эди. Аёл кишини тиббий кўриқдан ўтказишга фақат бемор баданининг очик жойини ва юришини, ўзини тутишини, ташқи ахволини кузатишга рухсат берилар эди. Эркакларни суяги синганда, яралангандага, шишганда, бавосилда ва бошқаларда мукаммал текшириш мумкин бўлар эди.

Хозир кўпчилик халқ табиблари беморни деярли ечинтирмасдан ташхис қўйишади. Шунинг учун ҳам уларда томир уришига қараб ташхис қўйиш жуда такомиллашган.

Хозирги вактда ташхис қўйишнинг 40 усули мавжуд, булар: кўзга қараб ташхис қўйиш (иридодиагностика); қулоқни кўриб ташхис қўйиш (аурикулодиагностика); юзни кўриб ташхис қўйиш (инсон юзида 600 та биофаол нуқта жойлашган, дейишади Тибет ламалари); тилга қараб ташхис қўйиш; тишга қараб ташхис қўйиш; безовталикка қараб ташхис қўйиш; умуртқа пофонаси бўйича ташхис қўйиш; тушга қараб ташхис қўйиш; сийдик таҳлили асосида ташхис қўйиш ва ҳоказолар.

Тибет табиби беморни умумий текширас экан, ҳаёлан организм ичига кириб юборади. Масалан, буруннинг ҳолатини кузатар экан, барча нафас олиш тармоқлари бўйлаб, ўпкага етиб боради. Лаблар ва тил орқали ҳазм йулларининг ҳолатини ҳаёлан ўрганади.

Тил – юрак ва қон айланиши тармоқлари ҳолатидан ҳам хабар беради. Бу инсоннинг руҳий фаолиятига боғлиқ бўлиб, қон айланиши тармоқлари ички аъзоларга бевосита боғланган.


Қулоқлар асосан буйракнинг умумий ҳолатидан хабар беради, сийдик ажратиш ва организмдаги сув-туз алмашинувидан тортиб, барча суюқликларнинг айланиши тармоқларининг ишидан дарак беради.

Кўз – жигарнинг кўзгуси, дейишади Тибет табиблари.

## **ЮЗГА ҚАРАБ ТАШХИС ҚЎЙИШ**

Одамнинг юзи - барча ички аъзоларнинг кўзгусидир, деган ақида бор Тибет табиблари орасида. Уларнинг айтишича, оғиз йўғон ичак ҳолатидан хабар бериб туради. Чунончи, оғзи тор одамнинг ичаги ҳам тор бўлади. Оғиз бурчагидаги ёриқлар гидронефрит борлигидан ва буйракдаги сув тўсиқларидан (тўғонлари) далолат беради.


Бурундағи шилемшиқ үпканинг хатарга йўлиқаётганидан, ш амоллашдан хабар беради. Тишлар эса ички аъзоларга алоқадор: курак тишлар – меъда, кичик жағ тишлари – ичаклар, катта жағ тишлари – юракка алоқадор. Демак, тишларни ва оғизни ҳар доим тоза қилиб юриш – ички аъзолар соғлигининг гарови эканини унутмаслик керак. Қуйида келтирилган белгилар: 1-юз; 2- юз; 3– кўкрак қафаси; 4- кўл ва қуймич; 5 - ингичка ичак; 6- ташқи жинсий аъзолар; 7- ички жинсий аъзола; 8- сийдик пуфаги; 9— ингичка ича; 10- қулоқ; 11- талоқ; 12- ўпка тўғрисида ва уларнинг ҳолати тўғрисида маълумотлар беради (Расм 10.).



Расм 10.

## ТИЛНИ КЎРИБ ТАШХИС ҚЎЙИШ

Беморнинг тилини кўриб ташхис қўйиш ҳам ламаларнинг асосий усулларидан бири. Зеро, тил ички аъзолар ҳолатидан хабар бериб туради. Тилни наҳорда, нонушта қилмасдан олдин кўриш керак. Тил учидан тахминан 3 см нарироғи – юракдан; чап томони – чап ўпкадан; ўнг томони – ўнг ўпкадан; я хасталанган бўлади. Тил ўзагининг охирроғида, чап тарафда – чап буйрак, ўнгда – ўнг буйрак ҳолати акс этади. Шунингдек, ўнг томонда буйрак ва ўпка хасталикларидан дарак берувчи жойлар оралиғида, жигарнинг ҳолатини билдирувчи соҳа ҳам бор.



Тилнинг сариқ рангга мойил бўлиб қолиши - жигар хасталанганидан, қизариб кетиши эса юрак касалланганидан далолат бераркан.

## **ТИРНОҚЛАРГА ҚАРАБ ТАШХИС ҚЎЙИШ**

Меъёрдаги тирноқ.

Қисқа ясси тирноқ – юрак аъзолари хасталиклари.

Катта ярим ой - тахикардия.

Ярим ой шакли йўклиги – юрак неврози.

Жуда бўртган тирноқлар – ўпка сили.

Катта ярим ой шаклидаги бўртиб чиқсан тирноқлар – туғма сил.

Ясси қийшайган тирноқ – бронхиал астма, бронхит.

Қувур мисоли чўзинчоқ ва баланд тирноқ - саратон (рак).

Бармоқ суякларига ёпишган тўғноғичга ўхшаш тирноқ – туғма руҳий хасталик, шафқатсизлик, тажовузкорлик, тез ғазабланиш.

Ботик тирноқ – ичкилиқбозлик ирсий тури.

Ясси парчаланган тирноқ – гижжа касалликлари.

Тирноқдаги мўрт тарновчалар – тузлар тўпланиши.

Тирноқда чиқиндилар – тузлар қатлами – меъда-ичак йўллари хасталиклари.

Чўзиқ тир ноқ - қандли диабет.

Номсиз бармоқ тирноғидаги ярим доира шакли – буйрак касаллиги.

Бодомсимон йўл-йўл чизик (тўлқин)лар – ревматизм, терлама.

Тирноқнинг кемирилганга ўхшashi – неврозлар, меъда яллиғланиши, аёлларнинг жинсий аъзолари фаолиятининг сусайиши.


Тирноқдаги тўғри чизиклар ва орасидаги ёт нарсалар – қора талоқ ва ингичка ичак хасталиклари.

Тирноқдаги параллел тўғри чизиклар – ичак хасталиклари.

Учбурчак тирноқ – умуртқа поғонаси ва орқа мия хасталиклари

Тешик-тешик тирноқ – қора талоқ касаллиги

Кўрсаткич бармоқдаги ясси қўтарилган тирноқ – қора талоқ касаллиги (Расм 11.).



**Расм 11.**

Бу усул ташхис қўйишда алоҳида эътиборга молик. Табиб беморнинг оғзидан, терисидан, ярасидан келаётган хидларни яхшилаб ҳидлаб қўради, зарур топса балғамини, сийдигини, ахлатини ҳидлайди.

Чечак тошган бемордан ўткир сичқон ҳиди, диабетик комада – bemor оғзидан, уремик комада эса сийдигидан ацетон ҳиди, йирингда ва айниқса, ўпка йирингли чиришида йиринг ҳиди келади.

### **ТАШХИС ҚЎЙИШДА ТОВУШГА ЭЪТИБОР**

Тибет ламаси bemorni текшираркан юзи ифодасига, гапираётганидаги товушининг безовталигига, баландлигига, секинлигига, бақиришига, хириллашига ва бошқаларга эътибор

беради. Беморнинг қандай – тез-тез ёки қисқа-қисқа, енгилми ё қийналиб нафас олаётганини, нафас олиш қийинми ёки чиқаришми, хуллас, барчасини текширади. Бемор томоғидан балғам хириллаши келмаяптими, йўталмаяптими? Беморда ҳиқичоқ, кекириш, қусиш, қорин қулдираши ва бошқаларга катта аҳамият беради.

## ТОМИР ТАШХИСИ

Ламалар камида 72 хил томир уришини ажрата оладилар. Томир уриши – улар учун барча аъзолардан қон орқали юборилаётган ахборот тўлқинларидир.


Милоддан III аср олдин ҳам Тибет табобатида, “томир уришига қарамасдан катта ва кичик томирларга қон қандай тақсимланаётганини аниқлаш мумкин эмас”, - деган фикр ҳукмрон эди. Айнан томир уриши қоннинг қандай айланишини билдириб, ички руҳиятдан дарак беради. Мисол учун Цунь-коу усули бўйича томир уришига қараб хасталик қуидагича аниқланган:

Томир нуктаси	Томир уриши	Эркакларда		Аёлларда	
		Чап билан	Ўнг билак	Чап билан	Ўнг билак
Цунь	Юза	Ингичка ичак (янь)	Йўғон ичак (янь)	Йўғон ичак (янь)	Ингичка ичак (янь)
	Чуқур	Юрак (инь)	Ўпка (инь)	Ўпка (инь)	Юрак (инь)
Гуань	Юза	Ўт пуфаги (янь)	Меъда (янь)	Ўт пуфаги (янь)	Меъда (янь)
	Чуқур	Жигар (инь)	Кора жигар, меъда ости безлари (инь)	Жигар (инь)	Кора жигар, меъда ости безлари (инь)
Чи	Юза	Сийдик (янь)	Учта қиздирувчи (янь)	Сийдик пуфаги (янь)	Учта қиздирувчи (янь)

	Чукур	Буйрак (инь)	Юрак пардаси (инь)	Буйрак (инь)	Юрак пардаси (инь)
--	-------	-----------------	--------------------------	-----------------	--------------------------

Бу усулда, томир уришини текшириш учун 3 та бармоқ цунь, гуань, чи нүкталарига қўйилади, яъни цунь нүктасига кўрсаткич бармоқ, гуань нүктасига ўрта бармоқ, чи нүктасига номсиз бармоқлар қўйиб текширилади (Расм 8 га қаранг).

Беморнинг қўлларини алоҳида-алоҳида ушланади. Қулай бўлиш учун bemorning қўли остига ёстиқча қўйса ҳам бўлади. Турли нүкталардаги ва иккала қўлдаги томир уришини тадқиқ қилишда ички аъзоларнинг ҳолати қуидагича аниқланади. Чап қўлдаги цунь нүктаси ташқариси – юрак, ичкариси - мия ва томирлари, ўнг қўлда цунь нүктаси, ташқариси – ўпка, ичкариси – кўкрак; чап қўлда гуань нүктаси усти жигар, ичкариси диафрагмалар; ўнг қўлдаги гуань нүктаси ташқариси – меъда, ичкариси – қора талоқ, чап қўлда чи нүктаси ташқариси – буйрак, ичкариси – қорин бўшлифи, ўнг қўлда чи нүктаси ҳам шундай.



Расм 12.,

## IV. БОБ. ШАРҚ ХАЛҚ ТАБОБАТИ

Шарқ халқ табобати пайдо бўлганида 5000 йилдан ошди. Игна ёки олов билан куйдириб даволаш усуллари жуда қадим замонларда маълум бўлган. Дастрраб ингичка тош ва суюклардан игналар тайёрлаб, bemorlarни даволашган бўлишса, кейинчалик металл, кумуш, олтин игналар тиббиётга кириб келди. Қадимда, куйдириб даволашда шувоқ (ёвшан)дан пилик ўрнида фойдаланишган, ҳозирги кунда эса шувоқнинг маҳсус қаламчалари ишлатилади. Бу иккала усул ҳозирги кунда ҳам амалиётда кенг татбиқ этилмоқда.

Гиппократ “Ҳакимнинг учта қуроли бор, бу - ширин сўз, тоғ ва шифобахш гиёҳдир”, деган. Қадим замонларда табиблар bemorlarни асосан ўсимликлар билан даволашган. Фармакопея тарзидаги қўлланма милоддан 4000 йил аввал мисрликлар томонидан яратилган. Мисрликлар қўллаган доривор гиёҳларнинг баъзи турлари ҳозирги кунда ҳам қўлланилади.

Гиёҳлар ҳақидаги илк китоб хитойлик табиб Бень Цао томонидан милоддан аввалги 2600 йилда ёзилган бўлиб, уни ўзидан 400 йил олдин яшаган табиб Шен Нуњанинг фаолиятига бағишиланган. Бу табиб 230 хил доривор ҳамда заҳарли гиёҳлардан фойдаланган.

Араблар қадимда 1400 дан ортиқ дориворлар рўйхатини тузиб, мураккаб шифобахш ўсимликлар тўпламини яратди. Натижада, “аптекачи” деган касб юзага келди. Европа аптекаси араб дорихонасидан нусха кўчириш орқали пайдо бўлган.

Милоддан олдинги II-I асрларга оид “АЙУР-ВЕДА” (“Ҳаёт ҳақида фан”)да Хиндистон заминидаги доривор ўсимликлар ҳақида илк маълумотлар берилган. “АЙУР-ВЕДА”ни милоднинг I-VIII асрларида илғор табиблар тўлдириб бойитишиди. Кейинчалик Хитой, Япония, Мўғилистон, Бурят ва Қолмиқ табиблари ундан кенг фойдаландилар.

“Доривор моддаларни текшириш” – Фармакогнозия ва “Ўсимликлар билан даволаш” – Фитотерапия фанларига Марказни Осиё халқлари, олимлари қўшган ҳисса табобат тарихида ўзига хос ўрин тутади. Оташпарамаларнинг милоддан олдинги 7 – 6 асрларга мансуб “Авесто” китобида шифобахш гиёҳлар ва заҳарли ўсимликлар ҳақида маълумотлар келтириллади. Кейинчалик бу

маълумотлар асосида шифобахш ўт-ўландан оғриқни қолдирувчи, юмшатувчи, вужудни мустаҳкамловчи, тетиклаштирувчи доривор сифатида фойдаланишган, заҳарланишга қарши восита сифатида қўллашган.

Тиббиётнинг барча тармоқларини IV-VI асрларда Гудишопур мактаби фармакологлари янада бойитдилар.

Тарих фанлари доктори А. Муҳаммаджонов олиб борган археологик қазишларда ўрта Бухоро шаҳри Шарқ табобати дoriшунослигининг марказларидан бири бўлганлигини исботловчи ёдгорликлар топилган. Бу нодир археологик ёдгорликлар, Бухородан 44 км Жануби-Шарқда жойлашган қадимги Пойкент шаҳри ҳаробаларидан топилган. Бу ашёвий далиллар суюқликларни дистиллаш ва ҳайдаш учун қўлланилгани исботланди. Ўша замонда Пойкент шаҳрида кимё лабораторияси ва дорихона мавжуд бўлган. Айниқса, кимёвий шиша идишчалар – алембикалар мукаммал ишлангани билан олимларни лол қолдириди.

**Кўҳна Хитой табобати.** Кўҳна Хитой табиблари турли хасталикларни даволашда танасининг маълум қисмини оғриқ билан таъсирлаш ёрдам беришини сезганлар. Ривоятлардан бирида шундай дейилади: тахминан 5000 йил муқаддам яшаган император Фу Сининг хизматкорларидан бири бош оғриқ хасталигига йўлиқади. Боши жуда оғриганда кечаси-ю кундузи ўзини қўярга жой топа олмайди. Кунларнинг бирида ер чопаётган хизматкор тошдан ясалган дастаки – кетмонсимон асбобга оёғини уриб олади. Мўъжиза рўй бериб, бош оғриғи шу заҳоти қолади. Бу воқеани эшигтан боши оғриган одамлар оёғининг ўша жойини ҳалиги нарсага уришади. Олим бўлган император Фу Си ўйланиб қолади ва бошқа хасталикларни ҳам қиррали ингичка тош орқали даволашга ҳаракат қиласи, натижада кутилганидан ҳам зиёда бўлади. Тананинг қайсиидир жойларига игна санчиш нафақат бош оғриғини, балки бошқа хасталикларни ҳам бартараф қилишини билиб олдилар. Шундай қилиб, кўҳна Хитой табиблари тажрибаларини кўпайтириб, кенгайтириб, авлоддан-авлодга ўtkазиб келишган.

Аснафий Хуанди игна билан даволаш фанининг асосчиси, милоддан олдинги III асрда ёзган “Ней-Цзин” (“Ички аъзолар ҳақида”) китобида “Хасталиклар икки усул – ички аъзоларга дori юбориш ва ташқаридан тош игналар билан даволаш орқали бажарилади”, деб ёзилган. Игна билан даволаш бу асар

ёзилмасидан анча илгари маълум бўлганидан далолат беради. Дарҳақиқат, милоддан олдинги V-IV асрларга таалуқли Си Мацяннинг “Ши-цзу” китобида таниқли табиб Бянь-Цяо ҳақида, унинг чжень-цзю даволаш усули билан ички касалликларни моҳирона муолажаси ёзилган Бянь-Цзю эса “Нань-Цзин” (“Қийинчиликлар ҳақида”) китобида турли касалликларда игналар санчиладиган нуқталарини кўрсатган.

Кейинроқ Хитойда игна билан даволашнинг кўплаб усуллари пайдо бўлди. Айниқса, милоднинг VI-XI асрларида игна билан даволаш борасида жуда кўп қўлланмалар нашр қилингандан кейин чжень-цзю усули кенг тарқалди. XI асрга келиб, биринчи марта Ван Вэй-и, 1026 (“Нуқталар атласи”) товланиб турувчи, одам бўйи баробар нуқталар пармалаб кўрсатилган иккита бронза ҳайкал пайдо бўлди. Орадан кўп ўтмай чжень-цзю даволаш усули Япония, Корея, Хиндистон, Мўғилистонда кенг ёйилди. Марказий Осиёга ҳам бу усул кириб кела бошлади.

Игна билан даволаш усули Европада кейинроқ, XVII аср оҳири ва XVIII аср бошларида пайдо бўлди. Уни миссионерлар тарқатдилар. У янги “Акупунктура” (“акси” – игна, “пунко” - санчиш) деб ном олди. Француз врачи Берлиоз ўзининг “Сурункали хасталиклар, қон оқими ва акупунктура ҳақида” номли китобида bemорларни даволашда акупунктуранинг ютуқлари борасида ёzádi. Шундан сўнг қабулига bemорлар келиши кўпаяди. 1858 йилдан бошлаб Франция, Англия, Олмония, Италия ва бошқа бир қатор мамлакатларда игна билан даволаш усули кенг ёйила бошлади. 1825 йилди рус профессори П. Чаруковский Россиядаа игна билан даволашни бошлайди.

Ҳозирги кунда игна билан даволовчи врачлар жуда кўплаб мамлакатларда даволаш усулини янги тажрибалари билан бойитмоқдалар, кўхна халқ табобатининг бу усули замонавий тиббиётнинг зарур тармоқларидан бирига айланди.

Кун сайин бу усул такомиллашиб борди ва эндилиқда, маълум нуқталарга дори воситаларини игналар ёрдамида юбориш ёки микроэлектрофорез, электроакупунктура усуллари бўйича инфрақизил, ультрабинафша ва лазер нурларини нуқталарга таъсир эттириш, аурикултерапия, иглоанальгезия ва шу каби яна бошқа усуллар халқ табобатининг амалиётига кириб келди. Табобатнинг бойишига жуда катта ҳисса қўшди.

## V. БОБ.

### VIII-XII АСРЛАРДА ЯШАБ, ИЖОД ҚИЛГАН ШАРҚ ХАЛҚ ТАБОБАТ АЛЛОМАТЛАРИ

VII асрда араб халифалиги вужудга келиши билан араблар Эрон, Миср, Африка ерларини босиб олишгач, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Испаниягача бориб етдилар. Тўхтовсиз урушлар, одамларнинг оммавий равишда кўчиб, аралашиб кетиши ва иқлим шароитининг ўзгариши халқ табобатига муҳтожликни оширди. Дастребки дорихоналар, шифохоналар очилди. Кўхна Юнонистондан андоза олиб, халқ табобати борасида дурдона асарлар тўпланди, бойитилиб, кўп жилдли ноёб китоблар яратила бошланди. Қуйидаги алломалар Шарқ халқи табобатига ўз ноёб асарлари билан салмоқли ҳисса қўшдилар.

**Ибн Мосавайх** (777-857) – Эрон илмий марказларидан бири ҳисобланган Жундишопурда туғилган Бағдодда яшаган. Биринчилардан бўлиб касалликлари ҳақида илмий асар ёзган.

**Собур ибн Сахл** (VIII-IX аср) – олдин Жундишопурда, кейин Бағдодда шифохонани бошқарган. “Китоб ал-акрбодин алкабир” (“Фармокопея”) – дорилар ва меъёрини белгиловчи қонун-қоидалар мажмуини яратган.

**Али ибн Раббан ат-Табарий** (808 йили туғилган) – Бағдодда яшаган, “Фирдавс ал-ҳикма” (“Ҳикмат боғи”) номли табобатга оид китоб муаллифи.

**Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий** (865-925) Эроннинг Рай шаҳрида таваллуд топган. Кимё, астрономия, табобат соҳаларида кўп асарлар яратди. Шарқ тиббиёти тарихида Букрот (Гиппократ), Жолинус (Гален), Ибн Сино билан бир сафда туради. Бағдод касалхонасида бош табиб бўлиб, талабаларга амалий тиб илмини ўргатган. Табобатга оид энг йирик асари “Китоб ал-ховий” (“Қамраб оловчи китоб”) да Розийгача бўлган барча тиб илми соҳасидаги маълумотларни ўз ичига олади. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” дан катта, бироқ китобнинг қатъий бир режа бўйича боб ва фассларга ажратилмагани ундан фойдаланишни қийинлаштиради. Розийнинг “Китоб ал-тиб ал-Мансурий” (“Мансурга бағишлиланган тиббиёт”) китоби тиб илмининг барча соҳаларини ўз ичига олган, унда мижоз, дори-дармон гигиенаси, овқатланиш, косметика, жарроҳлик, токсикология, патология ва

шунингдек, тараққиётга оид турли манбалар бор. Ар-Розий биринчи бўлиб, касаллик тарихини ёзишни жорий этган.

**Рабиъ ибн Аҳмад ал-Ахавайний ал-Бухорий** - бухоролик, Абу Бақр ар-Розийнинг шогирди. ”Ҳидоят ал муталлим фи-т-тиб” (“Табобатни ўрганувчилар учун қўлланма”) китоби 965 йилда Эронда нашр этилган.

**Абу Наср ал-Фаробий** (873-990) – Сирдарё ёқасидаги, Фароб қишлоғида туғилган. Бухорода таҳсил олган. Бағдодда яшаган. Шарқ табобатида ўзининг машҳур “Назарий ва амалий табобат” асари билан машҳур.

**Абул Мансур ал-Қамарий** (VIII аср) – бухоролик табиб, Ибн Синонинг биринчи устози.

**Али ибн Аббос ал-Мажусий** (884 йилда вафот этган) – “Китоб ал-Малики” номли машҳур асар муаллифи. Китоб 20 бобдан иборат бўлиб, тиб илмининг назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган. Китобда муаллифнинг ўзидан аввал ўтган табибларнинг асарларини танқидий кўз билан ўрганиб чиққани баён этилади.

**Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нух ал-Қумрий** (999 йилда вафот этган) – бухоролик табиб Ибн Синога устозлиқ қилган. Қумрийнинг иккита асари: “Китоб ал-гино-ва-л-муно” (“Муқаммал ва мақсадларга етиштирувчи китоб”) ва “Китоб ат-танвир фи-л-истилоҳат ат-тиббия” (“Тиббий истилоҳларни ёритувчи китоб”) бизгача етиб келган. Биринчи китоб инсон аъзоларидағи барча касалликларни даволашга бағишлиланган бўлса, иккинчиси ўша давр табобатидаги тиббий терминларнинг изоҳли луғати дейиш мумкин.

**Абу Қосим ал-Захравий** (936-1013) – “Ал-Тасриф” номли ажойиб асар муаллифи. 30 жилдан иборат. Бу асар доришунослик ва касалликлар, айrim аъзоларнинг тузилиши, гигиена, тартиб, жарроҳлик каби масалаларга бағишлиланган.

**Абу Сахл Масаҳий** (1011 йилда вафот этган) – хоразмлик машҳур табиб. Хоразмшоҳ саройида хизмат қилган. Ўша ерда Беруний ва Ибн Сино билан учрашган. ”Китоб ал-Миъа” номли табобат қомуси Ибн Сино ижодига катта таъсир кўрсатиб, “Тиб қонунлари”ни яратишга рағбатлантирган. Масаҳий бўлса шоҳ ибн Маъмун “Академияси” олимлари билан ижодий муносабатда бўлишига тўскىнлик қилмаган.

**Абу Райҳон Беруний** (973 - 1049) Хоразмда туғилган буюк қомусшунос олим, турли фанлар соҳасига оид 150 дан зиёд асарлар

муаллифи. Табобатга оид йирик асари “Киттоб ус-сайдана фиттиб” – Доришуносликка (“Фармакогнозия”га) асос солди. Китоб 1116 бўлимдан иборат бўлиб, айрим дорилар, уларнинг номлари ва синонимлари таърифланган.

## АБУ АЛИ ИБН СИНО

Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ал-Ҳасан ибн Сино (Европада Авиценна), Абу Али ибн Сино 980 йили август ойининг охирларида (баъзи манбаларда 370 ҳижрий йили 3 –сафар ойининг бошида - (бу 18 августга тўғри к елади), Бухорога яқин Афшона қишлоғида амалдор оиласида дунёга келди. Отаси Абдулло асли балхлик, солик йиғувчи ходим бўлиб хизмат қилган. Онаси Ситора Бону афшоналиқ. Кейинчалик Ибн Сино оиласи Бухорога кўчиб келади, ёшлиги шу ерда ўтади. Шу даврда кўплаб илмлар қатори халқ табобати соҳасидаги фаолияти бошланади. Сомонийлар давлати инқирозга учрагандан сўнг (999 й.) Ибн Сино Хоразм пойтахти Гурганжга келиб, Хоразмшоҳ саройида истиқомат қилади. 1012 йили Султон Маҳмуд Фазнавий чангалидан қочиб, Эронга келган, Несо, Тус, Нишопур, Рай, Исфахон, Ҳамадон ва бошқа шаҳарларда яшаган. Ибн Сино 1037 йили 18 июлда вафот этган. Ҳамадон шаҳри қабристонига дағн қилинган.



Абу Али ибн Сина (980-1037).

Ўша даврда Бухоро ва Гурганжда ниҳоятда бой кутубхона бўлиб, Юнон-Рим маданияти намояндаларининг, хусусан, Гераклитдан тортиб, Галенning асаллари, таржималари сақланган. 17 ёшлигидаёқ табиб сифатида шуҳрат қозонган Ибн Сино Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурни даволагани эвазига амир кутубхонасидан фойдаланишга мушарраф бўлади.

Шоҳ ибн Маъмуннинг Беруний бошчилик қилган “Академияси” Ибн Сино учун катта мактаб бўлди. 450 га яқин асар ёзган Ибн Синонинг атиги 242 та асари жаҳондаги турли мамлакат кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида 60 таси сақланмоқда.

Ибн Синонинг 5 жилдан иборат “Тиб қонунлари” 5 аср вақт мобайнида жаҳон тиб аҳли учун муҳим қўлланма бўлиб келди.

Ибн Синонинг бу асарини 150 йил ўтгач, Герард Кремонский (1114-1187) лотин тилига таржима қилди. Бу давр ичида асарнинг лотинча таржимаси бир неча бор қайта нашр этилди. XV асрда бу асар 16 марта, XVI асрда 20 мартадан кўпроқ босилиб чиқди. XVII асрда Племпий чоп эттирган “қонун”нинг янги нашри аввалгилариға нисбатан энг яхшиси ҳисобланган.

“Тиб қонунлари” Шарқ мамлакатларида ўша даврнинг ўзида шу қадар юксак аҳамиятга молик бўлиб кетди, табобат илмини усиз тасаввур қилиб бўлмасди. Ўнлаб йирик олимлар, табиблар бу китобга бағишлаб шарҳлар ёзишди. Баъзилар уни қисқартириб, ”қонунча” номида кичик қўлланма тузадилар.

“Қонун”га шарҳ боғлаган баъзи олимларнинг номларини эслатиб ўтамиш: Фахриддин Розий (XII), Муҳаммад Нахчивоний, Ибн ан-Нафис (XIII), Қутбиддин Шерозий (XIV), Абдулло Оқсарой (XIV), Садиддин Козаруний(XIV), Абдураҳмон Мисрий(XIV), Ҳаким Али Жилоний (XVI), Исҳоқхон ибн Исмоилхон (XVIII), Ҳаким Шифоийхон ибн Ҳаким Абдулшофиҳон (XIX).

“Қонун”ни қисқартириб, кичик қўлланма тузганлар ичида Ибн Синонинг шогирдларидан Муҳаммад Илохий (вафоти 1069 й.) билан XIV асрда яшаган хоразмлик олим Маҳмуд Ҷағминийни эслатиш билан кифояланамиз.

(Ҷағминийнинг қисқртмаси “қонунча” номи билан машҳур).

“Тиб қонунлари”нинг асл арабча матни нашрига келсак , у биринчи маротаба 1593 йили Римда босилган эди. Кейинчалик у Қоҳира (1873-77-79), Техрон (1889), Лакнав (1906) ва Лохур (1905) шаҳарларида ҳам чоп этилган.

Маълумки, ўрта асрлардаги Уйғониш давригача Европа мамлакатларида Шарқ мамлакатларидагига нисбатан илм-фан анча орқада эди. XII асрдан бошлаб Шарқ фани, адабиёти ва маданиятига бўлган қизиқиши билан Испаниянинг Толедо шаҳрида 1130 йили таржимонлар коллегияси ташкил қилинади ва

кремоналик Герард (1114 - 1187) “қонун”ни араб тилидан лотин тилига таржима қилишга киришади. Бирок бу ишни XIII асрда яшаган бошқа бир Герард исмли таржимон охирига етказади. Шундан бошлаб “Тиб қонунлари” Европа врачлари қўлида асосий қўлланмага айланади ва дорилфунунларда тиббиёт фани бўйича ўқитила бошланади. 1650 йилгача тиббиёт факультетларида дарсликларнинг ярмини Ибн Синонинг “қонун”и ташкил этади. Ўша даврдаги йирик олимларнинг табобатга оид китоблари ҳам Ибн Сино асарлари таъсирига тушиб қолади. Ҳатто, Леонардо да Винчи асарларида ҳам қатор араб тиббий терминлари учрайди.

“Тиб қонунлари” асосий қўлланма ва дарслик сифатидаги қийматини 5-6 асрдан ортиқроқ сақлаб қолди. Бу китобга бўлган талаб шу даражада зўр эдик, китоб босиш дастгоҳи ихтиро этилганидан сўнг “қонун” босма китоблар қаторида биринчи ўринни эгаллади. Биринчи марта у Уйғониш даврида Страсбургда (айрим манбаларда Миланда) 1473 йили босилиб чиқди. XV асрнинг кейинги 30 йили мобайнида “Тиб қонунлари” лотин тилида 16 марта ва сўнгра 40 мартадан зиёд тўлалигича босилди.

XIX асрга келиб, Европада “Тиб қонунлари”га бўлган қизиқиши яна бошланади ва унинг айрим қисмлари немис, инглиз тилларига таржима қилинади. Аммо 1954 йилгача бу муҳим асар ҳозирги замон тилларидан биронтасига тўла ҳолида таржима қилинмаган эди. Чунки “қонун”нинг арабча асли миллиондан ортиқ сўзни ўз ичига оларди. Бу қийин, маъсулиятли ишни ўзбек шарқшунослари ўз зиммасига олиб, 1954-61 йиллар мобайнида Тошкентдаги йирик олимлар, табиблар ҳамкорлигига “Тиб қонунлари”нинг ўзбек ва рус тиоарига таржима қилинган 5 китоби нашр этилади. ”Қонун”нинг ўзбекча таржимаси 4000 бет, яъни 280 босма табоқдан иборат бўлади. 1980 йили Ибн Сино туғилган кунига 1000 йил тўлиши муносабати билан “Тибқонунлари” ўзбек ва рус тилларида тўлдирилган ҳолда иккинчи бор нашр этилди. ”А-қонун фи-т-тиб” Шарқ халқ табобати илми тараққиётининг олий чўққиси ҳисобланади. Иккинчи китобининг ўзида 811 номдаги ўсимликлар, ҳайвонлар ва маъданларга таалуқли “оддий” дориларнинг рўйхати берилган. Шунингдек, бу дорилар араб алфавити тартибида изоҳланади.

“Тиб қонунлари”нинг II жилдидаги 268 турдаги ўсимликдан 170 таси ҳозирги кунда амалда татбиқ этилган бўлиб, 110 таси давлат доришунослигининг турли нашрларига киритилган.

Ибн Синонинг бизгача етиб келган асарларидан яна қуидагиларни санаб ўтамиз:

**“Уржуза фит-т-тиб”** – табобат илмининг назарияси ва умумий масалалари буйича дарслик сифатида тузилган бу асар ражаз вазнида шеър билан ёзилган. Арабча асл матни 1829 йили Калькуттада, 1845 йили Лакнавда, 1956 йили Парижда нашр этилган. Лотин тилида ҳам таржима қилиниб, бир неча марта чоп этилган. Французча, немисча, инглизча таржималари мавжуд. 1972 йили Тошкентда ўзбекча таржимаси босилиб чиққан.

**“Ал-адвият ал-калбия”** (юрак дорилари) – юрак касалликларини даволашга бағишлиланган маҳсус рисола. Асл арабча матни Истамбулда 1937 йили босилган. Лотин таржимаси 1482 й., туркчаси 1937 й., ўзбекчаси 1966 йил Тошкентда нашр этилди.

**“Дафъ ал-мадорр ал-куллия ан-ал-абдон ал-инсония...”** (Инсон баданига етишган барча заарларни йўқотиш...) соғлиқни сақлаш (ҳозирги ибора билан айтганда гигиена) ва парҳез масалаларига бағишлиланган бу асар 1547 йилдаёқ лотин тилида нашр этилган. Арабчаси 1837 йили Қоҳирада, ўзбек тилидаги таржимаси 1978 йили Тошкентда босилиб чиққан.

**“Китоб ал-куланж”** – йўғон ичакдаги колит хасталигига бағишлиланган бу рисоланинг қўлёзма нусхалари турли кутубхоналарда сақланмоқда.

**“Мақола фи-н-ннабз”** – (“Томир уриши ҳақида мақола”) - форс тилида ёзилган бўлиб, 1932 ва 1952 йиллари Техронда босилган.

**“Уржуза фи-т-тиб/фил-л-фусул ал-арбаъа”** (“Йилнинг тўрт фаслига оид тиббий уржуза”) – шеърий рисолада йил фаслларида нималарга амал қилиш, овқатланиш, ичимликлар, дориларни истъемол қилиш ҳақида гап боради. Нашр этилмаган қўлёзмалари турли кутубхоналарда сақланади.

**“Уржуза фи-л-мужарработ”** (“Тажрибадан ўтган даврлар ҳақида уржуза”) – босилмаган. **“Рисола фи-л-боҳ”** (“Шаҳвоний қувват ҳақида рисола”) ёш ўтиши билан шаҳвоний қувватнинг камайиши ва уни қўзғатувчи дорилар ҳақидаги рисола, босилмаган.

**“Рисола фи тадбир ал-мусофирин”** (“Сафарда юрувчиларнинг тадбири ҳақида рисола”) – денгизда сафар қилгандан, қордан кўз қамашгандан, совуқдан қўл-оёқлар оғриганда кўрилиши лозим бўлган чоралар ва ҳоказо ҳақидаги рисола. Турк тилида нашр этилган.

**“Рисола фи хифз ас-сихха”** (“Соғлиқни сақлаш ҳақидаги рисола”) 13 бобдан иборат бўлиб, шахсий гигиена қоидалари ҳақида. Босилмаган.

**“Рисола фи-с-сиқанжубин”** (“Сиқанжубин ҳақида рисола”) – Асал ёки шакар ва сиркадан тайёрланадиган ичимликнинг фойдалари ҳақида. Ўрта асрларда лотин тилида босилган.

**“Рисола фи-л-фасд”** (“Қон олиш ҳақида рисола”) – туркчада таржима қилинган.

**“Рисола фи-л-ҳиндибо”** (“Сачратқи ҳақида рисола”) – Арабча матни туркча таржимаси билан бирга 1955 йилда Истамбулда босилган.

Ибн Синонинг бундан X аср аввал ёзган асарлари ҳали ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Ибн Сино ҳаво ҳақида тўхталганда буғ ва тутун каби ёт нарсалар аралашмаслигини, мусаффо, тиник бўлиши лозимлигини, очиқ ва шамол тегиб турадиган жойларнинг ҳавоси фойдали эканлигини таъкидлайди.

Ибн Синонинг фикрича, ҳавонинг сифатига қуёш (қуёш нурлари ҳавони соғломлаштиради), тоғлар, шамол, тупроқ, сув ҳавзаси таъсир қиласи. Нам ҳаво фойдали ва кўпчиликнинг мижозига ёқади. Терининг рангини очади, юмшатади, тешикларини тозалайди, ”уларни очади-ю лекин бузилишига йўл қўймайди”. Қуруқ ҳаво аксинча таъсир кўрсатади.

Йиллар, асрлар ўтди, табобат илмининг султони Ибн Синонинг номи тобора эъзозда.

## VI. БОБ.

### **XII-XIX АСРЛАРДА ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН ШАРҚ ХАЛҚ ТАБОБАТИ АЛЛОМАЛАРИ**

**Исмоил Журжоний** (1141 йилда вафот этган) – хоразмлик машхур олим. “Захирайи Хоразмшоҳий”, ”Карабадини Хоразмшоҳий” сингари қомусий асарлари Осиё ва Европа мамлакатларида асрлар давомида тиббиёт соҳасидаги асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Ҳозирча маълум бўлган 14 асаридан 12 таси тиббиётга алоқадор бўлиб, XII аср тиббиётига оид кўп жилдли қомусий асарларнинг ҳам муаллифи ҳисобланади. Аввал 10 китобни форс тилида, кейинчалик 12 китобни араб тилида ёзган (Хивадаги Хоразм тиббиёт музейида қўлёзма нусхалари сақланмоқда.)

**Нажибуддин Самарқандий** (1222 йилда вафот этган) – “Ал-асбоб ва-л-аломат” (“Касаллик сабаблари ва белгилари”) асари муаллифи. Асар ёзилганидан 2 аср ўтиб, ал-Кермоний унга шарҳлар ёзган ва Мирзо Улугбекка тақдим этган. ЎзФАШИ (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти) да 4 та қўлёзма бор.

**Насриддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ат-Тусий** (1273 йилда вафот этган). “Ахлоқи Носирий” каби яна бир қатор тиббий асарлар муаллифи, йирик олим “Ахлоқи Носирий” асари Шарқда машхур бўлиб, қўлёзма ва босма ҳолида кенг тарқалган. Муаллифнинг бир қатор қўлёзма асарлари ЎзФАШИда сақланмоқда. Бу асарларида муаллиф саломатликни саклаш борасида ривоят ва ҳикоятларни келтирган.

**Хизр ибн Али ибн ал-Хаттоб ал-Ойдиний** (1937 йилда вафот этган) – Ҳожи Пошо номи билан ўз замонасида машхур бўлган Қоҳира касалхонасининг бош табиби, Араб тилида ёзилган “Аш-Шифо” ва турк тилида битилган “Тасхил фи-т-тиб” (“Табобатни осон баён этувчи китоб”) асарлари муаллифи.

**Исҳоқ ибн Мурод** (XIV аср) – “Мунтаҳаб аш-Шифо” (“Тиббий сайланма”) асарида дориларнинг хусусиятлари, касалликларнинг белгилари ва даволаш йуллари ҳақида ёзилган ҳамда XVIII асрда қайта кўчирилган. Бу қўлёзманинг афзаллиги ҳақида 5 варакда арабча, форсча, туркча изоҳлар, шунингдек, инсон бадани аъзолари, касалликларнинг номлари ва дориворларнинг луғати илова қилинган. Бу усул Шарқ тиллари тиббий

терминология тарихини ўрганиш учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши билан қадрлидир. Қўлёзманинг бир нусхаси ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Шаҳобиддин Абдулкарим ўғли** (XIV) – Афғонистоннинг Ғазна шаҳрида туғилган. Ҳиндистонда яшаган. Икки оёғи сингандан кейин табобат билан шуғулланиб, “Шифо ал-мараз” (“Касалликлар давоси”), “Тибби Шаҳобий” (“Шаҳобий табобати”) асарларининг муаллифи. Ҳакимнинг ўзи гувоҳлик беришича, асарлардаги шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дориларни ўзи ихтиро қилган. Шунинг учун ҳам асарлари Марказий Осиё ва Ҳиндистон мамлакатларида қўлёзма ҳолида кўп тарқалган. Иккита қўлёзмаси ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Мансур ибн Муҳаммад Аҳмад ибн Юсуф ибн Факих Илёс** (XIV-XV аср) – Илмий манбалардаги маълумотларга кўра, табобатга бағишлиб 3 та асар ёзган.

“Рисола дар ташрих-и бадан инсон” (“Одам анатомияси ҳақида рисола”). Асосий қисм 4 бобга бўлинган бўлиб, суяқ, асаб, мускуллар ва қон томирларга бағишиланган. Хотима қисмида мураккаб аъзолар ҳақида гапирилган. ЎзФАШИда 2 та қўлёзма бор.

“Кифоя-и Мужоҳидийа” (“Мужоҳидлар учун тўлиқ китоб”) – одам танасининг соғлом ҳолати ва касал бўлиши сабаблари, соғлиқни сақлаш, турли аъзолар хасталиги, уларнинг муолажаси, оддий ва мураккаб дорилар ҳақида маълумотлар берилади. ЎзФАШИда 3 та қўлёзма нусхаси бор.

“Гиёсийи” – ягона нусхада бўлиб, Калькуттада сақланади.

**Бурхонуддин Нафис ибн Ивоз ибн Ҳаким ал-Кермоний** (XV аср) – Эроннинг машҳур табибларидан бири, Ҳусайн Бойқаронинг хизматида бўлган. ”Баҳр ул-ҳавосс” (“Хосиятлар денгизи”) асарида Шарқнинг улуғ табиблари ёзган китобларни ўқиб, солишириди. Бирор ўсимлик устида тўхталаркан, ўзидан олдинги табибларнинг шу борадаги фикрларини айтиб, сўнг шахсий мулоҳазаларини баён қиласида ва уларнинг фикрига қўшилганини ёҳуд рад қилганини, ҳамда уларга маълум бўлмаган бошқа усусларини топганини ёзади.

”Баҳр ул-ҳавосс” саҳифаларида Гандий, Абу Бакр Розий, Ал-Хосиб, Мосаржавайх, Исҳоқ ибн Ҳусайн, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд, Жолинус, Сукрот, Арасту, Арабиёсис, Балинус, Байтурис номлари зикр қилинган. Муаллиф асар муқаддимасида шифобахш ўсимликлар, қимматбаҳо тошлар, парранда ва ҳайвонларнинг

номларини алифбо тартибида баён қиласи. Юнон, форс, араб, хинд, турк тилларида қандай ном билан аталишини кўрсатиб беради. Асар форс тилида жуда содда ва равон ёзилган. Ҳатто 30 йил сафар қилиб, 1648 йилда ўзининг библиографик асарини араб тилида ёзган Ҳожи Халфа ҳам “Кашф ўз-зунун”га 15 мингга яқин форсча, арабча, туркча асарларнинг номларини қидириб, ”Баҳр ул-ҳавосс”ни тилга олмаган. ЎзФАШИда мазкур асарнинг 3 нусхаси сақланади.

**Мунниддин Жувайний** (XVаср) – “Нигористон” китоби билан машҳур, баъзи манбаларга қараганда “Нигористон” асарини 1431 йили ёзиб тугаллагач, хаттотлик санъати билан кўчириб, Мирзо Улуғбекка тақдим қилган. Саломатликка оид ҳикоятлар, ривоятлардан иборат бу асарни Улуғбек севиб ўқиган ва ўзи билан олиб юрган.

**Маждиддин Ҳавофий** (1493 йилда вафот этган) – “Хористон” (“Тиконзор”) китобини Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”ига тенглаштирадилар. Ҳиндистонлик олимлар узоқ изланишлардан сўнг “Хористон”нинг асл муаллифини аниқлаб, унга иккинчи умр бағишиладилар. Ҳавофиининг бу асарида инсон саломатлигига оид бир қанча ривоятлар бор.

**Султон Али** (XV-XVI аср) – Ҳурросонда туғилган. Самарқандда яшаган. ”Табиб-и Ҳурросоний” – “Ҳурсон табиби” деган нисбат берилган. “Дастур ул-илож” (“Даволаш дастури”) асарида одамнинг барча аъзолари касалликлари, уларни даволаш йўллари кўрсатилган. “Муқаддима-и дастур ул-илож” (“Даволаш дастури муқаддимаси”) асарини ҳам кейинчалик ёзиб, томир уриши, соғликни сақлаш, аъзоларни соғлом ва касал ҳолати, бухрон (касаллик кризиси) ҳақида сўз юритади. Бу икки асарнинг ЎзФАШИда бир неча қўлёзма нусхалари бор.

**Шоҳ Али ибн Сулаймон** (XV-XVI асрлар) – тошкентлик. “Зубда-и манзума дар фанни қаҳхолий” (“Қаҳхоллик санъатига бағишиланган шеърий рисола”) муаллифи. Асар маснавий услубида тузилган бўлиб, кўз касалликларининг давоси, мураккаб дориларни тайёрлаш ҳақида маслаҳатлар берилган. 1544 йилда X асрда яшаган бағдодлик қаҳхол Али ибн Исанинг “Китоб тазкират ул-қаҳхоллин” (“Қаҳоллар учун эсдалик китоби”)ни арабчадан форсчага таржима қилган, ўтмишдаги машҳур табиблар асарларидағи маълумотлар билан тўлдиради. Бу асарда кўз тузилиши, кўзнинг ташқи ва ички

касалликлари, қўлланиладиган оддий ва мураккаб дорилар келтирилади. ЎзФАШИда 2 асар қўлёзма матни сақланмоқда.

**Ибн Камолпошшо** (XV-XVI асрлар) – асли исми Мавлоно Аҳмад ибн Сулаймон. Ўз даврининг йирик олими ва шоири. Табобатга оид “Нигористон” форс тилида ёзилган бўлиб, қўлёзма нусхалари ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-Табиб ал-Ҳаравий** (XVI аср) – Хурасоннинг Хоф шаҳрида туғилган. “Рисола дар тадбири маъқул ва машруб” (“Ёйиладиган ва ичиладиган нарсалар ҳақида рисола”) каби табобатга оид 14та насрый ва назмий асарлар ёзган. “Илож ал-амроз” (“Касалликлар давоси”) асари Юсуфийга шуҳрат келтирган эди. Заҳиридин Бобур таклифи билан Ҳиндистонга бориб, шоҳнинг хос табиби бўлган. Юсуфий “Жомиъ ал-фавойид” (“Фойдалар мажмуаси”)ни ёзиб, Марказий Осиё ва Ҳиндистонда ҳам шуҳрат топган.

**Ҳаким Давоий ал-Гилоний** (XVI аср) – Давоий ҳақида жуда кам маълумот бор. Тахаллусига қараганда Эроннинг Гилон шаҳрида туғилган, деб тахмин қилинади. Ҳиндистонда Бобурнинг набираси Ақбаршоҳга табиблик қилган. “Фавойид ал-инсон” (“Инсонларга фойдалар”) асари Марказий Осиё, Туркия, Эрон ва Араб мамлакатларида доривор гиёҳлар, улардан фойдаланиш борасида. Бу қўлёзманинг бир нусхаси ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Мулла Муҳаммад Юсуф Каххол** (XVI аср) – Самарқандда Шайбонийлар саройида табиб бўлган. “Тахқик ул-хуммаёт” (“Иситмалар тарихи”) ва “Рисола дар тахқик-и набз тафсири” (“Томир ва пешоб ҳақида рисола”) асарлари муаллифи. Асарлар 2 қисмга: “мақсад” ва “матлаб”га бўлинган бўлиб, биринчисида, томир уришининг киши табиатига, йил фаслларига, касаллик турига қараб ўзгариши, “матлаб”да эса касалликни пешобга қараб аниқланиши ҳақида сўз юритилади. Муҳаммад Юсуф кўз касалликларини ҳам яхши даволаган. Зеро, ”Зубдат ул-каххолин” асарида ташқи белгилардан аниқлаш мумкин бўлган кўз касалликлари ва уларни даволаш иложи баён қилинган. ЎзФАШИда асарнинг нусхалари сақланмоқда.

**Убайдуллоҳ ибн Юсуф Али Каххол** (XVI аср) – Тошкентда яшаган. “Шифо ул-алил” (“Касалликлар шифоси”) номли 2 китобдан иборат асари бор. Биринчиси, ўша даврда анъанавий тус олаги “бошдан то товонгача” бўлган аъзолар касаллигига, иккинчиси эса мураккаб дориларни тайёрлашга ва қўллашга

бағишланган. Китобни ёзишда муаллиф ар-Розий, Ибн Сино, Исмоил Журжоний, Нажибуддин Самарқандий асарларидан, шунингдек, ўз оиласи ҳамда устозлари тажрибаларидан фойдаланган. ЎзФАШИда 5 қўлёзмаси бўлиб кўчирилган.

**Муҳаммад Ҳусайний Нарбахший Баҳоуддавла ибн Миркивомуддин** (1507)йилда вафот этган – эронлик. Райда ва Ҳиротда таҳсил кўрган. 1501 йили ёзган асари кузатишлар ҳақида, дарслик шаклида тузилган. Унда Буқрот, Жолинус, Розий, Ибн ал-Байтор каби буюк олимлар тажрибаларидан мисоллар келтирган. Муаллифнинг шахсий кузатишлари ўша давр учун мутлақо янги бўлган касалликларнинг биринчи бор тасвиrlанганига асос бўла олади. Масалан, Баҳоуддавла иситмалар ҳақида гапириб, баҳорда, дарахтлар гуллаган вақтда қўзғайдиган касаллик “Хуммал-кашши” (аллергия) ни бошқа хасталиклардан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди. Бу касаллик эса Европада фақат XIX асрга келиб қайд этилган. Баҳоуддавла Ҳиротда яшаб юрган вақтида қўййутал эпидемиясини кўрган ва унинг ҳамма белгиларини китобда батафсил тасвиrlаб, муолажа йўлларини баён қилган. Бу манба табобат тарихига қўййутал ҳақидаги биринчи маълумот сифатида кирган. “Хуносат ат-тажориб”нинг қўлёзма ва тош босма нусхаларининг бир қанчаси бизгача ҳам етиб келган бўлиб, ЎзФАШИда сақланмоқда.

Имомуддин Маҳмуд ибн Маъсуд Шерозий (1515-1592) – XVI аср табобатида катта ҳисса қўшган. Эронлик. Ҳозирги кунда 20 га яқин асари маълум, қўлёзмалари Ҳиндистоннинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асарларида Ибн Сино “Тиб қонунлари”нинг “тажрих” (анатомия) қисмига шарҳлар, заҳм касаллиги ҳақида, тарёқлар тайёрлаш, уларни ишлатиш усуслари ҳамда заҳарлар, заҳарли ўсимликлар ҳақида маълумотлар бор.

**Ҳаким Кооний** – асли исми Мирзо Ҳабибуллоҳ Шерозий. “Паришон”, яъни “соҷилган” асарида нафсни тийиш ва соғлиқни сақлашга доир ҳикоятлар берилган.

**Абулбарокот Қодирий ибн Муҳаммад Насруллоҳ** (XVI-XVII аср) – Акбаршоҳ даврида ёзилган “Качкули Султоний” асари билан машҳур. “Качкул” гадойларнинг идиши, гадойлар нима топса, ушанга солишаверган. Баъзи шоирлар ва олимлар ҳам ҳаёлига келган фикрни ифодалаб ёки бошқа асарлардаги ёқтириб қолган жойларини тўплаб китоб шаклига келтирганлар-да, уни “качкул” деб атаганлар. Тошкент Шарқшунослик институтида

ҳозирда бундай качкуллардан анчагина бўлиб, ўша даврда бу анъанага айлангани сезилади. Абулбарокот Қодирий шу йўлдан бориб, табобатга, ижтимоий фанларга оид фикрларни ифодаловчи качкул тузган ва маҳсус бобларга ажратган. Бу асарларнинг бир нусхаси ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Мұҳаммад ибн Шайх Мұҳаммад ал-Жомий** – Шоҳруҳ Мирзо даврида яшаган. “Риёз ан- носихин” (“Насиҳатчилар бўстони”) асари муаллифи. Инсон саломатлигини сақлаш борасидаги турли ҳикмат, ҳикоят ва ривоятларни ўз ичига олувчи бу асарни ёзишда 443 китобдан фойдаланганини муаллиф эътироф этади. Асрнинг қўлёзма нусхаларидан бири ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Абдулхах ибн Сайфиддин ал-Қодирий ал-Дехлавий** (1642 йилда вафот этган) – “Одоб ас-салиҳин” (“Олижаноб кишиларнинг одоби”) асарида соғлиқни сақлашга доир инсоний хислатларни тараннум этади. ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Абулғози Баҳодирхон** (XVII аср) – Хоразм хони. Жангларда жароҳатланган аскарларни Ибн Сино, Юсуф табибларнинг маслаҳати билан ўзи муолажа қилиб, 142 иллатга доир “Манофеъ ул-инсон” (“Инсонлар учун фойдали тадбирлар”) рисоласини ёзган. Асарда оддий, мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш усуллари, муолажа турлари, шунингдек, ўзидан олдин ўтган табибларнинг ҳамда ўзининг bemорларни даволашга оид фикр-мулоҳазаларини келтирган. У халқ табобатида қўлланиладиган дориларни ўз даврига монанд мукаммал баён қилган.

**Субҳонқули Мұҳаммад Баҳодирхон** (XVII аср) – Бухоро хони. “Тибби Субҳоний” асари 1831 йилда қайта кўчирилади. 53 бобдан иборат бу рисолада бош, кўз, қулок, тиш оғрифи, сарик касали ва бошқа дардлар муолажаси ҳақида қимматли маслаҳатлар берилади. ”Тибби Субҳоний”нинг ягона асл нусхаси Будапешт кутубхонасида сақланади. Ўзбек тилидаги битта нусхаси ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Мұҳаммад Арzonий**(XVII аср) – “Мезон ат-тиб” (“Тиббиёт мезони”) “Муфаррих ал-кулуб” (“Қалблар шодлиги”) асарларида халқ табобатининг ўз давридаги даволаш усуллари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритган, қўлёзма нусхалари ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Мумтоз** (XVII-XVIII аср) - асли исми Бархурдор ибн Маҳмуд Туркман Фароҳий. “Маҳбуб ул- қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”)

асари саломатликка доир назмий ва насрий ҳикоятлардан иборат, ахлоқий мавзуда. Кўлёзма нусхаси ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Султон Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд** (XVII аср) – “Одоби ал-музийфин ва зод ал- оқилийн” (“Зиёфат одоби ва меҳмонлар емиши”) асарида саломатликни сақлаш ҳақидаги ривоятлар, ҳикоятлар, нақлларни мужассам этган. Асарнинг бир нусхаси ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Муҳаммад Солиҳ ибн Қутлухбий** – “Рисола дар баён муолажати тиббий” (“Тиббий даволаш ҳақида рисола”) асарининг 1724 йилда қўчирилган бир нусхаси ЎзФАШИда сақланмоқда. Муаллиф қачон ёзгани номаълум.

**Сайийд Муҳаммад Ҳасрат** (XVIII аср) - Шахси ҳақида деярли маълумот сақланмаган. “Низоми сиххат” (“Саломатликни сақлаш қоидалари”) ва “Туҳфаи Ҳусайнний” (“Ҳусайнин туҳфаси”) асарининг муаллифи. Кўлёзмалари ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Мир Муҳаммад Ҳусайн ал-Оқилий** (XVIII аср) – Хурросонда туғилган. Шерозда Муҳаммад Ҳусайн номи билан машҳур табиб бўлган. “Маҳзан ал-адвий йа” (“Даволар хазинаси”), “Корабодин” (“Фармакопея”) асарлари жуда машҳур бўлган. Асарларида Юнон олимларидан тортиб, Ибн Сино, Беруний, Розий, Антокий, Ибн Байтор каби ўнлаб олимларнинг касалликларни муолажаси ҳақидаги фикрлари жамланган. “Маҳзан ал-адвий йа” ни ўқиш жараёнида ўсимлик ва меваларнинг аталиш сабабларига изоҳлар берилса, дориларнинг юононча, арабча, форсча, туркча, ҳиндча ва лотинча номлари учрайди. Ҳатто баъзи ўринларда ўсимлик ва меваларнинг аталиш сабабларига ҳам изоҳлар топилган. Масалан: олволи сўзи олуйи, бу али бўлиб, кейинчалик олволи, олибули, олиболи сифатида ўзгариб кетган, дейди муаллиф. Абу Али ибн Сино, Беруний, ар-Розий асарларини ўзбек тилига таржима қилишда, айрим сўзларни аниқлаш учун “Маҳзан ал-адвий йа”га тез-тез мурожаат қилиб турилади. ЎзФАШИда мазкур асарнинг 20 дан ортиқ нусхаси сақланмоқда.

**Абу Али ибн Муҳаммад ибн Яъкуб ибн Мискавайх** – “Жовидони хирад” (“Боқий ақл-идрок”) асарида инсон саломатлигига доир масалаларни мужассам этган. ЎзФАШИда асарнинг бир нусхаси сақланмоқда.

**Хофиз Калон ибн Бадриддин Кори** (XIX аср) – “Хулосат алхукамо” (“Ҳакимлар хулосаси”) асари 1860 йилда ёзилган, табобатга оид масалалар турли муаллифларнинг асарларидан

танлаб олинган. 33 бобдан иборат. Бир нусхаси ЎзФАШИда сақланмоқда.

**Илёс Мулла Мұхаммад ўғли (XIX-XX аср)** – тахаллуси Сүфи ёки Мир Хомушон. Хоразмлик шоир. “Баҳориёт” маснавийларида ёзилган. ЎзФАШИда қўлёзма нусхаси сақланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (ЎзФАШИ)қўлёзмалар жамғармасида 40 мингдан зиёд табобатга доир дурдона асарлар мавжуд. Бугунги вазифамиз ана шу асарларни чоп этиб, халқимизни баҳраманд қилиш.

## VII. БОБ. ИНСОН АЪЗОЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ЯШИРИН ҲИМОЯ

Ер юзидағи барча тирик жон, у хоҳ ўсимлик дунёсига, хоҳ ҳайвонот дунёсига мансуб бўлсин, ташқи муҳит шароитига мослашиш, шикастланганда қайта тикланиш, ва албатта, ҳимояланиш хусусиятларига эга. Судралиб юрувчилар синфиға мансуб илон, калтакесак каби жониворлар танасидаги бирорта аъзо шикастланса, маълум вақтдан сўнг унинг қайтадан ўсиб чиқишини кузатиш мумкин. Атиргулнинг тикани, типратиканнинг тиканли териси ҳимоя воситаси эканлиги ҳаммага маълум.

Баъзан ҳимоя воситалари бир вақтнинг ўзида қурол, овқат топиш учун ов аслаҳаси бўлиб ҳам хизмат қиласи. Ҳашаротларнинг ниши, илонларнинг заҳарли тишлари ёки йиртқич ҳайвонларнинг тиш ва тирноқлари буларга мисол бўла олади. Юқорида айтганларимизнинг ҳаммаси, агар ҲИМОЯ сўзини кенг маънода ишлатсак, айнан ҳимоя учун, ташқи муҳит келтириб чақарадиган муаммоларни ҳал қилиш учун қўлланиладиган воситалардир. Инсон танасида ҳам ўз-ўзини ҳимоя қилиш хусусияти борми? Бор бўлса у қандай ишлайди? Қуйида ана шу саволларга жавоб беришга, инсон танасидаги ҳимоя ҳақида сўз юритамиз.

Биз иссиқ нарсаларни ушламасликка, кесувчи, санчилувчи буюмлардан эҳтиёт бўлиб фойдаланишга, хавф-хатардан қочишига ҳаракат қиласи. Булар, албатта, ҳаёт давомида орттириладиган тажриба туфайли шаклланадиган ҳимоялардир, яъни ўз-ўзини сақлаш инстинктидир. Лекин танамизда бизнинг идрокимизга бўйсунмайдиган, бизнинг хоҳишимизсиз ҳам керакли пайтда ишга тушадиган, тананинг дастлабки яратилиши давридаёқ назарга олиниб бериб қўйилган, бошқача айтганда программалаштирилган ҳимоялар мавжудки, буларнинг қанчалик куч-қудрат ва идрок билан қилинганлиги тасаввуримизни ҳайратга солади.

Дастлаб қорин бўшлиғига бир назар соламиз.

Овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларининг ошқозондан тўғри ичаккача бўлган қисми, тизимга тегишли бўлган йирик безлар (жигар, ошқозоности бези), талоқ, айирав ва жинсий тизми аъзолари қорин ҳамда чаноқ бўшлиғида жойлашган. Диафрагма деб номланувчи мушакли аъзо танани кўндаланг равишда иккита бўшлиқ кўкрак ва қорин бўшлиқларига бўлиб туради. Шу аснода

қорин бўшлиғи тепадан диафрагма билан, олд томонда қорин мушаклари билан, орқа томондан умуртқа поғонаси ва унга тегишли мушаклар билан чегараланиб туради. Пастки томонда қорин бўшлиғи бевосита чаноқ бўшлиғига давом этади. Айтиш жоизки, қорин ва чаноқ бўшлиқлари шартли равишда бир-биридан ажратилади, яъни уларнинг орасида диафрагма сингари аниқ чегара йўқ.

Қорин бўшлиғидаги барча аъзолар ва унинг деворларининг ички юзаси маҳсус қоплама – қорин парда билан ўралиб туради. Кўриниши жиҳатидан қорин парда худди целофанга ўхшайди. Парда иккита қаватдан иборат. Унинг аъзони ўраб турувчи варақаси аъзо парда, деворни ўраб турувчи қисми эса деворолди парда деб аталади. Варақалар орасида кичкина бўшлиқ бўлиб, у перитониал бўшлиқ деб юритилади. Перитониал бўшлиқда доимий равишда суюқлик мавжуд. Ўзи табиатан йирик ва оғир, баъзи физиологик ҳамда патологик жараёнлар туфайли янада йириклишиб кетиши мумкин бўлган аъзолар (масалан, 1500 г. ли жигар) қоринпарданинг йўғонлашиб, ип шаклини оладиган қисмлари ёрдамида қорин деворининг айрим жойларига ёки бирорта аъзога илиб қўйилади. Парданинг бундай қисмлари тегишли аъзо бойлами номини олади.

Қорин бўшлиғидаги ҳамма аъзолар, ва айниқса, ичаклар доимий равишда бир-бирига нисбатан ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракат натижасида аъзоларнинг бир-бирига тегиб турувчи юзалари орасида ишқаланиш юзага келади. Физика қонунига асосан ишқаланиш кучи темир, ва ҳатто, олмос сингари метин моддаларни ҳам едириб юборадиган қудратга эга. Лекин ниҳоятда нозик тузилишга эга бўлган ичак деворлари 60-70 йил, баъзан ундан-да кўпроқ вақт давомида эрта-ю кеч, тинимсиз равишда ишқаланса ҳам едирилмайди. Бу нима?

Физика қонунининг нўноқ ерими ёки қонун фақат айрим жисмларга нисбатангина қўлланиладими? Йўқ, албатта.

Биринчидан, қорин парданинг ташқи юзаси ниҳоятда силлиқ, иккинчидан, пардалараро бўшлиқдаги суюқлик мойсимон тузилишга эга. Яна бир ажабланарли ери бу суюқлик доимий равишда янгиланиб туради. Ишлатиб бўлинган суюқлик қаерга кетади? Деган савол туғилади. У ҳеч қаерга кетмайди. Гап шундаки, қорин парданинг вицерал варақаси доим суюқлик ишлаб чиқариш, париетал варақаси эса суюқликни сўриш хусусиятига эга.

Мана шу мосламалар қорин бўшлиғи аъзолари орасидаги ишқаланиш кучини деярли нолга тенг қилиб қўяди, натижада ишқаланиш енгил ва безиён бўлади.

Қорин парданинг вазифаси қорин бўшлиғидаги аъзоларни мустаҳкам ушлаб туриш ёки ишқаланиш кучини камайтириб бериш билангина чегараланиб қолмайди.

Чарви деган сўзни ҳаммамиз эшитганмиз, ва албатта, кўпчилик учун чарви сўзи овқат маҳсулоти, ёғ омили маъносини англатади. Гап сўйилган қора мол ёки қўй ҳақида кетганида бу шундай. Инсонда ҳам чарви борми ва у нима вазифани бажаради?

Чарви аслида қорин парданинг бир кўриниши, унинг бир қисмидир. Қорин парда ичаклари ўраб бўлиб, қорин деворининг ички юзасига параллел равишда пастга кетади. Пастга тушганидан сўнг у яна бурилиб тепага йўналади ва сўнг деворининг ички юзасини қоплайди. Ана шу услубда пастга ва тепага йўналган қорин парда 4 қаватни ташкил этади. Бу қаватлар орасида ёғ укка ўхшаб ичакнинг олд томонида осилиб турган қорин парда варақлари ҳамда улар орасидаги ёғ чарви деб аталади. Қорин бўшлиғи ҳеч қачон ташқи муҳит билан бевосита боғланмайди, яъни у асептика нуқтаи назаридан ниҳоятда стерил (тоза) ва бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Одатда, чарви доим жим туради ва гўё ҳеч қандай вазифа бажармайди. Лекин бирор кори ҳол туфайли қорин бўшлиғи аъзоларининг қай биридир шикастланса ( ўткир кўричакнинг ёрилиб кетиши) ва бўшилик тозалигига хавф туғулгудак бўлса, қорин парда ана шу хавфни бартараф этишга сафарбар қиласи, яъни у шикастланган аъзо ичидаги ифлосликлар бўшиликқа тушмасин учун уни маҳкам ўраб олади ва маълум муддатгача (олти соатгача деб қабул қилинган) тозаликни ҳимоя қилиб туради.

Қорин парда варақаларининг суюқлик ишлаб чиқариш йўли билан ишқаланиш кучини нолга тенг қила олиши, чарвининг иши – булар механик жараёнлар бўлиб, назаримизда оддийдек туюлиши мумкин. Лекин парда варақаларининг қачон ва қанча суюқлик ишлаб чиқариш ва бунинг қанчасини захирага юбориш кераклигидаги аниқлик, чарвининг шикастланган аъзони тўғри топа билишни асло оддийликка йўйиб бўлмайди.

Биз билмайдиган яна бир ҳимоя тўғрисида гаплашайлик.

Маълумки, сув ёки ҳаво сақлашга мослаштирилган идишнинг бирорта ери игнадек тешилса. Бир зумда ундаги нарса чиқиб кетади

ва бу идиш таъмирланмагунча ундан фойдаланиб бўлмайди. Агар идиш таъмирланишга мослашмаган бўлса, ундан воз кечиб, ташлаб юборилади.

Инсон танаси 90 фоизгача сувдан ташкил топганлигини айтган эдик. Турмушда у-бу сабаб билан бирорта еримизни кесиб олишимиз, бирорта ўткир нарса билан яраланиб қолишимиз мумкин. Нимага танамиздаги ҳамма суюқлик ана шу тешик орқали оқиб чиқиб кетмайди ёки нима учун биз бу тешикни яматишга чилангарга ёки бошқа бир мутахассисга мурожаат қилмаймиз? Чунки баданимиз азалдан ивиш тизими билан таъминлаб қўйилган.

Ивиш тизими меъёрли ҳолатда қонда шунчаки сузиб юрадиган моддалардир. Бу моддаларни шартли равища учта қисмга бўлиш мумкин.

Қоннинг ивишини таъминлаб берувчи моддалар.

Қоннинг ивишини олдини олувчи моддалар.

Қон ивиганидан сўнг ҳосил бўлган моддани яна қайта суюлтириб берувчи моддалар.

Терининг бирорта ери кесилиб кетса, автоматик равища қоннинг ивиш системаси ишга тушади. Дастрлаб, шикастланган тўқимада томирнинг автоматик қисқариши юзага келади. Бу ерга тромбоцитлар келиб парчаланади ва ундан ҳосил бўлган моддалар тромбоцитар қозиқни ҳосил қиласди. Бу қозиқда тромбоцитдан ташқари эритроцитлар ва лейкоцитлар мавжуд. Булар шикастланган ерни механик равища беркитади. Механик беркитиш жараёни шикастланган томир девори биопотенциалининг ўзгариши ҳисобига амалга оширилади. Кесилган деворидаги манфий заряд мусбат зарядга ўтади ва натижада қоннинг шаклий элементлари айнан шикастланган томир ёнида тўхтай бошлайди.

Томир деворидан чиқаётган табиий елим эса, элементларнинг ёпишишига сабаб бўлади. Тромбоцитар қозиқ пайдо бўлиш жараёни тахминан икки, уч дақиқа давом этади ва қон кетиши тўхтайди. Шу ердан қон ивишининг иккинчи босқичи бошланади. Бир ерга тўпланган тромбоцитлар ёрилиб, уларнинг таркибидаги моддалар чиқа бошлайди. Бу моддалар, бошқача айтганда, тромбинлар қондаги суюқ фибриногенни қонда эримайдиган ип шаклидаги фибринга айлантириб беради. Ивишнинг бу фазасида калций моддаси фаол иштирок этади. Эримайдиган фибрин ипчалари секин-аста йиғилиб, фибринли қуйқа ҳосил бўлади.

Бунинг ҳосил бўлиши, қон ивишининг сўнгги босқичи ҳисобланмайди. Шикастланишнинг иккинчи, учинчи соати мобайнида фибринли ипчалар секин-аста таранглашиб бориб, томир ва тери чеккаларини ҳам бир-бирига яқинлаштиради. Бу жараён ретракция деб аталади. Ретракция ҳисобига шикастланган жой мустаҳкам фибрин ипли тўр билан беркитилади. Кейин ўша ерда асептик табиий бойлам ҳосил бўлади. Соғлом одамда кейинчалик бу фибринли ип секин-аста эриб молекулаларга парчаланади.

Танада ана шундай кучли ивиш тизими мавжуд экан, нима учун томирларда қон доимий равишда суюқ қолади. Бунга сабаб, инсон қони ивишга қарши тизим билан ҳам таъминлаб қўйилган. Ивишга қарши бу тизим ҳосил бўлаётган ва инсон ҳаётига тажовуз қилиб турган тромбоцитлар таркибини доимий равишда бир ҳил туришини таъминлайди. Агар, тромбоцитлар хаддан зиёд кўп ишлаб чиқарилса, бу тизим ишга тушиб, тромбоцитларнинг маълум қисмини эритади ва бизни турли хатарли ҳолатлардан ҳимоя қилиб туради.

Шу аснода, биз ўзимиз билмаган ҳолда, бу қўз илғамас чеварлар шикастланган еримизни бизга билдирамай тикиб юришади, бу чеварлар хаддидан ошиб кетмаслигини эса, ивишга қарши тизим соқчилари назорат этиб туришади.

Модомики, гап ҳимоя ҳақида кетар экан, сухбатимизни танамизни қорин парда ёки чеварлар сингари фақат керакли пайтдагина эмас, балки доимий равишда ҳимоялаб турадиган мосламалар ҳақида тўхталиб ўтиш билан тугаллашни лозим топдик.

60 Кўкрак қафасини қовурғаларнинг орқа томондан умуртқа поғонаси, олд томондан эса тўш суяги билан бирлашишидан ҳосил бўлган мустаҳкам қўрғон деб аташ мумкин. У юрак ва ундан чиқувчи йирик томирларни, кекирдак ва ўпкаларни, қизилўнгачни механик таъсиrlардан ҳам доим ҳимоялаб туради.

Эшитиш ва мувозанатнинг марказий қисми ҳисобланадиган икки ярим айланали чиғаноқ бошда, қулок супраси орқасидаги сўрғичсимон ўсимта деб номланадиган ерда жойлашади. Сўрғичсимон ўсимта тана суяклари ичидаги энг мустаҳкам суяқ ҳисобланади. Кичкинагина аъзонинг бундай мустаҳкам ҳимоя остига олинишида қандай ҳожат борлиги эса ҳали фанга маълум эмас.

Биз сизларга юқорида айтиб берган ҳимоя турлари инсонни фақат жисмонан ҳимоялаб туришини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Одамнинг маънавий ҳимояси фақатунинг ўзигагина боғлиқ десак муболага бўлмас.

### **ЯШИРИН ҲИМОЯ. АЖОЙИБ ЛИБОС.**

Тери инсон бошқа жонзотларнинг ташқи қопламасидир. Яшаш муҳити, шароити, овқатланиш усули ва бошқа омилларга қараб у турлича бўлиши мумкин, лекин ҳар қандай терининг асосий вазифаси танани ташқи муҳит таъсирларидан ҳимоя қилишдан ҳамда турдли физиологик жараёнларда иштирок этишданиборат.

Катта одам терисининг оғрилиги 15 килограммгача бўлади. У 1, 5-2 метр квадрат майдонга эга бўлиб, инсон умумий вазнининг 16 фоизгачасини ташкил қиласди. Инсон терисида эпидермис, дерма ва тери ости ёғ клетчаткаси (гиподерма) фарқланади. Эпидермис беш қаватдан: базал қават, найзасимон қават, донадор қават, ялтироқ қават ҳамда шох қаватлардан ташкил топади. Дерма турли хилдаги толаларга бой ва нисбатан ҳужайралари ким бўлган бириктирувчи тўқимадан иборат. Бириктирувчи тўқима, асосан, тери ҳосилалари (тирноқ, соч, тер безлари, ёғ безлари) учун устунлик вазифасини ўтайди. Унда икки қават сўргичли ҳамда тўр қаватлар мавжуд. Гиподерма толалардан иборат бўлиб, толаларабо тугунларда ёғ ҳужайралари ўрин олади. Гиподermанинг қалинлиги 2 мм (бошда)дан 10 см (тананинг бел ва сон оралиғида) гача бўлиши мумкин.

Тери ҳамма аъзолар ва аъзолар тизими билан чамбарчас боғлиқ, аммо биз унга кам эътибор берамиз, аниқроғи бизни безовта қилмайдиган аъзодир. Ҳақиқатда, агар бир жойимиз оғримаса, биз теримиз борлигини ҳис этмаймиз ҳам. Лекин тери биз учун ниҳоятда кўп вазифаларни бажариб берадики, аҳамият жиҳатидан уни юрак, буйрак ёки жигарнинг фаолияти билан бир қаторга қўйиш мумкин. Бу қандай вазифалар-у, уларда не синоатлар бор.

Айтиб утганимиздек, танани ташқи муҳитнинг заарли таъсирларидан ҳимоя қилиш терининг энг асосий вазифасидир. Буни қарангки ташқи муҳитда инсон танасига зара етказиши мумкин бўлган неча хил омил бўлса, терида шунга яраша ҳимоя мавжуд. Масалан механик таъсирга механик ҳимоя бор. Механик ҳимояни терининг зич шох қавати, бириктирувчи тўқиманинг эластиклиги, гиподерманинг буферлик хусусияти амалга ошириб

беради. Агар механик ҳимоя бўлмаганида эди, арзимаган нарсага ҳам, ҳатто чироқни ўчириб ёқищдек оддий ҳаракатга ҳам танамиз шикастланиб қолган бўлар эди.

Қуёш доим нур таратиб туради. Бу нур таркибида радиацион нурлар ҳам мавжуд. Лекин, биз бу нурлардан зарар кўрмаймиз. Чунки теримиз маълум даражада бизни радиацион нурлар таъсиридан асрайди. Ультрақизил нурлар шохқават томонидан тўлиқ тутиб қолинади, ультрабинафша нурлар эса қисман. Лекин, ультрабинафша нурлар эпидермиснинг чуқур қатламлариға ўтгач, уерда меланин деб номланувчи махсус пигмент ишлаб чиқарилиши кучаяди. Айнан ана шу пигмент ултрабинафша нурларини ўзига ютади. Шу пигмент ҳисобига иссиқ ўлка вакилларининг териси қора тус олади. Яна бир эътиборли томони шундаки, қуёш камроқ нур сочадиган ўлкаларда янги туғилганчақалоқларда терининг пигмент ишлаб чиқариш хусусияти ҳаётнинг иккинчи, учинчи йиллари ишга тушади, иссиқ мамлакатлардаги чақалоқларда эса, бу механизм биринчи кунларданоқ ишлай бошлайди.

Кимёвий таъсиридан ҳимояни, яъни электролитлар, (мусбат ёки манфий зарядланган ионлар), сувнинг танамизга ўз-ўзидан кириб кетмаслигини ялтироқ қават, доимий равишда ажralиб турадиган тер ва теримизнинг электростатик хусусияти таъминлаб туради. Электростатика нимадан иборат?

Теримизда ўзига хос магнит майдони мавжуд. Терининг донадор қавати мусбат зарядга, ундан юқори қаватлар эса манфий зарядга эга. Айнан кимёвий ҳимоя остида биз ўзтаркибида турли кимёвий элементлар тутувчи буюмлар, иш иш қуролларидан bemalol фойдалана оламиз.

Атрофимизда бизга ҳар сонияда ҳужум уюштириб турувчи миллиардлаб микроорганизмлар мавжуд. Лекин улар зиён етказа олишмайди. Буларга нисбатанқандай ҳимоямиз мавжуд экан? Буни қарангки, теримизда ана шу душманларимизга қаршилик кўрсата оладиган махсус армия, микроорганизмлардан иборат қуролли кучлар бор экан. Бу қуролли кучларнингсони терининг бир квадрат сантиметрида 115000 дан 32000000гача бўлишимумкин экан. Сонлар орасидаги шунча фарқ нимага боғлиқ? Деган саволтуғилади. Танамизнинг чегаравий худуларида, яъни ташқи муҳитга очилибтурадиган аъзолар (кўз, қулоқ, бурун, оғиз ва бошқа табиий тешиклар) атрофидамикроорганизмлар сони кўп, бошқа жойларда эса нисбатан кам бўлади. Микроорганизмлар танага ёт

микробларни фақат жисмоний бартараф этиб туради. Шу билан бирга терида микробларга қарши кимёвий воситалар ҳамбор. Буларга лизоцим, қуйи ёғ кислоталари, тер ва ёғ безларининг маҳсулларикиради. Бу моддалар терини ўзига хос кислотали қобиқ билан ўрабтурди. Терининг ана шу услубда ўз-ўзини тозалаб туриши, масалан, ичак таёқчасидеб номланувчи микробни 15-30 дақиқа ичидаги ҳалоқ этади, ва умуман, заарлимикробларнинг кўпайишига йўл қўймайди. Ажойиб ери шундаки, кимёвийқуроллар терининг ўзидағи фойдали микробларга шикаст етказмайди.

Сизга баён этиб берганларимиз терининг фақат ҳимоя вазифаси билан боғлиқ бўлган ҳолатлардан айримлариdir. Хўш, терида яна қандай хусусиятлар мавжуд?

Маълумки, хайвонлар даврий равища тери алмаштириб туришади. Биз инсонларда ҳам шу насрар борми? Ҳа, албатта. Бу хусусият бизнинг теримизга ҳам хос. Терининг эпидермис қавати доимий равища янгиланиб туради, эски қаватлар эса бизга билинмаган ҳолда ташқари томон чиқарилиб турилади. Янгиланиш тезлиги терининг турли ерларида турлича. Масалан, оёқда бунга бир ой вақт кетса, қўлда ўн кунни эгаллади.

Терининг нафас олиши ҳам эътиборга сазовор. Инсон тери орқали бир суткада 7, 0-9, 0 г карбонат ангидрид чиқаради ва 3-4 г кислород олади. Бу танадаги умумий газлар алмашинувининг 2 фоизини ташкил қиласи. Маълум шароитларда бу кўрсаткич ундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Энди ўйлаб кўринг, агар инсон териси орқали ҳам ҳаво олса, керак пайтда у умуман ўпкаларни ишга солмай нафас ола билар. Бу бизга қоронғу. Лекин бир нарса аниқ, тери орқали олинадиган нафас бу газларнинг шунчаки тери орқали диффузияси эмас, балки ферментатив равища идора этиб туриладиган мураккаб жараёндир.

Терининг айирув аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нормал ҳолатда инсонда бир суткада 600-1300 мл тери ажralаётган терининг таркибида сувдан ташқари0, 6 фоиз органик моддалар, 0, 5 фоиз ош тузи, ацетон, мочевина, сафро кислотасининг пигментлари сингари заарли маҳсулотлар ҳам мавжуд бўлган. Танадаги маҳсус айирув аъзолар (буйрак, жигар) касалланганда бу кўрсаткич бир неча бор ортади, яъни тери айирув фаолиятини кучайтириш йўли билан бирорадар аъзоларнинг тикланиб олишига имконият яратиб беради. Бемор

одам терисининг салқиши рангининг сарғайиши ҳам шундай бўлади.

Терида бизни ташқи муҳит билан боғлаб турувчи, тананинг фазодаги ҳолатини белгилаб берувчи маҳсус мосламалар рецепторлар мавжуд. Улар танамизга нисбатан бўлаётган муносабатларни марказий нерв системасига юборади, ва тегишли буйруқни олгач, танани у ёки бу ҳолатни олишга мажбур қиласди. Масалан, кўзингиз юмуқ ҳолда бир ерни пайпасласангиз-у, у ерда бирорта иссиқ буюм, ўткир нарса ёки бошқа бир нохуш ҳолатни сезсангиз, сиз ўйлаб улгурмасингиздан қўлингиз тисарилади.

Терининг бир квадрат сантиметр майдонида оғриқни сезадиган 100-200 та, босимни сезадиган 25 та, совуқни сезадиган 12-15 та, иссиқни сезадиган 1-2 рецептор бўлади. Бир квадрат сантиметр майдонда шунча рецептор бўлса, бутун танамизнинг сиртида улар қанча ва уларнинг яна қандай турлари мавжуд? Қиёсий қилиб айтганда рецепторлар танамизнинг ҳолати ҳақида марказий нерв системасига доимий равишда ахборот юбориб турувчи датчиклардир. Шу ерда айтиш жоизки, рецепторлар нафақат терида, балки ҳар бир аъзоларда, кўзда, бурунда, қулоқда, барча ички аъзоларда мавжуд ва улар айнан ўша аъзо фаолиятига мос равишда ишлайди.

Инсоният XX асрнинг иккинчи ярмидан коинотга уча бошлади. Атмосферанинг юқори қатламларида танани химоя қилиш зарурияти уни маҳсус кийим-скафандрлар ихтиро қилишга мажбур этди. Дастребки скафандрларнинг ихтиро этилишидан то ҳозирги кунгча қарийб етмиш йил вақт ўтган бўлса-да, бу борадаги ишлар ҳали ўз якунини топган эмас, аксинча, изчиллик билан давом эттирилмоқда. Скафандрларнинг янги-янги турлари ясалмоқда, улар турли синовлардан ўтказилмоқда, бу соҳада юзлаб олийгоҳлар, минглаб олимлар тадқиқотлар олиб боришимоқда. Мақсад битта инсон танасини атмосферадан ташқарида турли омиллардан тўлиқ муҳофаза қилиш, инсоннинг очик коинотдаги бўлиш вақтини узайтириш, қўшни сайёralарга учиш орзусини рўёбга чиқариш.

Скафандрларнинг ишлаш принципига назар солсак ва уни теримиз билан солиштиrsак, теримиз ҳам айнан скафандрнинг ўзи эканлигига амин бўламиз. Биринчи Одам қачон яратилганлиги номаълум, лекин унинг терисида бирон-бир нуқсон, камчилик ёхуд қайта ишланиши керак бўлган биронта механизм йўқ. Бизнинг теримиз, таъбир жоиз бўлса, шахсий скафандиримиз айнан Ерда яшашга мўлжаллаб яратилган ажойиб либосдир.

## VIII. БОБ. БИЗ НИМА УЧУН НАФАС ОЛАМИЗ?

Ҳар қандай ҳаракатни юзага келтириш учун энергия зарур бўлади. Тананинг ўсиб ривожланиши, маълум бир ишни бажариши, қўйингки, умрнинг бошидан охиригача бўладиган ҳамма ишлар ҳаракатга киради ва бунинг учун ҳам энергия сарф этилади. Инсоният таррақиётнинг маълум бир қисмида ўзини ўраб турган мухитдан энергия олиш сирларини ўрганди ва шу билимини керакли мақсадларда ишлатиб келмоқда. Энергия сарф этиш ҳамиша иссиқлик ажralиб чиқиши билан боғлиқ ва бунда ёниш жараёни кетади. Хўш, танамиз энергия сарф этар экан, унинг қаерида энергияни ёқиб, иссиқлик ажратиб берадиган мослама бор. Биз энергияни, бошқача айтганда, иссиқлик манбани қаердан оламиз ва уни қаерда ёқиб, ўз танамизнинг сарф ҳаражатини қоплаймиз. Албатта, биз учун иссиқлик манбаи, биз истъемол қилиб турадиган озуқамиздир. Лекин озуқамиз кўмир, ўтин, газ, бензин каби ёниши керак. Айтиш керакки, танамиздаги ҳамма хужайралар алангасиз олов ҳосил қила олиш хусусиятига эга. Ана шуларда ёниш жараёни кетиши учун доимий равишда ҳаво, аникроғи ҳаво таркибидаги кислород керак бўлади. Кимё илмидан маълумки, ҳар қандай ёниш жараёнининг сўнггида карбонат анgidрид ва сув ҳосил бўлади. Танамиздаги хужайраларга кислород қандай етказилиб берилади-ю у ердаги карбонат анgidрид қай тарзда чиқариб ташланади. Бу саволга жавоб олиш учун нафас олиш тизимининг, хусусан, ўпкаларнинг тузилиши ҳақида бир оз тўхталиб ўтишга тўғри келади, зеро, ўпка ва унга ёрдамчи аъзоларнинг танамизни ҳаво билан таъминлаб туришдаги ўрни бекиёсдир.

Атмосфера ҳавоси одам учун нафас мухити ҳисобланади. 1 л қуруқ ҳаво таркибида 780, 8 мл азот, 209, 5 мл кислород, ва тахминан 0, 3 мл карбонат анgidрид мавжуд бўлади. Колган 9, 4 мл аргон, неон, крептон, ксенон, гелий ва водород сингари газларга тўғри келади.

Нафас олиш организмга кислороднинг кириши, унинг моддаларни биологик оксидланиши, ёки ёнишида иштироки ҳамда моддалар алмашинувининг сўнгги маҳсулоти карбонат анgidridning организмдан чиқариб ташланишидан иборат жараёнлар йиғиндисидир.

Нафас олиш аъзоларига – ташқи бурун, бурун бўшлиғи, бурун олди бўшлиқлари, ҳалқум, ҳиқилдок, кекирдак, бронхлр ва ўпкалар киради. Нафас йўллари шартли равишда юқори ва пастки нафас йўлларига бўлинади. Юқори нафас йўлларига бурун бўшлиғи, бурун атрофидаги бўшлиқлар, ҳалқум киради. Пастки нафас йўлларига ҳиқилдок, кекирдак, бронхлар киради. Ўпкалар нафас йўлларининг сўнгги қисмидир. Нафас олиш йўлининг дастлабки қисми бурун ҳақидаги маълумотлар рисоламизнинг “Мўъжаз кондиционер” лавҳасида келтирилган. Айтиш жоизки, нафас йўлларининг ҳаммаси худди бурун сингари ҳавога ишлов бериш хусусиятларига эга бўлган хужайралардан ташкил топади.

Ҳиқилдок нафас йўлидаги яна бир ажойиб мосламалардан биридир. У тўлиқ тоғайлардан иборат. Бу тоғайлар бир-бири билан шундай бирикканки, уларнинг мутаносиблик билан ишлаши туфайли овқат луқмалари ва сувнинг ҳаво йўлига кетиб қолмаслиги (агар инсон авқатланиш тартиб-интизомларига риоя қилса) тўлиқ кафолатланган. Кўриниши жиҳатидан баргни эслатадиган ва шу туфайли баргсимон тоғай деб ном олган тоғай ютиниш чоғида нафас йўлинни (овқат йўли билан кесишган жойида) беркитади, ютиниш тугаши билан у яна очилиб, ҳавога йўл беради. Ҳиқилдок бўшлиғида овоз бойламлари туради. Бу бойламлар қалқонсимон ва узуксимон тоғайлар орасида тортилган бўлиб, нафас йўлида маълум катталиқдаги тирқиши хосил қиласи. Тирқиши орасидан ўтаётган ҳаво оқими овоз пайдо бўлишига олиб келади. Қизиғи шундаки, олинаётган ҳаво эмас, балки чиқарилаётган ҳавогина овоз чиқариш хусусиятига эга бўлади. Ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, инсон кекирдагидан ўтаётган ҳаво оқимини ихтиёрий равишда идора қилиш хусусиятига эга, бу эса одамга ўз истагини баён қила олишдек буюк неъматни беради.

Ҳиқилдок бевосита кекирдакда давом этади. Кекирдак яrim ҳалқасимон тоғайлардан ташкил топган. Айрим ҳалқаларнинг бутун қисми олд томондан нафас йўлинни турли омиллардан ҳимоя қилиб, унга маълум қаттиқлик бериб туради, орқа томонда эса бунга ҳожат йўқ, шу сабабдан яrim ҳалқаларнинг очиқ қисми орқага қаратилган ва фақат мушаклар ёрдамида беркитилган. Бундай қилинишида маъно бор. Кекирдакнинг орқа томонидан овқат ҳазм қилиш йўли ўтади. Ютинганимизда ҳеч қандай оғриқ сезмаслигимиз, фақат овқат ёки суюқлик ўтаётганининг ёқимли сезгиси айнан кекирдакнинг юмшоқ қисми ҳисобигадир. Тасаввур

этиб кўринг а, агар кекирдак тўлиқ тоғайли ҳалқалардан иборат бўлганида ютиниш қанчалар қийин бўлар эди. Кекирдак тахминан тўртинчи қовурға тенглигига иккига бўлинади ва тегишилича чап ва ўнг асосий бронхларни ташкил этади. Бу бронхлар йирик томирлар, нерв толалари билан биргаликда ўпка дарвозаси орқали ўпкага кириб боради. Кекирдакнинг иккига бўлиниси жойидан бошлаб сўнгги қисмигача, яъни алвеолаларгача бронхлар 23 марта бўлинади. Бу худди дарахтнинг шохланишига ўҳшайди ва шунинг учун тибиёт тилида бронх дарахти деб юритилади. Бронхларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг ички шиллик қавати турли безлардан иборат. Бу безлар, аникроғи уларда ишлаб чиқариладиган суюқлик бир томондан ўпкага кираётган ҳавони намлаб бериб турса, иккинчи томондан, ўша ҳаво таркибидаги заарли нарсаларни заарсизлантириб бериб туради. Бронхларда ишлаб чиқариладиган суюқлик қаерга кетади? – деган савол туғилади. Бунинг жавоби жудда оддий. Бронх деворининг бир қисми суюқлик ишлаб чиқарса, иккинчи қисми бу суюқликнинг сўрилиб туришини таъминлайди. Бу жараён ҳаётнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтовсиз давом этиб туради. Ҳаво йулларининг баъзи бир касалликларида балғам кўпайиб кетиб, нафас олишнинг қийинлашувига олиб келувчи сабаб айнан бронхларнинг реабсорбция, яъни қайта сўриш хусусиятининг шикастланиши билан боғлиқ бўлади.

Ўпка жуфт аъзо бўлиб, ўнг ва чап ўпкалардан иборат, у қўкрак қафасида жойлашган. Юрак хамда ундан кетувчи йирик томирлар ўпкага қўшни аъзо ҳисобланади. Ўнг ўпка ҳажми чап ўпкага нисбатан 10 фоизга каттароқ бўлади. Ўз йўлида йигирма уч маротаба бўлинниб жуда ҳам майда бронхиолаларни ташкил этувчи бронх дарахти ўпканинг асосини ҳосил қиласди. Ҳар бир бронхиола алвеола деб ном олган ва кўриниши жиҳатидан узум шодасини эслатадиган ҳосила билан тугайди. Ана шу ҳосилалар алвеолар қопчалар деб номланади ва айнан шу ерда атмосфера билан тана орасидаги газлар алмашинуви жараёни амалга оширилади. Бу қандай амалга оширилади?

Суҳбатимиз давомида бронхлар ўз йўлида йигирма уч марта бўлинади деган эдик. Бронхларнинг ўн еттинчи бўлинисигача бўлган қисми ҳаво алмашиниш жараёнида иштирок этмайди, яъни улар фақат ҳавони ўтказиб бериш учун хизмат қиласди, холос. Шунинг учун нафас йўлининг шу ергача бўлган қисми ўлик фазо

деб номланади. Биз нафас олсак олмасак бу ерда доимо ҳаво мавжуд ва ҳавонинг миқдори чегараланган. Бу чегара тахминан 150 мл. ни ташкил этади. Агар кўрсаткич бир оз камайса ёки, аксинча, ортиб кетса, бирорта касалликка сабаб бўлади.

Бронхларнинг ўн еттинчи авлодидан йигирма учинчи авлодигача бўлган жой айнан ҳаво алмашиниш ери ҳисобланади. Ўпканинг алвеола қопчалари мавжуд қисмида иккита муҳит – суюқ ва газли муҳитлар чегарадош ҳолатда туради. Ўпка паренхимаси ва томирлар эндотелийси биргаликда газ алмашинуви юзасини ташкил этади. Бу юза ёйилганида жуда катта бўлиб, инсон танасининг умумий юзасидан 50 маротаба ортиқдир. Юза майдони қарийб 100 квадрат метрни ташкил қиласи. Юза деворининг қалинлиги эса атиги 0,5 мкм келади.

Хўш, атмосфера ҳавоси билан тана орасидаги газлар алмашинуви қандай амалга оширилади?

Инсон танаси, ўзи учун қулай ҳароратда (тахминан 20 даража) 1 дақиқада 250 мл кислород сарф этади. Бу кўрсаткич тана тинч тургандагина ҳамма аъзолар томонидан сарф этиладиган кислород миқдоридир. Бир оз ҳаракатда у ортади, оғир жисмоний меҳнат вақтида эса, ҳатто 15-20 бараваргача қўпайиши мумкин. Карбонат ангидриднинг қондан чиқарилиб туриши, кислород қабул қилинишига пропорционал бўлади, лекин унинг миқдори бир дақиқада 200 мл га teng бўлади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, нафас майдони 80 квадрат метрни ташкил қиласи ва газлар алмашинуви шу ерда кечади. Газлар икки муҳитдаги босимлар орасидаги фарқ туфайли алмашинади. Ҳар 100 мл қон ўпкада 5 мл кислород олади ва 4 мл карбонат ангидридни беради, тўқималар ҳам шу вақтда худди шунча миқдордаги кислородни артериал қондан олиб, шу миқдордаги карбонат ангидридни қонга беради, яъни артериал қон веноз қонга айланади. Тананинг меъёри фаолияти учун кичик қон айланиш доирасидан бир дақиқада беш литр қон ўтиб туриши керак бўлади. Газларнинг қонда ташилиб берилиши ҳам ажойибdir. Кўпчилигимиз ҳаёт тақозоси билан тахлил учун қон топширамиз ва тахлилдаги гемоглобин сўзини учратамиз, лекин танамизнинг ҳаво билан таъминланиб туришига айнан гемоглобин масъул эканлигини билмаймиз. Гемоглобин қоннинг қизил ҳужайралари бўлиб, шакли жиҳатидан ёпган нонни эслатади. Соғлом одамнинг ҳар 100 мл қонида 15 г гемоглобин бўлади, ҳар бир грамм гемоглобин эса ўзида 1,34 мл кислородни,

тегишлича ҳар 100 мл қон 20, 1 мл кислородни таший олади. Бу кўрсаткич қоннинг кислород сифими деб аталади. Агар танамизда доимий равишда 5 литр қон оқиб турари десак, ундаги кислород ва карбонат ангидрид миқдорини ҳисоблаб кўришимиз мумкин бўлади. Киёсий қилиб тушунтирадиган бўлсак, ҳар бир эритроцит гўё цистерна ва навбатма-навбат омборга, яъни ўпкаларга келиб ўзидаги чиқиндиларни ағдаради-да, янги маҳсулотни олиб яна тўқималар томон равона бўлади. Тўқималарда кислородни туширади-да, у ердаги карбонат ангидридни ортиб, яна ўпкага келади. Яна бир ажойибот шундаки, ҳар бир эритроцит узоғи билан 120 кунда янгисига алмаштирилиб турилади, эскилари эса таркибий қисмларга парчаланиб танадан чиқариб ташланади.

Ер юзидағи энг баланд нуқта Эверест ҳисобланади. У ерга кўтарилиган алпинистлар беш минг метр баландликдан кейин ҳаво етишмаслиги белгиларини, кўзга турли нарсаларнинг кўринишини, агар ҳимоя воситаларидан фойдаланилмаса, инсон хушидан кетиб, кейинчалик ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигини эътироф этишади. Бу ерда гап, ҳаво таркибидаги кислород миқдорининг 21 фоиздан пасайиб кетиши ва унинг инсон танасига зарали таъсир этиши ҳақида кетаётганлиги маълум. Бизнинг нафасимиздан ҳосил бўладиган карбонат ангидрид газини яшил дўстларимиз доимо кислородга алмаштириб бериб туришади. Бошқача айтганда, улар инсон ва бошқа жонзотларни кислород билан таъминлаб турувчи beminnat фабрикалардир. Агар уларни асрарни ўрганмас экан, инсоният яқин келажакда Ер сайёраси миқёсида карбонат ангидрид газиги кислородга айлантириб турадиган мослама ихтиро этиш керак бўлади.

Кўча-куйда юрганимизда катта-катта юк машиналари ҳаво ранг балонларни ортиб кетаётганини кўрамиз ва бу балонларда кислород борлигини биламиз. Шу манзарани кўрганимизда кўз ўнгимда танамиздаги кислород ташувчи цистерналар, цистерналарни кислород билан тўлдириб бериб турувчи нафас тизими намоён бўлади ва хаёлимга ҳаётдаги ҳамма нарса одам танасининг тузилишига қиёсан ихтиро қилинган деган фикр келади.

## БУЙРАК НЕГА КЕРАК?

Инсон танасининг 80-90 фоизи сувдан ташкил топади. Вақт ўтиб ёши катталашгани сари бу кўрсаткич камайиб боради ва киши

қариганида 60-70 фоизга тушиб қолади. Сув танадаги барча суюқ муҳитларнинг асосини ташкил этади. Танамиздаги сув балансининг ўртача кўрсаткичлари қуидагича бўлади:

Истъмол қилинадиган сув	- 1200 мл
Озиқ-овқат таркибидаги сув	- 1000 мл
Ҳужайраларда кетадиган жараёнлар	
Натижасида ажralадиган сув	- 300 мл
<b>Жами:</b>	<b>- 2500 мл</b>
Сийдик билан чиқиб кетадиган сув	- 1400 мл
Терлаш натижасида чиқадиган сув	- 900 мл
Нажас билан чиқадиган сув	- 200 мл
<b>Жами:</b>	<b>- 2500 мл</b>

Шундай қилиб, танадаги сув баланси, танадаги айланиб турадиган сув бир хилда бўлади. Буни ички муҳит доимийлиги деб аталади.

Ички муҳит доимийлигини сақлашда деярли ҳамма аъзолар, хусусан, тери, ўпка, меъда-ичак трактининг аъзолари иштирок этсада, асосий иш, буйраклар зиммасида бўлади.

Буйрак жуфт аъзо бўлиб, қорин бўшлиғининг орқа деворида, умуртқа поғонасининг ён томонида, охирги қўқрак ва учта бел умуртқалари тенглигига жойлашади. Шакли жиҳатидан ловияни эслатадиган бу аъзо, эгик тарафи билан умуртқа поғонасига, бўртиб турган томони билан эса, ташқарига қараган ҳолда туради. Эгик томонининг маркази буйрак дарвозаси деб юритилади. Дарвозадан буйракка артерия томири, нерв толалари киради ва вена, лимфа томирлари ҳамда сийдик йўли чиқади.

Буйракни кўндалангига кесиб кўрилса биринчидан, буйрак дарвозасига яқин жойлашган буйрак бўшлиғига, иккинчидан эса, шу бўшлиққа хар томондан келиб бирикадиган буйракнинг хусусий моддасига кўзимиз тушади. Буйракнинг иккита қисми **пўстлоқ** ва **мағиз** қисмлари тафовут этилади. Пўстлоқ қисм буйрак чеккасини эгаллайди ва тўрт миллиметр қалинликда буйракнинг мағиз қисмини тақага ўхшаб атрофидан ўраб туради. Мағиз қисми конуссимон ҳосилалардан ташкил топиб, улар **буйрак пирамидалари** деб юритилади. Пирамидалар асоси билан буйракнинг ташқарисига, чўққиси билан эса буйрак марказига, яъни **буйрак бўшлиғига** йўналган бўлади. Иккита-учта пирамидалар чўққиси билан бирлашиб, буйрак **сўрғичларини** ташкил қиласи.

иборат ва **сўрғич тешикчалари** деб юритилади. Сўрғичлар бевосита сийдик йўлининг дастлабки қисмига очилади. Битта буйракда таҳминан 12 тагача ана шундай сўрғичлар мавжуд бўлади.

Фаолияти нуқтаи назаридан буйрак жуда такомил аъзодир.

Унда жуда кўплаб найчалар мавжуд бўлиб, бу найчалар **буйрак каналчалари** деб аталади. Каналчаларнинг бир учи жуда майда томирли тўрларни ўраб туради. Томирли тўрни ўраб турадиган бу ҳосилалар шакли жиҳатидан билур қадаҳни эслатади, томирли тўрлар эса ана шу қадаҳчанинг ичидаги ётади. Бу қадаҳчалар пиёласимон капсулалар деб, майда қон томирлар ва пиёласимон капсулалар биргаликда буйрак танаҷалари деб аталади. Бир томони билан томирли тўрни ўраб турувчи найчанинг иккинчи томони буйракнинг пўстлоқ қисмига эгри-бугри равишда давом этади, сўнгра пирамидаларнинг асоси томон йўналади. У ерда найчалар эгилиб, яна пўстлоқ қисм томон йўналади. Найчанинг пирамида чўққиси олдидағи эгилиб ортга қайтган қисми буйрак илгаги ёки генли қовузложи деб аталади. Буйрак найчасининг тугал қисми йиғувчи қувурга келиб қўйилади. Йиғувчи қувур ана шундай найчаларнинг бир нечтасини қабул қиласи. Йиғувчи қувурлар ҳам бир нечтаси бир-бири билан бирлашиб, секин-аста йўғонлашиб боради ва пирамидаларнинг чўққисига, яъни буйрак сўрғичларига очилади. Буйрак танаҷалари ва уларга тегишли бўлган найчалар биргаликда буйракнинг морфологик функционал бирлигини ташкил этади. Бу нефрон деб аталади. Битта буйракда ана шундай нефронлардан бир миллионгача бўлади ва улар биргаликда буйрак моддасининг асосини ташкил этади. Нефронда қон кераксиз моддалардан тозаланади, оддий тил билан айтганда ана шу ерда сийдик ҳосил бўлади. Қоннинг кераксиз моддалардан тозаланиш жараёнини тушуниб олишимиз учун буйракдаги қон айланиш тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиб олишимиз лозим.

Буйракларда филтрланишдан ўтгани учун буйрак артерияси бевосита қорин аортасидан чиқади, яъни унинг диаметри анча катта. Ўйлаб кўринг-а, бир дақиқада буйракдан 1200 мл қон ўтади, демак, ҳар тўрт дақмқада танадаги ҳамма қон буйрак орқали ўтиб улгуради. Буйрак артерияси буйрак дарвозаси олдида тегишлича учта қисмига бўлиниб, буйракка киргач, тепага, пастга ва марказга йўналади. Дарвоза олдида бошланган бўлиниш давом этиб, пиёласимон капсулаларнинг ичига киргунича давом этади. Капсула ичидаги жуда майда томирлар тўрини ҳосил қилиб, сўнг вена

кўринишини олади ва капсуладан чиқиб, найчаларнинг атрофини майда тўрлар кўринишида ўраб олади. Артериянинг капсулага кирган қисми олиб келувчи томир, у ердан чиқувчи қисми эса олиб кетувчи томир деб аталади. Олиб кетувчи томир найчаларни тўр кўринишида ўраб олади деган эдик. Бу тўр тизими секин-аста бирбири билан қўшилиб, йириклишиб боради ва охирида буйрак венасини ташкил этиб, йирик томир кўринишида буйрак дарвозасидан чиқиб кетади ва пастки ковак венага қўйилади. Хўш, олиб келувчи томирлар, капсула ичидаги томирли тўр, олиб кетувчи томирлар ва найчаларни ўраб олевчи томирли тўр нима вазифа бажаради, энди ана шулар хақида сўзлашайлик.

Биллур қадаҳ кўринишидаги капсула, яъни Шумлянский – Баумен капсуласи ўзига хос мосламадир. У ерга келган томирдаги ҳамма қон ана шу капсулага ўзидағи бор қонни, аниқроғи қоннинг суюқ қисмини беради. Капсуланинг икки варақали деворлари орасидан сузиб ўтаётган қоннинг суюқ қисми таркибида заарли моддалар билан биргалиқда тана учун керакли бўлган моддалар ҳам кўплаб мавжуд бўлади. Бу суюқлик бирламчи сийдик деб номланади. Бирламчи сийдик найчаларининг эгри – бугри қисмидан оқа бошлайди ва найча тизимини ўраб олган томирларга ўтиш пайтда яна бир бор тозаланиб, ўзининг таркибидаги заарли нарсалардан узил-кесил халос бўлади. Буйрак пирамидалари сўрғичларидан ўтаётган сийдик иккиламчи сийдик деб номланади ва соғлом тана бу сийдик билан ўзи учун керакли бўлган ҳеч қандай моддани чақириб ташламайди. Бир дақиқадан 1200 мл қондан 120 мл сийдик ҳосил бўлади. Кўпчиликнинг ўйлашича, биз сув ичамизу бу сув буйракдан ўтиб, сийдик кўринишида чиқиб кетади. Аслида, биз сув ичганимиз учун сийдик ҳосил бўлмайди, аксинча, қон тозаланаётган пайтда маълум миқдордаги суюқлик йўқотилаётгани учун тана сув талаб қиласи. Бу сув сийдик ҳосил бўлиши учунгина хизмат қилмайди, балки хужайраларнинг фаолияти учун керакdir. Биз юқорида буйракнинг фақат қонни тозалаб бериш хусусиятинигина юзаки равишда кўриб чиқдик. Булардан ташқари, буйрак тана ички муҳитининг доимийлигини атрофдаги ҳароратга қараб ўзи идора эта олиш (совуқ кунда одам кўпроқ, иссиқ кунда эса аксинча камроқ ҳожатга бориши ана шунга яққол исботдир), тана суюқ муҳитларининг осмотик босимини ва ион муҳитининг доимийлигини тутиб туриш, танадаги кислота-ишқор муҳитини идора этиш, танадаги турли органик

моддаларнинг кўп ёки камлигига қараб уларни тез-тез чиқариб туриш ёки аксинча, иқтисод билан ишлатиш, биологик фаол моддаларни синтез қилиш, қон ишлаб чиқариш каби хусусиятларга эга бўлган универсал аъзодир. Булардан ташқари, буйракнинг тана қон босимининг идора этишида иштироки ҳам бекиёсдир. Лекин унинг бу хусусияти ҳали тўлалигича ўрганилган эмас ва фанда ҳозирча жумбоқлигича қолмоқда.

Буйрак танадаги сув миқдорининг доимий равишда бир хил туришини таъминлайди. Бу доимийлик, асосан, буйракка боғлиқ. Буйракнинг яна бир ажойиб хусусиятларидан бири, унинг бирор – бир ерида бугун шундай сув доимийлигини ушлаб туриш керак, деган ахборотни берадиган, аникроғи унга шундай дастурни юборадиган мослама йўқлигидадир.

Ана энди бир ўйлаб қўринг, оғирлиги атиги бир неча юз грамм келадиган бу аъзо қандай қилиб шунча вазифани эплайди-ю, унинг яна биз билмайдиган қанча хусусияти бор ва биз ўзимиз ихтиро этган аппаратлар ичida бир варакайига шунча бир-бирига ўхшамаган, йўналиши жиҳатидан тамомила бошқача бўлган вазифаларни бажара оладиган мослама борми? Дунёдаги ҳамма буюк одамлар бир жойга тўпланишиб ана шундай нарса ихтиро қила олишадими? Агар қила олишганида эди, дунёда буйрак алмаштиришга навбат кутиб турган bemорларнинг муаммоси ҳал бўлар эди.

## КЎЗДА НИМА АКС ЭТАДИ?

Ахборот омили бўлган уруғликни қабул килиб олувчи аъзо ҳар қандай мавжудотда у ёки бу кўринишда бор. Она табиатнинг султони бўлмиш инсоннинг кўриш аъзоси энг мураккаб, энг такомиллашган хусусиятларга эга.

Одамнинг кўзи шарсимон кўринишда бўлиб, калла суягидаги маҳсус чуқурлик-кўз косасида жойлашади. Кўзда иккита тизим: оптик ҳамда рецептор тизимлар тафовут этилади. Кўзниң оптик тизими ёруғликни синдириб берувчи ҳосилалардан ташкил топади. Буларга шоҳ парданинг олдинги шаффоф қисми, олдинги камерадаги сувсимон намлик, кўзниң гавҳари ҳамда шишасимон тана киради.

Кўз ўзининг ишлаш хусусиятлари, ёруғликнинг кучига қараб мослаша олиши, узоқдаги ёки яқиндаги жисмларга қараб ҳолатини

ўзгартира олиши билан инсон ихтиро қилган энг замонавий оптик асбоблардан – да такомилроқдир. Жумладан фотоаппаратни олайлик. Илгари фотоаппаратларда бирорта жисмни суратга туширишдан олдин у турган масофа фокусини аппарат объективини бураш йўли билан аниқланарди. Замонавий фотоаппаратлар ва видеокамералар масофани ўзи фокуслайди, яъни бу жараён объективнинг автоматик равишда айланиши ҳисобига амалга оширилади. Хўш, кўзда бу қандай бўлади? Нега биз 30 см яқинликдаги жисмга ҳам, бир неча юз метр узоқликдаги нарсаларга ҳам ва ҳатто бир неча миллион ёруғлик йили узоқликдагт юлдузларга қараганимизда ҳам кўзимизни бураб, масофани фокусламаймиз? Бу саволга жавоб олишдан олдин кўз гавҳари ҳақида бир оз тўхталиб ўтишга, унинг ишлаши ҳақида гап юритишга тўғри келади.

Кўз гавҳари шакли жиҳатидан икки томонлама кабариқ линзага ўхшайди, аникроғи, линза кўз гавҳари шаклини эслатади. Шишили линзадан фарқли ўлароқ кўз гавҳари эластик бўлиб, у ўзининг қабариқлик хусусиятини ўзгартира олади. Кўз гавҳарининг бундай ўзгариши акомадация деб юритилади. Акомадация кўз гавҳарининг капсуласига циллиар бойламлар воситасида уланган циллиар мушакларнинг таранглашиб бўшаши ҳисобига амалга ошади. Бу мушаклар ниманинг ҳисобига ишлайди, улар қандай қилиб қаралган нарса билан кўз орасидаги масофани аниқлайди? – деган ҳақли савол туғилади. Бунга фанда ҳали аниқ жавоб йўқ. Тахминларга кўра акомадация механизми миядаги пўстлоқ ости ва пўстлоқ қисмлардаги кўриш марказининг нейронал элементлари ҳисобига амалга оширилиб, бу элементлар эса жисм контурининг аниқлигидан таъсиранар экан.

Энди кўз гавҳаридан ўтиб, кўз олмаси бўшлиғига назар ташлаймиз. Кўз олмасининг бўшлиғи шишасимон тана деб номланувчи қуюшқоқ суюқлик билан тўлган. Бу суюқлик жуда шаффоф бўлиб, кўз олмасининг шаклий доимийлигини, ундаги моддалар алмашинувини, босимни таъминлаб бериши билан бир қаторда жисмларнинг тасвирини кўз олмасининг орқа деворидаги тўр пардага тескари қилиб туширади.

“Тезкари дунё” деган иборани ҳаммамиз эшитганмиз, лекин буни ҳар ким ўзича тушунади. Аслида биз ҳамма нарсани тескари кўрамиз, яъни теварак-атрофидаги жисмлар бизнинг кўзимизга тескари ҳолда тушади, аммо мия бу тасвирларни бизнинг танамизга

мос қилиб, айлантириб қабул қиласи. Сўзимизнинг исботи сифатида қуйидаги синовни келтирамиз. Бир одамга нарсаларнинг оёғини осмондан қилиб қўрсатадиган маҳсус кўзойнак тақиб қўйилади. Кўзойнак таъсирида бояги одам нарсаларни тескари кўради, бироқ бир неча кун ўтгач, у ўша кўзойнак билан ҳам жисмларни тўғри кўра бошлайди, яъни мия тасвирни ўзига мос равишда айлантириб олади. Шунда кўзойнак ечиб ташланса, жисмлар кўзимиз уларни қандай кўрса шундайлигича, яъни тескари кўринади.

Агар бизнинг миямиз нарсаларни танамиз ҳолатига мос равишда қабул қилса, яъни уларни айлантириб олса, демак, дунё ҳақиқатдан ҳам тескари экан, деб ўйлаш мумкинми-йўқми?

Кўз олмасининг орқа деворидаги тўр парда кўзнинг рецептор тизимини ташкил этади. У тўрт қаватдан иборат. Биринчи пигмент қават, ундан сўнг томирли қават, сўнгра таёқча ва колбочкалар қавати ва охири биполяр ҳужайралар қавати келади. Биполяр ҳужайраларнинг устида ганглиоз ҳужайралар бўлиб, уларнинг ўсимталари ҳамкорликда кўрув нервини ҳосил қиласи. Тўр парданинг асосий вазифаси оптик сигналларни биоэлектрик реакцияларга айлантириб бериш ва кўрув ахборотини бирламчи таҳлилидан ўтказишдан иборат.

Тўр парданинг фоторецепторлари бўлмиш таёқча ва колбочкалар ёруғлик ҳамда рангга сезувчан бўлади. Колбочкалар рангга ўта сезувчан ва ёруғликни деярли қабул қилмайди. Колбочкалар факат кундуз куни, ёруғлик bemalol бўлганда ишлайди. Таёқчалар эса ёруғлик кам бўлган пайтда фаолият кўрсатади. Тўр парда ёруғлик тушган вактда унда кўрув пигментлари-родопсин колбочкалар учун, йодопсин эса таёқчалар учун – қатор кимёвий ўзгаришларга учрайди, натижада ранг ва ёруғлик энергиялари биоэлектрик сигналларга, нерв импулсларга айланади. Кундуз куни, ёруғлик мўл бўлган пайтда родопсин витамин А гача (ретинен) парчаланади. Бу пайтда колбочкалар сони таёқчаларнинг қисман парчаланиши ҳисобига ортади. Кеч тушиб, ёруғлик камайиши билан витамин А яна родопсин моддасига айланади, яъни таёқчалар сони колбочкаларга нисбатан ортиб, тунги кўриниш вужудга келади. Кушларнинг кўпчилигига, аниқроғи уларнинг тўр пардаларида витамин А умуман бўлмайди. Товуклар мисолида кўрсак, ғира-шира тушиши билан инларига кириб кетишади, уларда тунги кўриш қобилияти бўлмайди.

Хар бир түр парда фоторецептор ҳужайралар сони 125 млн тадан бўлади. Эътибор беринг, агар ёруғлик интенсивлигига қараб, бу ҳужайралар бир-бирига айланмаганида эди, түр парда демак, кўзнинг ҳажми қандай булиши керак эди?

Маҳлукот оламининг бошқа вакиллари ҳам рангни ажратса оладими йўқми ёки рагни фарқлай олишдек неъмат бошқа кўпгина неъматлар сингари фақат биз инсонларгина берилганми? – деган саволга ҳали фанда аниқ-тиник жавоб берилмаган, жумладан, ҳайвонлар фақат оқ-қора тасвири қабул қиласиди, деган фикр бор. Буни исботлаб беришга ҳам уриниб кўришган. Бироқ шундай бўлса, нега бука қизил матони кўрса, жунбушга келади.

Кўз қорачиғи нима ? Нима учун кўз гавҳари қандай рангда бўлишидан қатъий назар унинг маркази қора бўлади? Бу саволнинг жавоби жуда оддий. Фақатгина битта деразаси бор бўлган қоронғи хонанинг ичи ташқаридан кундуз куни ҳам қоп-қора бўлиб кўринади. Кўзнинг маркази ҳам ана шундай кўз олмасининг ёруғлик ўтказувчи ягона тирқишидир. Шу тирқиш кўз қорачиғи деб аталади.

Қорачиқнинг иккита асосий вазифаси бор. Булардан бири ёруғлик интенсивлигига қараб кўзга тушувчи ёруғликни идора қилиш бўлса, иккинчиси, ёруғлик оқимини гавҳарнинг айнан марказига, унинг ёруғликни энг аниқ синдириб берувчи қисмига тушириб беришдан иборат. Қорачиқнинг диаметри ёруғликка қараб 2 мм дан 9 мм гача ўзгариб туради. Қорачиқ диаметрининг катта-кичиклигини унинг атрофидаги нурсимон ҳамда ҳалқасимон мушакларнинг қисқариши таъминлаб беради.

Ёруғда қорачиқнинг диаметри кичкина, қоронғида эса катта бўлади. Фотоаппарат объективидаги диафрагманинг ишлаш принципи қорачиқнинг ишлаш принципига асосланган, десак муболаға бўлмайди. Фотоаппарат диафрагмасидаги тирқиши-ку биз куннинг ёруғлигига, аппарат ичидаги плёнканинг сезувчанлигига қараб ўзимиз идора эта оламиз. Лекин қорачиқни бизнинг ихтиёrimизга бўйсунмайдиган ҳолда қандай қилиб идора этилиши жумбокдир.

Одам бир дақиқада 25 марта кўзини юмиб-очади ва ҳар сафар бир сониянинг ўндан икки улуши миқдорида кўз юмуқ бўлади. У соатига 40 км тезликда машина бошқарса, бунинг 33 дақиқасида кўзини юмиб кетган ҳисобланади. Лекин кўз шу қадар тез юмиб-очиладики, одам буни деярли сезмайди.

Инсоният XX асрнинг сўнги йилларида ахборотни рақамлар ёрдамида ёзиб олиш, сақлаш ва узатиш технологиясини ўрганди ва ҳаётга тадбиқ этиб бормоқда. Энг илғор технологиялар қўлланиб ишлаб чиқарилаётган фотоаппаратлар, видеокамералар ана шундай рақамли аппаратлар жумласига киради. Рақамли тасвири ёзишга рақамли кинотасмалар керак, уларни қўришга рақамли экранлар керак бўлади. Бизнинг кўзимиз-чи? Бу ахборот рақамли экран, буни англай олмайман, менга бошқа ахборот бер, деган одамни кўрганмисиз? Йўқ. Демак, бизнинг кўзимиз ҳар қандай ахборотни кўра оладиган ажойиб оптик асбоб экан. Балки унинг ҳали биз билмайдиган бошқа талайгина хусусиятлари бордир?

## **ҚУЛОҚНИНГ ЭШИТИШ “УСКУНА”ЛАРИ**

Қулоқ анатомик жиҳатдан учта бўлимдан иборат аъзо бўлиб, унда ташки қулоқ, ўрта қулоқ ва ички қулоқ фарқ қилинади. Ташки қулоқ қулоқ супрасидан, ташки эшитув йўлидан ва қулоқнинг ноғора пардасидан ташкил топади. Ўрта қулоқ болғача, сандонча ва узангича деб номланувчи, кўриниши жиҳатидан айнан ана шу нарсаларни эслатувчи суюклардан иборат.

Болғача сопи ноғора пардасига унинг ички томонидан уланади, олди томони эса сандончага тегади. Бир томони билан сандончага, иккинчи томони билан эса ички қулоқни ташкил этувчи чифаноқнинг овал ойнасига узангичи уланади. Чифаноқ узунлиги 35 мм дан иборат 2. 5 айланали аъзо бўлиб, ичи маҳсус суюқлик билан тўлган. Бу суюқликка унинг тепасидан киприкчалар тушиб туради, бу киприкчаларнинг иккинчи томонидан эшитиш марказига нерв толалари кетади.

### **Хўш, биз қандай эшитамиз?**

Ҳаво оқимининг даврий тебраниши қулоқ супраси томонидан тутиб қолинади. Бу тебранишлар ноғора пардасини ҳаракатга келтиради. Тебраниш ноғора пардасидан болғачага, ундан сандончага, сўнгра ўзангичига узатилади. Узангичи тебраниб, овал ойнани олдинга ва орқага ҳаракатлантиради. Бу ҳаракатланиш думли натижасида ойна ортидаги суюқликда тўлқинланиш юзага келади. Тўлқинланган суюқлик унга тушиб турган киприкчаларни ҳаракатга келтиради, яъни киприкчалардан миядаги эшитиш марказига нерв импульслари боради ва субъектив равища товуш сезгисини қабул қиласиз. Қарангки, эшитиш анализатори ҳаво

даврий төбранишидан юзага келадиган механик энергияни нерв импульсларига, бошқача қилиб айтганда, электр токига айлантириб беради ва биз субъектив равишда товуш деган катталиктин қабул қилиб оламиз. Энергиянинг бундай трансформациясида ўрта қулоқдаги сүякчалар болғача, сандонча ва узангичаларнинг аҳамияти, уларнинг ишлаши бекиёсдир. Тасаввур этинг, оғирлиги бор йўғи 2,5 мг бўлган ва инсон танасидаги энг енгил сүяк ҳисобланган биргина узангичи бўлмаганида инсон ҳеч қачон товушни қабул қила олмас эди.

Инсон ўз танасини доимий равишда тўғри тутишга ҳаракат қиласи, аникроғи бу ҳолат унинг танасидаги автоматикалардан бири ҳисобланади. Бу автоматикани таъминлаб бериб турадиган аъзо қулоқнинг ҳаво даврий төбранишларини, яъни механик энергияни нерв импульсларга айлантириб берадиган икки ярим айланали чиғаноғидир. Бу чиғаноқ ичидағи суюқлик чиғаноқ ҳолати қандай турганлигидан қатъий назар ҳолатини тўғирлашга ундейди. Масалан, инсон бир тарафга оғиб кетса, чиғаноқ ичидағи суюқлик бу ҳақда мияга ахборот юборади ва танани тўғирлаш лозимлиги тўғрисидаги буйруқ тана мушкаларига узатади. Мушаклар эса дархол вазиятни тўғирлашга ўтишади. Мерседес Бенс, БМВ ва дунёнинг бошқа автоконцернларида ишлаб чиқарилаётган энг янги технологияли автомобилларнинг мувозанатни сақлаш хусусияти ана шу принципга асосланган десак, тўғри бўлади.

Шу ерда китобхон диққатини яна бир нарсага жалб этмоқчиман. Қонунга асосан атмосфера босими ноғора пардасини ташқи томондан босиб кўйиши ва шу тариқа ўрта қулоқдаги сүякчалар ҳаракатга кела олмаслиги керак. Лекин бунинг ҳам чораси кўриб кўйилган. Гап шундаки, ўрта қулоқ бўшлиғи Евстахий найи деб ном олган йўл воситасида ҳалқум бўшлиғи билан туташган. Ана шу най орқали ўрта қулоқ бўшлиғига ичкари томондан ҳам ҳаво боради, яъни ноғора пардасига ҳар иккала томондан бир хил босим таъсир этиб туради, шу тариқа сүякчалар мутаносиб равишда фаолият кўрсатади. Ҳаво босимининг кескин ўзгаришларида, масалан самолёт ёки лифтда пардага таъсир этаётган босим ўзгариб, қулоқ бир оз битиши мумкин. Лекин ютуниш ёки оғизни очиш билан, ҳаммаси асл ҳолига қайтади. Айтингчи, биродари азиз, юқорида ўқиганларингиз муъжиза эмасми?!

## **БИР МУҲИТДАН ИККИНЧИ МУҲИТГА ЁКИ СУВДАН ҚУРУҚЛИККА**

Оддий кўз билан илғаб бўлмайдиган электрон микроскоп остида кўринадиган иккита ҳужайрадан ҳар томонлама етук баркамол мавжудот – инсон ривожланиб дунёга келади. Ўша ҳужайранинг бир-бири билан қовушиб, лахта қон ҳолидан тўла тўқис одам қиёфасигача киргунига бўлган даврда унинг барча талаб ва истакларини қондирувчи муҳит аёл танасидир.

Она қорнидаги ҳомила тўққиз ой мобайнида худди сув мавжудотлари сингари сувда ривожланиб ўсади. Қарийб бир йил давомида сувда ривожланган организм ўз муҳитини ўзгартириб, яъни сувдан қуруқликка чиқиб, яъни муҳитга бир неча дақиқада мослашади. Бунда қандай синоат бор? Бола дунёга келиши билан унинг танасида, аъзолар тузилиши ва фаолиятида қатор ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлардан баъзилари бола туғуруқ йўлидан ўтиш пайтидаёқ бошланса, баъзилари бола ҳаётининг биринчи йилида, баъзилари эса ундан-да кўпроқ вақт оралиғида амалга ошади.

Биз ана шу ўзгаришларнинг айримлари хақида китобхонларимизга сўзлаб берар эканмиз, хулоса чиқариш ихтиёрини уларнинг ўзларига қолдирамиз.

### **БИРИНЧИ НАФАС**

Бола туғилиши билан унинг йиғлашини, бу йифи янги ҳаётнинг нишонаси эканлигини ҳаммамиз биламиз. Лекин йиғининг чақалоқни ёруғ дунёга келиб, мустақил равишда олган биринчи нафаси билан боғлиқ эканлиги кўпчиликка маълум эмас.

Нафас олиш аъзолари ҳомила ҳаётининг тўртинчи ҳафтасида ривожлана бошлайди ва бу жараён бола дунёга келадиган кунигача давом этади. Ҳомила ривожланиш даврида кислород ва озуқа моддаларини она қони орқали олади. У бутун танаси билан ҳомила олди сувида бўлади ва демак-ки унинг кўкрак қафаси бўшлиғи ҳам суюқлик билан тўлган ҳолатда бўлади. Ўпкалар эса дам урулмаган пуфак кўринишда туради.

Инсонда бошқа сут эмизувчилар сингари, нафас маркази миянинг узунчоқ мия деб ном олган қисмида жойлашган бўлиб ана шу марказ ҳаво олиб – чиқариб туришимизни, яъни ташқи

нафасимизни идора қилиб туради. У бола дунёга келиши билан оладиган биринчи нафасида катта роль ўйнайди.

Бола дунёга келишида унинг кўкрак қафаси суюқликдан бўшайди. Туғилиши билан унинг киндик тизимчasi кесилади, яъни болага келаётган кислород ҳамда озуқа моддалар оқими тўхтайди. Бу вақтда бола қонидаги CO<sub>2</sub>, яъни карбонат ангидрид миқдори ортиб боради. Қондаги кислород – карбонат ангидрид нисбатининг карбонат ангидрид фойдасига ортиб кетиши мияга, хусусан, узунчоқ миядаги нафас марказига таъсир этади. Марказ нафас мушакларига кучли импульс юборади. Бу импульс мушаклар қисқаришига ва кўкрак қафасининг кенгайишига олиб келади. Кенгаяётган кўкрак қафаси буришиб ётган ўпкаларни тортади, ёзилаётган ўпкалар эса ўзлари билан ҳаво оқимини ҳам жалб этади ва шу тариқа атмосфера ҳавоси ўпкаларга босим остида киради. Нафас мушакларининг қисқариши маълум бир даражага етгач, улар бўшашади. Бу бўшашиб ўпкаларга кирган ҳавони ташқарига чиқаришга мажбур этади. Ҳавонинг ташқарига чиқариши чақалоқ чинқириғига сабаб бўлади. Шу йўл билан нафас механизми ишга тушиб кетади ва инсон дунёдан кўз юмгунига қадар узлуксиз ишлаб туради. Узунчоқ мия қондаги карбонат ангидрид миқдорига қараб нафасни идора этиб туради.

## **IX. БОБ.**

### **ХОМИЛАДА ҚОН АЙЛАНИШИ ВА БОЛА ДУНЁГА КЕЛИШИ БИЛАН УНДА РҮЙ БЕРАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР**

Ҳар биримиз танамизда қон мавжудлиги, бу қон доим ҳаракатда бўлиши ва аъзоларни озуқа моддалари билан таъминлаб туриши ҳақида озми-кўпми тасаввурга эгамиз.

Инсонда қон айланиш тизими унинг марказий аъзоси бўлмиш юракдан ҳамда юрак билан туташувчи ёпиқ найчалар – томирлардан иборат.

Юрак ўзининг ритмик қисқариб туриши билан томирлардаги ҳамма қоннинг доимий ҳаракатини таъминлайди. Қон айланиш тизими иккига бўлинади, яъни унда катта ва кичик қон айланиш доиралари тафовут этилади. Юрак мушакли аъзо бўлиб тўртта камерадан иборат. Унда иккита қоринча ва иккита бўлмача фарқланади. Чап бўлмача ва чап қоринча унга келиб қуюловчи қоннинг таркибига биноан артериал юрак, ўнг бўлмача ва ўнг қоринча эса веноз юрак деб юритилади. Юракнинг тузилиши, унинг фаолияти ҳақида кенгроқ батафсил тўхталиб ўтамиз.

Кичик ёки ўпка қон айланиш доираси юракнинг ўнг қоринчасидан бошланади ва қоннинг кислород билан тўйиниши учун хизмат қиласди. Бу ердан қон ўпка стволига ўтади ва ўпкалар томон йўналади. Ўпка стволи ўпкаларга яқинлашганида, тегишлича чап ва ўнг ўпка артерияларига бўлинади ҳамда ўпкаларга киради. Бу ерда ўз таркибидаги карбонат ангидриддан халос бўлган ва кислород билан тўйинилган қон ўпка веналари орқали юракнинг чап бўлмачасига қуйилади, ана шу ерда кичик қон айланиш доираси тугайди.

Катта ёки тана қон айланиш доираси юракнинг чап қоринчасидан бошланади. У танамиздаги ҳамма аъзо ва тўқималарни кислород ва озуқа моддалари билан таъминлаш учун ҳизмат қиласди. Қон чап қоринчадан аортага ўтади. Аорта орқали артериал қон тегишли томирлар воситасида танамизнинг ҳамма аъзоларига боради. Артериал қон тўқималарида ўз таркибини ўзгартиргач, веналар орқали юракнинг ўнг бўлмачасига келади. Танамизнинг пастки қисмидан қон олиб келувчи томир пастки ковак вена юқори қисмидан қон олиб келувчи вена юқориги ковак вена деб аталади. Қоннинг юрак чпа қоринчасидан чиқиб,

аъзоларга бориб, у ердан веналар орқали юракнинг ўнг бўлмачасигача босиб ўтадиган масофаси қон айланиш тизимининг катта доираси деб аталади. Энди ҳомиладаги қон айланиши ва унда бола туғилганидан сўнг рўй берадиган ўзгаришлар ҳақида.

Ҳомила она қорнидаги пайтида унинг нафас олиш аъзолари суюқлик билан тўлган бўлиши ҳақида айтиб ўтган эдик. Бу пайтда ўпка фаолияти кўрсатмайди. Ҳаво ва озуқа моддалари ҳомилага йўлдош орқали етказиб берилади. Бу жараён қуйидагича амалга оширилади. Кислород ва озуқа моддаларига бой артериал қон йўлдошдан киндик венасига боради ва ҳомила киндиги орқали ўтади. Ҳомилага кирган томир унинг жигари томон йуналади ҳамда жигар дарвозаси олдида иккитага бўлинади. Булардан бири, яъни веноз йўл деб аталувчиси ҳомила танасининг пастки қисмидан қон олиб келаётган пастки ковак венага қуйилади, иккинчиси эса бевосита жигарга боради ва унга қон беради. Жигар орқали ўтган қон ҳам у ердан чиқиб пастки ковак венага қуйилади. Шундай қилиб киндик венасидаги қон бевосита (веноз йўл томири орқали) ва билвосита (жигар орқали) пастки ковак венага кейинчалик эса юракнинг ўнг бўлмачасига боради (ўнг бўлмачага бундан ташқари юқори ковак венадан юракнинг тож томирларидан ҳам қон келади). Айтиб ўтганимиздек, қон айланиш тизимининг кичик доираси юракнинг ўнг қоринчасидан бошланар эди. Лекин бу ерда тизим тамомила ўзгача тус олади. Пастки ковак венадаги қон юракнинг ўнг бўлмачасига бориб, махсус тарнов орқали юракни ўнг ва чап бўлакларга бўлиб турувчи девор томон йуналади ва шу деворда жойлашган, юмшоқ тешик деб номланган тешик орқали юракнинг чап бўлмачасига, у ердан эса юракнинг чап қоринчасига ўтади.

Юқори ковак вена ва юракнинг тож томирларидан келаётган қон эса ўнг бўлмачадан ўнг қоринчага, сўнгра ўпка артерияларига боради. Ўпка ҳали фаолият кўрсатмаганлиги сабабли ўпка артерияларидаги қоннинг кам миқдори ўпкани фақат озиқлантириш учунгина боради. Қоннинг қолган қисми эса ўпка артерияси ва аортани туташтириб турувчи томир – баталов оқими орқали аортага ўтади ҳамда катта қон айланиш тизимиға қўшилиб кетади.

Бола дунёга келиб киндиги боғланиши билан, аникроғи унинг биринчи қичқириғи билан ўпкалар ҳавога тўлади. Бу ҳаво босими билан юракнинг ўнг қоринchasигa кетувчи ўпка артериясидаги қон миқдорини кескин оширади, ўпка аъзо сифатида ишга тушади. Бола мустақил нафас олиши билан юракнинг ўнг ва чап

бўлмачаларидаги қон босими тенглашади, яъни юмалоқ тешикдан қон ўтмай қўяди, аортадаги босми эса баталов оқими фаолиятини ҳам тўхтатади. Бола ҳаётининг дастлабки уч кунида киндик артериялари, 6-7 кунда киндик венаси, 8-9 кунда эса баталов йўли битиб кетади ва бойламларга айланиб, шу кўринишла бутун умр сақланиб қолади. Юмалоқ тешик эса бола ҳаётининг биринчи йилида битиб кетади. Агар ҳомиладаги қон айланиш тизимиға эътибор билан қарасангиз, қўйидаги ажойиб ҳолатларга дуч келасиз:

Ҳомиланинг энг тоза қон оловчи аъзоси бу унинг жигаридир. Жигарга бевосита артериал қон олиб борувчи артерия мавжуд. Бунга сабаб жигар ҳомилада дастлаб қон яратувчи аъзо сифатида фаолият кўрсатади. Бунинг учун эса соф қон зарур бўлади. Бола дунёга келиши билан жигарнинг асосий вазифаси қонни тозалашдан иборат бўлиб қолади. Тананинг юқори қисми бир марта аралашган қон олади, пастки қисми эса икки марта аралашган қон билан таъминланади. Шу сабабли бола дунёга келганида танасининг юқори қисми яхшироқ ривожланган, пастки қисми эса ривожланишдан бир оз орқада қолган ҳолатда бўлади.

Нима учун шундай? Нима учун тананинг, ривожланаётган аъзоларининг ҳаммаси тоза қон олмайди? Буadolatdanmi? – деган савол табиий. Буни қарангки, айнанadolat нуқтаи назаридан бу зарур экан.

Агар бутун тана, шу жумладан, унинг пастки бўлими ва ёзилиб- букилувчи қисмлари соф қон олганида эди ҳомиланинг ўлчамлари анча катта бўлар, бу эса бола туғилиши вақтида анчагина муаммолар уйғотар эди. Демак, бола ҳаётининг биринчи олти ойида унинг қўлчалари нисбатан кўпроқ фаолият кўрсатиши учун уларни яхшироқ ривожлантириш, оёқчаларини эса кейинги олти ой мобайнида ривожлантириб болани юришга тайёрлаш мақсадга мувофиқэкан.

Биз юракнинг ўнг қоринчасидан қон ўпка артериялари орқали бориб.

Унинг озгина қисмигина ўпкани озиқлантириш учун сафарбар этилади, қолган қисми эса баталов оқими орқали аортага ўтиб, катта қон айланиш доирасига қўшилиб кетади, деган эдик.

Ҳомила ҳаётининг тўртинчи ҳафтасидан унинг дунёга келишгача ривожланувчи кундан-кунга ўсиб, соатма-соат талаби ортиб бораётган ўпканинг озуқа мезонини ким аниқ белгилаб

қўйган? Ҳомиланинг ҳар бир аъзоси учун керакли қон миқдорини ва таркибини ким идора этади? Юракдаги юмалоқ тешик, баталов оқими – булар миқдор ва идора учун бир восита халос-ку.

Ҳомиладаги қон айланиш тизими ана шу ажойиботлари билан мени доим ҳайратга солади.

## **ЧАҚАЛОҚ БОШИДАГИ ЛИҚИЛДОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

Янги туғилган чақалоқларнинг бошида юмшоқ қисмлар - лиқилдоқлар бўлишини, булар вақт ўтган сари қаттиқлашиб, суякланиб кетишини эшитганмиз.

Чақалоқ бошида лиқилдоқлар сони тўртта, булардан иккитаси – оддинги ва орқа лиқилдоқлар тоқ, иккитаси – ён лиқилдоқлар жуфт бўлади.

Лиқилдоқларнинг қандай аҳамияти бор, улар ҳаётимиизда нима вазифа бажаради? Бу саволга жавоб беришдан олдин суяклар ривожланиши ҳақида гаплашиб оламиз.

Маҳлуқот дунёси қуи поғоналарининг бирида скелет тана узунлиги бўйича тортилган, атрофини бириктирувчи тўқима ўраб турувчи тизимча кўринишида бўлади. У –“хорда” деб аталади. Бир оз юқори поғонада, умуртқа ҳайвонларнинг қуи вакилларида хорда атрофини бириктирувчи тўқима ўрнини тоғай эгаллайди. Суякли балиқларда бошлаб сут эмизувчиларга тоғай ўрнида суяк пайдо бўлади. Инсон суяги ривожланиш даврида биз юқорида айтиб ўтган учта босқични: дастлаб, бириктирувчи тўқима босқичини, сўнг тоғай босқичини ва ниҳоят суяк босқичини ўтади.

Ривожланишнинг бу учта босқичини калла суякларининг баъзилари, ўмров суганинг бир қисмидан ташқари барча суяклар ўтади. Чақалоқ бошидаги лиқилдоқлар суяк ривожланишининг бириктирувчи тўқима босқичида тўхтаб қолган қисмидир. Нима учун?

Болалигимизда қувламачоқ, беркинмачоқ ва шунга ўхшаш ўйинлар ўйнаётганимизда девор ёки панжара орасидаги тирқишлиардан ўтишга тўғри келар эди. Шундай пайтларда калланг ўтиб олса бўлди, қолган жойинг ўтади, деган иборани ишлатар эдик. Бу иборани мен ҳозир теранроқ англағандек бўламан.

Гап шундаки, аёлларда чаноқ тирқиши туғуруқ йўлининг суякли қисми ҳисобланади. Ҳомиланинг боши айнан ўша

ривожланмай қолган бириктирувчи түқима ҳисобига сиқилиб, узунасига ҳамда энига кичиклашади ва чақалоқнинг боши сұякли тирқишдан bemalol ўтиб олади.

Энди тассавур этиб күринг, агар калла сұяклари ҳам бошқа сұяклар сингари түлиқ ривожланганида чақалоқ ва онанинг ҳоли не кечар эди?

Демак, бош ўтиб олса.

## **ЧАЛҚАНЧА ЁТИБ СУВ ИЧИБ КҮРИНГ**

Она күкрагига талпинаётган, уни ўзгача бир завқ билан эмаётган чақалоқ манзараси дунёдаги энг гўзал манзара бўлса керак.

Чақалоқлар қандай қилиб ётиб эмади? Улар нима учун қалқиб кетмайди? Нима учун катта одам чалқанча ётиб суюқлик ича олмайди?

Анатомик жиҳатдан икки аъзо – халқум ва ҳиқилдоқ қўшни аъзолар ҳисобланади. Улар бир тенгликда туради, ҳалқум ҳиқилдоқдан орқа томонда жойлашади. У оғиздаги овқат луқмаларини қизилўнгачга йўналишини таъминлайди. Ютиниш вақтида ҳаво йўли ҳиқилдоқнинг маҳсус тоғайи – баргсимон тоғай билан беркитилади ва овқат луқмалари ҳаво йўлига кетиб қолмаслиги таъминлаб берилади. Суюқлик ичилганида эса ҳалқумдаги бурмалар ўзига хос тарнов вазифасини бажаради, ана шу тарнов орқали суюқлик қизилўнгач томон “оқади”. Вертикал ҳолатда суюқлик ичилганида у ҳаво йўлига ҳам кетиб қолиши мумкин. Шу сабабдан катталар, ҳатто эмиш давридан эндиниа ўтган болалар ҳам суюқликни ётган ҳолатда ича олмайдилар.

Эмизикли чақалоқлар-чи? Улар бу ишни қандай удалайдилар?

Гап шундаки, янги туғилган чақалоқларда ҳиқилдоқ, яни нафас йўлининг бурундан кекирдакка ўтиш қисми ҳалқумдан 1, 5-2 см тепада бўлади ва мана шу нарса уларга bemalol ётиб эмиш имкониятини яратиб беради. Энг ажойиби шундаки, бола ўтириш даврига етган сари ҳиқилдоқ пастка тушиб боради, бола эмизикли даврдан ўтишига яқин у ўзининг муқим анатомик ўрнини эгаллайди.

## **СУТ ТИШЛАР**

Янги туғилган чақалоқларда тишлилар бўлмайди, чунки уларда тишлиларга ҳали ҳожат йўқ. Биринчи тишлилар бола олти ойликка етаретмас чиқа бошлиши ҳеч биримизга сир эмас. Бола бир ёшга тўлганида унинг тишлилари ўнтага етади. Бу соғлом ўсиш белгиси ҳисобланади. Маълум бир ёшга етганда оғиздаги бу тишлилар тушиб, ўрнини мустҳкам тишлилар эгаллайди. Тушиб кетадиган тишлиларни ҳалқ орасида сут тишлилари деб аташади. Албатта, бу нотўғри, чунки катта одам ва кичик ёшдаги болалар тишининг таркибий қисми бир хил бўлади. Фарқ фақат тиш илдизларида, уларнинг жағларга жойлашишида бўлади. Хўш, ундай бўлса, тишлиларнинг алмашинишида қандай маъно бор? Нима учун бир йўла мустаҳкам тишлилар чиқа қолмайди.

Гап шундаки, бола туғилганида унинг жағлари, айниқса, пастки жағлари ҳали тўлиқ ривожланмаган ҳолда бўлади, қаттиқ нарсаларни чайнамаганидан кейин уларнинг ривожланиши учун ҳожат ҳам бўлмайди. Бола улғайгани сайин унинг рациони ҳам ўзгариб боради, бунга яраша жағлар ҳам ўсиб, бола 12-15 ёшга етганида жағлар тўлиқ ривожланиб бўлади. Тишлилар ҳам ана шунга мутаносиб равишда бирин-кетин алмашиниб боради. Қизифи шундаки, бола тишининг тушиб, янгисига алмашиниб туриши кетма-кетлиги ҳар доим ҳаммада бир хил бўлади. Тишлиларнинг бундай равишда алмашиниши ҳақидаги ахборот инсон генининг қайси ерига киритиб қўйилганлиги эса номаълум.

## Х. БОБ. ЮРАК СИРЛАРИ

Юрак мушакли аъзо бўлиб, қон айланиш тизимининг марказий қисмидир. У таҳминан одамнинг муштумича келади. Катта одам юрагининг оғирлиги 250-300 гр. га, узунлиги 12-15 см га, кўндаланг кесими 8-11 см га, олди орқа кесими 5-8 см га тенг.

Брак қонни веноз томирлар тизимидан arterial томирлар тизимига ҳайдаб беради. Қон ковак веналардан ўнг бўлмачага, у ердан ўнг қоринчага, сўнг ўпкаларга йўналади. Ўпкада кислородга тўйиниб, аввал чап бўлмачага, кейин чап қоринчага ва у ердан аортага, тегишлича, катта қон айланиш тизимига ўтади. Қоннинг бундай усулда, фақат бир томонлама оқишини юрак мушакларининг қисқариши ва клапанларнинг ажойиб тизими таъминлаб беради. Буни кўз олдингизга келтиришингиз учун юрак ишини, унинг тузилишини билишингиз керак бўлади.

Юракни тўрт хонага бўлинган бир хона деб тасаввур қилинг. Чап ва ўнг хоналар ўртасида яхлит девор бор ва бу хоналар бевосита бир-бири билан туташмайди. Ўнг даҳлиз ва ўнг ичкари хоналар ўртасида икки табақали эшик (яъни клапанлар), чап даҳлиз ва чап ичкари хоналар ўртасида эса уч табақали эшик бор. Юракнинг ўнг даҳлизига киравчи икки йўл – юқори ва пастки ковак веналар, ўнг ичкари хонадан чиқиб кетувчи битта йўл – ўпка arterияси мавжуд. Чап даҳлизга ўпкалардан келаётган тўртта вена очилади, чап ичкари хонадан эса аорта чиқади. Қон қандай ҳаракатланади?

Юракнинг биз даҳлиз деб атаган қисми қисқарганида қон икки ва уч табақали эшикларни итариб очади ва ичкари хоналарга йўналади, уларни қон билан тўлдиради. Ичкари хоналар қисқарганида эса қон тегишлича ўпка arterиясига ва аортага боради. Нима учун ичкари хоналар қисқарганида қон яна даҳлизларга ўтиб кетмайди? Мана шу ерда хоналар ўртасидаги эшиклар катта роль ўйнайди. Юракнинг ичкари хоналари қисқарганида эшиклар қоннинг босими остида маҳкам ёпилади, улар шунчалик зич ёпиладики, табақалар орасидан бир томчи ҳам қон ўта олмайди. Босим остида эшиклар даҳлиз томонга очилиб кетмасин учун улар маҳсус арқончалар ёрдамида ичкари томонга боғлаб қўйилган. Эшиклар ёпилганида улар таранглашади ва эшикларни ушлаб қолади. Ўнг ичкари хонадан чиқувчи

томирларда ҳам, чап ичкари хонадан чиқувчи томирда ҳам маҳсус эшиклар (яримойсимон клапанлар) бор. Улар чўнтақка ўхшайди. Томирларга ўтган қон юрак бўшашган маҳалда ортга қайта бошлайди. Ортга қайтиш вақтида қон чўнтақларни тўлдиради, улар бўртиб, қоннинг йўлини тўсади.

Эшиқ табақаларига маҳкамланган арқончалар нега чўзилиб ёки узилиб кетмайди? Улар қандай қилиб табақаларни мутаносиб равишда ушлаб туради? Чўнтақчалар нега йиртилиб кетмайди?

Энди юрак деворлари, аникроғи, уларнинг қабатлари ҳақида сўз юритамиз.

Юрак девори уч қабатдан – эндокард, миокард ва эпикардлардан иборат.

Аҳамият жиҳатидан бу қабатларни ажратиш нотўғри бўлса-да, энг мукаммал тузилишга миокард эга.

Миокардда икки хил толалар тафовут этилади. Биринчи хилдаги толалар юракнинг қисқариб бўشاшишини таъминлаб беради. Улар қисқарувчи ёки “ишчи” толалар деб аталади. Иккинчи хил толалар худди электр симлари сингари ўтказувчанлик хусусиятига эга. Бу толалар импульсларни миокардининг бир қисмидан бошқа қисмига ўтказиб беради. Бундан ташқари, улар импульсларни ўзида жамлаш ва шу тариқа суст импульсларни тўплаб, уларни кучайтириб беришга ҳам қодир. Шу сабабдан иккинчи хил толаларни (маҳсус толалар) деб ҳам аташади. Шу ерда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Гап шундаки, иккала турдаги толалар ҳам тузилиши жиҳатидан бир-бирига жуда ўхшаш. Лекин ёнма-ён турган, деярли бир хил тузилишга эга бўлган толалар икки турдаги вазифани бажаради.

Ҳамма турдаги мушаклар сингари юрак мушаги ҳам қўзгалувчанлик, ўтказувчанлик ва қисқарувчанлик хусусиятларига эга. Лекин брак мушагида яна бир хусусият борки, бу уни бошқа мушаклардан бир поғона устун қўяди.

Бу – юрак мушагининг автоматия хусусиятидир. Автоматия деганда нимани тушунмоқ керак?

Мияда ҳосил бўладиган импульслар туфайли қисқара оладиган танадаги ҳамма мушаклардан фарқли ўлароқ, юрак мушаги ўзида ҳосил бўладиган импульслар ҳисобига қисқаради. Яна бу қисқаришлар ритмик хусусиятга эга. Юрак мушагининг бу қобилияти шу қадар кучли ривожланганки, юрак танадан ажратиб олинганида ҳам у ритмик равишида қисқариб туради, маълум бир

шароитда эса бу қисқаришлар бир неча кунгача давом этиб туради. Бу қандай қудрат? Қандай қилиб юрак ўз-ўзидан қисқара олади? Юз йилдан ортиқ вақт мобайнида бу борада изланишлар олиб бораётган бўлса-да, ҳали юқоридаги саволларга аниқ – тиниқ жавоб йўқ. Олимлар олдида иккита ҳал қилиши лозим бўлган саволлар мажмуй туради. Биринчидан, автоматиянинг асоси, унинг субстанцияси нимадан иборат, яъни импульслар юракнинг қайси тўқимасида ишлаб чиқарилади, иккинчидан, ритмик равишдаги активлик механизми нимадан иборат?

Шу саволлар изланувчиларни икки групга бўлади. Биринчи груп олимларининг фикрича, ритмик импульслар юракнинг нерв тўқимасида пайдо бўлади, ва ҳатто, улар юракнинг ўзига алоҳида нерв система бор деган ғояни илгари суришди (нейроген теория), иккинчи груп олимлар эса ритмик импульсларни миоген хусусиятга эга эканлигини, яъни импульслар юрак мушагида ҳосил бўлишини таъкидлашади (миоген теория). XIX асрнинг охирларида келиб нейроген теория тарафдорлари “қақшатқич” зарбага учрашди.

Миоген теория тарафдорлари юрак импульсацияларни ҳомила ҳаётнинг 18-20 қунида пайдо бўлишини юрак нерв хужайралари эса фақат 28-30 кундагина фаолият қўрсата бошлишини исботлаб беришди. Ҳозирда миоген теория умум эътироф этилган. Унга биноан автоматия юракнинг ўтказувчи тизим деб ном олган маҳсус мушак тўқималарига хос.

Юракнинг ўтказувчи тизими - бу ўзига хос мушак тўқималаридир. Бу тўқималар нерв толалари билан ҳамкорликда тушунчалар ва бу тушунчалардан кетувчи толаларни ҳосил қиласди.

Ўтказувчи тизимнинг биринчи тугуни (Кейс-Флякк тугуни) юқори ва пастки ковак веналарнинг юракка қўйилиш ерида жойлашган. Бу тугун катта ёшдаги, соғлом одамларда тинч ҳолатда 70-90 марта импульс беради. Жисмоний меҳнат, ҳаяжонланиш вақтида импульслар сони ортиши мумкин.

Автоматиянинг иккинчи маркази (Ашофф-Тавара тугуни) юракнинг ўрта деворида, бўлмача ва қоринчалар орасида жойлашади. У бир дақиқада 40-60та импульс беради. Иккинчи тугунча шакл жиҳатдан қўзиқоринни эслатади. Унинг икки томонига йўналган шапка қисми ва пастга кетувчи оёқча қисмлари мавжуд. Айтиш жоизки, бу тугуннинг ҳар бир қисми алоҳида импульс бериш қобилиятига эга.

Юракни ритмик фаоллик билан таъминловчи учинчи поғона бу – Гис тутамлари ва Пуркинье толаларидир. Улар бир дақиқада 10-30 тагача импульс беради.

Қиёсий қилиб, содда равишда тушунтирганда юракнинг ўтказувчи тизими автомобиллардаги аккумулятор ва генераторни эслатади. Биз юқорида айтиб ўтган тугунлар табиий аккумулятор ва генераторлардир. Фақат улар дастлабки энергияни, шу тизимни ишга солиб юборадиган энергияни қаердан олишади? – деган савол туғилади.

Яна бир ажойибот шундаки, агар биринчи тугун ишламай қолса, импульслар пастки тугундан, у ҳам панд берса, янада пастки поғонадан ишлаб чиқарила бошлайди.

Замонавий Боинг самолётларда ҳар қандай тизим, масалан, ғилдиракларнинг очилиб-ёпилиш тизими уч поғонага, яъни учта захиравий поғонага эга бўлар экан. Агар биринчи поғонада шассилар очилмай қолса, учувчи иккинчи ёки учинчи поғонани ишга солиб, самолётни қўндириш имкониятига эга бўлар экан. Шу тариқа авиаҳалокатга учраш хавфи минимумга тушурилар экан.

Юракдаги учта (балки ундан-да кўпроқ) поғона-чи? Бу қандай фалокатнинг олдини олишга мўлжалланган?

Баъзи олимлар юрак автоматияси одам ўлганидан кейин ҳам юракнинг ритмик қисқаришини тиклаш имкониятини беради, деган фикрларни билдирганлар.

## БУЮК НЕЪМАТ

Тирик организм доимий равишида энергия сарфлайди. Сарфланаётган энергиянинг миқдори организм фаолиятига узвий боғлиқ. Лекин шу билан бирга одам ҳатто ухлаётган пайтда ҳам соатига 70 ккал энергия сарфлайди. Биз бир кунда овқат маҳсулотлари билан 2000-3000 ккал энергия оламиз. Овқат ҳазм қилиш тракти шундай механизмларга эгаки улар истемол қилинаётган озуқани айнан истемолчи организимига мос равишида ишлаб беради.

Овқат ҳазм қилиш тракти оғиз бўшлиғидан бошланади. Оғиз бўшлиғида овқатнинг мазаси, сифати, консистенцияси ҳарорати аниқланади, чайнаб луқма ҳолига келтирилади ва ютиш билан ичкарига, қизил ўнгач ва меъда томон итарилади. Бир қараганда бу

оддий ҳолатдек кўринса-да, оғиз бўшлиғида содир бўладиган жараёнлар ўта мураккаб.

Қарангки, оғизга солинган овқатнинг ҳолатига қараб ҳазм қилув трактининг бошқа қисмлари созлана бошлайди. Масалан, агар овқат қўюқ бўлса, меъда айнан қуюқ овқат қабул қилиб олишга созланади, трактнинг меъдадан пастки қисмлари эса меъда созига мос равища тараддуд кўради.

Овқатни чайнаб луқма ҳолига келтиришда оғиз бўшлиғида ишлаб чиқарадиган суюқликнинг аҳамияти катта. Унинг таркибида овқатни дастлабки ҳазмини бошлаб берувчи моддалар, овқат билан оғиз бўшлиғига кириб қолиши мумкин бўлган зараги нарсаларни зарасизлантирувчи моддалар, минерал моддалар бор. Оғиздаги суюқликни уч турдаги йирик безлар ва жуда кўплаб майда безчалар ишлаб чиқаради. Қизиги шундаки, биз истеъмол қилаётган овқатнинг таркибиға қараб оғиз суқлигининг таркиби ҳам турлича бўлиши мумкин экан. Одам доимимй равища тоза овқатларни истеъмол қилаётганлиги сабабли оғиз суюқлиги сифати доим бир хил. Лекин маҳлукот дунёсининг бошқа вакилларида, масалан, ёввойи ҳайвонларда, ва айниқса, итсимонлар оиласи вакилларида оғиз суюқлиги истеъмол қилиш мумкин бўлган ёки инкор этилиши керак бўлган нарсалар (қум, лой, тош)га қараб сифат жиҳатидан ўзгариб тураг экан. Демак, доимо тоза ва ҳалол нарсаларни истеъмол қилишда гап кўп экан. Овқат сифати баҳоланади, чайнаб лўқма ҳолига келтирилди, ҳазм жараёни бошланиб луқма меъда томон йўналтирилди. Хўш, меъдада қандай жараёнлар юз беради?

Катта одам меъдасининг ҳажми тахминан 3 литрга teng. У овқат ҳазм қилиш билан бирга озуқа депоси вазифасини ҳам бажаради. Меъдага оғиз бўшлиғидан тушган овқат унинг шираси таъсирида суюқ ва ярим суюқ химусга айланади ва меъда мушакларининг қисқариб – бўшашиби натижасида ингичка ичакнинг биринчи бўлими – ўн икки бармоқли ичакка ўтади. Шу ерда бир нарсани таъкидлаш жоиз. Меъдадаги ҳамма химус ўн икки бармоқли ичакка бир варакайига ўтиб кетмаслиги учун меъданинг сўнгги, ичакка ўтиш қисмида маҳсус мослама – мушакли дарвоза (сфинктер) мавжуд. У ҳар 12 сонияда бир марта очилиб-ёпилади, ана шу пайтда химуснинг маълум миқдоригина ичакка ўтади.

Меъда деворида суюқлик ишлаб чиқарадиган миллионлаб безлар бор. Бу безлар бир кеча-кундузда 2-2, 5 литр суюқлик ишлаб чиқаради. Унинг хусусиятлари нимадан иборат?

Биринчидан, шарбат рангиз ва хидсиз. Агар унинг ҳиди бўлганида одамлар бир-бири билан мулоқот қилмасликка харакат қиласидар. Иккинчидан меъда шираси таркибидаги пепсин моддаси оқсилларнинг дастлабки, альбумозлар ва пептонларгача парчаланишни таъминлайди. Айтиш жоизки,

1г соф пепсин икки соат мобайнида 50 кг тухум альбуминини парчалашга, 100000 л сутни сузмага айлантиришга ва 2 000 л желатинни эритиб юборишга қодир. Шу ерда, нима учун меъданинг ўзи эриб кетмайди, деган ҳақли савол туғилади. Гап шундаки, пепсин дастлаб ноактив шаклда, яъни пепсиноген шаклда ишлаб чиқарилади. Кейин у, заруриятга қараб, меъда шираси таркибидаги хлорид кислота таъсирида актив ҳолатга – пепсин шаклига ўтади. Бундан ташқари, муцин деб ном олган меъда шилимшифи ҳам меъда деворларини доимий равишда намлаб турари ва уларни пепсин ҳамда хлорид кислота таъсиридан ҳимоялади.

Меъда ширасида, бундан ташқари, ёғларни парчаловчи модда – липаза мавжуд. Лекин липаза ҳамма турдаги ёғларни эмас, фактат сут таркибидаги ёғнигина парчалайди. Кичкина болаларда ва айниқса, эмизиклик ёшдаги болаларда бу модда шира таркибининг асосини ҳосил қиласиди. Одамнинг ёши ўтгани сари липаза миқдори камайиб боради. Шунинг учун бўлса керак баъзи катта одамлар сут ичишганида ўзларида турли нохуш ҳолатлар сезишади. Шира таркибидаги лизоцин бактерияларни ўлдириш хусусиятига эга.

Биз юқорида меъдада бир кеча-кундузда 2-2, 5 литр шира ишлаб чиқарилади деган эдик. Хўш, бу суюқлик ўз-ўзидан ишлаб чиқарилаверадими ёки бу жараён идора этиладими?

Шартли равишда ишлаб чиқариш жараёни учта фазага бўлинади.

Биринчи фаза мураккаб рефлекслар ёки мия фазаси деб аталади. Айтиб ўтганимиздек, меъда оғизга кириб овқатга қараб созланади. Лекин бу биринчи фазанинг бир қисми холос. Бунга яна кўз билан овқатни қўриш, унинг ҳидини туйиш ва эшитиш (овқат пишиш жараёни) кирап экан. Шира ишлаб чиқаришнинг иккинчи фазаси овқат луқмаларининг меъдага тушиши билан, учинчи

фазаси эса биринчи порция химуснинг ўн икки бармоқли ичакка ўтиши билан боғлиқ.

Ингичка ичак, ва биринчи навбатда, унинг бошланғич қисми, яъни ўн икки бармоқли ичак, меъда-ичак трактининг асосий ҳазм қилиш бўлимидир. Ўн икки бармоқли ичакка уч турдаги суюқлик очилади. Булар – ошқозон ости безининг шираси, сафро ва ингичка ичак шиллик қаватида ишлаб чиқариладиган шира.

Айнан ингичка ичакда овқат билан углеводларнинг 70 фоизи, оқсил ва ёғларнинг 100 фоизи ҳазм бўлади. Айнан ингичка ичакда овқат таркибидаги мураккаб моддалар тана уларни ўзлаштира оладиган ҳолатгача, яъни содда ҳолатгача парчаланади, ва энг мухими, айнан ингичка ичакда улар қонга ва лимфага сўрилади.

Энди ўн икки бармоқли ичакка очиладиган ширалар ҳақида гаплашамиз.

Ошқозоности безининг шираси, бошқача айтганда панкреатик шира таркибидаги протеолитик (оқсилларни парчаловчи) ферментлар ажойиб хусусиятларга эга. Масалан, шира таркибидаги энг асосий фермент трипсин дастлаб ноактив ҳолатда, трипсиноген ҳолатида бўлади. У қисман аутокатализ (ўз-ўзини қайта ишлаш) йўли билан ва қисман ичак шираси таъсирида трипсин шаклига, яъни оқсилларни аминокислоталаргача парчалай оладиган модда шаклига ўтади. Бунда зўр маъно бор. Бир кеча-кундузда 1-1, 5 литргача ишлаб чиқаридиган трипсин доимо фаол ҳолатда бўлганида эди ичагимиз бир неча дақиқада парчаланиб, эриб кетади. Бундан ташқари трипсин панкреатик шира таркибидаги бошқа ферментларни ҳам ноактив ҳолатдан фаол ҳолатга ўтказади. Шира таркибидаги амилаза озуқадаги углеводларни моносахаридларгача, липаза эса сафро билан ҳамкорликда ёғларни глицирин ва ёғ кислоталаригача парчалайди.

Панкреатик ширанинг таркиби, ундаги ферментлар нисбатининг овқатга қараб ўзгариб туриши ҳам бир ажойиботдир. Агар одам маълум муддат фақат оқсилларга бой, таркибидан ёғ ва углеводлар кам бўлган овқатларни тановвул қилиб юрса, шира таркибидан айнан оқсилларни парчаловчи ферментлар ортиб, ёғ ва углеводларни парчаловчи ферментлар камаяр экан, ва аксинча, агар узоқ вақт мобайнида оқсили кам овқат истеъмол қилинса, оқсилларни парчаловчи фермент камаяр экан.

Бир томондан, бу – тананинг ферментлар ишлаб чиқаришга кетадиган моддаларни тежаб сарф қилишга қаратилган бўлса,

иккинчи томондан, одамзот учун хилма-хил нозу-неъматларни тановвул қилишга имконият туғдирадиган буюк неъматdir.

Меъда ичак трактининг сўнгги қисми йўғон ичак ҳамда жуда катта аҳамиятга эга. Озуқа моддаларининг энг сўнгги маҳсулотлари, ва айниқса сув айнан йўғон ичақда сўрилади. Бу ерда тана учун керакли бўлган моддалар яна қонга ўтиб, тананинг талаблари учун ишлатилади. Бундан ташқари, йўғон ичакда миллионлаб бактериялар овқат қолдиқларини бичфитиб, уларнинг ташқарига чиқариб ташлашни таъминлаб бериб туради. Айтиш жоизки, йўғон ичакнинг ишлаш хусусияти, унинг тўғри фаолияти тана соғломлиги учун катта аҳамиятга эга. Агар ҳазм бўлган овқат қолдиқлари ичак касалликлари туфайли ичимизда муддатдан кўпроқ вақт қолиб кетса, турли касалликларга сабаб бўлади. Қон ишлаб беришига хизмат қиласидиган моддалар айнан йўғон ичакда синтезланади.

## ХІ. БОБ. ҒАРОЙИБ ҲУЖАЙРА

Бўйи 185 сантиметр, тана вазни 85-90 килограмм келадиган забардаст одамга “Сиз бир пайтлар катталиги бир миллиметрнинг юздан тўрт улушигагина тўғри келадиган ҳужайра ичига жойлаштирилган эдингиз” десангиз у ишонмайди. Бир қарашда бу нарсага ишониш қийин. Лекин одамнинг жинсий ҳужайралари, уларнинг тузилиши ва ишлаши ҳақида бир оз тасаввурга эга бўлиб олинса, бунинг инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат эканлигига амин бўласиз.

Қўйида биз азиз ўқувчимизга инсон жинсий ҳужайралари ҳақида қисқача маълумот бериш билан ўзининг қандай мавжудот эканлиги тўғрисида озгина тафаккур этиб кўришга чақирамиз.

Эркак кишининг жинсий ҳужайралари жуда майда бўлиб, шакли жиҳатидан тўғноғични эслатади. Узунлиги бир миллиметрнинг ўндан олти қисмига тўғри келадиган бу ҳужайраларнинг учта қисми – бошча, бўйинча ва дум қисмлари мавжуд. Бошқа қисм юмaloқ шаклга эга бўлиб, бир миллиметрнинг юздан тўрт қисми катталигига бўлади, бўйинча қисми эса бир оз чўзинчоқ шаклда бўлиб, бевосита думга давом этиб кетади. Тиббёт тилида сперматозоид деб номланадиган бу ҳужайранинг ажойиб хусусиятларидан бири унинг ҳаракат қила олиш қобилиятидир. Думини тана текислигига эгиш услуби билан ҳаракатлана оладиган бу ҳужайра соатига етти саккиз миллиметр масофа босади. Ҳужайранинг қандай вазифаси бор эканлиги ҳақида кейинроқ батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Аёлларнинг жинсий ҳужайралари юмaloқ шаклда бўлади. Бу ҳужайралар тухумдон деб номланадиган безларда сақланади. Тухумдонларнинг ўзи қорин бўшлиғининг пастки қисмида жойлашади. Эркакларнинг жинсий ҳужайраларидан фарқли ўлароқ, бу ҳужайралар мустақил ҳаракат қила олмайди, аёл танасида ишлаб чиқарилмайди, яъни ҳужайралар қиз бола қоринда пайдо бўлаётган вақтнинг ўзидаёқ тайёр ҳолда ва маълум бир ададда берилади ва шунинг учун ҳисоби чегараланган бўлади. Аёл кишининг тухум ҳужайралари нечта эканлигини тахминан ҳисоблаш ҳам мумкин. Масалан, аёл киши ҳар ҳайз кўрганида битта ҳужайра тухумдондан чиқади ва бачадон томон йўналтирилади. Бир йилда ўн икки марта ҳайз кўрса, ҳар бир

тухумдондан навбатма-навбат олтитадан тухум ҳужайра кетади. Аёлларнинг репродуктив даври, яъни бола кўра олиш даври тахминан қирқ йил деб олинса ва шу сонни 12га қўпайтирилса, тухум ҳужайраларининг тахминий миқдори келиб чиқади. Шуни назарга олган ҳолда қиз болаларни авайлаб парвариш қилиш, уларга қўпроқ эътибор бериш, аёлларни эъзозлашнинг соғлом зурриёт учун аҳамияти қанчалар катта эканлигига амин бўламиз.

Энди яна сперматозоидларга қайтайликда, инсон пайдо бўлишининг дастлабки босқичи ҳақида бир оз сұхбатлашайлик.

Айтиб ўтганимиздек, сперматозоидларнинг хусусиятларидан бири унинг ҳаракат қила олиш қобилиятидир. Бундан ташқари, унинг яна бир ажойиб хусусияти тухум ҳужайрасини уруғлантира олиш хусусиятидир.

Эркак ва аёл қовушиши пайтида эркақдан 2 мл дан 10 мл гача суюқлик аёл кишининг жинсий йўлига тўкилади. Бу суюқлик сперма деб аталади. Унинг ҳар бир миллилитрида 60 миллиондан 120 миллионгача сперматозоидлар бўлади. Булар аёл кишининг жинсий йўлига тушиши билан ўзининг ҳаракатини бошлаб, бачадон томон юра бошлайди. Оддий ҳолатда тартибсиз ҳаракат қиласиган бу ҳужайралар ўз муҳитига тушиши билан уларнинг ҳаракатида маъно тухум ҳужайраси турган манзилга етиб олиш ва уни уруғлантириш нияти пайдо бўлади. Тухум ҳужайра бачадон найчасида сперматозоидни кутиб туради. Тасвур этиб кўринг-а, тахминан 1 миллиард 200 миллион сузувчи дарёда оқимга қарши тез сузиб, манзилга етиб олиш учун курашишади. Албатта, буларнинг ҳаммасига ҳам манзилга етиб бориш баҳти насиб этмайди. Хўш, сперматозоидлар ниманинг ҳисобига ҳаракатланар экан. Қаранг-ки, унинг бўйинча қисми айнан мотор ролини ижро этар экан. Бу мотор ишлаши учун жуда катта энергия сарф этиши керак бўлади. Энергия эса ҳужайра ичидаги кетадиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари ҳисобига ажралади. Энергия манбаи, яъни ёқилғи ролини ҳужайрадаги фруктоза, глюкоза, сут кислотаси, АТФ деган моддалар ва ферментлар бажариб беради. Сперматозоидларнинг яна бир ажойиб жиҳати уларнинг манфий заряд тутишидир. Айнан шу туфайли сони жиҳатидан жуда кўп бўлса ҳам улар урилиб кетишмайди. Тахминан 600 миллион ҳужайра манзилга етиб боради, деб фараз қилайлик. Ана энди шулар орасида тухум ҳужайранинг ичига биринчи кириб олиш мусобақаси бошланади. Кескин куашлар остида ўтадиган бу

мусобақа натижасида 600 миллиондан фактат биттагина сперматозоид тухум ҳужайра ичига кира олади. Тухум ҳужайрага бошчасини суқиб олиши билан унинг ҳаракат аъзоси, яъни бўйинчалик ва думчалик тушиб қолади ва тухум ҳужайрага соғ ахборот – бўлажак одамнинг жинси, тана тузилиши, кўзнинг ранги, сочнинг ранги, қўйинг-чи, инсоннинг туғилишидан ўлимигача унинг танаси ҳақидаги ҳамма ахборот киради. Бу ахборот сперматозоиднинг айнан бошча қисмига киритиб қўйилган бўлади.

Ана энди тасаввур этиб кўринг. Дўкондан бирорта майший асбоб, масалан, дазмол, магнитофон ёки телевизор сотиб олсангиз, у ҳақидаги айрим маълумотларгина битилган китобча қўшиб берилади. Бир инсон танаси ҳақидаги ҳамма маълумотлар бир миллиметрнинг юздан тўрт улуши катталигидаги ҳужайра ичига қандоқ сиғдирилган ва унинг муаллифи, ихтирочиси ким? Ким уларга ҳаракатланиш ва мақсад сари интилишни ўргатган?

Тухум ҳужайралари-чи? Ҳар 28 кунда етилиб, навбатманавбат чиқиб, уруғ ҳужайраларини кутиб олишга, миллионлаб дъзвогарлар ичидан айнан ўзига мосини танлаб олишга ақлни улар қаердан олишади? Улар ўзаро ахборот алмашиниб туришадими? Уруғ ҳужайраларига улар томон катта тезликда келаётган уруғ ҳужайраларининг сони, ҳолати ҳақида маълумот бериладими? Балки инсоният бир куни шу саволларга ҳам жавоб топар.

## ГОРМОНЛАР ОЛАМИГА САЙЁҲАТ

Азал-азалдан одамлар истеъмол қилинадиган гўштга ишлов беришаётган вақтда, ундан чиқадиган безларни олиб ташлашади. Хўш, безлар чиндан ҳам чиқит нарсами, яъни улар мавжудот танасидаги керакмас аъзоми? Безлар танага бекорга жойлаштирилганми? Йўқ, албатта бундай эмас.

Танамизда жуда кўплаб безлар мавжуд бўлиб, улар организм фаолиятида катта аҳамият касб этади. Безлар иккита катта гурухга бўлинади. Биринчи гурухи экзокрин безлар деб юритилади ва турли аъзолар ва аъзолар тизимида жойлашиб, шу аъзо фаолиятига яраша иш бажаришади. Масалан, бронх шиллиқ қаватида жойлашган безлар бронх суюқлиги ишлаб чиқаради, меъда ичак тракти безлари тегишлича меъда ва ичак шираларини ишлаб чиқаради, айрим безлар эса иммун система тизимига мансуб бўлиб, тана ҳимоясидамухим ўрин тутади. Бошқача айтганда, экзокрин безлар

ўз маҳсулотини у ёки бу аъзо бўшлиғига чиқаради. Иккинчи гуруҳ безлар эндокрин безлар деб аталади. Эндокрин безларда маҳсус чиқарув йуллари бўлмайди ва улар маҳсулини, яъни гормонларни бевосита қонга чиқариб беради.

Гормон биологик фаол моддадир. Гормон ишлаб чиқарувчи безларбиргаликда эндокрин тизим деб аталади. Моддалар алмашинуви, жисмоний ва руҳий ҳолатларни ташқи муҳит шароитлари ва ўзгаришларига қараб идора этиб туриш, ўсиш ва етуклик, насл қолдириш, қариш – бу жараёнларнинг ҳаммаси марказий асаб тизими ва эндокрин тизим ҳамкорликда амалга оширади. Марказий асаб тизими одатда тез амалга оширилиши керак бўлган жараёнларга масъул бўлса, секин йиллар давомида қилинадиган ишлар эндокрин тизим томонидан программалаштирилади.

Танада гормонлар жуда кам миқдорда ишлаб чиқарилса-да уларнинг айнан керакли аъзони, бошқача айтганда нишон аъзони топиб таъсир этиши, бу таъсирнинг қўшни аъзога сира малол келмаслиги ҳайратланарли ҳолатдир. Ошқозон ости бези аралаш безлар туркумига киради, яъни у ҳам экзокрин, ҳам эндокрин без ҳисобланади. Унинг Лангерганс оролчаси деб ном олган қисмидаги бета ҳужайралар тўплами инсулин гормонини ишлаб чиқаради. Бу гормон танада қанд алмашинувига жавоб беради. Гормон қонга озуқа орқали кираётган углеводларни ҳужайраларига киргазиб бериш ва шу тариқа уларнинг энергия билан таъминлашини ибора этиб туради. Бу дегани, инсулиннинг ўзи елкасига углеводни ортиб олиб ҳужайрага ташиб беради, дегани эмас. Гормон углеводга муҳтоҷ ҳужайраларга ўзини танитиб, сўнг уларни углеводни қабул қилиб олишга ундейди, яъни танамизда айнан инсулинни таниб оладиган маҳсус ҳужайралар гурухи мавжуд. Агар одам ширинликларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиб юрса ва бу нарса узоқ вақт давом этса, ҳужайраларнинг инсулинни таниб олиш хусусияти сусаяди ва одамда биринчи типдаги қандли диабет касаллиги вужудга келади. Вақтида ва керакли чора кўрилмаса, лангерганс оролчалари инсулин ишлаб чиқаришни тўхтатади ва натижада инсулинга мўтелик кўринишидаги қандли диабет касаллиги келиб чиқади.

Эндокрин тизим ўз-ўзини идора этиб туриши ҳам ажойибдир. Безлар қачон ва қанча миқдорда, қандай гормон ишлаб чиқариш жараёнларини жуда аниқлик билан амалга оширади. Ўлчамлари

жуда кичик, вазни атиги 0, 5-0, 6 г келадиган гипофиз бези эндокрин тизимининг “иш бошқарувчиси” ҳисобланади. Кўриниши жиҳатидан эгарни эслатадиган ва шу сабабли калла қутисининг турк эгари деб ном олган жойида ўтирадиган гипофиз ўнадн ортиқ гормон ишлаб чиқаради ва бу гормоннинг аксарияти аъзо ва аъзолар тизимиға эмас, балки бошқа эндокрин безларга таъсир этиб, уларга тана қайси гормонга муҳтожлик сезаётгани, уни қандай миқдорда ишлаб чиқариш кераклиги, қайси гормонни ишлаб чиқаришни тўхтатиб туриш кераклиги тўғрисидаги ахборотларни буйруқ таъриқасида гормонлар орқали бериб боради. Хўш, гипофизнинг ўзи буларни қаердан билади?

Гап шундаки, гипофиз қондаги у ёки бу гормоннинг миқдоридан таъсиранади. Масалан, буйрак усти безининг гормонлари қонда кўпайиб кетса, гипофиз буни дарҳол пайқайди ва ўша гормонни камайтиришга оид гормон ишлаб чиқаради, бу гормон ўз навбатида буйрак усти безига таъсир этади.

Натижада буйрак усти безининг кўп ишлаб чиқараётган гормони керакли миқдоргача камайтирилади. Гипофизнинг иши фақат буйруқ бериш-у, унинг ижросини назорат қилишдан иборатмикин? Йўқ, албатта.

Амин бўлганингиздек, кичкина бўлишига қарамасдан танада муҳим ўрин тутувчи гипофизнинг маҳсулларидан бири соматотроп, яъни ўсиш гормони. Бу гормон танадаги аъзоларининг ёшга мутаносиб равища ўсиб боришини таъминлаб бериб турди. Суяклар ўсиш гормонининг нишон аъзоларидан бири ҳисобланади. Чақалоқларда, кичик ёшдаги болаларда ва ўспириналарда суякларнинг айрим жойлари ҳали тоғай ҳолатда бўлади. Ана шу қисм суякнинг ўсиш зонаси ҳисобланади. Найсимон суяклар, масалан, сон ёки елка суягини олсак, уларнинг ўсиш зонаси суякнинг бўғим ҳосил қилувчи қисмига яқин жойда, яъни тепада ва пастда бўлади. Соматотроп гормон айнан шу ерларга таъсир этиб суякларни узайтиришга ва узунлигига мутаносиб равища йўғонлашишга “мажбур” этади. Осмонўпар биноларнинг қурилишини эсласангиз, суякларнинг ўсиши кўз олдингизга келади. Кундан-кунга бетон блокларини бир-бирига уланиб, бинонинг бўй чўзиб бориши суяк ўсишига ўхшайди. Тоғай туқима сонияма-сония ўз ўрнини суяк тўқимасига бўшатиб, ўзи тепага ва пастга йўналаверади. Қурилишлардан фарқли ўлароқ, бу ерда “бетоннинг маркаси бошқа экан”, “чилангарлар ишни

чўзишяпти”, “шағал келмаяпти”, - деган гаплар йўқ, яъни ҳамма нарса ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб бериб турилади.

Агар болаликда ўсиш гормони кам ишлаб чиқарилса, бу ҳолат миттилик билан, кўп ишлаб чиқарилса, гигантлик билан ифодаланади. Инсон ўсиш давридан ўтганидан кейинги хаддан зиёд кўп ишлаб чиқарилган гормон акромегалияга сабаб бўлади. Бунда бўйига ўсишдан тўхтаган суяклар энди энига ўса бошлайди. Кўчак-кўйда калла тузилиши ниҳоятда энли, девқомат инсонларга кўзимиз тушади. Уларда айнан акромегалия аломатлари яққол сезилиб туради. Айтиб ўтиш жоизки, миттиликда ҳам, гигантизмда ҳам, акромегалияда ҳам факат тана нуксонлари кузатилади. Бундай одамларда ақлий заифлик бўлмайди.

Сўнгги йилларда антрополог олимлар ер юзида бир неча ўн метрли одамлар яшаб ўтганми, Миср эхромлари ўшаларнинг ишими? – деган гаплар билан баҳслар юритишади, матбуот лавҳаларида фалон ерда узунлиги фалонметр келадиган инсонга тегишли суяклар топилди, деган гапларни айтишади, келажакда инсоният жуда майдалашиб кетармикин, деган гипотезаларни илгари суришади. Булар шунчаки шов-шувми, уларнинг замирида нималар туради бизга қоронғу, лекин биргина ўсиш гормони таъсир остида инсон ниҳоятда катта ўлчамларга эга бўлиб қолиши, ёки аксинча, миттилашиб кетиши мумкинлиги маълум.

Энди гипофизнинг яна бир гормони – гонадотроп гормон хақида бир оз гаплашайлик.

Чақалоқларни, кичик ёшдаги болаларни факат юз тузилишининг ўзидангина жинсини аниқлаб олиш деярли мумкин эмас ёки ўта мураккаб иш. Бола ўсгани сари қиз болаларда ўзига хос, ўғил болаларда фақат уларгагина хос ўзгаришлар намоён бўла бошлайди. Мана шу ўзгаришларни амалга ошириб берадиган модда гонадотроп гормондир. Гонадотроп гормон қиз болаларда тухум безларга таъсир этиш йўли орқали, ўғил болаларда уруғ безларига таъсир этиш йўли билан уларда жинсий гормонларнинг ишлаб чиқарилишини, булар эса ўз навбатида жинсга тегишли белгиларнинг юзага келишини таъминлайди.

Гонадотроп гормоннинг иккита тури мавжуд: фолликуластимулловчи ва лютеинловчи гормонлар. Таркибий жиҳатидан бир-бирига яқин турса-да, бу гормонлар одам жинсига боғлиқ равишда икки хил таъсир кўрсатади, яъни улар ўғил болаларга бошқача, қиз болаларга бошқача таъсир этади.

Фолликуластимулловчи гормон қизларнинг жинсий безларига таъсир этиб, эстроген моддасининг ишлаб чиқарилишини ва фолликулаларнинг ривожланиши ва ўсишини таъминлайди. Эркакларда эса гормон уруғ хужайраларининг ривожланишини амалга ошириб беради.

Нима учун аёл киши ҳомиладор бўлганида унинг ҳайз кўриши тўхтайди ва ҳомиладан халос бўлганидан кейин бу жараён яна тикланади? Бу ишларга жавобгар гормон лутеин стимулловчи гормондир. Бир томондан, у тухум хужайрасини ҳар ойда бир хил муддат оралиғида ривожлантириб, уруғланишига тайёрлаб турса, иккинчи томондан, тухум хужайра уруғланганидан сўнг қолган тухум хужайраларини маълум бир муддатгача ривожлантирмай тутилиб туришини таъминлаб беради. Эркак кишиларда эса гормон сперматозоидлар ривожланишида иштирок этувчи Лейдик хужайраларнинг ривожланишида иштирок этади ва тестостерон моддаларининг синтезини рафбатлантиради.

Хулоса қилиб айтганимизда, бу гормонлар эркакларда айнан эркаклик хусусиятларининг, яъни соқол-мўйлов ўсиши, овоз йўғонлашиши, шиддаткорлик ва бошқа томонларни, аёлларда эса аксинча ҳолатларни ривожлантириб, сўнг бир маромда ушлаб туради.

Ҳозир дунёning айрим мамлакатларида инсонлар ихтиёрий равишда жинсларини жарроҳлик услуби билан алмаштириб, аёллар эркакка, эркаклар эса аёлларга айланиб олишмоқда. Бу нарсага қонунан рухсат берилиши эса услугнинг кенг қулоч ёзилишига сабаб бўлмоқда. Жараён тиф текказилиш йўли билан амалга оширилса-да, кейинчалик бу одамлар бутун умр гормонлардан фойдаланишга, яъни аёлга айланганлар аёллар гормонини, эркакка айланганлар эса эркаклар гормонини қабул қилиб юришга мажбур бўладилар. Масаланинг руҳий томони, бундай одамларнинг кейинги ҳаёти ва улар дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ҳали аён эмас. Бу ерда биз бошқа бир нарсага ургу бериб ўтмоқчимиз. Тиббиётда жинслар алмашиниши деган касаллик маълум бўлиб, бу жуда даҳшатли ва ачинарли ҳолатdir. Касалликда гипофизнинг нотўғри фаолияти натижасида эркак киши кўз ўнгингизда аёлга айланиб (феминизация, яъни аёлланиш) боради. Бунда унинг соқол-мўйлови тўкилиб кетади, овози майинлашиб, соchlари узайиб боради, кўкрак безлари ривожланади, қош-киприклар ўзига хос кўриниш олади, хипчабеллик юзага кела бошлайди. Аёллар эса

аксинча, эркакка (маскулинизация, яъни эркакланиш) айланади. Уларнинг латофати йўқолиб, овозлари дўриллаб, соchlари тўкилиб, елка кенгайиб, қўкрак безлари текисланиб кетади. Касалликни бироз тўхтатиб туриш мумкин, лекин батамом тузалиб юбориш мумкин эмас, яъни бу тиббиёт олдидағи глобал муаммолардан биридир. Ана шу нарсаларни билганимиз ҳолда, ўз оёғи билан жарроҳлик столига бориб, жинсни алмаштираётганлар бизни таажублантиради.

Гипофизнинг яна бир гормони – лактоген гормони ёки пролактин ҳам ажойиб хусусияти билан ажралиб туради. Бу гормон аёл кишиларда қўкрак безларига таъсир этиб, уларда сут ишлаб чиқаришини таъминлайди. Гормон ишлаб чиқарилиши бирор сабаб билан издан чиқса сут безларининг фаолияти ҳам тўхтайди. Яна бир ажойибот шудаки, айнан ана шу гормон аёлларда оналик меҳрнинг намоён бўлиб туришига сабабчидир, яъни бу гормон уларни насл ҳақида ғам чекишига ундан туради. Бу гормон фақат аёлларда аҳамиятга молик миқдорда ишлаб чиқарилишини назарга олсак, нима учун оналар фарзандларига кўпроқ меҳрибон бўлишларини, шу сабабли кейинчалик уларга яхшиликлар қилишимиз кераклигини теранроқ англаймиз.

Эндилиқда гормонлар ҳақида билимимиз ортиб бормоқда, булар ҳақида қўплаб адабиётлар, илмий тадқиқотларнинг натижалари нашр этилмоқда. Лекин инсоният гормонлар ҳақида қанча кўп билимга эга бўлгани сари жавоблар ўрнига саволларга йўлиқмоқда. Бизга гормонларнинг кўп турлари маълум, уларнинг таркиби, формулалари, нишон аъзолари ва таъсир доирасини биламиз, лекин бу тизимнинг ишига аралашиб, танада бирор муолажа ўтказиш ҳали-ҳануз мушкул иш. Бу тизимга билар-билмай аралашиб, танани бутунлай мажруҳ қилиб қўйиш ҳавфи тиббиётнинг ҳамма соҳасига тегишлидир.

Нўхатдан ҳам кичкина гипофиз танадаги деярли ҳамма моддалар алмашинувини идора этувчи қалқонсимон без гормонлари, сув ва минераллар алмашинуви султони буйрак усти бези гормонлари, ошқозон ости безининг бир тийинлик тангадан ҳам кичкина лангерганс оролчаси гормони инсулин жинсий гормонлар мажмуаси – булар нима? Уларнинг орасида бизга маълум бўлмаган қандай мутаносиблик алоқа воситалари мавжуд? Биз гормонларни ихтиёrimизга бўйсундира олмаймиз, яъни улар биз хоҳласак – хоҳламасак ишлайверади.

Гүштга ишлов берилаётганида истеъмол учун яроқсиз деб олиб ташланадиган безларга кўзингиз тушса, юқорида ўқиганларингиз хақида бир оз фикрлаб кўринг.

Гормонлар хақида сухбатимизга якун ясашдан олдин ўқувчимизга танадаги гормонал безлар хақида бир оз маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Гормон ишлаб чиқарувчи безларнинг марказий қисми калла суягининг ичида, бош мия остида жойлашади. Булар гипоталамус ва гипофиз безлариdir. Бу безлар қондаги ҳамма гормонлар хақидаги маълумотни олишади ва у ёки бу гормоннинг ишига қараб уларни идора этиб туришади.

Безларнинг иккинчи гурухи қалқонсимон без ва қалқонсимон без олди безлариdir. Бу безларнинг гормонлари танадаги деярли ҳамма алмашинувда иштирок этишади, тананинг ўсиб ривожланишини аъзолар фаолиятининг идорасини таъминлашади. Хаддан зиёд озиб кетган ёки жуда ҳам семириб кетган инсонларда айнан ана шу безларнинг касаллиги, улар ишлаб чиқарадиган гормонларнинг ортиқлиги ёки камлиги кузатилади.

Танадаги углевод алмашинуви ошқозоности безининг Лангерганс оролчаси деб ном олган қисмида бета ҳужайралари ишлаб чиқарадиган инсулин гормонига боғлик.

Буйрак усти безлари айнан буйрак устида жойлашади. Бу безларнинг гормонлари минерал, туз ва сув алмашинувида иштирок этади. Шу билан бирга улар танадаги кўп ҳолатларга масъулдирлар.

Жинсий гормонлар уруғдонларда ва тухумдонларда ишлаб чиқарилади ва жинсга оид ҳамма жараёнларни идора этиб туришади.

XX асрда сунъий гормонлар ишлаб чиқариш ва уларни тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш тиббиёт фанининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Ҳозирда кўпгина касалликлар гормонлар ёрдамида самарали даволанмоқда. Лекин гормонларни мутахассис назоратисиз қабул қилиш хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

## МЎЊАЗ КОНДИЦИОНЕР

Нима учун биз эллик даражалик ҳаводан нафас олсак ҳам нафас йўлларимиз куймайди? Ёки эллик даражалик совуқ ҳаводан музлаб, куруқ ҳаводан куйиб, нам ҳаводан бўкиб қолмайди?

Бунга сабаб танамиз, аниқроғи, нафас йўлимизнинг дастлабки қисми ажойиб мослама – бурун билан таъминлаб қўйилган.

Олинадиган ҳаво ўпканинг нозик тўқималари билан мулоқотда бўлиши учун чанг ва бошқа заарли омиллардан тозаланмоғи, даражаси тана ҳароратига мос келтирилмоғи ва керакли миқдорда намланмоғи лозим. Бу жараённинг ҳаммаси бурун бўшлиғида амалга оширилади, яъни бурун бўшлиғи ҳавога ишлов бериш учун қатор хусусиятларга эга.

Биринчидан, бурун бўшлиғи ҳилпилловчи эпителий билан қопланган. Унинг киприкchalари ҳаво таркибидаги чанг ва бошқа заарли нарсаларни (масалан, микробларни) тутиб қолади ҳамда ҳилпилловчи ҳаракат билан уларни ташқарига ҳайдаб туради. Киприкchalарнинг ҳаракати ҳаво таркибининг сифатига қараб бир сонияда ўнтадан йигирматагача бўлиши мумкин.

Иккинчидан, бурун бўшлиғи шиллик қаватида кўплаб безчалар мавжуд. Бу безчалардан ишлаб чиқариладиган суюқлик бир томондан ҳаво таркибидаги заарли моддаларни ўраб олиб, уларни зааррлантиrsa, иккинчи томондан, кираётган ҳавони керакли миқдорда намлаб туради. Эътибор беринг, шиллик безлари доимий равишда суюқлик ишлаб чиқарса ҳам бурун бўшлиғи (соғлом одамларда) ҳеч қачон тўлиб қолмайди, сабаби суюқлик доимий равишда бурун бўшлиғидан чиқарилиб турилади. Ўз вазифасини ўтаб бўлган суюқлик яна ўша киприкchalарни ҳаракати туфайли ҳалқум томонга у ердан эса меъда-ичак трактига йўналтирилади. Бурун бўшлиғидаги суюқлик ҳаракатининг тезлиги бир дақиқада 7-8 мм ни ташкил қиласи.

Учинчидан, шиллик қават қон томирларга жуда ҳам бой. Томирлар бурун бўшлиғининг пастки ва ўрта чиғаноқларда ғалвирга ўхшаб суюқ тўр ҳосил қиласи. Томирлардан иборат бу тўр атмосфера ҳавосининг ҳароратига қараб кенгайиши, ёки аксинча, торайиши мумкин. Совуқ ҳавода томирлар бўртиб, ғалвир юзасини кенгайтиради, натижада унинг орасидан ўтаётган ҳаво тана ҳарорати даражасигача илийди.

Яна бир эътиборли томони, бурун бўшлиғи деворларининг юзаси шундай тузилишга эгаки, ундан ҳаво тўғридан-тўғри эмас, балки айланма (турбулент) ҳаракат билан ўтади. Шу тариқа ҳаво оқимининг ҳаммасига ишлов бериш имконияти юзага келади.

Кондиционерлар ёпиқ хоналарда микроқлим яратиб бериш учун ишлайди. Дастлабки кондиционерлар ҳавони фақат совутиб

берар эди, замонавий кондиционерлар эса ҳавони факат совутиб бериш, балки уни керакли пайтда илитиш, намлаш ва заарсизлантириб бериш хусусиятига эга. Бу кондиционерлар ҳозир дунёнинг турли бурчакларида, турмушимизнинг турли тармоқларида ишлатилади. Унинг ихтирочиларини қанча-қанча одамлар олқишлишади. Бу, албатта яхши. Лекин бир ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрайлик, бизнинг бурнимиз-чи?

У ҳавони тозалайди, намлайди, унинг ҳароратини айнан танамиз учун зарур даражага мослаб беради, энг илғор технологияларга эга бўлишига қарамасдан маълум муддатдан сўнг філтрларни тозалаш, совутиш тизимидағи модда (фрион) ни алмаштириш каби талабларни қўймайди. Булардан ташқари, буруннинг яна бир ажойиб хусусияти бор. У ҳавони таркибий жиҳатдан ҳам таҳлилдан ўtkаза олади. Бурун бўшлиғининг юқори қисмида жойлашган нерв толалари бевосита мияга йўналади ва кўз билан илғаб бўлмайдиган, моддий жиҳатдан бор ёки йўқлиги ҳали исботланмаган нарса ҳид ҳақида хабар бериб, биз инсонларга хушбўй нарсаларга талпиниш, уларнинг ифоридан завқ олиш, бадбўй нарсалардан эса огоҳ бўлиш ва улардан қочиш имкониятини яратади.

Энди бурун анатомиясига қайтайликда, унинг шиллиқ қаватидаги яна бир мослама – бодомча безлари ҳақида бир оз сұхбатлашайлик.

Маълумки, инсон ўзини ўраб турган ташқи мұхит билан бурун ва оғиз бўшлиғи воситасида алоқада бўлади, яъни бурун орқали тана ичига ҳаво оқими, оғиз орқали эса озуқа моддалари киради. Буларнинг тоза бўлишида бодомча безларининг аҳамияти нихоятда катта.

Бурун бўшлиғида бодомча безлари учта. Улардан иккитаси бўшлиқнинг икки ён тарафида, биттаси эса тепада ва орқароқда жойлашган. Оғиз бўшлиғида ҳам уларнинг сони учта бўлиб, улардан иккитаси ён тарафда, биттаси тил орқасида – пастда туради (халқ тилида ангина деб аталади). Бу безлар биргаликда ҳалқа ҳосил қилишади (Пирогов-Волдейер ҳалқаси). Ҳалқанинг вазифаси ҳаво оқими ва озуқа маҳсулотларини назорат қилиш ва уларни турли микроблардан тозалашдан, ушлаб қолинган микроорганизмларни эса заарсизлантириб, ташқарига чиқариб ташлашдан иборат.

Атавизм оқимининг тарафдорлари бир пайтлар инсон танасида ортиқча бўлган аъзоларни санаб ўтишган ва уларни рудимент, яъни инсон танасига энди керак бўлмайдиган аъзолар деб аташган эди. Ана шундай аъзолар жумласига бодомча безларини ҳам киритишган, буларни олдириб ташлашни энг тўғри услугуб деб тарғиб қилишган. Фаннинг ривожланиши эса бу гапларнинг беҳуда эканлигини, инсон танасида кераксиз бўлган бирорта ҳам аъзо йўқлигини исботлаб берди. Бодомча безлар эса инсон иммун тизимининг энг зарурый аъзоси эканлиги эътироф қилинади.

## ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

Инсон дунёдаги ҳамма ажойиботлар ичидағи энг ғаройиб мўъжизадир. Агар унинг она қорнида вужудга келиб, туғулиб, ўсиб улгайишини бошидан охиригача кузатадиган бўлсак, жуда кўплаб қизиқ ҳолатларга дуч келамизки, буларни баъзан инсон тасаввурига сифдириш қийин бўлади.

Айтиб ўтганимиздек электрон микроскоп остида аранг кўринадиган ҳужайра – сперматозоид аёл кишининг тухум ҳужайраси билан бирикканидан кейин бачадонда ўз ўрнини эгаллайди. Дастрлабки кунларда жадал бўлиниб, катталашиб боради ва маълум бир вақтдан сўнг оддийчувалчанг кўринишини олади. Чувалчанг кўринишидаги бу мавжудот аста балиқ суратига, ундан кейин эса судралиб юрувчилар синфиға мансуб жонзот суратига киради. Мана шундай қилиб, у 9 ой мобайнида ҳамма синф мавжудотлари шаклига кириб, охирида инсон кўринишини олади.

Буни қарангки, одамнинг нафақат ташқи кўриниши, балки аъзолари ва аъзолар тизими ҳам шундай ўзгаришларга учрайди. Масалан, буйракни олайлик. Дастрлабки буйрак тананинг бошга яқин қисмида бўлади. Сўнг у тананинг кўкрак қисмига ўтади ва фақат туғилишига яқин қорин бўшлиғини, яъни инсонга хос ўрнини эгаллайди. Ёки мия. У дастрлаб фақат тизимча кўринища бўлади, ҳолос, кейинчалик у секин-аста ривожланиб одам мияси кўринишига келади. Ана энди тасаввур этиб кўринг. Агар ривожланиш маълум бир босқичда тўхтаб қолса, инсон қандай кўринища бўлар эди-ю, унинг аъзолари қандай ҳолатга келар эди.

Инсон танаси фақат ҳужайралардан ташкил топганлиги ҳаммага маълум. Ҳужайралар бирлашиб-тўқималарни, тўқималар -

бирлашиб аъзоларни, аъзолар бирлашиб – аъзолар тизимини. Аъзолар тизими эса биргаликда бутун танани ташкил этади. Биз бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаймиз, лекин танамизни жуда майда тирик мавжудотларнинг биргаликда хосил қилган колонияси деб аташ мумкин ва бунда муболаға бўлмайди. Ҳамма тирик мавжудотлар сингари бу майда ҳужайралар ҳам ҳаёт билан видолашади ва уларнинг ўрнини бошқалари эгаллаб туради. Лекин биз ўлик ҳужайраларни-ю, уларнинг ўрнини эгаллаётган ёш ҳужайраларни сира кўрмаймиз. Ҳеч бир ҳужайра, яъни инсон танасидаги ҳужайра ўзи алоҳида яшай олмайди. Ҳамма ҳужайралар доимо бир-бири билан мулоқотда бўлишади. Лекин уларнинг қандай услубда ахборот алмаштириб туриши бизга маълум эмас.

Ҳа, айтиб ўтганимиздек, инсон ҳамма ажойиботлар ичida энг ғаройиб мавжудотдир. У ўзининг ташқи тузилиши, аъзолар ва аъзолар тизимининг, мия фаолиятининг мукаммаллиги билан қолган барча жонзотлардан устундир. Бу устунлик фақат жисмоний тузулишдагина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам намоён бўлади.

Замонавий кондиционерлар одам бурнининг ажойиб хусусиятларидан баъзиларини ўзида мужассамлаштирган агрегат, таъбир жоиз бўлса, бир нусхадир. Демак, бурун танамиз соғлом ва қулай яшаши учун яратиб қўйилган мўъжаз кондиционердир.

Кондиционердан фойдаланган чоғларимизда унинг ихтироилинига тасанно айтишдан олдин энг дастлабки ва бекаму кўст ясалган кондиционер яратувчисининг номини тилга олишни унутмаслигимиз керак.

## ТАБИЙ КУЧЛАР

Ҳаётий зарур озиқ ўрнини тўлдириш мақсадида инсон танасидаги ҳайвоний ва нафсоний рух орқали ҳар қайси аъзолардан, чунончи, мия, юрак, жигардан ишланиб чиққан тириклик ва жисмоний кучга асос соловчи қувват – табиий кучлар, яъни қуввати табиийдир. Табиий кучлар хизмат қилувчи ва қилдирувчи қувватлар бўлиб, моҳиятига кўра ҳаёт туралмасининг шаклланишидан бошлаб, маълум бир ҳаёт даврини бошдан кечириб, ҳаётнинг охиригача бўлган оралиқдаги мураккаб умумий жараёнда, одамларнинг табиий мижозлари ва унинг сифатли фарқини шакллантириш учун зарур бўлган сафро, қон, балғам, савдо хилтларига мансуб борлиқ қувватларни, жумладан озиқларни

одам танасининг ҳамма жойига қадар етказиб, сарф қилинган озиқлар ўрнини тўлдириб туради. Табиий кучлар етишмаса, сезги ҳаракат кучлари (қуввайи нафсония) нинг иши бузилади. Шунга яраша бошқа раис ёки ҳодимий аъзолар ишида ҳам умумий ўзгаришлар рўй беради. Ва хиллар муносиблиги бузилиб, бутун баданда озиқа етишмаслиги, юрак ва асаб ожизлигига алоқадор умумий бадан ожизлиги келиб чиқади. Одамдаги табиий қувват кучларнинг ўзини ҳам озиқлантирганидан тириклик, яъни бир бутун гавда мавжуд. Табиий кучнинг маркази кучда бўлади. Табиий қувват аввалги (бирламчи), кейинги (иккиламчи), куч деб сўнгра жинсга бўлинади: бирламчи табиий куч – эркаклардаги мояқ, аёллардаги тухумдоннинг табиий кучига қаратилган, булар одам баданидаги ҳеч қандай раис ва ҳодимий аъзоларига аралашмай, ўзидан уруғ ва тухум ажратиб, уларни бирлаштириб, насл қолдириб, инсоннинг асли табиий мижозини сақланиб қолишида мухим аҳамият касб этади. Иккиламчи табиий куч – бола туғилмасдан олдин туралмача қуввайи табиий билан озиқа моддалар, бола ҳамрои ва киндик боғи воситасида таъсир ўтказа бошлаган руҳий қувват маркази – юрак орқали етказилади. Чақалоқ қуввайи табиий билан озиқланиб, ўсиб, ривожланади. Бу куч ирсий, деб аталади. Жигарни марказ қилган табиий кучлар инсон гавдасини озиқлантириш, ўстириш, камолотга етказиш масъулиятини олиб, тўрт хилга бўлинади:

**Озиқлантирувчи кучлар (қуввайи ғозия).**

**Ўстирувчи куч (қуввайи номия).**

**Пайдо қилувчи куч (қуввайи муvalлида).**

**Шакллантирувчи куч (қуввайи мусаввира).**

**Озиқлантирувчи кучлар.** Ҳар қайси озиқага тегишли озиқаларни тананинг энг ингичка қисмларига етказиб, уни тананинг таркибий қисмларига айлантиришда ташқи тананинг ҳаётий фаолияти сарфлайдиган борлик озуқа моддалар ўрнини тўлдиради. Ҳаёт учун кераксиз чиқитларни ҳам қайси аъзодаги ҳайдаб чиқарувчи кучлар сиртга чиқаради. Озиқлантирувчи кучлар хизмат қилдирувчи қувват бўлиб тегишли вазифани адo қилишда қуйидаги тўрт хил кучга таянади:

**Тортувчи кучлар (қуввайи жозиба)** озиқ моддаларнинг тегишли жойларга етиб бориши учун маълум ўринларни сўриб, тортиб қабул қилишига муҳтож бўлади. Шундай куч бўлмаса озиқ

моддалар тегишли ўринларга етиб бора олмайди. Шунинг учун у тортувчи куч, деб аталади.

**Тутиб турувчи куч (қуввайи мосиқа)** тана тутган озиқ моддалар тортувчи кучнинг сўриб олиш қуввати орқали тананинг тегишли жойларига етиб боргандан кейин бирикиш ёки ёзлашишини таъминловчи куч тутиб турувчи куч, деб аталади. Бу куч орқали оқиб келган озиқ моддалар тананинг таркибиға ўтиб, оралиқда бошқа жойларга тарқаб кетиб ўзлаштирилмай қолишидан сақлайди.

**Ҳазм қилувчи куч (қуввайи ҳазима)** озиқ моддалари ҳазм қилиш йўлларига киргандан кейин буғланиш, эзилиш, суюлиш каби бир қатор ўзгаришларга учрайди ҳамда аралашиб бир-бирига ўз таъсирини утказади. Бу ҳазм қилиш кучининг таъсирида амалга ошади. Бу таъсир ва қувватларни адo илувчи қувват ҳазм қилувчи куч, деб аталади.

**Ҳайдабчиқарувчи куч (қуввайи дофия)** озиқ моддалар танадаги энг кичик бирликлар таркибиға ўтгандан кейин, кераксиз ташландиқлар турли йўллар орқали танадан чиқариб юборилади. Агар улар чиқарилмай, тўхтаб қолса, бузилиб, уфунат пайдо қилиб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Кераксиз ташландиқларни танадан чиқариб ташлайдиган қувват ҳайдаб чиқарувчи қувват, деб аталади. Озиқлантурувчи кучлар учун хизмат қиладиган қувватларнинг ҳаммаси бирлашиб, ўстирувчи куч (қуввайи номия) учун хизмат қилади. Шу сабабли, озиқлантирувчи куч одамнинг ҳаётини сақлашда асосий аҳамиятга эга.

Озиқлантирувчи кучнинг уч хил маъсулияти бор:

Таркибида сафро, қон, балғам хилтларининг қон суюқлигини сон ва сиффатга лойиқ қилиб етиштириб тайёрлайди.

Сон ва сиффат жиҳатидан тананинг таркибий қисмларига айланиш салоҳиятга эга бўлган қон суюқлигини ҳар хил аъзо, тўқима энг кичик бирликларга муносиб миқдорда сингдериб, ҳосил бўлган кераксиз нарсаларни тегишли йўллар билан ташқарига чиқаради.

Таркибида сафро, қон, балғам тутган жавҳарий моддаларни ҳар хил аъзоларнинг шакли мижози рангига ўхшаб ўзлаштиради. Бу хизматда ўзгариш бўлса, аъзоларнинг табииё сифатида ўзгаришлар келиб чиқади. Масалан, оқ қон касалга ўхшаш.

**Ўстирувчи куч (қуввайи номия).** Одам дунёга келгандан кейин аъзоларнинг узун-қисқалиги, кенг-торлиги муносиб ҳолда

ривожланиши учун алоҳида хизмат қиладиган қувват ўстирувчи куч, деб аталади. Бу қувватнинг хизмати озиқлантирувчи куч ёрдамида амалга оширилади. Унга ҳеч қандай куч муқобил туралмайди. Чунки табииё ўсиб ривожланиб турадиган аъзоларни сунъий усулда тўсиб бўлмайди. Масалан, ер остидан ўсиб чиқадиган қамиш ўзидан неча ҳисса қаттиқ ва кучли бўлган тошларни тешиб чиқади. Бу мисол мазкур қувватнинг нақадар кучли эканлиги далилидир.

**Пайдо қилувчи куч (қуввайи муваллида).** Мояк ва тухум ишлаб чиқарадиган ҳамда бирлашгандан кейин, уларда муносиб мижоз ўз лойиғида шакл пайдо қилувчи куч, деб аталади. Унинг хизмати икки хил бўлади:

Биринчиси – одам ва ҳайвонларнинг насл қолдириб тўғри ва сифатига хос навни сақлаш учун уруғ ва тухум ишлаб чиқаради.

Иккинчиси – эрлик уруғи билан айллик тухуми бачадонда учрашгандан кейин қувватларнинг бир-бирига аралашиб, таъсирланиши туралманинг табиий мижози ва ҳар қайси аъзонинг ўз лойиғига шаклланиши, бириктирилиши учун хизмат қилади. Шу сабабли, бу қувват дастлабки ўзгарувчи қувват, деб аталади.

**Шакллантирувчи куч (қуввайи мусаввира).** Аносир арбабларининг намоёндалари ўзаро таъсир қилгандан кейин пайдо бўлган туралманинг хусусий мижозларидан сирт, унинг ўз асли ва сифатига вакил шакллни берувчи ва уни ривожлантириб, камолга етказувчи куч - қуввайи мусаввира ёки шакллантирувчи куч, деб аталади. Бу куч одам ва жонзотларнинг асли аждоди шаклшамойилига ўхшайдиган суратда ривожланишига асос солади. Шунингдек, бу куч дастлабки ўзгарувчи қувватдан кейинги қувват (қуввайи мугайириа сония), деб ҳам аталади. Шу сабаб, дунёдаги одамларнинг бир-бирига ўхшамаслиги, ҳатто бир ота-онадан туғилган болаларнинг ҳам бошқа-бошқа қиёфада бўлиши шакллантирувчи кучнинг таъсири оқибатидир.

## ХІІ. БОБ. ТАБИАТ ТАЪЛИМОТИ

Одамнинг танасида бутун ҳаётий кучлар ва фаолиятларни меъёрга солиб бошқарадиган, уларадаги ўзгаришларни тузатиб, ҳар хил касалликларга қаршилик қиласидиган мудофаага эга бир қувват бор. Бу қувват “табиат” деб аталади. Табиат – одам танасидаги табиий кучларнинг йифиндиси. У турли касалликларга қарши бир ҳил куч ишлаб чиқарадиган одам танасининг сирли нуқталарини билдиради ва уларни ишга солади. Шу сабабли, баъзи кишилар касал бўлиб қолсалар, ҳеч қандай дори –дармонсиз, ўз-ўзларидан тузалиб кетадилар.

Одам организми бир зум ҳам тинмай ишлайдиган ва ҳар хил табиий, ғайритабиий ўзгаришларга учраб туради, у одамнинг ақлий, жисмоний фаолияти учун зарур бўладиган куч – қувватларни ишлаб чиқарадиган “корхона” дан иборат. Бу корхонанинг бир-бирига ўхшамайдиган беҳисоб ўринларидан носоз фаолиятлар пайдо бўлиб, шунга яраша маҳсулотлар чиқариб туради.

Бу фаолиятнинг уйғун бўлиши учун одамга мос, ҳар бир аъзонинг хизматини кучайтирадиган ёки мўътадиллаштирадиган маҳсус озиқ керак. Мана шундай озиқлар билан муносиб ғайримуътадил ҳолат (касаллик)ни даволаш мумкин. Бу ишларнинг амалга ошиши учун танага табиатнинг ёрдами зарур.

Одам танасида касаллик бошланган заҳоти, мазкур табиат танадаги бутун кучларни тўплаб, унга қарши курашга келишади. Табиатнинг кучи етса касалликни енгади. Кучи етмаса келадиган ёрдамга муҳтож бўлади. Бу ёрдам ҳар хил озиқ ва доридармонлардан иборат бўлади. Моҳир табиблар танадаги бу ҳолатни кузатиб, мувофиқ чора-тадбирлар ёрдамида табиатга ёрдам қилиш орқали bemорни даволашади. Табиат одам танасидаги ҳар хил ўзгаришларни ниҳоятда сезиб туради. Оддий мисол, одам шўрроқ нарса еб қойганда, шу тузни эритиб танадан чиқариб юбориш учун табиат одамнинг чанқатади. Бундай ташналиknинг пайдо бўлиши одам табиатининг кароматидир. Ўзбек табобат илми табиат дунёсида мавжуд ҳар қандай шайий (модда) ларни уч хил мазмундан холи эмас, деб қарайди.

Модданинг моддавийлик мазмуни, яъни кўзга кўринган ёки ҳис қилган зоҳирий шакли.

Шу моддага табиий – маънавий кайфият, яъни унинг тирик организмга киргандан кейин кўрсатадиган иссиқлик ёки совуклик, хўллик ёки қуруқлик таъсири. Бу ашёларнинг кайфияти ёки табиати, деб аталади.

Шу модданинг маҳсус роли “хусусият”, деб аталади.

## ГИЁХЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, жуда кўп ўсимлик турлари шифобахшилик хусусиятига эга. Хўш, уларнинг таъсир кучлари нимага боғлиқ? Ўсимликлар шундай бир мураккаб тузилишга эга бўлган табиий лабораторияки, соддадан ғоят мураккаб органик моддаларни, яъни биологик фаол моддаларни синтез қиласди. Инсоният Аллоҳнинг бу құдрати олдида ҳозирча лол қолиб келмоқда.

Ўсимликлардаги биологик фаол моддаларнинг сони, миқдори ҳамда сифати уларнинг шифобахшилик хусусиятларини белгилашда энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўсимлик хом ашёларидан дори-дармон тайёрлашда фармакологик аҳамиятга эга бўлган оқсиллар, ёғлар, углеводлар, алколоидлар, эфир мойлари, сакокинлар, flavonoидлар ва бошқа биологик фаол моддалар муҳим аҳамият касб этади.

Алколоидлар ўсимликларда тўпланадиган азот сақловчи ва ишқорий хусусиятга эга бўлган жуда мураккаб органик бирикмалардан ташкил топган моддалардир. Бу моддалар ўзига хос физиологик таъсирчанлик хусусиятига эга. Алколоидлар морфин, папаверин, хинин, кофеин, кодеин каби турли хил дори-дармонларнинг ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Флавоноидлар органик моддаларнинг гетероциклик бирикмаларидан ташкил топган бўлиб, ўсимликларда, асосан, пигмент ҳолида учрайди. Баъзан гликозидлар глюкоза, рамноза, галактоза ва бошқа қанд моддалар кўринишида бўлади. Улар спазмологик ва балғам кўчирув таъсирга эга, яллиғланиш ҳамда ўн икки бармоқ ичак жароҳатларини даволашда жуда фойдали. Айрим флавоноидлар – рутин ва кверцетинлар капилляр томирларни мустаҳкамлаш ҳамда қон томирлар деворларини зичлаштириш қобилиятига эга.

Гликозидлар ўсимликларда энг кўп тўпланадиган, жуда мураккаб тузилишга эга бўлган моддалардан ташкил топган. Улар

намлик ва ферментлар таъсирида қандли гликозид ва қандсиз гликозидга парчаланади.

Гликозидлар одам организмига таъсир этишига қараб, юрак қон-томир тизимиға таъсир этувчи, терлатувчи, аччиқ, сакокинли гликозидлар ва антрагликозидларга бўлинади. Юрак қон-томир тизимиға таъсир этувчи гликозидлар бошқа моддалардан фарқли ўлароқ тўғридан-тўғри юракка таъсир қиласди. Аччиқ гликозидлар эса меъда-ичак йулларининг ишини яхшилади. Улардан тайёрланган дори-дармонлар билан атеросклероз хасталиги даволанади.

Кўхна Юнонистонда Гиппократ фаолиятидан илмий тиббиёт тараққиётининг уйғониши бошланган, дейиш мумкин. Гиппократ врачлик фаолиятида неча минглаб ўсимликлардан кенг фойдаланган. Гиёҳларнинг қўплари мисрликлар тажрибасидан ўтган бўлиб, уларнинг 200дан ортиғига таъриф берган.

Қомус сифатидаги дастлабки тиббий қўлёзмалар милоднинг бошларида яшаб ўтган кўхна Рим врачи Авл Корнелий Цельснинг “Тиббиёт ҳақида” деб номланувчи асарига мансуб. 8 жилдан иборат бу китобда Сушрутдан тортиб Асклепиаднинг тиббиёт ҳақидаги нуқтаи назарлари ҳақида тўлиқ маълумотлар беришга ҳаракат қилган. Айниқса, Цельс ўз асарларида шифобахш гиёҳларга кенг жой ажратиб, ўсимликларни қайси касалликларда қандай қўлланиши ҳақида ўзига хос маълумотлар берган. Цельс кўпгина касалликлар ички аъзоларнинг бузулишидан келиб чиқади, деб ҳисоблайди.

Милоднинг дастлабки асрий бошларида Рим ҳарбий шиокори Диоскритнинг 500га яқин ўсимликларнинг шифобахшлиги ҳақида ёзилган китоби ўша давр фармокологлари учун қўлланма бўлган.

Клавдий Галеннинг 200дан ортиқ тиббий рисолалари фанга маълум бўлиб, шифобахш ўсимликлар ҳақидаги икки рисоласи, айниқса, ўша замонда катта аҳамият касб этган эди. Бир неча бор лотин, араб, суря, форс ва кўхна Европа тилларига таржима қилинган. Гален 304та доривор ўсимлик, 80та ҳайвон органларидан тайёрланган (таркибида таъсир этувчи моддалар бўлган) дори турлари билан беморларни даволашни биринчи бўлиб таклиф этди. Бу дорилар ҳозирги кунда ҳам Гален препаратлари” номи билан юритилади. Галеннинг тиббиёт фармация соҳасида ёзган асарлари XIX асргача катта аҳамиятга эга бўлиб келди.

IV асрда лотин доришунослари шоҳсупасига чиққан Апулей биринчилардан бўлиб гиёҳлар ҳақида китоб чоп қилдиргани боис шуҳрат топган.

1X- X асрларига келиб Диоскрид, Гален ва Апулей каби табибларнинг шифобахш гиёҳлар билан ишлаш ҳақидаги итальян, француз, инглиз, немис тилларида дастлабки таржималари пайдо бўлади. Лекин Европада шифобахш ўсимликлар ҳақидаги китоблар кейинроқ XV-XVI асрларда яратилди.

VII асрда табобат Осиёнинг жануби – шарқида, Ҳиндистон ва Хитойда жуда ривожланади. Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммадбин Закария ар-Розий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ва бошқаларни бутун дунё танийди. Буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг “Ас-сайдона” (“Тиб қонунлари”) мураккаб дорилар ўсимлик ва ҳайвонлардан олиниб, тиббиётда қўлланилаётган минерал моддалардан 811таси тавсифланган.

Дори турларининг тана аўёларига таъсир қилишида уларнинг ташқи кўриниши, ҳиди, мазаси, ранги, қовушқоқлигининг аҳамияти ҳамда мижоз, яъни тананинг иссиқликка ёки совуқликка мойиллигининг ўзаро боғлиқлигини Ибн Сино чуқур ўрганган. У аслида биофармация фанининг асосчиси ҳисобланади.

Ибн Сино таъсир этувчи моддадан ташқари ёрдамчи моддалар ишлатилишини таъкидлаган. Ёрдамчи моддалар сифатида асосан табиий, баъзан сунъий моддалардан фойдаланиб, қўйидаги гурухларга бўлган: тўлдирувчилар (крахмал, бўғдой уни, қанд ва ҳакозо) ҳамда боғловчилар, юмшатувчилар, қовушқоқлик ва таъм берувчилар, таъсирни узайтирувчи ва кучайтирувчилар, қобиқлашга ишлатиладиган моддалар. Ибн Сино келтирган бу ёрдамчи моддалар таснифи ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Закария ар-Розий (Разес) кимёвий моддаларни тиббиётга татбиқ этган аллома. Олимнинг “Дорилар ҳақида”, “Дориларни тайёрлаш ҳақида” ва бошқа бир қанча асалларида дори тайёрлаш усуллари келтирилган. Ар-Розий ўсимликларни тиббиётга татбиқ этишда кимёвий билимларга таяниб, алкогол сульфат кислота каби яна бошқа ихтиrolари билан кимёгар сифатида дунёга танилди.

XII-XVI асрларда Шарқ тиббиёти аста-секин Европага ўтиб у ерда дорихоналар ташкил қилинди. Шарқона дорилар тайёрланади.

Шифобахш ўсимликларнинг 2500 турида эфир мойлари борлиги аниқланган. Ўзбекистонда эса 600 тур ўсимликда эфир мойлари бор. Илмий табобатда қора зира, арпабодиён, михчагул, ялпиз, райхон, цитрус, эвқалипт, лаврдан олинадиган доридармонлар билан турли хасталикларни даволайдилар. Айниқса, улар оғриқни қолдириш, асаб тизимини тинчлантириш, меъда-ичак фаолиятини яхшилашда кенг ишлатилади.

Баъзи эфир мойлари асосида тайёрланган доридармонлар балғам кўчирувчи антисептик бактериоцид хусусиятларига эга бўлса, айримлари – масалан, ялпиз инсон организмини совитади, тинчлантиради. Камфора мойи нафас олиш ҳамда юрак фаолиятига яхши таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги худудида учрайдиган 20 000 тур ўсимликларнинг 2500 хили доридармонлик хусусиятига эга эканлиги аниқланган бўлиб улардан 250га яқини табобатда кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда шифобахш гиёҳларнинг 600 тури аниқланган бўлиб, улардан 50 тури илмий табобатда ишлатилмоқда.

Кейинги йилларда сунъий, яъни синтетик йўллар билан тайёрланган дориларга талаб камаймоқда, доривор ўсимликларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Сунъий дорилар аллергия бериши билан бир қаторда баъзи бир хасталикларни ҳам келтириб чиқариши кузатилмоқда. Шифобахш ўсимликлардан тайёрланган доридармон сунъий дориларга нисбатан бир қанча устунликларга эга. Чунончи, улар таркибининг мураккаблиги, яъни ингридиентларнинг турли-туманлиги маҳсулотнинг шифобахшлик хусусиятини яхшилабгина қолмасдан, балки таъсир кўрсатиш қувватини ҳамда сифатини оширади, инсон организмига салбий таъсир этмайди.

Шу сабабли доридармонларнинг 47 фоизи, айниқса, юрак – томир тизими хасталикларини даволашда ишлатиладиган дориларнинг 80 фоизи шифобахш ўсимликлардан тайёрланмоқда.

Ўсимлик ҳом ашёларини йиғиширишда турларнинг биологик хусусиятини хисобга олмаслик, оқилона фойдаланмаслик шифобахш ўсимликлар бойликларига катта зиён келтиради.

Биз, шифобахш ўсимликлардан унумли ва оқилона фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, уларнинг қисқа ботаник таърифи, тарқалиши, ишлатиладиган аъзолари, фойдаланиш муддатлари кимёвий таркибий ҳамда муҳофаза қилиш тўғрисида

маълумотлар бериш ниятидамиз. Шунингдек, халқ табобати ва илмий табобатда қўлланилиши турли хасталикларни даволашда ишлатиладиган шифобахш гиёҳлардан оддий ва мураккаб йифмалар тайёрлаш, уларни истеъмол этиш усуллари билан таниширамиз.

Ҳозирги пайтда табобатда қўлланиладиган дориларнинг 48 фоиздан ортиқроғи ўсимликлар асосида тайёрланади.

Доривор ўсимликлар таркибидаги биологик актив моддалар ҳар тарафлама ўрганилиб, таъсир қувватига эга бўлганлари алоҳида ажратиб олинади, ҳамда улар асосида дори-дармонлар ишлаб чиқарилади.

Гален дори-дармонларининг кимёвий таркиби жуда ҳам мураккаб бўлиб, ўсимлик ва ҳайвон хом ашё маҳсулотлари асосида тайёрланади. Ундаги барча биологик фаол моддалар табиийлигини сақлаб қолади. Шу сабабли Гален дори-дармонлар кўп қиррали таъсир қувватига эга бўлиб, ихтисослаштирилган маҳсус корхоналарда ҳамда жиҳозланган дорихоналарнинг бўлимларида мутахассис доришунослар томонидан тайёрланади.

## ГИЁХЛАРНИНГ ХОСИЯТИ

Шарқ табобатига кўра, дорилар табиати қўйидагича бўлади: 1. Совуқ. 2. Иссиқ. 3. Совуққа мойил. 4. Иссиққа мойил. 5. Мўътадил.

Совуққа мойил ва совуқ табиатли дорилар билан иссиқ табиатли касалликлар даволанади, аксинча, иссиққа мойил ва иссиқ табиатли дорилар билан совуқ табиатли касалликлар барҳам топади. Мўътадил табиатли дорилар билан ҳам иссиқ, ҳам совуқ табиатли хасталикларни даволаш мумкин. Умуман олганда, совуққа мойил ва совуқ табиатли доривор ўсимликлар иссиқни қайтариш, қонни совитиш, заҳарни кесиш, ўт иссиғини тушириш каби хусусиятларга эга бўлгани учун, иссиқ табиатли касалликларни даволашда қўлланилади. Иссиққа мойил ва иссиқ табиатли доривор ўсимликлар совуқни қайтариш, меъда ва талоқни иссиққа мойиллаштиришга ёрдам бергани учун совуқ табиатли касалликларни даволашда қўлланилади.

Шифобахш ўсимликлар таъмига қараб 5 хил бўлади: ширин, аччиқ, чучк, тахир ва шўр.

**Ширин таъмли дориворлар** – танага қувват бериш хусусиятига эга, қораталоқни тозалайди ҳамда меъда ишини мўътадиллаштиради. Масалан: чучукмия ва чилонжийда

қораталоқни тозаловчи сифатида, меъда сусайганда ва камқонликда кўлланилади.

**Аччиқ таъмли доривор ўсимликлар** - терлатиш, оғриқни қолдириш, терининг нафас олишини яхшилаш хусусиятига эга. Масалан, бодиён ва ёввойи саримсоқ.

**Чучук таъмли ўсимликлар** – ошлаш, қон тўхтатиш, ошган ҳаракатни тўхтатиш ва секинлатиш хусусиятига эга. Масалан, анор ичак деворларининг ҳаракатини сусайтириб, ич кетишини тўхтатади, хилт ҳосил қилиб, йўтални камайтиради. Оқ чўғлик саллагул эса бўшашган ичак деворларини таранглаштиради.

**Тахир таъмли ўсимликлар** – иссиқ ва заҳарни қайтариб, ўт ҳароратини тушириб, намликни қуритади. Масалан, қалқонгул ўпкадаги ўт иссиғини йўқотади.

**Шўр таъмли ўсимликлар** майнлаштириш, тугунларни ечиш, ичакни намлаб, пешобни равонлаштириш хусусиятига эга. Қамиш бадандаги намликни секин йўқотиб, сийдикни равонлаштиради ва шишларни қайтаради.

Шарқ табобатида касалликларни қуидаги 8 та ҳолатга, яъни ташқи бадан, ички бадан, совуқ, иссиқ, ожизлик, тошқинлик, манфийлик ва мусибатлигига қараб муолажа қилинади. Ташқи бадан ва ички бадан бу хасталикларнинг оғир ёки енгиллиги, чукур ёки юзалигига боғлиқ. **Ташқи аломатларга**: бадан совиши, қизиш, бош оғриғи, бутун баданнинг оғриши, бурун оқиши ва шу кабилар киради. **Ички бадан хасталигининг аломатлари эса**: қизиш, оғиз қуриши, чанқаш, қабзият ва сийдикнинг қизариши кабилар. Бундан ташқари, ташқи ва ички бадан хасталиклари аломатларининг кўшилиб келиши ҳам кузатилади: иссиқ, совуқ, оғизнинг тахир бўлиши, томоқ қуриши, кўқрак қафасининг сиқилиши, беҳоллик, асаб бузилиши, кўнгил айниши ва бошқалар, қизиш ёки совиб кетиш касалликнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган белгисидир. **Музлаш аломатлари**: қўл ва оёқнинг совиши, баданнинг жунжикиб, иссиқни хоҳлаши, ич кетиши, кўп сийиш, сийдик рангининг ўзгариши (оч рангли, тиник), тилнинг ранги синиқиб, оқ караш қоплаши, томирларнинг суст уриши кабилар. **Иссиқлик аломатлари**: бадан қизиши, қўл ва оёқларнинг бўшашиши, терлаши, оғиз қуриши, чанқаш, тилнинг қизариб сариқ караш боғлаши, томирнинг тез-тез уришидан иборат.

**Ожизлик аломатлари:** касалликнинг узокқа чўзилиши, ҳолсизланиш, товушнинг пасайиши, чарчаш, қўп терлаш, нафас сиқиши, томирларнинг ипсимон ва суст уриши кабилар.

**Жўшқинлик аломатлари:** касалликнинг янгидан бошланиши, ҳали ожизлик йўқлиги, товушнинг ўзгармаслиги, нафасолишнинг тезлашиши, тилнинг қизариб кетиши, томирларнинг тез-тез ва кучли уриши.

Манфийлик ва мусбатлик хасталикларнинг 8та асосий аломатларининг умумий номлариdir. Манфийликка ожизлик, совуқлик ва ички бадан хасталиги аломатлари киради. Мусбатлик эса жўшқинлик, ҳароратнинг кўтарилиши, ташқи бадан хасталиги аломатларидан иборат.

Касалликларнинг сабаблари кечиши ва мизожларнинг бирбирига ўхшамаслиги сабабли доимо ташқи бадан ва ички бадан хасталик аломатлари ўзаро алмашиниб, совуқлик белгилари билан иссиқлик аломатлари бир-бирига қўшилиб, мураккаблашиб туради. Ожизлик билан тошқинлик аломатлари бир вақтда учрайдиган икки ёки бир неча хил хасталик белгилари сифатида кўринади. Шунинг учун хасталикни даволаш жараёнида хасталик келишини умумий ва пухта кузатиш, аниқ ҳулоса чиқариш жуда муҳим.

Турли хасталикларни даволашда ўсимлик, сабзавот, меваларнинг аҳамияти бекиёс. Абу Али ибн Сино ва бошқа шарқ табобати алломалари бу неъматлардан кенг фойдаланганлар. Ўсимликларнинг табиати жуда мураккаб, тури, таъми ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, чукур таҳлил қилиш асосида қўллаш лозим. Тиббиёт асослари бўйича хасталикларни даволашда: терлатиш, кустириш, сийдик ҳайдаш, организмни мўътадиллаштириш, заҳарни кесиш, ични тозалаш, иссиқقا мойиллаштириш, ошлаш, кувватни ошириш ва тугунларни тарқатиш фойдали. Асосий касалликларни даволовчи ўсимликлар билан бирга хасталикнинг бошқа бир белгиларини даволовчи ўсимликлар қўшиб ишлатилганда натижа яхши бўлади. Бунда бу ўсимликлар бирбирининг таъсирчанлигини ошириб, тез шифо топишга ёрдам беради.

Баъзи ўсимликлар иккинчи бир дориворларнинг заарли таъсирини камайтиради, бошқа бир хиллари эса асосий доривор ўсимликларнинг таъсир моддаларини bemornинг касал соҳасига етказиб беришда ёрдам беради. Масалан, шамоллагандага ва ўпка иссиғи ошганда йўталиш, нафас сиқиши, қусиш каби белгилар

кузатилса, чучукмия, ўрик мағзи ва чақанда берилади. Чақанда үпкани яйратувчи асосий даволаш воситаси ҳисобланади, бошқалари эса унинг таъсирини кучайтиради. Шулар билан бир қаторда таъми аччик, табиати совуқ кальций берилганда, у бир томондан терлатиб, тери иссигини туширса, иккинчи томондан үпкадаги иссиқни қайтаради. Ўрик мағзи ўзаро ёрдамлашувчи сифатида чақанданинг таъсирини кучайтиrsa чучукмия чеклатувчи сифатида аллергияга йўл қўймайди.

Доривор ўсимликларни қўллашда қўйидагиларга эътибор бериш керак: бир нечта ўсимликлар бир вақтда ишлатилганда таъсири кучайиши ёки пасайиши мумкин. Баъзи ҳолларда улар бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин (антагонизм). Масалан, бинафша, аччик тарвуз, совға гул, хашшатул хажам ўсимликларига парпи (бувана)ни қўшиб ишлатиш мумкин эмас. Чучукмия – сутлик ўт, гармдона билан; марақулок эса женъшен, пўрсилдоқ, қамчингул, шиқилдоқ, ялпиз илдизи, саллагул (оқ чўғлик) ўсимликларига зид ҳисобланади.

Парпи (бувана), шафтоли мағзи, пизак, гармдона, зарангза, равоч каби таъсири кучли дориворларни аёлларга ҳомиладорлик даврида бериш мумкин эмас.

## ИССИҚҚА ВА СОВУҚҚА МОЙИЛ ГИЁҲЛАР

Ўрмонларда, нам жойларда ўсади. Баҳор ва куз фаслида илдизи йиғилади. Табиати иссиққа мойил, заҳарсиз.

**Жуйхвагул.** Табиати совуқ, таъми тахир, заҳарсиз, иссиқни қайтариш, жигарни тозалаш, заҳарнинг келиши, кўзни равшанлантириш, шишни қайтариш хусусиятига эга. Астмада тут барги - 9, 0 , ўрик мағзи - 6, 0 , ялпиз - 3, 0 , қўнғироқ гул - 6, 0 , чучукмия - 3, 0 , қамиш илдизи - 6, 0 дан олиб, 200, 0 г. сувда қайнатилади ва докадан сузиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Қон босими ошганда оқ жуйхвагул - 12, 0 олинади, 200, 0 г. сувга қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Микдори: 3, 0 – 9, 0.

**Бақаўт.** Кўллар атрофида ўсади. Кузда ер устки қисмини йиғиб қуёшда қуритилади. Таъми аччик, табиати совуқ, заҳарсиз. Шишларни қайтариш, танадаги сувларни равон қилиш, ҳомиладор бўлишдан сақлаш каби хусусиятга эга. Астмада, тошма

касалликларида: бақа॑т, қариқиз, ялпиз уруғидан - 6,0. олиб, 200,0 г. сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Оёқлардаги шишларни қайтариш ва сийдикни равон қилиш учун бақа॑т - 6,0 , күк ошқовоқ пўчоғидан - 30,0 г. , тарвуз пўчоғидан - 60,0, олиб,

200,0 г. сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 5 маҳал ичилади. Ҳомиладор бўлишдан сақланиш учун бақа॑т - 30,0, хантал - 60,0. шафтоли мағизидан - 9,0. Олиб, 100,0 г. асалга қорилади, 1, 0. дан бўлакчаларги бўлинади, ҳайз тугаганидан кейин 3 кун давомида, ҳайз кўриш олдидан ҳам 3 кун ичилса, 3-5 йилгача ҳомиладор бўлишидан сақлайди. Микдори: 3,0 – 6,0.

**Қирқбўғин.** Кузда ер устки қисми йифиб қуритилади. Таъми нордон-ширин, табиати мўътадил, заҳарсиз. Шамоллашни қайтариш хусусиятига эга. Кўз яллиғланишида, ёш оқишида қирқбўғин - 9,0 , жуйха гули - 9,0 , қизил чўғлик - 6,0 олиб, ҳаммасини 200,0г. сувда қайнатилади. Кунига бир ош қошиқдан 3-4 маҳал 10-15 кун ичилади. Бавосил ва қон оқишлиарда яхши кор қилади. Микдори: 3,5 – 9,0.

**Кийикўт.** Ёзда ер устки қисмини йифиб, салқин жойда қуритилади. Уйқусизлик, юрак тез уриши ва жинсий ожизлик (импотенция)да яхши ёрдам беради. Микдори: 15,0 – 20,0.

**Асперуга – Ётма қўтириш ўт.** Кузда ҳамма қисмини йифиб, қуёшда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати совуқ. Иссикни тарқатиш, йўтални тўхтатиш хусусиятига эга. Астмада, йўталда 30,0 олиб, 200,0 г. сувда қайнатиб ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 15,0-30,0.

**Қирқбўғин – Чаканда.** Кеч кузда яшил қисмини йифиб, офтобда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиқقا мойил. Заҳарсиз. Терлатиш, йўтални қолдириш, нафас сиқишини тўхтатиш, суюқликларни равонлаштириш хусусиятига эга. Астмада (нафас сиққанда) чакандадан - 6,0 ўрик мағзи - 9,0, чучкмия - 6,0 дан олиб 200,0 г. сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ўпка яллиғланишида: чакандадан - 6,0, ўрик мағизи – 9,0 , чучкмия – 6,0 дан олиб 200,0 г. сувда қайнатилади. Кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бод (ревматизм) сабабли қўл-оёқ оғриқларида чаканда – 6,0, чучукмия – 6,0 олиб, 200,0г. сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Сурункали астмада чакандадан - 9,0, тут илдизи пўсти – 20,0, ёнғоқ мағизи – 20,0 , қора андиз - 9,0 , эгри сурнай, чучукмия – 3,0 , олиб, 200,0 г.

сувда 15 дақиқа қайнатилади, докада сузилиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Қон босими ошганда чаканда мумкин эмас. Микдори: 1,5 – 9,0 чаканда илдизи микдори – 3,0 – 9,0.

**Чўл қизилчаси. Қашқар чакандаси. Байжир, қизилбўёқ.** Бу туркумга кирувчи ўсимликларнинг илдизини куз ойларида йифиб, қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Намликни йўқотиш, оғриқни қолдириш, қонни равонлантириш хусусиятига эга. Бош оғриқларида байжирдан - 9,0, каврак - 9,0 , болдиргон – 9,0, чучукмиядан – 6,0 олиб, 200,0г. сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраларида байжирдан – 30,0, чучукмиядан – 20,0г олиб, янчиб, кунига 1,0 дан 3 маҳал ичилади. Жигарнинг сурункали яллиғланишида ва қоринга сув йифилганда байжир баргидан – 30,0 олиб, 200, 0 г. сувда қайнатилади, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал 14-21 кун ичилади. Микдори: 3,0 - 9,0.

**Судза.** Ер устки қисмини йифиб, қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Балғамни юмшатиш, йўтални тўхтатиш, меъда фаолиятини яхшилаш, заҳарни кесиш, нафас қисишини тўхтатиш, ҳомиладор бўлишдан сақлаш хусусиятига эга. Астманинг олдини олиш мақсадида (бош оғриши, иштаха бўғилиши, нафас қисиши) томоқ (ларингит) яллиғланганда ва бошқаларда, зсу, қўнғироқ гул, аччиқ ўрик мағзининг ҳар биридан 9,0. дан олиб, 200,0 г. сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан 3-5 кун 3 маҳал ичилади. Қайт қилганда ва қўнгил айнаганда мамеранчин (копзил чўғлик) дан 6,0 . зсу олиб, 200,0 г. сувда қайнатиб, кунига био ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 3,5 – 9,0.

**Тоғ узум.** Табиати мўътадил. Сийдик ҳайдаш, заҳарни кесиш хусусиятига эга. Қизамиқда ҳали тошмалар тошмаганда: кишмишдан – 15,0, кашнич илдизи 15,0 олиб, 200,0 г. сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 15,0- 45,0.

**Каврак.** Тоғ ёнбағирларида ўсади. Куз фаслида йифилади ва қуритилади. Таъми чучук. Табиати иссиққа мойил. Заҳарсиз. Намликни йўқотиш, ел ҳайдаш хусусиятига эга. Бош оғриганда кавракдан –

9,0 , чаканда – 6,0, зсу барги – 9,0 олиб, 200,0 г. сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Агар астмада ҳарорат баланд бўлса, юқоридаги йифма таркибиға парбун – 15,0 қўшиб қайнатилади, йўтал кучли бўлганда эса қўнғироқ гул ва ўрик

мағзидан 15,0 дан йиғма таркибига қўшиб, қайнатма тайёрланади. Бод касаллигига ва бурун оғриганда кавракдан – 9,0 , ўрик мағзи – 9,0 , чучукмия – 6,0 , занжабил – 30,0 олиб, 300,0 г. сувда 15 дақиқа қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Эшакем тошганда кавракдан – 9,0 , қизил чўғлик - 6,0 , чучукмия – 3,0 олиб, 200,0 г. сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 3,5 – 9,0.

**Тоғрайхон.** Ер устки қисми ёз-куз ойларида йиғиб олинади ва сояда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, Заҳарсиз, терлатиш, намликни йўқотиш, суюқликни равонлаштириш хусусиятига эга. Буйрак яллиғланишида, шиш пайдо бўлганда, сийдик озайганда , ёввойи райхон ва байжир – 9,0 дан олиб, 200,0 мл. сувда айнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ич кетиши ва мадорсизланиш билан ўтаётган астма (тумов) хасталигига ёввойи райхон – 9,0, нўҳот – 150,0 олиб, бир литр сувда пишгунча қайнатилади ва кунига 3 маҳал 50,0 дан истеъмол қилинади. Микдори: 3,5-9,0.

**Кашнич.** Табиати иссиққа мойил, иссиқни қайтариш, терлатиш, овқат ҳазм қилдириш хусусиятига эга. Қизамиқда: кашнич илдизидан -30,0 г., қамиш илдизи – 9,0 олиб, 200, 0 мл сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ичбуруғда (дизентерия): 120,0 кашнични 300,0 г. сувда 15 дақиқа қайнатиб, совитиб, 200,0 мл қатиққа қўшиб 50,0 мл. дан 3-5 кун давомида 3 маҳал ичилади. Микдори: 6,0-15,0.

**Чиннигул.** Уруғидан экиб кўпайтирилади. Дори учун ер устки қисми кузда йиғилиб, сояда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Совуқни қайтариш, қон оқишини тўхтатиш хусусиятига эга. Астмада ( бош оғриши, музлаб кетиш, қизиб кетиш, буруннинг битиб қолиши) чиннигул – 9,0, каврак – 9,0, зсу барги 9,0, занжабил – 3,0, 200 мл сувда қайнатилади. Бир ош қошиыдан кунига 3 маҳал ичилади. Бурундан қон оққанда, туғруқдан кейин кўпқон кетганда чиннигулнинг уруғи ёки гул кукунидан 1,0 дан олиб, кунига 3 маҳал ичилади. Эшакем тошганда чиннигулнинг қайнатмаси яхши ёрдам беради.

## НАФАСНИ РАВОНЛАШТИРУВЧИ ГИЁХЛАР

Аччиқ ўрикнинг мағзини иссиқ сувга солиб, пўстидан ажратиб, офтобда қуритилади, сал сарғайгунча қовурилади. Таъми

аччик, табиати иссиққа мойил, заҳарли. Йўтални тҳҳтатиш хусусиятига эга. Астмада, нафас сиққанда ва йўталда ўрик мағзи - 9,0, қора андиз - 9,0, қўнғироқ гул - 6,0, чучукмия - 6,0 олиб, 200,0 мл. сувда қайнатилгач, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Ўпка шамоллагандага (йўталганда, балғам кўчмагандага) тут илдизининг пўсти, ўрик мағзи - 9,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Қабзиятда: ўрик мағзи, шафтоли мағзи, қарағай ва арчанинг уруғи, ўрик мағзининг ҳар биридан 100,0 дан олиб, ун ҳолига келгунча ичилади, кейин яхшилаб аралаштириб ва 3,0 миқдорда бўлакчаларга бўлиб, асал билан қўшиб, кунига 3 маҳал ичилади.

Аёллар жинсий аъзолари шамоллагандага (кольпит) – аччик ўрик мағзи 100,0 олиб, 200,0 мл. Сувда қайнатилади ва 7 кун давомида кунига бир маҳал докага шимдириб, қин ичига қуйилади. Жигарнинг сурункали яллиғланишида аччик ўрик мағзи, шафтоли мағзи - 30,0дан, зирк 9,0, тут – 9,0 олиб, эзиг аралаштирилади ва 3,0 миқдорда хаб дорилар тайёрлаб, асал билан қўшиб кунига 3 маҳал ичилади.

Астмада – чаққанда - 3,0, ўрик мағзи – 6,0, чучукмия - 3,0 олиб, ун ҳолида янчилади ва 100,0 асал билан яхшилаб аралаштирилиб, кунига бир чой қошиқдан 3 маҳал ичилади.

**Ширин ўрик мағзи** ўпкани юмшатиш, ичак ҳаракатини яхшилаш хусусиятига эга. Одам аччик ўрик мағзидан заҳарланса, ширин ўрик дарахт пўстлоғининг ички қаватидан 60,0 дан олиб, 200,0 мл. сувда қайнатилади ва 50 томчидан 3 кун давомида 3 маҳал ичилади.

Тут илдизи ва пўсти ширин, заҳарсиз, табиати совуқ, ўпкадаги иссиқни йўқотиб, йўтални тўхтатади, нафасни равон қиласи. Намлиқни хайдаш, шишларни қайтариш хусусиятига эга. Тут барги ел ҳайдайди, иссиқни туширади, қонни совитади, кўзни равшан қиласи. Тут шохлари – жигар ва буйракни қувватлаб, ревматизм (бод) касаллигидаги бўғим оғриқларини босади. Болалар йўталганда – тут барги - 3,0, соврагул – 3,0, оқ турп – 60,0, нашвати - ўртача бир дона олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Ҳиқилдоқнинг сурункали яллиғланишида, нафас сиқишида – тут илдизининг майда томирлар пўсти - 9,0, зирк урғи – 9,0, чучукмия 60олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Қоринга сув йиғилганда ва шишларда - тут

илдизининг оқ пўсти – 15, 0, занжабил – 9, 0, тарвуз пўчоғи – 30, 0, бодринг пўсти – 30,0 пишиб етилмаган ошқовоқ пўсти – 30,0 олиб 300,0 сувда қайнатилади ва кунига икки ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Қон босими ошганда тут шохидан - 30,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Бод (ревматизм)да бўғимлар оғриганда: тут шохи – 500,0, юлғун – 500,0 олиб, бир литр сувда қайнатилади (30 дақиқа), кейин докадан сузиб, сувга 100,0 асал қўшиб, кунига 50,0 дан 2 маҳал ичилади.

Асаб хасталигига, уйқусизликда, камқонликда тут шохи ва эгрисурнайдан 15,0дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: тут илдизининг пўсти ва тут шохлари - 6,0-15,0, тут барги - 6,0-12,0, катта шохи - 9,0-15,0.

**Оққалдирмоқ** – Танга япроқ (Кўка). Тоғларда, дарё бўйларида, ўрмонларда ўсади. Баҳорда ғунчаси йифилади ва сояда қуритилади. Ранги ўзгармаслиги учун йиғилган ғаҳоти асал қўшиб кўйтлади. Таъми аччиқ ширин, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз, ўпкани юмшатиш, йўтални тўхтатиш, ел ҳайдаш, балғамни кўчириш хусусиятига эга. Ўпка силида – танга япроқ - 9,0, шакагул – 15,0, совғагул – 9,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Ҳиқилдоқнинг сурункали яллиғланнишида – совғагул - 15,0, танга япроқ – 15,0, ўрик мағзи – 15,0, новвот 30,0 дан олиб, ун қилиб янчилади ва 0,5 дан кунига 3 маҳал ичилади. Йўталда, нафас қисишида танга япроқ – 9,0, тут илдизи пўсти – 9,0, ганч- - 0, чучукмия – 6,0, чақанда – 6,0, зсу уруғи – 6,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

**Қўнғироқ гул.** Қумлик тупроқларда экиб ўстирилади. Дори учун илдизи кузда ковлаб олинади ва офтобда қуритилади. Таъми тахирроқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Ўпкадаги совуқни йўқотиш, балғамни кўчириш, йўтални тўхтатиш, йиринглашни ва шишни қайтариш хусусиятига эга.

Томоқ ва ҳиқилдоқ яллиғланганда – қўнғироқ гул – 6,, марзанжуш – 9,0, ўрик мағзи – 6,0, кармон 3,5 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Ўпканинг йирингли шишида – қўнғироқ гул – 9,0, шафтоли мағзи – 9,0, пишиб етилмаган ошқовоқ уруғи – 15,0, соврогул- 6,0,

учқат – 15,0, тасбих қўноқ – 9,0, чучукмия – 3,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади. Ҳар 7 кунда янгидан тайёрлаб, 14-21 кун ичилади. Миқдори: 3,0-9,0.

**Чачалбош – Росан.** Тоғларда, адирларда, қирларда ўсади. Ер устки қисмини ёзда ва кузда йиғиб, офтобда қуритилади. Таъми шўр, табиати иссиққа мойил, заҳарли. Суюқликни ҳайдаш, яллиғланишни қайтариш, ўтни равон қилиш ҳоссаси ўсимликнинг гул қисмида жуда кучли. Сурункали яллиғланишларда, кўкрак қисиб, нафас оғирлашганда – росан 9,0, тут илдизининг пўсти 9,0, зирк уруғи -, 0, ўрик мағзи 6,0, аччиқ тарвуз 15,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Меъда, асаб тизими бузилганда (ҳиқичоқ тутганда, кекиришларда, овқат қайтганда) – росан 9,0, қон тепар 6,0, чучукмия 6,0, занжабил 9,0, чилонжийданинг ўртачасидан 5 дона олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Миқдори: 3,3 – 9,0.

**Қашқаргул – Юлдуз гул.** Тоғ ёнбағирларда ўсади. Илдизи ва гули дори сифатида ишлатилади. Таъми тахир, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Совуқни тарқатиш, ўпкани яйратиш, нафас қисишини босиши, йўтални тўхтатиш, сийдикни равон қилиш хусусиятига эга. Ўпка силида (қон тупурганда), томоқ яллиғланганда – юлдуз гул, айнула ўсимлигининг ҳар қайсидан – 9,0, гул саримсоқ – 9,0, қўнғироқ гул 6,0 олинади ва 200,0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Йиғма таркибиға ўрик мағзи, танга япроқдан 9,0, чучукмиядан 6,0 қўшилса, яна ҳам яхши бўлади. Микдори 3,5-9,0.

**Чағир чой.** Тоғларда, тошлоқларда ўсади. Бутунича кузда йиғилади ва офтобда қуритилади. Табиати мўътадил, таъми тахирроқ. Қон кетишини тўхтатиш, меъда фаолиятини яхшилаш, ич кетишини тўхтатиш, ҳайзни мұтадиллаш хусусиятига эга. Меъданинг ҳазм фаолияти, ичак фаолияти бузилганда, қорин оғриқларида, ич кетишда, қон аралаш сийишда - чағир чойни ун қилиб янчилади ва 0,5 дан кунига 4 маҳал ичилади.

**Ҳайз оғриқ келганда ёки тўхтаб-тўхтаб келганда,** бачадондан қон кетишида – чағир чойдан 30,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 7 кун давомида 3-4 маҳал ичилади.

Меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасидан қон оққанда, бурундан қон оққанда ва қон аралаш қусишида – чағир чой ун қилиб янчилади ва кунига 1,0 ёки 1.5 дан 3 маҳал совуқ сув билан ичилади.

**Дарахтсимон сабур - алоэ.** Тувакда ўстирилади. Таъми таҳирроқ, табиати совуқ, заҳарсиз. Пешобни юргизиш, гижжа тушириш, йўтални тўхтатиш учун: сабра баргларидан 100,0 олиб майдаланади, 100,0 асал билан омухта қилиб, бир чой қошиқдан кунига 2 маҳал ичилади.

Дикқинафасда сабур шарбатини 1:1 миқдорда асал билан аралаштириб, ярим чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: 0,5 – 3,0.

**Жўхўт.** Тоғларда, қир-адирларда ва чангалзорларда ўсади. Дори учун кавзаги ва барглари йифилади, офтобда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил. Йўтални тўхтатиш, нафас қисишини бартараф қилиш, меъда фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга. Томоқ яллиғланганда жўхўт 15,0 олиб, 100,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Меъда кислотаси кўпайиб, оғриқ пайдо бўлганда – кавзаги - 1,0, арча барги – 2,0, кичик баргли сўза 2,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

**Тартиз.** Уруғидан экиб ўстирилади. Уруғи кузда йиғилиб, қуритилади. Таъми аччиқ, табиати мўътадил. Балғамни юмшатиш хусусиятига эга. Сурункали томоқ яллиғланишида тартиз уруғидан 100,0 олиб, майда янчилади ва кунига 0,5 дан 3 маҳал ичилади.

**Иссоп-Собрагул.** Томоқ, бурун ва нафас йўллари яллиғланганда иссон-собрагул 30,0 олинади ва ўртача катталикдаги 1 дона нок меваси қўшилиб, 200,0 сувда қайнатилади, сўнгра 50,0 асал билан аралаштирилиб, бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: 3,5-9,0.

**Аччиқ тарвуз.** Дори учун уруғи, илдизи ва пўчоғини кузда йиғиб, сояда қуритилади. Таъми ширин, табиати совуқ, заҳарсиз. Иссиқни қайтариш, балғамни қўчириш, бронхни бўшатиш, йўтални тўхтатиш, шишни қайтариш, заҳарни кесиш хусусиятига эга. Сут безлари яллиғланганда ва сут келмай қолганда – аччиқ тарвуз, мамкоп, учқат, бинафшадан 30,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади. Ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Томоқ яллиғланганда аччиқ тарвуз 12,0, собрагул 9,0, қўнғироқ гул 9,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал

ишилади. Қанд касаллигига – аччиқ иарвуз илдизи 30,0 дан олиб, 200,0 қайноқ сувда дамлаб, 50,0 дан кунига 3 маҳал ишилади. Аччиқ тарвузнинг сувини ҳам кунига 3 маҳал 50,0 дан ичиш мумкин. Микдори: аччиқ тарвуз 6,0-24,0.

**Қоратемир – Сағзабон – Доривор ғозвон.** Тоғ ёнбағирларда, ўрмонларда, дарё бўйларида ўсади. Илдизни йифиб, қуритилади. Таъми ширин, табиати мўътадил, заҳарсиз. Ўпкани юмшатиш, иссиқни қайтариш, йўтални ва қонни тўхтатиш хусусиятига эга. Ичбуруғ, жигар яллиғланишида ғозвондан 15,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ишилади.

**Гулёсимон.** Уруғидан экиб ўстирилади. Гули қийғос очилганда йифилади ва қуритилади. Шўрроқ, табиати мұтадил, заҳарсиз. Жигарни мўътадиллаштириш, кўзни равшан қилиш, сийдик ҳайдаш, қон тўхтатиш хусусиятига эга. Кўкйўтал, зиққинафас, кўзнинг хиралашини ва пешобгулёсумондан 3,0-9,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ишилади. Микдори: 3,0-15,0.

**Сутлама ўт.** Тоғ ёнбағирларда, ўрмонларда ўсади. Илдизни кузда йифиб, илдиз пўстидан тозалаб офтобда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати мўътадил, заҳарсиз. Балғамни қўчириш, овқатни ҳазм қилдириш, оғриқ қолдириш, гижжаларни тушириш хусусиятига эга. Йўтални тўхтатиш, балғамни юмшатиш, терининг сил касаллигига – сутлама ўтдан ва чилонжийдадан 500,0 олиб сопол идишда, жийданинг ранги қорайгунча қайнатилади, ҳамда кунига 7,0 дан 3 маҳал овқатдан олдин ишилади. Темиратки тушган жойга ўтни эзиб, 30,0 ни 20,0 сирка билан аралаштириб қўйилади. Микдори: 15,0.

**Оқ қчи.** Уруғидан экиб, ўстирилади. Кузда уруғи йифиб олиниади ва қуёшда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Шишларни қайтариш, оғриқни тўхтатиш, иштаҳани очиш, балғамни қайтариш ва юмшатиш хусусиятига эга. Ўпка шамоллагандаги, нафас қисганда оқ қчи уруғи, зсу ва турп уруғларининг ҳар қайсисидан – 9,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ишилади.

Кон босими ошганда оқ қчи уруғидан 30,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади, сўнгра 3 литр сув билан суюлтирилиб, оёққа ванна қилинади. Микдори: 3,0 – 9,0.

**Қарағай бўқоғи.** Баргини ташловчи қарағай дарахтининг танасида ўсади. Ёз ва кузда йифиб, пўсти тозаланиб, қуритилади.

Таъми тахир, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Ўпкани иситиш, балғамни юмшатиш, нафас қисишини тўхтатиш, ел ҳайдаш, қонни тозалаш, , сийдикни равон қилиш, илон заҳрини кесиш каби хусусиятига эга. Меъда оғриқларида - ғариқун – 6,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Бод касаллигида, бўғимлар яллиғланганда –ғариқун, таранжувуллардан - 3,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Буйрак ва сийдик йўллари яллиғланишида, тош ҳосил бўлганда ғариқун, сумбулдан 3,5 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: 3,0-6,0.

## ЎТ ИССИГИНИ ҚАЙТАРУВЧИ ГИЁҲЛАР

**Қамиш.** Кузда илдизпоялари олинади ва қуритилади. Таъми ширин, табиати совуқ, заҳарсиз. Иссиқни қайтариш, сийдикни равон қилиш хусусиятига эга. Ўпка иситмали шамолаганда, балғам келганда, қамиш илдизидан 30,0 олиб, тасбих қўноқ 15,0, шафтоли мағзи 15,0, хом қовоқ уруғи 30, 0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади, печак гулмдан 60,0 қўшиш мумкин. Хасталик аломатлари камая бошлаганда (7 кундан кейин) қўнғироқ гул 6,0, печак гул 30,0, тасбих қўноқ 3,5, турп уруғи 30,0, жўка 12,0, ёввойи ялпиз 15,0, қамиш илдизи 30,0, ошқовоқ уруғи 9,0 олиб, 300,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Асаб бузилишида, қайт қилганда, сийдик келмай қолганда, қизамиқда қамиш илдизи 30,0, кашнич илдизи 30,0, жамка 6,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: 30,0.

**Гултоҷихўроз.** Гуллари ва уруғи ишлатилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Иссиқни тушириш, жигарни тозалаш, кўзни равшан қилиш, қонни совитиш, қон тўхтатиш ва ичбуруғни тўхтатиш каби хусусиятга эга. Бачадондан қон кетганда ва сийдикда қон бўлганда тожигулдан 30,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади, бир ош қошиқдан кунига 4 маҳал ичилади.

Ичак яллиғланганда, ичбуруғда тожигул – 15,0, анор барги 26,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 4-5 маҳал ичилади. Кўзлар пардасининг ўткир яллиғланишида – тожигул 9,0, тут барги – 9,0, қирқбўғим – 9,0, жинтияна – 3,0 олиб,

200,0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 9,0-15,0.

**Устихудус – Ёзғозонг.** Водйларда, нам жойларда ўсади. Гули ва поялари ёз ойларида йиғиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совук, заҳарсиз. Жигардаги иссиқни пасайтириш хусусиятига эга. Кон босими юқори бўлганда – ёзғозонг 30,0, алакат – 9,0, жуйхвагули 9,0 олиб, чой ўрнида дамлаб ичилади. Лимфа безлари силида ёзғозонг 15,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва 50,0 асал қўшиб кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 15,0.

**Кенdir – Lubnor кендири.** Водийларда, тоғ этакладирад, кўл бўйларида ўсади. Барги йиғилади ва қуритилади. Таъми тахир, табиати мўътадил, заҳарли. Ўтнинг ҳароратини тушириш, ел ҳайдаш, жигарни тинчлантириш, асабни тинчлантириш, сийдикни равон қилиш, шишларни қайтариш хусусиятига эга. Жигар яллиғланганда, қорин дам бўлганда лубнор кендири 6,0, лиго палаги 3,5, ёввойи қовун 6,0, эркак қалампир 3,0, қуста 9,0 олиб, янчилади ва кунига 0,5 дан 2 маҳал ичилади.

Асаб бузилиши, бош айланиш, юракнинг тез уриши, кон босими кўтарилиши, жигарнинг сурункали яллиғланиши каби хасталикларда ҳамда қоринга сув йиғилганда яхши наф қиласи. Микдори: 3,0-9,0. Чой ўрнида дамлаб ичилади.

**Тоғрайхони.** Тоғларда, очик жойларда ўсади. Ер устки қисми ёзда йиғилади ва қуритилади. Иситмани тушириш, кон юришини яхшилаш хусусиятига эга, 9,0-150 гача олиб, чой ўрнида дамлаб ичилади.

## ИССИҚНИ ТУШИРАДИГАН ГИЁХЛАР

**Саримсоқ.** Таъми аччиқ, табиати иссиқ, заҳарсиз. Микробларни ўлдириш, ҳашаротларни ўлдириш ва заҳарни кесиш хусусияти бор. Ичбуруғда: пўсти қизил саримсоқдан 30,6 олиб, 70-100,0 спиртга 10 кун солиб қўйилган. 10фоизли қилиб тайёрлаб, бир чой қошиқдан кунига 3 маҳал 5-7 кун ичилади.

Астмада ва томоқ оғриқларида саримсоқ 30, 0, оқ турп 120,0, сўнг пиёз 30,0, дўлана 6,0, чучкмия 6,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Истисқода (асцит), пешоб равон бўлмагандаги саримсоқнинг ўртачасидан 5 дона, канакунжут уруғи 50 дона олиб, яхшилаб янчилади ва ҳар куни кечқурун товон остига суртиб қўйилади. Кўййуталда ( бир ёшли болаларга): саримсоқдан 30, 0 солиб, 100, 0

сувда 1 кун сақлаб қўйилади, кеин устига 15,0 новвот қўшиб, бир чой қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Миқдори: 15,0-30,0.

**Учқат.** Тоғларда, ўрмонларда ўсади. Ғунчаси ёзда, поялари кузда йифилади, сояда қуритилади. Таъми ширин, табиати совуқ, заҳарсиз. Иссиқни тушириш, заҳарни кесиш хусусиятига эга. Кўричак яллиғланганда учқат 30,0, тасбих қўноқ 15,0, чучукмия – 9,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳалдан 3 кун ичилади. Сут бези яллиғланганда учқат 15,0, мамкоп 12,0 соврагул 9,0, чучукмия 6,0, аччик тарвуз 9,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Ўпка шамоллаганда учқат 30,0, данггўй 9,0, мамкоп 9,0 олиб 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал, 7-14 кун ичилади. Астмада (иситма чиққанда, бош оғриганда, терлаганда, томоқ оғриганда) учқат 9,0, қўнғироқ гул 6,0, ялпиз 6,0, чучукмия 3,0, будушқоқ 6,0, қамиш илдизи 18,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: 6,0-12,0.

**Ўсма.** Таъми аччик, табиати совуқ, заҳарсиз. Иositmани тушириш, заҳарни кесиш, қонни совитиш ва тўхтатиш хусусиятига эга. Қизамиқда, астмада ўсма илдизи ёки барглари 9,0, қирқ япроқ 9,0 олиб 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал, 3-7 кун ичилади.

Қулоқ ости безининг юқумли яллиғланишида ўсма илдизи 30,0, энглиқўт 15,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 7 кун, 3 маҳалдан ичилади.

Жигар яллиғланганда ўсма илдизи 15,0, эрмон 15,0, жинтияна 6,0, парбун 6,0, чучукмия 3,0 олиб, 200,0 сувда 15 дақиқа қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: 9,0-24,0.

**Қоқи, мамкоп.** Ариқ ва йўл бўйларида ўсади. Гуллаш даврида ер устки қисми йифилади ва қуритилади. Таъми аччик, табиати совуқ, заҳарсиз. Иositmани тушириш, заҳарни кесиш, шишларни йўқотиш хусусиятига эга. Томоқдаги бодомча безининг яллиғланганда мамкоп 15,0, будушқоқ 9,0, тозичоқ 3,0, чучукмия 3,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Сут безлари яллиғланганда мамкопдан 30,0 олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ўпканинг оғир яллиғланишида мамкоп 30,0, гулсаримсоқ 15,0, ўсма

илдизи 15,0, нашвати 100,0 дан олиб, 200,0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 7 кун, 3 маҳалдан ичилади. Микдори: 6,0-15,0.

**Семизўт.** Далаларда ўсади. Ер устки қисмини ёз ва куз ойларида йиғиб, қуритилади. Таъми чучук, табиати совук, заҳарсиз. Иситмани тушириш, заҳарни кесиш, шишларни йўқотиш хусусиятига эга. Ичак яллиғланиши, ичбуруғда семизўтдан 500, 0 олиб, шарбати чиқарилади ва бир чой қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Семизўтдан 300, 0 ни майда тўғраб, 30, 0 саримсоқ, бир ош қошиқ зайдун ёки кунжут мойи қўшиб, 3 дақиқа қовурилади ва 7 қисмга бўлиб, 2 кун истеъмол қилинади. Сурункали ичбуруғда семизўтдан 60, 0 олиб, 300, 0 сувда қайнатилади ва ҳар куни бир маҳал 3 кун хуқна қилинади. Хар ҳил чипқонда ва соч халтачаси яллиғланганда: семизўтни куйдириб, кулини ўсимлик мойига 1:5 нисбатда қўшиб, ярага қўйилади. Микдори: 6, 0-12, 0.

**Оқбошўт.** Кузда илдизи йиғиб олинади ва қуритилади. Таъми аччик, табиати совук, заҳарсиз. Иситмани тушириш, қонни совитиш, заҳарни кесиш, оғриқни тўхтатиш хусусиятига эга. Амёбали ва бактериал ичбуруғда оқбош – 15, 0, зирк – 6, 0, қармидон 9, 0, қизил чўғлик – 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 7 кун давомида , 4 маҳал ичилади.

Лимфа тугунлари силида оқбош – 90, 0 олиб, 200, 0 ароқда 10 кун қоронги ва салқин жойда сақланиб, 1 чой қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 9, 0 – 15, 0.

**Гунафша, бинафша.** Ер устки қисм йигади ва сояда қуритилади. Таъми тахир, аччик, табиати совук, заҳарсиз. Яллиғланишларни қайтариш, заҳарни кесиш хусусиятига эга. Ўткир ичбуруғда, жигар яллиғланганда бинафша ва мамкопдан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 7-14 кун давомида , 4 маҳал ичилади. Микдори: 15, 0.

**Ғозпанжга – Ғозтовон.** Уч япроқли ғозтовон. Ер устки қисми қуритилади. Таъми ширин, табиати мўътадил, заҳарсиз. Ичбуруғда, ўпка яллиғланганда, астмада ғозпанжга 18, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Меъда, ўн икки бармоқ ичак яллиғланганда, бурундан қон оққанда, ғозпанжадан - 60, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади. Микдори: 4, 5-9, 0.

**Дала бўзтикони.** Йўл бўйларида, далаларда ўсади. Ер устки қисми йиғилади ва қуритилади. Таъми аччик, табиати совук,

захарсиз. Иситмани тушириш, захарни кесиш, қонни жонлантириш, йириңгни йүқотиш хусусиятига эга.

Юқумли жигар касаллиги (гепатит)да бўзтикон гулидан 12, 0 олиб, 100, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал, 14-21 кун давомида ичилади. Кўричак ўткир яллиғланганда: тасбиҳ қўноқ – 60, 0, бўзтикон - 21, 0, хом ошқовоқ уруғи 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал, 3-7 кун ичилади. Микдори: 1, 5-30, 0.

**Итузум.** Далаларда, ариқ бўйларида ўсади. Ер устки қисми ёз ва куз ойларида йиғилади ва қуритилади. Таъми тахир, табиати совуқ, захарли. Иситмани қайтариш, сийдик хайдаш, йўтални тўхтатиш, шишларни қайтариш ва захарни йўқотиш хусусиятига эга. Ичбуруғ ва сийдик пуфаги яллиғланганда итузум 30, 0, учқат гули – 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади. Қайнатма кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Сурункали томоқ яллиғланишида итузум меваси 300, 0, ароқ 500, 0 олиб, 27 кун чақланади, кейин бир чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 15, 0.

**Сувқалампир.** Ер устки қисми йиғилади ва қуритилади. Таъми аччиқ, табиати мўътадил, захарсиз. Яллиғланишларни қайтариш, ич кетишини тўхтатиш, сийдикни равон қилиш хусусиятига эга. Ичбуруғда сувқалампир ва семизўтдан 15, 0 дан олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал, 3-5 кун ичилади. Эшакем тошганда, темираткида сувқалампирдан 50, 0 олиб, 10 фоизли ош тузи эритмасида қайнатиб, малҳам қилинади. Микдори: сувқалампир 6, 0-12, 0, сувқалампир уруғи 3, 0-6, 0.

**Сув болдирғон.** Куз фаслида ер устки қисми йиғилади ва қуёшда қуритилади. Таъми ширин, табиати мўътадил, захарсиз. Иситмани тушириши, захарни кесиш, оғриқни босиш ва шишларни йўқотиш хусусиятига эга. Ичбуруғ хасталигида, ревматизм ва оёқ оғриқларида сув болдирғон 30, 0, чучукмия 12, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори 15, 0 – 30, 0.

**Анжабор.** Баланд тоғларда, арчазорларда, қояларда, нам жойларда ўсади. Илдизи ва поялари баҳорда йиғилади ва қуритилади. Таъми тахир, табиати совуқ, захарсиз. Иситмани қайтариш, захарни кесиш, шишларни қайтариш ва захарни йўқотиш усусиятига эга. Жигар ўткир яллиғланганда, сариқ хасталигида

анжабо – 60, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади, 30, 0 асал қўшиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал, 7 кун ичилади.

Бурун ва пешона суюги каваги яллиғланганда, юқумли астмаларда, ичак яллиғланганда анжабор 180, 0, мамкоп 24, 0 дан олиб, янчилади ва 150, 0 асал билан аралаштириб, бир чой қошиқдан кунига 3 маҳал, 14 кун ичилади. Миқдори: 3, 0-9, 0.

**Иттиканак, қорақиз.** Ер устки қисмини йиғиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати мўътадил, заҳарсиз. Иссиқни қайтариш, қон юришини яхшилаш, ҳайзни равонлаштириш, заҳарни кесиш хусусиятига эга. Ичбуруғ хасталигига қорақиз 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 4 маҳал ичилади.

Ўпка силида тилқанот чой ўрнида дамлаб ичилади. Темираткида қорақизнинг янги шарбати яраларга суртилади. Миқдори: 1, 5 – 6, 0.

**Сув ялпизи.** Ер устки қисмини йиғиб, сояда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати совук, заҳарсиз. Иссиқни қайтариш, сийдикни равон қилиш, қонни тўхтатиш, оғриқни босиш, шишлигарни қайтариш хусусиятига эга. Хар ҳил қон кетишиларда сув ялпизи 30, 0 ёки сув ялпизи илдизидан 20, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 10 кун 3 маҳал ичилади, бу йиғмага нилуфар ва ғозпанжа қўшиш ҳам мумкин.

Томоқ оғриқларида сув ялпизи 30, 0, ғозпанжа 15, 0 дан олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бу йиғма меъда ва ревматизмда ҳам яхши. Миқдори: 3, 0-9, 0.

**Пақ-пақ – қизилқўлоқ.** Кузда меваси йиғиб олинади ва сояда қуритилади. Таъми чучук, табиати совук, заҳарсиз. Иситмани тушириш, заҳарни кесиш, балғамни юмшатиш, пешобни равон қилиш хусусиятига эга. Кўййутал, томоқ яллиғланганда, ичбуруғ хасталикларида қизилқуллоқ 9, 0, қариқиз уруғи 4, 5, чучкмия 3, 0, тут барги 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Миқдори: 3, 0-9, 0.

**Гулсафсар – Савсан, чагиртмоқ.** Тоғ этакларида, даштларда ўсади. Қийғос гуллагандага йиғилади ва қуритилади. Табиати совук, заҳарсиз. Сийдикни равон қилиш, қон тўхтатиш хусусиятига эга. Ўткир томоқ яллиғланганда, жигар яллиғланганда, ҳайз кўп келганда: чагиртмоқ уруғи 9, 0, қариқиз уруғи 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Миқдори: 3, 0-9, 0.

**Савсан – Пичан. Жингалак отқулоқ.** Дарё ва ариқ бўйларида, йўл ёқаларда ўсади. Илдизини кузда йиғиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Шишларни қайтариш, қонни тўхтатиш, ҳайзни мўътадиллаш, ични юргизиш хусусиятига эга. Камқонликда, бурундан қон оқишида, чипқон чиққанда, темираткида отқулоқ 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Миқдори: 9, 0-15, 0.

**Гулхайри – Лайлигул.** Гули, илдизи ва уруғини йиғиб, қуритилади. Таъми шўр, табиати совуқ, заҳарсиз. Уруғининг таъми ширин. Йирингларни йўқотиш, пешобни равон қилиш хусусиятига эга. Қабзиятда, сийдик йўлларида тош йигилганда ҳамда чипқонни пишириш учун гулхайри 30, 0 олиб, чой ўрнида дамлаб ичилади. Миқдори: 6, 0-9, 0.

**Чипорўт.** Ўрмон ва бутазорларда, нам жойларда ўсади. Ёзда гулларини йиғиб қуритилади. Таъмсиз, табиати совуқ, заҳарсиз. Иситмани тушириш, яллиғланишни йўқотиш, шишни қайтариш хусусиятига эга. Ўпка ва нафас йўллари яллиғланганда, чипорўтдан 6, 0-15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Илон чаққанда дарҳол ўсиб турган чипорўтдан олиб, майдалаб эзиб, илон чаққан жойга қўйилади. Шу билан бирга гулхайри 30, 0, чипорўт - 9, 0, учқат 12, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

**Какра.** Далада, йўл бўйларида, қуруқ жойларда ўсади. Ёзда ва кузда ер устки қисми йигилади ва қуритилади. Таъми аччиқ, табиати совуқ. Иситмани тушириш ва заҳарни кесиш, қон юришини яхшилаш, шишларни йўқотиш хусусиятига эга. Чипқонда, шишларда ва бўғимлар яллиғланганда, какра 200, 0 олиб, майдалаб янчилади: ингаляция қилинади.

**Олтиншох.** Текисликларда, пастликларда, нам ерларда ўсади. Бутун ер устки қисмини йиғиб сояда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати совуқ, заҳарсиз. Елни ҳайдаш, иситмани тушириш, заҳарни кесиш хусусиятига эга. Сурункали буйрак хасталигида, астмада, кўййуталда, илон чаққанда олтиншоҳдан 60, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади, 15, 0 асал қўшиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Миқдори: 6, 0-9, 0.

**Чилпоя –Биспояч.** Ўрмонларда, нам ерларда ўсади. Шохларини кузда йиғиб, қуритилади. Таъми ширин, табиати мўътадил, заҳарсиз. Иситмани тушириш, жигарни тозалаш,

захарни кесиши, күзни равшан қилиш хусусиятига эга. Сийдик йүллари ва ичак яллиғланишида, болалар иситмадан тиришиб қолганида, күз ва бўғим яллиғланганида чилпоя 30, 0, олтиншох 60, 0, новвот 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади, 15, 0 асал қўшиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 4, 0-30, 0.

**Сариқбош –Рушангул.** Тоғ ёнбағирларида, ўрмонларда, ўтлоқларда ўсади. Ер устки қисми ёзда, кузда йигилади ва қуритилади. Таъми тахир, табиати совук, заҳарсиз. Иссиқни тушириш, йириングни тўхтатиш, жигарни тозалаш, күзни равшан қилиш хусусиятига эга. Йирингли шишларда, тери касалликларида, илон чакқанда рушангулни эзив, суви ярага суртилади. Кўз пардаси яллиғланганда 15, 0 рушангул олинади ва 200, 0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 9, 0-15, 0.

**Қизғалдоқ.** Тоғ ёнбағирларида, далаларда, қуруқ жойларда ўсади. Ер устки қисми йиғилиб қуритилади. Иситмани тушириш, шишларни йўқотиш, заҳарни кесиши хусусиятига эга. Лимфа тугунлари силида, жигар яллиғланганда (сариқ касаллиги) 6, 0 қизғалдоқ олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 7 кун давомида 3 маҳал ичилади.

Микдори: 3, 0-6, 0.

**Оқ қайин.** Тоғлардаги сой бўйларида, дарё бўйларида ўсади. Дори сифатида пўстлоғи, барги, куртаги ва шарбати ишлатилади. Таъми шўрроқ, табиати совук, заҳарсиз. Иситмани тушириш, заҳарни кесиши, йирингларни тузатиш, сутни кўпайтириш хусусиятига эга. Қулоқ ости бези яллиғланганда (паротит) сут безлари яллиғланганда, чипқон чиққанда ва сут камайиб кетганда, ичбуруғда оқ қайин уруғидан 90, 0, чилонжийда дарахти пўстлоғидан 30, 0 олиб, ун қилиб янчилади ва аралаштириб, кунда 1, 0 дан 3 маҳал ичилади. Йўтал ва нафас қисганда оқ қайин шарбати 1 кунда 30, 0 дан ичилади. Микдори: 1, 5 - 30, 0.

**Жағ-жағ.** Паст тоғ ёнбағирларида, йўл бўйларида, қуруқ жойларда ўсади. Ёз ва куз ойларида илдизини ковлаб олиб, тозалаб, қуритилади. Таъми шўр, табиати совук, заҳарсиз. Иситмани тушириш, шишларни қайтариш, йирингларни йўқотиш, сутни кўпайтириш хусусиятига эга.

**Шувоқ – Эрмон.** Баланд тоғларда, яловларда ўсади. Ер устки қисми йиғиб, қуритилади. Табиати исикқа мойил, заҳарсиз. Овқатни ҳазм қилдириш, иситмани тушириш, заҳарни кесиши

хусусиятига эга. Эшакем тошганда, меъда фаолияти бузилиб, қорин шишганда, овқат ҳазм қилиш бузилганда, ўткир ичбуруғда шувоқ 9, 0, зирк 9, 0, қора андиз 9, 0, суза 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади, ва 7 кун бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

**Қизил бурган (Сарсавул).** Тоғ ёнбағирларида, дарё бўйларида, қуруқ ерда ўсади. Ер устки қисми куз фаслида йифиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Иситмани тушириш, шишларни қайтариш, оғриқни қолдириш хусусиятига эга. Тиш оғриганда, оғиз бўшлиғи яллиғланганда, муртак (бодомча) безлар яллиғланганда сарсавулдан 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади ҳамда томоқ чайлади. Микдори: 9, 0 - 30, 0.

**Ёввойи ўрмон қулупнайи.** Тоғда, ўрмонда, нам жойларда ўсади. Ер устки қисми ёзда йифиб, қуритилади. Таъми ширин, табиати исикқа мойил, заҳарсиз. Заҳарни кесиш хусусиятига эга. Астма, ичбуруғ, қулоқ ости бези яллиғланишида қуритилган кулупнайдан 30, 0 олиб, 200, 0 қайноқ сувда дамланади ва 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

**Қулмоқ – Ёввойи қулмак.** Ўрмонда, чангальзорда ўсади. Ер устки қисмини йифиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Иситмани тушириш, заҳарни кесиш хусусиятига эга. Меъда ва ичакнинг ҳазм фаолияти бузилганда қулмоқдан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда 10 дақиқа қайнатилади, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Йирингли яраларга ва шишган жароҳатларга қўйилади ва ювилади. Ўпка силида ёввойи қулмак, кўк эрмон, қариқиз ўсимликларидан 15, 0 дан олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

## ХЎЛ ВА ИССИҚНИ ҚАЙТАРУВЧИ ГИЁҲЛАР

**Тол, сўгат.** Ёш новдалари, барги, шохлари ва илдизи ишлатилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз, хўл иссиқни ва елни қайтаради. Сариқ касаллигига тол новдаларини чой ўрнида дамлаб ичилади. Гижжаларни тушириш учун толни илдизидан 60, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади, ва кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Буқоқда тол баргидан 70, 0 олиб, 200, 0 сувда 30 дақиқа қайнатилади, сўнгра буқоқ шишларига ва кўз шишганда малҳам қилинади. Ревматизм ва бўғим оғриқларида толнинг ёш новдаларидан 60, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади, ва кунига 1 ош

қошиқдан 3 маҳал ичилади. Лимфа тугунлари силида, томоқ оғриганда, бачадон чаноқ бўшлиғи яллиғланганда ҳам яхши ёрдам беради. Микдори: 9, 0 - 15, 0.

**Зирк – Қорақат.** Тоғ этакларида, сув бўйида ўсади. Дори сифатида барглари, поя пўстлоғи ва илдизи ишлатилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Хўл иссиқни ва баланд иситмани тушириш хусусиятига эга. Ўткир ичбуруғда зирк илдизи 15, 0, мамеранчин 6, 0, ёввойи кашмир 9, 0, мамкоп 9, 0, чучукмия 3, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3-5 кун давомида 4 маҳал ичилади. Овқатдан кейин қайнатма билан томоқ чайилади. Сув чиқиб турадиган хўл темираткида зирк илдизи - 6, 0, ўсма - 6, 0 олиб, ун қилиб янчилади ва 30, 0 кунжут мойига малҳам қориб сурилади. Микдори: 12, 0-18, 0.

**Буғдаш – Қизил бижаш.** Шарқий Туркистонда экиб ўстирилади, овқатга ишлатилади. Бўйи 90 см гача етади, қизил, уруғи қора, ялтироқ. Майса барги ёзда ва баҳорда йиғилади ва куритилади. Таъми ширин, табиати совуққа мойил, заҳарсиз. Иссиқни тушириш, ўт ва сийдик йўллари спазмини равон қилиш хусусиятига эга. Ичбуруғ ва жигар хасталиклари даволанади. Микдори: 30, 0-60, 0.

**Шумтол – Армидон.** Тоғ ёнбағирларида, дарё бўйларида ўсади. Дори учун қавзоги ва уруғи баҳорда ва кузда йиғиб, куритилади. Таъми тахир, табиати исикқа мойил, заҳарсиз. Тинчлантириш, оғриқни қолдириш, яраларни битириш хусусиятига эга. Сурункали ичбуруғда армидон 12, 0 (қавзоги), қуён ўти 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатибкунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Асаб бўшашибганда, меъда хасталигида армидон уруғини ун қилиб янчиб, кунига 1, 0 дан 3 маҳал ичилади. Ҳомиладор аёллар ичиши мумкин эмас. Микдори: 9, 0.

**Эрмон – Қил япроқли эрмон.** Далада, сув бўйида, йўл ёқасида ўсади.

Ер устки қисмини баҳорда йиғиб қуритилади. Таъми аччиқ, табиати совуқ, заҳарсиз. Иситмани тушириш, хўлликни йўқотиш ва ўт ҳайдаш хусусиятига эга. Юқумли сариқда қил япроқли эрмон 30, 0, жинтияна 12, 0, ўсма илдизи 3, 5, парбун 6, 0, чучукмия 30, 0 олинади ва ўртача катталиқдаги 10 дона чилонжийда билан 200, 0 сувда қайнатиб, 7-14 кун 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Ўт халтасининг ўткир яллиғланишида ва тош йиғилишида парбун 9, 0, ил япроқли эрмон 30, 0, кумуш ўт 30, 0, чучукмия 30, 0,

қизил чуғлик 12, 0, ёввойи кашмир 9, 0 олиб200, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 6, 0-12, 0.

**Сассик санчиқүт.** Водийда, ўрмон ёқасида ўсади. Баҳорда илдизи қуритилади. Таъми таҳир, табиати совук, заҳарсиз. Ҳўл иссиқни қайтариш, қонни совитиш, заҳарни кесиш хусусиятига эга. Ичак яллиғланганда, ичбуруғда санчиқүт 21, 0, отқулоқ уруғи 9, 0 олиб, ун қилиб янчиб, кунига 1, 0 дан 3 маҳал ичилади.

**Хушбўй қашқарбеда –Сариқ гулли беда.** Дарё бўйида, водийда, нам ва қумлоқларда ўсади. Гуллаганда ер устки қисми йиғилади ва қуритилади. Таъми аччиқ, табиати мўътадил, заҳарсиз. Намликни йўқотиш, талоқ ва меъдани соғломлаштиришхусусиятига эга. Безгакда сариқ бедадан 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва безгак тутишидан бир соат олдин 50, 0 ичилади. Меъда ва ичакнинг ҳазм қилиш фаолияти бузилганда, офтоб урганда фойдали. Микдори: 15, 0- 30, 0 – 50, 0.

Баланд тоғда, нам жойларда ўсади. Ёзнинг охирида илдизи қуритилади. Таъми таҳир, табиати совук, заҳарсиз. Иситмани тушириш, намликни қуритиш, жигар фаолиятини яхшилаш, ўтни суюлтириш хусусиятига эга. Сариқлик билан ўтадиган жигар хасталигида жинтияна 6, 0, майда япроқли эрман 15, 0, ўсма илдизи 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Меъданинг ҳазм қилиш иши заифлашганда жинтияна, арпабодиён, сиёҳдонлардан 6, 0 дан олиб, ун қилиб янчилади, 0, 5 дан 10 кун овқатдан олдин ичилади.

Турли заҳарланишларда жуйхвагул, тут баргидан 9, 0, жинтияна 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 7-14 кун 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 3, 0 - 9, 0.

**Аччиқ эрмон.** Тўқайзорда, далада, йўл ва ариқ бўйида ўсади. Ер устки қисмини ёзда йиғиб, қуритилади. Таъми таҳир, табиати совук, заҳарсиз. Намликни йўқотиш, яллиғланишга қарши, қичимани босиш хусусиятига эга. Меъда ва ичакнинг фаолияти бузилганда, меъданинг кислоталиги кўпайганда, меъда ости бези фаолиятини кучайтириш учун, камқонликда, қорин шишганда, уйқусизликда, оғзидан ёмон ҳид келганда эрмондан 9, 0, олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин ичилади. Микдори: 3, 0 - 9, 0.

## **ИССИҚНИ ҚАЙТАРУВЧИ, ҚОННИ СОВИТУВЧИ ГИЁХЛАР**

**Макротомия – Энгликүт.** Тоғларнинг кунгайларида ўсади. Илдизи ёзда ва кузда қуритилади. Таъми нордон - ширин, табиати совуқ, заҳарсиз. Иситмани тушириш, қонни совитиш, шишларни ва заҳарни кесиш, ичакларни тозалаш, пешобни равон қилиш хусусиятига эга. Қизамиқ бошланишида (иситма, йўтал, кўз ва бурундан сув оқиши): энгликүт 3, 5, жамка 6, 0, каврак 6, 0, ялпиз 3, 5, ҳўл қамиш илдизи 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 3, 0 - 9, 0.

**Етмак – Тош ўт.** Кунгай тоғ ёнбағрида, ўтлоқда ўсади. Кузда илдизини йифиб, офтобда қуритилади. Таъми ширин, табиати совуқ, заҳарсиз. Иссиқни тушириш, қонни совутиш хусусиятига эга. Ўпка силида тош ўт 4, 0, катта баргли жинтияни 9, 0, аликат илдизининг пўстлоғи 9, 0, кўк эрмон 9, 0, қизил мевали шакагул 9, 0, чучукмия 9, 0 олиб, 300, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 3, 0 - 9, 0.

**Кунгабоқар – Офтобпараст.** Табиати мўътадил, заҳарсиз. Ҳўл иссиқни қайтариш, қон тўхтатиш, жигар фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга. Кон босими ошганда, бош айланганда кунгабоқарнинг мураккаб гули (саватчасидан) 60, 0, чилонжийда 60, 0 олиб, 300, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ичак яллиғланганда кунгабоқар саватчасидан 60, 0 қуритиб, янчилади (ун ҳолигача) ва кунига 1, 0 дан 3 маҳал ичилади. Сийдик йўллари яллиғланганда, ҳайз оғриқ билан келганда кунгабоқар илдизи, палаги ёки гулидан ўсимлик ёғида 10 фоизли қилиб тайёрланган малҳамидан орқа тешикка қўйилади. 1-2 даражали куйишларда ҳам яхши натижা беради. Микдори: саватчаси - 30, 0-60, 0; илдизи – 15, 0-30, 0; ичидаги оққисми 3, 0 – 9, 0.

**Оқмия – Аччиқмия.** Бутазорда, сой бўйида, тўқайзорда, йўл бўйида, экинзорда учрайди. Ёз ва кузда ёш поялари ва уруғи қуритилади. Захарли. Меъда фаолияти бузилиб, қайт қилганда уруғи 3, 0, занжабил 3, 0, мамкоп 6, 0 олиб, ун қилиб янчиб, кунига 0, 5 дан 3 маҳал овқатдан олдин ичилади. Зарур бўлганда микдорини кўпайтириш ва 3-4 кунгача ичиш мумкин. Сурункали ичбуруғда 50, 0 аччиқмия уруғини 150, 0 сувда қайнатиб, 5-7 кун 3 маҳалдан ичилади. Микдори: пояси 3, 0, уруғи-5 дона.

**Пинна.** Уруғидан экиб күпайтирилади, қумликларда яхши ўсади. Гуллари ва ер устки қисми сояда қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Иссиқни ва намликни йўқотиш, ел ҳайдаш, меъда фаолиятини яхшилаш, қусишини тўхтатиш хусусиятига эга. Ўткир меъда ва ичак хасталикларида (қусиши, ич кетиш) пиннадан 30, 0 олиб 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Офтоб урганда пинна

9, 0, ялпиз 6, 0, нўхат 9, 0 дан олиб 200, 0 сувда қайнатилгач, 1 ош қошиқдан кунига 4 маҳал ичилади. Астмада пинна 9, 0, байжир 6, 0, олиб 200, 0 сувда қайнатиб ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 4, 5 - 9, 0.

**Сачратқи – Кўк чечак.** Ўтлоқда, сув бўйида, йўл ёқасида ўсади. Ёзда ер устки қисмини ўриб олиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совук, заҳарсиз. Жигарни тозалаш, ўт ҳайдаш, йўтални қолдириш, нафас қисишини тўхтатиш хусусиятига эга. Сариқлик билан ўтадиган жигар хасталигида сачратқидан 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади (7-14 кун давомида). Томоқ оғриши ва нафас қисишида армидон кавзаги, сачратқи 6, 0 дан, кўк эрмондан 6, 0 дан, совун дарахти мевасидан 9, 0, тутнинг ёш новдаси, шохидан 9, 0 олиб, 300, 0 сувда 20 дақиқа қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 3, 0 - 9, 0.

**Тасбех қўноқ.** Экиб ўстирилади. Таъми ширин, табиати совук, заҳарсиз. Талоқ фаолиятини кучайтириш, ўпкани қувватлаш, иситмани тушириш, намликни ҳайдаш хусусиятга эга. Ич кетганда тасбех қўноқ 18, 0, бақаяпроғи 12, 0, беҳи 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Меъда совуқдан оғриганда тасбех қўноқ 30, 0, бувана ён илдизи 9, 0 дан олиб, ун қилиб янчилади ва кунига 0, 5 дан 3 маҳал ичилади. Бўғимлар оғриб, шиш пайдо бўлганда тасбех қўноқ 15, 0, оқ чўғлик 6, 0, данггуй 9, 0, чаканда 3, 0, дарчин шохи 9, 0, чучукмия 9, 0, занжабил 3, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 9, 0 - 12, 0.

**Номозшомгул.** Иситмани тушириш, қонни совитиш хусусиятига эга. Барглари, уруғи ва илдизи қуритилади. Таъми ширин, табиати совук, заҳарли ҳўлликни йўқотиш хусусияти ҳам бор. Сийдик йўли яллиғланганида, сийдик қон аралаш келганда, шишларда яхши ёрдам беради. Микдори: 15, 0 - 30, 0.

**Маккажүхори попуги.** Таъми ширин, табиати мўътадил, заҳарсиз. Сийдик ҳайдаш, ўтни суюлтириш ва равон қилиш, қон босимини тушириш хусусиятига эга. Сийдик йўллари яллиғланганда ва сурункали буйрак яллиғланганда, сийдик кам келганда маккажүхори попуги 30, 0, арпа қилтириғи 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Сийдик халтасида тош бўлганда маккажүхори попуги 36, 0, ўг 12, 0, тол барги 30, 0, қизил ловия 30, 0 олиб, 300, 0 сувда қайнатилади ва кунига 1 ош қошиқдан 4-5 маҳал ичилади, халтаси яллиғланганда, юқумли сариқда маккажүхори попуги 30, 0, эрмон ва жинтияна 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Қон босими ошганда маккажүхори попуги ёки ердан чиқиб турган илдизидан олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 4, 5-30, 0.

**Булдуруқўт –Ёввойи кашмир.** Дарё ва кўл бўйида ўсади. Поялари кеч кузда йиғиб, қуритилади. Таъми ширин, табиати совуқ, заҳарни кесади. Иситмани туширади, ҳўлликни камайтириш, сийдикни равон қилиш хусусиятига эга. Буйрак яллиғланганда (оёқлар шишиб; сийдик камайганда) ёввойи кашмир 12, 0, тарвуз пўчоғи 24, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ич кетганда ёввойи кашмир 12, 0, қонтепар 6, 0, арпа ундирамаси 12, 0, чучукмия 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 6, 0 - 12, 0.

Бемор сурункали энтероколит билан оғриган бўлса, bemorга бериладиган йиғма таркибида бириштирувчи (танид, танин) бўлган ҳамда шамоллашга қарши ишлатиладиган шифобахш гиёҳлардан фойдаланиш зарур. Ўт хасталикларида ва йўлларида тошчалар бўлса, уни тушириш учун ўт ҳайдайдиган ҳамда шамоллашни даволаш хусусиятига эга бўлган гиёҳлар ишлатилади.

Диабет (қанд касаллиги)ни даволашда организмга қувват берадиган, унинг фаолиятини кучайтирадиган, тетиклаштирадиган, инсулинсимон ҳамда гормонсимон таъсирга эга, модда алмашинувини бошқарадиган, сийдик ва ўт ҳайдайдиган, бутун инсон организмини турли-туман қолдик моддалардан тозалайдиган, тез ва енгил сингадиган, турли микроорганизмлар таъсиридан ҳимоя қиласидиган ҳамда муҳофаза қувватини оширадиган ўсимликлар йиғмасидан фойдаланиш зарур.

Жуда қадим замонлардан бери ҳалқ табобатида ҳамда илмий тиббиётда турли хасталикларни даволашда малҳам ишлатилиб

келинган. Малҳам ўз табиатига қўра ўткир ҳидли бўлиб, ўсимлик пўстлоқлари орасидаги ёриқ жойлардан табиий ҳолда чиқади ёки тана пустлоғини кесиб, мева қобиғини шилиб қўйганда тўпланадиган, жуда мураккаб тузилишга эга бўлган ёпишқоқ модда.

Шифобахш ҳамда зиравор ўсимликлардан ароқ солиб хушбўй ҳамда ёқимли таъмга эга жигаррангли, қорамтироқ малҳам ёки балзам тайёрланади.

Шарбатни олиш учун оддий қирғичлар, гўшт қиймалагич, шарбатни сиқиб оладиган нарсалардан фойдаланилади. Шарбати олинадиган хом ашё маҳсулотлари туппасини қалинроқ оддий газмол ёки докада сиқилади. Қолганига озроқ қайнатиб совитилган сув қўшиб, яна сиқиб олинади. Шарбатда дори дармонлик хусусиятига эга бўлган, сувда эрийдиган биологик фаол моддаларнинг барча компонентлари бўлади.

Тайёрланган шарбатларни ўз вақтида, муддатини ўтказмай турли хасталикларни даволаш учун ишлатиш лозим. Агар шарбат меъда-ичак шиллиқ пардаларини яллиғласа, гуруч ёки сули қайнатмасидан 100 г. олиб, 1-2 чой қошиқ тоза асалда аралаштириб истеъмол қилиш керак. Шарбатларни совитгич ёки музлатгичда сақлаш лозим. Ёки қайнатиб, консерва ҳолида сақласа ҳам бўлади.

Мурабболар жуда шифобахш дори-дармон бўлиб, хушбўй, таъми яхши, мазали ва хушбўй ҳидли, шириң, жигарранг, тўқ жигарранг ва қорамтир қуюқ суюқлик. Тайёрлашда стевия ўсимлиги шарбати ҳамда бошқа шифобахш гиёҳлардан тайёрланган экстрактлар аралашмасидан фойдаланилади. Мурабболар балғам кўчирувчи, сурги ва ич қотиравчи ҳамда терлатувчи сифатида истеъмол қилинади.

**Ғоз қанот.** Майда шағалли тоғ ёнбағрида, ўрмонда ўсади. Илдизи қуритилади. Таъми тахир, табиати мўътадил, заҳарсиз. Намликни хайдаш хусусиятига эга. Ревматизмда ғоз қанотдан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда 10 дақиқа қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Сийишни равон қилиш учун, шунингдек, сийдик йўлида тош пайдо бўлганда 120, 0 ғоз қанотини ун қилиб янчиб, кунига 1 чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Темиратки ва қичималарда ғоз қанотидан 200, 0 олиб, 500, 0 сувда қайнатилади ва яраларга салқин ванна қилинади. Микдори: 6, 0-9, 0.

## ЕЛ ҲАЙДОВЧИ ГИЁХЛАР

Оғриқни қолдириш, жигарни тинчлантириш, күнгилни очиш, қусиши түхтатиши, талоқни соғломлаштириш, йүтәлни қолдириш ва нафасни равон қилиш, елни ҳайдаш ва тугунларни тарқатиши каби хусусиятларга эга.

**Қизил атиргул.** Гунчаси йиғилади. Таъми шириң, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Ел ҳайдаш, қон юришини яхшилаш, ҳайзни мүтадиллаш хусусиятига эга. Меъда, асаб фаолияти бузилганда, сурункали меъда хасталикларида қизил атиргул 6, 0, ёввойи қовун 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб кунига 1 чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ҳайз келиши бузилганда ва меъда оғрикларида ичилса, яхши даво бўлади. Миқдори: 3, 0 - 6, 0.

**Турп.** Пишгандан кейин барглари ва уруғини йиғиб, қуритилади. Таъми шириң-аччиқ, табиати мүтадил, заҳарсиз. Нафас қисишида, нафасни яхшилаш, балғам кўчириш, овқатни ҳазм қилдириш, иситмани тушириш ва заҳарни кесиш хусусиятига эга. Томоқ оғриганда, зиққинафасда оқ турп уруғи ва аччиқ ўрик мағзидан 50, 0 олиб, ун қилиб янчиб, кунига 0, 3 дан 2 маҳал ичилади. Ҳиқилдоқ ялииғланиб, товуш бўғилиб йўталганда оқ турп баргидан 15, 0, кўнғироқ гулдан 6, 0, чучукмиядан 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: 6, 0-9, 0. Жигар ялииғланганда, сариқ хасталигида қоринга сув йиғилганда, сийиш қийин бўлганда турпни қирғичдан ўтказиб, шарбатини кунига 2 маҳал 1 пиёладан 7 кунда ичилади ёки турпдан 12, 0, тарвуз палагидан 15, 0, оқ чўғликдан 90, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ичбуруғда, ич кетганда турп баргидан 60, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 4 маҳал ичилади. Ис газидан заҳарланганда ҳам турп шарбатидан 1 пиёла (200, 0) ичилса яхши бўлади. Миқдори: турп уруғи – 9, 0- 15, 0, турп барги – 30, 0.

**Пиёз – Ёввойи саримсоқ.** Тоғ ёнбағрида, ўрмонда, бутазорда ўсади. Пиёзбоши ишлатилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Ел ҳайдаш, күнгилни очиш хусусиятига эга. Кўнгил бехузур бўлиб, кўкрак оғриб, йўтал тутганда ёввойи саримсоқдан 9, 0, аччиқ тарвуз 9, 0, олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ичбуруғ хасталигида ёввойи саримсоқ ва зирқдан 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: – 9, 0.

**Қора андиз.** Буталар орасида, нам жойларда, дарё бўйида ўсади. Таъми аччик, табиати иссиққа мойил. Меъда ва талоқни даволаш, елни ҳайдаш, оғриқни тўхтатиш ва ҳомилани сақлаш хусусиятига эга. Меъдинг сурункали яллиғланишида, қорин дам бўлишида, ўпка хасталликларида қора илдиз 9, 0, ёввойи қовун 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ҳазм қилиш қийинлашиб, меъда ва ичак фаолияти бузилганда қора андиздан 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Қовурғалар орасидаги нервлар шамоллаб оғриганда қора андиздан 9, 0, ёввойи қовундан 9, 0 ун қилиб янчиб, кунига 1 чой қошиқдан 3 маҳал 5-7 кун ичилади. Микдори: 3, 0- 9, 0.

**Патриния - Измик.** Сой бўйида, бутазорда, ўрмонда ўсади. Илдизи йиғиб олиб қуритилади. Таъми аччик, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Қон юришини яхшилаш, елни ҳайдаш, қон тўхтатиш хусусиятига эга. Ҳайз оғриқ билан келганда измик ва ёввойи қовундан 15, 0 олиб, 200, 0 ароққа 7 кун солиб қўйиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Микдори: 3, 0- 9, 0-30, 0.

## СОВУҚНИ ҲАЙДОВЧИ ГИЁХЛАР

Булар исикқа мойил ва иссиқ табиатли бўлиб, танани иситиш, совуқни йўқотиш, меъдани иситиш, оғриқни қолдириш хусусиятига эга. Совуқ туфайли, ички касалликларда (меъда қон томирларининг совуқдан сусайиб қолиши ва оғриши, қусиш, ич кетиши, оёқ-қўл музлаши, томир уриши секинлашишида) яхши ёрдам беради.

**Ажғон – Ёввойи зира.** Экиб ўстирилади. Меваси ва уруғи ишлатилади. Сийдик йўлларида тош пайдо бўлганда, ҳазм фаолияти бузилиб, меъда оғриганда яхши. Микдори: 3, 0- 6, 0.

**Доривор швіт – Арпабодиён.** Экиб ўстирилади. Дори учун уруғи ишлатилади. Табиати исикқа мойил, заҳарсиз. Ел ҳайдаш, оғриқни тўхтатиш, совуқни тарқатиш, иштаҳани очиш, шишларни қайтариш, сийишни равон қилиш, меъда ва талоқ ишини яхшилаш хусусиятига эга. Микдори: 3, 0- 9, 0.

**Сарик зира.** Экиб ўстирилади. Елни ҳайдаш, оғриқни қолдириш, совуқни ва шишларни қайтариш хусусиятига эга. Арпабодиён кўкрак қафасидан пастки соҳаларга таъсир кўрсатса, зира қорин бўшлиғидан юқорида жойлашган аъзоларга таъсир кўрсатади.

**Бувана.** Тоғда, ўтлоқда, жарликда ва сой бўйида ўсади. Жуда заҳарли бўлганидан кузда илдизини йиғиб олиб, қуидагича тайёрланади: 600, 0 буванани сувга солиб қўйиб, 3 кун ҳар куни 3 мартадан сувни алмаштириб, аччиқ таъми кетгунча ювилади, кейин қуритилади. Таъми тахир, табиати иссиқ, заҳарли. Ел ҳайдаш, намликларни йўқотиш, оғриқни қолдириш хусусиятига эга. Бўғим оғриқларида буванадан 3, 0, чаканда 6, 0, қизил чўғлик 9, 0, чучукмия 6, 0, катира 15, 0 олиб, 200, 0 сувда 15 дақика қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Тиш оғригандабуванадан 0, 3 олиб, оғриқ тишга қўйилади. Заҳарланганда буванадан 0, 3 олиб, 1, 5 литр сувга солиб, меъда чайлади. Миқдори: 0, 2- 0, 3.

### **ҚОННИ МЕЪЁРИГА КЕЛТИРИБ, ЖОНЛАНТИРУВЧИ ГИЁХЛАР.**

**Оддий шафтоли.** Данаги тахир, табиати мўътадил, заҳарсиз. Ивиб қолган қонни тарқатиш (кўкарган, қонталаш жойни тез даволаш, ичаклар ишини яхшилаш) хусусиятига эга. Шафтоли гули таъми тахир, табиати мўътадил, заҳарсиз. Сийишни равон қиласи. Шафтоли барги ҳашаротларни ўлдиради. Қоринга сув йиғилганда шафтоли гулидан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 4 маҳал ичилса, яхши ёрдам беради. Қайнатма, сийдикни ҳам равонлаштиради. Аёлларда 2-3 ой ҳайз келмай қолганда шафтоли мағизи 6, 0, зарангза 9, 0, қизил чўғлик 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Шафтоли елими сийдикни тозалаш учун фойдалидир. Миқдори: шафтоли мағизи ва елими 3, 0 – 9, 0: шафтоли гули 3, 0- 6, 0.

**Буёқдор маҳсар.** Экиб ўстирилади. Гуллари сариқдан қизил рангга айланганда сахарда йиғиб олиб, қуритилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Қонни жонлантириш, ҳайзни равон қилиш, ивиб қолган қонни тарқатиш, оғриқни тўхтатиш хусусиятига эга. Катта суюклар бўғими оғриганда буёқдор маҳсар 50, 0, қарағай бутоғи 500, 0, зарангза гули 15, 0 олиб, 170, 0 сувда қайнатиб, сузиб, ароқ қўшиб, 1 чой қошиқдан кунига 2 маҳал ичилади. Сариқ хасталигида маҳсар гули 10, 0, қизил чўғлик 9, 0, шафтоли мағизи 12, 0, чуванчинг 9, 0, занжабил 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ҳайз оғриқ билан келганда маҳсар 15, 0, ёввойи қовун 9, 0, шафтоли

мағизи 4, 5, зарангза 4, 5 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва ҳайз келишидан олдин 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 0, 3-0, 6. Ҳомиладорлар ичиши мумкин эмас.

**Ёввойи қовун.** Ўрмонда буталар орасида, тоғ этагида ўсади. Баҳорда шохлари йиғилади ва қуритилади. Таъми аччик, тахир, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Елни ҳайдаш, оғриқни босиш, тўхталиб қолган қонни тарқатиш ва қонни жонлантириш хусусиятига эга. Меъда оғриғида ёввойи қовундан 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ҳайз оғриқ билан келганда ҳам яхши ёрдам беради.

Микдори: 3, 0- 9, 0.

**Чучқа тароқ.** Дарё бўйларида , сув тўхтаб қолган жойларда ўсади. Дори учун шохлари пўстидан тозаланиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати мўътадил, заҳарсиз. Қонни юргизиш, елни тўхтатиш, овқатни ҳазм қилдириш хусусиятига эга. Қорин дам бўлганда, овқат ҳазм бўлмагандан чўчқа тароқ ва турп уруғидан 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 3, 0- 9, 0. Жигарнинг сурункали яллиғланишида чўчқа тароқ 9, 0, данггўй 9, 0, қизил чўғлик 12, 0 парбун 9, 0 олинади ва 15, 0 арпа ундириласи қўшилиб, 200, 0 сувда қайнатилади, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ҳомиладорлар ичиши мумкин эмас.

**Арслонқуйруқ.** Тоғнинг этагида, йўл бўйида, нам жойларда ўсади. Ер устки қисми ва уруғини йиғиб олиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Жигарни тозалаш, ҳайзни мўътадиллаш, янги тўқималар ҳосил бўлишига ёрдам беради, кўзни равшан қиласи ва сийдикни ҳайдайди. Кон босими ошганда арслонқуйруқ 30, 0, қизил мевали шакаргул 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади. Буйрак ўткир яллиғланганда арслонқуйруқдан 90, 0, зсу барги 9, 0, мангдор 9, 0 чумчуқ тили 9, 0, тут илдизи пўстлоғи 15, 0 олиб, 300, 0 сувда қайнатилади ва кунига ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ҳайз келиши қийинлашганда, бачадон тушганда арслонқуйруқ 15, 0, парбун 9, 0, данггўй 9, 0, катира 15, 0 олиб , 200, 0 сувда қайнатилади ва 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Асаб бузилганда ва кон томирлар девори қалинлашганда (склероз) Хам яхши ёрдам беради. Микдори: арслонқуйруқдан 3, 0-30, 0, уруғи: 3, 0-15, 0.

**Чуванчинг.** Ўрмонда, арчазорда, буталар орасида, дарё бўйида ўсади. Илдизини кузда йиғиб олиб, қуритилади. Таъми аччик, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Жигарни тинчлантириш,

қонни жонлантириш, қонни яхши юргизиш, совук елни тарқатиши, оғриқни қолдириш хусусиятига эга. Жигар яллиғланганда чуванчингдан 6, 0, данггүй 15, 0, ёввойи қовун 9, 0, оқ чүғлик 9, 0, парбун 9, 0, жинтияна 6, 0, арпа ундирамаси 15, 0 олиб, 500, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Соч тўкилишида чуванчинг 21, 0, данггүй 30, 0, оқ чүғлик 30, 0, эгрисурнай 60, 4, беҳи 30, 0 олиб, ун қилиб янчилади ва 70, 0 асалга аралаштириб, бир чой қошиқдан кунига 2 маҳал ичилади ёки хапдори тайёрлаб, кунига 2 маҳал биттадан ичилади.

**Нормушк.** Тоғлиқ жойда ўсади. Баҳорда шохлари, кузда илдизини йифиб олиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совук, заҳарсиз. Қон юришини яхшилаш, ивиб қолган қонни тарқатиши, оғриқни қолдириш хусусиятига эга. Бавосилда жин чотқоли илдизи 90, 0, липак гулидан 15, 0 олиб, 600, 0 ароққа 7 кун солиб, бир чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ҳайз келмагандан жин чотқолидан 9, 0, қизил чүғлик 15, 0, емусов 30, 0, пизак 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 3, 0 – 6, 0.

**Қамчигул.** Нам жойда ўсади. Уруғини кузда йифиб олиб, қуритилади. Ер устки қисми эса ёз ойида тайёрланади. Уруғи, таъми шўр, табиати совук, заҳарсиз. Қон юришини яхшилаш, тугунларни ечиш, оғриқни қолдириш хусусиятигаэга. Бундан ташқари, талоқни тозалайди, ҳўлликни ҳайдайди ва кўзни равшанлантиради. Сурункали жигар яллиғланнишида қамчигулдан (уруғидан) 15, 0, хашибечак уруғидан 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Кўз пардаси яллиғланганда қамчигул уруғидан 9, 0, жинтияна 6, 0, қирқбўғим 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бўғим яллиғланганда қамчигулдан 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб ичилади. Талоқ шишганда, қорин каппайганда қамчигул уруғидан 60, 0 олиб, 500, 0 ароққа 7 кун солиб қўйилади ва кунига бир чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: уруғи 6, 0-9, 0; гули 15, 0.

**Бақлажон.** Кузда уруғи қуритилади. Таъми тахир, табиати совук, заҳарсиз. Қон юришини яхшилаш, шишларни қайтариш, суни кўпайтириш хусусиятига эга. Сут безлари хасталигида – бақлажон уруғини ун қилиб янчиб, 0, 5 дан кунига 2 маҳал ичилади. Думғаза, умуртқа нервлари яллиғланганда бақлажон уруғини 15, 0, хина гули 30, 0, зарангза гули 15, 0 олиб, 500, 0 сувда

қайнатиб, оғриқ жойларга қўйиб, ишқаланади. Хар ҳил синиқларда бақлажон уруғини 50, 0, қайрағоч кавзаги 50, 0 олиб, ун қилиб янчилади ва қунжут ёғидан 50, 0 қўшиб, хамир қилиб, синган жойларга қўйиб боғланади. 17 қундан сўнг ечилади. Микдори: 3, 0-6, 0.

**Қора қўз.** Баланд тоғда, ўрмонда ўсади. Ер устки қисмини ёз ва куз ойида йиғиб, тозалаб ювилади. Майдалаб 1:1 нисбатда сув қўшиб, қозонда паст оловда 4 соат дамланади. Қорамтирилганда тайёрланади. Заҳарли. Ҳайзни мўътадиллаш, қонни тўхтатиш ва оғриқни қолдириш хусусиятига эга. Ҳайз бузилганда, қорин оғриғида, қон тўхтамагандага қора қўз малҳами 0, 3-0, 5 дан оч қоринга 3 кун 2 маҳал ичилади.

## ҚОН ТЎХТАТУВЧИ ГИЁҲЛАР

**Сариқчой (Ғоз ўти).** Тог ёнбагирларида, нам ва соя жойларда ўсади. Кузда ер устки қисми йиғиб қуритилади. Таъми тахир, ошлаш хусусияти бор, табиати мўътадил, заҳарсиз. Қонни тўхтатиш ва қуритиш хусусиятига эга. Қон аралаш қусганда, бурун қонагандаги ғоз ўтидан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади, пахтани ҳўллаб бурунга қўйса ҳам бўлади. Ёки ғоз ўти 9, 0, нилуфар илдизи 9, 0 куйдириб, арча кўмири 9, 0, эгрисурнай 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Камқонликда ғоз ўти 15, 0, чилонжийдадан 10 дона олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 7 қунда 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ичбуруғда ғоз ўти 9, 0, тухумак гули 9, 0, қуён ўти кўмири 9, 0, мамеранчин 6, 0, куста 3, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқ 4 маҳал 5-7 кун ичилади. Микдори: 9, 0-15, 0.

**Бўёқдор рўян.** Йўл бўйида ўсади. Баҳорда барглари, кузда илдизини йиғиб олиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Қонни совитиш, қон оқишини тўхтатиш, қон юришини яхшилаш ва ивиб қолган қонни тарқатиш хусусиятига эга. Ҳўл барглари йирингни йўқотади, шишларни қайтаради. Бўғим яллиғланганда рўяндан 12, 0, зарангза гули 9, 0, тасбих қўноқ уруғи 15, 0, бувана 3, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бурундан қон келганда ва умуман қон оқиши ҳолларида рўяндан 9, 0, кичик жўка 15, 0, оқ чўғлик 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Меъда, ўпка ва қизилўнгач хасталикларида, қон аралаш тупурганда рўян 9, 0, равоч 6, 0 олиб, сарғайгунча ўтда қиздириб, янчиб, ун ҳолида 1 чой қошиқдан кунига 2 маҳал турп суви билан ичилади. Ҳар хил чипқонлар чиққандა ҳўл рўян баргидан олиб, устига 1 чой қошиғида ош тузи солиб эзив, яралар устига қўйилади. Миқдори: 6, 0-9, 0.

**Арча.** Ёш барглари, шохлари ва уруғи, кўмири, йилнинг ҳамма фаслида қўлланилади. Уруғини кузда пишганда йиғиб, қуритилади. Ишлатишдан олдин пўстини олиб ташланади. Барглари таъми тахир, ошлаш хусусиятига эга. Табиати совуқ, заҳарсиз. Конни совитиш, тўхтатиш, ҳўл иссиқни хайдаш хусусиятларига эга. Уруғининг таъми ширин, табиати мўттадил, заҳарсиз. Асабни тинчлантириш, қуруқни намлаш хусусиятига эга. Асаб чарчаганда, уйқусизликда арча уруғи 9, 0, аликат 9, 0 данггўй 6, 0, лунгго 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Туғруқдан кейинги қабзиятда, кувватсизликда арча уруғи 16, 0, кендер уруғи 16, 0 олиб, ун қилиб янчиб, ярим чой қошиқдан 2 маҳал ичилади. Меъда ўн икки бармоқ ичак яллиғланиши ва яраларида, қон қусишлиарда арча барги кўмири 9, 0, ғоз ўти 9, 0, соч кўмири 3, 0 олиб, ун қилиб ягчиб, 1 чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Кўк йўталда ҳўл арча барги 30, 0, қизил мевали шакагул 9, 0, новвот 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

**Оддий эрмон.** Ариқ ёқасида, экинзорда, боғда, ўтлоқда, тоғда ўсади. Ёз бошида гуллари очилмасдан олдин (ғунчалаган даврида) ер устки қисмини йиғиб олиб, қуритилади. Кўмирни ҳам сақлаш мумкин. Таъми тахир, табиати иссиқа мойил, заҳарсиз. Кон тўхтатиш хусусиятига эга. Эрмоннинг кўмири теридаги замбуруғларни йўқотади. Бачадондаги ўスマлар – шишилар қонаганда 60, 0 эрмон кўмирини майда қилиб янчиб, 0, 2 дан кунига 3 маҳал тузсиз қайнатилган гуруч суви билан ичилади. Ҳолсизликда, совуқдан қорин оғриганда эрмон кўмири 6, 0, қонтепар 15, 0, буғу мугузининг уни 15, 0, эгрисурнай 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Тери қичималарида эрмон қайнатмасининг 10 фоизли суви билан тери артилади. Миқдори: 6, 0-9, 0.

## АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ГИЁХЛАР

**Сүмбул (Нардсунбул).** Тоғ этаги ва ёнбағрида, ўтлоқда ўсади. Кузда илдизини ковлаб олиб, қуритилади. Таъми аачикроқ ширин, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Ревматизмни даволаш, оғриқни қолдириш, юрак, асаб хасталигига тинчлантириш хусусиятига эга. Шу миқдорда олинган сумбулга спирт қўшиб, 7 кундан кейин 20 томчидан кунига 3 маҳал ичилади. Асаб фаолияти бузилганда сумбул 30, 0, айнула 9, 0, сарис (ипак акасия) кавзаги 9, 0 олиб, ароққа 7 кун солиб қўйилади ва 1 чой қошиқдан 7 кун 3 маҳал ичилади. Миқдори: 3, 0-9, 0.

**Альбиция (Ипак акасия).** Дараҳт шохлари буталанганда пўстини шилиб олиб, майдалаб, итилади. Таъми ширин, табиати мўътадил, заҳарсиз. Асабни тинчлантириш, хафаликни босиш, қон юришини яхшилаш, оғриқни босиш, пай ва суякларни мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Асаб хасталигига (юрак тез уриб, нафас қисиб, бош айланганда) сирис кавзаги 30, 0, оқ чўғлик 30, 0 олиб, янчиб, 7 кун 0, 5 дан 3 маҳал ичилади. Уйқусизликда сирис кавзаги 300, 0, оқ чўғлик 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ўпканинг ҳар хил шишлирда сирис кавзаги 9, 0, тут илдизининг оқ пўсти 9, 0, кўк ошқовоқ уруғи 15, 0, шафтоли мағзи 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Миқдори : сирис кавзаги 6, 0-12, 0; сирис гуллари, ғунчаси 3, 0-9, 0.

**Қарғатуёқ (Жазбузар).** Ўрмон ёқасида, тоғ ёнбағрида ўтлоқда ўсади. Ёзда ва кузда новдани йифиб олиб, қуритилади. Таъми аччик, табиати исиққа мойил, заҳарсиз. Намликни йўқотиши, заҳарни кесиши, иштаҳани очиш хусусиятига эга. Ревматизм, юрак хасталиклирида жазбузардан 6, 0, арча уруғи 15, 0, қизил мевали шакагул 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Асаб бузилганда, бош оғриганда, бош айланганда, қулоқ шанғиллаганда жазбузардан 30, 0, айнула 6, 0, эгрисурнай 9, 0, кармон 9, 0, гулсаримсоқ 6, 0, парбун 3, 0, чилонжийда 3 дона олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Миқдори: 3, 0-6, 0.

**Кармон (Полигала).** Сув бўйида, ўтлоқда, ўрмонзорда, тогда ўсади. Тана қисмини илдизи ва баргларидан тозалаб, қуритилади. Таъми аччик, табиати исиққа мойил, заҳарсиз. Асабни ва хотирани яхшилайди. Юрак тез урганда, хотира пасайганда, кармондан 9, 0,

игир 9, 0, арча уруғи 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 3, 0-9, 0.

**Темиртикон.** Кузда меваси пишганда йиғиб олиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати исикқа мойил, заҳарсиз. Жигар тозалаш, ел ҳайдаш, қичимани босиш, кўзнинг кўриш қобилиятини яхшилаш хусусиятига эга. Кўзни кўриш қобилияти пасайганда, кўзни беркитувчи парда яллиғланганда темиртикондан 12, 0, жуйхва гул 6, 0, тожигуд уруғи 9, 0, қирқбўғим 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Эшакем тошганда темиртикондан 9, 0, каврак 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 6, 0. Ҳомиладор аёллар ичиши мумкин эмас.

## ҚУВВАТЛАНТИРУВЧИ ГИЁХЛАР

**Қоракурт (Қонтепар - Пўрсилдок).** Тогнинг ўрта қисмida сой ва булоқ бўйида, ўтлоқнинг нам жойида учрайди. Илдизини кузда йиғиб олиб, қуритилади. Таъми ширин, табиати мўътадил, заҳарсиз. Талоқ ва меъдага қувват бериш, чанқоқни босиш хусусиятига эга. Меъда ва талоқ хасталигида, иштаҳасизликда қонтепардан 21, 0, байжу 9, 0, чучукмия 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Камқонликда қонтепадан 15, 0, катира 30, 0, оқ чўғлик 9, 9, аликат 15, 0, чучукмия 3, 0, чилонжийдадан 3 дона олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Болалар иштаҳаси пасайиб қувватсиз бўлиб қолганда қонтепардан 9, 0, байжир кўмиридан 3, 0, чучукмия 3, 0, дўлана кўмири 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Микдори: 30, 0- 120, 0.

**Астрагал (Катара).** Ўрмонзорда, ўрмон ёқасида, бутазорда ўсади. Баҳор ва кузда илдизини йиғиб олиб, қуритилади. Таъми ширин, табиати исикқа мойил, заҳарсиз. Қувват беради, терлашни тўхтатади, шишни қайтаради, оздиради, сийишни равон қиласи. Сурункали хасталиклардан сўнг дармонсизланган касалларга катарарадан 60, 0, қонтепар 30, 0 олиб, қўй гўшти билан шўрва қайнатиб, 50, 0, кунига 1 маҳал ичилади. Буйрак яллиғланиши ва шишларда хом катара 30, 0, тарвуз пўчоғи 60, 0, қуён сабзиси 12, 0 олиб, 300, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

**Сархор – Оқ чингил. Аликат.** Тўқайзорда, тоғ этагида ва тоғда, қуруқ жойда ўсади. Илдиз пўстлоғи ва меваси қуритилади. Мевасининг таъми ширин, табиати мўътадил, заҳарсиз. Буйракни қувватлаш, пай ва суюкларни бақувват қилиш, ўпкани юмшатиш, йўтални қолдириш хусусиятига эга. Жигар фаолиятини яхшилаш, кўзни равshan қилиш учун ҳам ёрдам беради. Илдизининг таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Ўпкадаги иссиқни қайтариб, қонни совитади, йўтални қолдиради, иситмани туширади, қонни тўхтатади. Қон босими ошганда, уйқусизликда, бош айланишида ва оғришида, қулоқ шанғиллашида аликат, пишган эгрисурнай гулларидан 9, 0 дан олиб, чой ўрнида чойнакда дамлаб ичилади. Жинсий ожизликда, асаб чарчагандা ва ихтиломда аликат 9, 0, сариқ девпечак ва қизил мевали шакагулдан 15, 0 дан олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Қанд касаллигида аликат ва қизил мевали шакагулдан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ҳиқилдоқ ўткир яллиғланганда аликат илдизи 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Миқдори: 6, 0-9, 0.

**Эгрисурнай.** Қаламча қилиб ўстирилади. Кузда гулларини йиғиб олиб, хўллигича ишлатилса, хўл эгрисурнай, қуритиб ишлатилса, хом эгрисурнай дейилади. Эгрисурнайдан 600, 0 олиб, 50, 0 аорқ сепиб, қуёшда қуритилади ва чинни идишда сақланади. Хўл ва хом эгрисурнай таъми тахир-ширин, табиати совуқ, заҳарсиз. Хўл эгрисурнай иситмани тушириш, қонни совитиш, қуруқни хўллаб, хилт ҳосил қилиш хусусиятига эга. Хом эгрисурнай эса иситмани тушириб, қонни совитади, манфийликка қувват бериб, қонни асрайди. Пишиқ эгрисурнай таъми ширироқ – тахир, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Манфийликка мадад бериб, қонни қувватлантиради. Қанд касаллигида пишиқ эгрисурнай ва печакгулдан 15, 0, айнула 4, 5 олиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ўрта қулоқ яллиғланганда хўл эгрисурнай шарбатидан ҳар куни 3 маҳал 3 томчидан томизилади. Иситма чиққанда эгрисурнай 30, 0, каврак 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Камқонликда эгрисурнайдан 15, 0, данггўй 6, 0, буғу мугузи кукуни 6, 0, оқ чўғлик 12, 0, қизил мевали шакагул 12, 0, байжу 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ҳайз бузилганда ва ўпка силида яхши ёрдам беради. Оёқ-қўллар оғриганда пишиқ эгрисурнай 15, 0, қонтепар 15, 0, оқ чўғлик 9, 0, печакгул 15, 0,

ёввойи кашмир 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Болалар шамоллаб, иситмаласа хом эгрисурнай 9, 0, аликат илдизи пўстлоғи 9, 0, учкат 9, 0, хўл қамиш илдизи 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 кун 3 маҳал ичилади. Микдори: хўл эгрисурнай 1, 2-30, 0; хом эгрисурнай 9, 0 – 15, 0.

**Қўртут.** Бу замбуруғ тоғда ўсади. Қор кетиши билан йиғиб олиб, офтобда қуритилади. Таъми ширин, табиати иссиққа мойил. Ўпка ва буйрак касалликларини даволашда ишлатилади. Иликни тўлдириш, қонни тўхтатиш, балғамни кўчириш хусусиятига эга. Буйрак ожизлигидан бел ва тизза оғриганда қўртут 30, 0, мўрикат 30, 0 олиб, устига 300, 0 ароқ қуйиб 7 кун қўйиб қўйилади ва 10 томчидан 7-14 кун 2 маҳал ичилади. Ихтиломда қўртутдан 15, 0, катира 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан

3 маҳал ичилади. Ўпка силида қўртут 30, 0, совра гул 15, 0, гулсаримсоқ 12, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Камқонликда, жинсий ожизлиқда яхши ёрдам беради.

Микдори: 4, 5-9, 0.

## МАНФИЙЛИКНИ АСРАЙДИГАН ГИЁХЛАР

**Сариқ мум (прополис).** Табиати мўътадил, заҳарсиз. Ўпкани юмшатиш, йўтални қолдириш, талоқ ва меъдани қувватлантириш, ичакни силлиқлаш, қабзиятни йўқотиш, пешобни равон қилиш, оғриқни қолдириш, меъдани мўътадиллаштириш хусусиятига эга. Буванадан заҳарланганда заҳарни кесади. Сариқ мум – таъми ширин, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Шишларни қайтариш, яраларни тез пишириб, тозалаш, озғин танага мушак пайдо қилиш хусусиятига эга. Томоқ яллиғланиши, меъда сустлигига наҳорга 1 чой қошиқдан асал қўшиб, қайнатилган сув билан ичилади. Қабзиятда асал 30, 0, қамиш илдизи 30, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 кун 4 маҳал ичилади. Ичбуруғда пешоб қон ва йиринг аралаш келганда сариқ мум 3, 0, зирк 15, 0 олиб майдаланади ва 0, 5 дан 3-7 кун 2 маҳал ичилади. Микдори: асал 30, 0, сариқ мум 1, 5-3, 0.

**Шиқилдоқ гул.** Илдизи кузда йиғиб олиб, пўстини шилиб қуритилади. Таъми ширин, табиати совуқ, заҳарсиз. Манфийликни асраш, ўпкани тозалаш, хилт ҳосил қилиш хусусиятига эга. Ўпканинг кавакли силида шиқилдоқ гул 15, 0, байжу 6, 0, ўрик

мағзи 6, 0, танга япроқ 9, 0, чучукмия 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 21 кун 3 маҳал ичилади. Ўпка силида шиқилдоқ гул 9, 0, тут барги 9, 0, гулсаримсоқ 9, 0, ғоз ўти 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 5-7 кун 3 маҳалдан ичилади. Микдори: 9, 0-15, 0.

## **ОВҚАТНИ ҲАЗМ ҚИЛДИРУВЧИ ГИЁХЛАР**

Бу гурӯхга кирувчи ўсимликлар меъда ва талоқ фаолиятини яхшилайди ва овқатни яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради. Иштаҳасизлик, қўнгил айнаши, қусиш, қабзиятда қўлланилади.

Ҳазм хамиртуруши: будушқоқ, сув қамчи ўти ва кўк эрмоннинг ҳар биридан 600, 0 дан олиб, эзид, шарбати олинади, қизил ловия, ўрик мағзидан 600, 0 дан қўшиб, 1, 5 кг бўғдой кепагига аралаштириб, хамир қилиб, 5-7 кун сопол идишга солиб қўйилади. Сарғайиб, ачиған хид келгандан кейин офтобда қуритиб, салқин жойда сақланади. Таъми ширинроқ аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Овқатни ҳазм қилдириш, меъда фаолиятини яхшилаш, эмизикли онада сут кўп келганда камайтириш хусусиятига эга. Меъда ва ичак фаолияти бузилганда ҳазм қилиш ачитқи-қизил чўғлик 9, 0,чуванчинг 6, 0, зарангза гули 9, 0, қовурилган байжу 7, 5, ёввойи кашмир 6, 0, хом занжабилдан 3 дона, айнуладан 3 дона олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 6, 0-12, 0. Эмизикли аёлларга мумкин эмас.

**Арпа ундиrmаси.** Арпани яхшилаб ювиб, 0, 5 литрли чинни идишга солиб қўйилади ва ҳар куни 7 марта совуқ сувда чайиб, 3-4 кун офтобга ёки бирорта хонага қўйиб, 1 см униб чиққач, офтобда қуритиб, сарғайгунча ёки қорайгунча қовурилади. Таъми шўртанг, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Талоқ фаолиятини яхшилаш, меъда фаолиятини меъёрлаш, сутни қайтариш хусусиятига эга. Қорин димланганда, овқат ҳазми қийинлашганда 120, 0 арпа ундиrmасини 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Сут қайтариш учун қовурилган арпа ундиrmасидан 60, 0-120, 0, данггўй 9, 0, қизил чўғлик 9, 0, чуванчинг 6, 0, зарангза гули 9, 0, липак гул 9, 0 олиб, 300, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Микдори: 9, 0-12, 0. Ҳомиладор ва эмизикли аёлларга мумкин эмас.

**Чужгун ундиrmаси.** Куз маккажүхориси. Шоли ёки чужгун сувда тозалаб, ювиб, сопол идишга солиб, кунига 7 маҳал тоза сувда чайилади. Униб чиққандан кейин, офтобда қуритиб, сарғайгунча еки қорайгунча қовурилади. Таъми ширин, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Меъда ва талоқ фаолиятини яхшилаш, овқатни ҳазм қилдириш хусусиятига эга. Овқат ҳазм бўлмасдан қорин димланганда қовурилган чужгун ундиrmаси 0, 9, қовурилган арпа ундиrmаси 9, 0, дўлана қўмири 9, 0, ачитқи 9, 0, қовурилган турп уруғи 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Яна чужгун ундиrmаси 9, 0, қонса 9, 0, ишланган чучукмия 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилса яхши ёрдам беради. Микдори: 6, 0-15, 0.

**Оддий қулмок.** Ўрмонда, бутазорда, ариқ ва кўл бўйида ўсади. Ёз ва кузда яхши гуллаганида гулларини йифиб, қуритилади. Таъми тахир, табиати совуқ, заҳарсиз. Асабни яхшилайди, меъда фаолиятини яхшилаш, овқатни ҳазм қилдир, сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Овқатни ҳазм қилиш бузилганда, қорин димланганда, қовуқ яллиғланганда, шишларда, уйқусизликда яхши ёрдам беради. Микдори: 4, 5-9, 0.

**Дўлана –Қизил дўлана.** Тоғда, дарё бўйида ўсади. Кузда пишган меваларни йифиб олиб, қуритилади. Таъми чучук, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Талоқни тозалаш, ел ҳайдаш хусусиятига эга. Овқат ҳазм қилиш бузилганда, қорин димланганда, меъда кислотаси камайганда дўлана 180, 0, ачитқи 60, 0, қора андиз 6, 0, турп уруғи 30, 0 ун қилиб туйилади, яхшилаб аралаштириб, 6, 5 дан кунига 2 маҳал ичилади. Шунингдек, дўлана, арпа ундиrmаси, ачитқининг ҳар биридан 9, 0 дан олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Болаларнинг ичи кетганида овқатни ҳазм қилиш бузилганда куйдирилган дўланадан 9, 0, ачитқи 6, 0, қовурилган арпа ундиrmаси 6, 0, куста 3, 0, қонтепар 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 чой қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Туғриқдан кейин қорин оғриганда куйдирилган дўлана 60, 0, зарангза гули 3, 0 олиб, 150, 0 ароққа солиб, 3 кун кўйиб қўйилади ва кунига 20 томчидан 3 маҳал ичилади. Микдори: 6, 0-12, 0.

**Беҳи.** Таъми чучмал, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Ҳўлликни ҳайдаш, иситмани тушириш, талоқ ва меъдани иситиш, ел ҳайдаш, овқат ҳазмини яхшилаш хусусиятига эга. Офтоб урганда, ич кетганда, қусишка, талоқ ожизлашганда, бўғимлар

оғриганда ва пай торишганда яхши ёрдам беради. Сабабсиз пайдо бўлган шишларда шарбати ишлатилади. Микдори: 4. 5-9, 0

## ГИЖЖА ҲАЙДОВЧИ ГИЁҲЛАР

Бу ўсимликлар гуруҳига ичак ва ўт йўлидаги паразитлар (аскарида, остріца, лямбilia, солитёр) ва бошқа гижжаларни туширади.

### Шаир – Коврак – Анжудан – Хинг.

**Хинг.** Даштда, тоғ олди текислигига, бутазорда ўсади. Поясини кесилиб, сутини олиб, 1-2 кундан сўнг йиғиб олиб, ўриқ, шафтоли мағзини 1-2 нисбатда қўшиб, туйилади, сопол идишда сақланади. Илдизидан ҳам фойдаланилади. Таъми аччиқ, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Заҳарни кесиш, гижжани тушириш хусусиятига эга. Асаб ожизлигига, уйқусизликда 0, 1 хингни ухлашдан олдин қайноқ сув билан ичилади. Корин димланганда, овқат яхши ҳазм бўлмагандан, безгак ва ичбуруғда, сурункали ҳиқилдоқ яллиғланишида яхши ёрдам беради. Кариесда тиш ковагига қўйилса, оғриқни қолдиради. Заҳарли қурт-қумурскалар чаққан жойга қўйилса, оғриқни босиб, заҳарни кесади. Микдори: 0, 5-0, 2. Талоғи ва меъдаси заифлашган одамларга мумкин эмас.

**Мовигул – Ёпишқоқ ўт.** Майда шағал-тошли тоғ этагида, йўл ёқасида ва мол бокиладиган жойларда ўсади. Меваси, уругини кузда йиғиб олиб, қуритилади. Таъми тахир, аччиқ, табиати мўътадил, бир оз заҳарли. Гижжани тушириш учун ёпишқоқ ўтдан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 3 кунгача ҳуқна қилинади. Аёллар жинсий йўллари қичиса, қайнатма билан спринцевание қилинади. Микдори: 3, 0-6, 0.

**Оқарқаро.** Баланд тоғ ўтлоғида ва тош-шағалли ёнбағирларда ўсади. Илдизи ва гуллари ишлатилади. Таъми тахир, табиати совук, заҳарли: суварак, пашша, чивин ва бургаларга қарши курашишда ишлатилади. Микдори: 100, 0 оқарқарога 500, 0 керосин.

**Ошқовок.** Уруғи ва бандини йиғиб олиб, қуритилади, туйиб, сопол идишда сақланади. Таъми ширин, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Гижжани тушириш, сутни кўпайтириш, банди эса ҳомилани асраш хусусиятига эга. Мевасининг юмшоқ эти заҳарни кесиш, яллиғланишни йўқотиш ва оғриқни қолдириш хусусиятига эга. Аскаридани тушириш учун ошқовоқ уруғидан 120, 0 олиб,

туйиб, 200, 0 сувда қайнатиб, оч қоринга қайнатманинг ҳаммасини ичилади, 2 соатдан кейин шўрдан тозаланган табиий натриум сульфурикum сувда эритиб, қайнатилади ва совутилади. Шунда кристалл ҳосил бўлади. Майда тўғралган 120, 0 турп 1:1 нисбатда сув билан қўшилиб, яхшилаб пиширилади ва устига юқоридаги кристаллдан 3 кг қўшиб, яна 20 дақиқа қайнатилади. Кейин 1 кечада кўйиб қўйилади. Устидаги суви тўкиб ташлаб (қолган қисми тозаланган шўр кристали бўлади) 18, 0 олиб, 100, 0 қайнатилган сувда эритиб ичилади. Чақалоқлардаги темираткини даволашда қовоқ бандидан 120, 0 олиб, сарғайгунча қовурилади, 30, 0 замча қўшиб туйилади ва 50, 0 кунжут ёки пахта ёғи билан аралаштирилиб, малҳам тайёрлаб, темиратки устига суртилади. Онада сут кам бўлганда ошқовоқ уруғидан 12, 0 олиб, туйиб,

1 чой қошиқ асал қўшиб, оч қоринга 3 кун 2 маҳалдан ичилади. Болаларни қўқракдан ажратиш қийин бўлганда ошқовоқ палагидан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 5-7 кун 2 маҳал ичилади.

## ТИЗГИНЛОВЧИ ВА ОШЛОВЧИ ГИЁҲЛАР

Бу ўсимликлар кўп терлаш, сурункали ичбуруғ, сийдик тутолмаслик, бачадондан қон оқишида яхши ёрдам беради.

**Анор.** Қон оқишлиарда анор пўчоғидан 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 30, 0 асал қўшиб, кунига 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади. Гижжа тушириш учун внор пўчоғи 3, 0, сарҳис 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, оч қоринга қайнатманинг ҳаммасини ичилади. Болаларга 70, 0 дан берилади ёки 100, 0 тўғри ичакка ҳуқна қилинади. Лямблияни тушириш учун анор пўчоғи 30, 0, тозаланган шўр 6, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, иккига (100, 0 дан) бўлиб, оч қоринга ичилади. Тўғри ичак чиқиб қолганда анор пўчоғи 30, 0, замча 15, 0 олиб, 1 литр сувда қайнатиб буғланади. Мўртак безлари, оғиз бўшлиғи яллиғланганда анор пўчоғидан 15, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатилади ва оғиз ҳамда томоқ чайилади. Миқдори: 3, 0-9, 0.

**Олхирот.** Меваси яхши пишганда қоқи қилиб қуритилади, куйдириб кўмири (қуритилган айнула пўсти кўтарилигунча қрвурилади ва озгина сув сепиб, офтобда қуритилади) ҳам ишлатилади. Таъми чучмал, табиати иссиққа мойил, заҳарсиз. Ич кетишини тўхтатади, ўпкани ошлаб, йўтални қолдиради, хилт ҳосил

қилиб, чанқоқни босади ва гижжаларни туширади. Ўт йўлида лямблия бўлганда айнула 10 дона, ревень 6, 0, оқ чўғлик 21, 0, кавовучин 4, 5, қил япроқли эрмон 15, 0, сархис 9, 0, қора андиз 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 4 қисмга бўлиб, оч қоринга кунига 2 маҳал ичилади. Узоқ тузалмайдиган жароҳатларда (трофик яралар) айнула кўмири кукун қилиб сепилади. Миқдори: 3, 0-9, 0.

**Нилуфар.** Кўлда ўсади. Гуллари, гул бўғимлари, япроғи, уруғи ва баҳорги куртакларни йифиб олиб, қуритилади. Япроқларни куйдириб, кўмири ҳам ишлатилади. Поясини эрта баҳорда бўғимидан ажратиб олиб қуритилади ёки кўмир қилинади. Уруғининг таъми ширин-таксир, табиати мўътадил. Танага қувват беради, талоқни тозалайди, манийни тизгинлаш ва ич кетишини тўхтатиш хусусиятига эга. Нилуфар куртагининг таъми такир, табиати совуқ, юракдаги иссиқни олиш, қон босимини тушириш хусусиятига эга. Гул косачасининг таъми такир бўлиб, ошлаш хоссасига эга, табиати иссиқقا мойил, қон тўхтатиш хусусиятига эга. Гули ширин-таксир, ҳўлликни ҳайдаб, қонни тўхтатади. Нилуфар уруғи (оталиги) таъми ширин бўлиб, қонни совитиш хусусиятига эга. Манийни тизгинлайди. Нилуфар барглари, баргбанди билан олинади, таъми аччиқ, табиати мўътадил, иситмани тушириш ва қонни тўхтатиш хусусиятига эга. Нилуфарнинг илдизсимон поялари – бўғими таъми ширин, қонни тўхтатади, табиати мўътадил.

Қон босими ошганда, асаб бузилганда, бош айланишида нилуфар муртагидан 9, 0 олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал 7 кун ичилади. Қувватсизликда, сурункали ич кетишида, уйқусизликда ва ичбуруғда нилуфар уруғини 9, 0, тасбех қўноқ 12, 0, чилонжийда 10 дона олиб, 200, 0 сувда қайнатиб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бачадондан қон оқишида нилуфар гули кўмири косачаси туйиб, 7 кунгача 0, 5 дан 3 маҳал ичилади.

## **ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАРЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХОССАЛАРИ ВА ГАЛЕН ДОРИ-ДАРМОНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ**

Ҳозирги кунда қўлланилаётган шифобахш ўсимликларнинг барча турлари биологик моддаларнинг фаоллиги билан ажралиб

туради. Бу воситалар таркиби ниҳоятда хилма-хил бўлиб кимёвий жиҳатдан бевосита алоқадор.

Қуритилган хом ашё таркибидаги биофаол моддалар қимматлиги янги йифилган ўсимликлардаги каби бўлмайди. Шунинг учун ҳам янги йифилган ўсимлик хом ашёларидан дорилар, малҳамлар, қайнатмалар тайёрлашда биофаол моддаларни сақлаб қолиш, уларнинг табиий ҳолда бўлишига ҳаракат қилиш керак.

Маълумки, шифобахш ўсимликларни йиғиш, қуритиш, сақлаш энг яхши шароитда олиб борилса ҳам таркибидаги биофаол моддаларнинг бир қисми парчаланиб кетади. Масалан, марваридгул хом ашёсини 1 йил сақлаганда таркибидаги биофаол моддалар – 77%, бангидевонаники – 30% га, валериананики - 50% гача камаяди. Шу сабабдан ҳалқ табиблари қадим замонлардан янги йифилган ўсимликлардан қайнатмалар, малҳамлар тайёрлашган ва хоказо.

Анор, беҳи, қулупнай, зирк, лимон ва бошқа меваларнинг шарбатларини тайёрлаб, устига бодом мойи кўйиб, шифобахшлигини янада оширишган.

Шифобахш ўсимликларнинг биологик фаол моддалари ичида алкалоидлар алоҳида аҳамиятга эга.

**Алкалоидлар** – мураккаб табиатли бўлиб, ўсимликлар хом ашёси асосни ташкил этувчи, кимёвий тузилишга эга. Арабча “алкал” (ишқор) ва юононча “ейдос” (ўхшаш, монанд) сўзларидан иборат. Дастребки алкалоид кўкнор ширасидан олинганидан юонон худоси ўғли Морфий шарафига, Морфий деб ном берилган. Кейинроқ яна бошқа ўсимликларда юқори фаолликдаги алкалоидлар ажратиб олинади. Масалан, стрихнин, бруцин, қаҳваин, никотин, хинин, атропин ва бошқалар. Замонавий доришуносликда алкалоидлар жуда кенг қўлланилади.

Алкалоидларнинг тузлари сувда тез эрийди, шу туфайли биофаол қувватбахшлиги бир неча баробар ортади.

Таркибидаги алкалоидлар бўлган дори- дармонлар соғлом ёки беморларни даволашда, кайфиятини кўтаришда, хуллас физиологик жараёнларни йўлга солишда энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Алкалоидлар асабни тинчлантирувчи, аксинча кўзғатувчи, юрак-қон томирларни кенгайтирувчи ёки торайтирувчи, мускул ва

мушаклар фаолиятига барқарорлик, фаоллик бағишлоччи хилмахил тавсифларга эга.

Мамлакатимизда алкалоидларга бой ўсимликлар дунёси мавжуд.

Алкалоидларнинг энг қувватли даври ўсимликларнинг ғунчалаган, гуллаган вақтига тўғри келади. Куритилган ўсимликларда жуда кам: 2-3% гача бўлади.

**Гликозидлар** - табиатиан азотсиз, шакарли (гликон) ва шакарсиз (агликон) қисмлардан таркиб топган молекулалардир. Гликозидлар таъсири асосан шакарсиз қисмига қараб аниқланади.

Гликозидларнинг алкалоидлардан фарқи шундаки, улар сақланганда ўсимликлардаги ферментларнинг ўзи ёки турли физик омиллар таъсирида тез парчаланиб кетади. Ферментлар гликозидларни дарров парчалагани туфайли, эндиғина юлинган ўсимликларда гликозидлар бўлинади ва оқибат натижада шифобахш хусусияти камаяди. Шу сабабли, гликозидлари бор ўсимликларни йиғишида, тезлик билан қуритиш керак. Сақланганда зах босишдан, нам тортишдан эҳтиёт қилиш лозим.

Тиббиётда гликозидлар сурги сифатида кенг қўлланилади. Итшумрўт, равоч, сано, сабур (алоэ) каби бир қатор ўсимликлардан олинади ва антрагликозидлар, деб номланади.

Аччиқ гликозидларга эга бўлган баъзи ўсимликлар тиббиётда bemорлар иштаҳасини қўзғатувчи восита сифатида қўлланилади, шувоқ, эрмон, момоқаймок, газак ўт кабилардан олинади. Меъдадан кислота ажралиб чиқаришга ёрдам беради, бинобарин овқат ҳазм бўлишини яхшилайди.

Гликозидларнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, жуда кўп ўсимликларда – сапонин (сувда қўпикланадиган органик модда) бўлади. Сапонинлар 70 дан ортиқ ўсимлик турларида топилган, энг фаоллари чиннигул ва наврўзгуллар оиласига мансуб ўсимликлар. Тиббиётда сапонинларга эга ўсимликлардан балғам кўчирувчи (истод, гули кўк, наврўзгул), сийдик ҳайдовчи (буйрак чой ўти), сафро ҳайдовчи (далачой) сифатида фойдаланилади. Айрим сапонинлар қон босимини тушириш, қустириш, терлатиш каби хусусиятларга эга ва хоказо

Эфир мойлари – ўсимликларнинг асосан гулларида, баргларида, ҳосилаларида бўлади, хушбўй, енгил учувчи моддалардан ташкил топган. Эфир мойлари ўсимлик хом ашёсидан қайноқ сув ёки буг ёрдамида ҳайдаб олинади.

Оддий ёғларга үхшаса-да, кимёвий таркибиға күра уларни ёғлар қаторига қўшиб бўлмайди. Чункт эфир мойлари турли терпеноидлар ва терпеноидларга үхашаш моддалар аралашмасидан ташкил топган.

Ҳозирги кунда 2000 ортқ ўсимликлар таркибида эфир мойи борлиги аниқланган. Қалампирялпиз, валериана, судралиб ўсувчи тоғжамбил, тоғрайҳон, лимонўт, ёвшан, мармарак, шивит жумласидан. Уларда янгилик пайтида 18-20% гача эфир мойи бўлади.

Баъзи дориларни тил остига ташланади, у шиллик қаватлар орқали сўрилади.

Баданга пластир ёпишириб, тери орқали дори юбориш усулида организмга аста-секин меъёрдаги миқдор юборилади. Ингаляция усулида дори билан даволаш ҳам жуда фойдали.

Шундай қилиб, биз инсон организмига дори юборишнинг асосий усуллари билан танишиб чиқдик. Уларни юқорида санаб ўтилган усулларда инсон ички аъзолари қабул қилиб оларкан, дорилар дастлаб қонга аралашади ва сўнг оқсил моддаларга қўшилади. Шу ўринда узоқ муддатли таъсир кучга эга бўлган (пролангирован) дорилар ҳам борлигини ёдда тутиш зарурки, уларнинг айримлари бевосита организмнинг ўзида кучли таъсир қилиш (кумуляция) йиғилиш хусусиятига эга бўлади. Бу усулда кейинчалик организмга фақат ёрдамчи миқдор юборилишини ҳисобга олиш керак.

Қонга ўтган дори моддаси дарҳол ички аъзолардан ташқариға буйракдан сийдикка, ўтдан нажасга чиқариб ташланади. Эмизикли аёллар сутидан чақалоқларга ўтади. Шунинг учун дори истеъмолида bemorniнг жигар ва буйрагини ҳисобга олиш керак. Жигар хасталиги бўлганида ёки буйракнинг ажратиб чиқариш хусусияти бузилишларида дорининг миқдори камайтирилса, аксинча, пешоб тезлашган (кўп ейиш) холатларида қўпайтирилади.

Икки ва ундан оритқ дориларнги бир вақтда қўллаш зарурати туғилганда, албатта уларнинг мутаносиблигини ўйлаб кўриш керак.

Сўнгги йилларда янгидан-янги дори-дармонларнинг сони қўпайиб кетди, ҳатто салбий таъсир қиласиганлари ҳам кўп. Бундан жуда эҳтиёт бўлиш керак, яъни ўзбилармонлик билан, шифокор маслаҳатисиз асло дори ичмаслик керак, чунки буйрак, жигар ва қон яратилишига ёмон таъсир кўрсатади. Ҳадеб бир хил дорини

ичаверганда эса, организм унга ўрганиб қолади. Бориб-бориб дори таъсир қилмай қўяди.

Шу ўринда антибиотиклар ҳақида икки оғиз. Миср папирусларида кўк моғорнинг шифобахшилик хусусияти таъкидланади.

Буни 1929 йилда инглиз олим А. Флеминг стафилококнинг ўсишини тўхтатиш орқали исбот қилди. У пенициллин, деб аталган маданий суюқликлар қоришмасини тайёрлашга эришди. Эндиликда антибиотиклар миқдори “ЕД” – таъсир бирлиги (единица действия) да аниқланади. Бу таъсир бирликлари барча ҳолларда 100% пенициллинга сезгирилиги бор стафилококк учун аниқланганлиги олимлар томонидан тасдиқланган. Масалан, стрептомицин, тетрациклини гурухига мансуб антибиотиклар, яримсунъий пенициллинлар ва “кенг қўлламиш учун” антибиотиклар пайдо бўлди.

Шуни унутмаслик керакки, антибиотиклар (грекча “anty” – қарши К “bios” - ҳаёт) микроорганизмлар ҳаёт фаолиятини сўндириш учун хизмат қилиш билан бирга касаллик тарқатувчи микроорганизмлар ҳаётига заарли, ҳатто ачинарли оқибатлари ҳам бор. Шунинг учун антибиотиклар билан даволашда, уларга сезгириликни, албатта синама орқали аниқлаш шарт.

## ЎСИМЛИКЛАРДАГИ БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР

### Алколоидлар

Алколоидлар (арабча “алкали” сўзидан олинган бўлиб- ишқор, юонча “ейдос” – ишқорсимон деган маънони билдиради) мураккаб органик моддалар бўлиб, асосан ўсимликларда ҳосил бўлади. Таркибида азот тутади. Аччиқ, баъзан заҳарли, аммо оз миқдордагиси тиббиётда қўлланилади. Биринчи алколоид 1806 йилда кўкнори таркибидан ажратиб олинган бўлиб, морфий, деб аталган. Бу ном юонон афсоналаридаги уйқу худоси Морфий номига қўйилган. Бу ўта кучли оғриқ қолдирувчи ва уйқу келтирадиган модда.

1918 йили стрихнин ажратиб олинди. Бу кучли заҳар бўлиб, оз миқдордагиси асабларни қўзғатувчи восита сифатида қўлланилади. 1919 йилда хинин дарахтидан алколоиди ажратиб олиб, безгакка қарши қўлланилади. 1931 йили атропин алколоиди кашф этилди, (итузум оиласидан заҳарли ўтсимон ўсимлик, мингдевона,

бангидевона), организмда ҳар хил таъсир қиласи, айниқса, марказий асаб тизимини қўзғатади. Жанубий Америкада какао ўсимлигидан кокаин олинди, тери остига юборилганда нерв учларига таъсир қиласи ва карахт қиласи. Ҳиндистон ва Шри-Ланкада ўсадиган илонсимон раувольфидан резерпин алколоиди ажратиб олинган бўлиб, қон босимини туширади, шизофренияда қўлланилади.

Морфин кўкнори кўсагининг сут ширасида, кофеин қаҳва донида, никотин тамаки баргода, хинин дарахти пўстлоғида учрайди. Алколоидлар ўсимликларда соф ҳолда эмас, балки айрим кислоталарнинг – олма, лимон, шовул ва бошқаларнинг тузи ҳолида учрайди. Алколоидлар сувда эримайди, спирт ва эфирда осон эрийди. Кислоталарда эриб, тузлар ҳосил қиласи. Тиббиётда, асосан, сувда эрийдиган турлари ишлатилади. Ҳозирги вактда алколоидга бой 10 000 дан ортиқ ўсимликлар аниқланган.

### **Оқсиллар**

Оқсилнинг асосий вазифаларидан бири ферментатив фаол бўлиб, барча хужайра ва тўқималар таркибига киради. Бундан ташқари, оқсил организмдаги асосий биологик жараёнларда қатнашади. Оқсил ҳам энергия манбаи ҳисобланади.

### **Эфир мойлари.**

Эфир мойлари ўсимликларда ҳосил бўлади, ёғлардан худди эфирга ўхшаб учувчанлиги билан фарқланади. Кучли ҳиди бор. Асосан ўсимликнинг гули, барги, мевасида, баъзан томирида йигилади. Ўсимликларда 2000 дан ортиқ эфир мойлари мавжуд. Эфир мойлари иссиқ сув ёки буғда осон ҳайдалади. Брак фаолиятини яхшилаш, асаб тизимини мустаҳкамлаш ёки сусайтириш, йўтални қолдириш, ўпкада балғамни кўчириш, бактерицид, ассептик, сийдик ҳайдовчи, гижжага қарши хусусиятга эга. Бундан ташқари, қон босимини туширади. Бош мия ва юрак қон томирларини кенгайтиради. Меъда фаолиятини яхшилайди. Озиқ-овқат: парфюмерия ва бошқаларда ишлатилади.

### **Витаминлар.**

Витамин лотинча “витос” – ҳаёт сўзидан олинган. Витаминлар тузилиши ва таркиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласидиган органик моддалардир, асосан ўсимликларда ва микроорганизмларда синтезланади. Одам организми зарур миқдордаги витаминни овқат билан олади. Витамин С га бўлган талаб одамнинг ҳаёт фаолияти ва ёшига боғлиқ ҳолда ўзгариб

боради. Агар одам организмida бирорта витамин етишмаса ёки ортиқча бўлса гиповитаминоz, авитаминоz ва поливитаминоz ёки кўп миқдордв истеъмол қилишдан гипервитаминоz пайдо бўлади. Бу витаминлар эрувчанлигига қараб икки группага бўлинади; сувда ва ёғда эрийдиганлар. Сувда эрийдиган витаминларга: C, B1, B2, B5, B6, B9, B12, H, P, PP. Ёғда эрийдиган витаминларга: A, D, E, K.

Витамин C (аскорбин кислота) сувда эрийди. У витамин B9 билан бирга организмда темир моддаси ўзлашишини осонлаштиради ва қизил қон таначалари ҳосил бўлишини яхшилайди. Витамин C гиповитаминозида қон томирларининг ўтказувчанлиги бузилиб, тери остига қон қуйилиши, милқдан қон оқиши кузатилади, бу касаллик цинга деб аталади. Цингада суяк тўқимаси шикастланади, тишлар мўрт бўлиб, эрта тушиб кетади. Витамин C юқумли сил, ичбуруғ, бўғма касалликларида микробларга қаршиликни оширади.

Витамин C укроп, наъматак, қалампир, қўк пиёз, райхон, қорағатда, чакан, крижовник, карамда, лимон, мандарин, апельсин, ёнғоқда бўлади.

Витамин B1 (тиамин) барча моддалар алмашинуви жараёнида фаол иштирок этади. Витамин B2, B3, B6 лар билан бирга организмда оқсилни углеводга, углеводларни ёғларга айлантиради.

Витамин B1 етишмаганда қонда пируват миқдори ортиб кетади. Бу эса тўқималарга ва периферик асад тизимиға салбий таъсир этади ва Бери-бери касаллигини келтириб чиқаради. Бу касаллик энди ривожланаётганда, одамнинг иштаҳаси йўқолиб, озиб кетади. Терининг сезгирилиги пасайиб, юрак фаолияти бузилади.

Витамин B1 қора унда, бўғдой унида, гуручда, ловия, мош, нўхат, рангли карам, картошка, ер ёнғоқ, айникса, ачитқи ва квасда кўп бўлади.

Витамин B2 (рибофлавин) углевод, липид ва ёғлар алмашинуvida қатнашади. Витамин PP нинг фаолиятини яхшилайди. Гемоглобин синтезини тезлаштиради, марказий нерв тизими ишини яхшилайди, кўз гавҳарининг равшан бўлишида қатнашади. Бу витамин етишмаса шиллиқ қаватлар, биринчи навбатда, оғиз бўшлиғи яллиғланади, болаларнинг ўсиши секинлашади, озади, камқонлик пайдо бўлади, салга толиқиб қолади, кўз касаллиги, кўз хиралashiши вужудга келади, кўз тез толиқади.

Бу витамин барча ҳайвон маҳсулотларида (айниқса, жигарда, буйракда ва юрак мускулларида) сутда, қатик, пишлок, гүшт, тухум сариғида кўп бўлади.

Витамин В6 (пиридоксин) оқсилилар алмашинуvida алоҳида ўрин тутади. Меъдада кислота ишлаб чикарилишини яхшилайди, етишмаса асаб бузилиши касаллигига йўлиқиши мумкин. Эмадиган болаларда томир тортишади, уйқучан бўлиб қолади, ўсишдан орқада қолади. Бундан ташқари, меъда касаллиги, иштаҳанинг йўқолиб кўнгил айнаши, тери ва қўз шамоллаши вужудга келади. Витамин В6 бўғдой муртаги, нўхат, ловия ва гўшт маҳсулотлари, гулкарам, хўжағат, гилос, кулупнайда ва ачитқида кўп бўлади.

Витамин В12 (кобаламин) биологик жиҳатдан жуда фаол. Витамин В12 факат микроорганизмлар (ичак микрофлораси) томонидан синтезланади. Асосан эритроцитларнинг шаклланишида иштирок этади. Етишмаса хавфли камқонлик келиб чиқади. Бу касаллик нерв тизими бузилиши ва меъда шираси таркибидаги кислота миқдорининг кескин камайиши билан кечади. Ўз вақтида даволанмаса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу витамин гўшт, жигар, буйрак, сут, пишлок, тухум сариғи, денгиз карами, балиқ, балиқ маҳсулотларида кўп бўлади.

Витамин Н (биотин) юононча “биос” – ҳаёт сўзидан олинган) етишмаса одам дерматит, гуш (экзема) ва себорея касалликларига чалинади. Биотин ёғ оқсили ва углевод алмашинуvida иштирок этади. Организмда бу витамин етишмагандан ёғ кислоталар синтези секинлашади, глюкозанинг оксидланиши сусаяди, витамин С ҳосил бўлиши бузилади. У ўсимликлар баргода, айниқса, алоэ, карам, пиёз, шунингдек, буйрак, гўшт, сут ва тухум сариғида кўп бўлади.

Асосан организмда оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида қатнашиб, витамин С нинг биологик фаоллигини оширади. Бу витамин етишмаганида капиллярлар мўрт бўлиб қолади, тери остига қон қуйилади, сийдик қизариб кетади, қалқонсимон безлари меъёрдан ортиқ ишлай бошлайди. Одам салга толиқиб, ҳоли курийди.

Витамин Р апельсин, лимон, наъматак, кўк чой, қорағат, қора қалампир, мурчда ва бошқаларда бўлади.

Витамин РР (никотинат кислота) итальянча (pellagra). Бу витамин етишмагандан углеводлар, аминокислоталар ва липидларнинг оксидланиши бузилади, натижада, тери яллиғланади, ич кетади ва хотира пасаяди. Бундан ташқари, оғиз бўшлиғи

яллиғланади, юрак қон-томир тизимининг фаолияти бузилади. Организмда 40 дан ортиқ биокимёвий реакцияларда қатнашади.

Витамин РР етишмаслиги натижасида, одам ўта таъсирчан, уйқусиз, ҳоли қурийдиган, салга чарчайдиган бўлиб қолади. Мол жигари, қўй, балиқ, ачитилар, нўҳат, ловия, карам, картошка, турп, помидор, исмалоқ ва бошқа ўсимликларда бўлади.

### **Ёғда эрийдиган витаминалар**

Витамин А (ретинол) шапкўрликни аниқлашда кашф этилган. Бу витамин етишмагандан ёш организм ўсишдан тўхтайди, боланинг вазни камаяди. Тери ва шиллиқ пардалар қуриб, эпителийнинг юза қатламлари кўчиб тушади, натижада, ўтказувчанлиги кучайиб, организмнинг юқумли касалликларга мойиллиги ортади. Бу витаминни кўп миқдорда истеъмол қилиш, турли хил касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Чунончи, одамнинг боши оғриб, айланади, қайт қилади, териси пўст ташлаб, сочи тўкилади. Витамин А сариёғ, қаймоқ, жигар, балиқ ёғи, тухумда бўлади. Унинг синфдоши бўлмиш каротин сабзи, қизилқалампир, помидор, шафтоли, лимон, ўрик, ошқовоқ, чаканда, наъматақ, четанда бўлади. Шунингдек, кашничсимон, шивит, шовул, қўк пиёз, исмалоқ ва бошқа ўсимликларда учрайди.

Витамин Д (кальциферол) суюнда кальций ва фосфорнинг йигилишини таъминлаб, скелетнинг шаклланишида фаол иштирок этади. У етишмагандан суюклар ниҳоятда юмшоқ бўлиб қолади, ҳатто бола гавданинг оғирлигини кўтара олмайди. Витамин Д етишмаслиги туфайли рахит билан касалланган болаларда сут тишлар чиқиши, айниқса дентиннинг ривожланиши кечикади. Бу витамин ички секреция безларини идора этишда, холестерин алмашинуvida муҳим роль ўйнайди.

Витамин Д организмга овқат билан тушади, айниқса, балиқ маҳсулотларида, сарёғда кўп бўлади. Организмда унинг асосий қисми қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида стероидларнинг ҳосилаларидан вужудга келади.

Витамин Е (токоферол) юононча “токос” – авлод, “форо” – келтирмоқ сўзидан олинган. Бу витамин организмларнинг кўпайишида алоҳида вазифани бажаради. Витамин етишмагандан одам насл қолдира олмайди, чунки тухум ва сперматозоидлар яхши ривожланмайди, натижада, ҳомила яхши ўсмайди, онада кўкрак сути ҳам камаяди. Булардан ташқари, витамин Е одам

организмининг касалликлариға қаршилик қўрсатиш хусусиятини оширади. У эрта қаришнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.


Организм витамин Е ишлаб чиқмайди, тайёр овқатдан олинади. Бу витамин кунгабоқар, маккажўхори, пахта, ерёнғоқ, ёнғоқ ёғи, ловия, ясмиқ, нўхат, бўғдой, сулининг кўк муртаги, чаканда, ошқовоқ уруғида учрайди.

Витамин К (филлохинол). Кон кетишини тўхтатади, қон ивишини тезлаштиради. Фибриногенни фибринга айлантиришда қатнашади. Бундан ташқари, у яраларни, қуйганни, совуқ олган жойларни битиради, оғриқ қолдиради. Касаллик пайдо қилувчи бактерияларни ўсишдан тўхтатади, ичакнинг қисқаришини яхшилади. Витамин К етишмаганда, бурун қонайди, тери ва мускулларга, меъда-ичак йўллариға қон қуилади, ичак қисиши ёмонлашади. Юрак ва жигар дард тортади. Витамин К ёш беда, исмалоқ, карам, кўк ловия, сабзи, помидор, ошқовоқ, картошка, четан, чаканда, наъматак, қорағатда ва бошқа ўсимликларда учрайди.

## ХІІІ. БОБ. ЮРАК ВА ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ

**Аритмия** - юрак уришининг частотаси, мароми ва изчиллигининг бузилиши.

Юрак уриши маромини организмнинг маҳсус марказлари бошқаради, улардан ўтказувчи йўллар бўйлаб юрак бўлмаларига ва юрак қоринчасига импульслар келади. Ўнг юрак бўлмасида жойлашган синусли тугунда туғилиб, электрик импульс нормада юрак бўлмаси – юрак қоринчasi тугунига келади, унда эса Гис боғлами бўйлаб бевосита юрак қоринчаларига бориб, уларни қисқартиради (Расм 14).



Юракни ўтказувчи тизими:  
Синоатриал боғлам;  
Атриовентрикуляр боғлам;  
Гис боғламиning ўнг оёқчаси;  
Гис боғлами;  
Гис боғламиning чап оёқчаси;

Пуркмнъе талолари.

Ўтказувчи тизимнинг ҳар қандай қисмида ўзгаришлар содир бўлиши

мумкин, бундан маром (ритм) ва ўтказувчанликда хилма-хил бузилишлар келиб чиқади. Аритмия сабаблари ҳар хил бўлади:

юрак касалликлари (миокардитлар, нуқсонлар, ардиомиопатиялар, инфаркт);

электролит мувозанатнинг бузилиши (қонда калий, кальций, магний таркибларининг ўзгариши);

асаб тизимининг бузилиши (неврозлар, стресс);

қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши (тиреотоксикоз, гипотиреоз);

захарли моддалар (никотин, алкоголь), айрим дориларнинг таъсир қилиши ва ҳоказолар.

Тинч ҳолатларда (эрталабки пайт, ётган пайтда, оч-наҳор юрганда, комфорт шароитларда) кўпчилик катта ёшдаги соғлом одамларда юрак қисқариши (уриши)нинг ўртacha частотаси 1 дақиқада 60-90 зарб бўлиши керак.

Юрак уришини бир пиёла қаҳва ёки аччиқ чой ичгандан кейин камида 30 дақиқа ўтгач ўлчаш лозим. Ўлчаш олдидан киши оёқ-қўлини ёзиб, 5 дақиқача дам олиши керак.

## АРИТМИЯ АЛОМАТ СИМПТОМЛАРИ

Аритмия турли хиллари бўлади: маромнинг тезлашуви (**тахикардия**) ёки секинлашуви (**брадикардия**), юрак қисқаришларининг вақтидан олдин (**экстрасистолия**) ёки тартибсиз уриши (**ҳилпилловчи аритмия**) ва ҳоказо. Беморлар шунда қуйидагиларни ҳис этишлари мумкин:

юракнинг тез-тез уриши;

рак атрофида ёқимсиз, бежо сезгилар;

юрак атрофида кучли туртки ёки унинг тиниб қолиши;

организмнинг умумий ҳолсизлиги:

бош айланиши.

Аритмияларнинг айрим турларида бирон-бир нохуш субъектив сезгилар ҳосил бўлмайди, булар фақат пульс (томир уриши)ни текширганда ва (ёки) электрокардиограммани таҳлил қилгандан маълум бўлади.

**Тахикардия.** Синусли тахикардия – тинч ҳолатда дақиқасига 90-100 арбдан ошиқроқ частотали тўғри юрак мароми (уриши).

Соғлом одамларда у жисмоний зўриқиши ва ҳиссий ҳаяжонланиш чоғида юзага келади. Аксарият вегетотомир дистониясида зохир бўлади. Бундай ҳолда у нафас тутилганда сезиларли даражада камаяди. Анча бардошли тахикардия бадан ҳарорати ошганда тиреотоксикозда, миокардитларда, бракнинг нуқсонли уришларида, камқонлик (анемия)да содир бўлади.

**Пароксизмал тахикардия** - дақиқасига 140-240 зарб частотали тўғри маромдаги тезлашган юрак уриши хуружлари. Тўсатдан аниқ бошланиш ва ана шундай тўсатдан тугалланиш, бир неча сониядан торитб бир неча қунгача давом этиш билан изоҳланади. Тахикардия хуруж қилганда кўпинча одамдан тер чиқади, бадан ҳарорати қўтарилади, ҳолсизлик, алаҳсираш, юрак атрофида нохуш сезгилар пайдо бўлади.

**Брадикардия.** Синусли брадикардия – дақиқасига 40-60 зарб частотали тўғри юрак мароми. Аксарият соғлом. Айниқса, жисмонан чиниқкан спортчи шахсларда (тинч ҳолатида, уйқусида) учрайди, брадикардия вегетотомир дистониясида намоён бўлган бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, бу миокард инфарктида, қалқонсимонбез фаолияти сусайганда (гипотиреоз), айрим вирусли касалликларда, заҳарланиш таъсирида юзага келиши мумкин. Вақти-вақти билан брадикардия юрак атрофида нохушликлар намоён қиласи.

**Юрак блокадаси (қамали)** – импульснинг юрак бўлмасидан юрак қоринчасига ўтишидаги бузилиш, дақиқасига 40 зарбдан камроқ частотали брадикардия билан изоҳланади. Блокадалар барқарор ва ўткинчи бўлиши мумкин. Миокардитлар, кардиосклероз, миокард инфаркти чоғида, айрим дорилар таъсири остида (юрак гликозидлари, бетаадреноблокаторлар, верапамил) юзага келади. Барқарор брадикардияда бош айланиши, ҳушдан кетиш ҳоллари содир бўлиши мумкин.

**Экстрасистолия** – юракнинг муддатидан олдин қисқариши, бунда юрак нотекис ураётгандек ёки урмай қолгандек бўлиб туюлади. Экстрасистолия соғлом одамларда ҳам учрайди. Агар экстрасистолия сийрак (дақиқасига 5 тадан камроқ) бўлса ва бемор уни сезмаса, унда маҳсус муолажа талаб этилади. Борди-ю, экстрасистолия тезлашиб, (дақиқасига 6 ва ундан кўпроқ бўлса), bemor юраги нотекис ураётганини сезса, боши айланса, унда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

**Хилпиллама аритмия** – бекарор юрак ритми, дақиқасига 100 дан 150 зарбгача частота ва турли тўлдирувчи зарблар билан изоҳланади. Юрак бўлмасининг тебраниши барқарор ёки хуружли бўлиши мумкин. Юракнинг митрал нуқсонларида, юракнинг ишемия касаллигига, тиреотоксикозда, алкогализмда ва ҳоказоларда шундай ҳолатлар кузатилади. Тебранма аритмия bemорга сезилмаслиги ёки юракнинг оддий уриши каби сезилиши мумкин. Бунда тромблар ҳосил бўлиши қайд этилади.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Одамда аритмия аломатлари мавжуд бўлса, ташхисни аниқлаш ва муқобил муолажа ўтказиш учун шифокорга мурожаат қилиш лозим. Оғир аритмия чоғида зудлик билан “Тез ердам” чақириш мақсадга мувофиқдир.

Аритмияларнинг кўплаб турлари орасида, пароксизмал тахикардия, тебранма аритмия ва юрак блокадаси хуружлари пайтида, bemор, кўпинча тез ёрдам кўрсатилишига муҳтож бўлади.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Тиббий текшириш**

Текширишлар энг аввало аритмия ривожланишининг асосий сабабларини аниқлашга қаратилади (миокард инфаркти, миокардит, кардиосклероз, тиреотоксикоз, электролит бузилишлари ва ҳоказо).

Кўп ҳолларда дастлабки ташхис пульсни мажбурий текшириш билан умумий кўрик чоғида қўйилади (частота, тўлдириш, маромлилик ва ҳоказо). Юрак ритми бузилиши характери ва аритмия сабабини фақат электрокардиографик текшириш чоғида (ЭКГ), кўшимча усуулар билан биргаликда янада аниқлик билан белгилаш мумкин. Бу текширишларни тайинлаш шифокор (кардиолог) ваколати ҳисобланади.

жисмоний тазиқли ЭКГ синовлари (VELOЭРГОМЕТРИЯ):  
ЭКГнинг кечаю кундуз олиниши:

Электрофизиологик текширув (юракнинг ўтказувчи тизими бўлимларини кучайтириш билан юракни ёки қизилўнгачнинг электрографияси):

Электролит алмашинувини текшириш (қонда калий, кальций ва магний миқдори):

Қалконсимон без гармонларининг миқдорини аниқлаш ва ҳоказо текширувлар:

Юрак ультратовуш текшируви.

## **Муолажа**

**Пархез.** Аритмия касалларни учун маҳсус пархез йўқ, бироқ калий (картошка, узум, ўрик ва ҳоказо) ва магнийга (сули ва ёсмиқ ёрмаси, туршаклар, ёнғоқлар ва ҳоказо) бой озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш, юрак ритмiga ижобий таъсир кўрсатади.

**Дори воситалари.** Дори воситаларини шифокор кўрсатмасига кўра ва унинг назорати остида ичиш лозим. Бу восита турларини танлаш асосий касаллик, аритмиянинг оғирлиги, bemornining умумий ҳолатига боғлиқ. Асаб тизими фаолиятининг бузилишлари билан намоён бўлган ўткинчи аритмияни даволаш учун (синусли тахикардия, сийрак экстрасистолалар ва ҳоказо) тинчлантирувчи воситалар, калий ва магний препаратларидан фойдаланиш фойдали.

### **Ичиладиган дорилар**

**Седатив тинчлантирувчи воситалар:** Белласпон, Беллоид, Валерьяна настойкаси ёки экстракт, Корвалол, Новопассит, Персен, Арслонқўйруқ настойкаси ва ҳоказо.

**Калий ва магний препаратлари:** Аспаркам, Панангин.

Юрак ритми (мароми) бузилишларининг оғирроқ шаклларида маҳсус антиаритмик воситалар кўлланилади. Улар фақат шифокор кўрсатмаси билан тайинланади ва ЭКГ кўрсаткичлари орқали, доимий назорат қилиб турилади.

**Юракнинг электрик стимуляцияси.** Муолажанинг ушбу усулли юрак автоматизми марказлари табиий сигналларнинг давомийлигига ва муайян амплитуданинг сунъий электрик импульслар билан алмашинувига асосланади. Булар юрак қисқаришлари маромининг мўътадиллашувига имкон беради.

Вақтингачалик электростимуляция учун қизилўнгач ёки эндокардиол электродлардан фойдаланилади, улар ташқарида жойлашган кардиостимулятордан юракка импульс олиб келади. Юрак ритми мўътадиллашгандан кейин, кардиостимулятор ўчириб кўйилади ва зарурӣ аритмияга қарши дори воситалари берилади.

**Юракнинг доимий электростимуляцияси** учун, кардиохирургик жарроҳлик –электрокардиостимулятор имплантацияси (эт битиши) ўтказилади. Энергия заҳираси бир неча йилга мўлжалланган, маҳсус батарейкалар электр импульслари энергияси манбаидан фойдаланилади, кейинчалик эса батарейкалар алмаштирилади.

Юрак электростимуляцияси юрак ритмининг оғир бузилишлари чоғида консерватив муолажа самарасизdir, бунда юракнинг тўсатдан тўхтаб қолиш хавфи кучлироқ бўлади.

### Ҳар қандай аритмияда табиблар маслаҳати

Овқатни оз-оздан ёйиш керак, чунки одам тўйиб овқатланганда ошқозон сайёр нервига таъсир қиласи, ўз навбатида синусли тугун фаолиятини ишини бузади, унда юрак импульслари юзага келади.

Турғун босим(юк)дан сақланиш керак, чунки улар юрак ишининг фаоллашувига олиб келувчи артериал босимни кўтариб юборади, бу эса қисқаришлари мароми ва суръатининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин.

Дўлана қайнатмасидан кунига 30-40 томчидан овқатланишдан олдин ичиш керак.

Ҳар қандай аритмияда биринчи ёрдам қуидагилардан иборат бўлиши керак: аввало, бемор тинчлантирилиши, тўшакка ётқизилиши керак. Тинчлантирувчи дори (валериана настойкаси ёки ҳапдорилар, арслонқўйруқ настойкаст, корвалол ва ҳоказо) лар бериш ва дарҳол шифокорни чақириш лозим.

Айрим ҳолларда bemorni чуқур нафас олдириш, нафасни ушлаб туриш, бармоқлари билан бурунни қисиши ва куччаниб нафас чиқаришни, ўпкадаги ҳавони қисиби ушлаб туришни сўраш керак (бунда bemornинг юзи қизариб кетади, аммо бу хавфли эмас). Ана шундай бир неча кучанишлардан кейин, юрак уриш хуружи, кўпинча тўхтайди.


### Аритмияда нуқтали уқалаш (массаж)

#### Тезкор ёрдам

**1. Нуқтанинг жойлашуви:** кафтнинг қуий қатламлари остида, бош бармоқ томонда, юрак уриши сезилиб турадиган жойдан 1,5 см чапроқда жойлашган.

**Таъсир этиш техникаси:** бош бармоқ болишичаси билан чап қўлда жойлашган нуқтага 1-2 дақиқа ёки юрак уриши хуружи тингунча қаттиқ босиб турилади.

**2. Нуқтанинг жойлашуви:** аввалгисининг тескари томонида – кафтнинг юза қисмида, пайлар оралиғидаги чуқурликда,



үрта урмалар, жимжилоқ томонда жойлашган (Расм 15).

**Таъсир қилиш усули:** қўлингиз кафтини қорига қилиб қўясиз, панжани тирсак томон букасиз, 3 дақиқа давомида ўнг ва чап қўлда навбатма-навбат уқалайсиз.

### Ҳаракат вақтида юракнинг тез-тез уриши.


3. Бу нуқтани уқалаш ҳаракат вақтидаги юрак тез-тез урганда, айниқса, фойдали (Расм 16.).

**Таъсир қилиш усули:** қўлни орқаси билан столга қўясиз; ўтирган ҳолда 3 дақиқа давомида ўнг ва чап қўл билан нуқтани навбатма-навбат уқалайсиз.

4. **Нуқтанинг жойлпашуви:** бармоқларни букканда оёқ кафтининг ўртасида пайдо бўладиган чуқурликда жойлашган (расм 17.).



Расм 16.



Расм 17.

**Таъсир қилиш усули:** ўтирган ҳолда ўнг ва чап оёқдаги нуқталарни 3-5 дақиқа давомида уқалайсиз (Расм 18.).

### Аритмия тез-тез хуруж қилганда

5. **Нуқтанинг жойлашуви:** болдирида, тизза кўзининг пастидан тўрт энли куйироқда (оёқ чўзиқ турганида) ва катта илик суяқ дўнглигидан бир энли юқорида жойлашган.

**Таъсир қилиш усули:** бош бармоқ болишчаси билан нуқтани 2-3 дақиқа давомида ёки 300 мартача уқалайсиз. Аритмияни даволаш чоғида нуқтани эрман (шувоқ) сигараси, қалампир пластири, хантал билан қиздириш мумкин (Расм 19.).




Расм 18.



Расм 19

**6. Нуқтанинг жойлашуви:** болдирик мушагининг ичи ёнида, ички тўпиқдан 4 энли юқорида, катта илик суюгининг орқасида жойлашган (Расм 20).

**Таъсир қилиш усули:** ўнг ва чап оёқ нуқталарини бир кунда икки маҳал ярим, бир дақиқа давомида аста-аста босиб уқалайсиз. Аритмиянинг олдини олиш (профилактикаси) учун нуқтани шувоқ сигараси, қалампир пластири, хантал билан қиздириш мумкин.



Расм 20.

## АТЕРОСКЛЕРОЗ

**Атеросклероз** – йирик ва ўрта артерияларнинг (аорта, юрак, мия, қўл ва оёқлар аретирялари ва ҳоказо) сурункали касаллиги бўлиб, томирлар ички деворига ёғ моддаларининг тошма кўринишида (холестерин ва бошқа липидлар - хилтлар) тўпланиб қолишидан иборат. Атеросклеротик тошмаларда бирлаштирувчи тўқиманинг ва кальций тузларининг тўпланиши артерия тешикларининг аста-секин торайиб, бутунлай ёпилиб қолишиганча олиб келади. Бу касалланган артерия орқали озиқланувчи аъзонинг сурункали, аста-секин ортиб борувчи қон билан таъминлашнинг етишмовчилигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, артерия тешиги тромб билан беркилиб қолиши мумкин (тромбоз), бундай холат артерия озиқлантирадиган аъзоларда (инфаркт) ёки баданнинг айrim қисмида некроз ўчоғи ҳосил бўлишига олиб келади.

Атеросклероз қўпроқ 50-60 ёшдаги эркакларда ва 60 дан ошган аёлларда учрайди, бироқ касалликнинг анча олдин ривожланиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас (гиперхолестеринемиянинг наслий шаклида ва ҳоказо).

Шубҳасиз, атеросклероз ривожланишида хавфли омилларнинг салбий аҳамияти жуда катта. Улардан айримларини тузатиб бўлмайди (ёш, эркак жинси, наслдан-наслга ўтиш омилларини), баъзиларини даволаса бўлади: артериал гипертензия, гиподинамия, озиқ маҳсулотларида жониворлар ёғини ҳаддаг ташқари кўп истеъмол қилиш (уларда ҳолестерин мўл бўлади), чекиш, липид алмашинувининг бузилиши (гиперхолестеринемия, дислипидемия), қандли диабет, қоннинг ўта қуюлиб кетиши, шундан келиб чиқади.

## БЕЛГИ СИМПТОМЛАРИ

**Ташқи қўриниши** – бемор ёшига қараганда кексароқ қўринади, вазни ортиб кетади.

**Ксантомалар** – холестериннинг терида сариқ доғ қўринишида (юнон. ”ксантос”- сариқ дегани), одатда тирсак, қовоқларда тўпланади. Ксантомлар умумий холестерини жуда юқори бўлган атеросклерозда наслий гиперхолестеринемияда кўпроқ учрайди.

Гиперхолестеринемия – қонда умумий холестерин миқдорининг 5, 0 ммоль/л ёки 200 мг/дл (мг %) дан ортиқ тўпланишидир. Касалликнинг наслий шаклида бу кўрсаткич одатда меъёрдан 4-5 баравар ортиб кетиши кузатилади.

Атеросклерознинг бир неча хавфли омилларининг бирикуви – бошқа белгилар бўлмаган тақдирда ҳам, бир неча омилларнинг бир вақтда мавжудлиги, атеросклерозни, фаол даволаш учун асос бўлади.

Тананинг қайси аъзоси ёки қисми кўпроқ заарланганлигига қараб, атеросклероз сабаб бўлган турли касалликларни фарқлаш мумкин.

Улар алоҳида ҳам, биргаликда ҳам учрайди.

**Юрак артериялари** (коронар артерия) атеросклерози:

тўш ёки юрак атрофида оғриқ уйғотиб, чап қўлга ўтади;

юрак нотекис уради, музлаб қолгандай бўлади, тез-тез ура бошлайди;

жисмоний зўриқишлиарда нафас бўғилади (қ. аритмиялар, миокард инфаркти, юракнинг ишемик касаллиги, стенокардия).

## **Бош мия артериялари атеросклерози:**

бош айланади;

хотира ёмонлашади;

бош оғрийди ва ҳоказолар (қ: Инсульт)

## **Оёқ артериялари атеросклерози:**

артериялар уриши сусаяди ёки тиниб қолади (сон, тизза кўзининг ости, товон орқаси);

болдир мушаклари зирқираб оғрийди (юрганда оғриқ пайдо бўлиб, тинч ҳолатларда йўқолади);

оёқ кафтининг яра – некротик ўзгаришлари ( касалликнинг сўнгги босқичларида) пайдо бўлади ва ҳоказолар.

## **Буйрак артерияларининг атеросклерози:**

бош айланади;

бош оғрийди ва ҳоказо (артериал гипертензия).

## **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Юқорида тилга олинган хатар белгилари ва омиллари пайдо бўлганда, липид алмашинуви ва юрак – қонтомир тизими ҳолатини текшириш учун, шифокорга мурожаат қилиш зарур.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Муайян касалликка боғлиқ одатдаги умумий тиббий кўрик ва таҳлиллар тайинлашдан ташқари, ташхис қўйиш учун липид алмашинуви ва юрак қон-томир тизимининг ҳолатлари текшириб кўрилади.

#### **Липид алмашинувини текшириш.**

Одам қонидаги холестерин оқсил билан бириккан бўлади. Бу моддалар липопротеидлар деб аталади. Энг янги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, одам танасида холестерин икки асосий қўриниш (фракция)да бўлар экан:

кичик зичликдаги липопротеидлар атеросклероз, атероген холестерини пайдо бўлишига сабаб бўлади;

кatta зичликдаги липопротеидлар холестерини атеросклероз, антиатероген холестеринининг ривожланишига тўсқинлик қиласи.

Атеросклероз чоғида липид алмашинуви бузилишлари муолажа услугуб ва воситаларини тўғри танлаш учун, энг камида икки асосий қўрсаткични аниқлаш зарур:

умумий холестериннинг тўпланиши;

кatta зичлиқдаги липопротеидлар холестеринининг тўпланиши.

Олинган маълумотлар асосида атерогенлик коэффициенти (Ка) ҳисоблаб чиқлади.

Гарчи умумий холестерин миқдори меъёрда бўлса ҳам, Ка 3, 5 дан юқори бўлган чоғида, атеросклероз ривожланишининг хавфи юқори бўлиб, унинг ривожланишига кенг имконият туғилади.

### **Юрак қон-томир тизими니 текширишда:**

Электрокардиография (шу жумладан, велоэргоиметрия);

Допплерография;

Роевазография;

Рентгеноконтрастли ангиография ва бошқалар ўтказилади.

### **Даволаш**

Атеросклероз ривожланишига сабабчи бўладиган барча омилларга қарши қилинадиган ҳаракатлар, даволаш асосини ташкил этади. Бунда чекиши ташлаш, гиподинамияни бартараф этиш (жисмоний фаолликни ошириш, жисмоний машқлар), артериал босим ва қонда қанд миқдорини назорат қилиш, овқатланиш режали бўлиши керак. Шу қоидаларга риоя қилинганда, қонда холестерин миқдорини мўътадиллаштирувчи маҳсус дорилар ичишга ҳожат қолмайди.

Парҳез. Семиришда ҳам (қ. Семириш), озишда ҳам (қ. Озиш) бадан саломатлигини барқарор сақлаш, овқатланишдаги энг муҳим тадбир ҳисобланади.

Атеросклерозда овқатланишнинг асоси – чекловдир, баъзан эса ёғ ва холестеринга қаттиқ тўйинган (мия, жигар, буйрак, серёғ гўшт, колбаса, ёғли сут маҳсулотлари) озиқ-овқат маҳсулотларидан, шунингдек, пазандалик ёғлари, қаттиқ маргаринлардан воз кечиш лозим.

Ўсимлик ёғлари ва денгиз балигининг ёғлари, сариёғ, ёнғоқлар, ёғсиз сут маҳсулотлари фойдали ҳисобланади. Овқатдаги рацион умумий қувватидаги ёғ улуши ёғ, шу жумладан, холестерин алмашинуви бузилишига боғлиқ равища 20 % гача пасайиши мумкин. Ўсимлик ёғлари (ёки балиқ ёғини кўп истеъмол қилиш, балиқ ёғи ёки биологик жиҳатдан фаол кўшимчалар ҳисобига) баданда кислородга тўйинмаган зарарли моддаларнинг тўпланишига имкон беради. Ёғсиз мол ва парранда гўшти, ёғи олинган творог, ҳафтасига 2-4 тадан тухум тавсия этилади. Ёғ таркиби камайиши муносабати билан қувват камайишининг ўрнини

қоплаш учун, углеводлар күпроқ истеъмол қилинади. Озуқа маҳсулотлари, энг аввало, сабзавот, хўл мева, ёнғоқлар, шунингдек, донли ва шунга яқин маҳсулотлар билан овқатланиш муҳим ҳисобланади.

Витаминлар етишмовчилигини яхшилаш учун, кунлик меъёрдан ошмаган миқдорда витаминли дорилар билан озуқа рационларини тўлдириш, кунига 1-2 донадан витаминли ҳапдорилар ичган маъқул.

Кўплаб текширишлар шуни кўрсатадики, алкоголли ичимликларни меъёрида оз-оздан истеъмол қилган одамлар, уни суистеъмол қилган ёки бутунлай воз кечган одамларга қараганда узоқроқ яшар экан. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, алкоголни, атеросклероз муолажасида восита сифатида деб тавсия этмайди, бироқ қизил узум мусалласи (фойдали ресвератроли бор) ва бошқа ичимликларни мўътадил миқдорда истеъмол қилишга ҳам қаршилик қилмайди: соф алкогол ҳисобидаги (этил спирти) – эрқаклар учун кунига 20 мл ва аёллар (ҳомиладорлар ва эмизикликлардан ташқари) учун 10 мл истеъмол қилиш зарарсизdir, деб ҳисобланади.

Серёф ва холестеринли овқатларни камроқ истеъмол қилиш айрим пазандалик қоидаларини мол ва парранда гўштларидағи ёғларни кесиб ташлашга; иссиқ ишлов бериш олдидан парранда терисини шилиб ташлашга, мол ва парранда гўшти шўрвасини совутиб, юзасида қотган ёғларни олиб ташлашга, сабзавотни гўштга кўшиб пиширмасликка (чунки сабзавот ёғни ўзига қаттиқ шимиб олади), таомномаларда ёғ миқдорини 25-30% га туширишга (янги сутни ёғи олинган ёки ёғсиз сут билан, ёғли сметанани – сутга алмаштиришга), овқат пиширганда ёғ миқдорини камайтириб юборадиган тез қизувчи идишдан фойдаланмасликка, сигир сути, маргарин ёки сутни гуручли, макаронли, картошка пюРЕЛИ таомларга кўшмасликка, қаймоқларнинг сутсиз турларидан фойдаланмасликка (одатда, улар таркибида пальма ёки кокос ёғининг тўйинган ёғли кислоталари бўлади) ёрдам беради.

**Препаратлар.** Коннинглипид спектрини мўътадиллаштирувчи препаратлар (статинлар - гиполипидемик воситалар) фақат шифокор тавсияси билан ва липид алмашинуви кўрсаткичларини лаборатория назорати остида, истеъмол қилиш зарур. Шифокорлар кўпинча статинлар (жигардаги холестерин синтезини йўқотади), фибратлар (холестерин даражасини

пасайтиради) ва никотин кислотаси препаратлари (липид алмашинувини меъёrlаштиради)ни буюрадилар.

**Статинлар:** Аторвастатин (Аторис, Липримар)

Ловастатин (Мевакор, Медостаптин, Ровакор)

Правастатин (Липостат)

Розувастатин (Крестор)

Симвастатин (**Вазилин, Зокор**)

Флувастатин (Лескол).

**Фибратлар:** Безофибрат (Холестенорм)

Фенофибрат (Липантил)

Ципрофибрат (Липанор).

**Никотин кислотаси препаратлари:** Аципимокс, Эндурацин.

**Эфферент (сорбцион) терапия**

Атеросклерознинг мураккаблашган шаклларида липид алмашинувини мўътадиллаштириш учун, эфферент терапиянинг турли усуллари қўлланади. Одатдаги муолажа самарасизлиги ва умумий холестериннинг ғоят юқори микдордалиги бунга кўрсаткич ҳисобланади. Уларни кўпинча наслий гиперхолестеринемияда истеъмол қиласидилар.

Муолажанинг сорбцион усуллари, қоннинг бадандан ташқарида маҳсус аппаратда жойлашган сорбентлар орқали фильтрланиш (гемосорбция, плазмосорбция) ёки bemor қони плазмасини алмаштириш (плазмоферез, плазмаалмашув) ҳисобига ортиқча холестеринларнинг бартараф бўлишини таъминлайди. Уларнинг таъсири сезиларли бўлиши учун, муолажаларни қисқа муддатга 2-3 ҳаftага такрорлаш талаб этилади.

### **Жарроҳлик муолажаси**

Қон таъминоти бузилишига барҳам бериш учун аорта, юрак артериялари, бош мия, буйрак, оёқларда турли хил жарроҳлик ишлари бажарилади. Консерватив муолажанинг самарасизлиги ва артерия томирининг сезиларли қисқариши (диаметри 50% дан ортиқроқ), одатда, жарроҳлик муолажасининг бажарилишига сабаб бўлади. Рентгенологик назорат остида томирни тешиш орқали бажариладиган кичик инвазив аралашуви сингари (баллонли ангиопластика, стентлаш ва бошқ.) очиқ жарроҳлик амалиёти (протезлаш, шунтлаш, ангиопластика ва ҳоказо) ҳам ўтказилади.

Айрим ҳолларда, липид алмашинувини мўътадиллаштириш

учун, ичакда (ингичка ичакнинг бир қисмини олиб ташлаш) ва жигарни кўчириб ўтказилади. Бундай аралашувларга, холестерин

даражасининг жуда баландлашиб кетиши ва гиперхолестеринемиянинг ирсий шакли сабаб бўлади, зеро уларни консерватив даволаш иложи бўлмай қолади.

### **Қонда холестерин даражасини пасайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:**

Ортиқча вазнни йўқотиш

Чекишни ташлаш

Жисмоний фаолликни ошириш (жисмоний машқлар, 5-7 км масофага юриш ё чопиш, сузиш, томорқада ишлаш, чанғида сайр қилиш, тоза ҳавода серҳаракат спорт ўйинларини ўйнаш ва ҳоказолар).

Ёғсиз гўшт истеъмол қилиш (уй паррандаси ёки ёғсиз мол гўшти, қуён гўшти), аммо бу бир ҳафтада 500 гр дан ошмаслиги керак.

Хонаки парранда гўштини истеъмол қилиш (терисини олиб ташлаш шарт).

Таомлар рўйҳатидан колбаса маҳсулотлари, ичак-чавоқлар ва сариёғни чиқарib ташлаш керак.

Кўпинча балиқ ва денгиз маҳсулотларидан ҳафтасига 500 гр дан кўпроқ истеъмол қилиш.

Пишлоқни камроқ ейиш.

Ёғи ажратилган сут (ёки ёғи 1, 5% дан ошмасин) ва ёғсиз сут маҳсулотларини истеъмол қилиш.

Кунига камида 40 гр клетчатка истеъмол қилиш (у асосан хўл мевалар, дон, сабзавот, дукқакли ўсимликлар катта микдорда) керак бўлади.

Ўсимлик ёғлари истеъмол қилиш (зайтун, кунгабоқар, зифир ёғлари).

А, РР, С ва Е витаминларини, микроэлементларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш. Кундалик таомлар сирасига ундирилган дон, микроэлементлари бўлган поливитаминларни қўшиш.

Қаҳва ва аччиқ чойни камроқ ичиш.

## **АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ**

**Артериал гипертензия** – артериал босимнинг (АБ) бир текис ва муттасил қўтарилиши билан изоҳланувчи ҳолат. Симоб устунининг 140 дан баланд систолик (юқори) ва 90 мм дан қуи диастолик (қуи) босимидан иборат. Ташхис АБ нинг камида уч

ўлчамли натижасида қўйилади. Ўлчамлар турли вақтда тинч ҳолатдаги пайтда ўлчанади, бунда бемор АБга таъсир қилувчи озиқ-овқат ва дори истеъмол қилмаган бўлиши керак.

Тахминан 5% ҳолларда иккиламчи артериал гипертензия учрайди – АБ айрим касалликлар аломати бўлиши эҳтимол тутилган ҳолатдир. Биринчи галда, бу, буйрак касалликлари ва буйрак артериялари шикастланишидир. Бундан ташқари артериал гипертензия қалқонсимон без ва буйрак усти безикасалликларида келиб чиқиши мумкин. Бунда АБ ошишини келтириб чиқарувчи гормонлар ишлаб чиқариш кучаяди. Касаллик сабабларини шифокор аниклади, АБ сабабларини тўғри аниқлаш эса, тегишли муолажа тайинлаш учун зарур. Бироқ босим ошишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа аломатлар бўлмаганда, бирламчи артериал гипертензия ҳақида фикр юритилади.

**Бирламчи артериал гипертензия нима?** Гипертоник касаллик, оддий тилда “гипертония” барча АБ кўтарилиш ҳолатларининг 95% дан кўпроғини ташкил этади. У одатда 30 билан 60 ёшли беморлар ўртасида кузатилади. Бу сурункали касаллик бўлиб, гоҳ тузалиб, гоҳ ёмонлашиб тураверади.

Гипертоник касалликнинг асосий хавфли омиллари асосан қуидагилардир:

сурункали қаттиқ ҳаяжон (стресс);

ош тузини кўп истеъмол қилиш;

чекиш;

алкоголли ичимликларга ружу қўйиш;

гиперхолестеринемия (қонда холестерин даражасининг ошиши);

вазн ортиши, семириб кетиш.

Артериал гипертензия юрак, бош мия, буйрак ва бошқа аъзоларга зарали таъсир кўрсатади, атеросклероз, юрак нуқсонлари касаллигининг ривожланишида хавфли омил бўлиб, инсульт, миокард инфаркт, сурункали юрак нуқсонларининг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

## АЛОМАТЛАРИ

Симоб устунининг 140 ва 90 дан юқори артериал босим. Бош оғриғи – қон босими ошишидан пайдо бўладиган энг кўп учрайдиган аломат. У бош мия томирлари спазми билан боғлиқ.

Гоҳо бемор, бош айланиши, қулоқ шанғиллаши ( ғувиллаган ё жаранглаган товуш), кўз олдида учқунлар пайдо бўлиши, кўзнинг хиралашишидан безовта бўлади.

Нафас қисиши, шунингдек, кўкракда оғриқ юзага келиши мумкин (томир спазми туфайли юрак мушагида қон айланиши бузилади).

Гипертоник криз – артериал гипертензиянинг одатдаги гипотензив дорилар билан тузатиб бўлмайдиган оғир хуружи, мия (инфсульт) ва юрак (миокард инфаркти) томирлари томонидан асоратлар ривожланади ва хавф кескин тус олади.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Бундай ҳолларда гипертония аломатлари пайдо бўлиши билан ташхисни аниқлаш учун шифокорга мурожаат қилиш лозим. Одатдаги дорилар билан тузалмайдиган оғир ва чўзилиб кетган хуруж чоғида “тез ёрдам” чақириш зарур бўлади.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Юрак – томир тизимини чуқур текшириш қўйидагилардан иборат:

артериал босимни ўлчаш;  
электрокардиография (шу жумладан, велоэргоиметрия);  
бош мия томирлари допплерографияси;  
реовазография ва ҳоказолар.

Артериал ипертензиядан келиб чиқувчи энг кўп учрайдиган касалликларни истисно қилиш учун, шифокор қўйидаги қўшимча усуулларни ҳам қўллаши мумкин:

Буйракни ультратовуш билан текшириш;  
қалқонсимон без ва буйрак усти гормонларини текшириш;  
қонда холестерин миқдорини аниқлаш ва ҳоказолар.

Шифокорлар артериал гипертензиянинг уч даражасини ажратиб кўрсатадилар: I даража – юқориги босим сим. уст. 140-159 мм, қуйиси эса 90-99 мм атрофида, II даража – сим. уст. 160-179 ва 100-109 мм атрофида, III даража – сим. уст. 180-110 мм дан юқори бўлса. Агарда юқориги (систолик) ва қути (диастолик) АБ турли категорияларда жойлашган бўлса, баҳо анча юқори категорияда берилади.

## **Муолажа**

Гипертония ривожланиши хавфнинг барча омиллариға қилинган қарши ҳаракатлар; чекиши, алкоголь ичимликларни систеъмол қилишдан воз кечиши, тананинг ортиқча вазнини бартараф этиши, овқатланишини тўғри йўлга қўйишга қаратилиши шарт. Кўрсатиб ўтилган қоидаларга риоя қилиш чоғида АБ даражасини мўътадиллаштирувчи маҳсус дорилар қўллашга зарурат туғилмайди.

## **Парҳез**

Гипертония касаллигида танадаги ортиқча вазнни йўқотиш ва озиш, парҳез қилиш асосий мақсадлар ҳисобланади. Натрий (туз) истеъмолини чеклаш, алкоголь истеъмол қилишни тўхтатиш ва калийни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш, парҳез, асосий талаблардандир. Айни вақтда, овқатланиш, атеросклеротик йўналиш олиши керак (**Атеросклероз**).

**Тана вазнини пасайтириш** учун, ичиладиган дорилар миқдорини камайтириш ва ҳатто улардан вақтинча воз кечишига имкон беради. Камида 4, 5-5 кг га озганда, тана вазнининг камайиши яхши самара бериши мумкин.

**Натрий манбаи сифатида ош тузини кунига 4-6 гр гача истеъмол қилишни камайтириш**, кам тузли овқатлар пишириш ва тузга бой маҳсулотларни иложи борича чеклаш ҳисобига амалга оширилади. Пишлоқ, колбаса (қайнатилгани ва дудлангани),

Тузланган ва дудланган балиқ, тўғралган карам, , консервалар ва ҳоказоларни истеъмол қилишни чеклаш тавсия этилади. Кам тузли овқатга маза киритиш учун қўкат, пиёз, саримсоқпиёз, турли пишириклар, томат шарбати, лимон кислотаси, сирка, шунингдек, туз ўрнини босувчи турли маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин. Натрийни кўтаролмайдиган беморларда бу хил тавсиялар 5-7 кундан кейин АБни сим. уст. да 4-6 мм га пасайтириш имконини беради, гоҳо эса шундай парҳезга 2-3 ва ундан ортиқ ҳафта давомида риоя қилинса, катта одамларда, семириш хасталиклирида натрийни чеклаш айниқса самарали кечади. Бироқ овқатни ҳаддан ташқари, қатъий ва узок муддат чеклаш яхши эмас, чунки натрий организм учун бебаҳо моддалардан ҳисобланади.

**Калий** бадандан натрий ва суюқликни чиқариб ташлашга имкон беради. Янги ва қуруқ мевалар, дуккаклилар, ёнғоқлар, денгиз карами, картошка ва бинобарин, улардан қилинган таомлар калийга бойдир. Бу маҳсулотларни катта миқдорда истеъмол

қилганда ош тузи истеъмолини ошириш мумкин. Баъзан пешоб ҳайдаш учун дори истеъмол қилганда юзага келувчи калий тақчиллигини даволаш учун ҳам у етарли миқдорда бўлиши зарур.

**Алкоголли ичимликларининг** кундалик истеъмолини кескин чеклашда гипертонияда инсульт келтириб чиқаришга қодир (мияга қон қўйилиши) алкоголни кўп миқдорда бирданига истеъмол қилиш ярамайди.

Замонавий тажрибаларга кўра, чой ва қора қаҳвани истеъмол қилиш мумкин, аммо улар ҳам меъёри билан ичилиши керак.

**Дори воситалари.** Абни меъёрлаштирувчи дорилар (гипотензив дорилар) фақат шифокор тавсияси ва унинг назорати остида ичилиши зарур. Бунда гипотензив дориларни муттасил ичиб юриш ва АБ даражасини ҳар куни назорат қилиб бориш самарали муолажанинг мажбурий шартлари ҳисобланади. Пешоб ҳайдовчи (диуретиклар), бета-адреноблокаторлар, кальций йўллари блокаторлари (кальций антогонистлари), антиотензинга айлантирувчи фермент ингибиторлари (АПФ) ингибиторлари, антиотензин рецепторлари блокаторлари ва аралаш дориларни шифокорлар энг кўп миқдорда ичишни тавсия қиласидилар.

**Ичиладиган дорилар** (ҳапдорилар, капсулалар)

**Диуретиклар:** Спиронолактон (Верошпирон),

Триампур (Апотриазид),

Триамтерен (Дирениум),

Фуросемид (Лазикс, Фуросемид - милве).

**Бета-адреноблокаторлар:** Атенолол (Бетакард),

Бетаксолол (Бетак, Локрен),

Биосопролол (Конкор),

Метопролол (Беталок, Вазокардин, Корвитол, Метокард, Эгилок),

Небиволол (Небилет),

Талинолол (Корданум).

**Кальций антогонистлари:** Нифедипин (Коринфар,

Кордипин, Кордафлекс, Кальцигард, Никардия, Фенамон),

Верапамил (Изоптин СР),

Дилтиазем (Кардил),

Нимодипин (Нимотоп).

**АПФ ингибиторлари:** Беназеприл (Лотензин), Каптоприл (Ангиоприл, Капотен),

Квиниприл (Аккупро),

Лизиноприл,  
(Диротон, Лизорил, Листрил, Даприл, Синоприл),  
оэксиприл (Моэкс),  
Периндоприл (Престариум),  
Спираприл (Квадроприл),  
Трандолаприл (Гоптен),  
Фозиноприл (Моноприл),  
Эналаприл (Берлиприл, ренитек, Эднит, Энап, Энам, Энвас).

**Ангиотензин рецепторлари блокаторлари:** Валсартан  
(Диован),  
Ирбесартан (Апрорель),  
Кандесартан (Атаканд), Лозартан (Лозап, Козаар, Презертан),  
Тельмизартан (Микардис),  
Эпросартан (Теветен).

**Аралаш дорилар:** Гизаар

Ирузид  
Капозид  
Коренитек  
Логимакс  
Лозап плюс  
Нолипрел  
Тарка  
Тенорик  
Теночек  
Энап Н.

Россия тиббиёт фанлари академияси мутахассислари артериал гипертензияга учраган беморларни изчил (босқичма-босқич) препаратларни ичиш йўли билан қуидагидек тарзда даволашни тавсия этадилар:

Битта дори буюришади диуретик, бета-адреноблокатор, кальций антагонист ёки АПФ ингибитори.

Муолажа самарали бўлмаса, бошқа гурухдаги иккинчи дорини қўшадилар, биринчи дори микдорини оширадилар ёки уни бошқаси билан алмаштирадилар.

Икки дори билан муолажа самара бермаса, бошқа гурухдаги учинчи дорини берадилар ёки иккинчи дорини алмаштирадилар.

Муолажанинг учинчи босқичи ҳам самара бермаса, бемор иккинчи бор яна қўшимча (касалхона шароитида) назоратдан ўтказилади.

## АРТЕРИАЛ ГИПОТЕНЗИЯ

**Артериал гипотензия** (гипотония) – артериал босимининг тушиб кетиши, эркаклар учун сим. уст. 100мм дан қуи систолик босим (юқори), сим. уст. 70 мм дан қуи диастолик босим (қуи). Аёллар учун сим. уст. 95 мм ва 60 мм. дан қуи артериал гипотензия бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади.

**Икииламчи** артериал гипотензия қуидаги қатор касалликларнинг аломатлари ҳисобланади.

эндокрин (гипотиреоз, гипофиз ва буйрак усти бези касалликлари);

юрак-томир касалликлари (бол, брак етишмовчилиги);

қон ишлаб чиқариш тизимлари (анемия);

юқумли касалликлар (сил) ва ҳоказо.

Асосий касаллик тузалгандан кейин одатда АБ меъёргача кўтарилади. Босимнинг тушишига олиб келадиган бошқа ҳеч қанака касаллик аниқланмаган ҳолларда бирламчи артериал гипотензия ҳақида сўз кетади.

Бирламчи артериал гипотензия қуидагидек бўлиши мумкин:

меъёрдаги кўриниши. Бу физиологик гипотензия бўлиб, ирсий жихатдан паст АБ ҳисобланади, томир фаоллигини бошқариш хоссаси билан боғлиқ. Паст АБ яхши чиниқсанлик (спорт гипотензияси) ёки тоғларда, тропикларда, қутбларда яшайдиганлар организмининг мослашуви оқибати бўлиши мумкин (компенсатор гипотензия). Бундай одамлар учун гипотония – меъёрнинг физиологик варианти ҳисобланади. Текшириш чоғида бундай касаллик тасодифан билиниб қолади.

сурункали касаллик: гипотоник касаллик (нейроциркулятор ёки вегетотомир гипотонияси) – бу асаб тизими фаолиятининг бузилиши ва томирлар фаоллигини нейрогормонал бошқариш билан боғлиқ касаллик бўлиб, АБнинг пасайиб кетишига олиб келади. Бундай ҳолатнинг асл кўриниши астения бўлиб, руҳий зарба берувчи вазиятлар, сурункали инфекциялар ва интоксикациялар (атайлаб етказилган заарар, алкоголнi суиистеъмол қилиш) билан боғлиқ неврозлар.

Бу сурункали касаллик ўзига хос тарзда намоён бўлади.

## **АЛОМАТЛАРИ**

Бемор ланж, бефарқ бўлиб қолади, эрталаблари уни ҳаддан ташқари ҳолсизлик ва чарчоқ чулғайди, узоқ ухлаб тургандан кейин ҳам ўзини тетик хис этмайди.

Хотираси ёмонлашади, паришонхотир бўлиб қолади, диққатини бир жойга тўплолмайди, иш қобилияти сусаяди, ўзини ҳаво етишмаётгандек хис этади.

Сал нарсага ғижинади, чараклаган ёруққа, баланд овозда гапиришларга, тоқатсиз бўлиб қолади.

Одатдаги бош оғриғи қўпинча АБ ўзгаришларига боғлиқ бўлиб, мигренга ўхшаб, қўнгил айниш ва қусиши билан кечиши мумкин. Бундай холат, тоза ҳавода сайр ёки жисмоний машқлардан, қаншарни сирка билан ишқалагандан, бошга муз ёки совуқ сочиқ қўйгандан кейин пасаяди.

Бош айланади, юрганда чайқалади, ҳушдан кетиши ҳам мумкин.

### **ШИФОКОРГА ҚАЧОН МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**

Гиптония аломатлари сезилган чоғда, ташхисни аниқлаш ва муқобил муолажа ўтказиш учун, шифокорга мурожаат қилиш лозим.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Юрак-томир тизимини текшириш:

Артерия босими (АБ) ўлчаш;

Электрокардиография ва велоэрго метриядан ташқари, шифокор артериал гипотензия келтириб чиқарувчи аксар касалликлар истисноси учун, қўшимча текширишлар ҳам тайинлаши мумкин:

кўкрак қафаси флюорографияси (сил истисноси учун);

қоннинг клиник таҳлили (камқонлик истисноси учун);

қалқонсимон без гормонларини текшириш (гипотиреоз истисноси учун) ва ҳоказо.

### **Муолажа**

Иккиласми артериал гипотензиясида асосий касаллик даволанади. Бирламчи артериал гипотензия муолажасида чекиши ташлаш, алкоголь ичимликларни суистеъмол қилмаслик, овқатланишни изга солиш, меъёрда ухлаш, меҳнат ва ҳордик чиқариш тартибига риоя қилиш шарт бўлади. Физиотерапевтик

муолажа (ванна, уқалаш) ва санатория- курорт муолажаси, бадантарбия муолажаси яхши самара беради. Дори воситаларидан одатда турли дармонга киргизувчи дорилар (адаптогенлар) тайинланади. Юқоридаги қоидаларга риоя қилинганды күчли дориларни ичишга ҳожат қолмайды.

**Пархез.** Рисоладагидек ва 4 марталик сархил овқат ейиш тавсия этилади. Оқилона овқатланиш тамойиллариға риоя қилиш ва ноанъанавий овқатланиш ёки “шифоли” оч қолиши каби чала-чулпа рацион турлари ҳисобига соғлиқни “мустаҳкамлаш”га уринишдан воз кечиш керак. Ҳатто озгина оч қолганда ҳам АБ си бор одамларда иккиламчи артериалгипотензия вужудга келиши мүмкин.

**Ош тузи** истеъмолини ошириш беморнинг кўтара олишига боғлиқ. Гап қўшимча касаллиги йўқ бўлганда ош тузини кўпроқ истеъмол қилиш устида кетмоқда (кунига 15-20 гр), қўшимча касалликлар бўлганда овқатда натрийнинг қўплиги акс таъсир кўрсатади. Натрий мўллиги самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар баҳслидир. Артериал гипотензияли шахслардагина ижобий натижани кутиш мүмкин.

Бош зилдай бўлганда, оғриганда, умумий ҳолсизликда аччиқ чой ёки қора қаҳва, оз миқдорда – кока-кола, какао, ёғсиз шўрва, қора шоколад ёқимли, тез таъсир кўрсатади, аммо қисқа муддатли самара беради. Чой ёки қаҳва ширин бўлиши керак, чунки гоҳо артериал гипотензия қонда глюкоза даражасининг пасайиши билан бирлашиб кетади. Шу боис артериал гипотензияда кун бўйи тез-тез, аммо оз-оздан овқатланиш тавсия этилади.

Юқоридаги ичимликларнинг ижобий таъсири йўқлигини ва ҳатто уларнинг “тескари” самара беришини, дейлик қаҳва ичгандан сўнг тетиклик ўрнига уйқу босишини ҳам назардан қочирмаслик керак. Овқатланганда ярим витамин дориларни истеъмол қилган маъқул, аммо АБ га бевосита таъсир ўтказиш мақсадида эмас, балки озуқанинг тўлақонли витамин билан таъминланиши учун.

Гипотониклар шу нарсани назарда тутишлари керакки, алкоголь иккиёклама таъсир қиласди, у аввалига томирларни кенгайтиради, кейин эса томирлар тораяди. Шу боис спиртли ичимликтининг бирламчи томир кенгайтирувчи таъсири бусиз ҳам паст АБнинг янада пасайиб кетиши ва бехушлик ҳолатига олиб келиши мүмкин. Шу муносабат билан оч қоринга алкоголь

ичмаслик, бир пиёла аччиқ чой ё қаҳва билан бироз бутерброд еб олган маъқул.

**Дори воситалари.** Дори воситаларини шифокор тавсияси ва унинг назорати остида ичиш керак.

**Тетиклантирувчи дорилар** (адаптогенлар): Апилак, ҳандорилар

Арали настойкаси

Женъшень, капсулалар, доналар, настойка.

Левзей илдизи, суюқ қоришка, эфир мойи  
той лимони, настойка, сироп

Пантоクリн, суюқ қоришка, ҳандорилар

Радиолалар, суюқ қоришка

Элеутерококк, суюқ қоришка, обаки.

**Бошқалари:** Мидодрин (Гутрон), ҳандорилар, томчилар

Никетамит (кордиамин), томчилар

тонгинал, гомеопатик томчилар.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Алоэ шарбати – 50 гр., узум шароби – 500 гр., қорабўғдой асали – 100 гр. қўшиб аралаштирилади. 40-50°C гача қиздирилади, оч қоринга бир чойқошиқдан ёки литрнинг ўндан бир улушича кунига уч мартадан ичилади.

Бир шиша ароққа 500гр. майиз ва 500 гр. асал солиниб, аралаштиргандан сўнг, 6 кун қоронғи жойда сақланади, вақти-вақти билан чайқаб турилади. Овқат олдидан бир ош қошиқдан ичиш лозим.

**Дорихонада тайёрланадиган наботот биостимуляторлари:**

Заманиха настойкаси – ҳар қуни 3 маҳал, овқат олдидан 30-40 томчидан.

Аралия настойкаси – кунига 3 маҳалЮ овқат олдидан 30-40 томчидан.

Элеутерококк экстракти – овқатдан 30 дақиқа олдин, кунига 2 маҳал, 20-30 томчидан;

Женъшень настойкаси – овқат олдидан кунига 2 маҳал, 5-20 томчидан.

Қизил радиола суюқ экстракти (олтин илдиз) овқатдан 30 дақиқа олдин, кунига 2 маҳал, 5-10 дан 40 томчигача;

Лимон настойкаси – кунига 2-3 маҳал, 20-30 томчидан.

## **Ташқи муолада учун халқ табобати рецептлари**

Тушган босимни меъёрига келтириш учун эрталаб бош чўққиси қизигунча ишқаланади, кечқурун эса бурун ости, юқори лаб устидаги нукталар, панжа букилган жойлар ва иккала оёқнинг юқориги юзаси ишқаланади. Бу амал 3-4 ҳафтагача ҳар куни бажариб борилади.

Веналар кенгайганда венадан қон оқишини тўхтатиш учун чалқанча ётиб олиб, қуйидаги машқларни мунтазам бажариш зарур: “велосипед ҳайдаш”, “қайчи”, “оёқларни тўғри бурчакли ҳолатда кўтариш”, Кейин айланиб қоринга ётиладида, оёқлар силтаб-букиб, ёзилади.

## **МИОКАРД ИНФАРКТИ-( Инфаркт миокарда)**

**Миокард инфаркти** – юрак ишемия касаллигининг ўткир хуружи бўлиб, қон оқиб келиши таққа тўхташи ёки кам оқиб келиши оқибатида, юрак артерияси тромб билан атеросклеротик тошмасининг парчаланиши оқибатида, миокард инфарктига олиб келади.

### **БЕЛГИЛАРИ**

Юрак соҳасида, нитроглицерин билан қолдириб бўлмайдиган оғриқлар хуруж қиласи.

Оғриқ тўсатдан юзага келади жуда тез кучаяди, бемор қора терга тушади, нафаси бўғилади, қусади, ўқчийди, ҳолсизланади.

Гоҳо инфаркт оғриғи юракда эмас, балки чап қўл ёки елкада, қоринда, гоҳида пастки жағда пайдо бўлади.

Инфаркт чоғида, гўё юракни бирор кучли қўл билан сиқаётгандек бўлади.

Оғриқ хуруж қилганда, кўпинча ўлимдан қўрқув, даҳшатга тушиш ҳисси пайдо бўлади.

Касалликнинг ўткир даври ўртacha ўн кун давом этади. Айнан мана шу даврда, инфарктнинг даҳшатли асоратлари юзага келиши мумкин: юрак иш мароми бузилади. Шу боис, инфарктнинг биринчи аломатлари пайдо бўлгандаёқ, муолажа фақат касалхонада давом этиши керак. Тахмин (прогноз) инфаркт шаклига боғлиқ – йирик ўчоқли (жонсизланишнинг катта соҳаси) ёки кичик ўчоқли (жонсизланишнинг кичик соҳаси), шунингдек, асоратлар мажмуасига боғлиқ.

## **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Түш соҳасида оғриқ хуружини қисқа вактда қолдириб бўлмаса, “тез ёрдам” чақириш зарур.

**Парҳез.** Жавдар ва ҳар қандай янги ёпилган нон, янги соғилган сут, оқ бош қарам, бодринг, дуккаклилар, узум шарбати, газланган ичимликлар ва ичакда қулдираш, ел тўпланиши ва қорин дамланишини келтириб чиқарувчи бошқа маҳсулотлар истисно этилади.

Ётиб даволаниш билан боғлиқ ич қотиш профилактикаси учун ҳар овқат еганда ҳаракат фаолиятини ва ич юришини кучайтирувчи маҳсулотларни қўшиш керак (лавлаги, сабзи, олма пюрелари, қайнатмалар, туршаклардан қилинган шарбатлар, лавлаги, сабзи, ўрик шарбатлари, қатиқ ва ҳоказолар).

**Инфарктнинг ўткир вақтида** юракка зўр келишини камайтириш учун, ош тузи ва эркин суюқликни чнклаш керак, уларнинг миқдори соғайиб бориши баробарида орттириб борилади. Ош тузини профилактик ё шифобахш тузга алмаштиrsa бўлади.

Овқатда ёғлар (мол ёғи ва кулинария ёғи)ни, холестерини жуда юқори бўлган маҳсулотларни чеклаш керак. Парҳезга ўсимлик ёғини қўшган маъқул.

Юракка ошқозоннинг кескин қисқаришлари рефлектор таъсири бўлмаслиги учун, жуда иссиқ ва жуда совуқ овқатни емаслик керак.

**Соғайиш даврида** уй ёки санатория шароитида тўйимли овқатларни кўпайтириб борилади. Парҳездан мақсад- атеросклероз ва юрак ишемик касаллигининг иккиламчи муолажаси – ёғ ва углевод алмашинувини яхшилаш, артериал босим, тана вазнини меъёрлаштиришdir.

### **Ичиладиган дорилар**

**Антитромоцитар воситалар (антиагрегантлар):**

Ацетилсалацил кислотаси (Аспирин Кардио, ТромбоАСС)

Кардиомагнил

Клопидогрел (Плавикс)

Тиклопедин (Тагрен, Тиклид).

**алий ва магний препаратлари:** Аспаркам

Магнерот

Калий ва магний аспарагинат

Панангин.

**Миокардда алмашинув жараёнларини яхшиловчи  
воситалар:** Дўлана гули экстракти

Инстенон Милдронат

Молсидомин (Диласидом, Корвамин, Сиднофарм)

Пумпан

Тонгинал

Фиторелакс

Таурин (Дибикор)

Триметазидин (Предукал).

## **ЮРАКНИНГ ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ**

**Юракнинг ишемик касаллиги** – сурункали касаллик бўлиб, миокарднинг қон айланиши бузилиши – етишмовчилиги билан изоҳланади. Юрак томирлари атеросклерози ёки кўпроқ улар фаолияти ҳолатининг бузилиши (спазм) туфайли юзага келади. Касаллик ривожланиши жараёнида атеросклероз билан бир қаторда шамоллаш ва айрим гормонал бузилишлар (дисфункция) таъсир қилган бўлиши мумкин.

Нима учун атеросклерозда кўпинча юрак азият чекади?, ракнинг коронар (ёки вена) артериялари диаметрнинг кичикроқ бўлиши туфайли липид чўкиндилари уларнинг ёриқларини тез торайтириб қўяди. Бирлаштирувчи тўқиманинг атеросклеротик тошмаларидан ўсишлари (склероз) ва кальций тузлари чўкиндилари (кальциноз) артериялар тешикларини тўла беркитиб қўймагунча, аста-секин артерия шаклининг ўзгариб ва торайтириб боришига олиб келади. Юрак мушаги қон айланишининг пасайиши чоғидаги озуқа ва кислород етишмовчилиги юрак мушагининг муайян жойида ишемия (кислород тақчиллиги)ни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, артерия томирининг тромб (тромбоз) билан зич тўлиб қолиш эҳтимоли инфаркт бўлишига олиб келади.

Касаллик ўткир (**стенокардия ва миокард инфаркти**), шунингдек, сурункали шакллар (**юрак иш маромининг бузилиши, юрак заифлашуви ёки етишмовчилиги**) кўринишларида намоён бўлади.

## **БЕЛГИЛАРИ**

Юрак ишемик касаллиги белгилари, муайян клиник шаклда бўлади.

Тиш ортида ёки юрак атрофидаги оғриқлар чап қўлга ўтиши мумкин (қ. Миокард инфаркт, **Стенокардия**).

Юракнинг нотекис уриши, юрак музлаши, юракнинг тез-тез уриши (қ. **Аритмия**).

Жисмоний зўриқишда нафас қисиши, нафаснинг бўғилиши, оқларнинг шишиши (қ. **Юрак етишмовчилиги**) ва х. к. Мехнат қобилияти, касаллик зўриқиши жараёнига, шунингдек касаллик оғирлашуви натижасида бошланган юрак (ва бошқа аъзолар) иш фаолияти бузилиши тарзига боғлиқ.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Юқорида тилга олинган белгилар пайдо бўлганда, юрак-томир тизими ҳолатини ўрганиш учун, шифокорга мурожаат қилиш керак.

## **ШИФОКОРЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Ташхис қўйиш учун умумий шифокор қўриги ва одатдаги таҳдилларни ъайнинлашдан ташқари, юрак-томир тизими ва липид алмашинуви ҳолатлари текшириб қўрилади.

Электрокардиография (шу жумладан, велоэргоиметрия);

Эхокардиография;

Юрак артериялари рентгеноконтраст ангиографияси (коронография);

умумий холестерин, юқори зичлиқдаги липопротеидлар аралашмасини аниқлаш ва ҳоказо.

### **Муолажа**

Атеросклероз ривожланиши хавфининг барча омиллариغا қарши таъсир, юрак ишемик касаллиги муолажасининг асосини ташкил этади. Бунинг учун чекиши ташлаш, гиподинамияни бартараф этиш (жисмоний фаолликни ошириш, жисмоний машқлар), артериал босим ва қондаги холестерин даражасини назорат қилиш, тўғри овқатланиш шарт.

**Парҳез.** Беморга ёғ алмашинувини мўътадиллаштирадиган тўғри парҳез тайинлаш учун, текширишда олдин қон биокимёвий таҳлили натижалари ва bemornining овқатланиш хусусиятларини билиш зарур. Липид алмашинувига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган дорилар ҳақидаги маълумотлар катта аҳамиятга эга. Уларнинг барчаси асосли ва бир мақсадга йўналтирилган парҳезни тузишга имкон беради (қ. **Атеросклерозда парҳез тартиби**).

Овқатланиш асоси – чеклаш, баъзан зса ёғ ва холестеринга бой маҳсулотларни камайтиришdir. Овқатлар рўйхатидан: гўштнинг

ёғли нави, жигар, буйрак, мия, колбасалар, ёғли сут маҳсулотлари, шунингдек, ошхона ёғлари ва қаттиқ маргаринлар.

### **Жарроҳлик муолажаси**

Миокард қон айланишини тиклаш учун, юрак артерияларида хилма-хил қайта тиклаш жарроҳлик амаллари бажарилади (коронар артерияларида). Консерватив муолажа самарасизлиги ва коронар артерияларнинг анча торайиши, жарроҳлик амалиётини тақозо этади. Рентгенологик назорат остида томирга игна санчиб бажариладиган кичик травматик аралашув (баллон ангиопластикаси, стентлаш) каби усулдаги жарроҳлик амаллари ҳам бажарилади.

### **Баллон ангиопластикаси ва стентлаш**

Артерия тешигига баллон катетерлари киритилади, у зараланган томир ёнида ўрнатилади, кейин уни аста торайган жойга олиб келиб баллон шиширилади. Борди-ю, баллон билан томирни кенгайтириш самара бермаса, томир тешигини кенгайтирувчи маҳсус стент – (маҳсус найча) қўйилади.

### **Аортокоронар шунтлаш**

Жарроҳлик амали, юрак артериясининг торайган ёки тромблашган қисмидан айланниб ўтиб, юрак учун айланма йўл ҳосил қилишдан иборат. Бунда айланма йўл учун оёқдан олинган вена томиридан ёки чап билакдан олинган артериядан фойдаланилади. Кейин бу томирнинг бир учи кўкрак аортаси билан, иккинчи учи – юракнинг коронар артерияси билан туташтирилади, шундай қилиб, қон айланиши тикланади.

## **ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Оддий брусниканинг япроқлари, буйрак чойи новдалари (Ортосифон), жўка (липа) гули, шифобахш валериана илдизи, шифобахш қашқарбеда (донник) қичитқи, ялпиз наъматак, четан мевалари, маймунжон (ежевика), қайин япроқлари - тенгма-тенг миқдорда қўшилади. Тўпламнинг туйилгани 8 гр. 200 мл. қайнаган сувга солиб, сув ваннасида ёпиқ идишда 15 дақиқа иситилади, термосда 2 соат тиндирилиб, сузгичдан ўтказилади.

Шифобахш лимонўт гиёхи – 10 гр. , зира меваси – 5 гр. , оддий арчагул гиёхи – 5г. , тоғ арникаси тўп гули – 5 гр. , шифобахш қашқарбеда (донник) гиёхи – 10 гр. , оддий манжетка япроғи – 5 гр. , шифобахш арслонқўйруқ гиёхи – 15 гр. , шифобахш қоқиўт

илдизи – 10 гр., маккажүхори паттаси – 5 гр., ўрмон маймунжони новдаси, буғдойик илдизи – 5 гр., оддий брусника япроғи – 10 гр. Туйилган тўпламдан 9 гр., 300 мл. қайнатилган сувга солинади, термосда 3 соат тиндирилиб, сузғичда сузилади. Илиқ ҳолда стаканнинг  $\frac{1}{4}$  миқдорicha кунига 4 марта овқатдан 1 соат олдин ичилади.

Шифобахш қашқарбеда ўти, омела новдаси, дорибоп шивит меваси, дорибоп мойчечак гули, спориш гиёхи, шифобахш календула гули, йўнғичка гули, қаштан гули, марваридгул япроқлари, наъматак меваси, маймунжон япроғи, сачратқи илдизи, сули пояси, тоғоайхон гиёхи – теппа-тенг миқдорда олинади. 10 гр. тўплам 300 мл. сувга солинади, сув ваннасида 10 дақиқа иситилади, 2 соат тиндирилиб, сузғичдан ўтказилади.  $\frac{1}{4}$  стакандан илиқ ҳолда кунига 4 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади. Бир тўпламни 2-2, 5 ойдан кўп вақт ичилмайди. Ичиш муддатлари оралиғи 7-10 кун. Барқарор ҳолатда тўпламларни 3-4 ҳафтадан йилига 2-3 марта ичса бўлади.

### **ЛИМФОСТАЗ (фил оёғи, филоёқлашув, элефантиаз)**

Лимфостаз (лимфедема) – оёқ тўқималарининг муттасил шишига, тўқима суюқлиги (лимфа) оқишининг бузилиши сабаб бўлади. Кўпинча оёқлар шикастланади.

Касалликнинг келиб чиқишига шароит туғдирувчи омиллар қўйидагилар бўлиши мумкин:

сарамас шамоллаши;

вена ва лимфатик томирлар касаллиги (лимфангитлар, лимфаденитлар);

лимфатик тугунларни олиб ташлаш учун ўтказиладиган жарроҳлик амаллари (мастэктомия, чов лимфаденэктомияси ва ҳоказо).

Лимфостазнинг энг юқори даражаси – филоёқлашув (элефантиаз); оёқ ҳажмининг жуда катталалиши, йўғонлалиши, зичлалиши, тери ва териости бириктирувчи тўқималарининг трофик заарланиши, беморларнинг ногиронлалиши билан тавсифланади.

### **БЕЛГИЛАРИ**

Сарамас шамоллаши билан оғриганига ёки жарроҳлик амалига ишора.

Касаллик бошланишида оёқнинг орқа томонида кечга бориб озгина шиш пайдо бўлади, эрталаб эса ғойиб бўлади ( юмшоқ шиш босқичи).

Шундан кейин терида қалин қатлар пайдо бўлади (йўғонлашув босқичи).

Терида тирқишлир, шамоллаш кўринишида трофик ўзгаришлир пайдо бўлади ва ҳоказо.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Лимфостазнинг биринчи аломатлари пайдо бўлганда (юмшоқ шиш босқичда) шифокорга жарроҳга, флебологга мурожаат қилиш лозим, чунки касалликнинг илк босқичларида гина фил оёқка айланишининг олдини олиш мумкин.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Ташхис қўйиш учун умумий шифокор кўриги ва одатдаги таҳлиллардан ташқари вена қон айланиши ҳолати ва лимфатик шиш текширилади. Шу мақсадда турли усулларни қўллаш мумкин:

лимфатик томирларни радиоизотопли текширув (лимфосцинтиграфия);

компьютер ёки магнит – резонанс томографияси;

вена томирларини ультратовушли текширув ва ҳоказо.

### **Муолажа**

Одатда шамоллаш касалликларини даволашга, оёқлардаги лимфатик шишларни тузатишга қаратилган анъанавий муолажа қилинади. Шу мақсадда **компресс муолажани, дори воситаларини қўллайдилар**.

Лимфостазни даволаш ҷоғида жарроҳлик амалини ҳам, қатъий кўрсатмалар бўйича бажарадилар. Улар ёрдамчи чора ҳисобланади ва навбатдаги анъанавий даволаш заруриятини истисно этмайди.

### **Компресс муолажаси**

Махсус тиббий кийим олинади (махсус чулкилар, колготкилар, гольфлар, компрессион кўлқоплар), уларни шифокор қанча муддатга деса, шунча кийиш керак бўлади. Тиббий кийим - кечак танлаш ва ундан фойдаланиш bemornining ўз ишидир. Кўрсатмалар бўйича қўл ёки аппарат ёрдамида уқаланади (пневмомассаж).

Дори воситалари. Фармакологик дориларни шифокор тавсияси бўйича ва унинг назорати остида ичиш керак.

**Кассаланган жойларда қўлланадиган дорилар** (геллар, суртмалар):

Актовегин  
Гигатромбин  
Рутозид (Ритин, Венерутон)  
Троксерутин (Троксевазин).

**иладиган дорилар:**

Анавенол  
Антистакс  
Венза  
Веноплант  
Гинкор форт  
Детралекс  
Кальций добезилат (Доксилик, Доксиум, Доксихем)  
Рутозид  
Трибенозид (Гливенол)  
Троксерутин (Троксевазин)  
Цикло-Зфорту.

**Жарроҳлик амали**

Жарроҳлик амалининг икки тури қўлланади:

лимфатик томирларда реконструктив жарроҳлик амали (Лимфавеноз анастомозлар қўйиш);

тери ва тери ости бирлашувчи тўқималарни кесиб ташлаш.

Жарроҳлик муолажасидан сўнг, чўзилувчан дока ва тиббий кийимни 4-6 ой давомида кийиб ё тақиб юриш тавсия этилади.

## ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

250 гр. саримсоқпиёз тозаланиб, қирғичда қирилади ёки ҳовончада туйилади, 350 гр. суюқ асал солингандан сўнг, обдон аралаштирилади ва 1 ҳафта сақланади. Овқатдан 40 дақиқа олдин кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади. Муолажа муддати – 2 ой.

Ёнгоқ япроқлари 30 гр. – 500 мл. қайнатилган сувга солинади, 2 соат тиндирилади ва яrim стакандан кунига 4 маҳал ичилади.

### **Лимфостазни кичрайтириш учун машқлар**

Агар ҳар куни лоақал бир марта кечқурун (эрталаб ва кечқурун бўлса – яна яхши) қўйидаги амал ва машқлар бажариб борилса, лимфатик шишни қайтариш мумкин.

Оёқлар шишганда уларни иложи борича баланд кўтариб ётилади, оёқлар тагига болиш қўйса ҳам, ёки деворга тик ҳолатда қўйса ҳам бўлади. Агар қўл шишса, юзни деворга қилиб турилади, касал қўли иложи борича баланд кўтарилади (оғриқни енгиди ва соғ қўл билан ёрдам берилади). Кўлни ёки оёқни ўша ҳолатда 10-15 дақиқа тутиб турилади.

Касал оёқларга Троксевазин ёки Лиотон ёки Гигари суртмаси суртилади.

Пастдан марказ томонга силовчи ҳаракатлар билан касал қўл-оёқлар уқаланади: оёқлар – бармоқлардан тос-сон бўғимларигача, қўлларни эса тегишли равища елка бўғимиғача. Уқалаётган кафт шиши сиқиб, маддани чикариб ташлаётгандек, оҳиста босиб уқаланади.

“Сиқиб чиқарувчи” уқалашдан кейин, оёқни чўзилувчан дока билан ўраб боғланади ёки компресс колготкалари кийдирилади (тўشاқдан турмай), лимфостазда қўлларга компресс қўлқопи кийдирилади.

## **ВЕНАЛАРНИНГ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИ** **- (Варикозное расширение вен)**

**Веналарнинг варикоз кенгайиши** (варикоз касаллиги) – оёқлар териости (юзаки) веналарининг кенгайиши, клапанларнинг (қопқоқларнинг) яроқсизланиши ва веноз қон оқишининг бузилишидан келиб чиқади.

**Бирламчи варикоз кенгайиш** юзаки вена деворлари заифлиги, вена қопқоқларининг нуқсонлари билан боғлиқ. Бир қанча бошқа касалликлар ва жараёнлар (семириш, ҳомиладорлик, узоқ муддат тик туриш, бириктирувчи тўқиманинг туғма заифлиги) бу касалликнинг ривожланишига қараб бўлади.

**Иккиласми варикоз кенгайиши** чуқур веналар ўтказувчанинг бузилиши муносабати билан (тромбоз, вена қопқоқчалари етишмовчилиги, вена деворлари туғма заифлиги ва ҳоказо) веноз қон оқишининг бузилиши натижасида юзага келади.

## **БЕЛГИЛАРИ**

Варикоз касаллигида, веналар кенгайиши пайдо бўлгунига қадар, оғир оёқлар деб аталадиган синдромни пайқаш мумкин –

кечки пайтларга бориб bemor оёқлари шишади, оғрийди, киши ўзини чарчагандай ҳис қиласи.

Терида томир юлдузчалари (телеангиоэктомиялар) – томирчалар тўрлари пайдо бўлиши мумкин.

Асосий белгиси – тери орасидан шишган, сертугун, кўриниб турган веналар бўлиб, тери сиртига бўртиб чиқади.

Хасталик сўнгги босқичларда тери рангининг ўзгариши, веналар атрофидаги терида ҳам, веналарнинг ўзида ҳам яллиғланиш ривожланиши (тромбофлебитлар), варикоз тугунчалардан қон кетиши, яхши битмадиган яралар пайдо бўлиш мумкин.

### **Энг хавфли асоратлари:**

ўткир тромбофлебит;  
варикоз томирнинг ёрилиб, қон кетиши;  
трофик яралар.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлганда шифокорга (қон томир жарроҳига флебологга) мурожаат қилиш керак. Фақат бошланғич паллалардагина, варикоз касаллиги ривожланишининг олдини олиш мумкин.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текширишлар**

Ташхис қўйиш учун умумий шифокор кўриги ва одатдаги таҳлиллар ўтказишдан ташқари, веноз қон айланишининг ҳолати текширилади. Касаллик сабабларини аниқлаш ва тўғри даволаш учун, чуқур веналар ўтказувчанигини текшириш ва вена қопқоқчалари фаолиятини аниқлаш, катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда турли усуллар қўлланилади.

ультратовуш текшируви (допплерография, дуплекс сканирлаш ва ҳоказо);

рентгеноконтраст флебография ва ҳоказо.

### **Муолажа**

Варикоз касаллигини даволаш томир жарроҳларининг (флебологлар) вазифасига киради, улар айни вақтда bemorni қандай даволашни ҳал этишади. Жарроҳсиз муолажа (склерозловчи терапия, хирургик операция) касаллик ривожланишининг чўзишишига сабаб бўлиши мумкин, холос, аммо бунда варикоз веналарини йўқотишга эришиш жуда қийин кечади.

Варикоз касаллигини даволашнинг консерватив усуллари ҳам бор. Улар, асосан, касаллик ривожланишининг илк босқичларида самара беради. Бунда дори воситалари билан биргаликда компрессион муолажа ҳам қўлланилади.

**Дори воситалари.** Дори воситаларини шифокор тавсияси ва унинг назорати остида ичиш лозим.

**Суртма дорилар** (геллар, мойлар, суртмалар); Актовегин, Гепатромбин, Рутозид (Рутин, Венорутон), Троксерутин (Троксевазин).

**Ичиладиган дорилар:** Анавенол, Антистакс, Венза, Веноплант, Гинкорфорт, Детралекс, Кальций добезилат (Доксилик, Доксиум, Доксихем) Трибенозид (Гливенол), Троксерутин (Троксевазин).

### **Компрессион муолажа**

Мутахассис махсус тиббий буюм танлайди (махсус чулки, колгот, гольф), уни ҳар доим кийиб юриш керак. Тиббий кийимни танлаш ва ундан фойдаланиш bemor хоҳишига кўра амалга оширилади.

### **Жарроҳлик муолажаси**

Склерозли муолажа, варикоз веналарга махсус дориларни киритишдан иборат. Яъни, веналар олиб ташланмайди, балки махсус дори билан склерозлаштирилади;

Варикоз шишган томирлар веналарни олиб ташлаш (флебэктомия)дангина эмас, балки игна санчиш орқали бажариладиган эндоскопик флебэктомия, электрокоагуляция ва очик жарроҳлик амалиётидан иборат.

Жарроҳлик муолажаси ёки склерозлаштирилгандан кейин 4-6 ой мобайнида чўзилувчан (эластик) докалар ёки тиббий пайпоклар кийиб юриш, тавсия этилади.

## **ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Каштан гуллари – 0, 5 л. ароқقا 50 гр. Солинади. Иссиқ, қоронғу жойда 2 ҳафта тиндирилади, ҳар куни чайқатилиб, докадан ўтказиб турилади. 3-4 ҳафта давомида кунига 3-4 марта 30-40 томчидан ичилади. Настойкани уйқу олдидан кенгайган венали териларга суртилади.

Қичитқи ўт япроқлари – бир ош қошиғи бир стакан қайнаган сувга солиниб, 30 дақиқа тиндирилгач, докадан ўтказилади,

овқатдан бир соат кейин кунига 3 маҳал бир стакандан ичилади. Қичитқи ўт япроқлари солинган дамламани касалликнинг бошланғич палласида ичилади, айниқса оёқни настойка билан салқин ванна қилинса, фойдали, уни тайёрлаш сиртдан кўлланадиган дорилар рецептларида келтирилган.

12 каштанни қоқ иккига бўлинади ва 3 л. Қайнаган сув куйилади, 200 г. шакар қўшилади ва совугач, пичоқ учидаги хамиртуруш ташланади. 10 кун тиндирилиб, сузғичдан ўтказилади ва кунига 3-4 маҳал бир стакандан, овқатдан 15 дақиқа олдин ичилади. Муолажа муддати 3-4 ой. Навбатдаги ачитқи 3 кун тиндириллади. Каштанлардан 3-4 марта фойдаланса бўлади.

### **Халқ табобати рецептлари (суртмалар)**

Каштан пўсти бўлиши эҳтимол тутилган ҳолат. Биринчидан (уруғ пўсти) қайнатмасидан оёқдаги оғриқларни йўқотишда, болдир мушакларининг тунги томир тортишларида фойдаланиллади. 100 гр. Пўстлоқ уруғ пўстидан салқин ванна тайёрлаш учун 2 л. Сув куйилади, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади, 4 соат тиндирилиб, сузғичдан ўтказилади. Муолажа вақти 15 дақиқа, бир курса муолажа муддати 10 кун, кунора бажарса ҳам бўлади.

Оёқ ваннаси учун, ботқоқ ўсимлиги настойкаси (димламаси) куйидагича тайёрланади: 100 гр. Қуруқ ўтга 2 л. Қайнаган сув солиниб, тиндириллади, сузғичдан ўтказилади. Ванна ҳар куни ёки кунора қилинади, қичитқи ўт настойкасини ичиб, муолажа бирга олиб борилади. Амал муддати 15 дақиқа.

200 г. асалга бир ош қошиқ йирик туз аралаштириллади. Аралашма касал веналар бўйлаб оёқ терига юпқа қилиб суртилади. Пергамент қоғоз ёпиб (целлофандан фойдаланиш тавсия этилмайди), дока билан ўралади. Компресс икки кун сақланади, кейин бир кун дам берилади. Муолажа муддати – 9 кун.

Сувли ва пишган помидор майда қилиб тўғралади ва қаттиқ шамоллаган веналарга ёпишириб чиқилади, устидан дока билан енгил боғлаб қўйилади. 3-4 соатдан кейин янги помидор тўғрамлари билан алмаштириллади.

## **БОД**

**Бод** (ревматизмбод безгаги) – бирлаштирувчи тўқиманинг тизимли шамоллаш касаллиги, қўпроқ юракка шикаст етиб, Агурухидаги бетта гемолитик стрептококкдан келиб чиқади. Ирсий жиҳатдан бир-бирига яқин одамларда кўпроқ учрайди. Кучли

бошланиб, кейинчалик, сурункали касалликка айланади ва вақти-вақти билан бир кучайиб- бир сусайиб туради.

Бод инфекцион-аллергик жараёнлар натижасида ривожланади ва юрак, томирлар, бўғимлар, гоҳо бошқа аъзолар ва тизимларни шикастлантиради. Аъзоларнинг боддан шикастланиши асосида юрак, томирлар ва бошқа аъзолар ўз тўқималари оқсил таркиблари (автоиммун тажовуз) ўз-ўзини вайронқилади. Мазкур жараён энг аввало, гемолитик стрептококка қарши ҳимоя таъсири сифатида ривожланади, организм хусусиятига боғлиқ у патологияга айланади.

Асосан, болалар ва ёшларда учрайди. Одатда касаллик ангина ёки кам ҳолларда, бошқа юқумли касаллик билан оғригандан кейин 1-3 ҳафта ичида ривожланади. Такрорий хуружлар чоғида бу муддат, янада қисқариши мумкин. Айрим беморларда, ҳатто бирламчи бод, юқумли касаллик билан ҳеч бир алоқадор бўлмаган ҳолда оғригандан 1-2 кун ўтгач юзага келади.

Жароҳат олганда, жисмоний зўриққанда (ва ҳ. к. ) касаллик зўрайиши мумкин.

## БЕЛГИЛАРИ

Касаллик бир неча бўғимларда (полиартрит) озгина ҳаракатда ҳам кучайиб кетувчи ўткир оғриқдан бошланади, сўнгра бўғимлар атрофидаги шишлар қўшилади. **Йирик бўғимлар**, тизза, панжа, болдир ва оёқ, тирсак, икки ёқлама шикастланада, тана ҳарорати кўтарилади ( $38-40^{\circ}\text{C}$ ), бемор қора терга ботади. Барча бўғимлардаги оғриқлар, ҳатто муолажасиз ҳам 2-4 ҳафта ўтгач изсиз йўқолиши мумкин. Бўғимлардаги оғриқлар босилиши жараёнида юрак ва асад тизимлари шикастланиши аломатлари кўпроқ сезила бошлайди.

**Катталарда**, бод **миокардити** одатдагидек, унча оғир кечмайди (заиф оғриқлар ва туш соҳасида англаб бўлмас нохуш сезгилар, зўриққанда енгил нафас қисиши содир бўлади). Болаларда бод миокардити оғир кечиши, миокард фаолияти бузилиши мумкин (тинч ётганда, нафаси сикади, юрак атрофи тинимсиз оғрийди, тахикардия, тери оқиш-кўкиш тусга киради, бўйин томирлари бўртади, артерия босими пасаяди).

Бод **эндокардити** узоқ вақт давомида росмана аломатсиз кечади. Беморлар яхши кайфият ва меҳнат қобилиятини сақлаб қоладилар. Фақат, юрак белгиларининг билинмасдан юзага келиши туфайли гемодинамик ўзгаришлар пайдо бўлади. Улар биринчи бор

нафас қисиши, юрак атрофи оғриши, тез толиқиши каби шикоятлар билан шифокорга мурожаат қиласылады.

Асаб тизими касалланиши (**кичик хорея**) күйроқ болаларда учрайди. Хиссий бекарорликнинг мушак гипотонияси ва гавданинг, күл-оёқларнинг, юз мушакларининг зўраки ғалати харакатлари билан қўшилиб кетиши намоён бўлади (гоҳо ота - оналар бола “афтини бужмайтираяпти”, деб янгишадилар). Кичик хорея такрорланиши мумкин, бироқ 17-18 ёшларда у деярли ҳар доим йўқолиб кетади.

**Боднинг энг хатарли асорталари:**

**астлабки дамларда** – ўткир юрак нуқсонлари;

**кейинчалик** – сурункали юрак касалликлари, юрак қопқоқчаларида етишмовчилик, аритмиялар.

**Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Боднинг биринчи аломатлари ривожланиши чоғида (иситма, бўғим оғриқлари) текшириш ва муқобил муолажа қилиш учун шифокорга мурожаат қилиш шарт.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Ташхис қўйиш учун умумий шифокор кўриги ва одатдаги таҳлилларни ўтказиш учун, юрак ҳолати, иммун тизими чукур ўрганилиши зарур. Шу мақсадда шифокор текширишнинг қўшимча усувларини тайинлаши мумкин:

эхокардиография;

электрокардиография;

қонда С – реактив оқсили ва иммуноглобулин аралашмасини аниқлаш, ҳалқумдан олинган суртмани бактериологик текшириш ва ҳоказо.

### **Муолажа**

Бод аниқланганда барча беморлар зудлик билан касалхонага ётқизилади, 2-3 ҳафта давомида қатъий тўшак тартиби жорий қилиниб, парҳезга риоя этилади.

Касалхона шароитида шифокор беморга антибиотиклар (Бенипенициллин, Бициллин, Ровамицин, Роксигексал, Рокситромицин, Кларитромицин, Оспен), глюокартикоид гормонлар (Полькортолон, Преднизолон, Триамцинолон) ва ҳоказо дориларни буюради.

Ўткирлашувдан ташқари даврда, бодни даволаш давом эттирилиб узок таъсир этувчи антибиотиклардан (Бициллин) фойдаланилади. Бунда, совук қотиш, ўткир респиратор касалликлардан сақланиш зарур.

Касаллик такроран хуруж олган вақтда, шамоллашга қарши дорилардан узоқ муддат фойдаланиш ҳам мумкин. Асоратлар ривожланганда (юрак нұқсонлари, аритмия) шифокорлар күпинча юрак глюкозидлари, миокард метаболизмини тузатадиган воситалар, пешоб ҳайдайдиган препаратлар, калий ва магний препаратлари тайинлайдилар. Дори воситаларини ва улар миқдорини танлаш мутлақ индивидуал ҳам қилинади. Улар албатта шифокор тавсияси билан ва ЭКГ күрсаткичлари, қон таҳлили назоратида олиб борилади.

**Пархез.** Ўткир бод (фаол палласи) да түшак тартиби жорий қилинади, ёғ ва углеводларни камайтириш ҳисобига, қуввати пасайтирилган пархез тавсия этилади. Оқсил чеклови унча күп эмас. Суюқликлар истеъмоли 1 литрдан ошиб кетмагани маъқул. Овқат ош тузсиз пиширилади. Агар бемор тузсиз овқатни емаса, тайёр таомга 3-4 гр. туз сепилади. Кучли терлаганда, күрсатилганидан ортиқроқ миқдорда ҳам, туз истеъмол қиласа бўлади.

Овқат хилини янги хўл мевалар, данакли мевалар ва сабзавотлар, улардан янги сиқиб олинган шарбатлар, наъматак қайнатмаси, яrim витамин дорилар билан бойитилади. Овқат тайёрлашда ошқозон-ичак тизимини мўътадил кимёвий ва механик таъсирдан ҳимоялаш кўзда тутилиши керак ва балиқ, қайнатиб пиширилади.

**Юқ ташлаш пархези тавсия қилинади** (7-10 кунда 1 марта) – олма ёки бошқа хўл мевалардан, туршак ва қоқилардан, салатли, картошкали, кефирли, сузмали – сутли маҳсулотлар кунига озодан 5-6 марта ейилади.

Аччиқ шўрвали гўшт, қовурилган балиқ, замбуруғдан қилинган соуслар, тузламалар, жавдар ва ҳар қандай янги ёпилган нон, янги соғилган сут, дуккаклилар, газланган ичимликлар истисно этилади.

Ўткир хуруждан 5-10 кун ўтгач, шамоллаш бўлгандаги касалликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ҳарорат баланд бўлмаганда ва умумий қониқарли ҳолатларда, овқат, сузма, тухум, гўшт ва балиқ, шунингдек, пробиот (бифидокефир, бифидок ва

ҳоказо) қатиқли ичимликлар ҳисобига кенгайтирилади. Бундай ичимликлар антибиотиклардан кейинги микроб таркибининг бузилишини йўқотади. Ош тузининг (тайёр овқатга туз солиш кунига 5-6 гр. ) ва эркинсуюқликнинг чекланиши (кунига 1, 2л. ), шунингдек, витаминлар истеъмолини кўпайтириш, боднинг ўткир босқичидагидек ўз долзарблигини сақлаб қолади.

Овқат тури, витамин, минерал мажмуалари, калий, магний билан бойитилади.

### **Ичиладиган дорилар**

**Шамоллашга қарши дорилар:** Гидроксихлоохин

(Плаквенил)

Диклофенак (Волтарен, Диклонат, Раптен Рапид)

Холороҳин (Делагил).

Юрак гликозидлари: қ. Юрак нуқсонлари.

**Миокард метаболизмини яхшилайдиган дорилар:**

Дўлана гули экстракти

Истенон

Милдронат

Молсидомин (Диласидом, Корвамин, Сиднофарм)

Пумпан

Тонгинал

Фиторелакс

Таурин (Дибикор)

Триметазидин (Предуктал).

**Калий ва Магний препаратлари:** Аспаркам

Магнерот

Панангин.

**Жарроҳлик муолажаси.** Юрак бод нуқсони ривожланган чоғда (митраль, аортал стенози ёки етишмовчилиги кардиохирургик амал қўлланилади (юрак қопқоқчалари пластикаси ёки протезланиши).

Жарроҳлик амали бод жараёни ўткирлашмасдан олдин ва куйидаги кўрсатмалар асосида бажарилади:

антибактериал терапия самарасизлигига;

қопқоқчалар табақаларининг кальциноз ва фиброз ифодали юрак қопқоқ аппаратининг қон айланишида оғир бузилишларга олиб келадиган ёмон ўзгаришлар (кучайиб борувчи юрак нуқсонлари, қопқоқчалар бузилишининг эхокардиографик алломатлари).

Жарроҳлик амали тўғри келмаслигини қўрсатувчи далиллар, беморнинг умумий оғир ахволи билан боғлик ва маълум даражада ўпка, жигар ва буйракнинг, турғун юрак етишмовчилиги натижасида заарланишига ва шу аъзоларнинг бевосита патологиясига боғлик. Организмда жарроҳлик амалидан кейин инфекцион эндокардитлар ривожланиши хавфи туфайли, юқумли касаллик тарқалишига ҳеч қандай йўл қўймаслик (гайморит, тонзиллит, холецистит, пиелонефрит, эндометрит, тиш яллигланиши ва ҳоказоларда) ҳам, юрак қопқоқчаларини протезлаб бўлмайди.

## **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Касаллик кучайганда қуидаги гиёҳлардан фойдаланган маъкул:

Қизил дўлана, далачой (зверобой), мойчечак гули, қайнин куртаклари, бинафша ўти, дала қирқбўғими, иттиканак ўти - тенг миқдорда 8 гр. тўпламга 300 мл. қайнатилган сув солиниб, сув ваннасида 15 дақика иситилади, термосда 3 соат тиндирилиб, сузғичдан ўтказилади. Стаканнинг 1/3 миқдорида кунига 3-4 маҳал, овқатдан олдин ичилади. Шифобахш арслонқуйруқ япроғи, қайнин япроқлари, ёронгул (герань) бутаси, каштан, қизилмия илдизи, наъматак меваси, оқ тол пўстлоғи бутаси, тоғрайҳон бутаси – тенг миқдорда қўшилади. Тўплам туйилганидан сўнг, 250 мл. совук сувга солинади, 4 соат тиндирилади, қайнатилиб, 1 соат тиндирилгач, сузғичдан ўтказилиб, стаканнинг 1/3, 1/4 миқдорича кунига 3-4 маҳал, овқатдан 30 дақика олдин ичилади.

Марваридгул гули, қичитқиёт бутаси, жўка гули, игир илдизи, арчагул бутаси, қизилпоча бутаси, қайнин куртаги, брусника япроғи, оқ каррак гули, иттиканак бутаси, атиргул япроқлари, қирқбўғим гиёҳи – тенг миқдорда тўпламдан 6 гр. туйилганини 250 мл. сувга солиб дамланади, термосда 4 соат тиндирилиб, сузғичдан ўтказилади. Стаканнинг 1/4 миқдорича кунига 4 маҳал, овқатдан кейин 30 дақика олдин ичилади.

Касаллик хуружи қайта бошлангани аниқ бўлгандан кейин, гиёҳлар миқдорини камайтириш мақсаддага мувофиқдир.

Арслонқуйруқ бутаси, қичитқиёт бутаси, мойчечак гули, иттиканак бутаси – тенг миқдорда 6 гр. туйилган гиёҳларни 250 мл. қайнатилган сувга солиб, термосда 4 соат дамланиб, сузғичдан

ўтказилади. Стаканнинг 1/4 миқдорича, кунига 4 маҳал, овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади.

Дўлана гули, лабазник бутаси, қизил поча бутаси, тоғрайхон гиёҳи – тенг миқдорда 8 гр. туйилганини 350 мл. қайнатилган сувга солиниб, 3 дақиқа қайнатилади, термосда 2 соат дамланади, сўнг сузғичдан ўтказилади. Стаканнинг 1/2 - 1/4 миқдорича кунига 4 маҳал, овқатдан олдин ичилади.

Қичитқиўт гиёҳи, учбарг (ваҳта) япроғи, ойболтиргон (дягиль илдизи, наъматак меваси – тенг миқдорда 8 гр. туйилганидан 300 мл. совуқ сувга солинади ва 4 соат тиндирилади, қайнатиб, 4 соат дамлаб қўйилади, сузғичдан ўтказилиб, стаканнинг 1/4 - 1/3 миқдорида кунига 3-4 маҳал, овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади.

## **ЮРАК ЗАИФЛИГИ**

Сурункали юрак иллати (ЮИ) – нафас қисиши, тахикардия, заифлик билан тавсифланувчи ҳолат бўлиб, жисмоний зўриқиши туфайли келиб чиқади, гоҳо, тинч ҳолатда ҳам пайдо бўлади. Бундай аломатлар юрак мушагининг заифлигидан юзага келади. Организм жисмоний зўриқканда қон ва кислород билан етарли миқдорда таъминлаш учун юракнинг кучи етмай қолади.

ЮИ сабаблари: миокард инфаркт бўлган юракнинг ишемик касаллиги, артериал гипертензия, бодли миокардит, миокард дистрофияси, юрак қопқоқчалари иллати ва ҳоказо.

## **БЕЛГИЛАРИ**

Жисмоний зўриқканда ёки тинч ҳолатда нафас қисиши ёки умумий беҳоллик.

Бўғилиш хуружи (юрак астмаси).

Оёқларда, баданда шишлар пайдо бўлиши.

Юрак уриши тезлашади, аритмия сезилади.

Артериал босим пасайиши ёки кўтарилиши, бош айланиши, беморнинг кўз олди қоронгилашуви, ҳушдан кетиши.

Аломатлар ифодасига кўра ЮИ уч хил мураккаблик даражасига бўлинади:

I - Компенсацияланган ЮИ (енгили);

II – субкомпенсацияланган ЮИ (мўътадил);

III– Декомпенсацияланган ЮИ (оғири).

## **1 даражали ЮИ**

Одатдаги жисмоний зўриқишиларда ЮИнинг бирон-бир ифодаси сезилмайди.

Барча аломатлар (толикиш, юрак уриши, нафас қисиши) фақат жисмоний зўриққан пайтда пайдо бўлади.

## **2 даражали ЮИ**

Жисмоний зўриқишида нафас бўғила бошлайди, оёқларда ўткинчи шиш пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Тинч ҳолатда барча аломатлар ғойиб бўлади.

## **3 даражада ЮИ**

Озгина зўриқишида ёки тинч ҳолатда ҳам нафас қисиши, ҳолсизлик, бош айланиши юзага келади, шу туфайли bemor ҳар қандай жисмоний зўриқишини кўтараолмайдиган бўлиб қолади.

Юрак астмаси хуруж қиласи.

Оёқлар, бадан муттасил шишади (анасарка), бўшлиқ шишлари (асцит) пайдо бўлади ва ҳоказо.

## **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Юрак нуқсонларида, дастлабки аломатлар ривожлана бошлаганда (нафас қисиши, бош айланиши, шишлар) текшириш, ва муқобил муолажа ўтказиш учун, албатта шифокорга мурожаат қилиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

кўкрак қафаси аъзоларини рентген қилиш;

юракни рентгеноконтраст текшириш (коронография);

электрокардиография (шу жумладан, суткалик мониторлаш);

зўриқтирувчи машқлар (VELOЭРГОМЕТРИЯ, 6 дақиқа юриш машқи);

эхокардиография;

қонда креатинин, пешоб, калий, оқсиллар миқдорини аниқлаш;

қонда стрептококка қарши антитело ва стрептококк антигенларини текшириш;

қонда умумий ҳолестерин, юқори зичликдаги липопротеидлар (ЛПВП) миқдорини аниқлаш ва бошқалар.

## **Муолажа**

Юрак етишмовчилиги (ёки заифлашуви) муолажаси, жисмоний зўриқиши чеклаш, парҳез, дори-дармон муолажаларини ўз ичига олади.

Дори муолажаси мутлақо индивидуал ва юрак касаллиги, ЮИ оғирлиги, bemorning дорига эҳтиёжига боғлиқ. Аксар ҳолларда, шифокорлар юрак гликозидлари, пешоб ҳайдовчи, ангиотензиз II рецепторлари антагонистлари, бета-адреноблокаторлари, периферик вазодилататорлардан фойдаланилади. Дориларни, фақат, шифокор тавсияси ва унинг назорати остида ичилади. ЮИ бор bemorлар овқатида парҳез (натрий-ош тузи) ва эркин суюқлик истеъмолини меъёрда сақлаш асосий аҳамиятга эга.

Шишлар қайтгунча парҳезда натрийни чеклаш. Бунда овқат тузсиз пиширилади ва уни ташкил этувчи маҳсулотларни олдиндан билиб истисно этадилар (колбаса, пишлок ва ҳоказо), шишлар авж олганда эса одатдаги оқ нонни ман этадилар. Агар кун охирига келиб болдирилар шиши (пайпаслаганда хамирга ўхшашлиги) бўлмаса, кам тузли овқат еса бўлади. ЮИнинг III босқичида қорин ёки плеврал бўшликдан суюқлик чиқариб ташлангандан кейин, “натрий тақчиллиги” аломатларида, қусганда, ич кетганда ва пешоб ҳайдовчи дориларни узоқ ичиб юргандан кейин, туз истеъмолига қайтиш мумкин.

Тузсиз овқатга таъм киритиш учун, хуштаъм сабзавотлар (шивит, кашнич ва ҳоказо) пиёз, саримсоқпиёз, зираворлар, томат ва лимон шарбати, сиркадан фойдаланилади.

Натрий истеъмолини чеклаш ва пешоб яхши ажралиб турганда, bemor қуидагиларни ичиши мумкин:

ЮИ нинг I босқичида – кунига 1, 4-1, 5 л. соф суюқлик.

II босқичида – 1, 0-1, 2л. гача

Муттасил шишларда суқлик миқдори кескин чекланади – ўртacha кунига 0, 7-0, 8 л. гача

Агар натрий истеъмоли чекланмаса, суюқликни камайтириш фойда бермайди, яъни парҳезда натрий миқдори катта аҳамиятга эга.

Мехнатга қобилиятлилик сақланиб турганда ЮИ мўътадил чоғида овқат тўйимлилиги одатдаги овқат меъёрларига мос келади. Ўрта ва оғир ЮИ чоғида тўшак режимида қувват (калорияли) истеъмоли кунига 1600-1800 ккалгача қисқариб боради, бу ёғ ва углеводлар ҳисобига бўлиб, оқсил бунга кирмайди.

I ва II босқич ЮИ да овқат ҳазм қилиш аъзолари ҳимоясини унутмаслик лозим. Оғир ЮИда овқат, қирилган ва қайнатилган масаллиғлардан тайёрланади. Ич қотишига қарши курашиш учун, ивитилган туршаклар, пишган юмшоқ ҳолдаги мевалар ва хом данакли мевалар, пиширилган олмалар, қирилган лавлаги ва сабзилардан фойдаланилади. Ичакларда қулдираш ва дам тўпланишини келтириб чиқарувчи (к. Метеоризм) маҳсулотлар, овқатлар таркибидан истисно этилади. Иштаҳа ёмонлашганда хиёл ёғли шўрва, олдиндан қайнатилмаган гўшт ва балиқ, хуштаъм сабзавотлар ва тузсиз дориворлар, суюқликнинг умумий истеъмолини ҳисобга олган ҳолда 1-2 пиёла (кунига) табиий суюқ қаҳва берилиши мумкин.

Овқатлар таркибида калий миқдорини ошириш учун ҳўл ва данакли мевалар, сабзавотлар, уларнинг шарбатларидан истеъмол қилиш лозим. Бироқ калий сақловчи пешоб ҳайдовчи дорилар (Транпур, Спиронолактон ва ҳоказо) ичган вақтда, калийга бой маҳсулотлар истеъмолини ҳаддан оширмаслик керак, калий дориларини умуман истеъмол қилмаслик керак.

### **Ичиладиган дори воситалари**

**Юрак глюкозидлари:** Дигитоксин

Дигоксин

Ланатозид С

Метилдигоксин.

**Пешоб ҳайдовчи дорилар:** Буметанид

Гидрохлоротиазид (Гипотиазид)

Спиронолактон (Верашпилактан, Верошпирон)

Триамтерен Фуросемид (Лазикс, Фурасемид-Милве)

Этакрин кислотаси (Урегит).

**Ингибиторлар:** АПФ, Каптоприл (Ангиоприл, Капотен)

Лизиноприл (Диротон, Лизорил, Листрил, Даприл, Синоприл)

налаприл (Берлиприл, Ренитеқ, Эднит, Энап, Энам, Энвас).

**Ангиотензин 2 рецепторларининг антагонистлари:**

Валсартан (Диован)

Лозартан (Лозап, Козаар, Презертан).

**Бета-адреноблокаторлар:** Бисопролол (Конкор)

Карведилол (Карвидас, Таллитон)

Метопролол (Беталок, Вазокардин, Корвитол, Метокард, Эгилок).

**Периферик вазодилататорлар:** Изосорбид динитрати (Изолонг, Кардикет)

Изосорбид мононитрати (Монизол, Моночикве, Оликард, Пектрол, Монолонг, Моносан, Эфокс).

**Жарроҳлик муолажаси.** Оғир ЮИ билан оғриган беморларда медикаментоз терапияси самара бермаганида, юракни күчириш ўтказишга (Трансплантация) номзод деб қараш керак.

Юракни күчириб-ўтказишга қарши қўрсатувчи омиллар;  
65 ёшдан ошганлар;

қандли диабет ва томир касалликлари чоғида ички аъзоларнинг шикастланиши;

ҳавфли ўсма пайдо бўлган беморлар;  
фаол руҳий касаллик.

## ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Баҳорги сариқида бутаси, учбарг (вахта) япроқлари, шифобахш календула гуллари, йўнғичқа гули, шифобахш лимонўт бутаси, шифобахш арслонқуйруқ (пустирник) бутаси, оқ омела новдаси, ойболдирғон япроқлари, қайин япроқлари, қирқбўғим бутаси – teng миқдорда олинади. Тўплам кукунидан 6 гр. олиб, 300 мл. қайнатилган сувга солиниб, сув ваннасида 15 дақиқа иситилади, иссиқ жойда 2 соат тиндирилгач, сузғичдан ўтказилади. Илиқ ҳолда кунига 4 маҳал 60-70 мл. дан овқатдан 1 соат кейин ичилади.

Қизил дўлана мевалари, ертутсимон барча ўсимликлар, лабазник бутаси, ввойи тошбақа толи бутаси, арпабодиён меваси, якорцев гиёҳи, четан гуллари, сачратқи илдизи, буғдойик илдизи, оқ тол пўстлоғи, шифобахш лимянка бутаси – teng миқдорда олинади. Тўпламнинг 6 гр. кукуни олиниб, 250 мл. қайнатилган сувга солиб, 3 дақиқа қайнатилади, иссиқ жойда 2 соат тиндирилгач, сузғичдан ўтказилади. Илиқ ҳолда кунига 4-5 маҳал 50 мл. дан овқатдан 1 соат олдин ичилади.

Ёввойи ертут япроғи, марваридгул япроғи, шифобахш лимонўт гиёҳи, доривор шивит бутоғи, оқ омела новдаси, отқулоқ илдизи, бўзноч гули, олма пўсти, ботқоқ багульниги йўсини, шифобахш совунак илдизи, арчагул йўсини – teng миқдорда олиниб, 8 гр. кукун 350 мл. қайнатилган сувга солинади, сув ваннасида 10 дақиқа қайнатилиб, термосда 4 соат тиндирилгач, сузғичдан ўтказилади. Илиқ ҳолда кунига 50-60 мл. дан ичилади.

## **СТЕНОКАРДИЯ**

**Стенокардия** (кўкрак қисиши) – миокард, қон таъминотининг ўткир етишмовчилиги оқибатида кўкракда – тўш соҳасида оғриқ хуруж қилиши. Стенокардия юрак ишемик касаллиги кўринишларидан бири ҳисобланади ва кўп ҳолларда бунга юрак шох-томирлари (коронар) артериялари атеросклерози сабаб бўлади.

## **АЛОМАТЛАРИ**

Юрак атрофида оғриқ хуруж қилади (тўш орқа соҳаси оғрифи), у ғоят аниқ вақтда юзага келиши ва тўхтаб, тинчланиш хусусиятига эга.

Оғриқ маълум шароитларда юзага келади – жисмоний зўриқиша, ҳаяжонда, совукка чиққанда, шамолга қарши юрганда, кўп овқат еб қўйганида.

Нитроглицерин шимганда, ёки оғриқларни келтириб чиқарувчи жисмоний зўриқиши, асабийлашиш ёки бошқа салбий омиллар тўхтаганда, оғриқлар кўпинча тез ўтиб кетади.

Кўпроқ тўш ортида, гоҳо эса бўйин атрофи, қуи жағ ва тишлиларда чап қўл, елка ёки курак, аҳён-аҳёнда – қорин тепаларида оғриқ пайдо бўлиб туради.

Оғриқ одатда симиллаган, эзувчан тус олади. Ҳар замонда куйганга ўхшаш оғриқ хуруж қилади ёки кўкракда бир нима борга ўхшаб туюлади.

Гоҳо bemor оғриқни эмас, тўши ортида оғриқ бир нарса босиб тургандай бўлаётгани ва шундай ҳолларда, оғриқ борлигини инкор қилиш мумкин.

Дард хуруж қилганида, артерия босими кўтарилади, совуқ тер чиқади, юрак нотекис ура бошлайди, ҳаво етишмаётгандек бўлади.

Агар оғриқ тинч ҳолатда ҳам кучаяверса ва дам – бадам хуруж қилаверса, бу беқарор стенокардия ривожланишини кўрсатади ва бундай ҳолат миокард инфарктига олиб келиши мумкин.

## **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Юрак атрофида қисқа муддатда оғриқ босилавермаса, зудлик билан “тез ёрдам” чақириш зарур.

Агар кўкракдаги оғриқ ўтиб кетса ҳам, текшириш учун шифокорга мурожаат қилиш зарур.

## ШИФОКОР КҮРСАТМАЛАРИ

### Текшириш

Ташхис қўйиш учун юрак-томир тизими ва липид алмашуви ҳолати текширилади (муфассал қ. Атеросклероз, юракнинг ишемик касаллиги).

#### **Муолажа**

Стенокардия хурожи чоғида:

тил тагига Нитроглицерин таблеткаси ташланади ёки тил остига Изокет ёки Нитроглицерин аэрозоли пуркалади;

тоза ҳаво кириши учун дераза ёки дарчани очиб қўйиш керак; ётинг, оёқ-қўлларни бўш қўйинг ва чуқур-чуқур нафас олинг; борди-ю, аҳвол енгиллашмаса, “тез ёрдам” чақириш зарур!

**Бу муҳим!** Стенокардияда Валидол, Валокардин, Корвалол, Папаверин ва Нитроглицерини йўқ шундай дориларни ичишдаги самарадорлик, плацебо-бехудаликдан фарқ қиласлиги асосланган ва бунда самара тахминан 40% деб баҳоланади, ҳолбуки, Нитроглицерин самарадорлиги 100% га яқин. Буни билмаган кўпчилик одамлар оғриқни Валидол ёки кўрсатилган бошқа дорилар билан қолдирмоқчи бўладилар ва бундай пайтда юрак хуружини йўқотиш вақти бой берилади. Оқибатда инфаркт ҳолати кузатилиши мумкин.

Хурожлар даврида стенокардия муолажаси учун шифокорлар тавсиялари:

шифокор буюрган дориларни муттасил ва ўз вақтида ичиш (муфассалроқ қ. **Юрак ишемик касаллиги, Муолажа**);

атеросклерозга қарши парҳезга риоя қилиш (қ. **Атеросклероз, Парҳез**);

муттасил, ўлчамли жисмоний харакат қилиш;

қаттиқ ҳаяжондан сақланиш, руҳий осойишталик ва тўйиб ухлаш (қ. **Уйқусизлик**);

стенокардия хуружини йўқотиш учун ҳар доим дори воситаларини ёнда олиб юриш (Валидол, Нитроглицерин): Изосорбид динитрати (Изо Мак спрей, Изокет), Нитрокор, Нитроминт, Нитроспрай-ISN.

## ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР

### **Муолажа учун ҳалқ табобати рецептлари**

Мутахассислар стенокардия хуружини қолдириш учун оққарағай (пихта) мойини тавсия этадилар. 2-3 томчи оққарағай

мойи оласиз ва кунига 3-4 маҳал юрак атрофига суриб ишқалайсиз (кўкракнинг тўш соҳасига). Юрак-томир касаллигидан азият чекадиган одамлар учун магнитлар бўрони арафасида бу амаллар фойдалидир.

Бундан ташқари ялпиз мойи ҳам шифо бўла олади. Ўзингизни ёмон сезган кунлари ялпиз япроғидан чой дамлаб ичинг (1 стакан қайнатилган сувга 1 ош қошиқ ялпиз соласиз), ялпиз чойи буғини ҳидланг, мойини чаккаларингиздан айлантириб силанг ва кунда 2-3 маҳал юқори лабингизга суртинг.

“Юрак оғриқлар”да муттасил бармоқларни уқалаш тавсия қилинади.

Қўлларингизга тинчлик берманг! Эрталаб уйғонганингиздан кейин ва кечқурун ётишдан олдин барча бармоқларингизни бир-бирининг орасидан ўтказиб чалиштирганча уқалайверинг. Жимжилоқни тез-тез уқалаш, юрак уришини маромлаштиради.

Юрак атрофида санчиқли оғриқ сезганингизда ўнг қўлнинг бошмалдоғи ва қўрсаткич бармоғингиз билан чап қўл панжаси бўғимидан айлантириб ушланг. 2 дақиқа давомида панжани айланма ҳаракатлар билан шу жойларни уқаланг.

## ТРОМБОФЛЕБИТ

**Тромбофлебит** - веналар яллиғланиш касаллиги бўлиб, уларда тромблар юзага келади. Касаллик ривожланиши сабаблари кўп: варикоз касаллиги, қоннинг веналарга олиб келишининг секинлашуви, қон таркибининг томир деворлари бутунлигига путур этиши. Одатда оёқлар юза ва чуқур веналари тромбофлебити кўп учрайди.

## БЕЛГИЛАРИ

Юза веналар тромбофлебити

Оғриқ юза вена томирлари йўлида – одатда болдир ва соннинг ички юзасида, гоҳо болдир орқа юзасида қаттиқ оғриқ билан бошланади.

Ҳарорат қисқа вақтда 37, 5- 38°C гача кўтарилади.

Яллиғланган веналар йўлида тери шишади ва қизаради, тери остида турли катталиқдаги қаттиқликлар пайдо бўлади.

Касаллик 10 дан 30 кунгача давом этади.

Чуқур веналар тромбофлебити

Дастлабки кунларда оёқларда кучли оғриқлар хуруж қиласы, ҳарорат 39, 5-40°C гача күтарилади, оёқлар бирмунча шишади, уларнинг терилари таранглашади, хира кулсимон, гоҳо кўкимтири тус олади.

Оёқлар одатдагидан совуқроқ бўлиб қолади.

Ўткир тромбофлебитнинг йирингли тромбофлебитга ўтиш ҳолларида, тромблашган вена йўлида кўплаб йиринглаш кузатилади, бундай ҳолат оёқлар йиринглашувига-флегмонасиға олиб келиши мумкин.

Чуқур веналар тромбофлебити 10 кундан 3 ойгача давом этиши мумкин.

**Тромбофлебитнинг энг ҳавфли асоратлари:**

ўпка артерияси тромбоэмболияси (ўпка артериясининг яллиғланган венадан ажралиб чиқкан тромб билан бекилиб қолиши);

трофик яралар;

вена етишмовчилиги.

**Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Касаллик алматларининг дастлаб пайдо бўлиши чоғиданоқ, шифокор ёки “тез ёрдам”ни чақириш зарур. Шифокор келгунича bemor тўшакдан турмаслиги ва қўл-оёқларини баландга кўтариб ётиши зарур.

## ШИФОКОР ТАВСИЯСИ

### Текшириш

Ташхис учун шифокор қўриги ва одатдаги таҳлиллардан ташқари, қон қуюқлашиш тизими ҳолати, вена қон айланиши текширилиши, вена тизимидағи тромбнинг жойлашуви ва давомийлиги аниқланади.

Шу мақсадда қуйидагича турли услублар қўлланилади.

ультратовуш тадқиқоти (допплерография, дуплекс сканирлаш ва ҳоказо);

ренгеноконтраст флеображеніяси;

радиоизотопли текширув;

қондаги протромбинни аниқлаш;

коагулограмма текшируви – қрннинг қуюқланиш тизими ҳолати (тромб ҳосил бўлиш вақти, қон қуюлиш омили ва ҳоказо);

### Муолажа

Тромбофлебит ривожланганда (айниқса, чуқур веналарда) бемор зудлик билан касалхонага ётқизилади. У түшакдан турмаслиги керак ва эмболия юзага келишининг олдини олиш учун оёқ-қўлларни кўтариб ётиши лозим. Суюқликни қўп ичиш тавсия этилади (бир кеча-кундузда 2-3 л) буйрак ва юрак-томир тизими томонидан қаршилик бўлмаса.

Касалхона шароитида шифокорлар қон қуюлишини секинлаштирувчи дорилар ичирадилар (Гепарин, Варфарин ва ҳоказо), қон ҳолатини муттасил назорат қилиб турадилар (протромбин ва қон қуюлиш вақтини аниqlаш ва ҳоказо). Бу дорилар қонни суюлтиради ва томирларда янги тромблар хосил бўлишини бартараф этади. Яллиғланишга қарши дорилар (Бутадион, Вольтарен ва ҳоказо), антибиотиклардан фойдаланилади.

Юза тромбофлебитнинг енгил шаклида (болдирида аниқ чекланган тугун, иситманинг йўқлиги) уйда даволаш мумкин, бунда зарур шароитлар бўлиши шарт, албатта назорат қилиб туриш керак. Бу вазиятда антитромбоцитар ва тромбларнинг сўрилишига имкон берувчи воситаларни қўллаш кўпроқ натида беради. Иситувчи компресслар ва малҳам суртиб боғлашлар (айниқса, касалликнинг дастлабки кунларида) тўғри келмайди.

**Дориларни** шифокор тавсияси билан ва унинг назорати остида ичиш лозим.

### **Ташқи муолажалар**

**Тромбларнинг сўрилишига имкон берувчи воситалар:** Натрий гепарини (Лиотон 1000), Гепатромбин, Долобене, Кетопрофен (Феброфид, Флексен).

### **Ичиладиган дорилар**

**Антитромбоцитар антиагрегантлар:** Ацетилсалациил кислота (Аспирин Кардио, Карди АСК, Тромбо АСС)

Дипиридамол (Курантил)

Кардиомагнил

Тиклопидин (Тикло).

**Жарроҳлик муолажаси** тромбофлебитнинг болдиридан сонга ўтиши ва йирингли асорталарда қўлланилади. Жарроҳлик амаллари – венани боғлаш, уни олиб ташлаш (флебэктомия), тромбалашган тугунларни олиб ташлашдан иборат.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

250 гр. тозалаб түйилган саримсоқпиёз ёки пиёзга 350 мл. суюқ асал солинади, яхшилаб қорилади ва 1 ҳафта тиндирилади. Овқатдан 40 дақиқа олдин кунига 3 маҳал 1 ошқошиқдан ичилади. Муолажа муддати 2 ой.

Құлмоқ (хмель) ёнғоқчалари – 1 ошқошиғини 1 стакан қайнатилған сувга солиниб, сув ваннасида 15 дақиқа иситилади. Стаканнинг 1/4 миқдорicha кунига 3 маҳал ичилади. Уйқудан олдин 1 стакан қайнатмасини икки маҳал ичиш мумкин. Қайнатмадан хұлланған докани яллиғланған венага босилади.

Дала стальниги илдизи – 15-30гр. га 2 стакан қайнатилған сув қуйилади, 15 дақиқа қайнатилади. 30 дақиқа тиндирилиб, сузғичдан ўтказилади. Стаканнинг 1/2 миқдорида кунига 3-4 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади. Қайнатма шамоллашга қарши таъсирға эга, капиллярлар ўтказувчанлиги ва мұртлигини камайтиради, оғриқни қолдиради.

#### **Ташқи муолажа учун халқ табобати рецептлари**

Шувоқ гиёхи ёки қирққулоқ япроғи түйилиб, қатиққа қорилади (1:1 миқдорда). Қоришмани докага ёйиб, шишигандар устига қўйиб боғланади ва бир кеча-кундуз ечилмайди. Муолажа 3-4 марта қайтарилади.

Оёқ ваннаси: оқ тол пүстлоғи түйилиб, 2 ош қошиққа 2 стакан қайнатилған сув қуйилади, 20-30 дақиқа қайнатилади, сузғичдан ўтказилади. Қайнатмани оёқ ваннасига қўшилади (сув тиззагача келиши керак). Ваннанинг ҳарорати 17-21°C. Ванна 30 дақиқа ва 10 кун давом этади.

Қалампир каланчоғ япроқлари – 100 гр. түйилади ва 500 мл. ароққа солиниб, 7 кун қоронғи жойда сақланади, вақти-вақти билан чайқаб турилади. Сузғичдан ўтказилади ва оёқнинг тагидан сонга томон йўналишда суртилади. Муолажани 1 ойдан кейин яна такрорлаш мумкин.

## XIV. БОБ.

### НАФАС ОЛИШ ЙЎЛЛАРИНИ КАССАЛИКЛАРИ БРОНХИТ

**Бронхит** – бронхларнинг яллиғланиши. Ўткир ва сурункали кўринишида бўлади.

**Ўткир бронхит** – бу бронхларнинг диффуз тарқоқ ўткир яллиғланиши. Касалликка кўпинча вирус ва бактериялар, шунингдек, физиковий ва кимёвий омиллар ҳам сабаб бўлади. (қуруқ-совуқ, иссиқ ҳаво, азот ачитқиси, олtingугуртли газ ва ҳоказо). Совуқ қотиш, чекиш, алкоголь, димоқ атрофида сурункали инфекция, бурундан нафас олишнинг бузилиши, кўкрак қафасининг деформацияси, касаллик пайдо бўлишига сабаб бўлади.

**Сурункали бронхит** - бу ўткир бронхлар яллиғланишининг тўлақонли муолажасига эришилмагандан юзага чиқади.

Касаллик бронхларнинг турли заарли омиллар (тамаки чекиш, чангли, тутунли, углеродли, карбонат ангидридли ва бошқа кимёвий бирикмалар бўлган ҳаводан нафас олиш) ёки тез-тез такрорланувчи респиратор инфекцияси(вируслар, Пфейффер таёқчалари, пневмококклар) билан узоқ вақт заарланиш билан боғлиқдир.

### БЕЛГИЛАРИ

#### **Ўткир бронхит**

Одатда ўткир ринит, ларингит (халқум яллиғланиши) билан бошланади. Кейинчалик бунга тўш ортида сиқилиш, қуруқ, оз-моз хўл йўтал, эзилганлик, заифлик ҳисси келиб қўшилади. Бадан ҳарорати бироз кўтарилади.

Ўрта оғир кечиша умумий сирқовланиш, ҳолсизлик, кучли қуруқ йўтал, кукрак қафаси ва қорин деворида оғриқ кузатилиши, йўъалда мушаклар таранглашишидан келиб чиқади. Йўтал астасекин намланиб бораверади, балғам шилимшиқ-йирингли тус олади.

Касалликнинг ўткир аломатлари учинчи, тўртинчи кунга келиб енгиллашади ва хафта охирларига бориб bemor ўзини яхши ҳис қила бошлайди.

## **Сурунали бронхит**

Биринчи белгиси – эрталаблари қуруқ йўтал ва шилимшиқ балғам тунда ҳам, кундузи ҳам безовта қилаверади, йўтал совуқ об-ҳавода кучаяди.

Балғам миқдори ортади, у шилимшиқ –йирингли ёки йиринг аралаш кела бошлайди. Бадан ҳарорати мўътадил ёки сал кўтарилиган бўлади.

### **Энг хавфли асоратлари:**

**ўткир бронхитда** – пневмония (зотилжам), сурункали шаклга ўтиши мумкин;

**суронкали бронхитда** – ўпка эмфиземаси, бронхиал астма бошланиши мумкин.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Юқорида санаб ўтилган белгиларни сезганданоқ шифокорга мурожаат қилиш зарур.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текширув**

Ўткир бронхитда ташхис ўзига хос шикоятлар, клиник манзарага қараб қўйилади. Сурункали бронхитда қўйидаги текширувлар ўтказилади:

кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси;

қон ва балғамни текшириш;

бронхоскопия;

ташқи нафас олиш ҳажмини ўрганиш (спирография).

### **Муолажа**

Ўткир бронхит ва сурункали бронхит хуруж қилганда кўп суюқлик ичиш, ҳарорат тушганда кўкрак қафасига хантал қофози ёки пластир қўйиш керак бўлади.

**Парҳез.** Юқори ҳароратда кечадиган ўткир бронхитда нафас йўлларининг ҳар қандай ўткир юқумли касаллигидаги овқатлар тавсия қилинади. Қуруқ мева морслари, маймунжонли чой, асалли сутни кўп ичиш фойдали.

Антибиотиклардан фойдаланганда кузатилиши мумкин бўлган дисбактериознинг олдини олиш учун пектин, инулин ва лактоза, шунингдек, бифидумбактериум ҳамда пробиотиклар ва пребиотикларга (қ. Дисбактериоз) бой озиқ-овқат маҳсулотлари тавсия этилади.

Сурункали бронхит билан оғриган bemорлар учун одатдаги (соғломлаштирувчи) овқатлар зарур. Овқат С, А витаминларига, В гурух витаминларига, каротинларга бой бўлмоғи лозим: ҳом сабзавотлар, ҳўл ва қуруқ мевалар, уларнинг шарбатлари, сут ва сут маҳсулотлари, ҳайвон ва парранда гўштларидан қайнатма шўрва истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Кунда 1-2 драже поливитамин ичиб туриш керак.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сурункали бронхитнинг ilk босқичларида ҳар куни ҳўл мевалар, донли маҳсулот ейиш ва 1-2 стакан узум шарбати ёки маъматақ қайнатмаси ичиш ўпка фаолиятини яхшилайди.

**Дорилар.** Кўп ҳолларда йўталга қарши ва балғамни юмшатувчи дорилар яхши натижалар беради.

**Балғам кўчирадиган ва балғамни юмшатувчи воситалар:**  
Алтей илдизи (настой, сироп, экстракт)

Ацетилцистеин (АЦЦ, Флуимуцил)

Амброксол (Амбрасан, Амброгексал, Амбробене, Лазолван, Медовент, Халиксол), Бромгексин (Бронхосан, Солвин)

Корбоцистенин (Флюдитек, Флуифорт) ва ҳоказолар.

**Йўталга қарши воситалар:** Бутамират (Синекод)

Гвайвезин (Колдрекс бронхо, Туссин)

Преноксдиазин (Либексин)

Глауцин.

Сурункали бронхитда иммун холатни яхшилаш учун бронхомунал 7 марта капсулада 1 маҳал 10 кун давомида берилади.

Оғир бронхитда антибиотиклардан фойдаланиш керак.

## БЕЛГИЛАРИ

Хуруждан олдин унинг даракчилари – бурундан мўл балғам келиши, акса, йўтал ва ҳоказолар кузатилиши мумкин.

Астмада қисқа нафас олиб, узун нафас чиқарилади (бемор нафас чиқаришда қийналади), узоқдан ҳам хириллаш эшитилиб туради. Хуруж, одатдагидек, ёпишқоқ балғам ажралиб чиқадиган йўтал билан тугайди.

Кўпинча бронхиал астма хуружи тунда ёки тонг олдидан кучаяди. Ичга тортилган аллергенлар ёки нафас йўллари инфекциялари хуружга сабаб бўлади.

## **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Одатдаги препаратлар ёрдам бермай, бронхиал астма хуружи давом этса, албатта “тез” ёрдам чақириш керак.

### **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

#### **Ҳалқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Қирилган олма ва асални 1:1 миқдорда аралаштириб, кунда 3-4 махал 1 ош қошиқдан ейилади.

Анжирни сутга солиб, паст оловда қайнатилади, иложи борича ичимликни иссиҳғида ичиш керак.

Турпнинг ўзаги (ўртаси) ўйтб олиниб, ўрнига шакар ёки асал бир кеча салқин жойга қўйб қўйиладиЮ ажраб чиқсан сувини кунда 3 махал 1 ошқошиқдан ичилади.

Ўртacha нўш пиёзни арчимасдан ювиб, совуқ сувга солинади ва 50-70 гр шакар қўшилгач, паст оловда 30 дақиқа қайнатилади. Сув совугандан кейин ичса бўлаверади. Бу бир кунлик меъёр хисобланади.

Гулхайри илдизи кукунидан 1 чойқошиғи 1 стакан қайнатилган сувга солинади ва 10-15 дақиқа дамлаб қўйилади. Қайнатманин катта ёшдагилар кунда 3-4 махал овқат олдиндан 1 ош қошиқдан, болалар кунда 5 махал 1 ош қошиқдан ичилади.

#### **Ташқи муолажа учун ҳалқ табобати рецептлари**

Кўкрак қафасига скипидар ва кастор ёғи билан(1:70 нисбатда) суртилади, шундан кейин иссиқ ўраниб ётиш керак.

Кўкракка чўчқа чарвиси ёки ғоз ёғи суртилса, йўтал қолади. Ёғ суртгандан кейин bemor жун свитер кийиб олиши керак, унга асалли ё маймунжонли қайноқ сут беринг.

1:1 нисбатда ғоз ёғи ва қирилгаг нўш пиёзни тунда кўкракка суртилади. Бадани ўраб, ухлашга ётинг. Эрталаб наҳорга шу аралашмадан 1 ош қошиқ ичилади.

### **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

#### **Текширув**

Шифокор ташхис қўйиш учун аввало касал келиб чиқиши тарихини (анамнез) яхши ўрганиши ва одатдаги текширувларни бажаришдан ташқари, касаллик чақириувчи аллергенни аниқлашга ва нафас тизимини тадқиқ этишга қаратилган усулларни қўллайди.

қонда эозинофиллар сонини ўрганиш.  
балғамни ўрганиш.

қонда иммуноглобулинлар (IgE) тўпланишини аниқлаш. аллерген махсус оқсил таналар (IgE антитело)ни аниқлаш. аллергологик тестлар. кўкрак қафаси рентгенографияси.

Ташқи нафас фаолиятини текшириш (беморнинг ё тиббий муассасалардаги аппаратларда ёки махсус пикфлуометр ёрдамида қайд этилган нафас олиш ўлчамлари текширилади).

Ташқи нафас олиш фаолиятини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хуружлар частотаси ва оғирлиги, ташқи нафас олиш фаолиятининг бузилиш даражаси ва бошқа клиник алломатларга боғлиқ равишда бронхиал астма тўрт асосий даража (босқич)га бўлинади:

енгил интерметтик келиши;

енгил, перsistив эпизотик бронхиал астма – хуруж ҳафтасига 1 марта ёки ундан кўпроқ, аммо кўпи билан кунда 1 марта содир бўлади;

ўрта оғирликдаги перsistив бронхиал астма – хуруж кунда 1-2 марта бўлиши мумкин;

оғир перsistив бронхиал астма – кун давомида ва кечаси бир неча марта хуруж кузатилади.

### **Муолажа**

Бронхиал астма муолажаси узоқ давом этади. Астма муолажаси учун дорилар таъсири касалликни бартараф қилиш, хуружни тўхтатиш ва унинг олдини олишга қаратилган. Айнан шунинг учун ҳам биринчи навбатда дorisiz муолажа йўли изланади. Аммо кўп ҳолларда дорили муолажадан четлаб ўтиб бўлмайди.

Аллерген билан алоқани бартараф этиш, чекиши ташлаш, иш жойи ва уйда тозаликни сақлаш, тоза, аммо совуқ бўлмаган ҳавода мунтазам бўлиб туриш бронхиал астма муолажасига киради.

### **Одам “ўз” аллергенини билиши зарур.**

Агар аллерген уй ҳайвоннинг юнги эканлиги маълум бўлса, бунинг эҳтиёт чораларини кўриш зарур.

Кўпинча болишга солинган пат ва тўшаклардаги юнг аҳвол ёмонлашувига сабаб бўлади. Шу боис бу тўшакларни синтетик матолар, яххиси пахта билан алмаштирган маъқул.

Сиз, ёки сиз билан бирга яшовчиларга тегишли барча пардозандоз ашёларни қайта кўриб чиқиш керак – улар орасида аллергия қўзғатувчи моддалар бўлиши мумкин.

### **ЗИҚНАФАС**

Бронхиал астма - нафас йулларининг сурункали касаллиги бўлиб, вақти-вақти билан нафас бўғилади. Бронхларнинг аллергик шамоллаши ва спазмлалари сабабли келиб чиқади.

Бронхиал астма жуда кўп ҳолларда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ва асосан шаҳар аҳолиси орасида учрайди. Катта шаҳарларда ҳавода ҳар доим чанг, машина газлари ва бошқа шунга ўхшаш физиковий ва кимёвий қўзғатувчилар мавжуд бўлади. Аҳолининг зичлиги ва кқплиги нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари грипп, ОРВИ ва ҳоказо кенг тарқалишига сабаб бўлади. Бўлар барчаси айниқса наслда бронхиал астма ва бошқа ўткир юқумли касалликлар ривожланишни кучайтиради.

Бронхиал астма билан катталарга қараганда болалар икки баробар кўпроқ оғрийди. Ўсмирлик ёшида жинсий етуклиқ даврида кўпчилик болаларда астманинг барча қўринишлари бўлиб ўтади . Астма ҳар дақиқа қайталashi мумкин, шунинг учун муолажа қилиш лозим.

Касалланиш сабабли қуйидагича бўлиши мумкин:

-юқумсиз аллергиялар(дорилар-аспирин ва ҳоказо озиқ- овқат маҳсулотлар, ўткир ҳидларни ҳидлаш ва ҳоказо).

-юқумли ва биологик аллергенлар (бактериялар, вируслар, уйдаги чанглар ва уй чанги каналари, ҳайвонлар юнги, соч ва қасмоқ ва ҳоказо)

- кимёвий модаллар (синтетик ювиш воситалари, кислоталар, ишқорлар ва ҳоказо)

- физик омиллар: ҳаво ҳарорати (айниқса совуқ ҳаво), ҳаво босим ўзгариши

-қаттиқ жисмоний зўриқиши

-кучли хаяжон, асабийлашув, кулги ва ҳоказо

Бронхиал астмадан бутунлай халос бўлиш мумкин эмас, аммо ҳозирги замон муолажа воситалари ундан азият чекаётган одамларнинг жисмоний фаолиятини сақлаш учун имкон яратади ва узоқ умр куриш мумкин.

## **БЕЛГИЛАРИ**

Бронхиал астма кўпинча йўтал хуружидан бошланиб, нафас ўисиши, бўғилиш даражасигача етади ва шишасимон (тиник, рангсиз) балғам (оз миқдорда) ажралиб чиқади.

Хуруждан олдин унинг даракчилари-бурундан мўл балғам келиши, акса, йутал ва ҳоказолар кузатилиши мумкин.

Астмада қисқа нафас олиб, узун нафас чиқарилади (бемор нафас чиқаришда қийналади), узоқдан ҳам хиррилаш эшитилиб турди. Хуруж, одатдагтдек, ёптшқоқ балғам ажралибчиқадигайутал юилан тугайди.

Кўпинча бронхиал астма хуружи тунда ёки тонг олдидан кучаяди. Ичга тортилган аллергенлар ёки нафас йўллари инфекциялари хуружга сабаб бўлади.

### **Шифокорга қачон мурожат қилиш керак?**

Астма аломатлари сезилиши биланоқ ташхис қўйиш ва қобил муолажа ўtkазиш учун шифокорга мурожат қилиш керак.

Одатдаги препаратлар ёрдам бермай, бронхиал астма хуружи давом этса, албатта тез ёрдам чақириш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текширув**

Шифокор ташхис қўйиш учун аввало касал келиб чиқиши тарихини (анамнез) яхши ўрганиши ва одатдаги текширувларни бажаришдан ташқари, касаллик чақиравчи аллергени аниқлашга ва нафас тизимини тадқиқ этишга қаратилган қўшимча усулларни ўам қўллайди;

Қонда эозинофиллар сонини ўрганиш.

Балҳамни ўрганиш

Қонда иммуноглобулинлар (IgE) тўпланишини аниқлаш .

Аллерген маҳсус антителолар ( IgE антитело)ни анишлаш.

Аллергологик тестлар

Кықрак ыафаси рентгенографияси

Ташки нафас фаолиятини текшириш (беморнинг ё тиббий муассасалардаги аппаратларда ёки маҳсус пикфлуометр ёрдамида ыайд этилган нафас олиш щлчамлари текширади).

Ташқи нафас олиш фаолиятини ўрганиш маҳсадга мувофик бўлади.

Хуружлар частотаси ва оғирлиги, ташқи нафас олиш фаолиятининг бузилиш даражаси ва бошқа клиник аломатларига

боғлиқ равишда бронхиал астма түрт асосий даражасы(босқич) га бўлинади;

#### Енгил интерметитик келиши

Енгил, перsistив эпизотик бронхиал астма-хуруж ҳафтасига 1 марта ёки ундан кўпроқ, аммо кўпи билан кунда 1 марта содир бўлади

Ўрта оғирлигидаги перsistив бронхиал астма-хуруж кунда 1-2 марта бўлиши мумкин

Оғир перsistив бронхиал астма – кун давомида бир неча марта хуруж бўлади ва кечаси

### **МУОЛАЖА**

Бронхиал астма муолажаси узоқ давом этади, шифокор уни муттасил назорат қилиб, беморни ўрганиб бориши керак. Астма муолажаси учун дорилар таъсири кассаликни бартараф қилишга эмас, балки хуружни тўхтатиш ва унинг олдини олишга қаратилган. Айнан шунинг учун хам шифокорлар хуружлар олдини олишга эътибор бериб. Биринчи навбатда дорисиз муолажа йўлини тутадилар. Аммо кўп ҳоллпрдп дорили муолажадпн четлаб ўтиб бўлмайди.

Аллерген билан алоқани бартараф этиш, чекишни ташлаш, иш жойи ва уйда тозаликни сақлаш, тоза, аммо совуа бўлмаган ҳавода мунтазам бўлиб туриш боронхиал астма муолажасига киради.

Одам “ўз” аллергенини билиши зарур.

Агар аллерген уй ҳайвонининг юнги эканлиги маълум бўлса, бунинг эфтиёт чораларини кўриш зарур, ёки барибир муносабатларни тўхтатиб бўлмаса, профилактика сифатида хуружни йўқотиш учун дорилардан фойдаланиш лозим.

Кўпинча болишга солинган пат ва тўшаклардаги юнг аҳвол ёмонлашувига сабаб бўлади. Шу боис бу тўшакларни синтетик матолар энг яхиси пахта билан алмаштирган маъкул.

Сиз (ёки сиз билан бирга яшовчилар) га тегишли барча пандоз-андоз ашёларни қайта кўриб чиқмоқ керак –улар орасида аллергия қўзғатувчи моддалар бўлиши мумкин.

Ўсимликлар гулчангидан аллергия қўзғалиши энг кўп учрайдиган кўринишлардан бири, шу боис хуруж маълум бир ўсимлик ёки дарахтнинг гуллаш даврида кечадигон бўлса, иложи бўлса ўша ерни тарк этиш, дори-дармон қиоиб даволаниш керак.

Дори - препаратлар, жумладан ацетилсалицил кислотаси, парацетамол вабошқа оғриқ босувчи дорилар ҳам астма хурожи ва аллергиянинг бошқа турларини келтириб чиқариши мумкин.

Овқатлар орасида астма хурожи келтириб чиқариши мумкин бўлганларини истисно этиш зарур (асал, цитрус мевалари, ёнфоқлар, писта, шоколад, тухум, бўёвчи ва консервант маҳсулотлар ва ҳоказо)

Бу чоралар кўринишдан оддий бўлса-да, хурожлар миқдорининг анча камайишига ёрдам беради.

**Пархез.** Айрим озуқа маҳсулотларинг тўғри келмаслиги, шунингдек, маҳсус пархез талаб этувчи касалликлар борлигимаълум бўлмаганида, турли-туман овқатлар эвазига (тўқ тутувчи овқатлар) тавсия этилади. Янги хўл мевалар, сабзавотлар ва С витаминини, бета-каротин ва биофлавоноид (Р витамин)лар манбаи сифатида уларнинг шарбатларини кўпроқ истеъмол қилиши керак.

Фақат шўр ва тузга бой маҳсулотларни чеклаш лозим, чунки астмада натрий тузи бронхларнинг таъсирланиши ортади, шамоллашга мойил қиласи. Овқатланиш тартибига риоя қилиш муҳим(5-6марта оз-оздан), шу муносабат билан айниқса, уйқудан олдин қорини қаппайтириб овқатланиш хурожга сабаб бўлиши мумкин.

Овқатга қўшимча тарзда поливитаминли ва маъдан моддаларни физиологик миқдорларда (кунда 1-2 дона) истеъмол қилиш тавсия этилади. Препаратларда С ва Е витаминлари, шунингдек, астмада антиоксидант (ачишга қарши) ҳамда бета-каротин кўпроқ бўлгани яхши. Маъданли моддалардан магний, рух, селен, марганецлар астмада ижобий таъсир этиши қўрсатилган. Ҳафтада бир омеша-3 туйинмаган ёғ кислотали денгиз балиқларидан(скумбрия, тунец, палтус, лосось ва ҳоказо) мунтазам 300-400 грамм дан истеъмол қилган беморларда бронхиал астма хурожлари кам бўлиши ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ҳозирги вақтда бронхиал астма муолажасида очлик билан даволаш кам қўлланилмоқда, негаки бу барчага ёрдам бермайди.

Озик-овқат аллергияси билан боғлиқ бронхиал астма( овқат астмаси) да касалликни тезлаштирувчи маҳсулотларни истисно этувчи пархез қўлланмоқда, назарий жиҳатдан аллергик таъсир “кўрсатишга” қодир барча маҳсулотлар истисно этилмайди.

Овқатга ўрта оғир ва оғир бронхиал астмада қўлланиладиган глюокортикоидларни қўллаш алоҳида эътиборни тақозо этади. Улар кўпинча стероид остеопороз (қ. Остеопороз), семириш ва парҳез муолажаси талаб этувчи бошқа бузилиш ва касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Янги ингаляцион кортикоидлардан фойдаланиш (бекламетазон, будезонид, флютиказон) маҳсус овқатланишини талаб этувчи асорат қолдирмайди.

### **Астма хуружи олдини оладиган нуқтали уқалаш**

#### **1. Нуқта жойи.**

Таъсир этиш майдони орқада, бўйин тагида, еттинчи бўйин (энг дўнги) ва биринчи қўкрак умуртқа поғонаси оралиғида жойлашган. Асосий нуқта умуртқада, қолган иккитаси ундан ўнг ва чапда бир энлик масофада жой олган.

Таъсир қилиш усули: Бошмалдоқ ё кўрсаткич бармоқ болишчаси билан аста-аста босиб соат мили йуналишида 2-3 дақиқа мобайнида айлантириб уқалайсиз. Аввал нуқта, кейин қолган иккала нуқта уқаланади.

#### **2. Нуқта жойи:**

Бўйининг қоқ ўртасида жойлашган.

Таъсир қилиш усули: нуқта ўрни 2-3 дақиқа қизариб кетгунча уқаланади. Нуқта устига мис чақа қўйиб, лейкопластир билан ёпиштириб қўйсангиз ҳам бўлади.

#### **3. Нуқта жойи:**

Нуқта бошмалдоқ тагида, мушак дўнгининг чеккасида, панжанинг кафт олди ва орқаси чегарасидаги юзага жойлашган жой.

Таъсир қилиш усули:

Бошмалдоқ билан 2-3 дақиқа уқаланади.

## **ЗОТИЛЖАМ**

**Пневмония** (зотилжам) – ўткир ўпка яллиғланиши, нафас йўллари инфекцияси аломатлари – иситма, қалтираш (озноб), йўтал, балғам ташлаш, қўкрак оғриғи белгилари билан намоён бўлади.

Ўпка шамоллаши юзага келишида турли микроорганизмлар – пневмо-стафило – ва стрептококклар, вируслар, микоплазмалар, замбуруғлар (ва ҳоказо) асосий роль үйнайды. Пневмония одатда ўткир респиратор – вирус инфекцияларидан, сурункали тонзиллитлар, сиунситлар, бронхитлар ва ҳоказо)

Сабаб бўлган иммунологик бузилишлар, алкоголизм, қандли диабет, семириш ва бошқа модда алмашинуви бузилишларида юзага чиқади.

## БЕЛГИЛАРИ

Хасталик, йўтал, кучли титраш ва тана ҳароратининг 39-40°C гача кўтарилиши билан бошланади.

Йўтал аввалига қуруқ бўлади, кейинчалик “зангсимон” ёки йирингли ёпишқоқ балғамли бўлади.

Нафас олганда ўпканинг касал томонида, тўш ортида оғриқ пайдо бўлиб, йўталганда оғриқ кучаяди.

Бемор касаллик бошида тез-тез нафас олади, нафаси юзаки, тери қоплами қизғиш-кўкиш тус олади.

Аҳволи кескин заифлашади, толиқади, туни билан қора терга ботиб чиқади.

Боши оғрийди, айланади, нафас бўғилади, қўнгли айниб қайт қилиши мумкин.

Зотилжамнинг энг хавфли асоратлари:

Плеврит (плевра бўшлиғида яллиғланиш суюқлиги йиғилиши).

Плевра эмпиемаси ( плевра бўшлиғи суюқлигининг йиринглашуви)

Ўпка абсцесси.

## ШИФОКОРГА ҚАЧОН МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Касаллик белгилари (баланд ҳарорат, қаттиқ йўтал, нафас олгандаги оғриқ) сезилиши билан тез ёрдам чақириш керак.

## ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ

### Текширув

Шифокор кўриги маълумотлари, шикоятлар (аускультация ва кўкрак қафаси перкуссияси) асосида ташхис қўйилади ва ўпка рентгенографиясида ташхис тасдиқланади. Бундан ташқари:

балғамнинг бактериологик тадқиқи;

бронхоскопия;

ташқи нафас олиш фаолияти хажми тадқиқи (спирография) ўтказилади.

### **Муолажа**

Зотилжам муолажаси стационар шароитда ўтказилади.

Зотилжам муолажасида пархез, кўп суюқлик ичиш, дори воситалари тайинланади.

**Пархез.** Ўрта оғирлиқдаги зотилжамда ёғлар, углеводлар ва ош тузини бирмунча чеклаш, шунингдек, кальцийга бой бўлган маҳсулотлари истеъмолини кенгайтириш зарур.

Организмнинг инфекцияга қарши иммун ҳимоясини сақлаш учун овқатлар таркибида оқсиллар миқдори етарли бўлиши керак.

Овқатни поливитамин маҳсулотлар таркибида С ва А витаминалари бўлиши керак. Бир кунда поливитаминлардан 3-4 драже ичиш лозим.

Интоксикацияни камайтириш учун кўпроқ суюқлик ичиш лозим (кунига 1, 5-2л. дан), биринчи галда С витамили ичимликлар: ҳўл ва қуруқ меваларнинг сув қўшилган нордонширин шарбатлари, наъматак қайнатмаси, лимонли чой, морс, компотлар фойдали.

Қатиқли ичимликлар ичак микрофлорасини ва ичак фаолиятини яхшилашга имкон беради, шунингдек, организмни осон ўзлашувчи оқсил ва кальций билан таъминлайди. Ёғи олинмаган сутни фақат таомларда ишлатилади. Овқат бироз тўймасдан кунда 5-6 маҳал ейилиши керак.

Хилма-хил маҳсулотлар ичида осон ҳазм бўладиган, кўп ел йиғилишига, қорин дам бўлишига ва ич қотишига имкон бермайдиган маҳсулотлар кўпроқ бўлгани маъқул. Овқат сувда ё буғда пиширилади. Қиймаланган, қирилган гўшт ва балиқ таомлар, товуқ, курканинг қайнатма гўштлари афзал кўрилади.

**Зотилжамнинг оғир кечиши** (баланд ҳарорат, интоксикация, тинч ҳолатда бўғилиш)да касалликнинг дастлабки 1-3 кунларида суюқ овқат ичган маъқул: шунингдек лимонли нимтатир чой, турли ҳўл ва қуруқ мева шарбатлари, газланмаган маъдан суви, наъматак қайнатмаси, ёғсиз юмшоқ гўшт шўрваси, ёғсиз қатиқли ичимликлар ичиш керак.

Яхшиланиш ҳолатининг дастлабки аломатларида ва иштаҳа очилиши чоғидаги овқатлар рўйхатига шўрва суви ёки ёрмали сабзавот қайнатмаси, гуруч ёрмаси ёки вермишел, гўшт суфлеси ва пюреси, оқи-сариғи аралаштирилган тухум, қайнатилган балиқ,

творог, қаймоқ, мева ва сабзавот пюреси, дамланган олма ва ҳоказолар киради. Шундан кейин пархез ўртача оғирлиқдаги зотилжамда истеъмол қилинадиган овқатнинг юқорида айтилган вариантига мувофиқ тузилади.

**Ичиладиган дорилар.** Одатда антибиотиклар, йўтал дорилар, балғам кўчирувчи воситалардан фойдаланилади.

Антибиотиклар: Азитромицин (Сумамед, Хемомицин)

Амоксикилав, Амоксициллин (Амосин)

Кларитромицин (Кларомин, Клацид)

Левофлоксацин (Таваник)

Мидекамицин (Макропен)

Рокситромицин (Рулид).

Балғам кўчирувчи дорилар: Гулхайри илдизи (настой, сироп, экстракт)

Ацетилцистеин (АЦЦ Флуимуцил)

Амброксол (Амбросан, Амброгексал, Амбробене, Лазолван, Медовент, Халиксол)

Бромгексин (Бронхосан, Солвин).

Йўтал дорилар: Бутамират (Синекод)

Гвайфензин (Колдрекс бронхо, Туссин)

Преноксдиазин (Либексин) Глауцин.

## ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Ўпка шамоллагандаги валериана илдизи кукунидан бир галда 1-2 гр. дан ва кунига кўпи билан 3-4 маҳал ичилади.

Медицизанинг 10 гр. ини 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 30-40 дақиқа сақлаб қўйилади. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Будра япроғи – 2 ош қошиғи, қоратерак куртаги – 2 ош қошиқ, қорамунчоқ гули – 1 ош қошиқ хажмда олиб аралаштирилади, 3 стакан қайнатилган сувда 2 соат тиндирилиб ва кун давомида 5 маҳал 4-5 ҳафта ичилади.

### **Ташқи муолажа учун халқ табобати рецептлари**

Бўғдой кепагини жуда катта миқдордаги сувда суюқлик бир тусга кириб, қуюқлашмагунча қайнатилади. Олинган бўтқани ип-газлама мато (яхшиси каноп мато) устига 2 см қалинликда суртилади. Янги саримсоқпиёзни қириб, бўтқа устидан сепилади. Матони икки буклаб, bemor кўкрак қафасига босилади. Компресс

совутгунча тутиб турилади. Компресс иссиғи камида 1 соатгача беморни иситиб туриши керак.

Бир бош карам олиб, 3-4 қават, сувдор япроғи қўчириб олинади ва уни қайноқ сувга 5 дақиқа солиб қўйилади, аммо қайнатилмайди. Япроқлар олиниб, ёғоч ўғирчада янчилади, япроқдаги йўғон томирларни пичоқда кесса ҳам бўлади. Иссиқ япроқларни бўйин остига ва кўкрак қафасига қўйиб, устидан ипгазлама ё каноп мато ёпилади. Япроқлар бутунлай совугунча ушлаб турилади.

## ХV. БОБ. ОВҚАТ ХАЗМ ҚИЛИШ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

### ТИШ ОҒРИФИ

Тиш оғрифи - стоматолог амалиётида энг кўп учрайдиган ҳолат. Тиш оғрифи тиш-жағ тизими асаб тизимиға кимёвий, механик, термик таъсир натижасида юзага келади. У тишнинг қаттиқ ва юмшоқ тўқималари, тиш атрофи тўқималари шикастланиши натижасида жағни қуршаб олган юмшоқ тўқималар ёки жағларнинг суюқ усти пардаси яллиғланиши касалликларида, шунингдек, уч шохли нерв оғрифи, гайморитда ривожланади. Гоҳо тиш-жағ атрофида оғриқ гипертоник хуружида рефлектор таъсири, юрак касаллиги (миокард инфаркти) ва бошқа ички аъзолар касаллиги оқибатида юзага келади. Тиш оғрифи энг кўп ҳолларда кариес ва унинг асоратларида кузатилади.

Кариес – тиш тўқималарининг микробли караш томонидан бузилиб ковак ҳосил бўлишидир. Тишлар оралиғида тиқилиб қолган овқатнинг турли зарралар билан ифлосланиши, олиб қўйиладиган ясама тишлардан фойдаланиш (ясама тишнинг тишларга маҳкамланган жойлари), қанднинг ва ширинликларнинг кўп ейилиши, овқатда фторнинг камлиги, шунингдек, тўйиб овқат емаслик (чала-ярим овқатланиш) тиш оғриқларига сабаб бўлади.

### АЛОМАТЛАРИ

Тишнинг қаттиқ тўқималари бутунлигига путур етганида (эмал, дентин) оғриқ тишга шўр, ширин ва аччиқ, совуқ ёки иссиқ овқат текканда юзага келади. Мана шу қўзғатувчилар бартараф этилганда (офиз чайилганда) оғриқ тўхтайди.

Тиш юмшоқ тўқималари яллиғланганда (пульпит) оғриқ узлуксиз, қаттиқ бўлади, гоҳо тунлари кучаяди ва тишни қуршаб олган томонларга ёйлади.

Оғриқни мустақил равища турли дори-дармонлар билан камайтириш ёки тўхтатиш ҳам мумкин. Бунда пульпа яллиғланишининг ўткир даври сурункали босқичга ўтади.

Агар bemорга ўз вақтида стоматологик ёрдам кўрсатилмаса яллиғланиш кучайиб, асоратлар авж олиши ҳеч гап эмас (периостит, тиомиелит, абсцесс ва ҳоказо).

## **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Қаттиқ тиши оғриғи бошлангани замон, стоматологга мурожаат қилиш керак.

### **ШИФОКОР КҮРСАТМАЛАРИ**

#### **Текшириш**

Кариеснинг бошланғич аломатларини, синчковлик билан текширганда билиб олиш мумкин.

#### **Муолажа**

**Пархез.** Кариеснинг олдини олиш учун, овқатда қанд моддасини ва уни ташкил этган маҳсулотларини (конфетлар, шоколад, шириң алкогиз ичимликлар, хамири оширилган пишириклар ва ҳоказо) **чеклаш** тавсия этилади.

Кальций, фтор ва витаминларга бой тұлақонли, ғоят ранг-баранг овқат **тавсия этилади**, унда пишлок, творог, сабзавотлар, мевалар, күкательдер ва ёнғоқларни құшиш керак. Тишларни тозалашда ошқозон учун қаттиқ ҳисобланған овқатлардан (хом сабзавот ва мевалар – сабзи, шолғом, олма ва ҳоказо) ва фтор манбаи сифатида аччиқ чойдан фойдаланиш ҳам тавсия этилади.

**Бу мұхим!** Ҳар гал овқатланиң бүлгач ва асосий овқатларни ёйиш оралиғида ширинликлардан татинганда, оғизни дархол чайиши, агар бунинг иложи бүлмаса, сақыч чайнаш керак.

**Дори воситалари.** Оғриқ босувчи воситалар билан тиши оғриғини анча камайтириш ва бутунлай қолдириш мумкин. Аммо стоматолог иштирокисиз тузалиб кетишиңа умид қилиб бүлмайди.

Оғриқ босувчи дорилар: Диклофенак (Вольтарен)

Максиган

Метамизол (Анальгин, Баралгин М, Темпалгин)

Нимесулид (Апонил)

Нурофен плюс.

### **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

#### **Муолажа учун халқ табобати рецептлари**

Итузум гиёхини буғда тоблаб, оғриған тишларга босилади.

Шувоқ шохлари кукуни 2-3 дақиқа қайнатилиб, (1, 5 стакан сувга 2 чой қошиқ солинади) тиши оғриғанда чайилади.

Тұятовон япроғи – 2 ош қошиғини термосдаги 1 стакан қайнатылған сувга солинади, 1 соат тиндирилиб, ҳар куни оғиз

чайилади, бундай муолажа кариес ва тиш эмалига фойдали (гиёҳ таркибида фтор бор).

Тиш тўқималари маҳкамлигини тиклаш учун кунда саримсоқ пиёзнинг бўлаги ёки асал билан милкларга қўшиб суртилади. Ҳар куни бир бўлак саримсоқпиёз ёйиш ҳам ёмон эмас. Тиш эмалига хом тухум оқи суртса ҳам бўлади.

Саримсоқпиёз туйилади, қайнатилган сувга аралаштирилади. Саримсоқпиёзли сувда ивитилган момик пахта, оғриган тиш олдидаги милкка босилади.

Нонуштадан бир соат олдин ва кечки овқатдан бир соат кейин бир бўлак саримсоқпиёзни нон емай, чой ичмай чайнаб-чайнаб ютиб юборилади.

Қулоқнинг тиш оғриётган томонига докага ўралган баргизуб пўстлоғи босилади. 0, 5 – 1 соатдан кейин оғриқдан асар ҳам қолмайди.


Бўйиннинг энсадан пастига иссиқ сочиқ ёки ип матога ўралган хрен қириндиси, хантал боғланади – хантал яхши қиздиради.

### Тиш оғриганда нуқтали уқалаш

**Нуқта жойи:** бошмалдоқ ва кўрсаткич бармоғи сужлари оралиғидаги чуқурликда. Таъсир қилиш усули: иккинчи қўл бошмалдоғи билан нуқта уқаланади, 2-3 дақиқа, қизаргунча.

**Нуқта жойи:** кўрсаткич бармоғининг уч томонида, тирноқ милкидан 2-3 мм юқоририоқда жойлашган (Расм 21.).

**Таъсир қилиш усули:** нуқтани тирноқ билан оғригунча босилади (2-3 дақиқада тиш оғриғи қолади).



Расм 21.

## ОГИЗ ШИЛЛИҚ ПАРДАСИННИГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ, ЕЛИКИШ

**Стоматит** - турли ўткир юқумли касалликлар (қизамиқ, бўғма, қизилча), тери касалликлари (қизил темиратки, экссудатив эритез ва ҳ. к.), қон касалликлари (лейкоз, агранулоцитоз, гиперхром анемияси ва ҳ. к.)avitaminoz касалликлари (спру, пеллагра, цинга), онкологик касалликларнинг кимё терапияси асоратлари ҳисобланади. Шунингдек, антибиотиклар ёки кортикостероид

гормонларни узок муддат давомида ичиш оқибатида дисбактериоз герпес вируси, замбуруғ (кандидоз, оғиз оқариши) натижаси ҳам бевосита стоматит сабабчиси бўлиши мумкин. Стоматитнинг кўринишлари, оғиз шиллик пардаси айрим жойларининг озгина қизаришидан тортиб, юқори ҳарорат билан ялпи заарланган касалликгача олиб келиши мумкин.

## **АЛОМАТЛАРИ**

Оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг қизариши ва чақаланиши.

Оғиздан нохуш ҳид келиши, сўлак оқиши.

Кўрикда юзлар, лабларнинг ички юзаси, танглайдаги шиллик пардалар яккам-дуккам чукурчалар пайдо бўлиши мумкин.

Стоматит оғир кечганида, касаллик оғиз бўшлиғида тез тарқалади, яралар бир-бири билан қўшилиб кетади.

Яллиғланишга йиринглаш кузатилиши мумкин, бунда яралар юзасида қалин сариқ қатlam пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ҳарорат кўтарилади ( $40^{\circ}\text{C}$  гача етиши мумкин). Беморнинг ахволи кескин ёмонлашади.

### **Шифокорга қачон мурожжат қилиш керак?**

Оғиз бўшлиғида яралар пайдо бўлганда, ҳарорат кўтарилганда, стоматологга мурожгаат қилиш шарт!

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Муолажа**

Стоматит шифокор-стоматолог маслаҳати билан ва унинг назорати остида даволаниши лозим. Одатда шифокорлар парҳез сақлашни тавсия этадилар ва эритмалар, геллар, суртмалар, турли антибиотик дориларни тайинлайдилар. Бу тадбирлар стоматитнинг кўп ҳолларида самаралидир. Овқат ейишга халақит берадиган кучли оғриқлар чоғида овқат олдидан оғиз бўшлиғини оғриқ босувчи воситалар билан чайиш керак.

Умумий кўринишларда намоён бўлган янада оғир шаклларда, йирингли юқумли касаллик пайдо бўлганда (уй шароитида) маҳаллий муолажа янада кучлироқ воситалар билан тўлдирилади, (энг аввало ичиладиган антибиотиклар билан ёки уколлар кўринишида).

**Парҳез.** Махаллий муолажа қилинаётганда (ёпишқоқ ва бошқа воситалар билан чайқаш) оғиз бўшлиғига алкоголь ичимликлари, аччиқ овқат, қайноқ ва шўр маҳсулотлар, қуруқ таомлар ва шўр

овқатдан әхтиёт бўлиш керак, овқатни кўп ва тез-тез ейишдан тийилиш керак.

Юмшоқ, обдон қирғичдан ўтказилган овқатларни ейиш тавсия этилади: ўткир даврда – маҳсус парҳез аралашмалари, болаларбоп турли тайёр аралашмалар (гўштли, сабзавотли, мевали, бўтқалар ва х. к.), творог, йогурт, чучук желе, қирилган чучук пишлоқлар, ёғи олинган қаймоқ; ўткир ҳолат ўтиб кетгандан кейин – озгина туз солинган ва қалампирсиз шўрвалар ва бульонлар; буғланган, дамланган, қайнатилган, обдон янчилган таомлар (қиймаланган мол ва парранда гўшти, суфле, пудинглар); картошка пюреси; зардоли ва нашвати каби нейтрал шарбатлар истеъмол қилиш мумкин.

Таомлар ва шарбатлар уй ҳароратида бўлиши керак. Қаттиқ нарса қўшилмаган қаймоқли ва сутли музқаймоқ, кунда 2 литргача турли ичимликлар тавсия этилади. Шиллик пардани мустаҳкамлаш учун, овқатни В гуруҳ витамили дорилар билан бойитиш керак.

**Дори воситалари.** Фармокологик дориларни шифокор маслаҳати билан ва унинг назорати остида ичиш керак.

**Маҳаллий истеъмол учун**

**Антибактериал дорилар:** Ваготил

Граммидин

Гексорал, Лизобакт

Метрогил Дента

Водород эритмаси ачитқиси

Себилин

Стоматидин

**Аралаш (оғриқ босувчи - антибактериал) дорилар:**

Антиангин формула

Камистад

Стрепсилс

Стрепсилс плюс

Стрептолете Плюс.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Муолажа учун ҳалқ табобати рецептлари

Милк яллиғланганда, шунингдек, стоматида ош тузи эритмасида ҳўлланган пахта ё докани милкнинг оғриган жойига босилса, шишган тўқималар зўриқиши камайиши мумкин.

Милклар ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси яллиғланганда арчанинг янги бутоғи чайналади, аммо ютиб юбориш керак эмас.

Эман пўстлоғи қукунидан 2 ош қошиқ (20 гр) 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 10 дақиқа қайнатилади, 1 соат тиндирилиб, сузғичда чузилади. Гингивитда, стоматитда, милкни мустаҳкамлашда, шунингдек, томоқ ҳалқумнинг яллиғланиши жараёнида кунда 6-8 марта чайилади.

1 ош қошиқ (10 гр) эвкалипт япроғини (туйилгани) 1 стакан сувда қайнатиб, қайнатмаси билан стоматит бўлган оғиз чайилади.

Сабур (алоэ)нинг пастки япроқларидан сиқиб олинган сувига асал қорилади: 2 гр. асал, 10 мл. сабур суви. Тайёрланган қоришмани янгилигига оғриган оғиз кунига 3 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан хўплаб, чайилади.

0, 5 чой қошиқ асални 4/1 стакан четан меваси сувига аралаштирилади. Қоришмадан 1 ош қошиқ кунига 2-3 мартадан чайилади, бу эса милкларни мустаҳкамлашига олиб келади.

Яхна чой ёки шалфей қайнатмасида кунда 1 ёки 2 марта чайилса, оғиз бўшлиғидаги оғриқ босилади.

### Стоматитда нуқтали уқалаш

**Нуқта жойи:** бўғизнинг қоқ марказида (Расм 22.).

**Таъсир қилиш усули:** 2-3 дақиқа давомида нуқта соат мили йўналишида ва аксинча айлантириб уқаланади. Нуқтага лейкопластир билан танга ёпиштирса ҳам бўлади.


Нуқта жойи: панжанинг пастки бурмалари ўртасида.

**Таъсир қилиш усули:** ўнг қўл бошмалдоғи ва ўрта бармоқ билан 2-3 дақиқа давомида соат мили йўналишида ва аксинча, айланма ҳаракатлар билан уқаланади. Охирида нуқта қаттиқ босиб қўйилади.

Нуқта жойи: кафт ўртасида, кафтга букилган 3 ва 4 бармоқ учидা.

**Таъсир қилиш усули:** ўнг қўл бошмалдоғи билан нуқтага қаттиқ босилади ва соат мили йўналишида ва аксинча 50 дан 100 мартагача айлантириб уқаланади.

Шу атрофга лейкопластир билан мис танга ёки мис тўғаракчаси 1-3 кун ёпиштириб қўйилади.



Расм 22.

## **ПАРАДОНТОЗ**

**Парадонтоз** – тиш атрофидаги тўқималарнинг сурункали касаллиги (парадонтоз). Альвеоляр ўsicк (тиш катакчаси) емирилиши билан тишининг қимирлаб, тушиб кетишига олиб келади. Кўпинча қандли диабетда ва бошқа эндокрин бузилишлар ва ички аъзоларнинг сурункали касалликларидан келиб чиқади. Тишларнинг егуликни чайнамаслиги юмшоқ овқат ёйишга ўрганиб қолиши – касаллик пайдо қилувчи омиллардан ҳисобланади. Парадонтоз касаллиги пайдо бўлишига тиш тошининг чўкиндиси ва кариес таъсир кўрсатади.

**Дастлабки пайтларда парадонтоз оғриқ бермайди, шу боис bemорлар одатда шифокорга мурожаат қилмайдилар.** Муолажа қилинмаса, касаллик кучайиб браверади, жуда жиддий асорат – парадонит ривожланиб кетиши ва bemор тишлардан айрилиб қолиши мумкин.

### **АЛОМАТЛАРИ**

#### **Парадонтозда:**

Милк қулранг тусга киради, яллиғланиш аломати бўлмайди.

Аввал тиш, кейин эса унинг тиш илдизлари кўриниб қолади (“чўзилиб” қолгандай бўлади).

Милк қонамайди.

Парадонтоз кариес бўлмаган тиш тўқималарининг зараланиши билан, зараланишлар – эмал эрозияси емирилиши – тишининг қирилиши, чиллаксимон нуқсон каби тус олади.

#### **Парадонтозда:**

Тиш қимиirlайди.

Милкнинг қонаши ва оғиз хидланиши.

Тишлилар силжиб, улар оралиғида тирқишилар пайдо бўлади.

Тишни ўраб олган милк йиринглайди.

Тиш тушиш эҳтимоли ошади.

#### **Шифокорга қачон мурожжат қилиш керак?**

Касаллик аломати пайдо бўлган заҳоти, стоматологга учрашиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Парадонтознинг илк аломатларини фақат диққат билан кўрикдан ўтказганда билиб олиш, шунинг учун тишларнинг аҳволидан қатъий назар, йилда камида икки марта стоматологга кўриниб туриш керак.

## **Муолажа**

Муолажа мутлақо индивидуал ва касаллик босқичи, асорат хили ва организмнинг умумий ҳолатига боғлиқ. Бунда парҳезга риоя қилиш ва оғиз бўшлиғини тоза тутиш муҳим хисобланади.

Маҳаллий стоматологик дорилар билан бир қаторда (муолажа пастаси, гел, эритма) шифокорлар тиш чўкиндиларини олиб ташлаш, физиотерапия, витаминли дорилар, антибиотиклар, жарроҳлик ва ортопедик муолажа, жумладан, тиш милки кавакларининг ўзгарган, уваланган тўқималарини қириб тозалашдан фойдаланадилар.

Муолажани шифокор касалликнинг ўткир палласида ёки сурункали жараён тезлашганда йириングни йўқотиш, жарроҳлик амали билан яллиғланишни йўқотади.

**Парҳез.** Фойдали овқатлар ёйиш зарур, янги мева ва сабзавот, шунингдек, кальций манбаи сифатида, сутли маҳсулотлар истеъмол қилинади.

Тўқималарга бой овқат истеъмол қилиш тавсия этилади – милкни мустаҳкамлаш учун, каттиқ овқат (сабзи, шолғом, олма ва ҳоказо)ни қунт билан чайнаш зарур, бунда ҳаракат барча тишларга баравар тушишига эътибор бермоқ лозим. Мева-сабзавот озуқаси Е, А, Д ва С витамиnlари бўлган дорилар билан тўлдирилади.

Озуқадан печенье, ирислар, чипслар ва тиш ёки милкка ёпишадиган, оғизда узоқ вақт қолиб кетадиган ва тища тез кир пайдо қиласиган маҳсулотлар истисно этилади.

## **Дори воситалари.**

Одатда умумий мустаҳкамловчи (**кўп витаминли**) ва **маҳсус стоматологик дорилар** тайинланади.

### **Кўлланиладиган дорилар**

Имудон

Килгель

Мараславин

Полиминерал

Холисал

Эльгифлуор

Элюгель.

### **Ичиладиган дорилар**

**Кўп витаминли дорилар:** Алвитил

Вектрум

Виташарм

Мақровит

Пиковит

Прежавит Ф.

**Бу мұхим!** Парадонтоз шифоси учун қуйидагилар зарур:

хар куни эрталаб нонуштагача уй ҳароратида тишни сув билан обдон чайқалади, бу милкларни бақувват қиласы;

чүтка, тиш тозалагич ва мақсус иплар билан овқатдан кейин тишни құнт билан тозалаш керак. Айниңса пастки жағолди тишиларининг ички юзасини ва юқори жағ озиқ тишиларнинг юз томонини тозалаш ғоят мұхим, чунки, айнан мана шу жойда, тиш тоши әнд күп ҳолларда пайдо бўлади;

кундузи 2 марта (эрталаб ва кечқурун) тишни тозалаётганда милкни ташқи томонидан бармоқ билан қон айланышини яхшилаш учун, айланма ҳаракатлар билан уқалаш лозим;

тиш чўкиндиларини олиб ташлаш ва тишиларни даволаш, шунингдек, вариесли тишиларни протезлаш учу стоматологга ўз вақтида мурожаат қилинг, чунки етарли таянчи йўққолган тишиларга юкнинг ортиши, уларнинг қимирилаб қолишига олиб келади.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Муолажа учун халқ табобати рецептлари

Маврак гиёхи настойи билан оғиз чайилади (1 стакан қайнатилган сувга 1 ош қошиқ маврак солиб 20 дақиқа тиндирилади). Ош содаси (1 стакан сувга 0, 5 чой қошиқ) ва ош тузи (1 стакан сувга 1 чой қошиқ) солинган сув билан чайиш ҳам яллиғланишни йўқотади.

Дастарбош суви билан ҳар куни милкларни артиб туриш керак.

2 ош қошиқ эман пўстлоғи ва 1 ош қошиқ жўка гулини аралаштирилади, 1 стакан қайнатилган сувга ё чой қошиқ солиб, оловда 3 дақиқа қиздирилади ва совугандан кейин сузилади. Милкдан қон оққанда салқин қайнатма билан оғиз чайилади.

Тиш порошогини игир илдизи кукуни билан аралаштирилади (1 чайишга 0, 5 гр. игир илдизи) ва тиш кунда 3 марта тозаланади.

2 ош қошиқ \ман пўстлоғи кукунини 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 10 дақиқа қайнатилади, 4 соат тиндирилгач, сузилади. Оғиз кунда 6-8 марта чайилади.

Мўмиё – тўғноғич бошидек келадиган бўлакчаси 15 мл. сувда эритилади. Суюқлиқда дока тампон ивитилади ва яллиғланган милкка босилади. Босиб туриш вақти – 5-10 дақиқа, муолажа амали – 5-10 марта бажарилади.

## ҲИҚИЧОҚ

**Ҳиқичноқ** (икота) - беихтиёр, одатда бир текисда такрорланувчи нафас олиш бўлиб, бунда ўзига хос тарзда овоз чиқади. Бунга диафрагма-кўқрак ва қорин бўшлиқларини ажратиб турувчи мушак пардасининг, тўсатдан қисқариши сабаб бўлади.

Қисқа муддатли ҳиқичноқ, соғлом одамларда қуруқ овқат еганда пайдо бўлади. Киши тез овқат еб, уни ёмон чайнаганда; катта микдордаги суюқлик, хусусан, совуқ сувни ичганда юзага келиши мумкин. Фаолиятли ёки асаб ҳиқичноғи, асаб ларзага келиши оқибати бўлиши мумкин. Бундай ҳолат одатда жizzаки, ўзини тутолмайдиган, енгил табиат ёки аразгўй одамларда, тез-тез учрайди. Ҳиқичноқ, одам тинчланганидан кейин ўз-ўзидан ғойиб бўлади.

Умуртқа билан кўқрак қафаси оралиғидаги патологик жараёнлар – шиш, аорта аневризми, лимфатик тугунлар катталашуви, узоқ муддатли ҳиқичноққа сабаб бўлиши мумкин.

Ҳиқичноқ ошқозон – ичак тизими касалликларида ҳам кузатилади, шунигдек миянинг устун бўлимлари заарланиши (энцефалит, инсульт ва ҳоказолар) натижаси ҳам бўлиши мумкин;

Диафрагманинг ғайри ихтиёрий қисқариши қисқа муддатли ва давомли бўлиб, бир неча соат, бир неча кун ва ҳатто бир неча ҳафтагача чўзилиши мумкин;

Ҳиқичноқда, кўпинча, ҳиқиллаган овоз чиқиши ёки олдин кекирик келиши мумкин; гоҳо киши қусиб ҳам юборади, чунки бу пайтда ошқозон шарбати ва унинг турғун спазмаси пайдо бўлиши мумкин;

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиши керак?**

Ҳиқичноқ босилавермаса, шифокорга мурожаат қилиш керак. Агар ҳиқичноқ пайтида одам қусиб юорса ва қусукда қон аломатлари кўринса, “тез ёрдам” чақириш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Қоринда оғриқ қўзғатадиган, қусдирадиган, сўлак оқизадиган, узоқ ва давомли ҳиқичноқ, тиббий текширувни талаб этади, чунки у

ошқозон яраси, шиши, жигар касаллиги, ўт қопи ёки ошқозон ости бези касаллигидан дарак бўлиши мумкин.

### **Муолажа**

Парҳез чоғида юзага келган қисқа муддатли ҳиқичоқдан “ҳавони тўхтатиб” қутулиш мумкин; чуқур нафас олинади-да, ҳаво иложи борича узоқ чиқармай турилади. Гоҳо икки-уч хўплам сув ёки бир неча марта чуқур-чуқур нафас олинса кифоя. Илик ичимликни, қоринга иссиқ ёки аксинча, совуқ ҳолда қўйиш ҳам самара беради.

**Дори воситалари.** Узоқ давом этган ҳиқичоқда, шифокорлар транквилизаторлар, қусишига қарши антацид воситалар тавсия қиладилар.

**Қусишига қарши воситалар:** Метоклопрамид (Апо-метоклон, Метамол, Перинорм, Церукал).

**Антацид воситалар:** Алтацид

Альмагель

Гастрацид

Маалокс

Маалукол

Рутацид

Тальцид.

**Транквилизаторлар:** Диазепам (Апаурин, Релиум, Седуксен) Оксазепам (Тазепам).

## **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Бир чақмоқ қандни тил тагига ташлаб, 5-10 дақиқа давомида шимилади.

Бир стакан совуқ сув, хўплаб-хўплаб ичилади. Агар сувни хўплаётган вақтда, иккала қулоқни чаноғи билан ёпиб турилса, ҳиқичноқ тез ўтиб кетади.

### **Муолажа учун халқ табобати рецептлари**

Бир неча марта тез-тез ва чуқур нафас олинади, кейин бир марта юзаки нафас чиқарилади.

Қўллар билан диафрагма атрофини – қориннинг қобирғалар бурчак ҳосил қилган қисмини қаттиқ босилади.

Кўкрак остига хантал қўйилади.

Тоғрайхон устидан олинган эфир мойи бир неча хидланади.

## **ЖИҒИЛДОН ҚАЙНАШИ**

Жиғилдон қайнаши ошқозон-ичак касалликлар белгиси.

**Жиғилдон қайнаши** – түш ортида ёки қорин усти томонда жизиллаш сезилиши, қўпинча тепада ҳалқумгача ёйлади, бунда аччиқ меъда суюқлиги (ҳазм бўлмаган овқат ва хлорид кислотаси)нинг қизилўнгачга келиб тушиши сабаб бўлади. Бунда ошқозон чиқкан овқатнинг қайта қизилўнгачга чиқиши/мойиллик берувчи ошқозон – қизилўнгач финктери фаолияти етишмовчилиги сабаб бўлади.

Жиғилдон қайнаши, қизилўнгач ва меъда касалликларининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади (қ. Яра касаллиги, Эзофагит). Гоҳо жиғилдон қайнаш ҳоллари овқатда аччиқ, шўр ёки консерваланган маҳсулотларни истеъмол қилгандан ва алкоголни меъёрдан ортиқ ичгандан кейин содир бўлиши мумкин.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Жиғилдон қайнаши чўзилиб кетганда шифокорга мурожаат қилиш керак.

Борди-ю, жиғилдон қайнаши устига яна қусилса, унда қон излари кўринса, “тез ёрдам” чақириш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Жиғилдон қайнаши доимий ёки тез-тез содир бўлса, меъда ва қизилўнгачни текшириши зарур:

фиброгастродуоденоскопия;

ошқозон шарбатининг кислоталилигини текшириш (зонд ёки экспресс-тест); маҳсус текширувлар;

қизилўнгач ва меъдани рентгенда кўриш;

### **Муолажа**

Жиғилдон қайнаши муолажаси, асосий касалликни даволаш, парҳезга риоя қилиш ва дорилар қабул қилишдан иборат.

**Парҳез.** Озуқадан нордон мевалар, сабзавотлар ва уларнинг шарбатлари, пиёз, саримсоқпиёз, қалампир, қора қаҳва, ичакда ел пайдо қилувчилар (дуккаклилар, бош карам, гоҳо – картошка, банан ва ҳоказо), янги тандирдан узилган нон, шоколад, меъда шарбати секрециясини оширувчи маҳсулот ва таомлар – тузлама карам, бодринг, каттиқ гўшт, қовурилган балиқ ва замбуруғ шўрваси, қовурилган нарсалар, аччиқ зираворлар (хантал, кетчуп ва ҳ. қ.)ни чеклаш ёки истисно этиш, жиғилдон қайнашини камайтиради ва ҳ.

к. Алкоголь ичимликлар, жумладан, пиво, шампан ва оқ мусаллас, шунингдек, ҳар қандай алкогиз газланган ичимликлар истеъмолини чеклаш ёки тақиқлаш керак. Улар, меъда ичи босимини оширади, меъдада зардоб тўпланишига сабаб бўлади, катта микдордаги этил спирти (ароқ) ошқозондаги зардобни қизилўнгачка чиқариб ташлашига олиб келади.

Тансиқ ва серёғ овқатларни кўп емаслик керак. Овқатни озодан ва тез-тез истеъмол қилиб туриш лозим. Овқатланиб бўлгач, гавдани олдинга бирдан ва чуқур эгиб юбормаслик ва овқатлангандан кейин 2 соат ўтмагунча ётмаслик, яхшиси, 15-20 дақиқа тоза ҳавода юриш мақсадга мувофиқ. Овқатлангандан сўнг қоринни камар билан қисиб боғламаслик керак. Охирги овқатланиш, уйқуга ётишдан 2-3 соат олдин ейилгани маъқул. Тунги “тамадди”дан воз кечмоқ лозим. Жуда иссиқ ёки совуқ овқат, шунингдек овқатлар оралиғида, суюқликлар ичишни чегаралаш керак.

**Дори воситалари.** Ошқозон шарбати кислотасини мультадиллаштирувчи дорилар тайинланади:

Алтацид  
Альмагель  
Гастрацид  
Маалокс  
Маалукол  
Рутацид  
Тальцид.

## **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Ярим стакан қайнатилган сувга, аир илдизи кукунидан ой давомида дамлаб ичилса, узоқ вақтдан бери қийнаб келаётган жигилдон қайнаши тўхтайди.

Оқ болут (акация) шохи – 50 гр. тиббий спирт (70 % ли) - 500 мл. қўшиб, 1 ҳафта қоронғи жойда сақланади ва вақти-вақти билан чайқаб турилади. Меъда шираси кислоталилиги ошиб кетиши оқибатида юзага келувчи кекирик чоғида 1 ош қошиқ сувга 10 томчисини қўшиб, кунига 3 маҳал ичилади.

Маржумак ёрмасини жигарранг тусга киргунча қовурилади ва туйиб кукунга айлантирилади. Кунига 3-4 маҳал 1-2 гр. дан

и чилади. Жигилдон қайнашини 2-3 қошиқ қартошка шарбати бартараф этади.

## **ЖИГИЛДОН ШИЛЛИК КАВАТНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШИ**

Эзофагит –қизилўнгач шиллиқ пардасининг яллиғланиши, у оғир яра, қон оқиши ривожланиши билан кучайиши мумкин.

Ошқозондаги нарсаларнинг қизилўнгачга қайтариб чиқариб ташлаш билан бир қаторда (рефлюкс - эзофагит), овқат ҳазм қилишнинг бошқа аъзолари касалликлари ҳам (ошқозон 12 бармоқ яраси, ошқозон-қизилўнгач диафрагма соҳаси чурраси) эзофагитга сабаб бўлиши мумкин. Яна, ҳаддан ташқари иссиқ овқат ёйиш, онкологик касалликларни кимё терапия даволаш чоғида, бўйин, кўкрак ва орқа томонларга нур бериш йўли билан муолажа қилиш ҳам, эзофагитга сабаб бўлиши мумкин.

### **АЛОМАТЛАРИ**

Қаттиқ овқат еяётганда ютишнинг қийинлиги (дисфагия), ютаётганда ноқулайлик туғилиши ё оғриқ пайдо бўлиши.

Жигилдон қайнаши, тўш ортида “қичиш” ва оғриқ пайдо бўлиши.

Айрим ҳолларда, тўш ортидаги оғриқ, стенокардияни эслатиши (эзиб, ачитиб оғриши).

Кекиртириши, қайт қилдириши.

Бемор танаси эгилганда ва ётиқ ҳолда бўлганида жигилдон қайнаши ва кекириш .

### **ШИФОКОРГА ҚАЧОН МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**

Касаллик аломатлари сезилиши биланоқ (жигилдон қайнаши, ютишда қийналиш ва ҳ. к. ) шифокорга мурожаат қилиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Овқат ҳазм қилиш ва юрак томир тизими (юрак ишемик касаллиги, стенокардия) аъзоларининг турли касалликлари, эзофагит аломатларига ўхшаб кетади (ошқозон яраси, ошқозон-қизилўнгач диафрагма соҳаси чурраси, қизилўнгач ва ошқозон ўсимтаси). Шу боис, чуқур текширув ўтказилиши керак:

электрокардиография;

эндоскопик текширув (эзофагогастроскопия);

ошқозон шираси кислоталилигини аниқлаш;

қизилўнгач ва ошқозон рентген текшируви ва ҳ. к.

### **Муолажа**

Эзофагит муолажасида, пархезга риоя қилинади ва ошқозон шарбати кислотасини мўътадиллаштирувчи дорилар ичилади (антацид воситалар). Оғриқ хуруж қилганда ва овқатни ютиш қийинлашганда, спазмолитик дорилар ичилади. (қ. **Яра касаллиги**, Дори воситалари).

**Пархез.** Илиқ, нимсовуқ таомлардан иборат овқатлар тез-тез озгина тўймасдан истеъмол қилинади (шўрвалар, буғда қилинган суфле ва гўшт пюреси, товуқ ва балиқ, тухум, бўтқа ва кисель, сут); нон ва ундан қилинган маҳсулотлар, сабзавотлар, аччик соус ва зираворлар, қовурилган ҳар қандай таомлар истисно этилади.

Шунингдек, иссиқ овқат, совуқ овқат, қаҳва, алкогол ман этилади.

**Дори воситалари.** Дорилар асосий касаллик турига боғлиқ равища тайинланади.

#### **Ичиладигандорилар:**

**Антацид воситалар:** Алтацид

Альмагель

Гастрацид

Маалокс

Маалукол

Рутацид

Тальцид

Фосфалюгель.

**Спазмолитик воситалар:** Мебеверин (Дюспаталин)

Дротаверин (Беспа, Но-шпа, Спазмол, Спазоверин, Спаковин)

Папаверин.

**Жарроҳлик муолажаси.** Диафрагма ошқозон-қизилўнгач диафрагма соҳаси чурраси сабаб бўлган ва консерватив муолажа таъсир этмайдиган эзофагитнинг оғир кечиши чоғида, диафрагма соҳаси чуррасини бартараф этишга йўналтирилган жарроҳлик амали бажарилади.

### **ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР**

#### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Игир илдизи, учбарг (вахта) япроғи, қашқарбеда ўти, қизилпойча ўти, исланд тўси, мойчечак гули, сушеница ўти, қонгул ўти – тенг миқдорда олинади ва туйилади. Тўпламнинг туйилганидан 12 гр. 400 мл. совуқ сувга солиниб, 2 соат

тиндирилиб, сув ваннасида 15 дақиқа илитилади, 1 соат тиндирилиб сузилади. Илиқ ҳолда чорак стакандан кунига 5-6 маҳал овқат оралиғида ичилади, оғриқ турганда, жумладан, тунги вақтда, эзофагитда ва ошқозон яраси касаллигига қўшимча равишда ичилади.

Арлабодиён меваси, тоғилон илдизи, тоғрайхон ўти, календула гули, қизил барг япроғи, лимонўт япроғи, оқ яснотка япроғи – тенг миқдорда олинади. Тўпламнинг туйилганидан 10 гр. 250 мл. қайнатилган сувга солиб, сув ваннасида 10 дақиқа иситилади, иссиқ жойда 2 соат тиндирилгач, сузилади. Илиқ ҳолда 4/1 стакандан эрталаб наҳорга, шундак кейин ҳар овқатлангандан кейин 1 соат ўтгач ҳамда, тунда оғриқ кучайганда ичилади.

## МЕЬДА КАТОРИ

**Меъда катори** (гастрит) – меъданинг шиллик қавати яллиғланиши; овқат ҳази қилиш тизими касалликлари ичида содир бўлиши бўйича биринчи ўринни эгаллайди. У ўткир гастрит ва сурункали гастрит кўринишида бўлади. Ўткир гастритнинг юзага келиш сабаблари кўпроқ овқатда сифатсиз озиқаларнинг бўлиши, айrim дориларнинг (салицилатлар(аспирин), бромидлар, дигиталис дорилари, антибиотиклар, сульфаниламиidlар)ёки кимёвий моддаларнинг меъда шиллик пардасига салбий таъсир кўрсатишидир. Овқат аллергияси (ертут, замбуруғ ва ҳоказо). Айrim юқумли касалликлар ўткир гастритни келтириб чиқаради.

**Сурункали гастрит** – кучайиб борувчи касаллик бўлиб, ошқозон хлорид кислотаси, пепсин ва шарбат ишлаб чиқарувчи безларнинг заарланиши, шунингдек, шиллик парда тўқималари регенерацияси (қайта тикланиши) жараёнининг ёмонлашуви билан изоҳланади. Бундай ҳолат, ошқозон фаолияти бузилишига олиб келиб, икки хил кўринишда мумкин:

хлорид кислотаси даражасининг кўпайиши ( кўпайган гиперсекрецияли гастрит);

хлорид кислотаси даражасининг пасайиши (меъда шарбати пасайган гипосекрецияли гастрит).

**Бу муҳим!** Сурункали гастритнинг асосий сабаби (90% да ошқозоннинг жуда нордон муҳити шароитида яшашга қодир алоҳида нордонбардош бактериялар (*Helicobacter pylori*) – хеликобактер пилоридир. Ушбу микроорганизмларни аниқлаш, муваффақиятли муолажа учун, муҳим аҳамият касб этади.

Юқори секрецияли сурункали гастрит яра олди ҳолат деб ҳисобланади ва уни ҳам яра касаллиги каби даволанади (қ. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги). Бундан ташқари, яллиғланиш жараёни, ошқозоности бези, ўн икки бароқ ичак ва зардоб (желчъ) йўлларига тарқалиши мумкин. Кўп йиллар мобайнида гастритнинг бу тури ошқозон безларининг секин атрофияланиши ва улар секрецияси пасайиши муносабати билан, қўпинча пасайган секрецияли гастритга айланиб кетади.

Паст секрецияли сурункали гастрит муолажа қилинмаса, ошқозон саратонига айланиши мумкин. Гастритнинг ушбу тури қўпинча анемияга-камқонликка олиб келади.

## БЕЛГИЛАРИ

**Ўткир гастрит** одатда шиддат билан бошланади ва:

кўнгил айниши, кўкракости атрофида корин тепа соҳасида оғриқ пайдо қиласи;

бош оғриғи, бадан ҳароратининг сал-пал қўтарилиши, умумий ҳолсизликни келтириб чиқаради.

Ўткир гастрит қўпинча 2-3 кун давом этади ва соғайиш билан ниҳоясига етади, айрим ҳолларда чала муолажа туфайли сурункали гастритга ўтиб кетиши мумкин.

**Юқори секрецияли сурункали гастритда** (унга кўпроқ *Helicobacter pylori* сабабчи бўлади) беморни безовта қилувчи ҳоллар:

кориннинг юқори қисмларида оч қолганда, гоҳо тунлари юзага келувчи, овқат егандан кейин дарров ўтиб кетувчи оғриқлар;

жиғилдон қайнаши, нордон кекириш, ич қотишига – қабзиятга мойиллик;

Паст секрецияли гастритда қуйидагилар кузатилади:

ошқозоннинг тўлиб кетгандек бўлиши, овқатдан кейин кўкрак остида оғирлик;

кўнгил айниши, кекириш, гоҳо – корин дамланиши ва қулдираши, ич кетиши;

овқат еб бўлган заҳоти кўкрак ости атрофида лўқиллаган, сирқираган, тик турганда, айниқса, юрганда кучаядиган оғриқ. Оғриқ (1-2 соат) овқатдан кейин ўз-ўзидан ўтиб кетади.

**Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Қоринда вақти-вақти билан оғриқ пайдо бўлганда шифокорга мурожаат қилиш керак. Қорин қаттиқ оғриганда, “тез ёрдам” чақириш зарур.

## ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ

Ошқозонни эндоскопик текшириш;

**Helicobacter pylori** ни аниқлаш.

Шунга ўхшаш аломатлар билан пайдо бўлувчи энг кўп учрайдиган касалликлар истисноси учун шифокор қўшимча усулларни ҳам тайинлаши мумкин:

йўғон ичакни эндоскопик текшириш (колоноскопия);

қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовуш текшируви;

қоннинг клиник таҳлили;

қоннинг биокимёвий таҳлили;

### Муолажа

Ўткир гастритнинг енгил шакллари муолажаси одатда, маҳсус шифобахш дорилар қўллашни талаб этмайди. Парҳез қилинади, айrim ҳолларда спазмолитиклар (Ношпа, Папаверин) қўлланилади. Ўткир гастрит оғир кечганда, bemорни шифохонада даволаш керак.

**Парҳез.** Ўткир гастритда кун давомида очлик, кейинчалик эса касаллик белгиларига қараб 5-7 кун давомида парҳез қилинади. Ошқозоннинг меъёрдаги ёки юқори секрецияли чоғида сурункали гастрит хуруж қилганида механик ва кимёвий насралардан парҳез қилинади.

Сурункали гастрит асосан амбулатор-уй шароитида даволанилади. Одатда, ошқозон секрециясини яхшилаш ва **Helicobacter pylori** ни бартараф этиш, маҳсус парҳез ва керакли шифобахш дорилар тайинланади.

Ошқозон секрециясини қўзғатувчи ва нисбатан меҳдани тез тарқ этувчи маҳсулот ва таомлар ёйишга рухсат этилади (сут маҳсулотлари, қирилган сабзавотлар ва гўштли таомлар, қайнатилган тухум, гуручли бўтқалар, кечаги нон). Овқат пюре ёки бўтқасимон кўринишда кунига 5-6 марта берилади. Таомлар сувда ё буғда пиширилгани маъкул.

Қовурилган таомлар, гўштли, балиқли ва замбуруғли шўрва ва сомсалар, ўткир сабзавот қайнатмаси, аччиқ ва шўр газаклар, тўғралган ва ёпилган сабзавот ва мевалар, дудланган маҳсулотлар, ўткир ҳидли ва хуштаъм сабзавотлар, нордон мевалар, газланган ичимликлар, қаҳва ман этилади.

Ўткир ҳолатлар тинчигандан кейингина одатдагидай овқатланишга ўтилади.

Меъёрдаги ва юқори секрецияли сурункали гастритда газсиз, маъданли шифобахш салқин сувлар (“Боржоми”, “Смирновская”, “Славянская” ва ҳоказо) самарали, бунда муолажа бошида кунига 3 маҳал 100 мл. дан аста-секин миқдорини 200-250 мл. гача ошириб борилади. Сувни овқатдан 1-1, 5 соат олдин ичилади. Жигилдон қайнаса, кекирилса, овқатдан кейин 50-100 мл. сув қўшимча ичилади.

Ошқозон паст секрецияли гастритда ошқозон безларини уйғотувчи (сирка, мурч, тузламали) парҳездан фойдаланилади.

Турли даражадаги туйилган ва буғлаб пиширилган таомлар рухсат этилади; қайнатмалар, димламалар, тобламалар, усти қаттиқлашиб кетмаган қовурмалар, қириб тайёrlанган таомлар – бирлаштирувчи тўқима ва ҳужайраларга бой овқатлар. Овқат турлариға ёғсиз гўшт ва балиқ шўрвалари, сабзавот ва қўзиқорин қайнатмалари, картошка пюреси, янги помидор-бодрингли салат, дириллама (холодец), чучук пишлок, бакра ва ёрш балиқларининг угулдириғи, ҳидли сабзавот (ва ҳоказолар) киради.

Овқат турларидан янги тандирдан узилган нон, оширилган ва қатланган хамирдан пиширилган турли нонлар, сут маҳсулотлари, нўхат ва ловия шўрвалар, айрон, серёғ, гўшт, ўрдак ва ғоз гўшtlари, ёғли, шўр, дудланган заранг балиқ, шолғом, турп, қўзиқорин ва бошқа мева ва сабзавотлар, зираворлар, узум суви, газланган ичимликлар, мол, қўй ва ўсимлик ёғлари тавсия этилади.

Қўйидаги дориларни шифокор маслаҳати ва назорати остида ичилади:

Ошқозон шираси (кислоталилиги) баланд бўлганида:  
Альмагель  
Викалин  
Гастал  
Гастрофарм  
Гелусил  
Маалокс  
Омепразол  
Ранитидин  
РПутацид  
Тальцид  
Фамотидин.

Ошқозон шираси (кислоталилиги) паст бўлганда:  
Левокарнитин (Карнитен Элькара эритмаси)  
Ромазулан  
Метоклопрамид (Реглан, Церукал, Церулан).  
***Helicobacter pylori*** аниқланганда: Викмут – трикалий  
дицитрати (Де-нол)  
Кларитромицин (Фромилид, Клеримед)  
Пилобакт  
Сукральфат (Вентер) ва ҳоказо.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР.

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

**Ўткир гастрит** бўлганда Арпабодиён мевасини – (5 гр) термосга солиб, 1 стакан қайнатлган сув қуйилади, 2 соат тиндирилиб ва 1/4 стакандан кунига 3-4 маҳал касалликнинг биринчи ҳафтасида ичилади.

Тоғрайхон гиёҳи – 15 гр. олиб, термосга 1 стакан қайнатилган сув қуйилиб, 1-2 соат тиндирилади ва кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан овқатдан олдин 1 ҳафта ичилади.

Тиконли стальник илдизи (30 гр) ёпиқ идишда, 0, 5 л. сувга 10 дақиқа қайнатилади, 2 соат тиндирилиб, 1/4 стакандан кунига 3 маҳал 2 ҳафта давомида ичилади.

**Сурункали гастрит** бўлганда Баргизуб япроқлари гўшт майдалагичдан чиқарилиб, 1:1 миқдорда табий асал билан қорилади, 1/10 литр миқдорида 1/4 стакан илиқ сувга солиб, кунига 2-3 маҳал овқатдан один ичилади. Муолажа муддати – 2 ой, зарурат туғилганда 10 кун танаффусдан сўнг муолажа такрорланади.

Бешяпроқли арслонқуйруқ – 1 ош қошиғи, термосга 1 стакан қайнатилган сув қуйиб 1 соат тиндирилади, кунига 3-4 маҳал 1 ош қошиқ овқат олдидан ичилади, муолажа муддати 45 кун давом эттирилади.

Дастарбош гулларини ярим литрли шиша идиш ярмигача солинади ва ароқ қуйилади, 5 кун офтобда тиндирилади ва кунига 3 маҳал овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичилади. Муолажа муддати – 4-6 ҳафта, бир ой танаффусдан сўнг, муолажани давом эттириш мумкин.

Секретор фаолияти паст бўлган сурункали гастритда брусника мевасини қайнатилган ва ивитилган ҳолда 30 кун 1-2 ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин ичилади.

## ОШҚОЗОН ВА 12 -БАРМОҚ ИЧАК ЯРАСИ

**Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллиги** – сурункали қайталаувчи касаллик, айниқса баҳор ва куз фаслларида, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси асоратлари бўлиши мумкинлиги билан тавсифланади.

85-90% беморларда ошқозон яраси касаллигининг ривожланиши ***Helicobacter pylori*** (геликобактер пилори) бактериялари юқиши билан боғлиқ. Қолган ҳолларда касаллик ошқозон шарбати тезоблигининг ортиб кетиши, шамоллашга қарши ва оғриқ босувчи дориларни (Аспирин, Диклофенак, Индометацин, Ибупрофен ва ҳ. к.) узоқ муддат ичиш ва бошқа сабаблар натижасида ривожланади.

## АЛОМАТЛАРИ

Оғриқлар, жиғилдон қайнаши, қўпинча қайт қилиш.

Хуруж вақтида оғриқ бўлади, наҳорда пайдо бўлиб, овқат егандан кейин ўтиб кетади, ошқозон ярасида 0, 5-1 соатдан кейин, ўн икки бармоқ ичак ярасида 1, 5-2, 5 соатдан кейин яна оғриқ пайдо бўлади. Оғриқ кўпинча

тунлари пайдо бўлади.

Ошқозон ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигида кўпинча ич қотиши, қабзият кузатилади.

Бемор вақтида даволанмаса, хатарли асоратлар келиб чикиши мумкин:

Ошқозон-ичакдан қон кетиши;

Пенетрация (яранинг қўшни аъзоларга ўтиб кетиши);

Перфорация (яранинг тешилиб қолиши);

Ошқозон 12 бармоқ-ичак пилорик қисмининг торайиши (стенози);

Ошқозон ярасининг ёмон сифатли ўсимтага айланиши (малигнизация).

**Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Қоринда вақти-вақти билан оғриқ пайдо бўлганда шифокорга мурожаат қилмоқ керак. Қоринда қатиқ оғриқ турганда, қон

кетиши аломатларида (қора нажаснинг қорайиши, қон қусиш ва ҳ. к.) дарҳол “тез ёрдам” чақириш зарур.

## ШИФОКОР КҮРСАТМАЛАРИ

### Текшириш

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакни эндоскопик текшириш (ФГДС - фиброгастродуоденоскопия);

ошқозон, рентген текшируви;

ошқозон шарбати кислоталилигини текшириш;

**Helicobacter pylori** (шиллик парда биопсияси, иммунологик тестлар);

### **Муолажа**

Ошқозон 12 бармоқичак яраси касаллиги қўпинча амбулатория усулида уй шароитида даволанилади. Одатда индивидуал парҳез ва ошқозон секрециясини яхшилаш ёки **Helicobacter pylori** га қарши дорилар берилади.

Хеликобактер аниқланиб, ошқозон ярасини даволашнинг асосий воситаси микробга қарши дорилар ҳисобланади, аммо маълум бўлишича, ошқозоннинг кислотаси муҳитида улар кам самара беради. Шунинг учун ошқозон шарбатида хлорид кислотани камайтирувчи воситаларни ҳам (протон насоси ингибиторлари, гистамин H<sub>2</sub> - рецепторларининг блокаторлари, антацидлар) ва яранинг битишига имкон берувчи (гастропротекторлар) воситаларини ҳам беришади. Одатда хлорид кислотани пасайтирувчи дорилардан биттаси ва махсус схемалар бўйича микробга қарши дорилардан иккитасини баравар қўллаб, муолажа самарадорлигини назорат қилишмокда. Яранинг тўла битиб кетиши ва ошқозон, ўн икки бармоқ ичак шиллик пардасида **Helicobacter pylori** ни йўқотиш муолажа муваффақияти гаровидир.

Муоалажанинг тўғри олиб борилиши яранинг 2-3 ҳафтада (гоҳо ундан ҳам тез) тузалиб кетишига а жиддий асоратларнинг олди олинади, акс ҳолда улар ривожланиб, жарроҳлик амалига эҳтиёж бўлиши мумкин.

**Парҳез.** Ошқозон яраси касаллигини дорилар билан даволашнинг замонавий услублари мана шу касалликда овқатланиш ҳақидаги олдинги тасаввурларни қайта қўриб чиқишига имкон берди. Ҳозирги вақтда шу нарса эътироф этилганки, овқатлар сирасидан муайян одамда дискомфорт (оғриқ, жигилдон қайнаши, кекирик ва яра касаллигининг бошқа аломатлари)

келтириб чиқарадиган таомларни, масалан, қовурмалар, мева шарбатлари, зираворлар, қаҳвани истисно этиш кифоя.

Овқатнинг асосий тановули оралиғида бошқа нарсалар “татиб кўриш” ҳам тавсия этилмоқда, аммо шуни ҳисобга олмоқ керакки, овқат хлорид кислотани мўътадиллаштирибина қолмай, ошқозон секретор фаолиятини ҳам мужассамлаштиради.

Овқатни ва сутни ҳам жуда кеч ёки тунда ёйиш ё ичиш тавсия этилмайди, чунки улар хлорид кислота ишлаб чиқарилишини кучайтиради. Узоқ вақт ошқозон секрециясини бўғувчи замонавий дориларни ичиш, маълум чекловларни камайтириш имконини беради.

Хлорид кислота ажралиб чиқишини кучайтиришга қодир алкоголь ичимликлар истеъмол қилишни ҳам, кескин чеклаш лозим.

Иштаҳани яхшилаш, ич қотишини йўқотиш, дисбактериоз ва замонавий дориларнинг тескари таъсири олдини олиш учун, одатдаги овқатларга ўтмоқ керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини кенгайтириш ва ичакнинг ҳаракат фаолиятини ва бўшанишини секинлаштирувчи маҳсулот ва таомларни чеклаш, ошқозон-ичак касалидан азият чекаётган одамлар учун, овқатланиш мезони ҳисобланади. Овқатлар таркибини сервитамин препаратлар билан бойитмоқ зарур.

Ошқозон 12 бармоқ яра касаллигининг қонаш асорати кузатилганда bemorga 1-3 кун давомида овқат берилмайди. Бу вақтда парентерал (венага юбориладиган) озуқалардан фойдаланилади. Кон оқиши тўхтагандан кейин, кунига 1, 5-2 стакандан ошмайдиган микдорда ҳар 2 соатда суюқ ва яримсуюқ совуқ овқат (сут, қаймоқ, шиллиқ шўрва, қотмаган желе, мева шарбатлари, наъматак қайнатмаси). Кейин илитилган тухум, гўшт ва балиқ суфлеси, сариёғ, суюқ маний бўтқаси, ширгуруч ва бошқалар. Турли мева ва сабзавотлар ҳисобига овқат микдори астасекин ортиб бораверилади. Махсус парҳез концентратларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

### **Ичиладиган дорилар**

**Микробга қарши ичиладиган дорилар:** Амоксициллин  
Азитромицин (Хемомицин)

Метронидазол

Кларитромицин (Кларомин, Клацид, Клеримид, Фромилид)  
Тетрациклин.

### **Протон помпаси ингибиторлари:**

Лансопразол (Геликол, Ланзап, Эпикур)

Омепразол (Гастрозол, Оmez, Омизак, Омипикс, Хелицид)

Рабепразол (Париет)

Эзомепразол (Нексиум).

**Гистамин H2 – рецепторлари блокаторлари:** Ранитидин (Апилок, Зантак, Зоран, Ранисан, Рантак)

Фамотидин (Гастроцидин, Кваматель, Ульфамид, Фамосан).

**Антацидлар:** Альмагель

Альтацид

Викалин

Гастал

Гелусил

Гидротальцид (Рутацид, Тальцид)

Маалокс

Фосфалюгель.

**Гастропротекторлар:** Трикалий висмути дицитрати (Денол)

Гастрофарм

Укральфат (Вентер).

**Жарроҳлик муолажаси.** Яра касаллиги асоратлари: перфорация, пенетрация, малигнизация, қон оқиши ва ошқозон чиқиши бўлими стенози ривожланганда жарроҳлик амали қўлланилади.

## **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецепторлари (дамламалар)**

Гулхайри илдизининг – 6 гр. ни термосдаги 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 2-4 соат тиндирилади ва 1 ош қошиқдан кунига 4 маҳал овқат олдидан ичилади. Муолажа муддати – 45 кун.

Луб уруғининг 5 гр. ни термосдаги 1 стакан қайнатилган сувга солиб,

1 соат тиндирилади, чорак стакандан кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин ичилади.

Календула гулининг 20 гр. ни термосдаги 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 1-2 соат тиндирилади ва 1 ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатдан кейин ичилади. Муолажа муддати -30 кун.

Қичитқиўт 10 гр. ни термосдаги 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 1 соат тиндирилади ва чорак стакандан кунига 3 маҳал

овқатдан олдин ичилади. (Қичитқиўт шамоллашга қарши зардоб ҳайдовчи восита бўлиб, шиллик парда тикланишига ёрдам беради).

Мойчечак гулининг – 10 гр. ни термосдаги 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 1 соат тиндирилади, яrim стакандан кунига 3 маҳал овқатдан кейин 3 ой мобайнида ичилади.

Қизил мия илдизининг - 10 гр. ни термосдаги 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 1-2 соат тиндирилади, 1 ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади, муолажа муддати – 45 кун.

Бир ой мобайнида кунига 2 маҳал 1 ош қошиқдан овқатдан 20 дақиқа олдин сабур (алоэ) шарбатидан ичиш фойдали.

Хом картошка шарбатини яrim стакандан кунига 2 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин 10 кун мобайнида ичиш мумкин. 5 кун танаффусдан кейин, муолажани такрорлаш мумкин.

Ошқозон ярасига янги карам суви фойдали – 1 стакандан кунига 2 маҳал овқатдан олдин ичиш керак. Муолажа муддати – 10-20 кун. 5-10 кунлик танаффусдан кейин, муолажани такрорлаш мумкин.

## **ҚОРИН ДАМЛАНИШИ**

**Қорин дамланиши** (метеоризм) – овқат ҳазм қилиш тизимида ел тўпланиш синдроми бўлиб, бунда қорин шишади, кекирик келади қорин чангак бўлиб оғрийди.

Метеоризм соғлом одамларда овқатни кўп еб юборганда ёки ичакда ел тўпланишига сабаб бўлувчи озуқа маҳсулотларини еганда пайдо бўлиши мумкин. Метеоризм ташхис ва муолажани талаб этувчи турли касалликлар аломати бўлиши ҳам мумкин.

## **АЛОМАТЛАРИ**

Метеоризмда қорин дамланиб қоринда ичак санчиғи оғриқлари пайдо бўлади.

Метеоризм кўнгил бехузур бўлиши, кекирик келиши, иштача йўқолиши, ич қотиши ёки ич кетиши мумкин.

Метеоризм икки ҳил қўринишида:

Етарли хажмда чиқмагани сабаб, дамланиб оғриқ пайдо бўлади;

Шиддат билан чиқиши кузатилиб қорин қулдираши “момақалдироқ” хуруж қилиши мумкин.

**Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Пархез билан кетказиб бўлмайдиган метеоризм аломатлари безовта қилганида шифокорга мурожаат қилиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

йўғон ичак ва тўғри ичак эндо скопик текшируви (ректороманскопия, колоноскопия);

корин бўшлиғи аъзолари ультратовуш текшируви; нажас микрофлораси бактериологик текшируви.

#### **Муолажа**

Метеоризм муолажаси ел хосил бўлиш сабабларини бартараф этишдан иборат. Биринчи навбатда риоя қилиш керак. Метеоризм келтириб чиқарувчи касалликлар аниқланганда, уларга муносиб даволаш чоралари кўрилади. (**қ. Колит, Лактоза етишмовчилиги, Панкреатит, Целиакия, Энтерит**).

**Пархез.** Метеоризмга сабабли озуқаларнинг истеъмолда бўлиши: дуккаклилар, бош карам, шолғом, брюква (шолғомсимон сабзавот), мева ва сабзавотларнинг пўчоқлари, ғўра мевалар, етилмаган сабзавотлар; кучли газланган ичимликлар, ферментация ва ачиш жараёнларини юзага келтирувчи ичимликлар (квас, кефир)га аҳамият берилади. Метеоризм пайдо бўлганда миқдори, шунингдек, бошқа маҳсулотлар билан номутаносиблиги, масалан сут ёки кефир ичгандан кейин узум ёки бодринг ейиш катта аҳамиятга эга.

**Дори воситалари:** Ичакда ел тўпланишини камайтирувчи (ел ҳайдовчи) дорилар

Диметикон

Метеоспазмил

Панкреофлат

Мойчечак гули настойкаси

Сипетикон (Сипикол, Эспумизан)

Фаоллаштирилган қўмир

Шивит

Фенхель

Юниэнзим МПС билан.

#### **ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР**

#### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Сабзи уруғи кукуни – 1 гр. яхши ел ҳайдовчи восита сифатида кунига 3 марта ичилади.

Шифобахш қашқарбеда ўсимлиги – 10 гр. термосга 2 стакан қайнатилган сувга солиб, 1 соат тиндирилади, 2-3 ҳафта овқатдан 1 соат олдин ярим стакандан ичилади.

Ойболдирғон илдизи туйилади, кукун ҳолида кунига 3 маҳал 0,5 гр. дан ичилади. Муолажа муддати – 2 ҳафта.

Пижма гули – 5 гр., термосга 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 30 дақиқа дамланади ва 10 кун давомида кунига 2-3 маҳал овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичилади. Ҳомиладор аёллар ва болаларга пижма настои ман этилади.

Аччиқ шувоқ ўти – 10 гр., термосга 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 30-40 дақиқа дамланади, 7-10 кун мобайнида кунига 2-3 маҳал овқатдан 1 соат олдин 1 ош қошиқдан ичилади. 1-2 ойдан кейин муолажани яна такрорлаш мумкин.

Мойчечак гули – 3 ош қошиқ, термосга 0,5 л. қайнатилган сувга солиб, 3-4 соат дамланади. Камида 3 ҳафта кунига 2 маҳал овқатдан бир ярим соат олдин 1 стакандан ичилади.

## ЛАКТОЗА ЕТИШМОВЧИЛИГИ

**Лактоза етишмовчилиги** – сут ва сут маҳсулотларининг ҳазм бўлмаслигига лактоза ичак ферментининг фаолияти сустлиги ёки тақчиллиги сабаб бўлади.

Лактоза ингичка ичакдаги дисахарид лактозани (сут шакари) моносахар глюкоза ва галактозага парчалаб ташлайди ва улар қонга сўрилиб кетади. Лактоза янги сутда ва бир қанча сут маҳсулотларида бўлади. Лактоза етишмовчилигига ҳазм бўлмаган сут шакари, йўғон ичакка тушади, у ерда бактриялар чиритилиб, сут ва сирка кислотаси, водород ва углевод оксиди хосил бўлади. Бу ҳолат сувнинг йўғон ичакка “тортилиши” ҳисобига, ич кетишининг ривожланишига, унинг таркибининг ошишига ва ҳаракатнинг тезлашишига имкон беради.

Лактоза етишмовчилигининг уч тури бор:

туғма (бирламчи) етишмовчилик:

ингичка ичак касалланиши орқали ривожланувчи иккиламчи етишмовчилик (целиакия, Крон касаллиги) ва ҳоказо;

гўдакнинг кўкракдан аралаш озуқага ўтгандан кейин фермент фаоллиги пасайишининг табиий жараёни билан боғлиқ конституционал етишмовчилик.

## **АЛОМАТЛАРИ**

Хар қандай лактоза етишмовчилигининг асосий клиник күринишлари қуидаги:

Янги сутни истеъмол қилғандан кейин ич кетишилар (кўкрак сути, сигир сути ёки унинг негизидаги аралашма), баъзан – бошқа сут маҳсулотлари истеъмол қилғандан кейин содир бўлади.

Ич кетиши вақтида қорин оғрийди, қулдирайди, шишади (метеоризм).

Сув истеъмол қилиш тўхтагандан кейин, ношуш аломатлар ўтиб кетади.

Лактозанинг **бирламчи етишмовчилиги**, бола ҳаётининг биринчи кунларидан бадбўй ҳидли қўпикли суюқ нажас, қоринда шишиш ва қулдираш, шунингдек, овқатлантиргандан кейин боланинг қорнидаги оғриқ туфайли, безовталаниш кўринишида намоён бўлади.

Лактозанинг конституционал етишмовчилиги аста-секин бошланади, аксарият ҳолларда боланинг 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган даврида юзага чиқади.

**Иккиласми етишмовчилик** одатда асосий касаллик даволанганидан кейин ўтиб кетади.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Сутни ҳазм қилолмаслик (бекарор ҳожат, метеоризм) чофида шифокор кўригидан ўтиш зарур.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ** **Текшириш**

Умумий шифокор кўриги ва ташхис қўйиш ва лактоза аломатларига ўхшаш касалликларни истисно этиш. (**қ. Калит, Ич кетиши**), маҳсус тестларни ўтказиш. Текширишлар лактозанинг озуқа юкидан олдин ва кейин ўтказилади.

Қонда глюкоза таркибини аниқлаш;

нафас чиқарганда, водород таркибини аниқлаш (водородли нафас олиш машқи).

Қонда глюкоза таркибининг одатдаги (1, 5 мартадан кўпроқ) ошишининг кузатилмаслиги ва чиқарилган нафасда водород таркибининг (0, 1 мл/дақиқадан кўпроқ) анча ошиши, лактоза етишмовчилигин билдиради.

### **Муолажа**

Шифокорлар одатда парҳезга риоя қилишни ва турли дори воситаларидан фойдаланишни тавсия этадилар.

**Парҳез.** Лактоза етишмовчилиги муолажасининг биринчи босқичи болаларни қатиқ маҳсулотлариға ўтказиш ҳисобланади (конституционал ва иккиламчи етишмовчиликда), уларда янги сутдагидан кўра сут шакари (лактозалар) камроқ бўлади.

Самара бўлмаса, лактозасиз парҳезга ўтказадилар, яъни фақат янги сутни эмас, балки қатиқ – сутли маҳсулотларни ҳам бутунлай бекор қиласидилар. Болаларни овқатлантириш учун лактозасиз (Нутрисол, Пепти-юниор, Сол-сэми, Фрисосой, Хумапа СЛ ва бошқалар) ёки паст лактозали (Нутрилон) сут аралашмаларидан фойдаланадилар.

Пишлоқда лактоза бўлмайди, творогда эса, айникса, ёғсиз творогда у оз микдорда бор. Шу боис улардан катта ёшдаги болаларни овқатлантиришда суяқ ўсиши учун уларга зарур кальций манбаи сифатида тўла фойдаланиш мумкин.

Катта ёшдаги, хусусан ёши бир жойга борган одамларга келганда, улар учун ҳам сут-қатиқли маҳсулотларга ўтиш дастлабки қадамлардан бири ҳисобланади. Агар бу ёрдам бермаса, лактозасиз сут ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (музқаймоқ, маргаринлар) дан, шунингдек, пишлоқ ва лактозасиз болаларбоп аралашмасидан фойдаланиш лозим бўлади.

Сутда лактозани парчалаб юборувчи дорилардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шундай доридан бир неча томчиси кўкрак ёки сигир сутига кўшилиб, кейин 2-3 соат тиндирилса, бу лактозанинг сўнгги таркиблари – глюкоза ва галактазага парчаланиб кетишига имкон беради, улар ишловдан чиқкан сутли овқатни еган пайтда бутунлай ичакда сўрилиб кетади.

**Дори овситалари.** Дориларни танлаш мутлақо ихтиёрийдир ва лактоза етишмовчилиги турига, ичак микрофлораси ҳолатига, ёшга, мавжуд сурункали касалликларга, организмнинг умумий ҳолатига боғлиқ.

**Лактоза асосидаги ферментли воситалар:** Тилактаза (Керулак, Лактейд, Лактраза).

**Ичак микрофлорасини яхшиловчи воситалар:**

Бактисубтил

Бифифори

Хилак форте

Энтерол.

**Метеоризмни камайтирувчи воситалар:** МПС ли Юниэнзим  
Метеоспазмин  
Панереофлат  
Пепфиз  
Симетикон (Эспумизан, Симикол)  
фаоллаштирилган кўмир  
Шивит  
Фенхель.

## **ИНГИЧКА ИЧАКНИШИЛЛИК КАВАТНИНГ ЕМИРИЛИЩИ**

**Целиакия** (глютен касаллиги) – ингичка ичак шиллик пардасининг емирилиши.

Ушбу касаллиқда ирсий нуқсон сифатида ичакда глютен таркибларидан бири глиадиннинг парчаланиши учун зарур фермент бўлмайди. Натижада глиадин ингичка ичак шиллик пардасини емирувчи заҳардек таъсир қиласи, бу эса унда ҳазм бўлган овқатнинг сўрилмай қолишига олиб келади.

Целиакия – анча кенг тарқалган касаллик. У ҳар 1000 одамдан 1 тасида учраб туради.

Целиакия боланинг эмизикли палласидан бошланади, ундан кейинги даврларда камдан-кам учрайди, баъзида озуқага глютен таркибли маҳсулотлар илк бор киритилгандан кейин 6 ва ундан кўпроқ ой ўтгач бошланади. Катта ёшдагиларда (касаллик чўққиси 30 ёшда) бу касаллик кўпинча муайян юқумли касаллик (ичак юқумли касаллиги, ўткир респиратор вирус юқумли касаллиги ва ҳ. қ.) билан боғлиқ бўлиб, целиакия ривожланишига туртки бўлиб хизмат қиласи.

### **БЕЛГИЛАРИ**

Бола озуқасига донли ўсимлик маҳсулотлари киритилгандан кейин иштаҳаси пасаяди ва тана вазни ортиши секинлашади, асабийлашув пайдо бўлади.

Қорни шишиб, оғрийди, ичи кетади.

Ёғ аралашмали нажас одатдагидан кўпроқ ажралиб чиқади (стеаторея).

Кейинчалик темир етишмовчилиги анемияси ривожланади ва иштаҳа яхши бўлса ҳам, тана вазнида камайиш кузатилади.

Суяқда оғриқлар шакли ўзгаради, томир тортишади, тирноқ ва соч мұртлашади, тери қуруқшаб, кепак түкади, асабийлашади.

Тахминан болаларнинг учдан бир қисмida бундай аломатларнинг күпчилигини кузатиш мумкин, касаллик эса (иштаҳа сақланған ҳолда ич кетишиңиз ва бошқа аломатларсиз) озишда намоён бўлади. Бу ташхисни қийинлаштиради, тўғри ташхис вақтида қўйилмагани ва муқобил муолажа бўлмагани, озуқдан глютен таркиби чиқариб ташланмагани сабаб боланинг аҳволи ёмонлашади ва муолажа қийинлашади. Шу боис бола соғлиғи аҳволидаги ҳар қандай шубҳали бузилишларни целиакия деб гумон қилиниши ғоят муҳим.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Целиакия аломатлари пайдо бўлганда (кўп ҳожат чиқариш, ўсишнинг сустлашуви ва х. к.) шифокор кўригидан ўтиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Целиакия гумон қилинганида маҳсус тестлар қўлланилади. қонда антиглютен иммуноглобулинни аниқлаш; нажасдаги ёғни текшириш; глиадин юки орқали текшириш; ичак шиллиқ пардасининг биопсияси билан ингичка ичакни эндоскопик текшириш ва х. к.

### **Муолажа**

Целиакияни даволашда маҳсус глютенсиз парҳезга риоя қилиш асосий аҳамият касб этади. Бу сурункали касалликни даволайдиган маҳсус дорилар ҳозирча топилган эмас.

Кўп ҳолларда ўз вақтида ташхис қўйилиши ва парҳезга қатъий риоя қилиниши туфайли, озуқдан глютен чиқариб ташлангандан кейин бир неча кун давомида bemor аҳволи яхшидана бошлайди. Барча аломатлар одатда 4-6 ҳафтадан сўнг ўтиб кетади.

Ташхис кеч қўйилиб, касаллик муолажаси оғир кечганида фақат парҳезга риоя қилишгина соғайиб кетиш имконини беради.

Янада яхшироқ муолажа учун bemorni касалхонага ётқизиш керак. Касалхонада кўрсаткичлар бўйича оқсил дорилари ва ёғли эмульсиялар венага юборилади. Бундаг ташқари моддалар алмашинуви бузилишларини даволаш учун қуйидаги дорилар ичирилади: витаминалар (Эрюкальциферол, фол кислотаси), кальций (глюконат кальций) ва темир (темир сульфати) дорилари,

махсус озуқа аралашмалари (Берламин модуляр). Целиакия зўриққан чоғда гормонал дорилар буюрилади (Преднизолон).

Парҳез. Буғдой, жавдар, арпадан қилинган барча маҳсулотларни озуқдан тўла ва умрбод чиқариб ташланади: нон, ун ва макарон маҳсулотлари, ёрма, қандолат, колбаса ва тилга олинган донларнинг унидан қилинган бошқа озуқалар ҳам.

Гуруч, маржумак, зифир, маккажӯҳори, саго, шунингдек, соядан қилинган таом ва маҳсулотлар тавсия этилади. Кўтарса, сулидан қилинган таом ҳам рухсат этилади, аммо кунига 40-50 гр. дан ошмаслиги керак.

Парҳезда овқат ҳазм қилиш аъзоларининг бир маромдаги механик ва кимёвий авайланиши тамойилига риоя қилиш керак. Таомлар туйилган ва қирилган, сувда қайнатилган ёки буғлатилган маҳсулотлардан бўлмоғи шарт. Қайноқ ва муздек таом истиносно этилади.

Овқатланиш тартиби: - кунда 5-6 марта парҳезга сервитамин – маъданли препаратлар қўшиб борилади (В12, К, С, Д витаминалари, фол кислотаси ва ҳ. қ. лар, темир, кальций, магний). Ич келиши яхшиланиши учун махсус туйилмаган, зўриқмаган сурункали энтеритдаги парҳез бўйича овқат берилади. (қ. Энтерит).

Парҳезга тўлиқ риоя қиласлиқ, касалликни кучайтирибина қолмай, балки ингичка ичакнинг ярали ва ўсимтали касалликларнинг мураккаблашувига ҳам олиб келиши мумкин.

## **ИНГИЧКА ИЧАКШИЛЛИК КАВАТНИНГ ЯГИНЛЛАНИШИ**

**Сурункали энтерит** – ингичка ичак шиллиқ пардасининг яллиғланиш касаллиги. Ингичка ичак фаолиятининг бузилиши ва унинг шиллиқ пардасининг емирилишгача бўлган тузилмавий ўзгаришлари билан кечади.

Энтерит турли юқумли касалликлар, гельминтозлар, айrim ферментларнинг етишмаслиги ёки йўқлиги оқибати бўлиши мумкин (қ. Лактоза етишмовчилиги, Целиакия). Антибиотиклар, сургилар ва алкоголни суистеъмол қилиш, саратон, аллергия ва бошқа касалликларни даволаш чоғида нур ёки кимёвий муолажа ўtkазилишлари ҳам унга сабаб бўлиши мумкин. Гоҳо ингичка ичакда бактерияларнинг энтерит тарзини оғирлаштирувчи ҳаддан ташқари кўпайиши кузатилади (қ. Дисбактериоз).

## **БЕЛГИЛАРИ**

Киндик атрофида бураба оғришлар, ич кетиши, ҳаддан ташқари кўп ел пайдо бўлиши, қорин шишиши шу касалликка хос бўлиб, улар овқат ҳазм бўлиши ва озуқа моддалари сўрилишининг бузилиши билан боғлиқ.

Касаллик кўпинча В, Д, К ва А витаминлари, шунингдек, кальций етишмовчилигига, темир моддаси тақчиллиги анемиясига, озиб кетишга олиб келади.

Касаллик оғир кечайданда ҳолсизлик ва овқатдан кейин бош айланиши юзага келиши мумкин.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Ичак дискомфорти (қоринда оғриқ, беқарор ич келиши) алломатлари зоҳир бўлганда, шифокор кўригидан ўтиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Текширув биринчи галда ичак юқумли касаллигини аниқлашга қаратилади. Касаллик топилмаса, ичак ўсимта касаллигини истисно этиш лозим. Шу боис умумий шифокор кўриги ва ташхисни аниқлаш учун одатдаги таҳлиллардан ташқари, текширувларни ўтказади.

нажасни микроскопик (капрограмма) ва бактериологик тадқиқ қилиш;

қорин бўшлиғи аъзоларини ультратовуш текширувидан ўтказиш;

ичакни эндоскопик текшириш (колоноскопия, ректороманоскопия ва) х. к.

### **Муолажа**

Энтерит муолажаси парҳезга риоя қилиш ва ичак микрофлорасини яхшиловчи, метеоризмни камайтирувчи турли дориларни ва фермент препаратларини ичишдан иборат. Бу воситаларни танлаш шифокор ихтиёрида.

**Парҳез.** Овқатлар сирасида жонивор гўштлари маҳсулотлари (бузок гўшти, ёғсиз мол гўшти ёки товук гўшти, балиқ, тухум, творог) ҳисобига оқсил моддалари кўпайтирилади (100-110 гр), жониворларга тегишли қийин эрийдиган ёғларни (қўй ёғи ва ҳоказо) истисно қилиш эвазига ёғ таркиби камайтирилади (80гр), шундай бўлса-да, энтерит хуруж қилганида ёғ миқдори вақтинча 60-70 гр. гача камайтирилади.

Карбонсувлар миқдори деярли ўзгармайды (350-400 гр), бирок клетчатка катта миқдордан иборат бўлган маҳсулотлар чекланади. Чекловга маҳсулотларни танлаш, овқатни механик ишловдан ўтказиш йўли билан эришилади (қирилган сабзавот ва мевалар, пюре ва ҳ. к.).

Ич кетишида овқатлар сирасидан қора олу, анжир, карам, узум, қора нон, янги пиширилган унли маҳсулотлар, ёнғоқлар, ачитқи ичимликлар – пиво, квас истисно этилади. Лакто ва бифидофлорали, қатиқли ичимликлар (кунига 3-4 маҳал 100-200гр. дан) ва таркибида ошловчи моддалар (черника, қорақант, анор, нашвати ва ҳ. к.) бўлган нимтатир шарбатлар ва мева кисели тавсия этилади.

Овқатни илиқ ҳолда кунда 5-6 маҳал ёйиш лозим. Витамин этишмовчилигини даволаш учун витаминга бой дори препаратлардан фойдаланиш керак.

Сурункали энтерит хуруж қилганида шиллиқли ёрма қайнатмалари, шўрвалар, бўтқалар, пюре, буғланган котлет, суфле (енгил ҳазм бўладиган овқатлар) тавсия қилинади.

Касалликнинг оғир кечишида ҳарорат кўтарилиши, суюқ ич кетиши мумкин.

### **ШИФОКОРГА ҚАЧОН МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**

Ичак дискомфорти аломатлари чофида (ич кетиши, метеоризм, қоринда оғриқ ва ҳоказо).

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Дисбактериоз одатда бошқа касалликлар оқибати ҳисобланади. Дисбактериоздан келиб чиқувчи энг қўп учрайдиган касалликларни аниқлаш учун, умумий шифокор кўриги ва одатдаги таҳлиллардан ташқари, меъда, ичакни эндоскопик текшириш: жигар, буйрак ва ҳоказоларни ультратовуш текшириш. Ичак микрофлорасини текшириш учун қўшимча усувлар ҳам мавжуд.

нажасни микроскопик таҳлил қилиш (капрограмма);

нажасни бактериологик таҳлил қилиш;

Нажас текширувининг дисбактериози кўрсатувчи лаборатория маълумотлари;

1 гр. да  $10^8$  ҳужайрадан камроқ бифидобактериялар миқдори;

10% дан ортиқроқ атипик эшерихийлар улуси;

гемолитик микрофлора пайдо бўлиши;

1 гр. дан  $10^4$  дан ортиқ шартли-патоген грам-манфий таёқчалар золотистий стафилококклар (*S. aureus*) миқдори;

1 гр. дан  $10^3$  дан ортиқ Кандида туридаги замбуруғлар;

ичак таёқчалари миқдорининг (*E. coli*)  $2 \cdot 10^8$  дан ортиб кетиши ва

$10^6$  гача камайиши.

Ичак микрофлорасини яхшилаш учун халқ табобатида чой замбуруғи ичимлигини тавсия қилинади. 4-5 кун сақланганда настой шифобахш хусусият касб этади. Тайёр настойни идишга қуиб олиниб, шифобахш ичимлик сифатида ичилади.

### **Муолажа - Даволаш омиллари.**

**Дори воситалари.** Дорилар энтерит клиникасига боғлиқ равища тайинланади.

#### **Ичиладиган дорилар**

**Ичак микрофлорасини яхшиловчи воситалар:** Бактисубтил

Бифиформ

Хилак форте

Энтерол.

#### **Метеоризмни камайтирувчи дорилар:**

Метеоспазмил

Пепфиз

Симетикон (Эспумизан, Симикол)

Фаоллаштирилган қўмир

Шивит

Фенхель.

#### **Ферментли дорилар:**

Креон

Мезим форте

Панзинорм форте

Панкреатин

Панкреофлат

Анцитрат

Пепфиз

Фестал

Энзистал

ниэнзим МПС ли.

#### **Сервитамин дорилар:**

Алвитил

Витрум плюс

Геримакс  
Дуовит  
Компливит  
Олиговит  
Супрадин  
Упсавит мультивитамин  
Центрум ва ҳоказо.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Қандоғоч ёнғоқчалари – 5 гр. ни Термосдаги 1 л. қайнатилған сувга солиб, 2 соат тиндирилади, күп ич кетиши өтініштің қорын оғриғида овқатдан кейин 1 соат үтиб, 1 стакандан ичилади.

Медуница гтёхи – 40 гр. ни термосдаги 1 л. қайнатилған сувга солиб, 1 соат тиндирилади, ич кетиши, ичак бураб оғриши, метеоризмда овқатдан кейин 1 соат үтиб, кунига 3 маҳал 1 стакандан ичилади.

Медуница гиёхи – 40 гр., луб уруғи – 15 гр., наъматак меваси - 10 гр. олинади. Термосдаги 1 л. қайнатлған сувга солиб, 5 соат тиндирилади, ич кетиши билан колит хуруж қылганида, овқатдан кейин 1 соат үтиб, кунига 3-4 маҳал чорак стакандан ичилади.

## ДИСБАКТЕРИОЗ

**Дисбактериоз** – организмнинг бўш аъзолари ва тўқимада меъёри билан жойлашувчи, атроф-муҳит: юқори нафас йўллари, ичак, тери, шиллик парда билан бирлашиб кетувчи микрофлоранинг (микроблар мажмуаси) рисоладаги таркиби ва микдорий нисбатларининг бузилиши.

Организмнинг рисоладаги микрофлораси, касаллик туғдирувчи микроорганизмлар кўпайишидан ҳимоя қилишни таъминлайди ва бошқа қатор вазифаларни бажаради (ичакда витаминалар ишлаб чиқаради ва ҳоказо).

**Ичак дисбактериози** – ичак микрофлорасининг сифат ва микдор ўзгаришлари билан тавсифланувчи ҳолат. Рисоладаги бактериал флора - лактобактериялар, анаэроб стрептококклар, ичак таёқчаси, эктерококклар ўрнига, ичакда чиринда ёки ачитқи флора, замбуруғ ва аслида ичак учун хос бўлмаган бошқа микроорганизмлар, шу жумладан, шартли патоген (шартли касаллик келтириб чиқарувчи) микроорганизмлар кўпайиб кетади.

Дисбактериоз – бу алоҳида бир касаллик эмас, балки организмнинг турли касалликлар асосида юзага келувчи (шира етишмовчилиги бўлган сурункали гастрит, сурункали пакреатитлар, энтеритлар, колитлар, лактоза етишмовчилиги, целиакия ва ҳоказо) алоҳида ҳолат (синдроми)дир. Дисбактериоз, антибиотикларни узоқ вақт назоратсиз ичиш, ошқозон ва йўғон ичак ёмон сифатли ўスマлари ва бошқа касалликлар туфайли келиб чиқиши ҳам мумкин.

## БЕЛГИЛАРИ

Бекарор ич кетиши (кўпинча ич кетиши ва қотиши кузатилади);

Кориннинг дам бўлиши ва ел қўп келиши (метеоризм);

Нажасдан ўткир чиринди ёки аччиқ ёқимсиз хид келиши;

Кориннинг дард тутганга ўхшаб оғриши;

Иштаҳа қочиши, оғизда bemaza таҳм ҳис қилиш;

Холсизлик, ланжлик, ақлий ва жисмоний иш қобилиятининг пасайиши.

**Дамлама тайёрлаш:** чойнинг 1 чой қошиғини 1 л. сувда дамланади, шунча сувга 100-120 гр. шакар солиниб, совутиб қуйилади ва чой замбуруғини тайёр ширин чойга солинади. Замбуруғ чидамлилиги учун фойдали ҳарорат 25°C дир. 4-5 кундан кейин (иссиқ вақтларда 2-3 кундан кейин) дамлама сузғичдан ўтказилиб, музлатгичда сақланади. Вақти-вақти билан замбуруғ “дам олгани” қайнатилган сувга ёки нимтатир чойга жойланади, у ерда бир неча ой давомида туриши мумкин.

Овқатда янги сиқиб олинган мева шарбатларидан кенг фойдаланилади: сабзи, лавлаги (тиндирилгандан кейин), ернок-топинамбур. Тўғралган карам ва бошқа тўғралган мева ва сабзавотлар, ичак ҳолатига яхши таъсир кўрсатади.

## ИЧ КЕТИШИ

**Ич кетиши** (диарея) – тез-тез келадиган суюқ нажас ичак перисталтикаси (қисқариши) кучайиши оқибатида йўғон ичакдаги суюқликларнинг издан чиқиши (камайиши) ва ичак шиллиқ қаватининг яллиғланишидан чиқишидан пайдо бўладиган суюқликнинг каттагина миқдорини ажратиб чиқариши сабаб бўлади.

Диарея, юқумли хусусият касб этиши мумкин (қ. Дизентерия, Холера) ёки юқумли бўлмаган ҳолларда (қ. Колит, Энтерит,

Лактоза етишмовчилиги, Целиакия) ёки дори-дармонларнинг салбий-ёмон тъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ич кетишини келтириб чиқарувчи дорилар:  
таркибида магний тузи бўлган антацидлар;  
антиаритмик дорилар (Зинидин, Пророанолон);  
антибиотиклар;  
қанд ўрнини босувчилар (Орбитол, Маннитол);  
сурги дорилари ва ҳ. к.

Овқатда ёғи маҳсулотларни (сметана, ёғ ва ҳ. к.) ҳаддан ташқари қўп истеъмол қилгандан кейин, мутлақо соғлом одамда ҳам баъзида диарея ҳодисаси учраб туради.

Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?  
кatta ёшдаги киши ёки эмизикли боланинг ичи кетса;  
ҳарорат  $38^{\circ}\text{C}$  дан ошса;  
нажас қоп-қора – қатронсимон ёки қонли бўлса;  
ич кетишига дорилар сабабчи гумони бўлса;  
қоринда қаттиқ оғриқ бўлса;  
ич кетиши 2 кундан ўтиб кетса, албатта шифокорга мурожаат қилиш керак.

## ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ

### Текшириш

Текширув, ўткир ичак юқумли касалликларни аниқлашга қаратилади. Акс ҳолда, ичак касалликлари истисно этилиши керак. Шу боис умумий шифокор қўриги ва ташхис одатдаги таҳлиллардан ташқари, қўйидаги текширувлар керак:

нажасни микроскопда (копрограмма) ва бактериологик текшириш;  
қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовушли текшируви;  
эндоскопик текширувлар (колоноскопия, ректороманоскопия)  
ўтказиш ва ҳ. к.

### Муолажа

Ўткир ичак юқумли касаллиги гумон қилинганида бемор, юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилиши керак. Юқумли касалликка шубҳа бўлмаса, муолажани амбулатория шароитларида ўтказса ҳам бўлади.

Ич кетиши муолажаси асосий касалликни бартараф этиш, парҳезга риоя қилиш ва турли дориларни ичишдан иборат: ичак микрофлорасини яхшиловчи, ич кетишига қарши дорилар, метеоризмни камайтирувчи дорилар, намакоблар. Бу дориларни

танлаш шифокорнинг ихтиёрида. У қатъяян ўз фикрига эга бўлиб, диарея табиатидан, ичак микрофлораси ҳолатидан, ёшидан, эски сурункали касалликлардан, организмнинг умумий аҳволидан келиб чиқади.

**Парҳез.** Дастребаки куни ҳеч нима берилмайди, суюқлик кўп ичирилади (7-8 стакан қайноқ, аччиқ ва нимтатир ширин чой), иккинчи куни – 7-8 марта 1 стакандан гуруч қайнатмаси, наъматак, беҳи, шумурт қайнатмаси, черника кисели, кагор мусалласи, аччиқ чой берилади (сухарисиз). Борди-ю, ўткир диарея, тинимсиз ич кетиши муносабати билан бадан қуруқшаб қолса, bemorga маҳсус шўр эритмалар берилади;

Сут ва сут маҳсулотлари, янги мева ва сабзавотлар, қаҳва, ўткир ҳидли ва шўр маҳсулотлар (шўр шўрва, чипслар, ёнғоқлар) қанди кўп ичимликлар (олма ва узум шарбатлари, газланган ичимликлар, айниқса кола), жуда ширин маҳсулотлар (конфетлар, музқаймоқ) истисно этилади.

**Дори воситалари.** Фармакологик дориларни шифокор маслаҳати билан ва унинг назорати остида ичилади.

**Ич кетишига қарши дорилар:**

Аттапульгит (Неоинтестопан)  
Лоперамид (Лопедиум, Имодиум)  
Смекта.

**Ичак микрофлорасини яхшиловчи воситалар:** Бактисубтил

Бифиформ  
Хилак форте

**Метеоризмни камайтирувчи воситалар:**

Метеоспазмил  
Панкреофлат  
Пепфиз  
Симетикон (Эспумизан, Симикол)

Фаоллаштирилган қўмир

Шивит

Фенхель

Юниэнзим МПС билан.

**Шўр эритмалар** (эрита тайёрлаш учун (қуруқ моддалар) –

Глюкосалан

Регидрон

Цитраглюкосоландан фойдаланилади).

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Кулранг қандоғоч ёнғоқчалари – 5 гр. Термосдаги 1 л. қайнатилган сувга солиб, 2 соат тиндирилади, овқатдан 1 соат кейин ичилади.

Медуница гиёхи – 40 гр., термосдаги 1 л. қайнатилган сувга солиб, 1 соат тиндирилади, ич кетиши, қорин оғриғи, метеоризмда овқатдан 1 соат кейин, кунига 3 маҳал 1 стакандан ичилади. Муолажа муддати – 2 ой.

Медуница гиёхи – 40 гр., луб уруғи – 15 гр., наъматак меваси- 10 гр., термосдаги 1л. қайнатилган сувга солиб, 5 соат дамланади ва овқатдан кейин 1 соат ўтгач, кунига 3-4 маҳал чорак стакандан ичилади.

Шивит (укроп) уруғи – 50 гр., зира уруғи – 30 гр., дастарбош түп гули – 50 гр., тоғрайхон гиёхи – 30 гр. олиб аралаштирилади ва туйилади. Тўплам кукунидан 5 ош қошиғини тетермосдаги 1 л. қайнатилган сувга солиб дамланади ва 2 соат тиндирилади, кунига 3-4 маҳал майда-майда хўплаб, ярим салқин ҳолда ичилади.

## ИЧ ҚОТИШИ, ҚАБЗИЯТ

**Ич қотиши** - 2 кундан ортиқроқ нажаснинг ичакларда туриб қолиши, ичак фаолиятининг бузилиши ёки ичакнинг муңтазам нотўлиқ бўшаниши ҳолатидир.

Ич қотишига қўйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

механик тўсиқ мавжудлиги (ичақдаги шиш, чандик туфайли торайиш ва ҳоказо);

бавосил ёки орқа тешик ёриғи (бўшаниш чоғидаги оғриқлар, bemорни қисташни босишига мажбурлайди, у аста-секин ғойиб бўлади, нажас қаттиқлашади ва унинг чиқиб кетиши баттар оғирлашиб, оғриқни кучайтиради.);

ҳазм аъзолари касалланиши (колит, гастрит ва ҳоказо);

фаолиятдаги ҳаракатсизликдаги бузилишлар (атоник ва спастик ич қотишлиари);

**Атоник ич қотиши** организм умумий қуввати заифлашганда, камҳаракатли турмуш тарзида, овқатни муңтазам емасликда, сабзавот ва мевалар етарли бўлмаганида, ичак мушаклари бўшашгани (фалажи) туфайли пайдо бўлади.

**Спастик ич қотишлилар** руҳий изтироблар, сурункали касбий захарланишлар, чекиши туфайли ичакнинг узоқ муддатли спазмлари чоғида пайдо бўлади.

## **БЕЛГИЛАРИ**

Асосий белги – ичда нажаснинг узоқ туриб қолиши (48 соатдан кўпроқ вақтда ич келмаслиги);

Нажаснинг тўғри ичакни жароҳатлаб чиқиши;

Тўғри ичак шиллиқ пардаси яллиғланиши (проктит) оқибатида, нажас юзасида қон пайдо бўлиши;

Бўшангандан кейин, одм тўла ҳожат қилганини сезмаслик;

Атоник ич қотишлиларда нажас кўп, шаклдор, колбаса кўринишида бўлади; бўшаниш оғир, оғриқли кечади:

Спастик ич қотишлиларда нажас “қўй қумалоғи” шаклида бўлади (нажаснинг майда бўлакларга бўлиниб кетиши кузатилади);

Ич қотишлилари кўпинча метеоризм (ел тўпланиши)га олиб келади, киши ўзини эзилган, шишиб кетгандай ҳис этади, қоринда каттиқ оғриқ пайдо бўлади.

Узоқ ич келмаслигидан кўнгил беҳузур бўлади, ҳаво етишмайди, оғиздан таъм қочади, оғиз ҳидланади, ҳолсизлик, иш қобилиягининг пасайиши, уйқусизлик, асабийлашув ҳоллари юз беради.

## **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Давомли ич қотишида шифокорга мурожаат қилинади.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ** **Текшириш**

қоринни пайпаслаб текшириш;

тўғри ва йўғон ичакни эндоскопик текшириш (ректороманоскопия, колоноскопия);

қорин бўшлиғи аъзоларининг текшируви.

## **Муолажа**

Йўғон ичак касалликлари сабаб бўлган ич қотишлиларда (шиш, тўғри ичакдаги ёриқ, бавосил ва ҳоказолар) даволанилади.

**Атоник ичқотишида** ҳар кунги овқатда катта миқдордаги (кунига 0, 5 кг атрофида) сабзавот-мевалар, кўкатлар ейиш, фаолроқ серхаракат ҳаёт тарзи тавсия этилади, шифобахш гимнастика, душ, субаквал ванна қилинади. Фойдали терапия сифатида покловчи ҳуқналар ва ич юргизувчи воситалар қўлланилади.

**Спастик ичқотишида** пархез янада енгилроқ бўлиши керак, гўшт ва балиқни қайнатиб ейилади, сабзавот ва мевалар эса қирилиб, тўғраб, янчиб истеъмол қилинади. Мунтазам равишда янги айрон ва бошқа сут-қатиқ маҳсулотлари ичиб туриш мақсадга мувофиқ. Спастик ич қотишида ич юргизувчи дорилар тўғри келмайди. Одатда спазмолитик дорилар тайинланади.

**Пархез.** Ич қотиш вақтида ичак касалликлари бўлмаган чоғда ҳам одатдаги соғлом овқатлар ёнига ичакнинг узоқ фаолият кўрсатишини кучайтирувчи катта миқдордаги озиқ-овқатлар берилади, қабзиятга мойиллик берувчи маҳсулотлар миқдори камайтирилади. Шунингдек, янги сабзавот ва мева шарбатлари ҳисобига истеъмол қилинадиган суюқлик миқдори ҳам кўпайтирилади. Эрталаб оч қорин (наҳор)га 1-2 стакан совуқ сув ичиш ҳам ичак фаолиятини фаоллаштиради.

**Ичак фаолиятини яхшиловчи маҳсулотлар ва таомлар;**

керак, ундирилган дон, дуккаклилар, ёнғоқлар, замбуруғлар, туршаклар, айниқса ивитилган қораолу, йирик ундан қилинган нон, арпа, маржумак, сули ёрмалари, сўқ, ҳом сабзавот ва мевалар;

барча совуқ таомлар ( $15-17^{\circ}\text{C}$  дан паст), хусусан наҳорда ёки тушликнинг биринчи таоми сифатида истеъмол қилиш – қўк щи, лавлаги шўрва, айрон ва ҳоказо;

органик кислоталарга бой маҳсулотлар – нордон мевалар ва уларнинг шарбати, димланган ва тўғралган сабзавотлар, кислотаси баланд сут-қатиқ маҳсулотлари, квас, морс;

эркин тарзда истеъмол қилинадиган ёғлар (таомларда эмас), наҳорги ёки катта миқдорда бир зумда ейилади (сметана ва қаймоқ 100 гр. ва ундан кўпроқ, ўсимлик мойи, тухум сарифи ва ҳоказо);

газли барча ичимликлар;

**Ичакнинг ҳаракат фаолиятини секинлаштирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар:**

қамаштирувчи таркибли моддалар – черника, шумурт, беҳи, нок, киселлар, аччиқ чой, хусусан кўк чой, сувли какао;

ошқозон-ичак йўлига кимёвий ва механик тарзда таъсир кўрсатмайдиган таомлар, ичакда секин ҳаракат қилувчи қовушқоқ моддалар, шилимшиқ шўрвалар, қирилган масаллиқли бўтқалар, киселлар;

илиқ ҳолдаги ичимликлар ва таомлар.

## **Муолажа**

Ич қотища ичимликка шакар ўрнига ксилит ёки сорбит күшилса, яхши самара беради (кунига қўпи билан 30-40г).

Борди-ю, ич қотиши **дағал тўқимага бой маҳсулотларни истисно этувчи ичак сурункали касалликлари туфайли кучайса**, ичак ҳаракат фаолияти- перисталтикасини юмшоқ кучайтирувчилардан фойдаланилади: наҳорга совуқ ва ширин ичимликлар, асалли сув, шакарли наъматақ қайнатмаси, қаймоқ, сабзавот ва мева шарбатлари, лавлаги, сабзи, олхўри ёки гулкарар пюреси, ўсимлик ёғи билан қайнатилган туршаклар, тоблама олма, кефир, айрон, қатиқ шунингдек, пишган помидор, ширин ёнғоқлар, пўстсиз мевалар.

**Дори воситалари.** Дорилар ич қотиши турига қараб тайинланади. (юқорига қ.).

### **Ични юмшатувчи дорилар:**

Бисакодил(Дульколакс)

Вазелин мойи Магнезий сульфат

Макрогол (Форлакс, Фортранс)

Пикосульфат (Гутталакс, Лаксигал)

Сенна (Глаксенна).

**Спазмолитиклар:** Дротаверин(Нош-па)

Красавка препарати

Папаверин.

**Ел ҳайдовчилар:** Демитеон

Метеоспазмил

Панкреофлат

Мойчечак гули настойкаси

Симетикон (Симикол, Эспумизан).

## **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Равоч туйилиб, кукун қилинади ва ётишдан олдин 0, 5 – 1 гр. дан ичилади;

Итшумурт илдизи – 20 гр. туйилади, 1 стакан сувга солинади, 10-15 дақиқа қайнатилади, 1 соат тиндирилгач, ярим стакандан наҳорга ва тунда ичилади;

Жостер мевали қайнатма – 20 мл., 200 гр. сувга солинади, 1-2 дақиқа қайнатилиб, 1 соат тиндирилади, сўнг ярим стакандан тунда ёки кундуз куни ярим ош қошиқдан бир неча марта ичилади;

Луб уруғи – 1 чой қошиғи, 1 стакан сувда қайнатилади.  
Латтага ўраб,

4-5 соат тиндирилади. Дамламанинг ҳаммаси уруғи билан кечки уйқу олдидан ичилади;

Асал – 300 гр., сабур (алоэ) шарбати – 150 гр. Сабурни узишдан олдин 2 ҳафта суформаслик керак. Сабур япроқларини сиқиб, суви олинади, қотган бўлса, асал бироз илитилади ва сабур шарбатига аралаштирилиб музлатгичда сақланади. Кунига 2 маҳал 1 ош қошиқдан эрталаб нахорда ва тунда сув қўшиб ичилади.

Қораолу ва анжир – 5-6 донаси қайнатилиб, суви ичилади, мағизи тунда ёйилади.

Йогурт, ичак флораси мувозанатини тиклашга ёрдам беради, ҳар куни ичиш керак.

Қизилмия (лакричнинг), занжабил, қоқиёт, шовул ва отқулоқ илдизларидан чой дамланади (1 чой қошиқ тўплам 200 мл. сувга солинади) 3 маҳал кунга 1 пиёладан ичилади.

2 дона олма суви 170 гр. узум сувига аралаштирилади. Олма ўрнига нок, папайя ёки ананас ҳам бўлаверади.

### Ич қотишида нуқтали уқалаш

**Нуқта жойи:** болдири мушагининг ён томони, ички тўпиқдан тахминан тўрт энли масо фада, катта илик суюги орқасида (Расм 23.).

**Таъсир қилиш усули:** нуқталарни босиб ёки айлантириб уқалаш (иккала томондан), кунига 2 маҳал, 30 дақиқача.



Расм 23.

**Нуқта жойи:** тирсак букилган жойда, бошмалдоқнинг тўғрисида.

**Таъсир қилиш усули:** нұқта бошмалдок болищаси билан оғриқ ҳосил бўлгунча босилади.

**Нұқта жойи:** тизза қўзидан 4 энли пастда илик суяги дўнглигидан ташқарига бир энли масофада.

**Таъсир қилиш усули:** бошмалдок болищаси билан нұктани босиб уқаланади, 2-3 дақиқа ёки 300 марта босилади.

## ИЧАКЛАРНИНГ ТУТИЛИБ ҚОЛИШИ

**Ичакларнинг тутилиб қолиши** (илем) – ўткир жарроҳлик касаллиги ичак фаолиятининг бузилиши ёки ичакдаги овқатнинг ҳазм йўлида тиқилиб-босилиб қолиши оқибатида озиқ моддаларнинг туриб қолиши ҳолатидир.

Ичакнинг механик тутилиб қолиши кўпинча зудлик билан жарроҳлик амалиётини талаб этади. У, ичакнинг, буралиб қолиши, босилиши, чуррадаги қисилиш, ичакдаги шиш, овқат, ўт ва нажас тошлари билан тў либ қолиши оқибатида пайдо бўлиши мумкин.

Ичак тутилишининг тепа (ингичка) ичак ва пастки (йўғон) ичак турлари тафовут қилинади.

**Механик** ичак тутилиши, асосан жарроҳлик шароитида амалга оширилади (Расм 24).

**Спастик** шакли нисбатан кам учрайди. Ичак барқарор спазмасига аскаридоз, қўрғошин билан заҳарланиш, ичак деворининг ёмон овқатдан заарланиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Фалаж шакли (ичак парези) ҳар доим иккиламчи ҳисобланиб, ошқозон-ичак, ўткир касалликлари (холецистит, панкреатит), ичакка токсинлар рефлектор токсинлар таъсиридаги атоник колит ва ҳоказолар.



Расм 24.

## АЛОМАТЛАРИ

Қоринда дард тутганга ўхшаш оғриқ пайдо бўлиши, айрим пайтда ҳаддан ташқари қаттиқ оғриқ туриши (ичак қисилганда, буралиб қолганда), ичак шиш билан босилиб ёки беркилиб қолганда. Ичак сезмайдиган қилиб қўйилгандан кейингина оғриқ

камаяди ва бунда перитонит аломатлари пайдо бўлиб, бемор умумий ҳолати оғир тус олади.

**Кусиш.** Аввал овқат, сўнг сафро (зардоб), касалликнинг анча кейинги босқичларида – ичакдаги нажас, ҳидли нарсалар ҳам кусилади. Ичақда тўсиқ даражаси қанча тепада бўлса, қусиши шунча тез кечади. Паст ичак тутилишида, қусиши, бўлмаслиги ҳам мумкин.

**Нажас ва ел тутилиши.** Бемор кўпинча қаттиқ қисташ (тенезм)дан азият чекади, аммо ичакдан ел ва нажас келмайди. Айрим ҳолларда ичакнинг поклаш-хуқна (клизма)сидан кейин, озгина нажас ва ел чиқиши мумкин, бунда bemornинг енгил тортиши қисқа муддатли бўлади.

**Метеоризм.** Нажас ва ел тутилиши оқибатида қорин шишиб бораверади. Тепа ичак тутилишида бу аломат унчалик қўзга ташланмаслиги мумкин.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Ичак буралиши аломати (қоринда дард тутганга ўхшашиб оғриқ, нажас, ел тутилиши ва ҳоказолар) сезилиши билан “тез ёрдам” чақириш керак. Тиббий ёрдамни узоқ кутишга тўғри келганда, bemor учун тўшак тартиби ўрнатилади – bemor ётқизилиб, қорнига совуқ нарса босилади, овқат ёдирилмайди.

**Бу муҳим!** Оғриқ босувчи воситалар, ич юргизувчи дорилар, қоринга грелка қўйиш ёмон – акс таъсир кўрсатади.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Умумий тиббий қўрик асосий аҳамият касб этади рентген текшируви (қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси); ультратовуш текшируви; лапараскопия ва ҳоказолар.

### **Муолажа**

Ичак тутилиши гумон қилинганда, bemor жарроҳлик бўлими шароитидагина текширилабди ва даволанилабди.

Консерватив муолажа ичак динамика тутилишида қўлланилабди. Спастик шаклда спазмолитик ва оғриқ босувчи дори воситалари (Но-шпа, Баралгин) самара беради. Фалажли ҳолатда одатда асосий ўтқир жарроҳлик касалликлари даволанилабди, хуқна қилинади ва ичак қуввати ва фаолиятини кучайтирувчи дорилар (Прозерин, Убретид) ишлатилади.

**Жарроҳлик муолажаси.** Ўткир механик ичак тутилишини консерватив усулда даволаш, ҳеч қандай самара бермайди ва бундай ҳолларда операция қилиб даволаш муқаррар бўлиб қолади.

Одатда, жарроҳлик усули механик тўсиқقا барҳам бериш ва қорин бўшлиғидан заҳарли моддаларни бартараф этишдан иборат.

## КЎРИЧАК

**Аппендицит** – кўричакнингчувалчангсимон ўсимтаси (аппендицис) яллиғланиши. Касаллик одатда ўткир аппендицит хуружи билан бошланади. Сурункали шаклга ўтиши камдан кам кузатилади. Бундай ҳолат bemor бирон сабаб билан операция қилинмай, касалликнинг барча аломатлари йўқолганда рўй беради.

## АЛОМАТЛАРИ

Қоринда оғриқ.

Касаллик соппа-соғ одамда бирдан бошланади, қориннинг ўнг томони пастида, гоҳо қорин тепасида ки киндик атрофида оғриқ пайдо бўлади. Бир оз вактдан кейин қорин тепасидаги оғриқ, қориннинг ўнг томон пастига қўчади ва доимий тус олади. Агар дастлабки қунларда bemor операция қилинмаса, оғриқ бутун қоринга ёйилиши мумкин(перитонит).

Беморнинг кўнгли айниди ва қайт қиласи.

Ич кўпинча яхши келади, гоҳо тўхтаб-тўхтаб келади, кам ҳолларда ич кетиши кузатилади.

Бадан ҳарорати 38-39°C гача кўтарилиши мумкин.

**Ўткир аппендицитнинг энгхатарли асоратлари:**

аппендикуляр инфильтрат;

аппендикуляр абсцесс;

перитонит;

Ўткир аппендицит асоратлари илк муддатларда (касаллик бошланишининг дастлабки 2-3 кунида) ривожланади. Бундай ҳолат, одатда тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилиш ва ўзини-ўзи даволаш оқибатида рўй беради.

**Аппендикуляр инфильтрат** – қорин бўшлиғининг аппендицис кўричак соҳасида жойлашган, яллиғланган аъзолардан иборат ўсимтасимон ҳосиладир. Кейинчалик аппендикуляр инфильтрат консерватив терапия таъсири остида сўрилиб кетади ёки тегишли муолажага қарамай, йиринг боғлайди.

**Аппендикуляр абсцесс** – қорин пардасининг чекланган йирингли халтачаси, ўткир аппендицит асорати сифатида чувалчангсимон ўсимтадаги яллиғланиш жараёни сифатида ривожланади.

**Перитонит** – қорин пардасининг тарқалган йирингли яллиғланиши, ўткир аппендицитнинг энг хавфли асорати ҳисобланади.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Касаллик алматлари сезилиши билан “тез ёрдам”ни чақириш зарур, чунки ўткир аппендицитда зудлик билан опреция қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Ташхис қўйилгунча ёки қўйилмагандага ҳам оғриқ босувчи, ич юргизувчи дорилар ичиш, қоринга иссиқ қўйиш мумкин эмас, чунки улар тескари таъсир кўрсатади. Тез ёрдамни узокроқ кутишга тўғри келса, бемор тўшакка ётқизилиши, қорнига совуқ нарса босиши, оч қолдириш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Умумий шифокор кўриги асосий аҳамиятга эга, аммо зарурат туғилганда, бошқа ўткир хирургик касалликларни истисно этиш учун, қўшимча текширув усуллари ҳам қўлланилади:

рентген текшируви (қорин бўшлиғини, кўкрак қафасини);  
ультратовуш текшируви;  
лапароскопия ва ҳоказо.

### **Муолажа**

**Парҳез.** Аппендицит гумон қилинганда, бемор касалхонага ётқизилгунча ёки операция қилиниши аниқ бўлгунча, ҳеч қандай овқат ейилмаслиги керак. Газланмаган сув исчагина бўлади.

**Консерватив** муолажа, фақат аппендикуляр инфильтратидага қўлланилади ва муолажа жарроҳлик бўлими шароитида ўтказилади.

Муолажа енгил овқат, қоринга совуқ нарса қўйиш, антибиотиклардан фойдаланишдан иборат. 3-6 ойдан кейин (бу муддат ичидаги инфильтрат тўлиқ сўрилиб кетади) режали аппендоэктомия ўтказилади. Инфильтрат абсцессга айланганда тезлик билан операция қилиш керак бўлади.

### **Жарроҳлик муолажаси**

Ўткир аппендицитда – тезкор аппендэктомия қилинади.

Аппендикуляр абсцессда – йиринглаган жой очилади ва йирингни чиқариб ташланади.

Перитонитда аппендэктомия қилиниб, қоринга эхтиёжга қараб 2-3 та найчалар қўйиб, қорин бўшлиғи йирингдан тозалаб турилади ва найчалар орқали антибиотиклар юбориб турилади.

## КУЛАНЖ

**Куланж** (колит) – йўғон ичак шиллик пардасининг яллиғланиши бўлиб, колитнинг ўткир ва сурункали турлари тафовут қилинади.

Ўткир колит аксарият ҳолларда микробли заҳарланиш билан боғлиқ бўлиб, ичкетар (дизентерия), сальмонеллёз каби, юқумли касалликларда учрайди. Айрим ҳолларда, бошқа микроблар, вируслар, токсик моддалар, аллергик таркибли моддалар томонидан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Сурункали колит – ичак яллиғланишининг бошқа турларига қараганда кўпроқ учрайди, у асосан ўткир юқумли касаллик билан оғриш оқибати ҳисобланади, ёки гастрит, панкреатит, энтерит сингари касалликларда ҳам кузатилиши мумкин. Овқатланишда бетартибликлар, шунингдек, узоқ муддат ич юргизувчи дориларни (равоч, итшумурт илдизи, жостер меваси, сенна япроғи ва ҳоказолар), антибиотиклар ва бошқа дориларни ўзбошимчалик билан ичиш туфайли юзага келиши ҳам мумкин.

## АЛОМАТЛАРИ

**Ўткир колит** каттиқ ва узоқ қорин оғриши, ичаклар қулдираши, иштаҳа йўқолиши, ич кетиши (кунига 15-20 мартараб) билан кечади, ҳарорат  $38^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқорига қўтарилиши мумкин. Муолажа қилинмаганда, тил қуруқлашади, тил юзасини кулранг ёки қорамтир-кулранг караш қоплайди.

**Сурункали колит** қўйидагича намоён бўлади:

қориннинг ён ва қуви бўлимларида лўқиллаган ва симииллаган оғриқ турари, овқат еб бўлгандан кейин ва бўшаниш олдидан оғриқ кучаяди;

ич кетиши, ич қотиш билан алмашиб турари;

ич келгандан кейин ҳам, ичакда нажас қолиб кетгандай туюлади;

ел кўп тўпланиши оқибатида, қорин шишади ва ичаклар қулдирайди;

нажасдан ўткир бадбўй ҳид келади;

иштаха ёмонлашади, күнгил айниди, кекирик келиб, оғизда аччиқ таъм сезилади;

холсизлик, озиш, витамин етишмаслиги, анемия ва бошқа аломатлар зоҳир бўлади;

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Ичак фаолиятида бузилиш (бекарор нажас келиши, метеоризм ва ҳоказо) аломати сезилганда, шифокор кўригидан ўтиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Ўткир колитда тиббий текшириш ич кетиши ва бошқа ўткир ичак инфекцияларини аниқлашга қаратилган бўлади. Сурункали колитда эса, энг аввало ичакда ёмонсифат ўсимта бор-йўқлигини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади.

Ташхисни аниқлаш ва колитга ўхшаш касалликлар табиатини аниқлаш учун қуйидаги текширувлар ўтказилади:

эндоскопик текшириш (колоноскопия, ректороманоскопия);

корин бўшлиғи аъзоларини ультратовушда текшириш;

нажасни микроскопик (копрограмма) ва бактериологик текшириш;

ичак микрофлораси текширувининг қўшимча услубларини қўллаш (қ. Дисбактериоз, Дизентерия).

### **Муолажа**

Муолажа асосан амбулатор-уй шароитида олиб борилади. Одатда парҳез сақлашни ва турли дорилар ичиш тавсия этилади: ичак микрофлорасини мўътадилловчи, ич кетишига қарши дорилар, метеоризмни камайтирадиган, ич юргизувчи дорилар берилади.

**Парҳез.** Оғир кечувчи ўткир колитда биринчи куни кўп суюқлик ичиш ( 7-8 стакан қайноқ, аччиқ ва нимтатир ширин чой), иккинчи куни 7-8 стакан илиқ гуруч қайнатмаси кун давомида, наъматак, беҳи, шумурт қайнатмаси, черника кисели, аччиқ чой - барчаси сухарисиз. Борди-ю, ўткир колит тинимсиз ич кетиши оқибатида организм сувсизланса, бемор худди ўткир ичак инфекциясида бўлганидек, маҳсус эритмалар берилади (қ. Дизентерия).

Кейин 1-2 кунга 5-6 марталик суюқ, яримсуюқ, сабзавотларнинг қирилгани, сувда ёки буғда пиширилган таомлар тайинланади, буларга:

олий навли бўғдой нони – қотирилгани;

ёғсиз гүшт ёки балиқ шўрвасининг суви, ёрмалар ва қиймаланган гүшт буғда тайёрланган кнель ва фрикаделлар, янчилган тухумнинг шиллиқ қайнатмаси қўшилади;

сувда буғланган ёки қайнатилган котлетлар, кнеллар, суфле, мол гўштининг ёғсиз турларидан, бузоқ, товуқ ва курка (терисиз), қуён, балиқ фрикаделкалари;

янги пиширилган кальцийлаштирилган ёки тоза қирилган творог ва ундан тайёрланган буғ суфлеси, кунига 1-2 тадан тухумнинг қориштирилгани ёки буғланган омлет кўринишида таомга қўйиб берилади;

сувда пиширилган қирма бўтқа ёки гуруч, сули ёки маржумак ёрмасидан қилинган ёғсиз шўрва суви;

чой, хусусан кўк чой, қайнатмалар, киселлар ва наъматак, қуритилган черника, қорағат, шумурт, беҳи, қизил, нок желеси, арчилган олманинг қирилгани.

#### **Истисно этилади:**

янги етилган бўғдой ва ҳар қандай жавдар нони, ёпилган нарса;

ёрмали, сабзавотли, макаронли шўрвалар, сутли, аччиқ ва ёғли бульонлар;

ёғли гўшт, лаҳм гўшт, колбасалар ва бошқа гўшт маҳсулотлари;

ёғли ва шўр балиқ, увулдириқ, консервалар;

янги сут ва творогдан бошқа сут маҳсулотлари;

тухумнинг қотириб ва қовуриб пиширилгани;

сўк, арпа ёрмаси, макаронлар, дукқаклилар;

ҳар қандай сабзавотлар ва газаклар, шунингдек, мева ва ёнғоқлар табиий кўринишида, туршаклар, компотлар, асал, мурабболар ва бошқа шириналлар;

сутли қаҳва ва какао, газланган ва совуқ ичимликлар.

Сурункали колитда касаллик хуружидан ташқарида ичак флорасини яхшилаш учун дори-дармонлар ичиш шарти билан соғлом озуқа тавсия этилади (қ. Дисбактериоз).

Кучли ич кетиб турган пайтда сурункали колит бирданига хуруж қилиб қолса, овқатланиш тартиби, худди ўткир колитдагига ўхшаш бўлади. Кейин юқорида тилга олинган парҳезнинг қирилмаган вариантига ўтилади ва ўткир даврда тақиқланган маҳсулотлар аста-секин қўшиб борилаверади.

Шундан кейин бемор құтараолмайдыган ва сурункали колитни хуруж қилдиришга қодир маҳсулот ва таомлар истисно этилади ёки чеклаб қўйилади (бундай маҳсулотларга сут, дуккаклилар, узум, пиво, квас, картошка, тузланган карам, шунингдек, ёғли, жуда шўр ва аччиқ овқатлар киради). Асосий овқатни ейишдан олдин кунига 3-4 маҳал 50-100 гр. дан ғўра олма, сабзи ёки бошқа хом сабзавот ва меваларни яхшилаб чайнаб ейиш мақсадга мувофиқ.

**Дори воситалари.** Дориларни танлаш мутлақо индивидуал бўлиб, йўғон ичақдаги яллигланиш жараёни, ичак микрофлораси ҳолатига, ёшга, қўшимча сурункали касалликларга, организмнинг умумий ҳолатига боғлиқ.

**Ичак микрофлорасини мўътадилловчи воситалар:**

Бактисубтил

Бифиформ

Хилак форте

Энтерол.

**Метеоризмни камайтирувчи дорилар:**

Метеоспазмил

Панкреофлат

Пепфиз

Симетикон (Эспумизан, Симикол)

Фаоллаштирилган қўмир

Шивит

Фенхель

Юниэнзим МПС Плам.

**Ич юргизувчи дорилар:**

Бисакодил (Дульколакс)

Лактулоза (Дюфалак)

Макрогол (Флоракс)

Денгиз карами (Ламинария)

Пикосульфат натрий (Гутталакс, Лаксигал)

Катта уруғли баргизуб

Сенна (Глаксенна).

**Ич кетишга қарши дорилар:**

Аттапульгит (Неоинтестопан)

Лоперамид (Лопедиум, Имодиум)

Смекта.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

#### **Спастик колитда:**

Қизил пойча гиёхи – 10 гр., 1 стакан сувга солиб, 5-10 дақиқа қайнатилади, 2 соат тиндирилади, 1 ош қошиқдан кунда овқатдан олдин 3 -5 маҳал ичилади.

Ялпиз япроғи – 5 гр. термосдаги 1 стакан қайнатилған сувга солиб, 2 соат тиндирилади, кунига 3-5 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

Мойчечак гули – 10 гр. термосдаги 1 стакан қайнатилған сувга солиб 2 соат тиндирилади, кунда овқатдан олдин 3 маҳал 3/1 стакандан ичилади. Муолажа муддати – 30 кун.

#### **Сурункали колитда**

Календула гули – 10 гр. термосдаги 1 стакан қайнатилған сувга солиб, 2 соат тиндирилади, инфекцион колитда 2-3 ой давомида ҳар куни овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

Календула настойкаси (дорихонаники) – инфекцион колитда 2-3 ой давомида овқатдан олдин кунига 3 маҳал 30-40 томчидан ичилади.

Наъматак бутоги – 50 гр. термосдаги обжушға солиб 80 дақиқа тиндирилади, сурункали колитда овқатдан олдин кунига 3-4 маҳал 4/3 стакандан ичилади. Муолажа муддати – 45 кун.

Олча меваси мустаҳкамловчи таъсир күрсатади, иштахани яхшилайди, ёғ ва оқсилларни ҳазм қилдиради. Уларни 100-200 мл. дан кунига 2-3 маҳал овқатдан кейин ейилади.

Ич кетганды халқ табобати товук корочкасининг ички сариқ түқимасини қуритиб ейишни тавсия қиласы. Уни қуритиб, ғамлаб қўйса ҳам бўлади. Истеъмол қилишдан олдин терининг ярми туйилади, 1 стакан қайнатилған сувга солинади, 1 соат тиндирилади. Кунда 2-3 маҳал 2/1-3/1 стакандан ичилади.

Қоки – 2/1 стакан, сули ёрмаси – 3 ош қошиқда 2 стакан сувда 10-12 дақиқа қайнатилади, 1 соат тиндирилади, сузғичдан ўтказилади, кунига 2/1 марта 2/1-4/1 стакандан ичилади.

Янги картошка шарбати – 10 гр. кунда овқатдан олдин 2-3 маҳал ичилади. Бу ич қотишга қарши оддий, осон, самарали восита. Муолажа муддати – 5-7 кун.

## **БАВОСИЛ**

**Бавосил** – тўғри ичак чиқув бўлими шиллик қатлами каверноз тўқимасининг оғриқли ўсиб кетиши натижасида юзага келувчи касаллик бўлиб, бунинг оқибатида, гемородиал тугунлар деган нарса пайдо бўлади. “Геморрой” сўзи “қон кетиш” деганини англатади. Бавосил аломати, гарчи бир марта бўлса ҳам, 60% аҳолида учрайди.

Оғир жисмоний меҳнат, алкоголнi суиистеъмол қилиш, жигар циррози, камҳаракатли ҳаёт тарзи, узоқ ва қаттиқ ич қотиши, тўғри ичакда ва кичик тоснинг бошқа аъзоларида яллиғланиш ва шишиш жараёнлари шу касаллик сабабчилари ҳисобланади.

## **АЛОМАТЛАРИ**

Нажасда томчи ёки “қизил ип” кўринишидаги қизил қон излари;

Тўғри ичакдан қон кетиши, баъзан бўшанишдан сўнг сизиб оқкан қизил қон кўринишида бўлади;

Бўшаниш чоғида оғриқлар;

Ўз вақтида даволанмаса ва касаллик узоқ чўзилиб кетса, қуйидаги **асоратлар** пайдо бўлиши мумкин;

геморроидал тугунларнинг ўткир яллиғланиши, тромбози;

тўғри ичакдан геморроидал тугунларнинг чиқиб қолиши;

тўғри ичак сфинктери етишмовчилиги (елни тўхтатиб бўлмаслик);

оғир анемия;

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Тўғри ичакда оғриқ бўлиб, нажасда қон излари сезилса, шифокор билан маслаҳатлашмоқ лозим.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Бавосилнинг ўткир ҳоллари ўтиб кетгандан кейингина тўла текширилиши мумкин. Текширув геморройнинг қайталанишига олиб келувчи касалликлар бор-йўқлигини аниқлаш учун қилинади (жигар касаллиги, ичак шиши ва ҳоказо).

Одатда қуйидаги амаллар қўлланилади:

бармоқ билан ректаль текширув;

йўғон ичакни эндоскопик текширув (ректороманоскопия, колоноскопия);

йўғон ичак рентген текшируви (ирригоскопия);  
корин бўшлиғи аъзоларини ультратовуш текшируви ва  
ҳоказо.

### **Муолажа**

Кўп ҳолларда бавосил уй шароитида консерватив усуллар билан муваффақиятли даволанилади. Бунда ўз вақтида қўрилган чоралар, касалликасоратлари олдини олади.

Парҳез ва овқатланиш тартибига риоя қилиш, ич келишини тартибга солиш, тозалик чораларни кўриш, алоҳида аҳамият касб этади. Мунтазам жисмоний машқлар қилиш, яёв айланиш, қунни самарали ташкил этиш ҳам ич келишини изга солади.

Енгил бавосилда (қичий бошлаш, ич келгандан кейинги оғриқни ҳис этиш), ректаль шам қўйиш, парҳез, ич келгандан кейин салқин сув билан таҳорат қилиш тавсия этилади. Касаллик кучайгандан (кўп қон кетиш, қаттиқ оғриқ бўлиши, иситма) ёки асоратлар авж олганда, беморни касалхонада даволаш зарур бўлади.

**Парҳез.** Геморроидал тугунлар ўткир яллиғланганда 4-5 кунлик “хилтсиз парҳез” тавсия этилади (тухум оқи, қайнатилган гўшт суви, қайнатма гўшт – гўшт майдалагичдан чиқарилгани, сув солинган шилимшиқ сули бўтқасига озгина ёғ солингани, 4-5 оқ сухари ва 4-6 стакан ярим ширин чой, тунда сенна япроқлари, дасторбош гиёҳи, итшумурт пўстлоги, кашнич ва қизил мия донларининг 1 стакан настойи).

Кўпинча парҳез муолажаси кифоя қиласи, бунда шўр ва аччиқ таомлар, ҳиди ўткир сабзавот ва зиравор, шунингдек, спиртли ичимликлар, айни вақтда ични юмшатувчи маҳсулотлар ейиши-ичиш ман этилади, булар: бўғдой кепаги, қораолу, ўрик, анжир, ёрма, хом сабзавот ва мевалар, хусусан, лавлаги, асал, морс, силтана, қаймок, тухум сариғи, лавлаги қайнатмаси ва бошқа совук таомлардир.

Сурункали бавосилда озука қуйидагиларга қаратилган бўлиши керак:

ич қотишни даволаш (к. Ич қотиш);

Рациондаги бўғдой кепаги миқдори бир ой давомида биринчи ҳафтадаги кунига 3-5 гр. дан тўртинчи ҳафтада кунига 15-20 гр. гача ошириб борилади. Бемор бўғдой кепагини ёқтирмаса, масалан, қораолу, ўрик ва анжир ивитилган ёки компот кўринишида истеъмол қилинади:

геморройда тугунлардан қон кетиши сабабли темир етишмовчилиги анемиясидан огоҳлантириш. Бунинг учун темир озуқасининг энг яхши манбалари сифатида гўшт, гўшт маҳсулотлари ва балиқни етарлича истеъмол қилиш зарур, озуқа кўшимча темирли дорилар ва аскорбинли кислота билан бойитилади (қ. Анемия);

Тўғри ичак атрофидаги қичишиш, жизиллаш, бичилиш, хўлланишни камайтириш учун, истеъмолдан спиртли ичимликни, аччик, ширин ва шўр овқатлар чиқариб ташланади.

Тўғри ичак сфинктерининг елни тутиб туролмаслигига олиб келувчи етишмовчилигига нўхат, ловия, жавдар noni, бошли карам ва йўғон ичакда ел тўпловчи бошқа маҳсулотлар ман этилади.

**Дори восиаталари.** Дориларни шифокор маслаҳати ва унинг назорати остида ичиш керак.

**Суртма дорилар** (шам, гел, крем, суртма).

Анузол, Бетиол, Красавка экстракт

Нео-анузол

Нигепан

Проктогливенол

Простеризан

Релиф,

Симетрид

Троксерутин.

**Ичиладиган дорилар** (ҳапдори, капсула):

Венза

Детралекс

Гинкор форт

Трибенозид (Гливенол)

Рутозид (Венорутон)

Троксерутин.

**Жарроҳлик муолажаси.** Бавосил асоратининг муолажасида жарроҳлик амалиёти қўлланилади. Геморроидэктомия – бавосилли тугунларни олиб ташлаш энг маъқул усул ҳисобланади. Жарроҳликка тескари таъсир намоён бўлганида (кўшимча оғир касаллик, кексалик) турли камжароҳатли усуллар қўлланилади-геморроидал тугунларга малҳам қўйиб боғлаш (геморроидал тугунларга маҳсус укол қилиниши) мумкин.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Музлатилган четаннинг суви сиқиб олинади. Ундан стаканнинг 1/3 хажмича овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади. Овқатни оз-оздан ейилади, спиртли ичимликлар ва зираворлар ман этилади. Тунда салқин сувда таҳорат қилинади.

#### **Халқ табобати рецептлари (суртмалар)**

2 л. сув ва 1 кг. ошқовоқ уруғида буғли ванна қилинади. Уша уруғ қайнатмаси буғи устида кунига 2 марта ўтирилади. (Хитойча усул).

Қирилган лавлаги ва сабзини тенг миқдорда аралаштирилади.

Шу аралашманинг 3 қисмини янги чўчқа ёки ҳўқиз зардобининг 1 қисми билан аралаштирилади. Ташқи бавосил устидан компрессдай қилиб боғланади.

Бавосилда шифобахш ўсимликлар (мойчечак, қайнин, эман) қайнатмаси билан салқин ванна қилиш ғоят фойдали. Амални 15-20 дақиқа давомида ўтказиш мумкин, оёқлар ва белни совуқ ейишдан саклаш лозим бўлади. Битта ваннани тайёрлаш учун 20 гр. тўплам ва 1, 5 л. сув керак бўлади, сузғичдан ўтказилиб, 5 л. га етгунча иссиқ сув қўшилади. Ванна салқин, аммо чидагулик даражада бўлмоғи шарт.

#### **Настойкалар учун қуйидаги шифобахш гиёҳлардан фойдаланиш мумкин:**

Қайнин япроғи, ёронгул гиёҳи, маймунжон новдаси, баргизуб япроғи, боғ гулрайхони гиёҳи, шумурт япроғи – тенг миқдорларда;

Эман япроғи, лабазник гиёҳи, манжетка япроғи, сули похоли, шувоқ, қарағай новдаси – 15 гр. дан, қоратерак куртаги – 5 гр.

Мойчечак гули, қичитқиёт гиёҳи, баргизуб япроғи – 5 гр. дан, эман япроғи – 15 гр., тутавон япроғи – 10 гр.

## **ЧУРРА**

**Чурра** (*грыжса*) – бунда баданнинг ички аъзолар жойлашган ички деворларидаги нуқсонлар орқали тери остидан (ташқи чурра) ёки бошқа ички бўшлиқقا (ички чурра) ички аъзолар туртиб чиқиши содир бўлади (Расм 25.). Олд қорин девори ташқи чурраси энг кўп учрайди (чов чурраси, киндик чурраси, сон чурраси, қориннинг оқ йўли чурраси ва жарроҳлик амалидан кейинги чурра).



**Расм 25.**

Мураккаблашмаган чурра тури, ўз вақтида қилинган жарроҳлик амалидан сўнг тез тузалиб кетади. Мураккаблашган чуррада эса чуррада ички аъзоларнинг сиқилиб қолиши натижасида, чуррага сиқилиб қолган (ичак ва бошқа) аъзоларда қон айланиши бузилади, уларда чириш аломатлари пайдо бўлиши мумкин. Агар бундай bemорлар зудлик билан операция қилинмаса, ҳаётга хавф туғдирувчи – перитонит, чурра халтаси флегмонаси, ўткир ичак тутилиши каби асоратлар рўй бериши мумкин.

Энг кўп учрайдиган қорин девори чурраларининг жойлашуви:

- 1 – қориннинг оқ йўли;
- 2 – киндик чурраси;
- 3 – сон чурраси;
- 4 – жарроҳликдан кейинги чурра;
- 5 – чов чурраси.

## **БЕЛГИЛАРИ**

### **Асоратсиз чурра**

Одатда думалоқ шаклдаги қорин деворининг жисмоний зўриқиши чоғида ёки bemор тик турганда қоринда шиш дўмпайиши;

Бемор ётганда, горизонтал ҳолатда чурра қорин бўшлиғига кириб, ўз-ўзидан шиш йўқолади (тўғриланувчи чурра);

Чурра дўмпайиши ҳолати чурра турига боғлиқ (киндиқ ч., човч., сон ч., қорин оқ йўли ч. -расмга қ. );

Вақти келиб, одатда bemor бир сабаб билан операция қилинмаган ҳолда, чурра дўмпайиши аста-секин ортиб боради ва қоринга тўғриланмай қолади (тўғриланмайдиган чурра).

### **Чурра қисилиши.**

Қорин чурраси қисилиши, одатда, оғирлик кўтаргандан кейин, қаттиқ йўталганда, қорин таранг тортилганда пайдо бўлади:

бунда қоринда қаттиқ оғриқ кузатилади;

чурра қаттиқлашуви ва оғриши оқибатида шиш ортади (тўғриланмайдиган чуррада).

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Операция муолажаси заруратини ҳал этиш учун, чурранинг биринчи белгиларидаёқ шифокорга мурожаат қилиш лозим. Чурра қисилганда эса, зудлик билан “тез ёрдам” чақириш керак.

**Бу муҳим!** Тез тиббий ёрдамни узоқ кутишга тўғри келса, bemor тўшакка ётқизилади, чурра шишган жойга совуқ нарса қўйилади. Бемор ҳеч нарса еб-ичмаслиги керак (тўла очлик). Оғриқ босувчи, тинчлантирувчи дорилар ичиши, қоринга иссиқ муолажа қўллаш қатъий мумкин эмас!

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Муолажа**

Консерватив муолажа, мураккаб бўлмаган чурраларда фақат икки ҳолдагина қўлланилади:

болларда киндиқ чурраси аниқланганда (3 ёшгача кузатилади);

жарроҳлик амалига bemornинг аҳволи тўғри келмаслиги аниқ бўлганда.

### **Жарроҳлик амали**

Чуррани даволашнинг энг яхши йўли – операция қилишdir. Яллиғланиш ёки қисилиш даврини кутмасдан операциян режали тарзда йилнинг салқин фаслларида қилган маъқул.

Чурра қисилиши кузатилганда bemornи зудлик билан шифохонага ётқизиш керак. Бунда чуррани тўғрилашга ҳаракат қилиш асло мумкин эмас! Қисилиш оқибатида қон айланиши бузилган аъзо қорин бўшлиғига кириб кетса, унда чириш асорати ўлимга олиб келиши мумкин.

Қисилган чурра ўз-ўзидан тўғриланиб қолган ёки бирор тўғрилаб қўйган беморлар ҳам, касалхонага ётқизилиши керак, чунки тўғриланган ичак сиртмоғининг жонсизланиши оқибатида ривожланаётган перитонитнинг дастлабки аломатлари деярли кўзга ташланмаслиги мумкин (“алдоқчи саломатлик” даври).

## **ЎТ-ТОШИ КАСАЛЛИГИ**

**Ўт-тоши касаллиги** (желчегонная болезнь) – сурункали касаллик бўлиб, ўт қопида ёки ўт йўлларида тош пайдо бўлиши билан ифодаланади.

Ўт-тоши асосан холестериндан, кам ҳолларда ўт пигменти ва кальций тузларидан иборат бўлади. Ўт-тош касаллиги ёшга қараб ортиб боради: бу тошлар 40 ёшдан ошган аёлларнинг 32 фоизида ва эркакларнинг 16, 5 фоизида учрайди. Шундай касаллик билан оғриган қариндоши бор одамларда бу касаллик кўпроқ пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд. Ўт-тоши, касаллигига мойил омиллар орасида: жинс (хотин-қизлар эркакларга қараганда икки баровар кўп оғрийдилар), кам овқатланиш оқибатида ўтнинг қуюқлашиши, ўт йўлларининг узок муддатли дискинезияси (куватга путур этиши), кам ҳаракат фаоллиги, семириш, қандли диабет ва қатор бошқа ҳолатларни тилга олиш мумкин. Овқатда мол ёғи кўп бўлиши ва холестериннинг мўл бўлиши, ўт қопида тош ҳосил бўлишига жиддий таъсир кўрсатади. Ўт-тоши касаллиги кўп йиллар давомида кўпинча аломатсиз кечади, гоҳо бир умр сезилмаслиги ҳам мумкин. Ўт йўлларида ўт-тош пайдо бўлиши чоғида механик сариқлик, холангит ривожланиши мумкин.

## **БЕЛГИЛАРИ Жигар санчиғи**

Ўнг томон қобирғалари остида ёки қорин тепасидаги қаттиқ ёки симилаган оғриқ орқага, кўқрак қафасининг бел тарафига, ўнг ўмров соҳасига кўчиши мумкин.

Кўпинча кўнгил айниши ва қусиш кузатилади, қоринда ел тўпланиб, ич келиши қабзиятга мойил бўлади.

Айрим bemорларда иситма кўтарилиш, сариқлик пайдо бўлиши мумкин.

Одатда серёғ овқатни кўп ейиш, ҳаддан ортиқ жисмоний зўриқиши, касалликни хуружига сабаб бўлади.

**Механик сариқлик, холангит**

Умумий ўт йўли тош билан бекилиб қолса, тери ва кўз оқи сарғаяди, пешоб тўқ сариқ тусга кириб, нажас оқиш тус олади.

Кейинги 2-3 кун давомида қориннинг юқориги бўлимларидаги оғриқ бирмунча кучаяди.

Ўт йўллари яллиғланиши авж олиши оқибатида, айрим bemorlarда ҳарорат кўтарилиши мумкин (холангит).

### **Шифокорларга қачон мурожаат қилиш керак?**

Қорин оғриғи кучайиб, сариқлик пайдо бўлганида дарҳол “тез ёрдам” чақириш керак.

Ультратовуш текшируви чоғида, тасодифан ўт тоши борлиги маълум бўлиб қолса батафсил текширув ўтказиш учун шифокорга мурожаат қилиш зарур.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Аксарият ҳолларда, ташхис, қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовуш текшируви чоғида тасдигини топади. Бундан ташқари ушбу ҳолатга дахлдор бошқа текширувлар ҳам ўтказилади.

қонда трансаминаза (АСТ ва АЛТ) ва билирубин даражасини аниқлаш;

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак эндоскопик текшируви (фиброгастродуоденоскопия) ва ҳоказо.

### **Муолажа**

Жарроҳлик амалиёти ўтказиш ўт-тош касаллигини даволашнинг асосий усулидир. Бундан ташқари, тошлар унча катта бўлмаса ва йўллари бекилиб қолмаган бўлса, консерватив даволаш мумкин. Шу мақсадда сўнгги йилларда ўт тошларни эритиб юборишига имкон туғдирувчи маҳсус дорилардан фойдаланилмоқда. Афсуски, улар диаметри 20 мм. дан кичик холестерин тошларида бўлиши мумкин.

**Парҳез.** Хуруж қўзгатувчи овқатлар- қовурилган гўшtlар, балиқ ва замбуруғ қайнатмалари, ҳар қандай ишлов берилган замбуруғ, янги ёпилган нонлар, ўта ёғли маҳсулот ва таомлар (ўрдак, ғоз, мия, дудланган колбасалар, консервалари, кремли нарсалар, тухум сариғи, хантал, турп, пиёз, музқаймоқ ва ҳоказо) истисно қилинади.

Овқатда сабзавот, ёрма ва сутли таомлар, ёғсиз қайнатмалар ёки тоблама гўшт, балиқ ва парранда гўштили таомлар тавсия этилади, шунингдек ёғсиз творог ва творогли нарсалар ( тоблама,

сузма пудинг ва ҳоказо); чучук, ёғсиз пишлоқ; илитма тухум; турли ёрмалар, дамламалар, қайнатма колбасали нарсалар; ширин хўл мевалар, шарбатлар, компотлар, киселлар, желелар, мусслар, чой, қаҳва бериш мумкин. Шакарни қисилит (сорбит), яъни кимёвий шакар билан алмаштирилиб турилади. Оқсил ва углеводларга қараганда ёғлар ўт ажралишини тезлаштириши муносабати билан ўт-тош қасаллигига сариёғ ва бошқа ёғли овқатлардан бутунлай парҳез қилиш ҳам тўғри эмас, бундан овқатлар оз-моздан истеъмол қилиниб турса бўлади. Умуман, тўйиб овқатланиш тақиқланади.

Киши ўзини яхши ҳис қилганида тансиқ ва тўйиб овқатланиш ўрнига мўътадил, ўт санчиғига сабаб бўлмайдиган маҳсулот ва таомлар истеъмол қилгани маъқул.

ЎТК хуружи кучайганда ёки оғриқ ва ўнг қобирға остида юк бордай туйғу пайдо бўлса, bemорлар холециститда тавсия қилинган овқатланиш кун тартибига ўтиш керак.

**Дори воситалари.** Дориларни шифокор маслаҳати ва унинг назорати остида ичиш керак.

**Ўт тошларини эритиб юборишга имкон берувчи дорилар:** Урсодеоксихол кислотаси (Урсосан, Урсофальк), Хенодеоксихол кислотаси (Хенофальк).

### **Жарроҳлик муолажаси.**

Ўт қопини олиб ташлаш жарроҳлиги (холецистэктомия) режали равишда, ўткир холецистит ёки механик сариқ ривожланишини кутиб ўтирмай ўtkазилгани маъқул, акс ҳолда жарроҳлик амалиёти тинч пайтдагига қараганда хавфли кечиши мумкин.

Ҳозирги вактда, механик сариқлик ва асоратсиз холециститларда, эндоскопик усул - лапароскопик усулда бажарилмоқда ва bemорлар 3-4 кундаёқ қасалхонани тарқ этиб, амбулатор даволанишга ўtkазилмоқда.

## **ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Шифобахш қоқиёт илдизидан 2 ош қошиғи термосга солинади ва устига 1 л. қайнатилган сув қуилиб, 2 соат дамланади ва ярим стакандан кунига 2-3 маҳал овқатдан 30-40 дақиқа олдин ичилади. Муолажа муддати 30-40 кун.

Очамбити гиёҳи – 3 ош қошиқ теросга солинади ва устига 1 л. қайнатилган сув қуилиди, 3-4 соат тиндирилади, ярим стакандан

кунига 2-3 маҳал овқатдан 30-40 дақиқа олдин ҳўплаб-ҳўплаб ичилади. Муолажа муддати – 1 ой.

Ғозпанжа суви билан тенг миқдорда кўк жавдар суви аралаштирилади, кунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади. Муолажа муддати – 1 ой.

Маккажўхори сўтаси – 1 ош қошиқ 1 стакан қайнатилган сувда дамланади, 1 соат тиндирилади ва 2 ош қошиқдан ҳар 3 соатда, бир ой давомида ичилади.

Буғдойиқнинг янги пояси, барги ва илдизнинг сувини оч қоринга 100-200 мл. дан ҳар куни 1 ой давомида ичилади.

Августда тўпланган қичитқиўт уруғи иссиқ сувда туйилади (2 чой қошиқ уруғни 2 ош қошиқ иссиқ сувда) ва ярмини эрталабки наҳорда, қолганини кечаси ётишдан олдин ичилади. Муолажа муддати – 10 кун. Кони қуюлган одамларга қичитқиўт суви тескари таъсир қиласи.

## ЎТ ҚОПИННИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ

**Холецистит** – ўт қопининг ўткир ёки сурункали касаллиги. Кўпинча ўт қопида (**қ. Ўт қопи касаллиги**) тош пайдо бўлганидагина билиниб қолади. Аксарият холецистит кўпинча 40 ёшдан ошган аёлларда эркакларга нисбатан 2-3 марта кўп учрайди. Холециститнинг ўткир ва сурункали кўринишлари тафовут қилинади.

**Ўткир холецистит** овқат тартиби кескин бузилганда (кўй ёғли, қовурилган, дудланган овқат ейиш ва алкогольни суиистеъмол қилиш), шунингдек, ўт йўлларила тош пайдо бўлганида юзага чиқади. Ўткир холецистит асоратлари ўта хатарли (ўтли перитонит, жигарости абсцесси, ўт қопи йиринглашуви флегмонаси, чириш-гангренаси) ҳисобланади.

**Сурункали холецистит** ўт қопининг ўткир яллиғланишидан кейин вужудга келиши мумкин, аксарият ҳолларда сурункали гастрит, сурункали панкреатит ва бошқа ҳазм аъзолари ва семириш касалликлари туфайли ривожланиши мумкин.

## АЛОМАТЛАРИ

Ёғли, қовурилган таомлар, аччиқ газаклар, тухум, алкоголь ичимликларини кўп истеъмол қилгандан кейин, ўнг қобирға остида оғриқлар пайдо бўлади. Жисмоний зўриқиши, югуриш, дардни хуруж олдиради.

Оғриқларга яллиғланиш аломатлари – ҳарорат, ҳолсизлик, шунингдек, оғизда аччиқ таъм пайдо бўлиши, кўнгил айниши, қайт қилиш қўшилиши мумкин.

Ўз вақтида даволанмаслик хатарли асоратга олиб келиши мумкин (**қ. Сариқ, Перитонит**).

**Сурункали холецистит**

Ўнг қобирға остида лўқиллаган, симиллаган оғриқ пайдо бўлади. Овқатни, айниқса, серёғ ва қовурилган овқатни кўп еб юборгандан кейинги доимий оғриқ сезилади;

Оғриқ тепага- ўнг елка ва бўйин, ўнг кўкрак томонга берилади;

Кўпинча оғизда аччиқ, темир таъми сезилади, ели кекирик келади, кўнгил айниди, қорин дамланиб, ичаклар қулдирайди, гоҳ ич қотиб, гоҳ ич кетади, ва бошқа аломатлар зоҳир бўлади.

Дард узоқ вақтгача бир зўрайиб, бир пасайиб туради, асосан овқатланиш кун тартиби бузилганда юзага чиқади.

**Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Ўткир холецистит аломатлари қоринда қаттиқ оғриқ, қайт қилиш ва ҳоказолар пайдо бўлганда “тез ёрдам” чақириш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

(Ўт-тош касаллиги мавзусига қаранг)

#### **Муолажа**

Ўткир холецистит ва сурункали холецистит хуружига йўлиққан bemor, зудлик билан касалхонанинг жарроҳлик бўлимига ётқизилиши керак. Бунда барча ичиладиган дорилар ман этилиб, тўла очлик тайинланади. Турли оғриқ босувчи спазмолитик воситалар, антибиотиклардан фойдаланилади. Консерватив муолажадан фойда бўлмаса, жарроҳлик амалиёти қўлланилади.

**Парҳез.** Ўткир холецистит ёки сурункали холецистит хуружида, дастлабки 1-2 кунда фақат илиқ нарсалар ичиш тавсия этилади: суюқ ширин чой, сув қўшилган мева шарбати, наъматак қайнатмаси (оз-оздан кунига 2-3 стакан).

Кейинги 1-2 кунда чекланган миқдорда (100-150 гр. дан кунда 6 марта) қирилган овқатлар, шилимшиқ қирилмали шўрвалар (гуручли, манийли, сулили), бўтқалар, уларга оз-оздан сут, желе, компотлар, шарбатлар қўшилади. Таомга сариёғ, қаймок, ош тузи қўшилмайди.

Шундан кейин пархезга творог, буғланган гүшт, қайнатилған балиқ, олий навли бўғдой унидан қилинган сухари қўшилади. Овқатни оз-оздан кунига 6 марта берилади. Суюқликни мўл ичиш зарур (2-2, 5 л).

Сурункали холецистит хуружи ўртача бўлганда қайнатма ва тоблама овқатлар тавсия этилади. Сабзавотли, ёрмали ва сутли шўрвалар берилади. Овқатлар сирасига мол гүшти, ёғсиз қўзи гүшти, қуён гүшти, курка ва товуқ гўштларини киритиш мумкин. Гўштлар ёғсиз, парранда гүшти эса териси шилинган бўлиши керак. Сут ва катиқ ичимликлар, енгил пиширилган пудинг кўринишидаги ёғсиз творог ҳам истеъмол қилинади. Пархез ўт ажрашини кучайтирувчи ва ич қотишини бартараф этувчи сабзавотлар, мевалар билан бойитилади (қ. Ўт тош касаллиги, Ич қотиши). Сабзавотлар ўсимлик ёғи, зайдун ёғи билан қўшилиб ейилади (салатлар, винегретлар).

Қовурилган ва жуда совуқ таомлар, янги узилган нон, варақи сомса, ёғли гўшт, ўрдак, ғоз, жигар, буйрак, мия, дудланган колбасалар, консервалар, серёғ балиқлар, дудланган ва тузланган балиқлар, балиқ консервалари, ёғли сут маҳсулотлари, қайнатилған тухум, дуккаклилар, исмалоқ, шовул, редиска, кўк пиёз, саримсоқпиёз, димланган сабзавотлар, замбуруғлар, шоколад, кетчуп, торт, хантал, қалампир, ўткир қора қаҳва, какао, совуқ ичимликлар, мол гўшти, қўй думбаси истисно этилади.

**Дори воситалари.** Фармокологик воситаларни шифокор тавсияси ва унинг назорати остида ичилади.

#### **Ичиладиган дорилар:**

**Спазмолитиклар:** Мебеверин (Дюспаталин)

Дротаверин Беспа, Но-шпа, Спазмол, Спазоверин, Спаковин)

Папаверин.

Ўт тошини эритувчи дорилар: Уреодеоксихол кислотаси (Урсосан, Урсофальк)

Хенодеоксихол кислотаси (Хенофальк).

Фитодорилар: Дала арбишоки (Хофитол)

Красавки дорилари (Бускопан, Орисавка экстракти)

Галстена

Гигабене

Холдор мева расторопшиси

Қовоқ уруғи мойи (Тиквеол).

**Жарроҳлик муолажаси.** Ўткир холецистит, перитонитнинг оғир даврида, жарроҳлик амалиёти қўлланилади. Бунда - ўт қопи олиб ташланади (холецистэктомия). Ўт тоши туфайли содир бўлган тошли холециститда ўт пухагини олиб ташлаш асосий даволаш услубидир (к. Ўт тоши касаллиги).

## ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Саҳро бўзночи гули, учбарг (вахта) япроқлари, ялпиз япроғи, кашнич меваси – тенг миқдорда олинади ва аралашмадан 8 гр. 250 мл. қайнатилган сувга солинади, сув ваннасида 10 дақиқа илитилиб, 2 соат тиндирилади, сузилади. Овқатдан 30 дақиқа олдин кунига 4 маҳал чорак стакандан ичилади.

Ботқоқ игир илдизи, қизилпойча гиёҳи, момакаймоқ (қоқи) илдизи, мойчечак гули, қончўп гиёҳи – тенг миқдорда. 250 мл. қайнатилган сувга 8 гр. тўплам туйилмасини солиб, термосда 8 соат тиндирилиб, докада сузилади. Овқатдан 30 дақиқа олдин кунига 4 маҳал чорак стакандан ичилади.

Қайин япроғи, қулмоқ меваси, маврак гиёҳи, буйрак чойи новдаси – тенг миқдорда олинади-да, 250 мл. қайнатилган сувга 8 гр. солиб, сув ваннасида 10 дақиқа илитилади, иссиқ жойда 2 соат тиндирилиб, сузғичдан ўтказилади. Овқатдан 30 дақиқа олдин кунига 4 маҳал чорак стакандан ичилади.

## ЖИГАР ЦИРРОЗИ

**Жигар циррози** (цирроз печени) – сурункали касаллик бўлиб, бунда жигарда бирлаштирувчи тўқима ҳаддан ташқари кўп ҳосил бўлади ва кучайиб боради. Касалликда ўткирлашув (фаол босқич ва ремиссия – фаол бўлмаган босқич) кузатилади.

Касаллик аломатлари узоқ вақтгача сезилмаслиги мумкин.

Жигар циррозининг ривожланишга:

сурункали вирусли гепатит (В, С, Д вируслари);

сурункали алкоголизм;

захарлар ва баъзи дорилар таъсири;

эндокрин касалликлари (тиреотоксикоз, қандли диабет);

ўт йўллари касалликлари ва ҳоказолар сабаб бўлади.

## **АЛОМАТЛАРИ**

Иштаха камаяди.

Үнг қобирға остида симиллаган оғриқ пайдо бўлади.

Жигар катталашади.

Талоқ катталашади.

Қорин бўшлиғида суюқлик тўпланиши – истисқо пайдо бўлади.

Эркакларда кўкрак бези катталашади (гинекомастия).

Тухумлар кичраяди.

Қизилўнгач, тўғри ичак, қорин веналарининг варикоз кенгайиши кузатилади.

Тери қичишади, кўз оқи ва тери сарғаяди, пешоб тўқлашади.

Бурун, милк қонайди ва ҳоказо.

**Жигар циррозида энг хатарли аломатлар қўйидагилар:**

асцит;

қизилўнгач веналаридан қон кетиши;

жигар энцефалопатияси;

жигар ишининг заифлашуви.

**Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Касаллик аломатлари пайдо бўлганда шифокорга мурожаат қилиш зарур.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Жигар циррози ташхиси учун умумий шифокор кўриги ва одатдаги таҳлиллардан ташқари қўшимча усуллардан ҳам фойдаланилади.

Қондаги трансаминаза (АСТ ва АЛТ), билирубин, протромбин, оқсиллар ва электролитлар (калий, натрий)ни аниқлаш;

иммунологик тестлар (В, С, Д гепатитларига тегишли антителолар ва антигенларни аниқлаш);

жигар ва талоқни ультратовушли текшириш;

жигар биопсияси;

лапароскопия ва ҳоказо.

### **Муолажа**

Жигар циррози муолажасида биринчи навбатда (Алкоголизм, Гепатит сабабчиларини истисно қилиш) асосий аҳамияти касб

этади. (Аминазин, Мерказолид, Метилтестостерон, Вольтарен, Индометацин, Левомицетин, Кордарон ва ҳ. к.)

Жигар циррозида пархез қилинади, гормонлардан фойдаланилади. Истисқо кузатилганда, тузсиз овқат ва пешоб ҳайдаш дорилари берилади эхтиёжга қараб, қорин девори тешилиб (лапароцентез) суюқлик чиқариб ташланади. Оқсил моддалар венага юборилади, қон күрсаткичлари бўйича қон плазмаферез қилинади. Тери қичишини камайтириш учун ичакдаги ўт кислотасини боғлаб турувчи ва унинг қайта сўрилиб кетишини тўхтатиб турувчи дорилар тайинланади. Сифонли ва покловчи ҳуқналар ҳам самарали ҳисобланади.

Қизилўнгач веналари қонаганда консерватив муолажа ва тезкор жарроҳлик амалиёти ўтказилиши мумкин.

Ҳазм қилиш қийинлашганда, аччиқ ферментлар – Креон, Панцитран, Дигестол, Фестал (ва ҳ. к. лар) берилади.

Қорин бўшлиғида суюқлик тўпланган (истисқо) суюқлик истеъмоли ҳам кунига 0, 8-1, 0 литргача чеклаб қўйилади. Овқат таъмини яхшилаш учун, лимон ва томат шарбатлари, сирка, пиёз, саримсоқпиёз, тузсиз хантал, кетчуп, қалампир, зира, дафна япроғи ва бошқа хуштаъм нарсалар, шунингдек, ўткир хидли сабзавотлардан фойдаланилади.

**Дори воситалари.** Фармокологик дориларни шифокор маслаҳати ва унинг назорати остида ичиш лозим.

**Ичиладиган дорилар.**

**Гепатопротекторлар:**

Адеметионин (Гептрал)

Галстена

Лив-52

Силибнин (Карсил)

Тиокт кислотаси (Берлитон 300, Эспа-Липон)

Эссенциале

Эссливер форте.

**Пешоб ҳайдовчилар:** Фуросемид (Лазикс)

Спиронолактин (Верошпирон).

**Жарроҳлик муолажаси.** Қизилўнгачда қонаш кузатилса, қон томирларда жарроҳлик амалиёти бажарилади (портокавал шунтлаш). Сўнгги йилларда бу жарроҳлик амали, рентген назорати остида томирга игна санчиш орқали бажарилмоқда.

Жигар етишмовчилиги ривожланаверса, жигарни кўчириб ўтказиш (трансплантация қилиш) керак бўлади.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Отқулоқ япроғи қайнатмаси – 5 гр. ни 100 мл. иссиқ сувга солиб, 30 дақиқа қайнатилиб, 2 соат тиндирилади. Кунига 3 маҳал овқатдан кейин 1 соат ўтгач 2 ош қошиқдан ичилади.

Жигарда гликогенни тиклашга имкон беради. Муолажа муддати – 30 кун.

Қончўп шарбати 1:1 нисбатда 70% спиртга аралаштирилади, бир ой давомида овқатдан кейин кунда 3 маҳал 15-20 томчидан ичилади.

Май ойида йифилган момақаймоқ шарбатини 2-9 ҳафта давомида наҳорда чорак стакандан ичилади.

Момақаймоқ шарбатини ғамлаб қўйса бўлади, 1:1 нисбатда 70% ли спиртга қўшилади, 25-30 кун давомида овқатдан кейин кунда 3 маҳал 20-30 томчидан ичилади.

Қончўпнинг сиқиб олинган сувини ярим стакан сутга қўшиб, 20 томчидан кунда 3 маҳалдан ичса бўлади.

Иттиканак гиёҳидан – 1 чой қошиқ, наъматакнинг туйилганидан – 1 чой қошиқни термосдаги 1 стакан қайнатилган сувга солиб 1 соат тиндирилади ва чорак стакандан кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир ой давомида ичилади.

## МЕЪДА ОСТИ БЕЗНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШИ

**Меъда ости безнинг яллигланиши** (панкреатит) – ошқозон ости безнинг ўткир ва сурункали яллигланиш касаллиги.

Панкреатитнинг энг кўп учрайдиган сабаблари:

пала-партиш ва bemavrid овқатланиш;

ўткир ва серёғ овқатни тез-тез истеъмол қилиш;

сурункали алкоголизм;

ўт қопи ва ўт йўллари аъзоларининг касалланиши (холецистит, ўт-тоши касаллиги);

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллиги ва ҳ. қ.

**Ўткир панкреатит** – ўткир жарроҳлик касаллиги, ошқозон ости безнинг ферментатив аутолиз (ўз-ўзини эритиши ва чириши (панкреонекроз) ҳолатидир.

**Сурункали панкреатит** – ошқозон ости безининг яллиғланиши склеротик касаллик бўлиб, панкреас тўқималари чандиқлашиши (склерози) билан тавсифланади. Касалликнинг тез-тез хуруж қилиб туриши натижасида оқсиллар, ёғлар ва углеводлар, шунингдек, инсулин ва бошқа гормонларнинг ҳазм бўлиш жараёни издан чиқади.

### **АЛОМАТЛАРИ** **Ўткир панкреатит**

Ўта ёғли овқат еб, кўп спиртли ичимлик ичишдан кейин қориннинг тепа қисмида чидаб бўлмас оғриқ пайдо бўлиб, оғриқ кўпинча бел соҳасига ўтади (белбоғ бойлаганга ўхшаш оғриқ).

оғриқнинг зўридан bemор муайян ҳолатга тушиб қолади (тизза-ларини қорнига тираб ўтириб ё ётиб қолади).

оғриқдан bemор бетўхтов қайт қиласи, аммо енгиллик сезмайди, қон босими тушиб кетади, юраги тез-тез уради ва ҳарорати кўтарилиши мумкин. Бундай пайтда bemор зудлик билан ётқизилиши керак.

**Сурункали панкреатитда:** Қориннинг тепа қисмида ёғли овқатдан кейин симиллаган, лўққилаган оғриқ пайдо бўлади.

Кекирик келиши, қайт қилиши, bemорларда қорин дам бўлиб, ичаклар қулдираши кузатилади.

Бундай пайтда озиқ-овқатлар яхши ҳазм бўлмайди, натижада А, Д, Е ва С витаминлари, кальций ва магний моддалари етишмовчилиги ҳолати юзага чиқади.

Вақтида муолажа қилинмаса, ориқлай бошлайди (**қ. Озиш**)

Панкреатитнинг асоратлари ғоят хатарли:

дастлабки муддатларда - панкреонекроз, қорин парда яллиғланиши – юзага чиқиши.

сўнгги муддатларда – ошқозон ости бези кистаси ва оқма яраси, қандли диабет, ошқозон.

**Шифокорларга қачон мурожжат қилиш керак?**

Қоринда оғриқ пайдо бўлганда шифокорга мурожгаат қилиш керак. Қоринда қаттиқ оғриқ турса, “тез ёрдам” чақириш керак.

### **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ** **Текшириш**

Панкреатит ташхисида умумий шифокор кўриги, қорин бўшлиғи аъзоларини ультратовушда текшириш, амилазани (қон ва пешобда) аниқлаш асосий аҳамиятга эга. Зарурат туғилса,

шифокорлар ташхис қўйиш ва ўхшаш аломатли касалликларнинг олдини олиш учун қўшимча текшириш усулларини ҳам қўллашлари мумкин.

қорин бўшлифи, кўкрак қафаси аъзоларини рентгенда текшириш;

ўт ва панкреас йўлларини эндоскопик текшириш (ретроград холангии-панкреатография);

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак эндоскопик текшируви; лапароскопия ва ҳ. к.

### **Муолажа**

Ўткир панкреатит муолажаси ошқозон ости бези яллиғланишини йўқотишдан иборат. Бунинг учун тўлиқ очликдан, барча керакли дори-дармонлар ва озуқабоп суюқликлардан фойдаланилади (муолажа икки ҳафтагача давом этади). Ошқозон ости бези ферментлари ажралиб чиқишини босувчи воситалар (Апротинин, Контрикал, Мексидол, Миокальцин, Октреотид, Сандостатин, Трасилол, Пантрипин), антибактериал воситалар (Абактал, Клафоран, Ципрофлоксацин, Ципробай), иммуномодуляторлар (Циклоферон) қўлланилади. Турли оғриқ босувчи дорилар ва спазмолитиклар ҳам ишлатилади. Консерватив муолажа самара бермаганида ва асоратлар пайдо бўлганида, жарроҳлик муолажасига ўтилади.

Ўткир панкреатит хурожлари кўпинча сурункали касалликка олиб келиши мумкин. Бундай пайтда овқат ейилмайди (айниқса ёғли овқат), алкоголли ичимликлар ман этилади, ўт қопи, ўн икки бармоқ ичаги касалликлари ҳам даволанилади.

Сурункали панкреатит муолажаси одатда амбулатор-уй шароитида олиб борилади. Бунда фирментли дорилар, спазмолитик-лар берилади. Касаллик хуружининг олдини олиш учун парҳезга риоя қилиш ва сурункали панкреатит пайдо бўлишига имкон берувчи касалликларни даволаш, катта аҳамият касб этади (қ. Алкоголизм, Холецистит, Ўт-тоши касаллиги, Яра касаллиги).

**Парҳез.** Ўткир панкреатитда дастлабки кунлари бемор тўла оч қолдирилади, касаллик ўта оғир кечадиган ҳолларда очлик муддати узайтирилади.

Касаллик енгил кечганда, дастлабки 2-3 кунларда оширилмаган хамирдан қилинган батон ёки бўғдой нони сухарилари синааб кўрилади. Агар бемор безовта бўлмаса, овқат

тури кўпайтирилади, гуруч ёки сули ёрмасининг қайнатмаса, картошка пюреси (ёғсиз), нимёғли кисель, шарбат желеси қўшилади, аста-секин сут қўшилган каша ва пюре ейишга руҳсат этилади, 5-6 кунлари эса ёғсиз творогдан қилинган суфле, тухум оқининг сувда пиширилгани, сўнгра буғ димламали гўшт қиймасини ейиш мумкин.

Барча ёғли маҳсулотлар, шу жумладан, барча ёғлар, шунингдек, қорин шиширадиган маҳсулотлар (қ. Метеоризм) истисно этилади.

Ёғи оз, бир хил миқдорда унча катта бўлмаган порцияли 5-6 маҳаллик овқат (30 гр. сариёғ ва 10-15 гр. тозаланган ўсимлик ёғи таомга қўшилади), қотирилган бўғдой нон, гўштсиз илиқ шўрва, буғланган гўшт қиймаси, бузоқ гўшти, қуён гўшти, жўжа, творог, ёғсиз балиқ қайнатмаси, тухум оқи, чучук пишлок, суюқ бўтқалар, қайнатма сабзавотлар (картошка, сабзи, гулкарам ва колъраби, лавлаги, томошақовоқ ва қовоқ), қирилган туршак шарбатлари, қирилган хом ва тоблама мевалар, қальцийлаштирилган ва ёғсиз творог, маҳсус парҳезбоп аралашмалар ва болалар парҳез овқати учун пюресимон консервалари, ярим витаминли маъдан препаратлар тавсия этилади. Сурункали панкреатитда қуидагиларни ейиш ман этилади:

серёғ гўшт, қовурилган ва димланган таомлар, ўрдак ва ғоз гўштлари, дудламалар, колбасалар, консервалар;

жавдар ва янги нон, қатлама ва оширилган хамир нонлари;

гўшт ва балиқ шўрваси, замбуруғ ва сабзавот қайнатмаси, сутли шўрвалар, карам шўрва, совуқ шўрва (чалоп, лавлаги шўрва);

серёғ сут маҳсулотлари;

тухумлар, котириб пиширилган ва қовурилган.

дуккаклилар;

бош карам, бақлажон, турп, шолғом, редиска, пиёз, саримсоқпиёз, шовул, исмалоқ, ширин қалампир, замбуруғ;

қандолат, шоколад, музқаймоқ;

гўшт, балиқ, замбуруғ бульонидан қилинган соуслар, томат соуси, ширинликлар;

қора қаҳва, какао, газланган ва совуқ ичимликлар, узум шарбати.

**Дори воситалари.** Сурункали панкреатитда спазмолитиклар ва фермент препаратлари тайинланади.

**Спазмолитиклар:** Дротаверин (Беага, Но-шпа, Спазоверин, Спаковин)

Красавки препарати (Бускопан, Экстракт красавки)  
Папаверин.

**Фермент дорилари:** Креон

Мезим форте  
Пензинорм форте

Панкреатин

Панкреофлат

Панцитрат

Пепфиз

Фестал

нзистал

Юниэнзим (МПС билан).

**Жарроҳлик муолажаси.** Перитонит, панкреонекроз, қорин бўшлиғи абсцессларида жарроҳлик амали бажарилади: ошқозоности безининг чириган тўқималарни олиб ташлаш. Некрэктомия ва қорин бўшлиғини йирингдан тозалашдан иборат. Ўт қопида тош бўлса, холецистэктомия ва найча ёрдамида дренаж қилинади.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

1 ош қошиқ сули чайилиб, туйилади, 5 стакан сувда 10 дақиқа қайнатилгач, 1 соат тиндирилади. Сурункали панкреатитда кунига 3 маҳал овқатдан 30-40 дақиқа олдин ярим стакандан ичилади.

Қайнин япроғи, валериана илдизи, тоғ қуши ўти, қизилпойча гиёҳи, календула гули, қичитқи ўт гиёҳи, ялпиз, шувоқ, мойчечак гули – teng миқдорда, 15 гр. тўплаб, 0, 5 л. қайнатилган сувга солиб, термосда 8 соат тиндирилади, сузилади. Илиқ ҳолда ярим стакандан кунига 4 маҳал овқатдан кейин ва уйқуга ётиш олдидан тунда ичилади. 1-1, 5 ой давомида 2-3 ҳафталик танаффусдан кейин яна ичилади.

Ботқоқ игирининг илдизи, сахро бузночининг гули, тоғ қуши гиёҳи, қизилпойча гиёҳи, итшумурт пўстлоғи, лимонёт япроғи, зира меваси, сачратқи илдизи - teng миқдорда қўшилиб, 10 гр. кукун 250 мл. қайнатилган сувга солинади, термосда 8 соат тиндирилиб, сузилади. Илиқ ҳолда чорак стакандан кунига 4 маҳал овқатдан кейин ичилади (гиёҳга асал қўшса ҳам бўлади).

## **ҚОРИН ПАРДАСИННИГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ**

**Қорин пардасининг яллиғланиши** (перитонит) – қорин пардасининг яллиғланиши, қорин бўшлиғи аъзоларининг турли касалликлари асорати ҳисобланади ва улар яллиғланиши, тешилиши (пефорация) ёки шикастланишида инфекция тарқалиши натижасида юзага келади. Яллиғланиш жараёнининг тарқалишига қараб маҳаллий ва умумий перитонит тафовут қилинади.

Перитонитда қорин пардаси яллиғланади, бевосита унинг манбаасида абсцесс - йирингли халта вужудга келиши мумкин.

Тарқоқ перитонитда қорин пардасининг барча бўлимлари шикастланади, ва бу ҳаётий муҳим аъзолар ва тизимларни шикастланишига олиб келади, bemor ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.

### **АЛОМАТЛАРИ**

Қоринда оғриқ.

Қорин девори мушакларида зўриқиши ва оғриқ.

Кўнгил айниши ва қайт қилиш.

Қорин дам бўлиб, нажас ва ел тутилади.

Аломатларнинг зоҳир бўлиш даражаси, асосий касаллик клиник кечишига боғлиқ (қ. Аппендицит, Холецистит, Панкреатит, Ичак тутилиб қолиши ва ҳ. қ.).

**Шифокорога қачон мурожаат қилиш керак?**

Санааб ўтилган аломатлар пайдо бўлганда зудлик билан “тез ёрдам” чақириш зарур.

### **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

#### **Текшириш**

Умумий шифокор кўриги катта аҳамиятга эга:

қорин бўшлиғи аъзолари рентген текшируви;

кўқрак қафаси аъзолари рентген текшируви;

ультратовуш текшируви;

эҳтиёжга қараб лапароскопия текшируви;

#### **Муолажа**

Перитонит гумон қилинганда зудлик билан касалхонага ётқизилади. Бундай ҳолда оғриқ босувчи дори, сурги дори бериш, қоринга иссиқ қилиш ман этилади.

#### **Жарроҳлик муолажаси**

Перитонитнинг давоси фақат операция. Жарроҳлик амалиётининг кечикиши оғир асоратларга сабаб бўлиши ва ўлимга олиб келиши мумкин.

## XVI. БОБ. АСАБ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

### ИНСУЛЬТ

**Инсульт** – бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши натижасида, бош мия тўқимасининг шикастланиши. Инсультнинг икки асосий хили мавжуд: геморрагик (қон томири ёрилиб, бош мия тўқимасига қон қуйилади) ва ишемик – бош мия қон билан таъминловчи асосий қон томирлари тромб билан тўлиб қолади ёки майда томирларда спазм ривожланади.

Инсульт ривожланишининг хавфли жиҳатлари:

артериал гипертензия ёки гипотоция;

суяқ сурувчи нохуш ирсият (қариндош-уруглардан биронтаси инсульт ё миокард инфарктига йўлиқкан бўлса);

чекиш ёки алкоголнси суистеъмол қилиш (чекиш инсульт эҳтимоллигини кучайтиради). Чекишни ташлагандан кейин инсульт хавфи камаяди ва 5 йилдан сўнг, bemor, чекмайдиган одамдай бўлиб қолади;

bemor 50-60 ёшдан ошган бўлса;

қандли диабет;

миокард инфарктига йўллиқанлар ёки инсульт ўтказган bemorлар кайталанаяпти;

сурункали тез-тез асабийлашиш (ҳаяжонланиш);

аритмия ёки тромблар ҳосил бўлишига, қоннинг куюлишига мойиллик бўлганда;

### БЕЛГИЛАРИ

Сезгининг тўсатдан бузилиши: юз, қўл ва оёқларда, хусусан тананинг ярмида увишиш ва камқувватлик пайдо бўлиши;

тўсатдан тилдан қолиш ёки сўзларни айтишда сўлак оқиши ё тушунишда, матнни ўқишда қийналиш;

бир ёки икки қўзнинг кескин ёмон кўра бошлаши;

тўсатдан ҳаракат мўлжалининг бузилиши (чайқалиб юриш), кескин бош айланиши;

тўсатдан англаб бўлмайдиган бош оғриги, қусиши.

**Геморрагик инсультда** барча белгилар ишемик инсультдагига қараганда анча яққол кўриниб туради. Бундан ташқари, геморрагик инсультда bemor қусади, юзи қизаради,

үйқучан бўлади, энса мушакларида спазм рўй беради, кўз тўр пардасига қон қуилади, касаллик бирдан бошланиб, авж олади.

**Ишемик инсульт**, одатда, аста-секин ривожланади. Ишемик инсультда ўткинчи, мия қон айланишининг ьузилиш белгилари бир неча ой, йил олдин пайдо бўлади. Улар инсульт белгиларига ўхшайди, бироқ бир неча дақиқада, камдан-кам ҳолларда бир неча соат мобайнида (24 соатгача) давом этиши мумкин.

кўл ва оёқларда заифлик, “эрталабки гарангсираш” кўринишида, худди оёқ-кўллар увишиб қолганде намоён бўлади;

қисқа вақт тилдан қолиш ёки хотирани йўқотиш ҳолатлари юз беради;

бош айланади, онг заифлашиб, кўз кўрмай қолиши ёки нарсалар кўзга қўшалоқ бўлиб қўрина бошлайди;

юрганда гавда чайқалиб кетиши, оёқни судраб босиши мумкин.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Имкон қадар 50-60 ёшли кишилар вақти-вақти билан врач кўригидан ўтиши лозим.

Инсульт даракчилари намоён бўлганда, текшириш учун, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Борди-ю, ростдан ҳам инсульт белгилари ҳуруж қилган бўлса, “тез ёрдам” чақириш керак, чунки мия ишемияси ва қон қуилиши оқибатларини, фақат дастлабки соатлардагина тўхтатиб, bemорни сақлаб қолиш мумкин.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Муолажа**

Биринчи ёрдам. Энг аввало bemорни каравотга қулай ётқизиш керак ва нафас олишни қийинлаштирувчи кийим тутмаларини ечиб, ҳаво оқими билан таъминлашни яхшилаш зарур. Ясама тиш протезлари бўлса, уларни ечиб олиб қўйиш, агар қусган бўлса, оғиз бўшлиғини тозалаш керак. Бўйини тўғрилаб, умуртқа артерияларига қон келиши қийинлашмаслиги учун, боши ва елкаларига ёстиқ қўйиш лозим.

Муолажа шифохонада ўtkазилади, дори воситаларидан фойдаланиш керак, бу томир терапияси курсини ўташни ўз ичига олади. Дорилар бош мияда қон айланишини ва миядаги алмашинувларни яхшилайди; парҳез овқатлар, мия фаолиятини

яхшиловчи машқлар ҳам, ёки реабилитация ҳам шу муолажага киради.

Беморлар инсульт асоратларидан кўпроқ вафот этадилар (ўпкаётоқ шамоллаши ва узоқ ётиш оқибатида). Бунинг олдини олиш учун ётган bemorga муттасил ғамхўрлик кўрсатиб, уни парваришлаб турмоқ керак. Уни гоҳ у , гоҳ бу томонига ағдариб, кўрпа-чойшабларнинг қатланиб қолишидан хабардор бўлиб туриш керак (улар тоза ва қуруқ бўлмоғи лозим). Беморни тўғри овқатлантириш, катта ва кичик ҳожатларидан огоҳ бўлиб туриш керак (зарур бўлганда ҳуқна (клизма) қилинади), кўкрак қафаси уқаланади.

**Парҳез.** Ақл-ҳуши жойида ва ютиш фаолияти бузилмаган bemorлар дастлабки 2-3 кунда суюқ (шўрва суви, мева шарбатлари) овқатлар, кейин эса юмшоқ ёки қирилган қуюқ овқат истеъмол қилса бўлади. Ютиши оғир бўлса, овқатни бўтқасимон кўринишига келтириш керак. Махсус парҳез масаллиқларидан ва сув ичиргич орқали болаларга мўлжалланган овқатлардан, суюқ озуқалардан бериш мақсадга мувофиқдир.

Овқат илиқ, тотли ва тўйимли бўлиши керак. Беморни эҳтиёткорлик билан кичик қошиқда оз-оздан, дам олдириб-дам олдириб овқатлантирилади. Овқатнинг нафас йўлларига кетиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак. Гоҳо bemor еб-ичишдан бош тортади. Бундай ҳолга бош миянинг иштаҳа ва чанқоқликка жавоб берувчи айрим қисмларининг шикастланиши сабаб бўлади. Рухий ҳаяжон, сиқилиш ҳам иштаҳага салбий таъсир қилиши мумкин. Бундай ҳолда bemorni тинчлантириш, тасалли бериш ва bemorга яхши овқатланиш муҳимлигини тушунтирган маъкул.

### **Ичиладиган дори воситалари**

Мия қон айланишини яхшилайдиган воситалар: Бекнциклан (Галидор)

Вазобрал

Винпотропил

Винпоцетин (Кавинтон)

Инстенон

Нимодипин (Бреинел, Нимотоп)

Ницероглин (Сермион)

Циннаризин (Стугерон)

Глиатилин (Холин альфолсцерат).

Мияда метаболизмини яхшилайдиган воситалар: Актовегин

Гамма-аминобутир кислотаси (Аминолон)

Глицин

Гопантен кислотаси (Пантогам, Пантокольцин)

Пирацетам (Ауцетам, Ноотропил)

Пиритинол (Энцефобал).

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Саллагул (пион) илдизи – туйилган илдиздан бир чой қошиқни бир стакан қайноқ сувга солинади, иссиқда бир соат тиндирилиб, сузғичдан ўтказилади. Кунига 4-5 марта бир қошиқдан ичилади. Ёки бир чой қошиқ туйилган илдиз 300 гр. ароққа солиниб, иссиқ жойда 7 кун тиндириледи. Сузғичдан ўтказилади. Кунига 3 маҳал 25 томчидан ичилади. Оқ переступень (шоли ўт) бир ошқошиқ туйилган илдизи 300 гр. ароққа солинади, иссиқ жойда 7 кун сақланиб, сузғичдан ўтказилади. Эрталаб ва кечқурун овқатдан кейин 25 томчидан ичилади.

Катта қончўпнинг туйилган гиёҳдан 1 ош қошиғини 1 стакан қайноқ сувда дамланиб, 15 дақиқа тиндирилгандан сўнг, сузғичдан ўтказилади. Овқатдан олдин кунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади. Муолажа муддати 2-3 ҳафта.

Ўртача катталикдаги 2 та лимон ва 2 та пўртаҳол майдада қилиб тўғралади, уруғлари олиб ташланади ва гўштқиймалагичдан ўтказилади. Олинган қиймага 2 ош қошиқ асал арашалтирилади. Уй ҳароратида бир кеча-кундуз шиша дишда тиндирилади, сўнг музлатгичга қўйилади. Кунда 2-3 маҳал 1 ош қошиқдан чой билан ичилади.

Яримта лимонни арчиб, тўғралади, 1 стакан арча баргли настойка солинади (1 ош қошиқ нинабаргни 1 стакан қайнатилган сувга солиб, 1 соат дамланади, сузғичдан ўтказилади) ва эрталабки наҳорда нонуштагача ва нонуштадан сўнг 1 соат ўтиб ичилади. Муолажа 3-4 ой давом эттирилади. Кўк чой ҳам инсультга дучор бўлган bemorларга яхши самара беради. Чой ичаётганда босимни кузатиб туриш керак!

### Халқ табобати рецептлари (суртмалар)

Халқимиз азалдан инсульт бўлганда тез ёрдам сифатида бошга музли пуфак қўйишган, уни баданинг фалаж бўлган томонига қарама-қарши томондан қўйилади.

Шол бўлган оёқларга кунига бир неча марта ҳар қандай учувчан суртма суртган фойдали (1 миқдор ўсимлик мойи аралаштириш мумкин). Кўпинча шу мақсадда эфирдан фойдаланишади, бироқ уни қўллаётганда эфир тез ёнувчан эканини унутмаслик керак.

Лавр япроғи – 30 гр. туйилиб, 1 стакан ўсимлик ёғига солинади ва ҳар куни силкитиб-силкитиб, 2 ой давомида иссиқ жойда сақланади. Сузғичдан ўтказилиб, қайнаш даражасида қиздирилади. Ҳар куни фалаж бўлган жойларга суртилади.

Суртма: дафна япроғи кукуни – 6 миқдор, можжевельник (пахта, қайнин, арча) барглари – 1 миқдор, сариёғ – 12 миқдор.

Фалаж бўлган жойларга кунига 2 мартадан суртилади.

**Жигарранг наъматак.** Унинг илдизи қайнатмасига фалаж бўлган жой ванна қилинади. Бемор тузалаётган тикланиш даврида кунора ванна қилинади. Муолажа муддати – 20-30 ванна. Сув ҳарорати 37-38° С бўлиши керак.

## ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ

### Текширувлар

Электрокардиографик текшириш ва қонда специфик ферментлар – аспартатаминотрансферазалар (АСТ), креатинфосфокиназлар (КФК) тўпланишини аниқлаш, миокард инфаркт ташхиси учун асосий маъно касб этади. Шубҳа қилинган ҳолларда эхокардиография, юракнинг радиоизотопик (сцинтиграфияси) ёки рентгенологик (коронарография) текширувлари ўтказилади.

### Муолажа

**Биринчи ёрдам.** Энг аввало қўкрагида оғриқ бор одамга осойишталик керак. У каравотга бошини хиёл қўтариб, қулай жойлаштирилади ва унинг нафас олишини қийинлаштираётган кийим тугмалари ечилади, тоза ҳаво йўли очиб қўйилади. “Тез ёрдам” келгунига қадар bemorрга нитроглицерин таблеткаси тил остига қўйилади. Бундай ҳолларда валидолнинг кучи етмайди. Миокард инфаркт деб гумон қилинган барча bemorларни, тезкор кардиология бўлимига ётқизиш зарур бўлади.

Муолажа қанча тез бошланса, шунча яхши, зеро баъзида инфарктнинг авж олишини, дори дармонларни ўз вақтида бериш ёки жарроҳлик амали билан тўхтатиб қолиш ҳам мумкин.

Касалхонада даволаш юрак томирлари ўтвчанлигини тиклашга қаратилган ва тромбларни эритиб юборувчи, миокард қон таъминотини яхшиловчи дори воситаларидан, аритмияга қарши ва оғриқни босувчи препаратлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Инфаркт содир бўлгандан кейинги реабилитация - беморнинг соғлиғи ва меҳнатга қобилиятини тиклаш, катта аҳамиятга эга. Унинг муддати ва ҳажмини танлаш мутлақо индивидуал, бемор касалхонадан чиқарилгандан сўнг, у поликлиникада (уйда) ёки санаторияда ниҳоясига етказилади. Жисмоний фаоллик, **парҳезга** риоя қилиш, шифокор тайин қилган дориларни ичиб туриш **катта аҳамиятга эга**.

## УЙҚУСИЗЛИК

**Уйқусизлик** (бессоница) - уйқунинг бузилиши, узук-юлуқ, юзаки уйқу ёки вақтидан олдин уйғонишдир.

Кўплаб тадқиқотлардан аён бўлганки, катта ёшдаги одамга 7-9 соатлик тунги уйқу етарли. Уйғонгандан кейин киши ўзини тетик хис қилиши керак.

Уйқусизлик сабаблари қўп ва хилма-хил, у ташқи воқеа-ходисалар, организм ва ҳаёт тарзининг баъзи хусусиятлари ёки тинч ухлашга халақит берувчи касалликка боғлиқ бўлиши мумкин.

Уйқусизлик сабаблари:

ҳаддан ортиқ шовқин, хонадаги диққинаfasлик, нокулай ўрин-тўшак;

уйқудан олдин кофеин таркибли маҳсулотлар (аччиқ чой, қаҳва ва ҳоказо) истеъмол қилиш;

кечки пайт, айниқса, оғир, серёғ овқатни қўп еб қўйиш;

жисмоний фаоллик сустлиги;

ҳаяжонланиш, ҳиссий кечинмалар;

қон қўйилишлари;

ортиқча ташвиш келтириб чиқарадиган нохуш ҳолатлар;

қалқонсимон без касаллиги (гипертериоз);

ётганда нафас қисиши, ( юрак заифлашуви, бронхиал астма) касаллиги;

қичитаётган дориларнинг салбий таъсири.

Уйқу қочишининг 80 дан ортиқ тури мавжуд, уйқунинг қочиши (ухлаб қолишининг қийинчилиги), тунда тез-тез уйғониб кетиши (юзаки уйқу), эрта уйғониш (қисқа уйқу), уларнинг

күпчилиги уйқу сифати ва кундузги фаолликка путур етказибина қолмай, соғлиққа ҳам салбий таъсир қиласы.

Ухлаш қийинлиги сабаблари зиддиятли вазиятлар, нохуш фикрлар, турли ҳаёттеги ташвишлар ва хоказолардан иборат.

Турли касалликлар, яхши бўшанмаган қовуқ ва ичак тунги уйқу сифатига яққол салбий таъсир кўрсатади.

Эрта сахарда уйғониш ва қисқа уйқу, ёш ўтган сайин ортиб бораверади.

### **АЛОМАТЛАРИ**

“Тонгги сустлик” – эзилганлик, бошнинг зилдай оғирлиги, бош оғриғи, чарчашиб ҳисси, уйғонгандан кейин ланжлик, кайфият тушкинлиги.

Кун бўйи бош мия ҳам, бадан мушаклари ҳам ишламай, уйқу босиб юриш.

Узок вақт уйқуга тўймаслик, натижада турли асаб касалликларига йўлиқиши, хотиранинг ёмонлашуви, қандли диабет, артериал гипертензия, семириш, бошқа касаллик ва асаб бузилишлар хавфининг ортиши.

#### **Шифокорога қачон мурожаат қилиш керак?**

Уйқусизлик биронта касаллик оқибати бўлиши мумкин, шунинг учун шифокорга мурожаат қилмоқ зарур.

### **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

#### **Муолажа**

Агар уйқусизликка сабаб бирор касаллик аниқланса, шу касалликни даволаш, уйқусизликка қарши курашнинг энг яхши усулидир. Дори-дармонларга зўр беришдан олдин ҳаёт ва овқатланиш тарзини, шунингдек, уйқу мұхитини тубдан ўзgartириш керак:

оқсил, ўсимлик ёғлари, озуқа маҳсулотлари (кепак, янги сабзавот), витаминалар ва микроэлементлар қўшилган овқатлар тановули;

ўз вақтида меҳнат қилиш ва дам олиш кун тартибини жорий этиш; уйқу олдидан қаттиқ ақлий меҳнат ёки асаб қўзғотувчи мутолаа қилмаслик.

**Дори воситалари.** Уйқусизликнинг асаб тизими фаолияти бузилишига сабаб бўлган енгил шаклларини даволаш учун (неврозлар, стресслар, вегето-томир дистонияси, седатив тинчлантирувчи) воситаларни қўллаш қўл келмоқда. Оғир

шаклдаги уйқу қочишида, фақат шифокор тавсия этган уйқу дорисини ичиш керак.

**Седатив воситалар.** Валериана настойкаси ёки экстракти  
Арслонқұйруқ настойкаси  
Ново-пассит  
Беллоид  
Белласпон  
Корвалол  
Персен ва ҳоказо.

**Уйқу келтирувчи воситалар:** Доксиламин (Донормил)  
Золпидем (Гипноген, Нитрест)  
Мелатонин (Мелаксен)  
Нитразепам (Нитросан, Радедорм, Эуноктин)  
Темазепам (Сигнопам) ва ҳоказо.

## **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Валериана илдизи ва илдизпоясининг - түйилганидан 2 чой қошиқни термосдаги 1 стакан қайнатилған сувга солиб, 2 соат тиндирилади. Кунига 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади. Болаларга 2 чой қошиқдан кунига 2-3 маҳал бериш мумкин. Яхшироқ таъсир қилиши учун кунига 2-3 маҳал қайноқ гиёх чойдан уйқуга ётиш олдидан ярим стакан ичган маъқул.

Валериана илдизининг – 40 гр. ни қулмоқ ёнғоқчаларининг – 30 гр. ни ялпиз баргининг – 15 гр. ни олиб, ҳаммасини қўшиб, тун бўйи илиқ сувга солиб қўйилади, эрталаб оловга қўйиб қиздирилади ва сузғичдан ўтказилади. Уйқу олдидан чой каби ичилади. Бу чой, айниқса, тинчлантирувчи воситаларга муҳтож кекса ёшдагилар учун жуда фойдали.

Ойболтиргон илдизи ва илдизпоясининг – 30 гр. ни 500 мл. оқ мусалласга солиб, бир кеча-кундуз тиндирилади, чайқаб-чайқаб турилади. Сузғичдан ўтказилади ва 60 мл. мусаллас кунига 2 маҳал ичилади.

Қизил пойча бутасини туйиб, 2 чой қошиғини 0, 5 л. қайноқ сувга солиб, 5 дақиқа қайнатилади. 3-4 ҳафта давомида кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин 80-100 мл. ичилади.

Сутга қилинган сули ичимлиги. 1 стакан сули ёрмасини 5 стакан сувга солиб, сув яримлагунча қайнатилади. Сузғичдан ўтказилади, тенг миқдорда сут қўшилади (2 стаканча) ва яна

қайнатилади. Кейин 4 чой қошиқ асал қўшилади (ҳохишга қараб). Ичимликни илитиб, кун давомида 30 мл. дан 2-3 маҳал ичилади. Муоалаж муддати – 4 ҳафта.

### **Ташқи муолажа учун халқ табобати рецептлари**

Қўл ва оёқларни хантал ваннасига солиб, уйда кўнгилдагидай даволанса бўлади. Бундай ванналар томирларни чиниқтиради, ички аъзолардаги қонни бутун вужуд бўйлаб тенг тақсимлайди. Бунинг учун 1-2 ош қошиқ қуруқ хантални газлама халтачага солиб, илиқ сувли чепакка ботирилади, сўнг халтачани бир неча бор сиқилади. Сув ҳарорати 35-37°C бўлиши керак. Қўлларни тирсаккача, оёқларни эса болдир ўрталаригача сувга 10-20 дақиқа солиб турилади.

Айрим одамлар 10-15 дақиқа давомида 36-37°C ҳароратли сувда озгина (3-5 г/л) миқдордаги туз ваннаси қилиб, уйқусизликдан қутуладилар. Баъзилар эса муздек, тетиклантирувчи ваннани хуш қўради.

Шифобахш гиёҳларнинг хушбўй ҳиди уйқусизликка қарши анъанавий муолажа ҳисобланади. Лимонўт, ялпиз, қизилпойча, қулмоқ ёнғоқчаларидағи эфир ёғи, тинчлантирувчи хусусиятга эга. Гиёҳлар солинган ёстиқча бош томонга қўйиб қўйилади. Хушбўй ҳид ёз фаслининг роҳатбахшлигини эслатиб туришидан ташқари, яхшигина уйқу келтириш хусусиятига ҳам эга. Ёстиқчага яна мойчечак, атиргул, исириқ, жасмин бутоқларини ҳам солиб қўйиш мумкин. Улар барчасининг ҳиди бир бўлиб, тинч ухлаб, яхши тушлар кўришингизга сабаб бўлади.

## **БОШ ОҒРИҒИ**

**Бош оғриғи** – табобат амалиётида энг кўп учрайдиган касаллик аломати. “Бош оғриғи” – бош соҳасидаги оғриқ ва нохушликларнинг барча турларидан иборат.

Бош жароҳатланиши, юқумли касалликлар, заҳарланишлар, мия қон айланишидаги бузилишлар; пешона бўшлиғи (фронтит) ёки гаймор бўшлиғи (гайморит) шамоллаши оқибатида юзага келувчи бош оғриқлари; ва сурункали бош оғриқлари тафовут қилинади. Сурункали бош оғриқлари бирламчи ва иккиламчи шаклда бўлади. (Мигрень) бирламчи касаллик негизи ҳисобланса, иккиламчиси бирон-бир касаллик аломатлари ёки касаллик ҳолати (мия шиши ва гематомаси, чакка артерити, гипертоник касаллик, кўз, қулоқ, бурун, умуртқанинг бўйин бўлими касалликлари ва

ҳоказолар) сифатида юзага чиқади. Айрим дорилар ҳам, (Нитроглициерин) оғриғига сабаб бўлади.

Яна муолажага эҳтиёж бўлмайдиган бош оғриқлари ҳам мавжуд бўлиб, улар турли салбий таъсуротлар билан боғлиқ бўлиб, улар тўхташи билан, оғриқ ҳам йўқолади. Масалан, бош “хумор”дан оғриши мумкин; бош боғич, қулоқчин, сузиш кўзойнаги ва ҳоказолар билан қаттиқроқ қисилганда ҳам, йўталганда ёки оғир нарса кўтарганда ҳам, иссиқ хонадан совуққа чиққанда ҳам, бош оғрийди (томирларнинг енгил спазмаси). Бошдаги оғриқлар кўзойнакнинг нотўғри танланиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Кўпинча қаттиқ жисмоний толиқиши, ортиқ даражада ақлий зўриқиши, асаб тизимидағи жунбушликлар ҳам, бош оғригини қолдириш ҳам қийин эмас. Бундай ҳолларда уйқу, овқатланиш, меҳнат ва дам олишни тартибга солинса бўлди. Масалан, ақлий толиқиши билан боғлиқ бош оғриғида, иссиқ ваннада чўмилсангиз ёки лоақал оёғингизни тўпиқчача иссиқ сувда 10-15 дақиқа солиб турсангиз, анча тинланасиз.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам, бош оғриғи келтириб чиқариши мумкин (**қ. Парҳез**).

40 ёшгача бўлган одамларда энг қўп ва кенг тарқалган бош оғриғи, улуғроқ ёшга етганда бирмунча камаяди.

## БЕЛГИЛАРИ

Мигрень бир тарафлама (бошнинг ярмида) учрайдиган бош оғриғи бўлиб, жисмоний зўриқища, тез юрганда кучайиб бораверади ва одам ғайратини сўндиради.

Бундан ташқари, кўнгил айниши, қайт қилиш, ёруғлик ёки товушдан қўрқиши.

Хуруж 2 соатдан 72 соатгача давом этиши мумкин.

Оғриқ одатда мигрень даракчиси аура деган ҳолат бошланади, бунда чаккалар санчийди, кўз олдидан доиралар ёки рангли доғлар сузиб ўтаверади, кўнгил айниб, гоҳо қайт қилинади. Ҳидлар, чараклаган ёруғлик, турли ноҳуш товушлар одамнинг ғазабини келтиради. Ва ниҳоят камида 60 дақиқадан кейин бош оғриғи бошланади.

**Зўриқишдан кейинги бош оғриғи:**

Ҳаяжонли ҳолатлар, нокулай гавда ҳолати, умуртқанинг бўйин бўлимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бош оғриғи.

Жисмоний ишда ўзгармайдиган бир маромдаги оғриқ, “шлем” ёки “каска” хилидаги бош эзилиши ёки сиқилиши.

Икки тарафлама ёки умумий бош оғриғида мигрендаги каби күнгил айниши ва қайт қилиш кузатилмайды.

Бунда кўпинча орқа бўйин мушакларининг қаттиқ зўриқиши (таранглашиши), оғриши ва чакка – пастки жағ бўғимлари фаолиятининг бузилиши, бош чаноғи мушакларининг оғриши кузатилади.

### **Артериал гипертензиядаги бош оғриғи:**

Артериал босимнинг кўтарилишига боғлиқ бўлиб, эрталаблари энсада симиллаган қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, одатда куннинг ўртасига бориб оғриқ камаяди. Бош мияда лўқиллаган куидиувчи оғриқ туроди, кечқурунлари бошнинг манглай ва чакка бўлимлари қўрғошин каби оғирлашади, жисмоний ва ақлий зўриқишдан, кучаяди.

Гоҳо, қулоқ битиб, овоз эшитмайдиган бўлиб қолади.

Оғир ва тез кучавчи касалга чалинган беморларда, шунингдек, гипертоник хуружларда энсада жуда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши мумкин.

Бирламчи юқори артериал босим пасайганда пайдо бўладиган бош оғриқ.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Турли хил бош оғриқлари турлича муолажани талаб қилгани учун, бош оғриқларнинг аниқ сабабини аниқлаш ўта муҳимдир.

Қаттиқ бош оғриғи биринчи марта пайдо бўлганда, айниқса, беморнинг кўнгли айниб, қайт қилса, “тез ёрдам” чақириш зарур.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

**Сурункали қаттиқ бош оғриғида уч хил текширув ўтказилиши шарт:**

артериал босимни ўлчаш;  
умуртқа бўйин бўлими рентгенографияси;  
магнит-резонанс томографияси.

**Бундан ташқари айrim соҳа мутахассисларининг кўриги:**

невропатолог (мия ичи гипертензион синдромида);

офтальмолог (глаукома истисноси учун);

лор шифокор (гайморит гумон қилинганда) ва ҳ. қ.

**Муолажа**

Муолажа бош оғриғи табиатига боғлиқ. Борди-ю, бош оғриғига сабаб биронта касаллик бўлса, уни даволаш оғриқ билан курашнинг энг яхши усулидир.

Оғриқ сабаби аниқланмай, бемор тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб турганда, артериал босимни ўлчаш зарур (**к. Артериал гипертензия**). Агар қон босими жойида бўлса (оғриқ босувчи, тинчлантирувчи дорилар) баъзи дориларни ичирилса бўлади.

**Парҳез.** Маҳсулотлардаги биоген аминлар (тирамон, серотонин ва гистамин), натрий гул томати, нитритлар, кофеин ва ҳоказолар бош оғриғини келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг ҳаммаси муайян ҳолда, қон элтувчи томирларга, жумладан, бош мия томирларига таъсир қилиб, шу нарсалардан тез таъсирланувчи одамларда оғирқ қўзғатади.

Биоген аминлар қўйидаги маҳсулотларда мавжуд: пишлок, шампан мусалласи, қизил мусаллас, маринадлар, хантал, кетчуп, майонез, ичак-чавақлар, дудланган гўшт ва балиқ, скумбрия зотли балиқлар, исмалоқ, пиёз, ловия, соя, томатлар, сельдерей, цитрус мевалари, ананас, авокадо, банан, ёнғоқ, шоколад, какао. Уларнинг қонга кўп миқдорда сўрилиши бош мияда лўқиллаган оғриқ пайдо қиласи, чунки баъзи одамларда бош мия томирлари бир текис ишламайди.

Натрий глутамат овқат таъмини яхшилайди. Улар “Вегета” хилидаги зираворлар таркибида, бульон қиймалари, тез пишадиган қурук шўрва, чипслар, қовурилган ерёнғоқ, гўшт колбасаларида мавжуд. Айниқса, хитой таомларида глутамат мўл бўлади. Глутаматта бардошсиз одам юқоридаги маҳсулотлардан истеъмол қилгандан кейин 15 дақика ўтиб безовта бўла бошлайди.

Яхши сақланиши ва қизғиши тусга кириши учун гўшт маҳсулотларига нитритлар қўшилади. Дудланган кольясалар, ветчина, тузлама, бекон, дудланган балиқдаги озгина миқдордаги нитритлар ҳам, мия томирларини кенгайтириб, (айниқса таъсирчан одамларда) бош оғриғини келтириб чиқариши мумкин.

Айрим одамлар кофеин моддаси мўл ичимликларни (қаҳва, аччиқ чой, кока-кола, пепси-кола ва ҳоказо) кўп истеъмол қилгандаридан ўзларига бош оғриғи “сотиб” оладилар.

Борди-ю, бош оғриғининг муайян маҳсулот билан боғлиқлиги аниқланса, уни овқатлар сирасидан чиқариб ташлаш керак.

Бош оғриғини даволашда, овқатланиш кун тартибига риоя қилиш муҳим. Овқатни кам ейиш улар оралиғида қондаги глюкоза

таркибининг камайишига ёрдам беради, бу томирлар спазмаси ва бош оғриғига олиб келади. Кечки овқатни жуда эрта еганда ҳам шундай ҳол юз бериши мумкин, унда киши тунда ёки тонг саҳарда бош оғриғидан уйғониб кетади. Шу боис агар вақтида твқатланиш имкони бўлмаса, киши ёнида бирор шириналлик олиб юриши лозим, уйқу олдидан эса, озроқ карбон сувли овқат тановул қилгани яхши.

**Дори воситалари.** Арийм оғриқ босувчи ва тинчлантирувчи дорилар бош оғриғини тез ва самарали қолдиради. Уларни шифокор маслаҳатисиз ҳам ичиш мумкин.

**Оғриқ босувчи дорилар:**

Диклофенак (Вольтарен)

Максиган

Метамизол (Анальгин, Баралгин М, Темпалгин)

Нимесулид (Апонил)

Нурофен плюс

Парацетамол (Калпол, Панадол, Эффералган)

Флутипротин (Катадолон).

**Тинчлантирувчи дорилар:**

Валериана настойкаси ёки экстракти

Арсонқўйруқ настойкаси

Новопассит

Беллоид

Белласпон

Корвалол

Персен ва ҳоказолар.

## ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Мойчечак, қизилпойча, бўзноч, қайнин куртагидан тенг миқдорда (ҳар бири 100 гр. пачкада) олиб, гўшт майдалагичдан ўтказилади, банкага солинади, қопқоғи ёпилиб, 1 кун офтобга қўйиб қўйилади. Кечқурун аралашмадан 1 ош қошиғини 0, 5 л. қайнатилган сувда 20 дақиқа тиндирилади. Матодан (докадан эмас!) сизиб ўтказдирилади ва сиқилади. 1 стакан суюқликка 1 чой қошиқ асал солиб эритилади. Уйқудан олдин ичилади, ундан кейин ҳеч нарса ейилмайди. Эрталаб қолган суюқлик илитилади. 1 чой қошиқ асал қўшилади ва овқатдан 20 дақиқа олдин ичилади. Аралашма тугамагунча шу йўсинда ичилаверади.

Қайнатилған сутли стаканга 1 дона товук тухуми чақиб солинади ва чайқаб аралаштирилиб, иссиғида ичилади. Муолажа муддати 7 кун. Ўткир мигренда ҳам ёрдам қиласы.

### **Ташқи муолажа учун халқ табобати рецептлари**

Бош оғриғини қолдириш учун оқ моддаси ажратиб олинган янги лимон пүчөгини юмшоқ томони билан чаккага босилади ва қичиш пайдо бўлиб, оғриқ босилгунча тутиб турилади.

Шифобахш оқ қарағай мойи: баҳорда оқ қарағай бутоқлари гўшт майдалагичдан ўтказилади, шиша банкага зичлаб солинади ва устидан тозаланмаган ўсимлик мойи қуйилади. Вақти-вақти билан силкитиб, ёз бўйи тиндирилиб, кузда докадан ўтказилади. Манглай ва чаккаларга сурилади.

Олма сиркаси – 1 ош қошиғи 1 стакан сувга солиниб, қайнатилади. Қайнатма 70°C гача совутилади ва буғини 10-15 дақиқа давомида ичга тортиб ютилади.

Азалдан табиблар бош оғриғини қўл билан даволаб келганлар. Бу усул жуда осон. Азият чеккан одам чалқанча ётқизилади. Даволовчи кафтларини қизигунча ишқалайди ва ўнг кафтини унинг бўйни ва энсаси остига қўяди. Чап кафтини бемор юзидан 2 см масофада манглайи устидан тутади ва бемордан 10 марта чуқурчукур нафас олиб, нафас чиқаришини, ҳар нафас чиқарганда “ҳааа” деган товуш чиқаришини сўрайди. Амал 5 дақиқа давом этади.

Об-ҳаво ўзгариши таъсир қилиб қўққисдан бошланган бош оғриғини кетказиш учун, бош пастки жағ билан чакка суюгининг сўрғичсимон ўсиқчаси оралиғини уқалаб силанади. Бемор қўлларини мангайига тираб ўтиради. Қуруқ ва илиқ қўл билан 10 дақиқа давомида ўқаланади. Аввалига – бошнинг сочли жойлари, кейин – пастки жағ атрофлари.

Овқатда баъзи нарсалардан воз кечишига тўғри келади: зираворлар, алкоголь ичимликлар, овқатлар таркибидаги мол ва парранда гўшти, алмашлаб ейилади.

### **Тез-тез бош оғриғанда ўқалаш**


Беморни қулайроқ ўтқазиб қўйилади, кийими ёқаси бўшалтирилади, у бошини бемалол ҳаракатлантира олиши керак. Кафтлар билан мангайдан бош чўққиси томон ва аксинча уқаланади. Панжалар бош тепасида учма-уч жойлашиши керак, бошнинг ён томонлари уқаланади, бармоқлар қулоқ супраси ва бўйин томонга ҳаракат қиласирилади. Сўнг кафтлар бошга қўйилади

ва тебранма ҳаракатлар қилинади, аввал бармоқларда, кейин бутун кафтларда. Амал 5 дақиқа давом этади, уқалаш енгил, қаттиқ қисмасдан ва кескин ҳаракатлар қилмасдан бажарилади. Кўшимча равишда қулоқ супраси, бошнинг сочли қисмидаги ўрта йўл, манглайнинг юқори қисми ва чакка атрофлари силанади. Муолажа 5-8 дақиқа давом этади.


Босим паст бўлганда заманиха настойкасидан 10-15 томчи ичиб олиш мумкин.

### **Бош оғригандан нуктали уқалаш**

**Нукта жойи:** қулоқ ортида, қулоқ юмшоғи билан ёнма-ён, энса суягининг пастки қирғоғи чуқурлигига (Расм 26.).



Расм 26.



Расм 27.

**Таъсир қилиш усули:** bemor манглайига кафтиңгизни қўйиб, бир қўлингиз билан унинг бошидан ушлайсиз. Ўнг қўл бошмалдоғингиз билан соат милига қарши йўналишдаги ҳаракатлар билан 3-5 дақиқа давомида нуктани уқалайсиз.

**Нукта жойи:** бош чўққисида, қулоқ супралари учидан ўтказилган йўлнинг ўртасида (Расм 27.).

**Таъсир қилиш усули:** бошмалдок билан нукта қаттиқ (оғриқ сезилгунча) 1-2 дақиқа босиб турилади. Бемор бошини хиёл олдинга эгиб, ўтириши ёки ётиши керак.

**Нукта жойи:** бир-бирига тўғри, чакка атрофида, қош йўлининг давомида, ботик жойда жойлашган. Атрофдаги тўқималарга қараганда босганда кўпроқ сезилади.

**Таъсир қилиш усули:** бармоқ болишчалари билан ҳар икки томондан баравар уқаланади, соат мили йўлига қарши ҳаракат

билин (3-5 дақиқа давомида). Уқалаш вақтида бемор күзларини юмиб олиши керак.

**4. Нуқта жойи:** бўйиннинг орка юзасида, сочнинг пастки чегарасида, умуртқа ўрта чизифидан 3 энликдан ўнг ва чап томонда жойлашган (Расм 28).

**Таъсир қилиш усули:** иккала қўлингиз билан бемор бошини ушлайсиз, олдинги тўрт бармоқ билан пастки жағ ва бўйинни олд томонидан ёпиб оласиз, бошмалдоқлар билан нуқталар 2-3 дақиқа давомида босиб ва силаб турилади.



Расм 28.

## БОШ АЙЛАНИШИ

**Бош айланиши** – ички қулоқ касаллиги натижасида вестибуляр (мувозанатли) тизими бузилишининг ўзига хос аломати ҳисобланади (Менъер касаллиги, отит, шиш ўсимта ва х. к.). Бундан ташқари, ички уйқу ва умуртқа артериялари стенози ва патологик букилишлари, умуртқа бўйин бўлими остеохондрози, бир қанча неврологик касалликлар, гипогликемия аломатлари бўлиши, юрак мароми бузилиши, гипертоник касаллик ва бошқа юздан ортиқ касалликларда учраши мумкин.

## БЕЛГИЛАРИ

### Ички қулоқ касалликлари:

Ички қулоқ яллиғланишида (отит) аввалига эшитиш пасаяди, кейин юрганда чайқалиб, бош айланиши пайдо бўлади, қулоқда шовқин бўлиши мумкин.

Эшитиш нерви ўсмасида (невринома) бош айланиши хуружи, эшитишнинг пасайиши, қулоқнинг шанғиллаши туфайли юзага келади ва аста-секин тезлашиб ва кучайиб боради.

Менъер касаллигига бош айланиши хуружи жуда аниқ кўриниб туради, соатлаб давом этиши ва шунчалик кучли бўлиши мумкинки, киши каравотга михланиб қолади, узлуксиз кўнгил айниши ва қайт қиласвериш уни беҳол қилиб ташлайди. Ўткир хуруж вақтида, бемор кўз олмалари галма-галдан ҳаракат қилишини кўриш мумкин (бу ҳолат “нистагм” дейилади). Касаллик кучайиб бориши баробарида вақтида муолажа қилинмаса, эшитив қобилияти ишдан чиқиб, бутунлай карликка сабаб бўлиши мумкин.

## **Умуртқанинг бўйин бўлими остеохондрози:**

Гавданинг муайян ҳолатида бош айланиши содир бўлади:  
бошни бир томонга бурганда;  
эрталаб тўшакдан турганда;  
бошни орқага ирғаганда;  
бошни узоқ вақт бир томонга ёки олдинга эгиб турганда.

Бундай аломатларга умуртқа артериясини бўйин бўғимлари қисиши (артерия”эгилиши”) ёки спазм сабаб бўлади, умуртқа артерияси мувозанатга масъул, бош миянинг бўлимларини қон билан таъминлаб туради.

## **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Агар сизни бош айланиш безовта қилса:  
мехнатга қобилият йўқолади;  
муттасил такрорланиб турди ёки бир неча кун давом этади;  
сиз қулоқдаги ўзгаришлар ва кўзнинг ғалати ҳаракатларини кўриб қолсангиз (нистагм) – дарҳол шифокорга, яхшиси вестибуляр касалликлари муаммоси билан маҳсус шуғулланиб келаётган мутахассис (невропатолог ёки отоневролог)га мурожаат қилинг.

Бош айланиши кучли хуруж қилганда, айниқса, кўнгил айниб, қайт қилинса, дарҳол “тез ёрдам” чақириш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Вестибуляр аппарати касаллигига гумон қилинганда замонавий аппаратлар мажмуаси билан жиҳозланган, ихтисослаштирилган отоневрологик марказлардаги текширувлар ҳаммасидан самаралироқ бўлади.

фаол вестибуляр тестлар;  
кулоқ эшлишини текшириш (аудиометрия);  
умуртқанинг бўйин бўлими рентгенографияси;  
бош мия магнит-резонанс томографияси;  
бош ва бўйин томирлари ультратовуш текшируви ва х. к.

### **Муолажа**

Боши айланадиган bemорларни даволаш бош айланишига сабаб бўлган касаллик хусусиятига боғлиқ. Муолажада турли дорилардан фойдаланилади. Ички қулоқ касалликларида ички қулоқ қон билан таъминалнишини яхшиловчи, кўнгил айниш маркази таъсирчанлигини пасайтирувчи дорилар ва

тинчлантирувчи      воситалардан      фойдаланилади.      Айрим  
касалликларда муолажанинг жарроҳлик усуслари қўрсатилган.

**Дори воситалари.** Фармокологик воситаларни шифокор маслаҳати ва унинг назорати остида қўллаш лозим.

Менъер касаллигида: Бетогистин (Бетасерк)

Вазабрал

Винпотропил

Демигидринат (Драмина)

Сульпирид (Бетамакс).

Вестибуляр фаолиятининг бошқа бузилишлари:

Винпоцецтин (Кавинтон)

Гинкго-билоба (Билобил, Мемоплант, Танакан)

Мемория

Пентоксифиллин (Агапурин, Трендал)

Тиэтилперазин (Торекан)

Триметазидин (Предуктал)

Циннаризин.

**Жарроҳлик муолажаси.** Жарроҳлик амалига қўйидаги ўзгаришлар сабаб бўлади:

эшишиш нерви ўсмаси (невринома);

менъер касаллигини дори билан даволашнинг барқарор самараси йўклиги.

Сўнгги вактда Менъер касаллигини даволаш учун жарроҳлик амали билан бирга, кимёвий лабиринтэктомиядан фойдалана бошланди. Беморнинг қулоқ бўшлиғига маҳсус дори киритилади, улар бош айланишини йўқолиб, соғайиб кетишга олиб келади.

**Биринчи ёрдам.**

Беморни қаттиқ бош айланиши хуружи тутганида шундай тқизиш керакки, боши, бўйни ва елкаси ёстиқда бўлсин, чунки бу ҳолатда умуртқа артериялари букилмайди.

Бош бир томонга бурилиб қолмасин, деразани очиб, хонани шамоллатиш, пешонасига совуқ латта босиш керак, уни сирка билан озроқ ҳўлласа ҳам бўлади.

Босим ва ҳароратини ўлчаб, уни ўзига келтириш чораларини кўриш керак, юрак уриши частотаси дақиқасига 100 марта урса ёки юрак нотекис урса, шунингдек, бош айланишига қўнгил айниши ва қайт қилиш қўшилса, албатта “тез ёрдам” чақириш зарур.

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### Халқ табобати рецептлари (дамламалар)

Бош айланганда гипотония туфайли кунда 1 стакан анор суви ичиш керак. Агар бу бош мия томирлари склерози оқибати бўлса ва бундан ташқари бошда шовқин бўлса, қуйидаги восита тавсия этилади: 2 ош қошиқ четан пўстлоғини 2 соат паст оловда 500 мл. сувда қайнатилади. Кунда 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

#### **Ташқи муолажа учун халқ табобати рецептлари**

Вестибуляр аппаратини мустаҳкамлаш усули: бир неча метр тўғри чизик тортиб, ундан юрилади, айни вақтда бошни ўнгга, чапга буриб, чизикдан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилинади. Кунда 5-10 дақиқадан машқ қилинади. Бу бош оғриғини қолдириб, асабни тинчлантиради.

Боши айланадиган одамлар учун, тик тепаликка кўтарилиганда ва чидаб бўлмас узоқ саёҳатларда бажариладиган машқ: гавдани ғоз тутиб турилади, оёқлар бир жойда бўлади, бош гоҳ у, гоҳ бу томонга бурилади, суръат тобора тезлашиб боради.

Аввалига машқни 5-10 сониядан бажарилади, кейин бу машқни бир неча кун давом эттирилади ва суръат оширилади. Ёш ва ўрта ёшдаги, деярли соғлом, томир касалликлари ва бўйин-кўкрак бўлимидаги умуртқа паталогиясидан азият чекмайдиган одамлар учун тавсия этилади.

## **ПЕРИФЕРИК НЕРВЛАР ФУНКЦИЯСИНИНГ БУЗУЛИШИ**

**Невралгия** – периферик (ташқи) нервлардан (уч шохли нерв, қобирғалараро нерв, энса нерви ва ҳ. к. ) бирининг касалланиши бўлиб, улар жойлашган соҳада кучли оғриқлар хуруж қилиб туради, бунда нервнинг ҳаракатлантирувчи ва ҳис этувчи вазифалари сақланиб қолади. Одатда уч шохли нерв касалланиши амалиётда кўп учрайди.

**Уч шохли нерв невралгияси** ўрта ва кекса ёшларда кўпроқ учрайди. Касаллик кўп ҳолларда бир томонлама, аксарият, ўнг томонда хуруж қиласи. Нерв шохларининг ғадати жойлашган ёки кенгайган томир, жароҳатдан ёки юқумли касалликдан, ҳар замонда – ўсимтадан кейинги чандиқлар билан босилиб қолиши, невралгиянинг энг кўп учрайдиган сабабларидир. Айрим ҳолларда касалланиш сабабини аниқлаб бўлмайди.

## **АЛОМАТЛАРИ**

Юз томонда бир ёқлама қисқа ва кучли оғриқ хуружлари (1-2 дақықа)дан кейин оғриқсиз даврға үтади.

Нервнинг қайси шохи касалланишига боғлиқ равишда оғриқ юзда, юқориги ёки пастки жағда, гоҳо қош устида, бурунда, күз косасида үрин олган бўлиши мумкин.

Оғриқ чидаб бўлмас даражада қаттиқ кечади, уни кўпинча ток уришига, тиш оғриғига қиёс қиладилар.

Тик касали хусусияти бор (оғриқдан юзнинг бужмайиши).

Хуруж вақтида bemorning беихтиёр кўзларидан ёш қуйилади, бурнидан сув ва оғзидан сўлак томади.

Кавшаниш, иссиқ овқат, чой истеъмол қилиш, бетга тегиб кетиши, тиш тозалаш ҳам, хуружни келтириб чиқариши мумкин.

Касаллик куз ва баҳорда қўзийди.

### **ШИФОКОРГА ҚАЧОН МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**

Агар касаллик 40 ёшгача даврда юзага келса, унинг аломатлари сезилар-сезилмас бўлсада, шифокорга мурожаат қилиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Кўп ҳолларда, дастлабки тиббий кўрикдаёқ ташхис қўйилади. Шунга ўҳшашиб алматли касалликларни истисно этиши ва ташхис қўйиш учун, агар касаллик 40 ёшгача бўлган даврда юзага келган бўлса, қуйидаги текширувлар керак бўлади:

неврологик текширув;

стоматологик текширув;

ЛОР – аъзолар текшируви;

бош суягининг магнит-резонанс томографияси ва ҳоказо.

### **Муолажа**

Муолажа оғриқни кетказишига мўлжалланган. Бунда анъянавий оғриқ қолдирувчи ва шамоллашга қарши воситалардан ташқари маҳсус нейротроп дорилари, витаминлар, физиотерапевтик амаллар ўtkазилади.

**Дори воситалари.** Фармокологик воситаларни шифокор маслаҳати ва унинг назорати остида ишлатиш керак.

### **Нейротроп воситалар:**

Кармбамазепин (Тегретол, Финлепсин)

Левомепромазин (Тизерцин)

Фенитоин (Дифенин).

**Оғриқ қолдирувчи ва шамоллашга қарши воситалар:**

Диклофенак (Вольтарен)

Метамизол (Анальгин, Баралгин М, Темпалгин)

Нимесулид (Апонил)

Нурофен плюс

Парацетамол (Калпол, Панадол, Эффералган)

Флупиритик (Катадолон).

**Витаминалар:**

Нейромультивит

Бенфотиамин (Бенфогамма)

Милгамма

Тиамин

Пиридоксин

Рибофлавин.

**Жарроҳлик муолажаси.** Дорилар фойда бермагандан кўрсаткичлар бўйича жарроҳлик амалига қўл урилади. У уч шохли нервнинг босиб қолинишини (декомпрессия) бартараф этиш ёки нервнинг қисман емирилиши (невролиз, деструкция) дан сақлашдан иборат. Айрим ҳолларда, медикаментоз блокадалар фойда беради.

## ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Арчагул гиёҳи, қашқарбеда иёҳи, ялпиз, баргизуб, календула гули, жўка гули, сули пояси, ботқоқ сушеница япроғи, қирқбўғим гиёҳи, черника новдасидан – тенг микдорда олинади ва туйилади. Туйилган тўпламдан 8 гр. ни, 350 мл. қайнатилган сувга солиб, 3 соат тиндирилади, сузғичдан ўтказилади. Овқатдан 20 дақиқа ўтгач, кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

Брусника япроғи, ойболдирғон илдизпояси, оқтол пўстлоғи, қичитқиёт гиёҳи, лимонёт гиёҳи, мойчечак гули, қулмоқ меваси, маврак гиёҳидан – тенг микдорда олинади ва туйилади, ундан 7 гр. ни, 350 мл. қайнатилган сувга дамланади, сув ҳаммомида 10 дақиқа тиндирилади, 1, 5 соат вақт ўтгач, докадан ўтказилади. Овқатдан 20 дақиқа ўтгач, кунига 3-4 маҳал ярим стакандан ичилади. Шифобахш гиёҳлар настойлари бутун хуруж даврида ва оғриқ синдромлари тўла ўтиб кетгандан кейин яна 10-15 кун ичилади. Тез-тез такрорланиб турувчи неврит ва невралгияларда умумий

фитотерапияни узоқ муолажалар (1-1, 5 йил)да, 1-2 ҳафта танаффуслари билан 1, 5-2 ойдан ўтказиб турилса ва ҳар янги муолажада бошқа гиёхлар тўпламидан фойдаланилса – мақсадга мувофиқ.

### **Ташқи муолажа учун ҳалқ табобати рецептлари**

Оқ тол пўстлоғи, отқулоқ илдизи, ялпиз, баргизуб япроғи, мойчечак гули, қарағай куртаги, бинафша ўти, шалфей япроғи – тенг микдорда янчилади. Тўпламдан 20 гр. ва луб уруғидан 5 гр. кукунга айлантирилиб, 50 мл. сувда ивитилади, 150 мл. ўсимлик мойи солинади, 15 дақиқа илитилади, сўнг совутилгач, музлатгичда сақланади.

Суртма бутун касалланган жойларга суртиб чиқилади, 3-5 дақиқа давомида ишқалаб артилади, шундан кейин шу жой яхшилаб ўралади. Амални бир кеча-кундузда 3-4 марта такрорлаш керак. Шу суртмадан уқалаш муолажасида фойдаланса ҳам бўлади.

Ўзига хос декомпрессдан фойдаланишда: терига суртма суртилиб, аста ишқаланади, шу жойларга сирень, шалфей, ялпиз, лимонўт, тоғ қалампири, тоғилон япроқларидан бири тўшаб чиқилади, устидан 1-2 қават қилиб отқулоқ япроғи ёки бош карам япроғи бостирилиб, жун мато билан ёпиб, дока билан маҳкам боғлаб қўйилади.

Суртмани алоҳида гиёхларнинг настойлари билан қўшиб юбориш мақсадга мувофиқ, улар: арпабодиён, шалфей, ялпиз, лимонўт, тоғ қалампири ёки тоғилон, отқулоқ япроғи, қоқиўт (момақаймоқ), девясил, сирень гули, календула, қайнин куртаги, қарағай куртаги, қоратерак, оққарағай барги, можжевельник, тул новдаси, эвкалипт япроғи, атиргул япроғи, заранг ёнғоқлариридир.

Настойкалар қўйидаги тайёрланади: 30 гр. туйилган хомашё 300 мл. 70% ли спиртга ёки 40% ли ароққа солинади, коронгуликда ва уй ҳароратида 2 ҳафта сақланади, вақти-вақти билан чайқаб турилади. Уларни терининг оғриган жойига кунда 2 мартадан суртилади.

## **НЕРВ КАСАЛЛИГИ**

**Нерв касаллиги** (неврит, невропатия) – периферик (ташқи) нервлардан бирининг шамоллаши ёки уларда моддалар алмашувининг бузилиши, дистрофик тусдаги касаллик бўлиб, унинг ҳаракатлантирувчи фаолиятининг ёки ҳиссий функциясининг бузилишлари туфайли юзага келади. Неврит - касалликнинг эски номи

бўлиб, нерв яллиғланиши деганидир. Ҳозирги вақтда кўпроқ “Невропатия” атамаси қўлланилади, чунки периферик нервлари касаллигининг кўпчилиги асосан дистрофик тусдадир. Айниқса, юздаги нервлар тез-тез касалланиб туради.

**Юз нервининг неврити** – юз мушакларининг тўсатдан бир ёқлама фалажланиши ёки заифлашуви (парези)дир. Нерв турли сабаблар билан касалланиши мумкин – вирус инфекцияси, жароҳатлар, заҳарланишлар, витамин етишмовчилиги, аутоиммун касалликлари, ўсимталар бунга мисол бўла олади. Одатдагидек совук олдириш бунга асосий замин яратади. Юз нерви қулоқ орти атрофидаги бош чаноги бўшлиғидан чиқиб келади, унинг совук олдирилиши нервларни озиқлантирувчи томирларда спазм пайдо қилади. Кон айланишининг ёмонлашуви нерв шишишига ва суяк йўли деворларидаги нервнинг “мих”ланиб қолишига, бинобарин, юз мушаклари фалажининг аста-секин ривожланишига олиб келади.

## АЛОМАТЛАРИ

Касалликдан олдин, қулоқорти атрофларида оғриқ туради, шундан кейин тўсатдан юз мушакларининг бир ёқлама фалажи ривожланади.

Юз “қийшаяди” – оғизнинг бир бурчаги осилиб тушади, юзнинг касал томони ҳаракатдан бутунлай қолади, оғиз юзнинг соғ томонига қараб тортилади.

Бемор қошини кўтаролмайди, кўзини чимириб-юмолмайди, тили ҳам яхши ишламай қолади.

Юздаги сезиш қобилияти (игна санчилганда) аниқланмайди.

Айрим ҳолларда кўздан ёш чиқмаслиги ва фалаж томонда таъмнинг йўқолиши содир бўлиши мумкин.

Муолажа ўз вақтида бошланса, бир неча ҳафта ё ой ичida касаллик тўла тузалиб кетиши ҳеч гап эмас. Тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилинганда (касалликнинг 3-4 кунлари) юз мушаклари фалажи умрбод бўлиб қолиши мумкин.

**Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Касаллик аломатлари сезила бошлагандан шифокорга мурожаат қилиш керак. Мурожаат қанча эрта бошланса, юз нерви фаолиятининг тикланишига имкон шунча кўп бўлади.

## **ШИФОКОР КҮРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Бундай аломатлар күпгина касалликларда учрайди- инсульт, ички кулоқ яллиғланиши, эшитув нерви шамоллаганда, паришонхотирлик, бош мия ўсимтаси ва ҳоказоларда. Ушбу касалликларни истисно этиш ва ташхисни аниқлаш учун, текширувлар ўтказилади.

бош чаноғи магнит- резонанс томографиясида текширилади;  
еврологик текширув;

ЛОР аъзоларини текшириш ва ҳоказолар.

#### **Муолажа**

Муолажа нерв фаолиятини тиклашга, қон микроайланишини яхшилашга, яллиғланиш, шишни қайтаришга қаратилади. Шу мақсадда гормонал дорилар (Преднизолон, Метилпреднизолон), шамоллашга қарши дорилар (Ацетилсалицил кислотаси, Парацетамол, Диклофенак), ангиопротекторлар (Пентоксифиллин, Трентал), пешоб ҳайдовчи (Фуросемид), витаминлар (Нейромультивит, Бенфотиамин, Бенфогамма, Мильгамма) ва ҳ. қ. лар берилади. Ҳар хил физиотерапевтик амаллар, электростимуляция, лазер терапияси, игна санчиш муолажасини қўллаш ҳам, яхши самара беради.

## **ТАБИЙ ВОСИТАЛАР**

### **Ташқи муолажа учун ҳалқ табобати рецепслари**

10 марта суртишга 40-50 гр. мўмиё керак бўлади. Тунда тоза терига мўмиё суртилади. Қўлга жарроҳлик қўлқопини кийиб, юз терисига мўмиё 3-5 дақиқа, суртилади.

Яна “Невралгия” бўлимида келтирилган рецепслардан фойдаланиш мумкин.

## **СИЙДИК ТУТМАСЛИЛИК**

**Сийдик тутмаслилик** (энурез) - қиз болаларда 5 ёшдан, ўғил болаларда 6 ёшдан ошганда аксарият ойда бир марта уйқуда беихтиёр тагини ҳўллаб (сийиб) қўйиш касаллиги.

Соғлом болаларда икки ёшгача қовуқ ишини тўғри бошқариш шаклланади – пешоб чиқаришга бўлган қисташ уйғонади. Айrim ҳолларда бу жараён кечикади. Энурез 3 ёшдаги болаларнинг 40% да, 6 ёшдаги болаларнинг 10% да ва 12 ёшдаги болаларнинг 3% да

учрайди. Катта ёшдагилар орасида одамларнинг 0, 5% да бу ҳолни кузатиш мумкин.

**Бирламчи энурез** пешобни тунги вақтда, уйқу палласида, қовуқ пешобга тўлганида, бола уйғонмаганида, уни тутиб туролмаслиги билан намоён бўлади.

**Иккиламчи энурез** анча катта ёшда (7 ёшдан кейин) турли туғма ва орттирилган касалликлар оқибатида юзага келади (қандли ва қандсиз диабет, пешоб йўлларининг касалликка чалиниши, фемоз, баланопостит, гижжали инвазия, асабий ҳолатлар ва ҳоказо).

## **АЛОМАТЛАРИ**

Тунда тўшакни хўл қилиб қўйиш.

Энурез билан оғриган боланинг уйкуси қаттиқ, узоқ ва уйғониши қийин бўлади.

Кўпинча уйқунинг бошқа хусусиятлари кузатилади – ҳаракатли безовталиқ, уйқуда гапириш, уйқуда юриш ва ҳ. к.

### **Шифокорга қачон мурожаат қилиш керак?**

Агар бола 5 ёшдан ошганда ҳам тўшакни хўл қилиш одатини ташламаса, шифокорга мурожаат қилиш керак.

## **ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ**

### **Текшириш**

Ташхис қўйиш ва муолажа танлаш учун пешоб ва нажас таҳлилининг дастлабки текширувидан кейин бир қанча мутахассислар (уролог, педиатр, невропатолог) текширувидан ўтиш зарур. Жиддий урологик ўрганилади (цистоскопия, урография ва ҳоказо). Пешоб таҳлили жинсий касалланиши гумон қилинганидагина зарур (иккиламчи энурезни аниқлаш учун).

### **Муолажа**

Энг аввало, касалликнинг ҳар қандай зоҳир бўлган аломатини даволанади, умумий ёки жойдаги касалланиш бартараф этилади. Кечқурун ва тунда суюқлик ичиш чекланади, куннинг биринчи ярми ва тушликдан кейин суюқлик керакли миқдорда ичирилиб, қовуқнинг камайтириш учун красавка гиёҳининг дориси буорилади. Қаттиқ уйқунинг олдини олиш учун хитой лимони настойкасидан фойдаланилади. Шифокор маслаҳати билан ва унинг назорати остида транквилизаторлар, антидепрессантлар ва гормонал воситаларни қўллаш ижобий самара беради.

**Дори воситалари.** Дорилар шифокор маслаҳати билан ва унинг назорати остида ичирилади.

Бурун ичига қўллаш учун

**Гормонал воситалар:**

Адиурекрин

Десмопрессин (Адиуретин, Минирин).

**Ичиладиган дорилар**

**Транквилизаторлар ва антидепрессантлар:**

Амитриптилин (Амизол, Саротен-реторд)

Имипрамин (Имизин)

Хлордиазепоксид (Хлозепид, Элениум).

## ТАБИЙ ВОСИТАЛАР

### **Халқ табобати рецептлари (дамламалар)**

Энурезда кечқурун ётишдан 1-2 соат олдин 75-100 гр. хурмо еб олиш лозим. Шундан кейин ҳач нарса ейилмайди. Бу мевани узок муддат ейиш негизида нерв тизими заифлиги (пешобни тута олмаслик касаллиги)дан фориғ бўлиш имкони туғилади. Муолажа вақтида катта кишилар аччиқ овқат емаслик керак.

Қизилпойча гиёҳидан – 1 чой қошигини термосдаги 0, 5 мл. қайнатилган сувга солинади. 1 соат тиндирилади ва ухлашдан ярим соат олдин ярим стакан ичилади.

Брусника япроғининг – 10 гр. ни термосдаги 1 стакан қайнатилган сувга ташлаб дамланади, 45 кун давомида кунда 3 маҳал 2-3 ош қошиқдан ичилади.

Қайин япроғи, қизилпойча гиёҳи, ялпиз, мойчечак, тиллабош гиёҳи, қушторан гиёҳидан тенг микдорда олинади ва туйилади, ундан 8 гр. ни 350 мл. қайнатилган сувга солиб, сув ҳаммомида илитилади, иссиқ жойда 30 дақиқа тиндирилгач, докадан ўтказилади. Овқатдан кейин кунда уч маҳал ичилади.

Овқатда брусника, черника, калина мевалари ва шивит, арпабодиён меваси, сулидан иложи борича кўпроқ солинади. Муолажанинг қўйидаги тартиби кўпроқ самара беради: биринчиси – 2, 5-3 ой узок муолажа, 10-15 кундан танаффус қилиб турилади ва ҳар танаффусдан кейин тўпламлар алмаштирилади; иккинчиси – қисқа, 2-3 ҳафталик ва 1 ҳафта танаффуслик муолажа, бунда гиёҳлар тўплами ҳар 3-4 ойда алмаштириб турилади. Муолажани энурез ғойиб бўлгунча ва яна 3-4 ой давомида натижани мустаҳкамлаш учун давом эттириш зарур.

# МУНДАРИЖА

## 1 - қисм

СҮЗ БОШИ.....	3
I. боб. ЖАХОН ХАЛҚ ТАБОБАТИ.....	7
КҮХНА МИСР ТИББИЁТИ .....	7
КҮХНА ҲИНДИСТОН ТИББИЁТИ.....	11
КҮХНА ЭРОН ТИББИЁТИ.....	13
АНЬЯНАВИЙ ХИТОЙ ХАЛҚ ТИББИЁТИ .....	14
II. боб. ДАВОЛАШНИНГ САККИЗТА УСУЛИ.....	24
III. боб. ТИБЕТ ХАЛҚ ТАБОБАТИ.....	30
IV. боб. ШАРҚ ХАЛҚ ТАБОБАТИ .....	39
V. боб. VIII-XIX АСРЛАРДА ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН ШАРҚ ХАЛҚ ТАБОБАТ АЛЛОМАТЛАРИ .....	42
VI. боб. XII-XIX АСРЛАРДА ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН ШАРҚ ХАЛҚ ТАБОБАТИ АЛЛОМАЛARI.....	49
VII. боб. ИНСОН АЪЗОЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ЯШИРИН ҲИМОЯ .....	57
VIII. боб. БИЗ НИМА УЧУН НАФАС ОЛАМИЗ? .....	66
БҮЙРАК НЕГА КЕРАК? .....	70
КҮЗДА НИМА АКС ЭТАДИ? .....	74
ҚУЛОҚНИНГ ЭШИТИШ “УСКУНА”ЛАРИ .....	78
БИР МУҲИТДАН ИККИНЧИ МУҲИТГА ЁКИ СУВДАН ҚУРУҚЛИККА БИРИНЧИ НАФАС .....	80
IX. боб. ҲОМИЛАДА ҚОН АЙЛАНИШИ ВА БОЛА ДУНЁГА КЕЛИШИ БИЛАН УНДА РЎЙ БЕРАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР.....	82
ЧАҚАЛОҚ БОШИДАГИ ЛИҚИЛДОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ .....	85
ЧАЛҚАНЧА ЁТИБ СУВ ИЧИБ КҮРИНГ .....	86
СУТ ТИШЛАР .....	87
X. боб. ЮРАК СИРЛАРИ.....	88
БУЮК НЕЙМАТ .....	91
XI. боб. ФАРОЙИБ ҲУЖАЙРА .....	96
ГОРМОНЛАР ОЛАМИГА САЙЁХАТ .....	98

МҮЛЬЖАЗ КОНДИЦИОНЕР .....	104
ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ .....	107
ТАБИИЙ КУЧЛАР.....	108
XII. боб. ТАБИАТ ТАЪЛИМОТИ .....	112
ГИЁХЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	113
ГИЁХЛАРНИНГ ХОСИЯТИ.....	117
ИССИҚҚА ВА СОВУҚҚА МОЙИЛ ГИЁХЛАР.....	120
НАФАСНИ РАВОНЛАШТИРУВЧИ ГИЁХЛАР.....	123
ЎТ ИССИҒИНИ ҚАЙТАРУВЧИ ГИЁХЛАР .....	129
ИССИҚНИ ТУШИРАДИГАН ГИЁХЛАР .....	130
ҲЎЛ ВА ИССИҚНИ ҚАЙТАРУВЧИ ГИЁХЛАР .....	137
ИССИҚНИ ҚАЙТАРУВЧИ, ҚОННИ СОВИТУВЧИ ГИЁХЛАР .....	140
ЕЛ ҲАЙДОВЧИ ГИЁХЛАР .....	144
СОВУҚНИ ҲАЙДОВЧИ ГИЁХЛАР .....	145
ҚОННИ МЕЬЁРИГА КЕЛТИРИБ, ЖОНЛАНТИРУВЧИ ГИЁХЛАР.....	146
ҚОН ТЎХТАТУВЧИ ГИЁХЛАР .....	149
АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ГИЁХЛАР .....	151
ҚУВВАТЛАНТИРУВЧИ ГИЁХЛАР .....	152
МАНФИЙЛИКНИ АСРАЙДИГАН ГИЁХЛАР .....	154
ОВҚАТНИ ҲАЗМ ҚИЛДИРУВЧИ ГИЁХЛАР .....	155
ГИЖЖА ҲАЙДОВЧИ ГИЁХЛАР .....	157
ТИЗГИНЛОВЧИ ВА ОШЛОВЧИ ГИЁХЛАР .....	158
ШИФОБАХШ ГИЁХЛАРЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХОССАЛАРИ ВА ГАЛЕН ДОРИ-ДАРМОНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ....	159
ЎСИМЛИКЛАРДАГИ БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР .....	163
XIII. боб. ЮРАК ВА ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ.....	169
XIV. боб. НАФАС ОЛИШ ЙЎЛЛАРИНИ КАССАЛИКЛАРИ .....	220
XV. боб. ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ .....	234
XVI. боб. АСАБ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ.....	308

**А. УСМАНХҮЖАЕВ, Х. ДАДАЕВ**

**УЙГУНЛАШГАН АНЬАНАВИЙ  
ВА НОАНЬАНАВИЙ  
ТИБИЁТ**

**Ҳабибулла Отоуллаевич Акилов  
тиб. фан. доктори проф.  
тахрири остида**

**I-қисм**

---

Нусха кўпайтирувчи: **ЯТТ «Ризаев М.Х.».**

Босишга руҳсат этилди: 12.08.2021й.

Бичими: 21x30<sup>1/2</sup>.

Тошкент, Фаровон, 35.

## **АБДУКАРИМ УСМОНХЎЖАЕВ**

1930 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент Давлат тиббиёт институтини битирган. Тиббиёт фанлари номзоди, доцент, олий тоифали соғлиқни сақлаш ходими, «Соғлиқни сақлаш аълочиси».

Бугунги кунда Ибн Сино номидаги жамоат фондида Илмий гурӯхнинг раҳбари. Бадиий сухандон, 20 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп, тиббиёт бўйича китоблар, шунингдек, 500 дан ортиқ илмий мақолалар ва 6 та ихтиро муаллифи.

2020 йилда “Биринчи даражали меҳнат фахрийси кўқрак нишони соҳиби” медаль билан мукофотланган.



## **ХОЛМУРАТ ДАДАЕВ**

1952 йил туғилган.

1975 йил Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган.

1985 йилда Н. И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетида медицина фанлари номзоди илмий даражасини химоя қилган.

1989-1992 йй. И. М. Сеченов номли Москва медицина Академиясининг мақсадли докторанти.

2000 йилдан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида фаолият олиб бормокда.

Бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги Халқаро ахборотлаш Академияси мухбир аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди.

Телеграмм: +998 (93) 538-34-72. Email. [d-dadaev@jndex.ru](mailto:d-dadaev@jndex.ru).